


У И  
Г-20

ГАБРИЭЛЬ  
ГАРСИА  
МАРКЕС

ЁЛФИЗЛИКНИНГ ЮЗ ЙИЛИ






УИ  
УГ-20

Габриэль Гарсиа Маркес

**ЁЛҒИЗЛИКНИНГ ЮЗ ЙИЛИ  
ОШКОРА ҚОТИЛЛИК ҚИССАСИ**



РОМАН ВА ҚИССА



Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1990

9

Русчадан НУРАЛИ ҚОБУЛ, АНВАР ЖЎРАБОВ  
хамда ТОҲИР ҚАҲҲОР таржималари  
Рассом ВИКТОР АПУХТИН



**Маркес, Габриэль Гарсиа,**

Ёлғизликнинг юз йили; Ошкора қотиллик қиссаси: Роман ва қисса (Русчадан Н. Қобул, А. Жўрабов ва Т. Қаҳҳор тарж.) — Т.: Адабиёт ва санъат наш., 1990—352 б.

*«Ёлғизликнинг юз йили» (1968) романи колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркес помини дунёга танитди. Мазкур асар меҳр-ишфқат туйғусидан бебаҳра булган, адоват, жоҳилликка тўлиб-тошган олам ва худбинлашган одамзоднинг сунгги юз йиллик қисмати ҳақидадир. Инсоннинг лоқайдлик боғқоғига ботиб, ўзига ўзи бегоналашиши «Ошкора қотиллик қиссаси»да маҳорат билан тасвирланади.*

*Азиз китобхон! XX асрнинг йирик сўз санъаткорларидан бири, Нобель мукофоти соҳиби Маркес асарлари ўзбек тилида илк марта жарангламоқда. Дастлабки тажрибада камчиликлар булиши табиий. Муҳими, ажойиб бу икки асар ситинг руҳий оламингизни бойитади, фикрлашга ундайди.*

Маркес, Габриэль Гарсиа, Сто лет одиночества; Хроника объявленной смерти: Роман и повесть.

И(Латин)

4703040100 —  
Г  $\frac{\quad}{\quad}$  83—90  
М352(04)—90

© Журнал «Иностранная литература», 1970;  
1981 г.


© Н. Қобул, А. Жўрабов, Т. Қаҳҳор тарж.  
1990 й.

ISBN 5—635—00220—Н



# ЁЛҒИЗЛИКНИНГ ЮЗ ЙИЛИ

РОМАН



*Аурелиано таажжуб ёки қўрқувдан эмас, балки аини шу лаҳзада Мелькиадес қўлёмалари сирига калит топганидан қотиб қолди. Қўлёмалар эпитафи яққол кўз олдига келди: «Авлоднинг биринчи вакилини дарахтга боғлаб қўйишади, авлоднинг сўнггисини чумоштар еб битиради».*





Орадан кўп йиллар ўтгач, қатлга ҳукм этилган полковник Аурелиано Буэндиа девор остида туриб, ўзини отишларини кутаркан, отаси ғаройиб муз бўлагини кўрсатишга олиб борган ўша олис оқшомни эслайди. У пайтлар Макондо дегани қадим-қадимги улкан мавжудотлар тухумини эслатувчи оппоқ ва силлик харсангларга урилиб оқадиган шиддатли дарё буйидаги йигирма чоғли лойшувоқ уйли кичик бир кишлоқча эди. Дунё энди юз оча бошлаган, ҳали кўп нарсаларнинг номи йўқлигидан, уларни турли имо-ишоралар билангина кўрсатишарди. Ҳар йили март ойида жулдувроқи лўлилар галаси ҳуштагу дўмбиралар чалиб келиб, кишлоқ чеккасига чодир тикар ва Макондо аҳлига олимларнинг энг сўнги ихтироларини намойиш этишарди. Улар дастлаб оҳанрабо олиб келишди. Ориқ бармоқлари чумчуқ панжасини эслатувчи Мелькиадес деган серсоқол, норғул лўлининг таъкидлашича, оламнинг саккизинчи мўъжизаси бўлмиш оҳанрабо македониялик алхимиклар томонидан яратилган экан. Мелькиадес оҳанрабонинг хосиятини халойиқ олдида роса қойиллатиб намойиш қиларди. У қўлига икки оҳанрабо парчасини ушлаган кўйи, кулбадан кулбага ўтар, тоғораю қозонлар, қўраю оташкуракларнинг ўз-ўзидан жойидан қўзғалаётганини, миҳ ва мурватларнинг майишган тахталардан жонҳолатда суғурилиб чиқмоқчи бўлаётганини кўрган макондоликлар ҳайратдан ёқа ушланарди. Қачонлардир беиз йўқолган темир буюмлар, одамлар излаган ва излаб тополмаган жойнинг нақ ўзидан чиқиб қоларди. Макондоликлар Мелькиадеснинг кетидан тўда-тўда бўлиб эргашишарди. «Нарсаларнинг ҳам жони бор,— деди лўли ўзига хос шевада,— фақат уларнинг қалбини уйғота билиш керак». Аклидан ҳам хаёли тезкорроқ Хосе Аркадио Буэндиа, ўзича, одамларга ҳозирча наф келтирмаётган ушбу фан мўъжизасини ер қаъридан олтин қазиб олишда ишлатса бўлади-ку, деган ҳулосага келди.

Мелькиадес ростгўй одам эди. «Оҳанрабо бу ишга ярамайди», дея огоҳлантирди у. Аммо ўшанда Хосе Аркадио Буэндиа лўлиларнинг ҳалоллигига ишонмасди, шунинг учун ҳам оҳанрабо парчаларини ўзининг ҳачири ва бир қанча улоғига алмаштириб олди. Рўзғорни сал ўнглари деб, шу жониворларга кўз тиккан хотини Урсула Игуаран эрига монелик қилмоққа уришиб кўрди. «Қараб тур, ҳали сени олтинга кўмиб ташлайки, уни қўярга жой тополмай қоласан», дея силтаб ташлади эри. Хосе Аркадио Буэндиа сўзининг устидан чиқиш учун бир неча ой давомида ўжарлик билан ишлади. Ўша оҳанрабо парчаларини қўлида тутганча, Мелькиадес ўргатиб кетган афсунни ба-

ланд овозда зикр этиб, кишлок атрофидаги ҳамма жойни, хатто дарё тубларини ҳам қадам-бақадам текшириб чиқди. Аммо топгани ўн бешинчи асрга мансуб, урганда ичи тошга тўла ошқовоқ сингари овоз чиқарувчи занглаган совут бўлди, холос. Хосе Аркадио Буэндиа билан бу антика қидирув ишида катнашган тўрт ҳамкишлоғи совутни парчалаб кўринганда, ичидан суяклари нақ оҳакка айланган ва умуртка бўгинлари устида аёл сочи солинган медальон ётган одам скелети чиқди.

Март ойида лўлилар яна пайдо бўлишди. Энди улар каттакон дурбин ва сатҳи нақ ноградек келадиган заррабин олиб келишди ва бу нарсалар амстердамлик яҳудийларнинг энг янги ихтиролари, деб таърифлашди. Дурбинни чодир ёнига ўрнатиб, кўчанинг нариги бошига битта лўли қизни ўтказиб қўйишди. Макондолилар беш реал пул тўлаб, дурбиндан қарашганда халиги лўли қиз қўл етгудек жойда тургандек туюларди. «Фан масофани йўқотди,— дея хитоб қиларди Мелькиадес.— Яқинда одамлар уйдан чиқмай туриб ҳам жаҳоннинг исталган бурчагида бўлаётган воқеаларни бемалол курадиган бўлишади».

Бир куни жазирама маҳали лўлилар улкан заррабин ёрдамида гаройиб томонга кўрсатишди: кўча ўртасига қуруқ хас-чўпларни тўплаб, сўнг заррабин орқали унга қуёш нурларини тўғрилашган ҳам эдики, гарам ловиллаб ёниб кетди. Омадсиз аламзада Хосе Аркадио Буэндианинг миясига лон этиб, заррабинни ҳарбий қуролга айлантирсачи, деган фикр келди. Мелькиадес бу гал ҳам уни шаштидан туширишга уринди. Лекин охири бўлмагач, заррабинни оҳанрабо парчалари ва уч олтин ёмбига алиштиришга кўнди. Урсула аламидан йиғлаб юборди. У марҳум отаси минг бир азобда топган бу олтинларни қаравот остидаги сандикда сақлар, ўзича, ёмон куннинг яроғи шу, деб юрарди. Хосе Аркадио Буэндиа эса, хотинини юнатиш ўрнига, худди олимлардек, хавф-хатарни ҳам унутиб, заррабин ёрдамида тагин тажрибалар ўтказа бошлади. Душман лашкарига қарши курашда заррабинни қўлласа бўлар, деб аввал ўз баданида синаб кўрди — бутун териси куйиб, аъзо-баданини яра-чақа босди ва анчагача битмай юрди. Уйининг ёниш-ёнмаслигини ҳам синаб кўрмоқчи эди-ю, лекин хотини бу хатарли ниятидан уни зўрға қайтарди. Хосе Аркадио Буэндиа хонасида соатлаб ўтирганча, энг сўнгги ҳарбий қуролнинг стратегик имкониятлари хусусида мулоҳаза юритарди. У ҳатто янги қуролдан фойдаланиш юзасидан бирон кимса эътироз билдирмайдиган ва ниҳоятда равон ёзилган қўлланма тузди. Тажрибалари ҳақида гувоҳлар берган маълумотлар ҳамда қатор чизмалар шарҳи илова қилинган қўлланмасини ҳукумат вакилларига элтиш унун махсус чопар ҳам юборилди, у тоғу тошлардан ошиб, ботқоқларда адашиб, асов дарёларни кечди, ваҳший жондорлар таъқибига учраб, ёлғизлик азоби-ни чекиб, вабою ўлатни бир амаллаб четлаб ўтиб, ниҳоят, каттакон почта йулига чиқиб олди. Гарчи ўша йиллар шаҳарга боришининг деярли иложи бўлмаса-да, Хосе Аркадио Буэндиа, ҳукумат чорласа бас, шошилинч етиб бориб, ҳарбий қўмондонларга ўзи ихтиро қилган қуролни намойиш этишга, ҳатто уларни «софтоб жанги» санъатига шахсан ўқитиб-ўргатишга розилик берган эди. Бир неча йил давомида мактубига жавоб кутди. Ниҳоят, интиқлик жонига теккач, Мель-



киадесга, яна омадсизликка учрадим, дея ҳасрат қилди. Лули танги экан: ундан заррабинни олиб, олтинларини қайтариб берди, ҳатто унга Португалияда чоп этилган денгиз хариталари ва турли денгизчилик асбобларини совга қилди. Мелькиадес, Хосе Аркадио Буэндиага устурлаб, буссоль, секстант каби бурчак ўлчов асбобларидан фойдаланишни ўргансин деб, роҳиб Херман асарларининг қисқача баёнини ҳам ёзиб берди. Чексиз давом этган ёғингарчилик мавсумида Хосе Аркадио Буэндиа ҳовли тўридаги махсус жиҳозланган хилват хонага қамалганча, асбоблар ёрдамида турли тажрибалар ўтказарди. Рўзгор ишларини бутунлай ташлаб қўйган, кечалари юлдузлар ҳаракатини кузатар, ҳовлидан бери келмас эди. Осмоннинг энг юқори нуқтасини аниқлаш усулини топишга уринган кунларнинг бирида уни офтоб уришига оз қолди.

Асбобларни пухта ўргангач, макон ҳақида аниқ бир хулосага келдики, у энди хонадан чиқмай туриб нотаниш денгизларда сузар, қитъаларни бемалол тадқиқ этар, у ердаги одамлар билан хаёлан суҳбат қураар эди. Айни ўша кезларда у ўзи билан ўзи гаплашадиган одат чиқарди. Урсула ва болалари банан, маланга, маниока, ямс, ауйяма<sup>1</sup> га ишлов бериш учун далада азоб чекаётган маҳал у асло пинак бузмас, хонада уёққа-буёққа юриб, ўзи билан ўзи суҳбатлашарди. Аммо кўп ўтмай, Хосе Аркадио Буэндианинг қайноқ фаолияти бирдан сўниб, ғалати ҳолатга тушди. Бир неча кун ҳайратомуз тахминларни ўзича ғўлдираб, гўё афсун теккан мисоли каловланиб юрди. Ич-этини тирнаётган ўша тахминларини ниҳоят, декабрь ойининг сешанба кунларидан бирида, айни чошгоҳ маҳали лоп этиб тўкиб солди. Фарзандларининг умрбод эслаб қолгани шу бўлдики, бедорлигу машаққатли меҳнатдан қийналиб, нақ иситма тутгандай қалт-қалт титраётган оталари стол тўрига келиб ўтирдию тантанавор ва ҳатто улугвор бир кўринишда ўз кашфиётини ошкор этди:

— Ер худди апельсинга ўхшаш думалоқ бўлади, болаларим.

Бу гапдан сўнг Урсула чидай олмади. «Агар сен,— деди у эрига жаҳл аралаш,— ақлдан озсанг озавер, майли, худо хайрингни берсин, лекин анови лўлилар ўйлаб топган сафсаталар билан болаларимнинг бошини қотирма». Хотини жаҳл устида устурлабини полга улоқтирганида ҳам Хосе Аркадио Буэндиа сесканмади, пинак бузмай ўтираверди. Кейин янги устурлаб ясаб олди. Сўнг хоначасига кишлокдаги эркакларни йиғиб, уларнинг бирортаси тушуна олмаган ғалати ёзувларига қараб, агар шарққа қараб оғишмай сузиб кетаверилса, охири ғарб тарафдан — айни йўлга чиқилган жойга қайтиб келиш муқаррар, деди. Ҳамкишлоқлари, Хосе Аркадио Буэндиа ақлдан озибди-да, деб ўйлашди. Аммо Мелькиадес қайта пайдо бўлдию бу фикрни чиппакка чиқарди. У бутун жамоа олдида Хосе Аркадио Буэндианинг ақлига тасанно ўқиди. Мелькиадеснинг таъкидлашича, аллақачоноқ тажрибада тасдиқланган, аммо ҳали Макондо аҳлига номаълум бўлган ҳақиқатни Хосе Аркадио Буэндиа биргина

<sup>1</sup> Малаанга, маниока ва яма — илди? мезали ўсимликлар; ауйяма — хиндуча, ошқовоқ дегани.

астрономик кузатиш орқали мустақил кашф этган экан. Мелькиадес унинг заковатига тан бериб, кейинчалик бутун қишлоқнинг тақдирига таъсир кўрсатган алхимия лабораторияси асбобларини унга ҳадя қилди.

Ўшанда Мелькиадес негадир тез қаргая бошлади. У илк бор қишлоққа келганда Хосе Аркадио Буэндиага тенгдошдек туюлар эди. Буэндиа эса ҳалиям жуда кучли, энг асов отни ҳам қулоқларидан ушлаб бир зумда ерга қулата оларди. Лулини қандайдир номаълум, лекин ўжар бир хасталик емириб бораётгандай эди. Аслида Мелькиадесни адоий тамом қилган нарса — оворай жаҳон бўлиб юрганида орттирган бир печа касалликнинг оқибати эди. Хосе Аркадио Буэндиага лабораторияни жиҳозлашда ёрдам бераркан, қаерга бормасин нуқул ажал таъқиб қилаётгани, лекин уни батамом қулатишга жазм этолмаётгани ҳақида сўзлаб берди. У инсоният бошига тушган ҳамма балою офатлардан бус-бутун чиққан эди. Мелькиадес Эронда қўтир, Маланд архинелагида зангила, Искандарияда мохов касали билан оғриганда ҳам, Японияда бухрон касалига, Мадагаскарда вабога йўлиққанида ҳам, Сицилия оролидаги зилзилада ҳам, Магеллан бўғозида кема ҳалокатига учраганида ҳам омон қолган эди, Нострадамус<sup>1</sup> сирлари билан танишман, деб юрадиган, шуҳратнинг аччиқ мевасини татиган бу ғаройиб кимсанинг юзи доимо тунд, осиеликларники каби қисик кўзлари гўёки буюмларнинг тескари томонини ҳам кўра оладигандек туюларди. У соябони қарғанинг ёзиқ қанотларига монанд катта шляпа, нақ бир асрлик моғор босган нимча кийиб юрарди. Донишмандлигию сирли қиёфасига қарамасдан, у аслида ҳаммага ўхшаган оддий одам бўлиб, ҳаётни севар, ана шунинг учун ҳам ноҳуш кундалик турмуш ташвишларига кўмилиб яшар эди. Мелькиадес борган сари мадорини қуритаётган қарикдан зорланар, пулсизлик азобидан қийналар, зангила касалига учраб, тишлари тўкилиб кетганидан буён эса мутлақо кулмай қўйган эди. Хосе Аркадио Буэндианинг фикрича, Мелькиадес ўз сирларини айтиб берган кундан бошлаб, иккови қиёматли дўст бўлиб қолишган эди. Лулининг ақл бовар қилмайдиган нақллари, айниқса, болаларни хаяжонга соларди. Беш ёшдан ошган Аурелиано ойналари қуёш нурида товланаётган дераза ёнида ўтирган Мелькиадесни бир умрга эсдан чиқармайди. Лулининг гўё орган товуши янглиғ сокин овози мянанинг энг зулмат бурчакларига ҳам сингар, меҳмоннинг икки чаккасидан иссиқдан эриётган ёғ каби бетиним тер оқар эди. Аурелианонинг акаси Хосе Аркадио Мелькиадеснинг айни шу ғаройиб ҳолатидаги сиймосини ўз авлодларига отамерос бир хотирот сифатида етказди.

Урсулага лўли асло ёкмади. Аксига олиб, у хонага кириб келган бир пайтда Мелькиадес хлорли симоб қуйилган шишани тўсатдан синдириб қўйган, шу боис ёқимсиз бўй димоғига теккан Урсула:

— Шайтон шундай сасийди,— деди жирканиб.

<sup>1</sup> Нострадамус (1503—1566) — француз астрологи ва табиби, «Аср» китобининг муаллифи.



— Аксинча,— эътироз билдирди Мелькиадес.— Айтишларича, шайтондан олтингугурт анқийди, бу ерда эса озгина сулема<sup>1</sup> бор, холос.

Ва худди ана шундай насихатомуз оҳангда ҳидларнинг шайтоний хусусиятлари тўғрисида узоқ сафсата сўкиди. Урсула унинг гапларига мутлақо нарво қилмасдан, болаларини ибодатга олиб чиқиб кетди. Ўша кундан бошлаб бу ўткир ҳид унга доимо Мелькиадесни эслатадиган бўлди.

— Қозонлар, даҳана, реторта, элак ва филтърларни ҳисобга олмаганда, одмигина бу лаборатория оддий боскон, фалсафий тухумга тақлид қилиб ясалган ва қачонлардир Яҳудий Мария<sup>2</sup> фойдаланган ҳамда лўлиларнинг ўзлари энг сўнгги тафсилотларга асосланиб тайёрлашган уч оқизгичли идиш ва дистиллятордан ташкил топганди. Булардан ташқари, Мелькиадес Хосе Аркадио Буэндиага етти қитъага мос етти металл намунасини, Моисей ва Зосиманинг олтин миқдорини икки бараварга кўпайтириш имконини берувчи формулаларини, алхимияда металлларни олтинга айлантириш учун ишлатиладиган қурилманинг тузилиши ва чизмаларини ҳам бергандики, бу чизмаларни тушуниб оладиган киши, гўёки ҳикмат тоши<sup>3</sup> ясай олиши мумкин экан. Олтин миқдорини икки бараварга кўпайтириш формулаларининг жўнлигини кўрган Хосе Аркадио Буэндиа бир неча ҳафта Урсулани авраганча, унинг ўша сандиғидан қадимий тангачаларни олиб, симоб неча бўлакка бўлинса, тангачаларни шунча мартага кўпайтиришга рухсат сўради. Урсула ҳар галгидек унинг катъияти олдида чекинди. Ўттизта тилла тангани олган Хосе Аркадио Буэндиа, уларни қозонга ташлаб, аурнигмент, мис купороси, симоб ва кўрғошинга кўшиб эритди. Сўнгра эритмани канакунжут мойи солинган қозонга ташлаб роса «қовурди». Аммо қанча уринмасин, оддий олтин ўрнига, аллакандай бадбўй, шарбатсимон қуйка ҳосил бўлди. Лекин у ҳамон бўш келмасди. Қуйкани етти қитъага мувофиқ келадиган металллар аралашмасига кўшиб эритди, унга мис ва гермес симоби<sup>4</sup> билан ишлов берди, чўчка ёғида (бошқа ёғ йўқ эди) обдон «қовурди» ва натижада Урсуланинг олтинлари ҳатто қозон тагидан ҳам кўчиши қийин бўлган куйик бир тошга айланди-қолди.

Лўлилар қайтиб келгунларича Урсула қишлоқ аҳлини уларга қарши қайраб улгурди. Аммо синчковлик ҳадикдан устун чиқди. Лўлилар турли чолғу асбоблари садоси остида кўча айланишди, уларнинг жарчиси назиянз<sup>5</sup> ликларнинг ғаройиб ихтироларини намойиш этажакларини хабар қилди. Бир сентаводан тўлаган одамлар чодирга кириб, қайта ёшарган, юзидаги ажинларидан асар ҳам қолмаган, янги

<sup>1</sup> Сулема — захарли оқ кукун, симобхлорид.

<sup>2</sup> Яҳудий Мария — эраמידан аввалги III асрнинг охирида яшаган алхимик аёл.

<sup>3</sup> Алхимиклар металлни олтинга айлантиришда ишлатиладиган тош.

<sup>4</sup> Гермес симоби — алхимиклар олтин тайёрлашда ишлатишган махсус симоб. У алхимияга асос солганлардан бири — Гермес Трисмегеста номи билан аталган.

<sup>5</sup> Назиянз — Кичик Осиёдаги қадимий шаҳар.

тишлари яраклаб турган бакуват Мелькиадесни кўришди. Унинг тишсиз ялангоч милкини, ажин қоплаган юзини, қақшаган лабларини эслаб қолганлар, лўлиларнинг таиритабийи мўъжизаси олдида кўркувдан сапчиб тушишди. Мелькиадес соғлом тишларининг барини бирваракайига оғзидан чиқариб одамларга кўрсатдию бир он ўша кекса лўлига айланди. Сун тишларини тагин жойига қўйиб, ёш йигитлардай табассум қилганида саросима, шовкин баггар кучайди. (Хатто Хосе Аркадио Буэндианинг ўзи ҳам, тагин Мелькиадес инсу жинслар билан тил топишган бўлса-я, деган гумонларга борди. Лекин ўзлари танҳо қолишганида, лўли ясама тиш нималигини тушунтиргач, Хосе Аркадио Буэнданинг кўнгли жойига тушди, хатто хандон отиб кулди.) Бу синоатлар унга шу қадар жун ва ғалати туюлдики, бир кун ўгар-ўтмас алхимияга бўлган иштиёқи сусайди. У бирдан тушқунликка берилди. Ҳаёлига келса овқатланар, эртадан кечгача мақсадсиз ҳовли кезарди. «Жаҳонда ажойиб воқеалар содир бўляпти,— дея шикоят қилди у Урсулага. — Дарёнинг нариги томонида турли сеҳрли аппаратлар мавжуд, биз бўлсак бу ерда ҳануз молдай яшаб келяпмиз.» Макондо барно бўлганидан буён Хосе Аркадио Буэндиани биладиганлар унинг Мелькиадес таъсирида нечоғлик ўзгариб кетганидан ҳайратга тушар эдилар.

Илгари Хосе Аркадио Буэндиа ёш раҳнамони эслатар, зироатчилик, болалар тарбияси, мол боқиш юзасидан ҳаммага маслаҳат берар, жамоа равиқи учун эфир меҳнатдан қочмас, ҳамқишлоқларига сидқидилдан ёрдамлашарди. Хосе Аркадио Буэндиа хонадони қишлоқдаги энг буг рўзгор саналганидан, бошқалар ундан андоза олишга ҳаракат қилишарди. Унинг уйи — қатта ёруғ меҳмонхона, тоқчаларда анвойи гуллар турадиган равоқли ошхона, иккита хобгоҳдан иборат эди. Ҳовлида улкан қаштан дарахти ўсар, уй ортидаги томоркага доимо эринмасдан ишлов берилар, кўтонда эчки, чўчка ва товуқлар — ҳаммаси арабаш боқиларди. Аммо бу уйда ҳам, қишлоқдаги бошқа хонадонларда ҳам жангари хўрозларни сақлаш ман этилган эди.

Урсула ҳам эри каби меҳнатқаш эди. Ҳаётида ақалли бирор марта кўшиқ айтмаган ва ўта жиддий, асаблари нақ темир, қотма аёл ғира-шира тондан то ярим кечгача тиниб-тинчимас эди. У шунчалар серҳаракат эдики, тўё бир жуфт эмас, нақ ўн жуфт қўли бор, дердингиз, неки иш бўлса, у бурарди. Унинг голланд матосидан тикилган, оҳорланган юбкасининг шалдирок говуши тўё уйининг ҳамма бурчагидан чиқаётгандай туюларди. Урсуланинг пухталиги сабаб, поллар, оқланмаган деворлар, бесўнақай мебеллар яраклар, кийим шкафидан эса анвойи хид тараларди.

Қишлоқдаги энг тадбиркор одам Хосе Аркадио Буэндиа лойиҳасига биноан Макондодаги уйлар шундай тартибда жойлашган эдики, одамлар дардан сув олиб келиш учун боргани асло қийналишмасди, бўлажак кўчаларни усталик билан белгилаб чиққандики, куннинг энг иссиқ пайтида ҳам куёш нури ҳар бир хонага баравар тараларди. Макондо икки-уч йил ичида уч юз жон яшайдиган ғоят покиза, шинам қишлоққа айланди. Бу бахтиёр гушада яшайдиганлардан бирортасининг ҳам ёши ўттиздан нарига ҳатламаган, бинобарин ҳали ҳеч ким аччик қазо шаробини тотиб кўрмаган ҳам эди.



Макондо маскан этилган илк кунлардаёк, Хосе Аркадио Буэндиа хар хил тузоғу қафаслар ясашга киринди. Тез орада у нафақат ўз уйини, балки қишлоқдаги бошиқа хонадонларни ҳам зарғалдоқ, саъва, асалхўр, тоғчумчук каби қушлар билан тўлдириб юборди. Бечора Урсула қушлар шовқинидан ақлдан озиб қолишдан кўрқиб, қулоқларига пахта тикиб юрарди. Мелькиадеснинг жамоаси биринчи бор қишлоқда пайдо бўлиб шиша шарчалар сотишган пайтлар, Макондо аҳли ҳайрон қолиб, бу хилват масканга қандай йўл топдинглар, деб сўрашганда, лўлилар рўй-рост қилиб, биз қушлар сайроғини мўлжал этиб келавердик, дея тан олишган эди.

Аммо оҳанрабога савдойилиги, мунажжимлик иштиёқи, тилла топиш васвасасию мўъжизаларга ташналик Хосе Аркадио Буэндиа қалбидаги жамоатга наф келтириш истагини сиқиб чиқарди. Саранжом-саришта, ҳаракатчан Хосе Аркадио Буэндиа эндиликда худобезор танбалга айланди-қолди. Баъзан аччиги чиққан Урсула анча машаққат чекиб, унинг соқолини киртишлаб, тартибга солиб қўйишини айтмаса, аксар ҳолларда соч-соқолини ўстириб, кир-чир кийимда юраварди.

Қишлоқдошлари, Хосе Аркадио Буэндиа аллақандай жодуга чалинибди, деб ўйларди. Лекин уни ақлдан озибди деб ҳисоблайдиган кишилар ҳам, Хосе Аркадио Буэндиа, «Чўкич ва белкурак олиб, Макондони буюк ихтиролар билан боғлайдиган сўқмоқ очамиз, қани, менга кўмак берадиган мард борми?» деганда, уй-рўзгорини ташлаб унинг ортидан эргашдилар.

Хосе Аркадио Буэндиа бу ерларнинг тузилишини мутлақо билмасди. Шарқ томонда баланд, деярли ўтиб бўлмас тоғ тизмалари, уларнинг ортида эса қадимий Риоача шаҳри борлиги унга аён эди, холос. Бобоси Аурелиано Буэндиа Биринчининг ҳикояларига кўра, илгари бу шаҳарлик сэр Фрэнсис Дрейк<sup>1</sup> замбараклардан кайман<sup>2</sup>ларга ўт очиш билан кўнгил очаркан. Кейин унинг буйругига биноан, ўлдирилган ҳайвонларнинг терисидан ясалган тулумларга похол тикилиб, қилсан қиролича Елизаветага юборилган. Ёшлигида Хосе Аркадио Буэндиа билан кўпчилик эркаклар, хотин-халаж мол-ҳолларини етаклаб, рўзгор анжомларини кўтарганча, денгиз бўйида истикомат қилиш учун шарқдаги ўша тоғ тизмаларидан ошиб келишган эди. Икки йилу икки ой деганда ҳам денгиздан дарак бўлмагач, хафсалалари пир бўлди, аммо орқага қайтишни ор билишиб, айни бугунги Макондо ўрнида қароргоҳ қуришган эди. Шу боис, шарққа элтадиган йўл уни қизиктирмас эди: бу йўл фақат ортга, ўтмиш ҳаётга олиб борарди. Жанубда мангу ўт-ўланлар билан қопланган ботқоқликлар ҳамда лўлиларнинг лувоҳ беришларича, учи-қуйруғи йўқ беноён водий ястаниб ётарди. Воҳа ғарбда поёнсиз сув ҳавзасига туташиб кетган, айтишларича, у ерда териси нозик, боши ва бели аёлларникига монанд, кўкракларининг сеҳри билан денгизчиларни нобуд қиладиган ғаройиб китси-

<sup>1</sup> Фрэнсис Дрейк (1541—1592) — инглиз денгизчиси, Америка қирғоқларида қароқчилик қилиб, испанларга қарши курашган.

<sup>2</sup> К а й м а н — тимсоҳнинг бир тури.

мон махлуқлар яшаркан. Ҳанда лўлилар хачирлар қатнайдиған бир парча қаттиқ ерга етиб олғунларича роса ярим йил сувда сузишган экан. Хосе Аркадио Буэндианинг фикрича, равнак топган комил дунёга етиш учун фақат шимолга қараб юриш керак эди. Мана, энди у Макондони ташлаб, ҳамроҳ бўлиб чиққан уч қишлоқдошини белкурак, чўкич ва ов милтиғи билан қуроллантириб, ўзи турли асбоблару хариталар солинган йўлхалтани елкасига илиб, хавфли сафарга отланди.

Дастлабки кунлари қийинчиликка дуч келишмади. Тошлоқ соҳил бўйлаб дарёнинг ўзларига таниш ўша темир совут топилган жойига тушишди-да, ёввойи апельсинлараро тор сўкмоқдан юриб, ўрмонга киришди. Ҳафта давомида йўловчилар қийик отишди, гўштини пишириб, ярмини захирага олиб қолишди. Тўтиқушларнинг мушк хиди анқийдиған кўкмиртир гўштини ейдиған пайт келишини билғанлари учун ҳам шундай қилишди. Сўнгги ўн кун ичида офтоб нурина деярли қўришмади. Оёқ остидаги тупроқ юмшоқ ва нам бўлиб, худди вулқон қулига ўхшар, дов-дарахтлар юзни тимдалар, қушларнинг товушию маймунларнинг қийқирғи гирд-теваракни тутиб кетган, гўёки дунёда қувонч умрбод йўқолғандек эди. Рутубат ва мангу осойишталик ҳукмрон бу жаннатмаконда этиклар доимо буғланиб турадиған мойсимон тўла чуқурларга ботиб қолар, мачете<sup>1</sup>лар тилларанг қалтакесаклар ва қизғиш гулсафсарларни бетиним кесар, одамларга унут бўлаётган ширин хотиралар азоб берар эди. Улар бутун ҳафта давомида бир оғиз ҳам гаплашмасдан, ўпкаларига тикилиб қолған қоннинг нохуш ҳидини туйғанча, фақат ёнар қуртлар хира шуъла сочиб турувчи бу бахтиқаро дунёнинг ичкарасига тобора кириб боришди. Орқага қайтишнинг иложи йўқ, негаки дов-дарахтларни чопиб очған сўкмоқ ўша зумдаёқ ўт-ўланларга кўмиларди. «Ҳечқиси йўқ, — дерди Хосе Аркадио Буэндиа, — фақат йўналишни йўқотмасак бўлгани». У компас милига тикилғанча, одамларни шимолга бошлади. Ниҳоят, улар бу тилсимот дунёсидан чиқишди. Энди юлдузсиз зимзиё тун ўраб олди, аммо бу зулматнинг ҳавоси тоза эди. Узоқ йўл юриб тинка-мадори қуриған йўловчилар гамак<sup>2</sup>ларини дарахтга осиб, икки ҳафталик уйқусизлик азобидан сўнг қаттиқ уйқуга кетишди. Улар қуёш анча тепага кўтарилганда уйғонишди ва ҳайратдан қотиб қолишди — шундоққина қаршиларида, қирққулоқ ва палмалар орасида, қуёш нурида товланиб, чанг босған, оппоқ, улкан испан кемаси турарди. Ўнг биқинига сал қийшайған; ҳали бус-бутун мачталардаги орхидея гуллари чирмашиб ётған арқонлар орасида елқанларнинг увадаси чиққан булақлари осилиб ётар, кеманинг тошга айланған чиғаноклар ва нафис сув ўтлари билан қопланған танаси ерга қаттиқ ўрнашиб қолғанди. Бу кема ҳеч нарса, ҳатто беомон замон ҳам, қушларнинг бетиним сайроғи ҳам дахл қилолмайдиган ўзгача бир ёлғизлик ва унутлик масканида муқим ва мағрур тургандай эди. Йўловчилар бетоқатликдан қийналиб, кема ичини текшириб чиқишди-ю, лекин гуллар салтанатидан бўлак ҳеч вақо то-

<sup>1</sup> М а ч е т е — шакарқамиш кесишда ишлатиладиган қаттақон пичоқ.

<sup>2</sup> Г а м а к — осма тўр беланчак.



пишолмади. Кема денгизнинг яқинлигидан нишона эди. Хосе Аркадио Буэндианинг шашти бирдан сусайиб қолди. У топилдикни лаънати тақдирнинг таҳқирли мазахи деб қабул қилди, бир вақтлар азобукубат чекиб тонишолмаган денгиз, энди уни қидириш хаёлларига келмаган бир пайтда йўлларига ўтиб бўлмас тўсик бўлиб тушган эди. Орадан анча йиллар ўтгач, полковник Аурелиано Буэндиа ҳам бу жойларга келади, аммо у эндиликда бу ердан почта йўли ўтганини, кеманинг қолган-қутган қисми қизғалдоқлар уммонидаги кичик бир оролдадек қорайиб турганини кўради. Ўшанда, ҳамма нарсани ўз кўзи билан кўргач, бир вақтлар отаси сўзлаб берган бу ривоят уйдирма эмас, ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилиб, ўзига-ўзи: «Кема бу узоқ қуруқликка қандай келиб қолди экан?» дея савол беради. Лекин унинг отаси Хосе Аркадио Буэндиа бу жойдан роса тўрт кунда ўн икки чақирим йўл юриб денгизга етганда, кема бу жойларга қандай чиқиб қолган, деган саволни мутлақо ўйламаган эди. Қулранг, кўпикланиб ётган ифлос денгизни кўргач, унинг орзулари саробга айланди-қолди: денгиз у билан шериклар чеккан шунча азоб-уқубатларга арзимас эди.

— Лаънат-э! — деб ҳайқирди Хосе Аркадио Буэндиа.— Макондо чор тарафдан сув билан ўралган экан!

Сафардан қайтгач, Хосе Аркадио Буэндиа харита тузди. Макондо ярим оролда жойлашган эди. Ўша ўзбошимча харита боис, Макондо ярим оролда жойлашган, деган ғоя узоқ вақт қишлоқ аҳлини ўйлатиб қўйди. У ташқи дунё билан алоқа қилиш йўлларининг қийинлигини атайлаб бўрттириб кўрсатиш ва қишлоқлари учун жиддий ўйламай туриб ана шундай ноқулай жойни танлагани учун ўзини-ўзи жазолаш ниятида ўша хаританинг устидан жон-жаҳди билан қизиқ тортарди. «Биз бу ердан ҳеч қачон чиқа олмаймиз,— дея ҳасрат қиларди у Урсулага.— Фан сирларини билмасдан ана шу қишлоқда тириклай чириймиз». Бу фикрини ўзининг кичик лабораториясида бир неча ой давомида сақичдай чайнай-чайнай, ахийри, Макондони бошқа, қулайроқ бир жойга кўчириш керак, деган қарорга келди. Лекин хотини унинг бу режасига ғовлик қилди. Чумолига ўхшаб шовқинсиз, бетиним ҳаракат қиладиган Урсула, аёлларни янги жойга кўчишга тайёр калтафаҳм эркакларга астойдил қарши қўйди. Хосе Аркадио Буэндиа ўз режаси қачон ва қайси ғаним кучлар қутқуси билан аввалига чуваланиб, сўнг иккиланиш, ваз-қорсонлар ва эътирозлар чангалзориди адашиб қолиши ва ниҳоят бир умр рўёбга чикмас армонга айланиши сабабини айтиб бера олмасди. Урсула гўё ҳеч нарсани сезмагандек эрини кузатарди. Бир куни эрталаб кўчиш ҳақида ўзига мингиллаганча лабораториясидаги асбобларни қутиларга жойлаётганида, эрига астойдил ачинди ҳам. Аёл эрининг норозилик билан тўнғиллашидан бошқалар унинг режасини қўллаб-қувватламаганини тушунган бўлса-да, у қутиларга миҳ қоқиб, соқолига совун суркайдиган чўтқасини сиёҳга ботириб, қутиларга исми-шарифини ёзаётганда ҳам лом-мим демади. Фақат эр хона эшигини ошиқ-мошиғидан чиқараётганида Урсула, нима қияпсан, деб сўрашга жазм этди. «Агар ҳеч ким кўчишни истамаса,— дея жавоб қилди Хосе Аркадио Буэндиа алам билан,— ўзимиз кетамиз». Урсула эса ўзини осойишта тутди.

— Йўқ, биз кетмаймиз,— деди у.— Шу ерда қоламиз, ахир бу ерга ўғлимизнинг киндик қони теккан-ку.

— Лекин бу ерда бирон яқинимиз ўлган эмас,— деб жавоб қайтарди Хосе Аркадио Буэндиа.— Яқин кишиси дафн қилинмаган ер одамни ўзига боғлолмайди.

Урсула қатъий эътироз билдирди:

— Агар шу ерда қолиш учун ўлиш лозим бўлса, майли, мен ўламан.

Хосе Аркадио Буэндиа хотинининг бу қадар ўжар эканига ишонгиси келмади. Урсулани ўзининг ширин орзулари: сеҳрли суюқликни тупроққа томизилган заҳоти инсон измига бўйсунувчи, дарахтлар беҳисоб ҳосил берадиган, арзон-гаровга турли асбоблар сотиб олиб беморларни даволаш мумкин бўлган сеҳрли дунё ваъдаси билан аврай бошлади. Лекин буларнинг ҳеч бири Урсулага таъсир қилмади.

— Кечаю кундуз миянгни тентагона хаёллар билан банд этмай, болаларга қарасанг-чи! — деди у.— Уларнинг аҳволига бок, боқувсиз қолган кучукваччаларнинг ўзи-ку.

Хосе Аркадио Буэндиа хотинининг гапини тўғри маънода тушунди, деразага боқди ва офтоб қиздирган яйдоқ далада турган икки яланг оёк боласини кўрди: назарида улар Урсуланинг гапидан сўни, йўқ жойдан бино бўлишгандек эди. Шунда Хосе Аркадио Буэндианинг қалбини муҳим ва сирли бир ҳис эгаллади ва телба ташвишлардан тамом халос этиб хаёлу хотирот денгизи тўлқинларида сузишга мажбур қилди.

Эри энди умрининг охиригача уйни ташлаб кетмаслигига инонган Урсула полларни сунпуришга тушганида ҳам Хосе Аркадио Буэндиа ўғилларига таажжуб ила боқиб тураверди, ниҳоят, киприклари намланиб, кўзларини қўли билан артди-да, чуқур хўрсинди:

— Майли. Ўғилларингга айт, кутиларни бўшатишга ёрдам беринсин.

Тунгичи, Хосе Аркадио ўшанда ун тўрт ёшда эди. Унинг боши думалок, сочлари жингалак, хулк-атвори эса худди отасиникидай эди. Бу бақувват йигитчанинг келбати падари бузрукворидек паҳлавон бўлиб етишмоғидан дарак берса-да, лекин отасига ўхшаш хаёлпараст эмаслиги аён эди. Хосе Аркадио жамоа тоғдан ошиб, айни Макондо ўрнида қароргоҳ қуришидан сал илгари дунёга келганди. Ота-онаси гудакни қўлга олиб, ундан ҳайвонларга хос ҳеч қанақа белги тополмагач, роса кувониб, худога шукрона билдирган эди. Макондода туғилган биринчи инсон — Аурелиано эса март ойида олти ёшга тўларди. Камган ва одамови. Аурелиано она қорнидаёқ йиғлаб, кўзи очик ҳолда туғилди. Киндигини кесишайтганида ҳеч сесканмади, бошини айлантирганча, хонадаги ашёлар, атрофини қуршаган одамларнинг кўзларига бир-бир синчков қараб чиқди. Кўргани келган қариндош-уруғларга ҳам эътибор бермасдан, бутун диққатини пальма баргларидан ясалган ва чакка ўтаверганидан ҳар бир сонияда босиб тушишга маҳтал шифтга қадади. Урсула Аурелианонинг назари оғирлигини ўғли уч яшарлигидаёқ пайқаган эди. Ўшанда гўдак ошхонага кириб келди. Урсула қайноқ шўрва солинган сопол идишни плитадан олиб столга қўяётган эди. Бўсагадан берирокда турган Аурелиано:



«Ҳозир тушиб кетади», деди журъатсизлик билан. Столнинг тақ ўртасида турган идиш бу гапдан сўнг гўёки биров жон ато этгандек стол четига сурилди-да, полга тушиб чил-чил синди. Капалаги учиб кетган Урсула воқеани эрига айтди, лекин эри заррача ажабланмади. У болаларни одам ҳисобига қўшмагани учун, қолаверса, ўзининг телбанамо машғулотларига тамом ғарқ бўлгани туфайли, ўғилларининг туриш-турмушига мутлако қизикмас эди.

Лекин ўша болаларни ёрдамга чақирган кундан бошлаб, Хосе Аркадио Буэндиа ўғилларининг тарбиясига кўп вақт ажратадиган бўлди. Деворига антика хариталар, ҳаёлий чизмалар осилган кичик хонада фарзандларига ўқиш ва ёзишни, ҳисобни ўргата бошлади. У бор-йўқ билимию бой тасаввурига таянган ҳолда, ўғилларига дунё муъжизалари тўғрисида сўзлаб берарди. Отанинг ҳикояларига қараганда Африканинг жанубий томонида доно ва мўмин одамлар яшаркан ва улар уззукун ҳаёл суриб ўтиришаркан, Эгей денгизини ороллардан оролларга сакраб, то Салоника портигача пиёда кесиб ўтиш мумкин экан. Бу тунги суҳбатлар, турли латифаларга бой воқеалар болалар хотирасига шунчалик муҳрланиб қоладики, орадан кўп йиллар ўтиб, ҳукумат қўшинларининг офицери аскарларга, «Отилсин!» деб буйруқ беришига бир неча сония қолганида, девор остида тик турган полковник Аурелиано Буэндиа Мемфис донишмандларининг сўнги, одамни лол қолдирувчи ихтиролари билан таништириш учун кишлоққа қайтиб келаётган лўлиларнинг узокдан келаётгани най, ноғора ва дўмбира нағмаларини эшитган отаси физика дарсини ҳам чала қолдириб, қўлларини тепага кўтарганича ҳайратдан тек қотган ўша илиқ баҳор кечасини эслайди.

Бу гал келган ёшроқ лўлилар нотаниш эди. Лўли қавмининг бу ажойиб вакиллари ниҳоятда чапдаст, баданларига хушбўй мойлар сурқалган ёш эркагу аёллар бўлиб, фақат ўз тилларида сўзлашар эдилар. Лўлилар кишлоқ кўчаларини музика товушию шўх ўйин-кулгига тўлдиришди. Улар ўзлари билан итальянча қўшиқ айтадиган патлари ранг-баранг тўтиқушларни, ноғора садоси остида олтин тухум туғувчи (ҳар сафар юзтадан) товуқ, одамнинг кўнғлидаги гапни айтиб берувчи маймун, тугма қадашда, беморнинг иссиғини туширишда ҳам барабар асқотадиган ғаройиб машина, ноҳуш хотиротларни ҳаёлдан ўчирувчи аппарат, дилни хуш этувчи малҳам ва бошқа антиқа нарсаларни олиб келишгандики, уларнинг номларини миясида сақлаб қолиш учун Хосе Аркадио Буэндиа махсус хотира машинасини ихтиро қилиши керак эди. Лўлилар келдию кишлоқ жамоли ўзгарди-қолди. Ўша кунлари кишлоқ гавжум бозорни эслатардики, Макондо аҳли ўз кўчасида адашиб қолиши ҳеч гап эмасди. Оломон ичида йўқотиб қўймаслик учун болаларининг қўлларидан маҳкам тутган Хосе Аркадио Буэндиа Мелькиадесни тезроқ топиб, бу ғаройиб тушнинг таъбирини сўраш умидида, одамлардан анқиётган тезак ва мушқи-анбар ҳидларидан димикиб, ўзини ҳар ёкка урар, гоҳ тилла тишли табиб, гоҳ олтиқўлли сеҳргар билан тўқнашарди. Лўлилардан Мелькиадесни суриштирар, лекин лўлилар унинг тилига тушунмасди. Ахийри, у Мелькиадес чодир тикадиган жойга етиб келди. Аммо у ерда мунғайган бир арман лўлиси ўтириб олиб, одамни кўзга кўринмас қиладиган дуони



испан тилида зикр этарди. Хосе Аркадио Буэндиа хайрат ила тикилиб турган томошабинлар сафини ёриб кирганида, лўли ҳозиргина бир стакан қахрабо рангли ичимликни симириб бўлганди. Хосе Аркадио Буэндиа бу одамдан ҳам суриштирди. Лўли унга бошдан-оёқ қараб чикди, кейин бадбўй, сатҳида «Мелькиадес ўлди» деган ёзув қалкиётган кичик бир кўлмакка айланди. Бу нохуш хабардан довдираб қолган Хосе Аркадио токи томошабинлар бошқа сеҳргарга алаҳсиб тарқалиб кетиб, бояги гаптин арман лўлиси ўрнида қолган кўлмакнинг энг сўнги томчиси ҳам буғланиб кетгунча жойида қотиб турди. Кейинроқ бошқа бир лўли, Мелькиадес ростдан ҳам Сингапур боткокликларида безгакдан ўлди, жасади Ява ёнидаги денгизнинг энг чуқур ерига ташланди, деб тасдиқлади. Болалар бу гапга эътибор ҳам беришмади. Улар оталарини бошқа чодир томон тортишарди. Айгишларича, аввал Сулаймон подшо<sup>1</sup> кашф этиб, сўнг яна унутилиб, сўнг яна қайтадан манафлик<sup>2</sup> донишмандлар топган улуғ бир синоат намойиш этиларкан. Ахийри, болалари жон-қолига қўявермагач, Хосе Аркадио Буэндиа ўгиллари билан ўттиз реал ҳақ тўлаб худди қароқчилар тилла сақлайдиган сандикдан улкан сандикни кўриқлаётган, сочи қиртишлаб олинган, сержун, бурнига мис латиба ҳалқа таққан, оёқлари занжирбанд норғул одам турган чодирга кирди. Лўли сандикнинг қопқоғини кўтарганида юзга совуқ урилди. Сандикнинг ичида беҳисоб оқ игналар қадаб ташланган катта, тиниқ тош булагидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди: тош устига тушган окшомги нур шу оннинг ўзидаёқ сочилиб, минг рангда товланаётган минглаб юлдузларга айлиниб кетарди.

Хосе Аркадио Буэндиа шошиб қолди, аммо болалари ундан зудлик билан изоҳ кутишаётганини англаб:

— Бу дунёдаги энг катта гавҳар бўлса керак! — деди гўлдираб.

— Йўқ, — дея унинг гапини бўлди ҳалиги норғул одам. — Бу — муз.

Хосе Аркадио Буэндиа ҳеч нарсани тушунмади, сандикка кўлини узатган ҳам эдики, ҳалиги норғул одам монелик қилди. «Яна беш реал тўланг, кейин бемалол ушлаб кўрасиз», деди у. Хосе Аркадио Буэндиа беш реал тўлаб, бир неча дақиқа кафтини музга босиб турди, ҳаяжон ва кўрқувдан юраги энтикиб, бадани қалт-қалт титрарди. Бу ғаройиб ҳисларнинг таърифига кучи етмаслигини англадию болаларнинг ўзлари синаб кўрсин, деб тагин ўн реал тўлади. Кичик Хосе Аркадио музни ушлашдан бош тортди. Ҳеч бир чўчимасдан, хиёл энганганча кўлини муз устига қўйган Аурелиано эса, кўлини шу заҳотиёқ тортиб олди. «Қайнапти-ку бу!» дея бақирди у кўрқувга тушиб. Отаси унга эътибор ҳам бермади. Хосе Аркадио Буэндиа қаршисида ётган муъжизадан маст эди, у ҳозир жами барбод бўлган орзуларини ҳам, жасади кайманларга емиш булган Мелькиадесни ҳам унутган эди. У яна беш реал тўлаб гўё Инжил устига кўлини қўйиб судда

<sup>1</sup> Эраимиздан олдинги 965—928 йиллардаги Исроил ҳукмдори (тарж.).

<sup>2</sup> Манаф ёки мемфис — Миср фиръавни Мин томонидан бунёд этилган «оқ девор» қалъаси ёнирасидаги кишлоқ ўрнида қурилган қадимий шаҳар (тарж.).



қасам ичаётган гувоҳдек, кафтини музга босди ва тантанавор бир оҳангда:

— Бу — давримизнинг энг буюк ихтироси!— дея хитоб қилди.

\* \* \*

XVI асрда карокчи Фрэнсис Дрейк Риоача шаҳрини ишғол қилганида, кўнгирокларнинг бесаранжом овозидан ва тўнлар гумбуридан саросимага тушган Урсула Игуараннинг катта бувиси асабларига дош беролмай ёниб турган ўчоққа беҳосдан ўтирди. Шунда унинг пастки аъзолари куйиб, хотинликка мутлақо ярамайдиган бўлди. Куйган қорсоннинг фақат бир томони билан, шунда ҳам юмшоқ ёстиқнинг устига ўтира оларди, холос, шунингдек, юрганда ҳам роса азоб чекар, иложи бўлса, бошқалар бор жойда кўринмасликка ҳаракат қиларди. У негадир, мендан куйик ҳиди анқийди, деб ўйлар, шу боис одамлар суҳбатидан бутунлай воз кечган, тунлари ҳовлида ўтириб чиқар, хонага кириб ухлашдан кўрқар, хаёлида одамхўр итларни етаклаган, қўлларида киздирган темир тутган инглизлар деразадан ошиб тушадигандек туюларди.

Унинг эри — арагонлик савдогар сухсурдай икки ўғлининг волидасини бу мудҳиш азоб-уқубатлардан халос этмоқ учун ярим давлатини врачлару табибларга сарфлади. Ҳеч натижа бўлмагач, дўконини шартта сотдию оиласини денгиздан анча узоққа, беозор хиндулар яшайдиган тоғли қишлоқлардан бирига кўчириб кетди ва у ерда хотинига деразасиз бўлма солиб берди.

Бу ташландиқ қишлоқда анчадан буён Хосе Арадио номли креол<sup>1</sup> яшарди. У тамаки экарди: Урсуланинг катта бобоси ўша креол билан ҳамкорликда катта бир қорхона ташкил этишдики, орадан озгина вақт ўтмасдан, мўмайгина сармоя тўплашди. Бир неча юз йил ўтгач, Хосе Аркадио Буэндианинг чевараси ўша арагонликнинг чеварасига уйланди. Эрининг қилиқлари жонига теккан пайтлари Урсула ҳар гал уч юз йил илгариги турли воқеа-ҳодисалар билан тўлиб-тошган даврни эсга оларкан, Фрэнсис Дрейк Риоача шаҳрини ишғол қилган мудҳиш ўша кўнга лаънатлар ўқирди. Аслини олганда, аёл кўнглини бўшатгиси келар, ҳақиқатда эса уни эри билан муҳаббатдан ҳам кучли бир ҳис — виждон азоби маҳкам боғлаган эди. Урсула билан эри амакивачча авлодидан бўлиб, авлодларнинг меҳнатсеварлиги туфайли ташландиқ бир жойдан энг обод гўшага айланган жойда туғилиб, биргаликда катта бўлишган эди. Улар дунёга келгандаёқ албатта эр-хотин бўлишлари башорат қилинган эди. Ниҳоят, улғайиб, улар ўзлари ҳам никоҳдан ўтишга мойиллик билдиришса-да, ота-оналари бунга қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Улар юз йиллар давомида қатишиб келган икки уруғнинг икки соғлом вакилидан калтакесакка ўхшаш махлуқлар туғилиши мумкин, деб кўрқишарди. Шундай мудҳиш воқеа илгари бир маротаба содир ҳам бўлганди. Хосе Аркадио Буэндианинг тоғасию

<sup>1</sup> Креол — Лотин Америкасидаги испан ва португал мустамлакачиларининг авлоди.

Урсуланинг холасидан туғилган ўғил умрининг охиригача жўн шим ўрнига қанордек кенг чалвор кийиб юрди. У учи тукли, худди чўчка-никига ўхшаш хиёл эгик дум билан туғилган эди. У уйланмади ҳам — думини аёл зотига кўрсатмасликка онт ичган эди. Охири, помусга чидаёлмай, қассоб оғайнисидан думини кесиб ташлашни илтимос қилди. Қассоб думини болта билан чошиб ташлаганида, бахтиқаро, кўн қон йўқотиб, қирқ икки ёшида оламдан ўтди. Ўн тўққиз ёшли Хосе Аркадио Буэндиа ота-оналар баҳсига: «Менга деса чўчка туғилмайди-ми, ганирса бўлгани-да!» дея нуқта қўйди. Шундан сўнг тўй қилишди, музыка ва милтиқ садолари янграган сайин роса уч кун давом этди. Агар Урсуланинг онаси қизини, дўзахи махлук туғасан, деган мудхшш башорат билан кўрқитмаганида, келин-куёвнинг тўйдан кейин ҳам бахтли турмуш кечиришлари турган гап эди. Онасининг гапидан кейин Урсула эрини ўзига мутлақо яқин йўлатмади. Эрининг қувватю чаре феълидан хабардор Урсула ётишдан аввал онаси қалин матодан тикиб берган лозимини кийиб оларди. Бу антиқа лозимнинг олд тарафига кичик тасмалар билан темир совутча боғлаб ташланган эди. Шу альязда эру хотин бир неча ой турмуш кечиришди. Кундуз кунлари Хосе Аркадио Буэндиа жангари хўрозлари билан овора бўлар, Урсула онаси ёнида ўтириб чеварлик қиларди, тунда эса улар тўшакда соатлаб олишардилар, эр ҳамон мақсадга етолмай овора эди. Кўш-пилар — улар бундан қандай хабар топгани номаълум — эрининг айби билан Урсула бир йилдирки бокира экан, дея гап тарқатишди. Табиийки, бу гийбат Хосе Аркадио Буэндианинг қулоғига охирида етди.

— Одамларнинг ганини эшитдингми, Урсула? — деб сўради у хотинидан.

— Майли, ганирса гапираверишсин, — жавоб қайтарди Урсула. — Бу ганининг ёлгонлигини иккимиз ҳам биламиз-ку.

Уларнинг ҳаёти ана шундай альязда яна ярим йил, то Хосе Аркадио Буэндианинг хўрози Пруденсио Агилярнинг хўрозини енгган ўша фожиали яқшанбагача шу тахлит давом этди. Хўрози енгилганидан ва қонни кўрганидан титраб кетган Пруденсио Агиляр, атайлаб Хосе Аркадио Буэндиадан хиёл узоклашди-да, хонада йиғилганларга карата атайлаб қичкирди:

— Табриклайман! Кўрайлик-чи, балки шу голиб хўрозинг хотинингга ҳам бахт ато этар?

Хосе Аркадио Буэндиа хўрозини индамай кўтариб олди-да тўнланганларга: «Мен ҳозир қайтиб келаман», деди. Сўнг Пруденсио Агилярга юзланди:

— Уйингга бориб қуроқ олиб чиқ, сени ўлдирмасам бўлмайди.

Орадан ўн дақиқа ўтгач, Хосе Аркадио Буэндиа бобомерос йўғон найзани кўтариб келди. Пруденсио Агиляр бу найт хўроз уриштириладиган сарой остонаси ёнида турарди. У чап беришга улгуролмай қолди. Хосе Аркадио Буэндиа бор кучи билан иритган найза (бир вақтлар уста мерган аталган Хосе Аркадио Буэндиа айни шу қуроқ билан яқин атрофдаги барча қоллоқларни қириб ташлаган эди) Агилярнинг томоғига беҳато санчилади. Кечаси, марҳумнинг қариндошлари сарой ёнига кўйилган тобут ёнида туришган пайтда, хосхонага



кирган Хосе Аркадио Буэндиа хотини яна ўша лозимини кияётганини кўрди. «Еч буни!» деб буюрди у, қўлидаги найзасини баланд кўтариб. Урсула эрининг қаҳрини синашга журъат этолмади. «Агар бирор кори-ҳол рўй берса, сен ўзинг айбдорсан», дея огоҳлантирди у. Хосе Аркадио Буэндиа найзани ерга санчди.

— Пешонамда калтакесак туғиш бўлса, не илож, калтакесакни ҳам боқаверамиз, — деди у сўнгра. — Қайтанга, энди сен туфайли қишлоғимизда бирорта одам ҳалок бўлмайди.

Ўша ёз оқшоми ажойиб, сал намхуш бўлиб, осмонда тўлини ой сузарди. Эру хотин Пруденсио Агиляр қариношларининг йигисию қарғишларини олиб кираётган шамолга ҳам эътибор бермасдан, чорнояда ишрат қилишди.

Одамлар бу воқеани орият жангига йўйишди, бироқ эр-хотин виждон азобидан кийналишарди. Бир кун уйкуси қочган Урсула сув ичман деб ҳовлига чиққанида, катта кўза олдида Пруденсио Агилярни кўриб қолди: у томоғидаги қонли ярага латта парчасини тикишга уринарди. Мархум Урсуланинг қалбида кўрқув эмас, балки ачиниш, ўқинч уйғотди. У хонага кириб воқеани айтиб берганида, эри парво ҳам қилмади. «Ўликлар ҳеч қачон қабрдан чиқолмайди, — деди у. — Ҳамма гап шундаки, бизни виждон азоби кийнаяпти». Орадан икки оқшом ўтгач, Урсула Пруденсио Агилярни ҳаммомда учратди — у латта билан қўлидаги ярасини юварди. Бошқа куни кечаси эса Урсула унинг ёмғир остида уёқдан-буёққа бориб келаётганини кўрди. Хотинининг ҳадеб мурдани кўраверини жонига теккан Хосе Аркадио Буэндиа, найзасини олганча ҳовлига чиқди. Пруденсио Агиляр ҳамини жойида ҳамгин бир ҳолда турарди.

— Йўқол, бу ердан! — кичқирди унга Хосе Аркадио Буэндиа. — Билиб қўй, неча марта тирилиб келсанг, мен сени шунча марта ўлдиравераман.

Пруденсио Агиляр кетмади, Хосе Аркадио Буэндиа эса унга найза ирғитишга журъат этолмади. Ўша кундан бошлаб у уйкусини йўқотди. Ёмғир орасидан тикилаётган мурданинг тириклар ҳаётига суқланиб боқаётган сўниқ кўзлари, қонли ярасини ювиш учун уладани намлашга мўлтираб сув излаши унга азоб берарди. «Унга жуда кийин бўлса керак, — деди Хосе Аркадио Буэндиа хотинига. — Бечора ёлғиз кезиб юрибди». Урсуланинг ҳам мархумга раҳми келарди. Галдаги учрашувда Пруденсио Агиляр стол устидаги идиш-товоқларни кўздан кечираётганини кўрган Урсула ўша кундан бошлаб уйнинг ҳар жой-ҳар жойига сувли косалар қўйиб чиқди. Хосе Аркадио Буэндиа мурда ётоқхонада ярасини юваётганини кўриб, енгил тин олди.

— Майли, Пруденсио, — деди у. — Биз бу қишлоқдан иложи борича узоққа кетамиз ва ҳеч қачон қайтиб келмаймиз. Майли, энди сен боравер.

Ана шундан кейин улар тоғ тизмалари оша денгиз томонга отланшди. Хосе Аркадио Буэндиа ва унинг саёҳатталаб дўстлари — бариси ўзига ўхшаган ёш йигитлар хотинларию болаларини олишиб, бегона манзилгоҳлар томон равона бўлдилар. Хосе Аркадио Буэндиа Пруденсио Агилярнинг кўнгли таскин топсин деб, йўлга чиқишдан олдин найзани ҳовлига кўмди, барча жангари хўрозларнинг бошини бир-

бир кесди. Урсула келинлик либослари жойланган сандиғини, айрим рўзгор буюмларини отамерос тилла таъғачалар солинган кутини олди. Йўловчилар қайси йўлдан юриш қулайлиги устида бош ҳам қотириб ўтиришмади. Риоача шаҳрига тескари йўл тутдилар, негаки таниш — билмишларга сездирай, беиз гойиб бўлишга аҳд қилинган эди. Дунё ҳали бунақадги антиқа саёхатчиларни кўрмаган эди. Маймун гўштию илон шурва еявериб ошқозони тамом ишдан чиққан Урсула, бир йилу икки ой деганда, туппа-тузук, одамбашара ўғил кўрди. Аёлнинг оёқлари шилиб кетгани, йўлга ярамай қолгани боис, эркаклар уни беланмакка солишиб, қолган йўлнинг ярмидан кўпроғигача кўтариб боришди. Қоринлари қанчайиб, кўзлари киргайиб кеганига қарамай, болалар йўл уқубатларига қатталарга нисбатан чидамлироқ чиқишди. Улар йўл азобини уйликчароқлик билан енгар эдилар. Ниҳоят, икки йиллик сарсон-саргардонликдан сўнг, бир куни эрталаб, йўловчилар тоғ тизмасининг тарб томонидаги дараларини кўришди. Бу ерларга ҳали инсон қадами тегмаган эди. Улар булутлар билан қопланган баланд қояда туриб, дарёлар камари кесган поёнсиз кенликка — тўёки дунёнинг нарғи четигача ястаниб ётган воҳага анча тикилишди. Аммо йўловчилар дегизга барибир етиб боришолмади. Улар ботқоқликлар ичида бир неча ой адашиб бирорта ҳам тирик жонни учратолмагач, охирги куни шом пайти, шаффоф сувли тошлоқ дарё кирғоғига чодир тикишди. Орадан кўп йиллар ўтгач, полковник Аурелиано Буэндиа иккинчи граждандар урушида Риоача шаҳри гарнизонига тўсатдан бостириб кирмоқчи бўлиб, худди ана шу йўлни танилайди, лекин олти кунлик йўл азобидан сўнг қилаётган иши ғирт жиғилик эканига амин бўлади. Дарё кирғоғига қароргоҳ қурилган ўша шомда отасининг лашкарлари кема ҳалокатига учраган одамларни эслатар, лекин сафар асносида уларнинг сови хийла ошган ва ҳаммаси қариб-чириб қолгунча яшашдан умидвор эдилар (улар ниятларига етдилар ҳам). Ўша тун Хосе Аркадио Буэндиа тушида деворлари шаффоф, сершовқин шаҳарни кўрди. Бу не шаҳар, деб сўраганида, бутунлай нотаниш, тушуниб бўлмайдиган бир номни аташди, лекин айни ном ғайри оддий жарангдорлик билан Хосе Аркадио Буэндианинг миёсига муҳрлашиб қолди — Макондо. Эртасига у ҳамроҳларини, дегизга барибир чиқа олмаймиз, деб ишонтирди. Уларга дарахтларни кесиб, дарё бўйидаги сайхонликнинг энг салқин жойини тозалашни буурди. Шу тариха янги қишлоққа асос солинди.

Хосе Аркадио Буэндиа сандикдаги муз парчасини кўрдию бунини ўша шаффоф деворли антиқа уйлар ҳақидаги тушининг таъбирига йўнди. Сув — арзон, агар уни музлатиб, кейин гишт қилиб кесилса, хоҳлаганча уй қуравериш мумкин, деб ўйлади. Жазирама иссиқда ҳатто дераза ромлари ҳам қайишиб қоладиган Макондо ана ўшанда мангу салқин бир масканга айланади. Хосе Аркадио Буэндиа муз заводи лойиҳасини тузмаганига ягона сабаб — ушал дамда ўғиллари, айникса, ахёбиётга иштиёқлиқид Аурелианонинг тарбияси билан бандлиги эди. Лабораторияда иш қайнаганидан қайнарди. Ота—бола Мелькиодесдан қолган ёзувларни қайта-қайта ўқишар, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмасдан, бамайлихотир кунт ва сабот билан қозонга ёпишиб қолган қуйкадан Урсуланинг олтинларини ажратиб олиш йўлларини



кидиришарди. Хосе Аркадио уларнинг машгулотига деярли аралашмасди. Ота ишга муккасидан кетган маҳали, барваста гавдали, ўжар тўнғич ўғил балогатга етиб улгурди. Овози дағаллашди, ияги, юзи майин гук билан қопланди. Хосе Аркадио ётар маҳали ечинаётганида бехосдан кириб қолган Урсула уяту меҳр аралаш галати бир ҳисдан сесканиб тушди: ўғли у яланғоч ҳолда кўрган иккинчи эркак эди. У эркаклар ҳаётига шу қадар бекаму кўст тайёрлигини кўриб, Урсула чўчиб кетди. Учинчи фарзандини кутаётган аёл кўнглида келинчаклигида азоб берган мудҳиш гумонлар қайта уйғонди.

Ўшанда Буэндиаларнинг уйига шўх, ҳазилкаш, гапга чечан бир аёл тез-тез келиб турарди. У қартада фол очар, Урсулага рўзгор ишларида кўмаклашарди. Урсула унга, узоқ қариндонимиз чўчка думи билан тугилувди, энди, мана, ўғлим ҳам жуда тез улгайди, бесўнақайроқ, шуниқидан хавотирдаман, деб айтганида, аёл хандон отиб кулди. Унинг биллур кўнгирокдек жарангдор кулгуси бутун уйни тутиб кетди. «Аксинча,— деди у,— ўғлингиз бахтли бўлади». Бир неча кун ўтиб башоратини исбот қилмоқчи бўлдию фол очиш баҳона, Хосе Аркадио билан бирга ошхона ёнидаги казнокка беркипти. Қаргаларни эски дастгоҳ устига шошилмасдан бир-бир териб чиқаркан, алланарсалар ҳақида тинмай гапирар, Хосе Аркадиони эса унинг гаплари кизиқтирмас, қайтага, энсасини қотирар эди. Ногаҳон аёл қўлини чўзиб, унга теккиздиди, «Вой, сен балосан-ку!» деди кўрқув аралаш. Сўнг бирдан жимиб қолди. Хосе Аркадио устихонлари пахтадай юмшаб бораётганини найкаб, бирдан ваҳимага тушди, йиглаб юборишдан ўзини зўрга тийди. Аёл унга ортик рағбат кўрсатмади. Йигитча тун бўйи уни кўмсаб, кечаси билан димоғида ундан таралган бўйни туйиб чикди; гўёки бу хид унинг бутун аъзойи баданига ўрнашиб қолгандай эди. Истардики, доимо бирга бўлишса, ўша казнокдан асло чиқишмаса, аёл мудом елкасидан қўл узмаса, мудом кулоқларига «Вой, сен балосан-ку!» дея шивирласа. Хосе Аркадио бу азобга кўп дош беролмади, кунларнинг бирида ўша аёлнинг уйига йўл олди. Бордию чурк этмай ўтирди. Аёлни кўриши ҳамон иштиёқи сўнди. Қаршисида турган аёл бутунлай бегона, ундан таралган бўй ҳам бутунлай ўзгача туюларди. Йигитча хўрланди, бир амаллаб қаҳвасини ичдию индамай чиқиб кетди. Лекин тунда бедор ётаркан, калбида яна ўша ҳароратли ва дағал ҳислар гупура бошлади, энди у казнокка фол очган аёлни эмас, балки кеча кечкурун рўпарасида ўтирган аёлни кўмсади.

Бир неча кундан сўнг у ногаҳон Хосе Аркадиони уйига меҳмонга чорлади. Уйда аёлнинг онаси ҳам бор экан. Фолбин йигитчага қартада кўзбахшилик кўрсатишни баҳона қилиб, уни ётоғига бошлаб кирдию тап тортмасдан суйкала бошлади. Бечора ўспириннинг эти жунжикиб, лаззат ўрнига алланечук кўрқув ва лоҳаслик туйди. Шунда аёл унга, кечаси келакол, деб тайинлади. Хосе Аркадио тунда келишга жазм эта олмаслигини билса-да, тезроқ чиқиб кетиш пайида бўлиб, албатта келаман, деди. Тунда тўшақда димяқиб ётаркан, яна қони қайнар, бормаса бўлмаслигини англади. Қоронғида пайнаслаб кийинар экан, укасининг бир маромда нафас олишини, нариги хонада ётган отасининг курук йўталани, ҳовлидаги товукларнинг қақиллашини, чивилларнинг гўнгилагани ва кинидан чикқудек бесаранжом ураётган юрагининг

зарбини аниқ-таниқ эшитди. Дунёнинг бу қадар шовқинли эканини йигитча илғари ҳеч қачон сезмаган эди.

Сўнгра жимжит кўчага чикди. Хосе Аркадио боши кизиса-да, зора эшик қулфлоглик бўлса, деб ўйларди. Афсуски, эшик ним очик экан. Оҳиста туртганида шундай гичирладики, йигитчанинг юраги нақ товонига тушиб кетгандай бўлди. Хосе Аркадио оёқ учида юриб хонага кирганида, димоғига ўша таниш хид гуп этиб урилди. Бу хонада аёлнинг ака-укалари ухлаб ётишарди. Аёл эса — нариги хонада, зим-зиёда йўл топиш ҳам мушкул. Хосе Аркадио бехосдан кимгадир урилиб кетди. Ҳалиги киши хуррагини бас қилдию нариги ёнига ағдарилиб, лоқайд бир овозда «Чоршанба эди», деб қўйди, Хосе Аркадио аёл хобгоҳини очаётганида эшик полни тирнаб, ғашга тегадиган овоз чиқарди. Хосе Аркадио нима қиларини билмай каловланиб қолди. Бу кичик хонада аёлнинг онаси, опаси, поччасию жиянлари ухлаб ётишарди. Аёлнинг таниш бўйига қараб юрай деса, аксига олиб, бу хид бутун уйни тўлдириб юборган, ҳатто ўспириннинг ўз танидан ҳам анқиётгандай эди. Хосе Аркадио ушбу чорасизлик тубига қандай тушиб қолдим-а, дея ўз-ўзига кўрқиб-титраб савол берганича қотиб турганида чўзилган бармоқлари қоронғиликда найпаслаётган кимнингдир қўли унинг юзига тегди. Йигитчанинг ажабланишга ҳам ҳоли йўқ эди, қолаверса, недандир нажот кутган эди, шу боис, бутун инон-ихтиёрини ана шу юмшоқ қўлга топширди. Бу қўл уни тушакка етаклаб кетди. Тушакда йигитчани ечинтиришди, сўнгра гўё картошка тўла қоқдай силкитишди у ёну бу ёнига беармон ағдаришди. Йигитчанинг кўзларига жон кирди... Димоғида аёл бўйи эмас, утқир навшадил ҳидини туйди, у номаълум, лекин ўзи зориқиб кутган бир ишни бошлаб юборганини элас-элас сезар, ичида, кўлимдан келаркан-ку, деб қувонарди. Дам ўтмай вужуди пардай энгиллашиб, кайгадир учиб кетгандай бўлди, сўнг яна боши, қўли, оёқлари борлигини ҳис қилди, лекин ўзининг аъзолари қайдаю аёлники қайда — ҳеч фарқ этолмасди. Кейин... кейин ҳаммаси тугади. Ўспирин хонадан тезроқ чиқиб кетишни истар, айти замонда мана шу таранг сукунату ваҳимали ганҳолик бағрида умрбод қолгиси келарди.

Аёлнинг исми Пилар Тернера эди. У Макондога ота-онаси изми билан келган эди; улар кизларини ун тўрт ёшида бадном қилиб, то у йигирма иккига киргунча ҳам дон олишиб юрган бир эркакдан қутулиш ниятида сафарга отланган эдилар. Ўша эркак Пилар Тернерага, ишларимни бир ёкли қилсам бас, изингдан албатта бораман, деб онт ичган эди. Жувон қарта ёзиб фол очар, фолига гоҳ денгизда сузиб, гоҳ қуруқда кезиб, гоҳ уч кунда, гоҳо уч ойда, гоҳо уч йилда келадиган новчаю пакана, малласочу қорасоч эркаклар тушаверар, ахири уларнинг бирортаси ҳам келавермагач, Пилар Тернеранинг умид боғи хазонрезликка юз тутган эди. Хижрон майини симира-симира, бечора жувон сўлиб битди, эркак меҳрини тамом унутди. Лекин телба кўнглининг хумори асло йўқолмади. Энди Хосе Аркадио хар тун қоронғу хоналарда уни тентиб изларди. Ўспирин бундай беқинмачоқ топиб олганидан бахтиёр эди.

Кунларнинг бирида Хосе Аркадио Пилар Тернерани қўмсаб келганида эшик ичидан берк эди. Йигитча кўрқан-ниса эшикни чертди,



сўнг илк бор тақиллатишга журъат этганидан рухланиб, қаттиқрок қокди... Эшик эса анча вақтдан сўнг очилди. Кундузлари Хосе Аркадио зўрға оёқда юрар, тунги ишратли онларини юраги орзиқиб эслар эди. Пилар Тернера уларникига келганида тамом ўзгариб кетар, хандон отиб кулар, ҳатто йигитчани менсимагандай бўлиб туюларди. Хосе Аркадио бундай кезларда ҳаяжонга берилмасди. Гўё тунлари йигитчани энтиктирадиган, безовта юрак зарбини санашга мажбур этадиган аёл билан манови шўх-шаддот, жарангдор кулгуси ҳовлида донлаб юрган каптарларни ҳуркитувчи аёл ўртасида мутлақо ўхшашлик йўқдек эди. Ўспирин ўз хаёлларига шунчалик ғарқ бўлиб кетдики, ҳатто отаси билан укаси ўша қотиб қолган металл қўйқасидан Урсуланинг олтинларини ажратиб олганлари ҳақидаги хушхабар бутун хонадонни ларзага солганида ҳам, уйдагиларнинг нега бунчалик қувонаётганини тушунмади.

Ота-бола уч кунлик машаққатли меҳнатдан сўнг мақсадга эришдилар. Урсула ўзида йўқ хурсанд, ҳаттоки алхимия фанини яратган худога шукрона айтарди. Қишлоқ аҳли мўъжизани эшитиб, муборакбод этгали келди. Урсула меҳмонларни нон ва шинни билан сийларкан, Хосе Аркадио Буэндиа уларга олтини аритилган товачани кўрсатарди. Нихоят, ота кейинги кунлари лабораторияга яқин йўламай қўйган тўнғич ўглининг олдида тўхтади. Ўглининг юзига қўлидаги нимсарик, қуруқ кукунни яқинлаштириб: «Айт-чи, нимага ўхшайди?» деб сўради. Хосе Аркадио очиғини айта қолди:

— Кучукнинг тезагига!

Отаси уни шундай қаттиқ урдик, Хосе Аркадионинг кўзлари жикка ёшга тўлиб, оғзидан тиркираб қон оқа бошлади. Ўша кечаси Пилар Тернера қоронғида пайпасланиб, дори ва пахта топди-да, Хосе Аркадионинг лабларига авайлаб муччига халакит бермайдиган қилиб малҳам босди. Шу аснода иккови шу қадар яқин бўлиб қолдиларки, ҳатто секин гаплаша бошладилар.

— Фақат иккимиз бўлсайдик,— деб пичирлади ўспирин.— Яқинда мен ҳаммасини ошкор қиламану одамларга ўхшаб эмин-эркин яшаймиз.

Пилар Тернера унинг райъини қайтаришга уринмади.

— Яхши бўларди-я,— деди у.— Қанийди, икковимиз бўлсайдик, бемалол чирок ёқиб қўярдик, сенга кўнглимда борини баралла айтардим, ҳеч ким мушқугимизни пишт демасди. Ўшанда қичиқ гапларним менинг қулоғимга шивирлаб айтаверсанг бўларди.

Ана шу суҳбат, отасига нисбатан аёвсиз ғазаби, қолаверса, бари бир жазманлик қўйдан кечмайман, деган ўй Хосе Аркадиога ботирлик бахш этди. У укасига ҳамма саргузаштларини яширмай айтиб берди.

Дастлаб кичик Аурелиано, аҳволи ёмон экан, деб чўчиди — у ҳали Хосе Аркадиони домига тортаётган оҳанрабо нелигини тушунмасди. Аммо бора-бора Хосе Аркадионинг ҳаяжони унга ҳам юкди. У акасидан бор икир-чикирларни ҳижжалаб, қайта-қайта сўрар, кейин ўзи ҳам унинг азобию роҳатиға пинҳона шерик бўлар, кўнглида бир сурур ва айни замонда ҳадик сезарди. Энди у гўё чўғ устида ётгандек тушагида тўлганиб, тонггача мижджа қокмай, акасининг қайтишини ку-

тар эди. Кейин ака-ука анчагача сирлашиб ётишарди. Бедорлик уларни шунчалар карахт қилиб қўйдик, иккиси ҳам лаънати алхимиядан, оталарининг олимона ишларидан ижирғанадиган бўлиб қолдилар. «Болаларимиз телбалардек санкишади,— дерди Урсула.— Нима бало, ичларида гижжа бормикин?» Урсула уларга пиак<sup>1</sup> толқонидан ранги хунук бир дори тайёрлаб берганида, ака-ука мик этмай симиришди. Аурелиано энди акасининг ҳаяжонланиши сабабини англабгина қолмасдан, балки унинг ташвишларини ўзиникидай қабул қиларди. Бир куни акаси севги кечинмасини батафсил тасвирлаётганида, унинг гапини бўлиб, «Ўшанда нимани ҳис қиласан?» деб сўраб қолди. Хосе Аркадио ўйлаб ўтирмасдан:

— Бу зилзилага ўхшайди,— деб жавоб берди.

Январь ойининг чоршанбаларидан бирида, тунги соат иккида Амаранта туғилди. Хона одамлардан бўшагач, Урсула чақалоқни обдон текшириб кўрди. Қизча жуда енгил, серҳаракат бўлиб, бадани, қўлу оёғи, юзу кўзи ҳам соппа-соғ, росмана эди. Аурелиано сингилли бўлганини уйларига одамлар тўпланганда билди. У шовкин-сурондан фойдаланиб, Хосе Аркадиони кидиришга тушди — акасининг ўрни кечки ун бирдан буён бўш эди; у беихтиёр Пилар Тернеранинг уйига қараб борар, лекин акасини у ердан қандай қақириб олишини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. У Хосе Аркадио билан шартлашилган оҳангда хуштак чалиб, Пилар Тернеранинг уйи атрофида анча айлашиб юрди-да, ахири тонг бўзарганда ортига қайтишга мажбур бўлди. Келиб қараса, акаси оналарининг хонасида, мусичадай беозоргина бўлиб, янги туғилган сингилчасини овутиб ўтирибди.

Чақалоқнинг чилласи чиқар-чиқмас яна ўша муз парчасини олиб келишган найрангбозу масхарабоз лўлилар пайдо бўлишди. Тез орада маълум бўлдики, улар Мелькиадес жамоаси каби тараққиёт жарчилари эмас, балки анчайин енгил-елпи томоша ортидан кун кўрадиган оддий одамлар экан. Улар ҳаттоки ўзлари олиб келган муз парчасини ҳам турмушда асқотадиган буюм эмас, балки циркдаги аттракцион сифатида намоёйиш қилишди. Бу гал лўлилар келтирган ажойиботлар орасида учаргилам ҳам бор эди. Лекин улар учаргиламни узоқни яқин қилувчи восита эмас, балки шунчаки бир эрмак деб ҳисоблар эдилар. Қишлоқ аҳли учаргиламга ўтириб томлар оша учини учун сўнги тилла тангаларни ҳам аямасди. Хосе Аркадио билан Пилар Тернерага тўполон роса қўл келди, энди улар ҳеч бир ҳадиксиз кайфу сафо суршарди. Улар ўзларини бахтиёр келин-куёвдай ҳис қилишар, ҳаттоки муҳаббат дегани улар билган, ўша бедор тунлар бағридан юлиб олинган ўғринча туйғуга нисбатан чуқурроқ ва сокинроқ эканини англагандай бўлишди. Аммо Пилар бу тароватга нутур етказди. У Хосе Аркадионинг ҳаяжонига лаққа ишониб, бечора йигитнинг бошига нақ сўйил туширгандай бўлди. «Мана, энди сен ҳақиқий эркаксан», деди у. Лекин Хосе Аркадио ҳеч балони англамагач, аёл ҳижжалаб тушунтирди:

— Сенга ўғил туғиб бераман.

<sup>1</sup> П и а к о — тропик доривор ўсимлиги.









Хосе Аркадио анчагача уйдан чикишга ботинолмай юрди. Ошхонада Пиларнинг кулгиси эшитилса бас, шартта лабораторияга беркинарди. Бечора отаси, ўғлимга акл кирибди-да, деб кувониб, унга янги тажрибаси — ҳикмат тошини қидириш сирларини ўргатарди.

Бир куни кечкурун извоичи лўлию қўлларини силкитаётган бир неча кишлоқ болалари тушган учаргилам лаборатория деразаси ёнидан сузиб ўтаётганида ака-ука чексиз ҳаяжонга тушдилар, Хосе Аркадио Буэндиа эса хатто деразага қайрилиб ҳам қарамади. «Майлига, ўзларича овунавэринисин,— деди у.— Бундай рўдапо наमतда учининг нима кераги бор, биз фан ёрдамида парвоз қиламиз.» Гарчи кизикқандай бўлиб кўрикса-да, Хосе Аркадио ҳикмат тоши нимаю у неларга қодир эканини асло англагани йўқ, назарида ҳикмат тоши дегани палапартиш ясалган шишадай бир гап эди. Лабораториядаги ишлар юрагини қоплаган гашиқдан халос этолмади. Отаси омади келмаганда қай кўйга тушса, Хосе Аркадио ҳам шу аҳволга тушиди — на иштаҳада ва на уйқусида маъни бор эди. Ўғлининг бу қадар гамнок эканини кўрган Хосе Аркадио Буэндиа, ўзича, бола бечора алхимияга муккасидан берилибди, бу кетинида узилиб қолиши ҳам мумкин, деган ўйга бориб, уни лабораториядаги ишлардан озод қилди.

Аурелиано эса, акасининг дарди бошқа эканлигини англаса ҳам, лекин Хосе Аркадионинг ўзи бу хусусда лом-мим демади. Акаси аввалгидай дилкаш эмасди, қандайдир одамови, кекчи бўлиб қолган эди. Ниҳоят у, коронгу бир тунда ёлғизликдан безор бўлди чоги, тушагини ташлаб, Пилар Тернеранинг уйига бормай, лўлиларнинг чодирлари ёнида тўпланишган бекорчилар галасига қўшилди. Турли антиқа томошаларни кўрди-ю, лекин баҳри очилавермади. Ногаҳон сон-саноксиз мунчок шодаларидан қадди сал букчайиб турган ёшгина лўли кизчага эътибор берди, Хосе Аркадио умрида бунчалик чиройли кизни ҳали учратмаган эди. Қизча илонга айланиб қолган окпадарни томоша қилаётган оломон ичида туриб, ушбу қайгули манзарага боқарди.

Хосе Аркадио ҳалиги бахтиқарога қарамади ҳам, томошабинлар илон-одамнинг гуссали киссасини тинглаётган маҳал, у урилиб-сурилиб биринчи қаторга чикиб олди-да, лўли кизнинг ёнига келиб тўхтади. Кейин унинг ортига суйкала бошлади. Қизча уни пайкадио хайрат ва кўрқувдан қалтираб, жойида қотиб қолди ва ниҳоят, ортига ўгирилиб, Хосе Аркадиога кулиб қаради. Шу пайт икки лўли илон-одамни қафасга солиб, чодирга олиб кетди-да, жарчи янги томошадан оғох этди:

— Энди эса, хонимлар ва жаноблар, биз сизларга мудхияш номерни — бир юзу эллик йилдирки, кўриш лозим бўлмаган нарсани кўриб қолгани учун жазо тариқасида ҳар куни айни соатда боши танидан жудо этиладиган аёлни кўрсатамиз.

Хосе Аркадио билан қизча томошани қатлда иштирок этишмади. Улар аллақачон чодирга кириб, энтикиб ўпишганча либослардан халос бўлардилар. Лўли киз қат-қат корсаж<sup>1</sup> ларию саргайиб кетган тўр юбкалари, кераксиз корсет<sup>2</sup> ва шиша мунчоклари юкидан озод бўлгач,

<sup>1</sup> Корсаж — хотин-кизлар куйлагининг ёқасидан белигача булган кисми.

<sup>2</sup> Корсет — белни хипча қилиш учун ичдан кийиладиган кенг белбоғ.

хивичга ўхшаб қолди. Аммо орик оёқлари чиллакдай бу мажмағил қизча кутилмаганда дадил ва эҳтиросли чиқиб қолди. Афсеуски, Хосе Аркадио ўзига эрк беролмасди, чунки чодирга лўлилар дам-бадам кириб, аллақандай юмушларни бажаришар, ҳаттоки каравот ёнига ўтириб бемалол соққа ташлашарди. Чодир ўртасидаги устунчага осилган чирок ҳаммаёқни ёритиб турарди. Шир яланғоч Хосе Аркадио бир амаллаб ишини тугатиб, кўрпада карахт ётар, қизча эса уни қайта кўзгатишга уринарди. Шу аснода чодирга семиз лўли аёл билан мусофир эркак кириб келишди ва иккови ҳам шундоққина каравот ёнида ечина бошладилар. Аёл Хосе Аркадиога қарадию унинг шалпайиб ётган жониворини кўриб завқланиб кетди.

— Худо матоҳингни соғ-омон сақласин-да, йигит!— дея хитоб этди у.

Лўли қизча, ўз ҳолимизга қўйинглар, деб жеркигач, ҳалиги янги жуфт шундоққина ерга қузилишди. Уларнинг эҳтироси Хосе Аркадиога ҳам юқди. Биринчи ҳамладан қизчанинг суяклари домино доналаридай шақирлаб, гўё жар тарафга сочилиб кетгудек бўлди, бадани жикка терга ботди, кўзлари ёшланди. Йигит ўз танидан балчиқ хиди келатганини пайқади. Лўли қизча чайир экан — ҳамлага бемалол дош берди. Хосе Аркадио ўзини жаннат осмонида учиб кетаётгандек ҳис қилди, унинг тўлиб-тошган юрагидан фавворадек отилаётган ҳирсу шавқи баёни қизнинг қулоғидан кириб, сўнг унинг оғзидан лўлича сўзларга айланиб чиқарди. Бу воқеа пайшанба куни содир бўлди. Шанбага ўтар кечаси эса Хосе Аркадио бошига қизил латта боғлаб, лўлилар билан биргаликда Макондодан чиқиб кетди.

Ўғлининг йўқолганидан хабар топган Урсула бутун кишлокни титпит қилиб юборди. Лекин унинг топгани — лўлилар чодир тиккан майдончада қолган эски-туски уводаю бурксиётган гулхан қолдиғи бўлди, холос. Шиша мунчок топиб олиш илинжида увалаларни титкилаётган бир ҳамқишлоғи Урсулага, ўғлингни кеча кўрувдим, Хосе Аркадио ўша масхарабозларга қўшилиб, қафасдаги илон-одам ортилган аравачани суриб кетди, деб айтди. «Ўғлимиз лўли бўлди!» деб кичқирди у эрига, лекин Хосе Аркадио Буэндиа тўнғичининг дарбадар кетганидан заррача ҳам ташвиш тортмади.

— Лўлилар ёмон халқмас,— деди у, аввал юз маротаба туйилиб, нақ толқонга айланган кўкиш моддани ҳовончага солиб эзаркан.— Энди ўғлимизнинг суяғи қотиб, эркак қаторига кирар.

Урсула лўлилар қай тарафга кетганини аниқлаб йўлга тушди. Дуч келган одамдан сўраб-суриштириб, лўлиларни таъқиб этиб, кишлокдан шунчалик йироклашиб кетдики, энди ортга қайтишнинг иложи йўқ эди. Хосе Аркадио Буэндиа эритмасини таппи устига иситгани қўйиб, ичкарида йиғлаётган кичкина Амарантадан хабар олгани кирганида, яъни кочқурун соат саккизда, хотини йўқлигини пайқади. У яҳшигина қуролланган ҳамқишлоқларидан дарҳол отряд тузди-да, Амарантани эмизикли бир аёлга тутқазиб, Урсулани қидириб ҳали қадам тегмаган ерларга равона бўлди. Аурелиано ҳам у билан бирга эди. Тонгда нотаниш тилда сўзловчи балиқчи ҳиндуларни учратишди. Ҳиндулар имо-ишоралар қилиб, бегона кимса ўтмаганини тушунтиришди. Урсулани уч кун излаб тополмай, яна кишлокқа қайтиб келдилар.



Хосе Аркадио Буэндиа ўзини қўярга жой тополмасди. Кичкина Амарантанинг бутун ташвиши отанинг бўйнига тушди: Хосе Аркадио кизчасига худди онаси каби қарарди, чўмилтирарди, бир кунда тўрт маҳал эмиздиргани қўшни аёлниқига олиб борар ва ҳатто кечқурунлари чақалокқа алла айтиб ухлатарди. Бир кун Пилар Тернера то Урсула қайтиб келгунига қадар уларнинг рўзгор ишини ўз зиммасига олажани айтиб қолди. Бошларига тушган кулфатдан сўнг ақли анча тўлишиб қолган Аурелиано остона ҳатлаб кирган Пиларни кўрдию ҳамма гапга тушунди. Акасининг қочиб кетишига ҳам, оналарининг ғойиб бўлишига ҳам шу аёл айбдор эканини англаб, уни шундай совук ва қаҳрли қаршиладики, аёл қайтиб қорасини кўрсатмади. Лекин сал ўтмай ғам-алами сусайди. Хосе Аркадио Буэндиа билан кенжа ўғил яна темирчилик ўчоғини ўт олдиришиб, бир неча ойдан бери таппи устида ётган модда устида тажриба бошлаб юбордилар. Мурғак Амаранта симоб ҳовури тўла хонадаги, ток новдасидан тўкилган саватчада ётиб, отаси ва акасининг ишини қизиқсиниб кузатарди. Урсула ғойиб бўлганидан бир ой ўтгач, лабораторияда ғаройиб ҳодисалар рўй берди. Жавонда қўпдан бери бўшаб ётган шиша идини тўсатдан шу қадар оғирлашиб қолдики, ҳатто уни жойидан кўзгатишолмади. Иш столига қўйилган қозон ичидаги сув ўт-оловсиз, ўз-ўзидан исий бошладию роса ярим соатча, то сўнги томчиси буғланиб кетгунича вақирлаб қайнади. Хосе Аркадио Буэндиа билан ўғли бу мўъжизалардан завқланишар, аммо бунинг боисини тушунишмас, буни ўзларича, янги бир моҳият даракчиси, деб изоҳлашарди. Бир куни эса Амаранта ётган сават Аурелианони ҳайратга солиб, ўз-ўзидан тепага кўтарилди-да, ҳавода айлана бошладики, Аурелиано уни шоша-пиша зўрға ушлаб қолди. Бу ҳол Хосе Аркадио Буэндиани хийла чўчитиб қўйди. У гўдак ётган саватчани аввалги жойига қўйиб, столнинг оёғига боғлаб ташлади. Саватчанинг ғалати «қилиғи» уларни орзулари ушалишига жудаям оз қолганига тўла-тўқис ишонтирди. Ўшанда ота ўғлига қараб:

— Худодан қўрқмасанг ҳам, темирдан кўрк!— деди.

Беш ойдан сўнг Урсула қайтиб келди. У алланучук яшариб қолган, хурсанд эди. Эғнидаги либоси ҳам ўзгача — қишлоқда расм бўлмаган андозада эди. Хосе Аркадио Буэндиа қувончдан жинни бўлиб қолаёзди. «Хайрият-э! Ахийри, мен ўйлаганимдай бўлди!» деб қичқирди у. Бу ҳақиқат эди, чунки у лабораторияга қамалиб, тажрибалар ўтказаетганида худодан на ҳикмат тошини, на уйдаги барча кулфлару ошиқмошиқларни тиллага айлантириш усулининг кашф этилишини сўраган, балки уззукун бир нарсани — Урсуланинг қайтиб келишини тилаган эди. Хотини эса унинг қувончини баҳам кўрмай, гўё бир соат олдин қикиб кетган одамдек, эрини шунчаки бир ўпди-да:

— Кўчага чиккин,— деди.

Уйлари олдида тўпланиб турган оломонни кўрган Хосе Аркадио Буэндиа дастлаб ўзини йўқотиб қўяёзди. Улар лўлилар эмас, Макондо аҳли билан бир хил тилда сўзлашадиган, бир хил дардлардан шикоят қиладиган оддий эркаклару аёллар эди. Уларнинг ёнида устига озиқ-овқат ортилган хачирлар, мебель ва турли уй анжомлари, хуллас, тирикчилик учун керакли маълум ва жўн нарсалар юкланган ҳўкиз қўшилган аравалар турарди.

Бу одамлар икки кунгина йўл юриб водийнинг нариги чеккасидан келишганди. У ерлардаги шаҳарларда почта ҳар ойда келаркан, ҳатто отирни сингил қилган машиналар ҳам бор экан. Урсула гарчи лўлиларни қувиб етолмаган бўлса-да, лекин буюк ихтиролар изидан югуриб тополмаган ўзга диёрлар билан алоқа йўлини топган эди.

Пилар Тернеранинг ўғли дунёга келганидан икки ҳафта ўтгач, чакалокни бобоси билан бувисининг уйига олиб келишди. Эри, Буэндиалар авлоди хору зор бўлмаслиги керак, деб туриб олгач, ноилож Урсула чакалокни олиб қолди. Лекин у, бола ўзининг туғилиш тарихини ҳеч вақт билмаслиги керак, деб шарт қўйди. Чакалоққа Хосе Аркадио деб исм қўйишди, лекин отаси билан адаштирмаслик учун, бора-бора уни шунчаки Аркадио деб чақира бошлашди. Бу паллада Макондо аҳли тижоратга берилган, Буэндиаларнинг ҳам югур-югурдан қули бушамас, улар ҳатто болаларга қарашга ҳам вақт топишолмасди. Шу боис, болаларни Виситасьон исмли ҳинду аёлга беришди. Аёл гуахиرو уругига мансуб бўлиб, Макондога акаси билан биргаликда, неча йилдирки юртларида ҳукм сураётган мудҳиш ва гўжумли бало — уйқусизлик касалидан қочиб келган эди. Ака-сингил ҳиндулар жуда хушфезъл, жуда ишчан одамлар эди. Урсула уларни ишга ёллагач, Аркадио билан Амарантанинг тиллари испанчада эмас, гуахиرو тилида бурро бўлди, ҳатто, калтакесак гўшти ва ўрғимчак тухумларидан тайёрланган шўрва ичишни ҳам ўрганишди. Урсула буни сезмади, айти кунларда у канцолатчилик билан машғул эди. Макондо мутлақо ўзгариб кетди. Урсула бошлаб келган одамлар бу кишлоқнинг хуғрофий ўрнию ерларининг унумдорлигини оламга ёйдиларки, қосибчилик, дўкончилик авж олиб, тез орада кишлоқ гавжум шаҳарчага айланди; ҳатто, бу ерда оёқларига шипшак илган, кулоқларига исирға таққан араблар ҳам пайдо бўлиб, ишша мунчокларни тутиқушларга айирбош қила бошлашди. Хосе Аркадио Буэндиа бош қачинишга ҳам фурсат тополмасди. У лабораториядаги ишларни ҳам унутиб, кишлоқ ободонлиги билан шугулланди. Янги қўчиб келганлар уни ҳурмат қилишарди. Уйга жой танлаш ҳам, девор тиклаш ҳам, хуллас, жами юмуш унинг маслаҳатисиз бошланмасди. Ҳатто марза уриш ҳам Хосе Аркадио Буэндиага топширилди. Ўз кўчма расталарини эндиликда қиморхонага айлантирган масхарабоз лўлилар қайтиб келганларида, дастлаб шоду хуррам қарши олишди, чунки улар билан Хосе Аркадио ҳам қайтади, деб умид қилишарди. Лекин Хосе Аркадио уларнинг орасида кўринмади. Урсуланинг назарида тунғичини биладиган ва уни қайдан излашни айта оладиган илон-одам ҳам йўқ эди. Шу боис, лўлиларга Макондода қолишга ижозат беришмади. Ҳатто уларни, бу ерга бошқа кадам босмайсизлар, деб огоҳлантиришди ҳам; энди макондоликлар лўлиларни тамағирлик ва бузуқлик манбаи санашарди. Лекин Хосе Аркадио Буэндиа, мабодо кишлоғимизга минг йиллик донолиги ва ажойиб ихтиролари билан Макондонинг равнақ топишига ҳисса қўшган лўлилар — Мелькиадес жамоаси келса, уларни кучоқ очиб кутиб оламыз, деб таъкидлади. Аммо турли дарвишлар ва дайдиаларнинг гапига қараганда, Мелькиадес жамоаси одамзод билиши таъқиқланган ҳикматга даҳл қилгани учун ер юзидан батамом йўқотилиб юборилган экан.

Отаси шаҳарни тартибга келтираётган, онаси эса новвот балиқчалару



хўрозкандларни бальси дарахти новдасига тизиб, уйларидан ҳар куни уч маҳал сотувга чиқариб, оила иқтисодини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган бир пайтда, Аурелиано ташландик лабораторияда ўтириб олиб, заргарлик ҳунарини астойдил ўрганарди. Унинг бўйи чўзилиб, акасидан қолган кийимлар ҳам калталиқ қилар, эндиликда отасининг либосларини кия бошлаганди. Виситасьон Аурелианога отасининг қўйлагию шимларини сал-пал торайтириб берарди, чунки у ҳали норғуликда отаси ва акасига етолмаган эди.

Аурелиано ўсмирлик ёшига етганида овози йўғонлашиб, камгап бўлиб қолди. У заргарликка шунчалар берилган эдики, лабараториядан фақат овқатлангани чиқарди, холос. Ўғлининг одамови бўлиб қолганидан саросимага тушган Хосе Аркадио Буэндиа унга куча эшикнинг калитини топшириб, ўғлим аёлни тусаб қолибди, деган ўйга бориб пул ҳам қолдирди. Аурелиано унга чилла сувига ишлатиш учун хлорат кислотаси харид қилиб, калитнинг устини эса олтин билан қоплади. Лекин унинг анойилиги Аркадио ва Амарантанинг қилиқлари олдида ҳеч гап эмасди — сут тишлари туша бошласа-да, ака-сингил кичкинтойлар хиндуларнинг этагидан тутиб, кун бўйи ортидан эргашиб юришар, ханузгача испанча сўзлашдан бош тортишиб, нукул гуахиро тилида гаплашар эдилар. «Уларда не айб, — дерди Урсула эрига. — Ота-онаси телба-тескари бўлгандан кейин, болаларга ҳам юқади-да.» Урсула, қилиғи ёмон фарзанд нимаю чўчкадумли махлук нима, фарқи кам-ку, деб ўйлади чоғи, толедан шикоят бошлайман деб турганида, Аурелиано унга қаттиқ тикилиб, дабдурустдан довдиратиб қўйди.

— Бизникига биров келяпти, — деди у.

Урсула, ўғли ҳар гал каромат қила бошлаганида қўллайдиган усулини тутиб, уни ўзининг жўн сўзи билан гангитишга уринди. «Биров келса, нима бўйи, бунинг ҳеч бир ажабланадиган жойи йўқ. Макондодан худонинг берган куни ўнлаб мусофирлар ўтади, улар ҳеч қандай кароматга муҳтож эмас.» Аурелиано ҳам ўз айтганидан қолмади.

— Кимлигини билмайману, аммо ўша одам аллақачон йўлга тушган, — деди у.

Ҳақиқатан ҳам, якшанба куни Ребека пайдо бўлди. Унинг ёши ўн бирларда эди. Қизча терифурушлар билан келди. Қулида уни албатта Хосе Аркадио Буэндиа хонадонига топшириш тайинланган мактуб ҳам бор эди. Лекин на терифурушлар ва на қизча мактубни ким ёзганини айтиб беролди. Улар Манауредан Макондогача оғир йўлни босиб келишган эди. Янги меҳмоннинг бор бисоти кийим-бош солинган сандиқча, мўъжазгина ёғоч тебранма курси ва ичида нималардир шақуршукур қиладиган каноп қопдан иборат эди. Қопни очиб кўришганда, қизчанинг ота-онасининг суяклари чикди. Хосе Аркадио Буэндиага юборилган мактуб вақту масофага қарамасдан уни ҳануз чексиз севадиган номаълум кимса томонидан илик сўзлар ила битилган эди. У ўзининг оддий инсонийлик бурчини ўтаётганини, аниқроғи Урсуланинг холаваччаси, ҳам Хосе Аркадио Буэндианинг қариндоши бўлмиш муштипар етимча бир қизни (ота-онаси Никанор Ульоа ва Ребека Монтэл анча бурун оламдан ўтишган, унинг падари мактуб муаллифининг яқин дўсти бўларкан) юбораётганини айтган эди. Номаълум киши қизча билан ота-онасининг суяklarини ҳам бирга жўнатаётганини

таъкидлаб, бу суякларни христиан удумига биноан кўмишни илтимос қилганди. Мактубдаги исм ҳам, охирига чекилган имзо ҳам аниқ, тушунарли бўлса-да, на Хосе Аркадио Буэндиа, на Урсула узоқ Манауре кишлоғида истиқомат қилувчи бундай қариндошлари ёки танишлари борлигини эслай олишди. Қизчадан кўшимча маълумотлар олишнинг мутлақо иложи бўлмади. У уйга кира солиб, тебранма курсига ўтирди-да, саволларга парво ҳам қилмай, атрофдагиларга қўрка-писа тикилганча, бармоғини сўра бошлади. Унинг эғнида ёски қора кўйлак бўлиб, оёғига чириккина туфли кийганди. Қулоғи ортидаги икки тарам сочи қора лента билан боғланган, бўйнига сиртидаги тасвири тердан хира тортиб қолган тумор, ўнг билагига кўзмунчоқ ва аллақандай ваҳший ҳайвоннинг мис занжирига ўтказилган қозик тиши такилганди. Яшил тусга кира бошлаган териси, ноғорадай шивиб кетган дорни қизчанинг соғлиги ёмонлигидан, мудом оч юрганлигидан дарак берарди. Шунга қарамай, овқат келтиришиб, ликопчани тиззасига кўйганларида ҳам у қимир этмади. Дастлаб, уни соқов деб ўйлашди, аммо шу пайт ҳиндулар қизчадан ўз тилларида, овқат ейишни хоҳлайсанми, деб сўраганларида, гўёки уларни тан олгандай кўзларини очиб-юмдида, розилик маъносида бош ирғади.

Қизчани олиб қолишди, бари бир бошқа иложлари ҳам йўқ эди. Гарчанд қизча Аурелиано хатни баланд овозда ўқиб, ота-онасининг исмларини зикр этганида қилт этмай ўтирса-да, унга мактубда ёзилганидек (агар рост бўлса) онасининг номини кўйишди, яъни Ребека деб атаётганлар. Ўша вақтлар Макондода қабристон йўқлиги сабабли (бу ерда ҳали ҳеч ким ўлмаган эди) суякларни кўмишга бирон-бир мос жой топилгунча копни беркитиб қўйишди, аммо бу коп худди курк товукнинг қақиллашига ўхшаган товуш чиқаргани холда, қутилмаган жойлардан чиқиб қоларди. Ребека оила шароитига кўниккунча анча фурсат ўтди. Дастлаб у курсисини бирон-бир бурчакка кўйиб олиб, бармоқ сўришдан нарига ўтмади. Қизча ҳеч нарсага қизиқмас, фақатгина ҳар ўттиз минутда соат музика чалган маҳалда, гўё зағир овозини кўрмоқчи бўлгандай атрофга олазарак назар ташларди. Ребекага овқат едириш ҳам қони азоб эди. То ҳинду ака-сиёғил қизчанинг девордан кесак синдириб ейишни билиб қолишмагунча ҳаммалари нега қизча очликдан ўлмаяпти, деб ҳайрон бўлишарди. Ота-онаси ёки уни боқиб ўстирганлар қизчани жазолашган чоғи. Ребека айб иш қилаётганини сезар, кесакни яширинча ер, хаттоки ҳеч ким йўқлигида тўйиб-тўйиб овқатланиш учун ғамлаб ҳам қўярди. Ребеканинг устидан қаттиқ назорат ўрнатишди. Ҳовлига сизир сафроси сепиб, уй деворларига аччиқ ҳинду қалампири суришди. Лекин қизалоқ севган «таом»ини бари бир топарди. Ахири Урсула таъсирчанроқ воситаларни қўллаб бошлади. У апельсин шарбати билан равои сувини аралаштириб, идишни тунбўйи ташқарида қолдирди, сўнг бу дорини эрталаб наҳордан олдин Ребекага ичирди. Бунақанги дорини қўллаш лозимлигини Урсулага ҳеч ким маслаҳат бермаганди, лекин у ўзича, бўш ошқозонга тушадиган ҳар бир тахир ичимлик жигарда санчиқ уйғотали, деб тахмин қилди. Заиф Ребека жуда уришқоқ экан — тепинди, тирнади, тишлади, хуллас, дорини ичмаслик пайида суахиро тилида эркакча сўзлар билан сўкинди. Урсула дорига даррани ҳам кўшиб да-



волай бошлади. Омухта муолажа натижаси ёмон бўлмади: бир неча ҳафтадан сўнг Ребека тузала бошлади: Аркадио ва Амаранта билан ўйнар, иштаҳа билан овқат ер, ҳаттоки пичок ва вилка тутишни ҳам билар эди. Кейинчалик эса унинг испан тилида ҳам равон сўзлаши, ниҳоятда чеварлиги, ўзи тўкиган майин сўзларни соат вальсига ҳамоҳанг айтиши маълум бўлди. Тез орада у оиланинг янги бир аъзосига айланди. Урсулани ҳаддан зиёд иззат қилар, Амарантани сингилча, Аркадиони укача, Аурлианони амаки, Хосе Аркадио Буэндиани эса бобо деб атади. Шу тариқа Ребека ҳам Буэндиа фамилиясини олди ва бу номга умр бўйи доғ теккизмади.

Ребека кесак ейиш дардидан қутулгач, уни Амаранта ва Аркадио ухлайдиган хонага ўтказишди. Бир куни болалар билан бирга туновчи ҳинду аёл ногаҳон уйғониб, бурчакдан келаётган ғалати товушни эшитиб қолди. Хонага бирон-бир жонивор кириб қолганмикин, деган ўйда жойидан ирғиб турдию тебранма курсида ўтириб бармогини сўраётган Ребекани кўрди. Қизчани кўзлари қоронғуда худди мушукни-кидек ёнарди. Қўрқувдан қотиб қолган Виситасъон қизчанинг кўзларида улар акаси иккови тахт ворислари ҳисобланишган қадимий подшоҳликни ташлаб чиқишга мажбур қилган ўша мудҳиш касаллик белгиларини топди: уйда уйқусизлик касали ҳукм сура бошлади.

Аёлинг акаси Катауре Макондодадан тонгни кутмасданоқ чиқиб кетди. Виситасъон шу ерда қолди — у энди тақдирга тан берган, бедаво касалликдан қочиб қутулолмаслигини англаган эди: Виситасъоннинг ташвишини ҳеч ким тушунмади. «Ухламаймизми? Нима бўпти, қайтага яхши-да, — дерди мамнуният билан Хосе Аркадио Буэндиа. — Ҳаётдан кўпроқ нарса ундириш мумкин.» Аммо Виситасъон унга бу хасталикнинг азоби уйқусизликкина эмас, аксинча, бедорликдан одамнинг бадани чарчок сезмаслиги, бу касалликнинг мудҳиш иллати — иккинчи босқичи, яъни унутувчанлик ҳам борлигини тушунтирди. Уйқусизликка гирифтор бемор дастлаб болаликдаги воқеаларни, кейин нарсаларнинг номию уларнинг нима мақсадда қўлланишини эсидан чиқаради, сўнгра у одамларни ҳам танимай қолади ва ҳаттоки ўз-ўзини ҳам англолмайди ва ўтмишни унутган бундай кимса телбанамо бир аҳволга тушади. Хосе Аркадио Буэндиа кула-кула, бу иримчи ҳиндулар тўқиб чиқарган латифаларнинг бири бўлса керак, деган хулосага келди. Лекин зийрак Урсула ҳар эҳтимолга қарши Ребекани болалардан ажратиб қўйди.

Орадан анча ўтиб, Виситасъон ваҳимаси бости-бости бўлаётган бир пайда, Хосе Аркадио Буэндиа ярим кечаси ногаҳон кўрнада у ёндан-бу ёнга ағдариларкан, уйқуси қочди. Урсула ҳам мижджа қокмай ётарди, у эридан нега ухламаётганини сўраганида, эри: «Мен яна Пруденсио Агиляр ҳақида ўйлаяпман», деб жавоб қайтарди. Улар кечани бедор ўтказишди, лекин эрталаб ўзларини ниҳоятда тетик сезишди, шу сабаблими, тезда бемаъни тунни ёдларидан чиқаришди.

Аурелиано тун бўйи ухламай Урсуланинг туғилган кунига аталган туғнағични тилла суви қошлаш билан лабораторияда ўтириб чиққан бўлса-да, тушлик пайтида ўзини яхши ҳис қилаётганини ажаблана-ажаблана айтиб берди. Бирок орадан икки кун ўтгач, одатда Буэндиалар ухлайдиган вақт етгач, улардан ҳеч бири ухлай олишмаса-да,

ҳеч ким бу ғалати ҳолга эътибор бермади, ҳатто қарийб эллик соатдан бери кўз юммаганлари бирортасининг хаёлига ҳам келмади.

— Болалар ҳам бедор. Бу балои офат уйга кирган экан, ундан ҳеч ким қутулолмайди, — деди иримчи ҳинду хотин.

Оила буткул уйқусизлик касалига йўлиқди. Онасидан гиёҳларнинг шифобахш хусусиятларини ўрганган Урсула турли гиёҳлардан дорилар тайёрлаб, уйдагиларга ичирса-да, бари бир ҳеч ким ухлай олмас, кундузлари ўнгларида туш қўриб чиқишар эди. Улар юратуридан беҳабар кимсалардей ўз хаёллари қолиб ҳаттоки бошқаларнинг хаёлида айланиб юрган шарпаларни ҳам яққол кўришарди. Гуё уй меҳмонлар билан тўладек эди. Емакхона бурчагидаги тебранма курсисидан ўтирган Ребека хаёл сурар, кўз олдида пайдо бўлган ва унга бир томчи сувдек ўхшаб кетадиган, оқ матодан қўйлак, ёқасига тилла тўгнагич таққан одам унга атиргул тугарди. Унинг ёнидаги қўллари майин аёл гуллардан бирини олиб, Ребеканинг сочига кистирарди. Ребеканинг хаёлидан беҳабар Урсула бу иккови унинг ота-онаси эканлигини тушунди, лекин қанча уринмасин, уларни таний олмади ва илгарилари ҳам ҳеч қаерда учратмаганини туиди. Ана шу пайтда, уйда тайёрланаётган новвот, хўрозқандларни бозорга олиб кетишди — Хосе Аркадио буни билмай қолди ва бу бепарволик учун ўзини-ўзи сўкиб юрди. Болалару катталар ғаройиб яшил хўрозқандларни, нимпушти баликчалару сариқ отчаларни ҳузур қилиб сўра-сўра ўзларига уйқусизлик касалини юктиришди ва ниҳоят, душанба куни сахармардонгача шаҳардаги бирорта одам ҳам ухлай олмади. Олдинига бундан ҳеч ким ташвишланмади. Қайтага кўпчилик қувонди, чунки ўшанда Мақонюда олиб борилаётган ишлар жуда кўп эди, вақт етишмасди. Одамларнинг шижоати боис, ҳамма юмушларни жуда қисқа фурсатда уқлашди ва сўнгра тонгги соат учларда ишсиз зеркиб, соатдан таралаётган оҳанглардаги зарбу садоларни ҳисоблай бошланди. Чарқокдан эмас, балки туш кўришни кўмсаб ухлашни истовчилар ўзларини ҳолдан тўйдирини ниятида аниққа нарсаларни ўйлаб топишарди. Улар бир жойда тўпланишиб бетиним вақилдашишар, бирор-бир латифани ун йигирма марталаб қайтаришар, ахта оқ хўроз ҳақидаги эртакни эса турли вариантларда айташарди. Аниқроғи, шу эртак асосида ғаройиб уйин ихтиро қилинганди. Бу — макондоликларнинг чеки йўқ ўйинларидан бири эди. Даврабони одамлардан, ахта оқ хўроз ҳақидаги эртакни эшитишни истайсизми, деб сўрар, улар «ҳа» деб жавоб беришса, у мен «ҳа» дейишни эмас, балки ахта оқ хўроз ҳақида эртак айтайинми-йўқми, деб сўраяпман, дерди, агар унга «йўқ» деб жавоб қайтаришса, у яна мен «йўқ»ни эмас, балки ахта оқ хўроз ҳақидаги эртакни эшитасизларми-йўқми, деб сўраяпман, дерди. Тудадан ҳеч ким чиқиб кетолмасди, чунки даврабони уни тўхтатиб, ахта оқ хўроз ҳақида эртак айтайми-йўқми, дея сўроққа тугарди. Шу тариқа бу ҳол ҳар келса бетиним такрорланар эди.

Юқумли уйқусизлик касали бутун шаҳарга тарқолаганини аниқлаган Хосе Аркадио Бунида таратилганини қолди, атрофидаги шаҳар ва қишлоқлардаги одамларга ҳам юкмаса, деган ниятда фикрли кишилар, оила бошлиқлари билан маслаҳатлашиб, ўзларича чора-тадбир топишди. Бу эртаклар араблардан тўтқунларга алмаштирилган, эчки шох-



ларига осиб қўйилган қўнгирокчаларни ечишиб, Макондога кираве-ришга илиб қўйишди: қоровулларнинг бакириб-чакиришига, шаҳарга кирган одамларнинг қўлига ана шу қўнгирокчаларни тутқазишарди. Улар Макондо кўчалари бўйлаб юришаркан, йўл-йўлакай бу қўнгирокчаларни чалишар, бу билан беморларни соғлом одам келаетганидан хабардор қилишар эди. Мусофирлар бу бахтсиз шаҳарда на овқат ейишлари, на сув ичишлари мумкин, негаки сув ва озик-овқат ҳам уйқу-сизлик оғуси билан заҳарланганди. Бундай чора-тадбирлар, ҳар қалай, касалликнинг шаҳардан ташқарига чиқишига йўл қўймасди. Бора-бора таъқиқларга кўниккан одамлар ниҳоят бу фавқуллодда воқеани эс-дан чиқаришди: ҳаёт яна изга тушди, ишлар яна илгаригидай борар ва ҳеч ким бу бефойда нарсани — уйқунни йўқотганидан танишига туш-мас эди.

Аурелиано топган талбир хотиранинг заифланишини бир оз тўх-татиб, эслаб қолиш қувватини тиклашга ёрдам берди. У бу талбирни тасодифан ўйлаб топди. Уйқусизлик азобини тортавериб пинчиб кетган Аурелиано (у бу дарднинг илк қурбонларидан эди) анчадан бери зар-гарлик қиларди. Бир куни темирни яссилаш учун сандонча зарур бў-либ қолди ва у бу усқунанинг нима деб номланишини эслолмади. Ота-си «сандон, дейилади» дея эслатди. Аурелиано шу сўзни қогозга ёзиб, уни сандонга ёпиштириб қўйди. Энди у бу сўзни ҳеч қачон ёлдан чи-кармаслигига ишонарди. Бу хотира тикланишининг илк белгиси экан-ини у ҳаёлигаям келтирмаганди. Бир неча кундан сўнг у лаборатория-даги барча нарсаларнинг номини ниҳоятда машаққат билан эслайди-ган бўлди. Шундан кейин буюмларнинг ҳар бирига тегишли лавҳача ёзиб, ёпиштириб чиқди, уларни ўқиган заҳоти бу усқуна нима мақсад-да ишлатилишини билиб оларди. Отаси хотираси заифлашаётганидан, болалигидаги энг хаяжонли хотираларни ҳам эсидан чиқараётганиги-дан шикоят қилганида, Аурелиано унга ўз услубини баён қилди. Хосе Аркадио Буэндиа бу талбирни маъқуллаб, аввало уни ўз оиласига, сўнг-ра бутун шаҳарга жорий этди. У соқол чўтқачани сиёҳга ботириб, уйи-даги ҳар бир буюмга тегишли ёзувлар битди, яъни «стол», «стул», «эшик», «девор», «каравот», «қозон» дея ёзиб чиқди. Қўтонга бориб, у ердаги ҳайвонлару паррандалар ва ҳаттоки ўсимликларга ҳам «си-гир», «эчки», «чўчка», «товуқ», «маниока», «мачанка», «банан» деган лавҳачаларни илиб қўйди. Хотира йўқолишининг беҳисоб турларини оз-моз ўрганиб чиққан одамлар, гарчанд буюмларни ёзувларга қараб топиб олишсалар ҳам, бари бир бир куни бу буюмлардан нима мақсад-да фойдаланиш кераклигини унутиб қўяжакларини тушунишди. Шун-дан сўнг вазият мураккабланди. «Бу — сигир, уни ҳар куни эрталаб соғиб туриш зарур, сутни қаҳва билан аралаштириш учун қайнатиш керак, ана шунда сутли қаҳва тайёрлаш мумкин», дея сигир бўйнига осиб қўйилган ёзувга ўхшаш лавҳа-эълонлар макондликларнинг хоти-рани сақлаб қолишга нечоғли уринганидан хабар беради. Улар умла-ридан узоклашиб кетаётган ҳақиқатни ёзувлар ёрдамида бирмунча муддатга бўлса-да, асраш мақсадида ана шу тарика кун кечиришарди, аммо ҳарфларнинг маъноси эсларидан чиққач, бу ҳақиқат батамом йўқолини муқаррар эди.

Шаҳарга кириш йўлида «Макондо» деган ёзув пайдо бўлди, марка-

зий кўчага эса янада йирик ҳарфлар билан «Худо бор» деб ёзиб қўйишди. Ҳар бир хонадонда хотирадаги у ёки бу буюмларни ёки туйғуларни тиклашда ёрдам беришга хизмат қилувчи турли шартли белгилар чизиб ташланганди. Аммо бу нарса асабларни мудом таранг тутишни, сабру бардонли бўлишни такозо қиларди, зотан, кўпчилик ўз тасаввурларидаги ҳақиқатга берилиб кетган, гарчанд бунинг унчалик нафи бўлма-са-да, бари бир, улар шу билан овунлар эди. Илгари қарталарга қараб келажакни айтиб берадиган, эндиликда эса қартага қараб ўтмиш хотираларини ёдга солишни ўрганиб олган Пилар Тернера бу товламачиликнинг шаҳарда кенг ёйилишига катта ҳисса қўшди. Унинг ҳийла-найранглари туфайли макондоликлар қарталарни ноаниқ ва бир-бирига зид тахминлари натижасида вужудга келган ғаройиб оламга кириб қолишди, бу оламда отангизни апрель ойида келган қорасоч эркак, онангизни эса чап қўлига тилла узук таққан бугдоймағиз аёл сифатида эслашар, туғилган кунингиз бўлса лавра<sup>1</sup>да тўрғай сайраган сўнгги сешанба кунига тўғри келар эди. Бу машманалар жонига теккан Хосе Аркадио Буэндиа хотира машинаси ясаб, бу гафлат бадаларининг кўзини очиб қўйишга аҳд қилди; бу машина воситасида одамлар нафақат хотирани тиклашади, балки лўдилар кўрсатган ғаройиботларни ҳам эслашади, деб ўйларди у. Хотира машинаси ҳаётдан олинган барча тушунчалар йигиндисининг ҳар кун такрорлаб туриш қонунига асосланган бўлиши керак эди. Хосе Аркадио Буэндиа бу усқунани чархига жойлашган одам дасталар орқали бошқариб турадиган айланма лўғат сифатида тасаввур қилар, қисқа вақт ичида ҳаётга тааллуқли барча маълумотлар ҳалиги одамнинг кўз олдида гавдаланиши керак эди. Ихтирочи ўн тўрт мингга яқин лавҳачани тўлдирганида, водий йўлида уйқусизликка мубталолик белгиси — кўнғирокча осган, қорви қаппайган гайриоддий бир чол пайдо бўлди: у жомадон юкланган, қора латта боғланган галтак аравани итариб келарди. У тўнша-тўғри Хосе Аркадио Буэндианинг уйига йўналди.

Эшикни очган Виситасьон чолни танимади. Аниқроқи, уни хотира-сизлик гирдобига чуқаетган бу шаҳарда бирор нарса сотишнинг иложи йўқлигидан ҳали хабар топмаган бирор бир савдогар, деб хаёл қилди. Мункиллаб қолган бу одам, товуши титроқ, қўллари калтироқ бир нотавон бўлса-да, унинг одамлар ухлайдиган ва хотираларини йўқотмаган оламдан келганлиги аён эди. Хосе Аркадио Буэндиа чолнинг олди-га борганида, у меҳмонхонада ўтириб, эски қора шляпасини силтаганча, деворга осилган лавҳалардаги ёзувларни диққат ва ҳатто хайри-ҳохлик билан ўқимокда эди. Хосе Аркадио Буэндиа бу одамни илгари танисам ҳам ҳозир эсимдан чиқариб қўймаганмиканман дея гумонсираб, у билан ниҳоятда қуюқ сўрашди. Аммо меҳмон унинг аҳволини дарҳол тушунди. Чол ўзини бу ердагилар шунчаки эмас, балки батамом, яъни ўлган кишиларни ёддан чиқаргандек мутлақо унуттиганини сизди. У аллақандай буюмларга тўла жомадонини очиб, ичига сон-сапоқсиз шина идишлар солинган кичкинагина жомадончани олди. Сўнг-ра хонадон соҳибига ёкимли рангдаги суюқлик тўла идиш тутди, суюқ-

<sup>1</sup> Лавра — катта монастырь.



ликни ичгач, унинг хотираси уйгонди. Хосе Аркадио Буэндианинг кўзлари — ҳали у ўзини буюмлар устида ёзувлар битилган бу бесўнакай хонага тушиб қолганлигини англамай туриб, ҳали деворлардаги бу бежама, тутуриқсиз сўзларни уятдан кизариб-бузариб ўқимай ва ҳатто ёрқин қувончдан порламай туриб — гуссали ёшга тўлди ва меҳмонни таниди. Бу Мелькиадес эди.

Макондо хотира тикланганини байрам қилаётган пайтда Хосе Аркадио Буэндиа билан Мелькиадес кўришишди, эски дўстлик ришталарини яна боғлашди. Лўли шаҳарда қолажагини билдирди. У ҳақиқатан ҳам нариги дунёга кетган бўлиб, танҳо ликка бардош беролмасдан яна ёруғ оламга қайтганди. Жодугарлиги учун жабр тортган ва ҳамқа вмлари-нинг қаҳрига учраган Мелькиадес ҳали ажал қадами етмаган мана шу шаҳардан осуда бир маскан топиб, шу ерда сураткашлик қилиб яшаб юришга аҳд этди. Хосе Аркадио Буэндиа бундай ихтиро — сураткашлик тўғрисида ҳеч эшитмаганди. Аммо у ўзининг, оила аъзоларининг қалай бўлагига бир умрга муҳрланган, турли рангларда жилланувчи тасвирини кўриб, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Хосе Аркадио Буэндианинг кулранг сочлари хурпайган, ёқаси мис тўғнағичли оҳорланган кўйлақда байрамона руҳда тушган, бир оз эскирган сурати ҳам худди ана шу даврга мансуб: Урсула суратни кўриб, ичгаги узилиб куларкан, эрини «қўрқок генерал»га ўхшатди. Тўғриси айтганда, Мелькиадес бу расмни ишлаётганида — декабрнинг очиқ кунларидан бири эди — Хосе Аркадио Буэндиа ҳақиқатда ҳам кўрққанди; у одамнинг акси қалай бўлагининг юзасига ўтиши ҳануз танасини бора-бора кемириб кўяди, деб ўйлаб васвасага тушган эди. Шуниси ажабланарлики, бу гал Урсула илмга ён босиб, эрининг миясидаги бемаъни фикр-ни сиқиб чиқарди. Урсула илмга рўй берган дилсиёҳликларни ҳам унутиб, Мелькиадесни ўз хонадонида олиб қолишга аҳд қилди. Лекин ўзи суратга тушишдан бош тортди, невараларимга кулги бўлишни истамайман, деди. Декабрнинг ўша тонгида Урсула болаларига энг яхши кийимларини кийгизди, уларнинг юзига упу суртди ва Мелькиадеснинг бежирим камераси олдида икки дақиқа кимирламай туришлари учун ҳар бирига бир қошиқдан калла шўрва ичирди. Яккаю ягона ҳисобланмиш ушбу оилавий суратда Амаранта билан Ребеканинг ўртасида турган Аурелиано қора костюм кийиб олган эди. У орадан талай йил ўтгач, девор ёнида ўзига ўқ узишларини кутганидагидек ҳоргин, аммо кўзлари тийрак ҳолда тасвирланган эди. Лекин йигитча ўшанда келгуси қисматидан беҳабар эди. У воҳага донғи кетган қўлигул заргар эди, холос. Эндиликда Мелькиадеснинг ҳам меҳмонхонасига айланган бу устахонада Аурелианонинг бор-йўқлиги деярли билинмасди. Отаси билан лўли шишалару фотопластинкалар ювиладиган идишларнинг шақирлаши, кислоталарнинг тўкилиши ва бу ур-йикитда бромли кумушнинг исроф бўлганига ҳам эътибор бермай, Нострадамуснинг қаромати хусусида бақириб-чақириб баҳслашиб турганда, Аурелиано ўзини гўёки бошқа бир оламда юргандай сезар эди. У ишнинг кўзини билиш бараварида бутун вужуди билан киришиб кетарди, шу боис ҳам тез орада Урсуланинг хўрозқандларини сотишдан келадиган ақчаларга нисбатан анча кўп пул топадиган бўлди. Ҳаммани бир нарса — нима сабабдан балоғатга етган бу эркакнинг ҳалигача аёллардан баҳраманд бўлмагани

ажаблантирарди. Дарҳақиқат, Аурелиано ҳали хотин зотининг яқинига йўламаган эди.

Орадан бир неча ой ўтгач, Макондода яна ўша кекса дайди — ёши икки юзга яқинлашиб қолган Франсиско Одам пайдо бўлди. У илгарилари шаҳарга тез-тез ташриф буюриб, ўзи тўкиган қўшиқларни олиб келарди. Бу қўшиқларда водийнинг Манаурагача элтувчи йўли бўйидаги шаҳар ва қишлоқларда содир бўлган барча воқеалар энг кичик тафсилотларигача ҳикоя қилинар, одамлар танишларига бирон-бир гап тайинламоқчи ёки оиласидаги янгиликларни билдиришни исташса, Франсиско Одамга икки сентаво тўлашгани заҳотиёқ, у ана шу хушxabарларни албатта ўз репертуарига киритар эди. Бир куни кечқурун қўшиқчидан ўғли тўғрисида бирор янгилик билиш умидида чиққан Урсула ногаҳон ундан ўз онасининг ўлганини эшитди. Қўшиқ тўкиш баҳсида шайтонни мағлубиятга учратгани учун Франсиско Одам деб ном олган бу кишининг асл исмини ҳеч ким билмасди, у Макондода уйқусизлик касали бошланганида гойиб бўлган ва ҳозир яна Катаринонинг уйига келган эди. Одамлар унинг қўшиқларини тинглаш, дунё янгиликларини билиш мақсадида унинг хузурига ошиқардилар. Франсиско Одам семиз бир хотин билан келган эди. Аёл ўтирган тебранма курсини тўрт нафар ҳинду кўтариб олган; ёшигина мулат қиз эса қўлидаги соябони билан уни куёшдан пана қилиб борарди. Бу сафар Аурелиано ҳам Катаринонига йўл олди. Баҳайбат букаламунга ўхшайдиган Франсиско Одам бир гуруҳ бекорчилар ўртасида ўтирарли. У, айтишларича. Гуайянада сэр Уолтер Рэлей<sup>1</sup>нинг шахсан ўзи тақдим қилган эски аккордеонни чалганча, денгизнинг шўр сувидан ёрилиб кетган катта товонлари билан куй мақомига монанд депсина-депсина чолларга хос дўрилдоқ товушда қўшиқ айтарди. Тўғрисидаги эшик орқали эркаклар негадир галма-гал нариги хонага кириб-чиқишар, эшик ёнидаги курсида ўтирган семиз аёл эса лом-мим демасдан қўлидаги елпиғичини силкитарди. Чеккасига қоғоз атиргул тақиб олган Катарино шакарқамиш мусалласидан ичарди, у арзимаган нарсани баҳона қилиб эркакларга яқинлашарди-да, қўлини уларнинг ҳалиги жойларига теккизар эди. Ярим кечаси ҳаво чидаб бўлмайдиган даражада исиб кетди. Аурелиано ҳамма гапларни охиригача тинглади, аммо оиласига тааллуқли бир кизиқарли маълумот ололмади. Кетишга шайланаётганида, аёл уни имлаб ёнига қақирди.

— Сен ҳам кир, — деди у. — Бу факат йигирма сентавога тушади, холос.

Аурелиано аёлнинг тиззасидаги финжонга танга ташлаб, нариги хонада ўзини нима кутаётганини хаёлига келтирмай, эшикни очди. Кўрпада кўкраклари итнинг эмчагига ўхшаган ширялангоч мулат қизча ётарди. Аурелианога унинг олдида олтмиш уч нафар эркак кириб чиққанди. Шунча одамнинг ўпкасига кириб-чиққан, тер ҳиди аралашган ҳаво аллақандай қуюқ тусга кирган, балчикдай бадбўй эди. Қизча чойшабни йиғиштираркан, Аурелианодан унинг бир чеккасини ушлаб

<sup>1</sup> Уолтер Рэлей (1552--1618) — англиз денгизчиси. У Шимолий ва Жанубий Америкага уюштирилган бир неча экспедицияларга раҳбарлик қилган.



туришни илтимос қилди. Чойшаб жиққа ҳўл, каноп матодай оғир эди. Улар чойшабни икки томонидан ушлаганча бураб-бураб сувини сиқишди, ундан ҳам тер оқди. Аурелиано бу ҳолнинг чексиз такрорланишини жудаям истарди. Ишқу зинонинг назарий жиҳатлари унга аён эсада, ҳозир тиззалари қалтираб, оёғида зўрға турарди. Ҳуринни тартибга келтиргач, унга ечинишни буюрган қизчага Аурелиано тутила-гутила: «Мени бу ерга киришга мажбур қилишди. Финжонга йигирма сентаво ташлагин, хонада узок қолиб кетмагин дейишди»; дея изоҳ беришга тушди. Қиз унинг ҳолатини тушунди. «Агар сен финжонга яна йигирма сентаво ташласанг, кўпроқ қолишинг мумкин», деди у астагина. Уятдан қизариб кетган Аурелиано кийимларини ечди, унга ўзининг яланғоч бадани акасининг яланғоч бадани олдида ҳеч нарса эмаслиги ҳақидаги фикр тинчлик бермасди. Қизнинг барча уринишларига қарамай у ўзини тобора лоқайд ва танҳо сезарди. «Мен яна йигирма сентаво ташлайман», дея ғўлдирарди у васвасага тушиб. Қиз унга миннатдорчилигини сассиз изҳор қилди. Унинг қобирғалари шундоқкина терисини туртиб чиққан, оркаси қонталаш эди. У ниҳоятда ҳориган, оғир-оғир нафас оларди. Қизча бундан икки йил аввал, Макондодан анча олис жойда, ухлашдан илгари шамни ўчиришни эсдан чиқариб қолдирган, уйғонганида атрофини аланга қоплаганди. Уни тарбиялаган бувиси иккови яшайдиган уй қуйиб, кул бўлган эди. Ҳшандан бери бувиси уни шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб олиб юрар, уйнинг товонини тўлаши учун йигирма сентавога эркакларга қўшар эди. Қизчанинг айгишича, у яна ўн йил давомида ҳар кечаси етмиш нафар эркак билан ётиши керак, чунки уйнинг товонини тўлашдан ташқари йўл харажати, овқат пули бувисини кўтариб юрувчи хиндуларга ҳам анчагина пул даркор экан. Қизга ҳатто қўлини ҳам теккизмаган Аурелиано, семиз аёл иккинчи бор эшикни тақиллатганида, қуйилиб келаётган кўз ёшларини зўрға тийганча хонадан чиқиб кетди. У кечаси билан ухлай олмади, қизча тақдири ҳақида узок ўйга толди. Аурелиано уни севиб қолган ва энди, химоя қилишни истарди. Эрталаб қизчани бувисининг зулмдаги кутқаришга, ундан ҳар кеч етмиш эркак оладиган лаззатни ўзи тотиш ниятида унга уйланишга аҳд қилди. Аммо у эрталаб соат ўнда Катариноникига келганида, қизча Макондодан аллақачонок чиқиб кетган эди. Ҳтган вақт йигитнинг қайноқ ва енгилтак ҳис-туйғусини бирмунча совитди, аммо унинг қалбида ушалмаган бир армон каттик ўрнашиб қолди. У иш билан кўнглини овутиб юрди. Аурелиано ўзини аёл билан ётишга лаёқатсиз деб ҳисоблар ва бу шармандалигини ошкор қилмаслик учун энди бир умр аёл кўрмаган эркакдай сўққабощ яшашга кўникиб қолганди. Мелькиадес фотопластинкаларга Макондодаги барча диққатга сазовор жойларининг тасвирини тушириб бўлгач, расмхона — устахонани хомхаёл Хосе Аркадио Буэндианинг ихтиёрига топширди; Хосе Аркадио Буэндиа дегерротипия ёрдамида худо борлигини илмий асосда исботлашга аҳд қилганди. Агар худо бўлса, уйи атрофида туширган тасвирларни бир-бирининг устига қоплаш натижасида, эртами-кечми, бари бир унинг суратини олишга ишонар, акс холда, унинг мавжудлиги ҳақидаги фикрга бутунлай чек қўймоқчи эди. Мелькиадес Нострадамусни ўрганишга шўнғиб кетди. Ранги ўнғиган баҳмал камзулини кийиб олиб, алмисоқдан қолган узуклар тақилган кичкина, худди

чумчук панжасини эслатувчи қўллари билан қоғозга алланарсаларни ёзиб, ярим кечагача ўтирарди. Бир куни Макондонинг келажагига оид ваҳий келгандай бўлди. Макондо шаффоф ойнавандли катта-катта бинолардан иборат ажойиб шаҳар бўларкан, бу шаҳарда Буэндиа аждодларининг изи ҳам қолмас экан. «Бўлмағур гап, — дея газабланди Хосе Аркадио Буэндиа буни эшитиб. — Бинолар ойнадан эмас, тушимда кўрганимдек, муздан қурилади. Буэндиа авлодлари унда тоабад яшашиди». Урсула нукул телбалар тўпланган бу уйга заррача бўлса-да, соғлом фикр олиб киришга тиришарди. Энди у новвоту хўрозқандлар тайёрлабгина қолмасдан, яқинда қурдирган каттакон печда сават-сават нон, кўплаб пудинг, пирожное ва бисквит ҳам пиширар эди, буларни водий йўлига олиб чиқиб, атиги бир неча соатда сотиб юборишарди. Урсула, гарчанд оёғини узатиб дам оладиган ёшга етганига қарамай, тиним билмас, йилдан-йилга серҳаракат бўлиб борарди. Урсула қандолатчиликдан келаётган даромадга, омади юришганига берилиб кетгандики, ҳатто бир куни кечқурун ҳинду киз қозонга шакар солаётганида, деразадан ҳовлига ҳаёлчан боқаркан, кечки майин нурлар остида керги билан ниманидир тикаётган ёш ва чиройли икки қизга кўзи тушиб, уларни таний олмади. Улар Ребека билан Амаранта эди. Қизлар бувилари мотами муносабати билан роса уч йил кийиб юришган қора либосларини гулли кўйлақларга алмаштирганларидан тамомила ўзгариб кетишганди. (Айниқса, Ребека жуда сулув эди.) Унинг бадани тиниқ, кўзлари катта-катта, босиқ эди, сеҳрли қўллари матога гул тасвирини гўёки ипсиз тушираётгандай туюларди. Ребекадан кичик Амаранта у қадар нозик бўлмаса-да, аммо марҳум бувидан туғма олижаноблик ва ўз кадрини билиш ҳиссини мерос қилиб олган эди. Отасидай бақувват бўлиб ўсаётган Аркадио уларнинг олдида болага ўхшарди.

Аркадио Аурелиано раҳбарлигида заргарлик билан шуғулланарди. Аурелиано ўқиш ва ёзишни ҳам ўргатганди. Урсула хонадони катта ёшдаги одамлар билан тўлиб-тошганини, болалари яқин ўртада оила қуришиб, ували-жували бўлажаклари ва ўшанда уйлари уларга торлик қилиб қолиши туфайли уларнинг оилаларини алоҳида ажратиш лозим. Шунда у бир неча йиллар оғир меҳнат эвазига йиққан пулларини олиб, қурувчилар билан уйни кенгайтириш хусусида гаплашди. Уларга меҳмонларга аталган каттакон зал, оиланинг ўзи учун мўлжалланган салқин, шинам хона, ўн икки ўринли емакхона, тўққизта деразасиям ҳовлига қаратилган хобгоҳ, қуёш нурларидан пана, қирққулоқ ва бегониялар учун туваклар ва гулдонлар қўйишга мосланган узун галерея қуришни буюрди. Ошхонани иккита печ сиғадиган даражада кенгайтиришга, Пилар Тернера Хосе Аркадиога унинг келажаги хусусида фол очган қазноқни бузиб, уйларида доимо керакли озиқ-овқат бўлиб туриши учун, унга икки баравар келадиган янги қазноқ қуришга ҳам бел боғлади. Ҳовлидаги катта каштан дарахти остига эса бири аёлларга, бошқаси эркекларга мўлжалланган иккита ҳаммом, орқа тарафда кенг отхона, симтўр билан ўралган товукхона, молхона қуришни, дайди қушларга бошпана — усти очиқ қафас қилишни ҳам режалаштирди. Гўёки эрининг жонсарак фикрлари юкиб қолгандай, шижоатга тўлиб-тошган Урсула уйларига келган ўнлаб гишт терувчилару дурадгорларга бўлажак хоналарнинг эшик-деразаларини қайси томонга ўратиш ло-









зимлиги ва қуриш билан боғлиқ бошқа кўлаб муаммолар бўйича турли-туман маслаҳатлар берарди. Макондога асос солинганида қурилган бу эски уй сон-саноксиз ишчилар, қурилиш материалларию асбоб-ускуналар билан тўлиб-тошганди, ишчилар уй эгалари оёғи остида ўралашиб юрганликларини хаёлларига ҳам келтирмас, аксинча, «бизга халакит қилманглар», дея уларга танбەх беришарди; суяк солинган қоп хар қадамда лоп этиб чиқиб қолар, қурувчилар устихонларнинг шакир-шуқуридан жиғибийрон бўлишарди. Сўнмаган оҳақ ҳовури ва қайноқ мум ҳиди тула бу тўполон ичида Макондо тарихида энг улкан уй пайдо бўлди. Кўпчилик хайратдан ёқа ушлади; бу уй кўшни уйлардан ҳам кўлами, ҳам меҳмоннавозлиги, ҳам салқинлиги билан ажралиб турарди. Хосе Аркадио Буэндианинг ўзи ҳам уй қай тариқа қурилганига кўпда тушунолмади, негаки у айни иш қизгин кезларда худонинг ви-солидан баҳраманд бўлиш умидида тажриба ўтказарди. Айни шундай кунлардан бирида Урсула эрининг оромини бузди. У бино пештоқини ўзимиз истагандай оққа эмас, кўкка бўяшга фармон берилди, деб айтганида, янги уй битаёзган эди. Хосе Аркадио Буэндиа хотинининг гапларини тузукроқ англамади, сўнг у узатган фармонни кўлга олиб, фармойишчининг имзосини синчиклаб ўрганиб чиқди.

— Ким экан у одам? — деб сўради.

— Коррехидор, — деди ҳорғивликдан адойи тамом бўлган Урсула, — айтишларича, у бошчилигимиз экан, ҳукумат юборибди.

Дон Аполинар Москоте, яъни коррехидор, Макондога ортикча даб-дабасиз, ими-жимиди кириб келди. Москоте савдогар араблардан бири қурган «Ёқуб меҳмонхонаси», дея ном олган қарвонсаройда тунади, эртасига эса Буэндиалар хонадонидан икки кўча наридаги, деразалари кўчага қараган уйни ижарага олди. Москоте хонага Ёқубдан сотиб олган стол ва стулни жойлаштирди, деворга ўзи билан бирга олиб келган республика гербини илиб, эшикка «Коррехидор» деб ёзиб қўйди. Сўнг миллий озодлик куни шарафига барча уйларнинг деворларини кўк ранга бўяш ҳақида илк фармойишини чиқарди.

Хосе Аркадио Буэндиа фармон нуҳасини келтирганида коррехидор ўзининг камтаргина идорасига ўрнатилган гамакда тушки овқатдан сўнг дам олиб ётарди. «Шу қоғозни сиз ёзганмисиз?» деб сўради Хосе Аркадио Буэндиа. Ёши бир жойга бориб қолган, хушчакчак, аммо анча журъатсиз кўринадиган дон Аполинар Москоте, «ҳа», дея жавоб қайтарди. «Нима ҳаққингиз бор бундай қилишга?» яна савол берди унга Хосе Аркадио Буэндиа.

Дон Аполинар Москоте стол тортмасидан аллақандай қоғоз чиқариб узатди. Қоғозда: «Ушбу шаҳарга коррехидор вазифасини бажарини учун юборилган», деган ёзув бор эди.

— Шаҳримизда ҳали ҳеч қачон қоғозлар ҳукмдорлик қилмаган, — дея хотиржам эътироз билдирди Хосе Аркадио Буэндиа. — Эсингизда тутингки, бизни тузатиш учун ҳеч ким даркор эмас, бизда тузатадиган ҳеч нима йўқ.

У яна ўша хотиржам ҳолда, товушини баянлаётган дон Аполинар Москотеге Макондонинг қай йусуфда барпо этганлари, йўллар қурганлари, қайналганларига қарамасдан ҳукуматни безовта қилмаганлари ҳақида батафсил гапириб, энди ҳукумат ҳам бизни ўз холимиз-

га кўйсин, деб айтди. «Бизлар беозор одамлармиз, бизда ҳатто ҳали ҳеч ким ўз ажали билан ўлган эмас,— деди Хосе Аркадио Буэндиа. — Узингиз кўрдингиз, Макондода ҳанузгача қабристон йўқ». Йўқ, у ҳукуматдан шикоят қилмоқчи эмас, аксинча, ҳукумат шаҳарчининг тинчгина ривож топишига халақит бермаганидан ғоят хурсанд ва бундан кейин ҳам ана шундай бўлишини хоҳлайди, бинобарин, Макондони дуч келган бегона одам уларга буйруқ беришлари учун бунёд этишмаган. Дон Аполинар Москоте кўпол момик куртқасию рангдош оignon шимини кийгандан кейин ҳам, одамшавандалигини йўқотмади.

— Агар сиз шаҳримизда жўн фуқаро бўлиб қолишни истасангиз — бош устига,— дея ганини яқулади Хосе Аркадио Буэндиа, — Аммо сиз бу ерда тартибсизлик ўрнатмоқчи, одамларни ўз уйлари кўк ранга бўяшга мажбур қилмоқчи бўлсангиз, лаш-лушларингизни кўтариб, ортингизга қайтиб кетинг. Менинг уйим масаласига келсак, у чинни каптардек оignon бўлади.

Дон Аполинар Москотенинг рангидан қони қочди. Хиёл ортга тисланиб, тишларини қаҳрли қисирлатганча:

— Эҳтиёт бўлинг, менда қурол бор! — деб огоҳлантирди.

Хосе Аркадио Буэндиа кутилмаганда яна ўша ёшлигидаги, отни бир уриб қулатишга қодир пайтидаги кучга тўнанини сезмай қолди. У дон Аполинар Москотени ёқасидан тутганича, ердан даст кўтарди.

— Одам ўлдириб ёждонимга бир умр азоб бергандан кўра, тирик одамни бир неча дақиқа судраб юришни афзал кўрганимдан шундай қиялман,— деди у.

Ва у дон Аполинар Москотени ёқасидан кўтарганча кўчанинг ўртасига — Макондодан водийга қараб кетадиган йўлга чиқариб қўйди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Москоте қуролланган олти нафар жулдурвоки солдатни бошлаб келди: ҳўкизлар қўшилган аравада эса унинг хотини, етти қизи ўтиришарди. Кейинроқ мебель, сандиқ ва уй анжумлари иккита аравада келди. Коррехидор тузукроқ бир уй топилгунича оила аъзоларини «Ёқуб меҳмонхонаси»га жойлаштирди ва яна идорасини очиб, эшик олдига икки сочки қўйдирди. Макондо туб аҳолиси келгиндиларни ҳайдаб юборишга қатъий аҳд қилишди. Улар, келгиндиларни бадарга қилиш ишида бош-қош бўлар, деган умидда Хосе Аркадио Буэндианинг уйига бордилар. Лекин Хосе Аркадио Буэндиа, дон Аполинар Москоте хотинию болаларини олиб келибди, эркак кишини болачақасининг кўз ўнгида шарманда қилсак ножоиз бўлади, деди, энди бу ишни тинч йўл билан ҳал қилиш лозим.

Хосе Аркадио Буэндиа ўғли Аурелианоно ёнига олиб, коррехидорнинг уйига йўл олди. Энди Аурелиано мўйлов қўйиб, овози ҳам озмунча салобат касб этган навқирон йигит эди. Кейинчалик, Аурелиано урушда қатнашганида ҳам унинг овози бошқаларникидан ажралиб турарди. Ота-бола қуролланмаган эса-да, соқчиларни писанд қилмай, коррехидорнинг идорасига киришди.

Дон Аполинар Москоте саросимага тушмади. У меҳмонларни идорага ногаҳон кириб қолган қизлари — онасига ўхшаш қорасоч, ўн олти ёшли Ампаро ва зумрад кўзли, эндигина тўққизга қираётган кўҳликки-на Ремедиос билан таништирди. Опа-сингиллар ғоят одобли экан. Ота-бола Буэндиалар кириб келган заҳотиёк, уларнинг ҳурмати учун



жойларидан туриб, курси кўйиб беришди. Лекин меҳмонлар ўтиришга унамади.

— Майли, биродар, — деди Хосе Аркадио Буэндиа, — биз сизларга шахримизда қолишга ижозат берамиз, лекин эшик ёнида милтиқ кўтариб турган анави қароқчилардан чўчиганимиздан эмас, балки оилангизнинг иззатини ўйлаб шу қарорга келдик...

Дон Аполинар Москоте нимадир демокчи эди, лекин Хосе Аркадио Буэндиа оғиз очишга имкон бермади.

— Аммо бизнинг икки шартимиз бор, — давом этди у. — Биринчиси: ҳар бир одам ўз уйини ўзига ёкқан рангга бўйайди, иккинчиси: солдатлар ҳозирок Макондони тарк этишлари шарт. Шаҳардаги тартиб учун биз жавоб берамиз.

Коррехидор ўнг кўлини баланд кўтариб:

— Чин виждон сўзларингми бу? — деб сўради.

— Душман сўзи, — деди Хосе Аркадио Буэндиа кесатиб, сўнг ҳасрат билан қўшиб қўйди: — Бир нарсани айтиб қўяйки, энди иккимиз умрбод душман бўлиб қоламиз.

Солдатлар ўша кечасиёқ шаҳарни тарк этишди. Орадан бир неча кун ўтгач, Хосе Аркадио Буэндиа коррехидорнинг оиласи учун қулай уй топди. Шу-шу, Аурелианодан бошқа ҳамма тинчланди. Коррехидорнинг кенжа қизи (гарчанд у ҳали кичкина қизалок бўлса-да) Ремедиоснинг сиймоси унинг қалби тўридан жой олиб, мудом азоблар эди. Бу ҳиссиёт унга мислсиз озор берарди.

Нақ чинни кабутарни эслатувчи уйнинг қуриб битказилиши катта базм билан нишонланди. Базм Ребека билан Амаранта бўй етиб қолганини сезган Урсуланинг таклифига биноан уюштирилди. Очигини айтганда, ана шундай базм учун муносиб жой ҳозирлаш истаги янги уй қад кўтаришига сабаб бўлган эди. Урсула орзу-ҳавас мевасини тотиш умидида, жонини жабборга бериб ишлар, ҳатто қандолатчилик ва новвойликдан тушган сармосига, ҳали қурилиш битмай туриб, уйни безаш учун ғаройиб ва қимматбаҳо жиҳозлар буюртма берган, буюртмалар орасида ажойиб янгилик — пианола ҳам бўлиб, Урсула бу харидидан шаҳардагилар лол қолиб, ёшларнинг дилини шод қиламан, деб ўйларди. Пианола бўлаклаб солинган кутиларни Вена мебели, Богемия биллури, қимматбаҳо идиш-товоклар, голланд газмолидан бўлган чойшаблар, турли бежирим чироклар, қандиллар, гулдонлар ва гиламлар билан қўшиб олиб келишди. У ҳатто Савдо уйидагилар пианолани йиғиш, созлаш, чалишни ва олтита картон цилиндрга ёзилган замонавий куйлар оҳангига мос рақс тушишни ўргатиш учун ўз ҳисобларидан Пьетро Креспи исмли итальян устасини ҳам жўнатишган эди.

Пьетро Креспи малласоч ёш йигит эди. Макондоликлар шу чокқача бундай кўркам ва хушфёъл эркакни кўришмаган эди. У башанг кийинишни хуш кўрар, иссиқ пайтларда ҳам эгнидаги кумуш нақшли чарм нимчаси билан қора мовутдан тикилган камзулини ечмасди. Хонадон соҳиблари билан деярли гаплашмас, меҳмонхонанинг эшигини қулфлаб олиб, қора терга ботганча, ҳафталаб ишлар, ўз ишига савдойилиги жиҳатидан заргарлик ишига ошуфта бўлмиш Аурелианодан қолишмасди. Бир кун эрталаб Пьетро Креспи меҳмонхона эшигини қулфлади,

моҳ этмасдан туриб, пианолога биринчи цилиндри ўрнатди  
тиёқ болгаю мураатларнинг тарак-туруги қайгадир чекиниб,  
тарала бошлади. Ҳамма меҳмонхонага қараб югурди. Ҳосе  
уэндиани куйнинг нафислигидан

Ҳали хоналаридан к  
ланг очилди ва М

нафис куй тарала бошлади. Ҳамма меҳмонхонага қараб югурди. Ҳосе  
Аркадио Буэндиани куйнинг нафислигидан кўра, ўз-уздан кўтарилиб  
тушаётган клавишлар ҳайратда қолдирди. У кўзга кўринмас ижрочини  
суратга тушириш мақсадида ҳатто хонага Мелькиадеснинг камерасини  
ўрнатди.

Ўша кун эрталаб италян уста бугун оила даврасида нонушта қилди.  
Хонага овқат келтириб турган Ребека билан Амаранта, юсуфмонанд бу  
одамнинг узук ҳам тақилмаган оқиш бармоқлари билан пичоғу вилкани  
ишлатишига чўчинқираб боқишар эди. Пьетро Креспи қўшни хонада  
уларга рақс буйича сабоқ бера бошлади. У қизларга жипс келмаган ҳол-  
да, метроном зарбларига мослаб турли муқомларни ўргатарди. Сабоқ  
пайти Урсула хонадан жилмас, бир чеккада азобланиб, қизларининг  
хулқ-атворини назорат қиларди. Пьетро Креспи рақсбоп туфли, жу-  
даям тор ва башанг шим кийиб олганди. «Ташвишланяпсан,— дерди  
Ҳосе Аркадио Буэндиа хотинига.— Ахир унинг эркаклик сиёки  
йўқ-ку!» Аммо Урсула то Пьетро Креспи қизларни рақс тушишга  
ургатиб бўлиб, Макондодан кетгунича «соқчилик» қилди. Кейин бай-  
рамга тайёргарлик бошланди. Урсула меҳмонларнинг рўйхатини тузиб  
чикди, булар Макондога асос солганлару уларнинг барча зурёдлари  
эди. Шу пайтга қадар оталари номаълум яна икки ўғил туққан  
Пилар Тернерагина меҳмонлар рўйхатига кирмади. Меҳмонларни  
танлашда табақачиликка йўл қўйилган бўлса-да, бари бир, дўстлик  
туйғулари ҳисобга олинган эди. Негаки, меҳмонга келувчилар Макон-  
дони барно этиш билан яқунланган бу катта сафарга отланмасдан  
бурун ҳам Буэндиалар оиласининг дўстлари ҳисобланишарди, улар-  
нинг ўғиллари билан неваралари болаликданок Аурелиано ва Аркадио  
билан дўст тутинишган, қизлари эса Ребека ва Амаранта билан  
чеварлик қилишга рухсат олган дўгоналари эди. Макондонинг беозор  
ҳукмдори Москоте қуруқ савлат тўкиб юрар, унинг бор-йўқ иши —  
ўзининг пуч ҳаменидан ёғоч ҳассали икки полициячини боқишдан  
иборат эди, холос. Қизлари рузгор важхидан тикувчилик устахонаси-  
ни очишди. Устахонада сунъий гуллар, гуайявадан турли ширинликлар  
тайёрланар, баъзан эса махсус буюргма асосида ишқий мактублар  
ҳам битилар эди. Қизлар камтар ва илғифотли, шаҳардаги энг  
гузал қизлар тоифасига киришларю янги рақсларни қотириб ижро  
этишларига қарамай, бу базмга айтилганлар қаторига киришолмади.

Урсула, Амаранта ва Ребека жиҳозларни ўрнатиб, кумуш идишлар-  
ни тозалаб, атиргул ортилган қайикқа тушган қизлар тасвирларини  
бўмбўш деворларга илишаётган маҳал, худо йўқлигига аниқ ишонч  
ҳосил қилиб, унинг васлидан умид узган Ҳосе Аркадио Буэндиа,  
пианоланинг сеҳрли сирини билмоқ ниятида унинг ичак-чавоғини ағда-  
риб ташлаган эди. Ҳайрият, аллақердан пайдо бўлган болталару  
болгачалар уюми олдида, гоҳ у, гоҳ бу симларни тортолмай гаранг  
бўлиб, ниҳоят, байрамга икки кун колганида, пианолани бир амаллаб  
қайта тиклади. Ҳали Буэндиаларнинг хонадони ҳеч қачон бундай  
катта ташвишу тўс-тўполонни кўрмаган эди, аммо шунга қарамай,  
керосинли янги чироклар белгиланган кун ва соатда ёндирилди.



қирққулоқ, бегония ўсувчи галерея, осудалик ҳукмрон хоналар, атиргулларнинг анвойи бўйи таралувчи боғ билан танишдилар, сўнгра меҳмонхонага, оқ чойшаб остига беркитилган ғаройиб мўъжиза олдида тупланишди. Тараққий этган шаҳарларда кенг расм бўлган пианинони кўрганларнинг қизиқиши дарҳол сўнди, аммо пианола кўпроқ Урсуларнинг газабини тоширди — Ребека билан Амаранта ракс тушишиб, базмни бошлаб беришлари учун цилиндрни пианолага ўрнатганида, пианола овоз чиқармади. Кўзлари ожиз, мункиллаб қолган Мелькиадес эски афсунгарлигини ишга солиб, пианолани тузатмоқчи бўлди ҳамки ҳеч бир натижа чиқмади. Ногаҳон Хосе Аркадио Буэндиа бу каттакон создан сирғалиб чиққан аллақандай детални силжитиб юборганида, пианоладан аллақандай товуш тарала бошлади; пианола олдинига хириллади, кейин эса куй овозлари аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Болғачалар таранг тортилган торларни жон-жаҳди билан савалаб, сўнгра бирин-кетин шиддат билан болтлардан ажралиб тушди. Аммо денгизни қидириб топиш мақсадида ўтиб бўлмас тоғ тизмаларини забт этган жасур йигирма икки одамнинг авлодлари пианоланинг ерда сочилиб ётган қисмларини ҳатлаб ўтишиб, жўнрок, бўлса-да, эрта-лабгача базм қуришди.

Пьетро Креспи пианолани тузатиш учун яна Мақондога қайтиб келди. Ребека билан Амаранта унга торларни тартибга келтиришда кўмаклашар, қоришиб кетган вальс ноталарини эшитиб, мириқиб қулишарди. Италиялик уста ўзини шу қадар одобли тутардики, буни кўриб Урсула уни назорат қилмай қўйди. Пьетро Креспи жўнаши шарафига зиёфат уюштирилди. Уста ўзи тиклаган пианола куйига Ребека билан ҳақиқий замонавий ракс санъатини намойиш этишди, Аркадио билан Амаранта ҳам назорат ва чакконликда улардан қолишмади. Аммо эшик бусағасида томошабинлар қуршовида турган Пилар Тернера, Аркадионинг думбаси аёлларниқига ўхшаб кетаркан, деган аёлнинг сочига чанг солганидан сўнгра, рақсини тўхтатишди. Вақт ярим тун бўлиб қолганди. Пьетро Креспи қалбларни ларзага соладиган нутқ сўзлаб ҳайрлашаркан, қайтиб келишга ваъда берди. Ребека уни остонагача кузатиб қўйди. Эшиклар беркитилиб, чироқлар ўчирилгач, қиз хонасига кириб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлай бошлади. Йиғи бир неча кун давом этди, лекин бунинг сабабини ҳеч ким, ҳатто Амаранта ҳам билмасди. Ребеканинг «ичимдан топ»лиги уйдагиларга маълум эди. Кўринишдан хушчақчақ Ребека одамови ва ҳадеганда дил ёрмайдиганлар тоифасидан эди. Эндиликда у оёқлари узун, бақувват ва хушрўй қизга айланган бўлсада, Буэндиаларниқига олиб келган ўз тебранма курсисида ўтиришни ёқтирарди; айтмоқчи курсини аллақачоноқ бир неча бор қайта-қайта тузатишган, унинг суянчиғи ҳам йўқ эди. Ребека шу ёшга етса-да, бармоқ сўриш одатини тарк этмаган эди. Шу одати боис, у баъзида ҳаммомга беркиниб олар, ухлаганда юзини деворга қаратиб ётарди. Ёмғирли кечалари, бегониялар ўсувчи галереяда дугоналари билан газламага гул тикиб суҳбат қуриш маҳали гоҳида гапидан адашиб қолар, чунки боғнинг намхуш йўлкалари, чувалчанлар лойдан ясаган дўнгликларга тикилгач, оғзи бир умр эсдан чиқмайдиган ўша тахир кесак таъмини кўмсай бошларди. Гап пундаки,

Ребека йиғлай бошлаганида, бир вақтлар апельсин шарбати ва равоч ёрдамида йўқотилиб юборилган бемаъни одати қайтадан қўзирди.

Ребека яна кесак ея бошлади. Даставвал у атайлаб эмас, тупроқнинг бемаза таъми дардимга малҳам берар, деган хаёлда шундай қилган эди. Ушанда оғзидаги кесакни туфлаб ташлади. Лекин кўмсаш дардига чи-долмади ва аста-секин эски кўйига тушиб кесак ея бошлади. У чўнтаги-га бир сиқим тупроқ солганча, дугоналарига янгича қавикни ўргатар экан, кесак ейишга мутлақо арзимайдиган эркаклар ҳақида гаплашарди. Ребека қизлардан яширинча чимдимлаб-чимдимлаб, чўнтагидаги тупроқни еб тугатарди. Назарида, бу тупроқ чимдимлари муҳаббатга лойиқ эркакни маълум даражада яқинлаштиргандай булар, гўёки унинг юмшоқ этикларининг изи тушиб қолган бу тупроқ Ребеканинг вужудига ўша эркак қонининг ҳароратини ўтказар, тупроқнинг оғизни куйдирувчи таъми юрагига таскин берарди. Бир куни кечкурун Ампаро Москоте уларнинг янги уйларини кўришга рухсат сўраб қолди. Амаранта билан Ребека кўкқисдан ташриф буюрган меҳмонни, уялганлариданми, ишқилиб, совуқ ва расмий кутиб олишди. Улар коррехидорнинг катта қизларига хоналарни кўрсатишди, пианола кўйиб беришди, лимонад ва печенье билан сийлашди. Ампаро ўзини шунчалар одобли тутдики, қизлар тугул, сал кечикиброқ кирган Урсулада ҳам яхши таассурот қолдирди. Икки соатлардан сўнг, яъни суҳбат адоғига ета бошлаганида, Амарантанинг хаёли нима биландир банд бўлганидан фойдаланиб, Ампаро Ребекага мактуб тутқазди. Ребеканинг кўзлари конверт устидаги «Донья Ребека Буэндиа» деган ёзувни илғади. Ребеканинг фамилияси унга таниш бўлган ўша чиройли имлода, ўша яшил сиёҳда ёзилган эди. Ребека хатни корсажига яшириб кўйди ва Ампаро Москотега чексиз миннатдорчилик ҳисси билан тикилдики, кўзларидан Ампаро билан умрининг охиригача яқин сирдош бўлишга тайёрлигини уқиш мумкин эди.

Ампаро Москоте билан Ребека Буэндианинг дўстлиги Аурелиано калбидаги умидни янгилади. Кичкина Ремедиос уйи унга ҳамон азоб берар, аммо қизчани кўришга имкон тополмасди. Дўстлари Магнifico Висбал ва Херинельдо Маркес — Макондога асос солган одамнинг ўғиллари билан шаҳар бўйлаб сайр қиларкан, чанқоқ кўзлари тикув устахонасидан Ремедиосни кидирар, лекин устахонада фақатгина унинг опаларига дуч келарди, холос. Ампаро Москотенинг ҳар бир ташрифиги йигит учун байрамга айланарди. «Ремедиос опаси билан албатта келади, — дея Аурелиано ўзига ўзи пичирларди, — албатта келади». Бу гапларни шу қадар комил ишонч ила такрорлардики, бир куни кечкурун устахонада тилла балиқча ясаётганида, тўсатдан Ремедиос ўзининг даъватига жавоб берганини ҳис қилди. Ва ҳақиқатан ҳам, орадан сал вақт ўтгач, қулоғига ёш қизчанинг овози чалинди. Ва у бошини кўтардию эшик олдида турган пушти кўйлак, оқ туфлили қизчага кўзи тушиб, юраги кўрқувдан музлаб қолаёзди.

— Уёққа кириш мумкин эмас, Ремедиос! — дея қичқирди синглисига Ампаро Москоте галереядан туриб. — Устага халал берма.

Аммо Аурелиано, қизча ҳали опаси айтган гапни уқиб олишга улгурмаёк, унга занжирга осилган олтин балиқчани кўрсатиб:

— Майли, киравер, — деди.



Ремедиос ичкари кириб нимадир сўради, лекин Аурелианонинг тўсатдан томоғи бўғилиб, бир нарса деёлмади. У зумрад кўзли оппоққина қизчанинг умрбод шу ерда қолишини истади, токи Ремедиос кетмаса, уни худди отасига мурожаат қилаётгандек ҳурмат билан «синьор» деб чакираверса... Бурчақдаги стол ёнида ўтириб, ўқилиши қийин алламбалоларни ёзаётган Мелькиадес ҳозир Аурелианонинг кўзига балодек кўринди. Йигит эса чўчиди, устахонадан шоша-пиша чиқиб кетди. Ўша кеч Аурелианонинг сабрига путур етди, ишини йиғиштириб қўйиб, хаёлан Ремедиосни кўп бора чорлади. Лекин қизча энди унинг даъватини жавобсиз қолдирарди. Аурелиано уни опаларининг устахонадан, нардалари туширилган уйларида, отасининг идорасидан қидирар, лекин қизчани фақат ўз қалбидагина учратар ва бу сиймо ёлғизликдан қийналган юрагига озгина бўлса-да таскин берарди. У энди кунбўйи меҳмонхонадан чиқмас, Ребекага қўшилиб, инанола вальсини тинглар эди. Ребека куйни Пьетро Креспи рақс тушишга ўргатган чоғда янграгани учун, Аурелиано бўлса, ҳамма нарса, ҳатто музика ҳам унга гўзал Ремедиосини эслатгани учун тинглар эди.

Хонадон севги ҳисларига тўлиб-тошди. Аурелиано ўз севгисини на боши, на охири бўлган шеърларига тўкарди. Шеърларни Мелькиадес совға қилган дағал қоғозларга, ҳаммом деворларига ва ҳатто кўллари-нинг терисига ҳам ёза бошлади. Шеърларнинг барчасида Ремедиос ё пешинги уйқуда, ё осуда атиргуллар орасида, ёки нон ҳиди анкиётган ёруғ тонг палласида тасвирланарди.

Ребека дераза ёнида чеварлик қиларкан, ҳар куни соат тўртда ўз севгилисини интиқ кутарди. У хат-хабар ташувчи хачир Макондога ойига икки марта келишини яхши биларди, лекин бари бир уни кунора пойлар, почтачи келадиган кунини адаштириб, муддатидан илгари пайдо бўлармикин, деб умид қиларди. Лекин умиди оқланмади: хачир минган почтачи доимо белгиланган муддатда келаверди. Гуссадан адоий-тамом бўлган Ребека ярим кечаси боққа чиқиб, гўёки ўзини ўлдиришга аҳд қилган одамдек, бахтиқаролигида йиғлай-йиғлай, майда чиғаноқлар парчалари милқларини қопатганига эътибор бермасдан, каппалаб-канпалаб тупроқ ея бошлади. Эрталабгача унинг кўнгли айниб чиқди. У жонсарак бир ҳолга тушиб, ақлу ҳушини йўқотди ва бир тун алаҳлаган маҳали юрагидаги сирини беҳаёларча ошкор қилди. Урсула дарғазаб бўлди, сандиқнинг қулфини бузиб, тубидан пуштиранг тасма билан боланган ва атиргул ҳиди анқувчи ўн олтига хат, эски кигобларнинг варақлари орасида сақланаётган барг ва гул қолдиқлари, шунингдек қуритилган, сал тегилса кукунга айланадиган капалақларни тонди.

Ребеканинг дардини биргина Аурелиано тушунарди. Урсула кизни сўроққа тутган ўша кечаси Аурелиано дўстлари Макнифико Висбал ва Херинельдо Маткес билан Катаринонинг ишратхонасига йўл олди. Эндиликда ушбу муассаса хийла кенгайган бўлиб, ён тарафда қурилган янги галереянинг тахта девор билан ажратилган каталакдай хоналарида танларидан сўлгин гул ҳиди келган бахтсиз аёллар истиқомат қилишарди. Аккордеончи ва цоғорачилар ансамбли бир неча йилдан бери Макондога келмай қўйган Франсиско Одамнинг қўшиқларини ижро этишарди. Уч ошна шакарзамини мусалласи буюришди. Аурелианога

тенгдош бўлса-да, унча-мунчасини кўриб, кирриқ бўлиб қолган Магнifico ва Херинельдо, тиззаларига ўтириб олган аёллар билан шошилмай вино симиришарди. Тилла тишли сўлгин бир аёл Аурелианони эр-калатмоқчи бўлди. Аммо у аёлни итариб ташлади. Йигит кўп ичгани сайин, Ремедиосни шунча кўп эслаётганини пайқади. Лекин хотирот азоби ҳам сусайгандай эди. Кейин Аурелиано қайгадир сузиб кетди. Бу ҳол қандай юз берганини ўзиям сезмай қолди. Назарида, дўстлари ҳам, аёллар ҳам хира туман узра парвоз этишарди. Бир маҳал Катарино кўлини унинг елкасига қўйиб: «Соат ўн бирга яқинлашиб қолди», деди. Аурелиано ўгирилиб, аёлнинг юзидаги кип-қизил доғларни, қулоғига кистирилган сунъий гулни кўрди ва худди уйқусиз касали авж олган пайтидагидек, яна хотирасидан айрилди. Эрталаб, ўзини нотаниш бир хонада кўрди — рўпарасида яланғоч, сочлари тўзғиб кетган Пилар Тернера қўлида чирок тутганча йигитга хайратланиб боқарди:

— Аурелиано!

Аурелиано ўзига келиб, бошини кўтарди. У бу ерга қандай келиб қолганини билмасди, аммо нима мақсадда келганини яхши эсларди; чунки у ҳали болалик чоғиданок бу истагини юрагининг туб-тубида яшириб юарди.

— Мен сиз билан ётгани келдим, — деди йигит.

Аурелианонинг кийимлари лой ва сафврога беланган эди. Ўшанда икки кенжатоё ўғилчаси билан яшайдиган Пилар Тернера бошқа ҳеч нарса сўрамади. Тўшакка бошлаб келди, ҳўл латта билан юзини артди, ечинтирди-да, ўзи ҳам ечиниби, ўғиллари уйғониб қолган тақдирда кўзлари тушмаслиги учун пашшахонани туширди. Пилар Тернера ўзи она кишлоғида айрилган ошигини, тагин қайтиб келамиз дея ваъда бериб кетган бевафо ва қарталарнинг фолига тушиб, хануз уйга келиш йўлини тополмаётган сон-саноксиз эркакларни кутавериби чарчаган эди. Интиқликдан терисига ажинлар тушди, кўкраклари осилиб қолди, юрагидаги ўт сўнди. Пилар Тернера қоронғиликда Аурелианони топиб, қорнига кўлини қўйди ва оналарча меҳрибонлик билан бўйнидан ўпди. «Бечора миттигинам», дея пичирлади. Аурелиано титраб кетди. У гамнинг қояли кирғоқларидан ҳеч бир шошилмай ишонч билан нари суза бошлади. Йўлга тушатуриб, Аурелиано йиғлаб юборди. Дастлаб, беихтиёр равишда узук-узук пикиллади, сўнграқ ёшлари селдай ёпирилиб кела бошлади ва у ичиди мадда бойлаб ётган бир шиш ёрилганини ҳис қилди. Аёл унинг сочларини силаб, то Аурелиано юкидан халос бўлгунча кутди. Кейин Пилар Тернера: «Ким у киз?» деб сўради. Аурелиано қизнинг кимлигини айтди. Аёл секингина қулиб юборди; унинг қулгиси каптарларни ҳам ҳуркитиб юборарди, энди эса уйқудаги болаларни уйғотишга ожиз эди. «Қайлигинга энагалик қилишинг керак», деб ҳазиллашди. Аммо йигит унинг ҳазили замирида чуқур ҳамдардлик борлигини тушунди. У юрагини бир неча ойдан бери босиб ётган оғир гам тошини хонада қолдириб чиқаётганида, Пилар Тернера ногаҳон ваъда берди:

— Мен ўша қизча билан гаплашаман. Мана кўрасан, уни сенга нақ тақсимчага солиб қўлингга тутқазаман.

У ўз ваъдасини бажарди-ю, аммо ҳозир бунинг мавриди эмасди. Бу эндиалар хонадони олдинги тинчлигини йўқотган эди. Ребеканинг севги



сири ошкор бўлгандан кейин кўп ўтмай, Амарантани тўсатдан «безгак» тутиб қолди. У жавобсиз муҳаббат тигига дучор бўлган эди. Амаранта ҳаммомга беркиниб олиб, қайноқ муҳаббатини хатга солар, аммо мактубларни жўнатмасдан, сандиқ тубига яшириб қўярди. Иккала бемор қизга қараш Урсулани жудаям толиқтирарди. Амарантанинг тушқунлиги сабабини минг бор айёрлик қилиб ҳам билолмади. Ахийри, Урсула сандиқ қулфини бузиб, пуштиранг тасма билан тангилган, нилуфарлар ҳиди тутган, устига томган кўзёшлари ҳали қуримаган хатларни топди. Хатлар Пьетро Креспи номига битилган эди. Урсула ғазабдан йиғлади, пианола харид қилиш хаёлига келган ўша кунни беомон лаънаглади. У тиқиш ишларини тақиқлаб, ўликсиз бўлса-да, мотамга ўхшаш бир ҳолат эълон қилди. Мотам то кизлар муҳаббатларидан воз кечингунча давом этиши керак эди. Пьетро Креспига муносабатни ўзгартириб, унинг усталик санъатини макташга ўтган Хосе Аркадио Буэндианинг аралашувидан ҳам наф чикмади. Ана шу воқеалар гуфайли, Пилар Тернера Аурелианога Ремедиос унга тегишга кўнганини хабар қилганида, йигит хушхабар ота-оналарининг ғамига ғам қўшишини тушунса-да, гуноҳни бўйнига олди. Расмий музокара учун меҳмонхонага қақирилган Хосе Аркадио Буэндиа билан Урсула ўнгилларининг аҳду қарорини сабр билан тинглашди. Лекин Хосе Аркадио Буэндиа бўлажак келиннинг номини эшитди-ю, ғазабдан қизариб кетди. «Нима, ақлдан оздингми? — деб бақирди у. — Атрофда шунча гўзал кизлар турганда, келиб-келиб душманимизнинг кизини танлайсанми?!» Урсула эса ўглининг қарорини маъқуллади. У, Москоте етти кизининг ҳам ҳусн-жамоли, меҳнатсеварлиги, камгарлиги, одоб-ахлоқи менга ёқади, танлаб тўғри қилибсан, дея ўглини мактади. Хотинининг бу гапидан кейин ноилож розилик билдирган Хосе Аркадио Буэндиа Ребека Пьетро Креспини эр қилади, Урсула ишдан бир оз бўшагач, Амарантани вилоятнинг марказий шаҳрига олиб боради, деган шарт қўйди. Эҳтимолки, саёҳат ва иқлим Амарантанинг юрагидаги ишқ ўтини совутар. Бу ҳақда хабар топган Ребека дарҳол тузалиб, қайлигига қувончли мактуб ёзди, уни ота-онасининг тасдигидан ўтказиб, почтага шахсан ўзи олиб борди. Амаранта гўёки катталарнинг қарорига рози бўлиб кўринса-да, ичида, Ребека Пьетро Креспига фақат мен ўлганимдан кейин тегади, деб онт ичди.

Келаси шанба Хосе Аркадио Буэндиа қотирма ёқали, қора мовут костюм, базм куни сотиб олган юмшоқ чарм этигини кийиб, Ремедиос Москотега совчи бўлиб борди. Кутилмаган бу муҳтарам меҳмонни кўриб, коррехидор билан рафиқаси қувониш билан баробар ташвишга ҳам тушишди, чунки унинг нима муддаода келганини билишмасди. Мақсад айтилгач, улар Хосе Аркадио Буэндиа бўлажак келиннинг исмини алмаштириб юборган бўлса керак, деб ўйлашди. Хосе Аркадио Буэндиага хатосини аниқлаш учун Москотенинг хотини нариги хонада ухлаб ётган Ремедиосини қўлида кўтариб, меҳмонхонага олиб келди. Қизча ҳали уйқудан батамом уйғонмаган эди. Ремедиосдан, «Ростдан ҳам эрга тегишни истайсанми?» деб сўрашганида, у ҳиқиллаб, «уйқумга ҳалақит бермасликларингми истайман», деди. Хосе Аркадио Буэндиа, эр-хотин Москотеларнинг шубҳаси бежиз эмаслигини тушуниб, ўглининг мақсадини аниқроқ билиб келгани уйига кетди. У яна қайтиб кел-

тунича эр-хотин бу қувончли воқеага ярашиғли янги либосларини кийиб, меҳмонхонани тартибга солишган, гулдонларга янги узилган гулларни қўйишган, катта қизларини чақиритишган ҳам эди. Ҳам ноқулай вазият, ҳам дағал ёқаси унга беҳад азоб бераётган Хосе Аркадио Буэндиа ўли ҳақиқатан ҳам Ремедиосни танлаганини амаллаб маълум қилди. «Ахир, бу ақлдан эмас-ку! — деди руҳи тушиб дон Анолинер Москоте. — Уша гўдақдан бошқа яна олти қизимиз бор, уларнинг ҳар бири буй етиб қолган ва ҳар бири сизнинг ўглингиздек жиддий, меҳнаткаш кабальерога хотин бўлишга жон-жон деб қўнади. Аурелианонгиз бўлса ҳали ўрнини ҳўллаб қўядиган қизалоқни танлабди». Қўҳликкина, қўзлари ғам-ғуссага тўлган, ҳаракатлари суғ Москоте хоним эрини қўлоқликда айблади. Дастурхонга мева шарбати тортилгач, эр-хотин Аурелианонинг катъиятидан қўнгиллари ийиб, ахийри оқ фотиҳа бердилар. Москоте хоним яна бир нарсани: бўлажак қудам Урсула билан холи гаплашсам, дея илтимос қилди. Урсула бу илтимосни эшитиб, аввалига, совчилик эркакларнинг иши, аралашиб нима қиламан, деб тўнғиллади, лекин, бари бир, синчковлиги устун чиқди — эртаси куниёқ хаяжонланиб, хиёл чўчинқириб, Москотеларнинг уйига йўл олди. Ярим соат ўтмаёқ қайтиб келиб, ҳали Ремедиос балоғатга етмагани хабарини келтирди. Аурелиано бу ваз унга тўсқинлик қилолмаслигини айтди. У Ремедиосни жуда кўп кутгани, энди эса балоғатга етгунча кутишга тайёрлигини билдирди.

Қайта тикланаётган тинч ҳаёт оқимини Мелькиадеснинг ўлими бузди. Чолнинг куни битгани ҳаммага аён эди, лекин унинг қазо тафсилоти ҳайратга солди. Макондога қайтиб келганидан бир неча ой ўтгач, Мелькиадес жуда тез қарий бошладики, у тез орада шунчаки соядай бемақсад кезиб юрадиган, саодатли дамларини баянд овозда зикр этувчи мункиллаган чолга айланди-қолди. Одатда бундай чоллар билан бировнинг иши бўлмайди, кунларнинг бирида эрталаб тушакда ўлик ҳолда кўриб қолмагунича ҳеч ким эса ҳам олмайди. Илгари дагерротипия ва Нострадамус кароматларига қизиқиб қолган Хосе Аркадио Буэндиа энди ўзи Мелькиадесга ёрдам бериб юарди. Аммо кейин уни кўпинча якка қолдирадиган бўлди, негаки, энди чол билан гаплашиш кундан-кунга оғирлашиб борарди. Кўр ва гаранг Мелькиадес, суҳбатдошларини ўн йиллар олдин билган одамлари билан алмаштирар, саволларга эса турли тиллар қоришини бўлмиш алақандай тушунарсиз лаҳжада жавоб қайтарарди. Хоналар бўйлаб кезаркан, сезиш қобиляти кучли бўлгани учунми, ишқилиб, учраган буюмларни чакқон айланиб ўтар, лекин, бари бир ҳар гал қўллари билан ҳавони пайпаслагани-пайпаслаган эди. Мелькиадес бир куни каравоти ёнидаги сувли стакандаги сунъий тишларини унутиб қўйди ва шу-шу уларни ҳеч қачон стакандан қайта олмади.

Уйни кенгайтиришга аҳд қилган Урсула, шовқин-сурондан нарироқ бўлсин деб, Аурелианонинг устахонаси ёнидан Мелькиадес учун кенг ва ёруғ бўлма қурдирди, сўнг у ерга жавонлар ўрнатиб чолнинг чанг босиб, қуя тушган қоғозларини, сунъий тишлар солинган стаканини (эндиликда бу панида сарғини гулли сув ўтлари томир ота бошлаган эди) шахсан ўзи элтиб қўйди. Бўлма Мелькиадесга маъқул тупқди, шекилли, у ҳатто емакхонагаям чиқмай қўйди. Уни фақатгина



Аурелианонинг устахонасида учратиш мумкин эди. Лўли устахонада соатлаб ўтириб, патир қатламидай мўрт бўлиб қолган пергаментларга ўзининг сирли фикрларини ёзарди. Чол устахонада тамадди ҳам қиларди. Виситасьон унга ҳар куни икки маҳал овқат олиб борарди. Бирок сўнгги дамлар чолнинг иштаҳаси бўғилган, нукул сабзавот ер, натижада жудаям ҳолсизланиб қолган эди. Эгнидан тушмайди-ган нимчасию баданларигача юпқа ва майин моғор қоплаган эди. Аурелиано шеър битиш билан машғул бўлиб, охири лўлининг бор-йўқлигига эътибор бермай қўйди, лекин бир куни Мелькиадеснинг гўлдирашидан нимадир уққандек бўлди. Аурелиано унинг мингир-мингирдан, аввало, худди болгачанинг зарбидек қайта-қайта зикр этилган «кеча-кундуз баравар», «кеча-кундуз баравар» деган гапни ва яна Александр фон Гумбольдтнинг номини ажратди. Аурелианога заргарликда ёрдамга келган Аркадио чол билан сал-пал тил топишга муваффақ бўлди. Мелькиадес унинг суҳбатига монелик қилмас, гоҳо ўзи ҳам битта-иккита испанча сўз айтар, лекин одатда бу сўзларнинг айни кун воқеаларига мутлақо алоқаси йўқ эди. Бир куни кечаси лўли тамом тишчини йўқотди. Орадан кўп йиллар ўтиб, девор остида ўзини отишларини кутиб турган Аркадио, Мелькиадес аъзои бадани қалт-қалт титраб, ўзининг сирли ёзувларидан бир неча варагини ўқиб берганини эслайди; албатта, у чолнинг ёзувларини тушунмаганди, ammo қироат билан ўқилган бу ёзувлар ўшанда Аркадиога гўё Рим папасининг куйга солинган номлари янглиғ туюлган эди. Ўқишни тугатган, кўп вақтлардан бери ақалли жилмаймаган Мелькиадес бирдан кулди, сўнг испанчалаб: «Мен ўлганимдан сўнг хонамда уч кун симоб қайнатилсин», деди. Аркадио бу гапни отасига етказди. Хосе Аркадио Буэндиа чолдан табир сўраганида, лўли лўндагина қилиб: «мен мангуликка эришдим», дея жавоб берди. Нафаси бадбўйлашиб қолган Мелькиадесни Аркадио пайшанба кунлари эрталаб дарёга чўмилишга элтарди. Мелькиадес болалар билан сувга тушар, кўр бўлса ҳамки, атрофини кўриб-билиб тургандай, дарёнинг чуқурроқ хавфли жойларига мутлақо йўламасди. «Бизлар ҳаммамиз сувдан пайдо бўлганмиз», деди у бир куни. Вақт ўтар, чол эса ўша базм кечаси — пианолани тузатишга уринишган оқшомдан бери уй остонасини ҳатламаган, ўзининг кичик бўлмасида яшар, уни қўлтигига даструмол ва сочик қистириб, Аркадио билан дарёга борадиган пайшанба кунлари учратишарди, холос. Пайшанба кунларининг бирида Аркадио уни чўмилишга таклиф қилганида, Мелькиадес: «Мен Сингапур ботқоқликларида безгакдан ўлдим», дея пичирлаётганини ногаҳон эшитиб қолди. Мелькиадес дарёнинг ҳар галги ўзи чўмиладиган жойига эмас, мутлақо бошқа жойга тушди ва уни эртасига эрталаб бир неча чақирим наридан топишди; лўлининг жасади бурумдаги саёз жойда ётар, қорнига бир бўлак товук те-заги ёпишиб қолган эди. Лўли вафотига ҳатто ўз отасининг вафотидан кўпроқ куйинган Урсуланинг эътирозига қарамай, Хосе Аркадио Буэндиа жасадни кўмишни тақиклади. «Мелькиадес ўлмаган, у умрбоқийлик формуласини кашф қилди», деди. Темирчилик ўчоғига ўт қалаб, устига симоб солинган қозонни ўрнатди. Ўчоқ ёнидаги жасад бора-бора кўм-кўк пуфакчалар билан қопланди. Дон Аполинар Москоте Хосе Аркадио Буэндиага, дафн этилмаган жасад атрофдаги одамлар соғлиғига

тахдид туғдиради, деб эслатишга уринди. «Ҳеч нарса бўлмади, ахир, у тирик-ку», эътироз билдирди Хосе Аркадио Буэндиа. У симобни роса етмиш икки соат давомида қайнатди. Энди мурда оқ-қуқиш тупроқ рангига кириб, устини қоплаган пуфакчалар секин-секин ёрила бошлади. Уйни ёмон ҳид тугиб кетди. Ана шундагина Аркадио Буэндиа уни дафн этишларига рухсат берди, аммо бу маросимни номига эмас, балки Макондонинг буюк валинеъматига ярашиқли иззат-икром билан ўтказишни талаб қилди. Мелькиадесни кўмиш шаҳардаги биринчи ва энг гавжум маросимга айланди, иккинчи бор эса, орадан юз йил ўтгач, Катта Онанинг дафн маросимидагина шунча одам иштирок этади, холос. Лулининг жасадини қабристон учун ажратилган ўтлоқ ўртасига кўмиб, қабр тошига у ҳақда одамлар билишадиган ягона нарса — «Мелькиадес» деган исм ёзиб қўйилди. Кейин, удумларига кўра, ҳаммалари туқкиз оқшом ухлашмади. Одамлар қаҳва ичиш ёки латифа эшитиш учун Буэндиалар ҳовлисига тўпланишарди. Талотўпдан фойдаланган Амаранта қулай фурсат топиб, Пьетро Креспига ўз севгисини изҳор қилди. Ребека бундан бир неча ҳафта бурун Креспига унаштирилган ва ҳозирда куёв бир вақтлар араблар тутиқушларга майда-чуйда буюмларни алмаштиришган жой — Турклар кўчасида мусиқа асбобларию бураб юргизиладиган ўйинчоқлар дўкони очиш билан машғул эди. Худди мойлагандек товланиб турувчи қўнғироқ сочлари заифаларнинг ҳавасини келтирадиган италиялик бу йигит Амарантани тантиқ қиз деб уйлаб, унинг сўзларига жиддийроқ эътибор бермади.

— Бир бўйдоқ укам бор, — деди у қизга, — яқинда менга ёрдам бергани келади.

Амаранта ўзини таҳқирланган ҳис қилди. У алаmidан ҳаттоки уйинг олдига ўз жасадимни қўйиб бўлса ҳам синглимнинг тўйига халақит бераман, деб нўписа қилди. Италиялик бу ҳақда Ребекага сўзлаб беришдан ўзини тия олмади. Ва натижада Амаранта Урсуланинг қўли тегмаётгани учун қолдирилаётган сафарга белгиланган кундан бир ҳафта олдин чиқишга мажбур бўлди. Амаранта бунга қаршилик кўрсатмади, лекин Ребека билан хайрлаша туриб, унинг қулоғига шивирлади:

— Умидингни узавер. Мени дунёнинг нариги бурчига олиб кетишса-да, бари бир тўйларингни бузаман. Мен ҳатто сени ўлдирришдан ҳам тоймайман.

Урсуланинг йўқлиги, кўз илғамас Мелькиадеснинг хоналар бўйлаб сирли кезишлари туфайли, уйлари баҳайбат ва бўм-бўш туюларди. Ребекага ҳўжалик ишлари юритилишини назорат қилиб бориш топширилган, ҳинду аёл эса новвойлик қиларди. Кечқурун, муаттар бўйлар таратиб, қўлида совға-салом кўтариб Пьетро Креспи ташриф буюрарди. Ребека қайлиғини гап-сўз кўпайиб кетмасин деб, барча эшикларию деразалари ланг очиқ каттакон меҳмонхонада кутиб оларди. Унинг эҳтиёткорлиги ортиқча эди, негаки италиялик ўзини доимо одобли тутар, Ребекага ҳатто қўлини ҳам тегизмас эди. Уй совға-саломга келган ўйинчоқларга тўлиб-тошди. Бурама раққосалар, акробат-маймунчалар, ноғорачилар, чопқир отлар — Пьетро Креспи келтирган бу механик жониворлар Мелькиадеснинг вафотидан сўнг ғамга ботиб қолган Хосе Аркадио Буэндиага ҳузур бағишлади, ўйинчоқлар уни илғари ўзи алхимия билан шуғулланиб юрадиган даврга қайтарди.



Хосе Аркадио Буэндиа ичак-чавоғи чикиб ётган жониворлар, механизм булаklarини яна такомиллаштириш, аниқроғи, бу ўйинчоқларга мангу ҳаракат ато этишга уринарди. Аурелиано бўлса, устахонасидаги юмوشي́ни йиғиштириб қўйиб, Ремедиосга ўқиш ва ёзишни ўргата бонлади. Аурелиано уйларига келди дегунча, ота-онаси қизчани ўйинчоқларидан ажратиб, ювинтириб, янги либослар кийгизиб, меҳмонхонага мажбуран олиб чиқишар, қизча эса ҳар куни кечкурун ташриф буюрадиган бу бегона эркакдан қўғирчоқларини афзал кўрарди. Аммо бора-бора Аурелианонинг сабру садоқати мафтун этган Ремедиос соатлаб ҳарф ўрганар, дафтарига рангли қаламларда уйлар, ўтлаб юрган сигирлар, тепалик ортига ботаётган зарғалдоқ рангли қуёш расмларини чизарди.

Биргина Ребека ўзини бебахт ҳисобларди; у Амарантанинг пўписасини ҳеч унутолмасди. Амарантанинг феъли маълум, ростдан ҳам ўч олиши мумкин, деб кўркарди. Бечора қиз кесак ейиш одаतिга қарши бутун вужуди билан курашарди. Бир куни у кўркүвни енгил уйун Пилар Тернерани чакиртириб, қартада фол очишини сўради. Фолбин аллақандай мужмал сўзлардан кейин қизга деди:

— Ота-онангнинг жасади дафн этилмагунча сен бахтли бўлолмайсан.

Ребекани гитроқ босди. Қачонлардир кўрган туши ёдига тушиб, ўзини сандиқча, ёғоч курси ва қоп кўтариб (қопда нима борлигини умуман билмасди) илк бор Буэндиалар уйига келган ўша болалик дамларини хотирасида тиклашга уринди. Бирдан қаноқ нимчали, қўлагининг ёқасига тилла тўнағиқ таққан қал ҳукмдорни эслади. У қартада акс эттирилган тапшон қиролга мутлақо ўхшамасди. Қизча гўзал ва ёш, қўллари ҳароратли, ёқимтой, унинг бармоқлари қартадаги бегимнинг касал бармоқларидан кескин фарқ қиларди, аёлни ҳам ёдига келтирди, аёл уни тунги шаҳарнинг кўчалари бўйлаб сайрга олиб чиқишидан олдин, қизчанинг сочларини мудом гуллар билан безарди.

— Тушунмаяпман,— деди Ребека.

— Мен ўзим ҳам тушунмадим,— деди таажжубланиб Пилар Тернера,— лекин қартага тушгани шу.

Ребека бу ғалати қароматдан ташвишга тушиб дардини Хосе Аркадио Буэндиага айтди. У қизни иримчилиги учун қойиб берди, аммо шу заҳотиёқ ҳеч қимга билдирмай, суяклар солинган қопни қидириб, сандиқ ва шкафларни кавлаштира бошлади, мебелларни уёқдан-буёққа сурди, пол тахталарини бир-бир кўтариб кўрди. Уйларини қайта қургандан буён қоп бирор марта ҳам кўзга чалинмаган эди. Хосе Аркадио Буэндиа яширинча гишт терувчиларни тўплади, шунда улардан бири, халақит бермасин, деб, қопни ётоқхонанинг деворига беркитиб суваб юборганини тан олди. Суякларнинг шарақ-шуруғини эшитмагунча, бир неча кун қулоқларини деворга тутиб текширишди. Ниҳоят топишди — суяк солинган қоп бус-бутун сақланган экан. Ўша қуниёқ суякларни Мелькиадеснинг мозори ёнига, ҳеч бир қабр тоши ўрнатмасдан кўмишди. Хосе Аркадио Буэндиа уйига руҳи енгиллашиб қайтди. У ошхонадан ўтаркан, Ребеканинг пешонасидан ўпиб қўйди.

— Бу аҳмоқона фикрларни миянгдан чиқариб ташла,— деди қизча.— Сен бахтли бўласан.

Пилар Тернера Ребека билан дўстлашгач, унга Урсула бир вақтлар Аркадио баҳонасида ёпиб қўйган эшик қайта очилди. Энди Пилар

Тернера Буэндиалар хонадонига истаган вақтда келар ва энг огир юмушларни бажариб қайтарди. Гоҳида эса устахонага кириб, дагерротип пластинкаларига ишлов беришда Аркадийга меҳрибонлик ва тиришқоклик билан ёрдамлашардики, охири ўспирин негадир тортинадиган бўлиб қолди. Бу аёлни кўрганида ўзини йўқотиб кўярди. Унинг ҳароратли баданидан таралувчи тутун ҳиди, бу қоронғи хонага мутлақо мос тушмайдиган жарангдор кулгуси ўспириннинг хаёлини бўлар, шу боис, хато устига хато қиларди.

Бир куни Пилар Тернера устахонада Аурелианога дуч келди. Аёл столга тирсақларини тираганича, йигитнинг аниқ ва чаққон ҳаракатларини шавқ билан кузата бошлади. Бу воқеа худди ана шундай пайтда содир бўлди. Аурелиано Аркадионинг қўшни хонада эканлигига ишонч ҳосил қилди ва шундан сўнг бошини кўтариб, Пилар Тернерага боқдию унинг кўзларида гўё чошгоҳдаги куёпдай порлаб турган чароғон бир фикрни укди.

— Кани, нима гап?— деб сўради Аурелиано.

Пилар Тернера лабларини кимтиб, ғуссали табассум қилди.

— Сен жанг учун яратилгансан,— жавоб қайтарди у.— Мўлжалга аниқ отар экансан.

Аурелиано фикри тўғри бўлиб чиққанини билиб, енгил тин олди. Сўнг гўёки ҳеч нарса бўлмагандек, столга энгашиб, ишга тушди-да: «Болани тан оламан, унга исмимни ҳам бераман», деди вазмин ва катъий оҳангда.

Хосе Аркадио Буэндиа орзуси ушалди; соат механизми пружи-насини раққоса-қўғирчоқлардан бирига ўрнатди. Ўйинчоқ ўз мусикаси-оҳангига роса уч кун тинмасдан рақсга тушди. Бу ихтиро Хосе Аркадио Буэндиани илгариги барча ихтироларидан ҳам кўпроқ ҳаяжонлантирди. У овқат емай қўйди. Уйқунинг баҳридан кечди. Туни билан хонанинг у бурчагидан-бу бурчагига бориб келар ва соат капги-рини аравага, омочга, қўйингки, одамлар учун хизмат қиладиган ҳар бир ҳаракатланувчи ускунаю асбобга ўрнатиш ҳақда овоз чиқариб, уй сурарди. Уйқусизлик уни ниҳоятда толдирган эди. Шу боис, бир куни ётоғига сочлари қировдек оппоқ чол истар-истамай қадам ташлаб кириб келганида, уни таниёлмади. Бу — Пруденсио Агиляр эди. Меҳмоннинг кимлигини билгандан сўнг, Хосе Аркадио ўликлар ҳам қари-шини ихтиро этиб, маъюс бир кайфиятга тушди. «Пруденсио!— деди у ҳайқириб.— Бу ерга қандай келиб қолдинг?» Ўликлар мамлакатида узоқ йиллар яшагани сабаб марҳум тириклар билан мулоқотда бўлиб тўйиб-тўйиб гаплашишни роса согинган, ўлим ичидаги яна бир ўлим муҳлати яқинлашуви туфайли, Пруденсио Агиляр ўзининг энг ёвуз душманини севиб қолган эди. У Хосе Аркадио Буэндиани кўпдан буён қидирарди. Уни Риоча, Валтс-де-Упар ҳамда водийдан келган ўликлардан суриштирар, аммо унга ҳеч ким ёрдам бера олмасди — чунки то Мелькиадес ўлиб, Макондо шахри ажалнинг чипор харитасига қора нуқта бўлиб тушмагунча, Макондо мурҳумларга номаълум эди-да, ахир. Хосе Аркадио Буэндиа Пруденсио Агиляр билан тонггача суҳбат қурди.

Ниҳоят илиги қуриб, бир неча соатдан кейин Аурелианонинг уста-хонасига кириб: «Бугун қандай кун?» деб сўради. «Семанба», дея жавоб қайтарди ўғли. «Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим,— деди



Хосе Аркадио Буэндиа,— аммо кейин ханузгача душанба давом этаётганини сездим. Осмонга қара, куёшнинг жаранглашини эшит, ҳаммаси худди кечагидай ва ўтган кунгидай. Бугун — яна душанба». Отасининг хардамхаёллигига кўникиб қолган Аркадио унинг сўзларига эътибор бермади. Эртасига, чоршанбада Хосе Аркадио Буэндиа яна устахонада пайдо бўлди. «Кўргилик деган, болам,— деди у.— Осмонга қара, куёшнинг жаранглашини эшит, ҳаммаси — худди кечаги ва ўтган кунгидек. Бугун — яна душанба-я». Кечкурун Пьетро Креспи уни галереяда учратди. Хосе Аркадио Буэндиа, кўзи жикка ёшга тўлганча, қолларга ўхшаб хунук хиқиллаб, Пруденсио Агиляр, Мелькиадес, Ребеканинг ота-онаси, ўзининг падари-волидаси — бу дунёни тарк этган барча ёру биродарларига аза тутарди. Пьетро Креспи унга симда дорбозлик қилувчи кўгирчоқ-айиқ совға қилди ҳамки, Хосе Аркадио Буэндианинг гуссаси тарқалмади. Шунда Пьетро Креспи, «Осмонга парвоз қиладиган машина-маятник ясамоқчи эдингиз, шу гап сизга бўлди», деб сўради. «Бундай машина яшанинг иложи йўқ, маятник ҳамма нарсани тепага кўтариши мумкин, лекин ўзини-ўзи асло кўтаролмайди», деди Хосе Аркадио Буэндиа. Пайшанба куни у танин устахонага келди. Кўриниши забун бўлиб, аллақандай умидсизликка тушганди. «Вақт машинаси бузилди,— деди Хосе Аркадио Буэндиа деярли хўнграб.— Устига-устак, Урсула билан Амаранта йирокда!» Лурелиано отасини худди ёш болани қойиғандек қойиди. Ота итоаткорлик билан жимиб қолди. У олти соат ичида буюмларнинг тунги кўриниши кундузгисидан фарқ қилиш-қилмаслигини аниқлаш мақсадида уларга диққат билан тикилди. Вақт ҳаракатланишини исботлаш учун ўжарлик билан нарсаларда юз берган ўзгаришни қидирар эди.

Хосе Аркадио Буэндиа тун бўйи кўзлари очик ҳолда ётди ва ўз гам-ташвишларини баҳам кўриш учун Пруденсио Агиляр, Мелькиадес ҳамда барча марҳумларни ҳузурига чорлади. Аммо олдига ҳеч ким келмади. Жума куни эрталаб, уйидагилар ухлаб ётишганда, у яна атрофдаги буюмлар қиёфасини ўргана бошлади. Энди у душанба ҳали ҳам давом этаётганлигига заррача шубҳа қилмасди. Хосе Аркадио Буэндиа тутақиб кетди ва эшиклардан бирининг темир дастагини юлиб олди-да, алхимия ускуналарини ғазаб билан парчалаб ташлади, суратқашлик лабораторияси, заргарлик устахонасини чилпарчин қилди. У худди шайтон васвасага солгандай, қандайдир нотаниш тилда бақириб-чақирди. Отаси бошқа хоналарни ҳам ағдар-тўнтар қилмоқчи бўлганида, Лурелиано ҳамсояларини ёрдамга чақирди. Хосе Аркадио Буэндиани йиқитишга ўн одам даркор бўлди, ўн тўрт киши эса қўл-оёқларини боғлади, ниҳоят, йигирма киши бўлиб, уни ҳовлидаги каттакон қантан дарахти олдига судраб бориб, дарахт танашига арқон билан тағиб ташлашди, аммо Хосе Аркадио Буэндиа ҳамон ўзининг галати шевасида сўкинар, оғзидан яшил кўпик чиқар эди. Урсула билан Амаранта қайтиб келишганида, у қўл-оёғи боғлиқ ҳолда ёмғирда ивиб ўтирар, лекин энди анча ювош ва хатарсиз эди. Урсула унинг қонтакли тирсанкли ва тўпикларини банддан озод қилиб, фақат белидаги арқонни қолдирди. Кейинчалик куёш ва ёмғирдан тўсиш учун унинг тепасига соябон ҳам ўрнатишди.

Аурелиано Буэндиа билан Ремедиос, падре Никанор Рейнининг кўрсатмасига биноан меҳмонхонада қурилган меҳроб олдида март ойининг якшанбаларидан бирида никоҳдан ўтишди. Ремедиосда дастлабки балоғат белгилари кўрингач, Маскотелар хонадониди бутун ой давомида рўй берган ҳаяжону ташвишларга тўй куни хотима берилди. Онаси кизга ҳайз нималигини ўз вақтида тушунтирган бўлишига қарамай, февраль тунларидан бирида Ремедиос опалари Аурелиано билан суҳбат қуриб ўтирган меҳмонхонага кўркувдан дод солиб кирди ва ўзининг қорамтир доғ тушган чалворини кўрсатди. Шундан сўнг тўй муддати белгиланди. Бу қисқа вақт давомида келинчакка мустақил ювиниш ва кийиниш ҳамда рўзгордаги энг оддий муаммоларни ҳал қилишни зўр-базўр ўргатишга улгуришди. Тунда кўрпани ҳўллаб кўймаслиги учун, уни иссик гишт парчалари устига пешоб қилишга мажбур этишарди. Ремедиосга эр-хотинлик сири дахлсиз қолиши зарурлигини тушунтириш айниқса кийин кўчди: унга никоҳ кечаси тафсилотларини айтиб беришганидаёқ, кизча таажжубланиб, шу қадар завқ-шавққа тўлдиди, энди билганларини дуч келган одам билан амалда баҳам кўришга тайёр эди. Ремедиос уйдагиларни роса ташвишга кўйди, аммо тўй куни яқинлашгани сайин у турмуш икирчикирларини опаларидан ҳам яхшироқ тушунадиган бўлди. Дон Аполинар Маскоте кизини қўлидан тутганича, осмонга учаётган мушаклар ёруғида, музика садолари остида, гуллар билан безанган кўча бўйлаб етаклаб бораркан, Ремедиос деразалар орғидан унга бахт тилаётган кўшилларига қўлларини силкиб, миннатдорчилик изҳор қилар эди. Аурелиано қора мовут костюм ва мойланган, орадан неча йиллар ўтиб девор остида ўзини отишларини кутаётганида ҳам оёғига иладиган туфлисини кийиб, қайлигини меҳмонхона остонасида кутиб олди-да, меҳроб сари бошлади. Куёвнинг ранги оқариб кетган бўлиб, томоғининг томирлари тортарди. Ремедиос ўзини рисоладагидек, камтарона тутди, ҳатто Аурелиано қўлидаги узукни унга такаман деб ерга тушириб юборганида ҳам, ўзини йўқотиб қўймади. Бу ҳол тўпланганларни эсанкиратиб қўйди, меҳмонлар аллаларсалар деб пичирлай бошлади, лекин Ремедиос куёви эшик томон думалаётган узукни оёғи билан тўхтатиб, сўнг хиёлатдан қизариб меҳробга қайтиб келгунича, уни хотиржам кутиб турди. Онаси, опалари маросим найти Ремедиос янглишиб қолмасин, деб шунчалик чўчишдики, охир-оқибатда каттиқ толиқишиб, ўзлари кўпол хатога йўл қўйишди, яъни Ремедиосга, куёвни биринчи ўнгин, деб тайинлашди. Худди шу куни Ремедиосдаги хотиржамлик, ақлу одоб ҳисси туғма эканлиги яққол намоён бўлдики, бу ажойиб хислатлар энг кийин шароитларда ҳам уни тарқ этмади. Келин ҳеч кимнинг маслаҳатисиз тўй пирогининг энг яхши бўлагини тақсимчага жойлади-да, Хосе Аркадио Буэндиага элтиб берди. Қаштан дарахтига боғлаб қўйилган кекса паҳлавон кўёш нурлари ва ёмғирдан сарғайиб кетган пешайвон остидаги скамейкада ўтирарди. У ташаққур билдириб жимлайди-да, қўлидаги пирогни олиб аллақандай дуони такрорлаганча, кавшана бошлади. Душанба куни эрталабгача чўзилган бу қувноқ базмда биргина Ребека Буэндиа ўзини бахтсиз ҳис қиларди, Ребека ҳам ўша куни никоҳдан ўтиши лозим эди, аммо жума куни Пётро Креспига, онанг ўлим тўшагида ётибди, деган мактуб теғдию



тўйи қолдирилди. Хат Пьетро Креспига теккач, вилоят пойтахтига кетди. Онаси соғ экан, у айтилган вақт — шанба кечаси Макондога етиб келиб, ўғлининг тўйига аталган кўшиғини Аурелианонинг тўйида айтиб берди. Пьетро Креспи тўй тарқалгач, якшанба кечаси ортига қайтди. Хаттоки у тўйга кеч қолмайин деб шошилиб, беш отни ҳаром ўлдирган эди. Бу машъум хатнинг муаллифини ҳеч ким билолмади. Урсула Амарантани роса кистовга олди. Лекин Амаранта ҳали дурадгорлар бузишга улгурмаган меҳроб олдига келиб, бу ишда айбим йўқ, дея йиғлаб онт ичди.

Дон Аполинар Москоте никоҳ ўқитиш учун, руҳонийлик касбини танлагани учун тақдиридан норози падре Никанор Рейнени атай кўшни шаҳардан олиб келган эди. Падре териси утихонига ёпишган, ранги заҳил киши эди. Сал-пал корин қўйган бу кимсанинг юзида, гўё мункиллаб қолган фариштанинг юзидаги каби, эзгуликдан кўра соддадиллик аломатлари зоҳир эди. У тўйдан сўнг ўз черковия ўз кавми ёнига қайтмоқчи эди-ю, аммо гуноҳга ботиб яшаётган макондоликларнинг бу қадар беғамлигини кўриб даҳшатга тушди: булар фақат табиат қонунларига бўйсунитар, на болаларини чўқинтиришар, на диний байрамларни тан олишарди. Падре ҳали омов кўрмаган бу заранг дала бақувват кўшчининг ёрдамига муҳтож, деган фикрга келди ва кесилганлару бутпарастларни чўқинтириш, никоҳсиз яшаётганларни никоҳлаш, марҳумлар руҳига дуо айтиш ниятида, Макондода яна бирор ҳафта қолишга аҳд қилди. Лекин ҳеч ким ваъзаларини тингланга иштиёқ билдирмади. Унга, неча йилдирки, руҳонийсиз ҳам туппа-тузук яшаймиз, дўзаху жаннат — қай бирига тушишимизни худонинг ўзи ҳал қилади, биз оғир гуноҳ қилганимиз ҳам йўқ, деб айтишди. Беҳуда ташвиқот юргизиб хориган Никанор Рейне худосизлик маскани бўлмиш бу шаҳарда шундай бир муаззам ибодатгоҳ курайки, азиз-авлиёларга ҳатто Римдан ҳам зиёратчилар келадиган бўлсин деб онт ичди. Сўнг қўлига мис ликопча тутганча, одамлардан садақа йиға бошлади. Унга сахийлик билан хайр-эҳсон қилишар, аммо руҳоний бўлажак ибодатхонага ҳатто чўкканларни ҳам сув бетига қалқитиб чиқаришга овози қодир жуда улкан қўнғирок ўрнатилишини айтиб, кўпроқ пул сўрарди. Руҳоний силласи қуригунча ялиниб-ёлворар, товуши битиб, суяклари кисирларди.

Шанба кунларининг бирида йикқан пулларини ҳисоблаб чиқиб, маблага ибодатхонанинг эшигига ҳам етмаслигини билди, лекин бари бир тушкунликка тушмади. У шаҳар майдонига меҳроб ўрнатди ва якшанба куни, худди паришонхотирлик касали тарқалган пайтдагидек, қўлидаги қўнғирокчасини чалиб, кўчадан-кўчага югурганча, одамларни ибодатга чорлади. Аксарият кишилар шунчаки синчковлик ваҳидан келишди. Кимдир бекорчиликдан, кимдир эса руҳонийга озор етказганлари учун, худонинг ғазабига дучор бўлишдан кўрқиб келишди. Падре Никанор овозини баралла қўйиб «Инжил»ни ўқир ва ўқишни тез-тез тўхтатиб, одамлардан пул сўрарди. Майдонга шаҳарнинг деярли ярим аҳолиси тўпланган эди. Йиғин тугаб, одамлар тарқала бошлаётганида, падре қўлини кўтариб, уларнинг эътиборини жалб қилди.

— Бир дакика, — деди у. — Ҳозир сизлар худонинг чексиз қудратига имон келтирасиз.

Йиғинда падре Никанорга кўмаклашиб турган бир бола ҳовури чикиб турган қайноқ шоколад келтирди. Рухоний уни бир кўтаришда симирди. Сўнг чўнтагидан рўмолча олиб лабини артди ва иккала қўлини олдинга чўзиб, кўзларини юмди. Ва у ногаҳон ердан ўн икки сантиметр баландга кўтарилди. Одамлар худонинг қудратига ишонийди. Падре бир ой давомида шаҳар кезиб, такрор-такрор қайноқ шоколад ютди, ердан кўтарилди, катта маблағ тўплади ва орадан бир ой ўтар-ўтмас, ибодатхона қурилиши бошлаб юборилди. Падре аён этган мўъжиза худодан эканлигига Хосе Аркадио Буэндиадан бўлак ҳамма ишонарди. Бир куни эрталаб Никанорнинг галдаги кўтарилишини томоша қилгани каштан дарахти ёнида оломон тўпланди. Никанор ўзи ўтирган стул билан биргаликда ҳавога кўтарилаётганида, Хосе Аркадио Буэндиа гавдасини хиёл тиклаб, елкасини қисганча, унга совуққонлик билан тикилиб турди-да:

— *Hos est simplicissimus*,— деди Аркадио Буэндиа.— *Homo iste statum mateviel invenit!*

Рухоний Никанор қўлини кўтариши биланок стулнинг тўрттала оёғи ҳам бир вақтнинг ўзида ерга тушди.

— *Nedo*,— эътироз билдирди у.— *Factum hos existentiam. Den prvobot sine.*<sup>2</sup>

Илгари Хосе Аркадио Буэндианинг антика шевада гаплашини га таажжубланган одамлар, ҳозир у лотин тилида гапирганини билиб олишди. Ниҳоят, Никанорни тушунадиган одам топилди ва рухоний бу бахтли тасодиф тобора путурдан кетаётган идрокни диннинг сеҳрли кучи билан тиклашга имкон берувчи қулай вазият эканини сезди. У ҳар куни кечкурун каштан тагида ўтириб олиб лотин тилида хутба ўқир, аммо Хосе Аркадио Буэндиа унинг нотиклик санъатини тан олмас, совғага келтирилган шоколадларга қўл теғизмас, падрега нукул, агар худо бор бўлса, аввало унинг фотосуратини кўрсатинг, дерди. Шунда падре унга икона ва гравюралар, ҳатто Вероника рўмолининг нусхасини олиб келди, аммо Хосе Аркадио Буэндиа, буларда илмий асос йўқ, шунчаки косиблик, дея эътироз билдирди. У шу қадар ўжарлик қилдики, охири Никанор чолнинг ёнига диний ташвиқот важҳидан эмас, балки оддий одамгарчилик юзасидан келадиган бўлди. Ана шунда Хосе Аркадио Буэндиа ташаббусни қўлга олиб, оқилона далиллари билан рухонийнинг диний эътиқодига зарба бера бошлади. Кунларнинг бирида падре Никанор шашка олиб келиб, баҳасдошига шашка ўйнашни таклиф килди. Лекин Хосе Аркадио, асосий масалалар юзасидан ўзаро ҳамфикр ракибларининг курашида ҳеч қандай маъно йўқ, деб айтди. Шашка ўйинига ҳали ҳеч қачон бундай нуқтаи назардан ёндашмаган Никанор минг ҳаракат қилса-да, бари бир, Хосе Аркадио Буэндиани кўндирма олмади. Хосе Аркадио Буэндианинг ўткир зеҳнига тобора тан бера бошлаган рухоний уни нега дарахтга боғлаб қўйишганини суриштирди.

<sup>1</sup> Бу оддий нарса. Бу одам материянинг турткичи ҳолатини очган, холос (лотинча).

<sup>2</sup> Инокор қиламан. Бу нарса худо борлигининг шак-шубҳасиз исботи эмас.



— *Host est simricissimum*.— жавоб қайтарди у,— мени телба бўлганлигим учун боғлаб қўйишди.

Шу-шу, ўзи ҳам ақлдан озишидан қўрқиб, падре унинг ёнига йўламай қўйди ва ўзини буткул ибодатхона қурилишига бағишлади. Ребека қалбида яна умид уйғонаётганини сизди. Ўша куни падре Никанор бу хонадонда тушлик қилаётиб, оила аъзоларига черков битгандан сўнг бўладиган ажойиб ибодатлар тўғрисида гапириб бергандан бошлаб, Ребеканинг тақдири иморатнинг битишига боғлиқ эди. «Ҳаммадан ҳам Ребеканинг омади чопди», деди Амаранта. Аммо Ребека гапини тушунмагач, у жилмайиб, изоҳ берди:

— Ахир, сен черковни ўз тўйинг билан очиб берасан-да.

Ребека бу имкониятни муҳокама қилишдан ўзини тортди. Негаки қурилиш жудаям сушт борар ва унинг битиши учун камида ўн йил талаб қилинарди. Падре Никанор Ребеканинг фикрига қўшилмади: диндорларнинг тобора авж олаётган сахийлиги бу муддатни анча қисқароқ белгилашни тақозо этарди. Урсула Амарантанинг гапини қўллаб-қувватлади. Ребека ичида рад этиб турган пайтда у, мен ҳам қурилишни тезлатишга тузукроқ ҳисса қўшмоқчиман, деди. Падре Никанор, агар каттароқ эҳсон қилинса ибодатхона уч йилда тикланади, деди. Шу кундан бошлаб, Ребека Амаранта билан гаплашмай қўйди, чунки синглисининг фикри, гарчанд Амаранта ўзини бу гапни шунчаки айтгандек кўрсатишга уринса-да, Ребекага огир ботган эди. «Шунга ҳам раҳмат дегин, ахир мен сенга бундан ҳам баттар ёмонлик қилишим мумкин эди-ку,— деди Амаранта кечқурун бўлиб ўтган аёвсиз можаро пайти.— Ибодатхона уч йилда битаркан, демак, мен сени яна уч йил давомида ўлдирмас эканман-да».

Ребека унинг даъватини қабул қилди.

Пьетро Креспи тўйлари бу гал ҳам ортга сурилганини эшитгач, тушкунликка тушди, аммо келин унга бўлган садоқатини аён этиб, «сен истаган пайтда иккимиз бирор ёққа қочиб кетишимиз мумкин», деди. Лекин Пьетро Креспи бундай қалтис ишларга мойил эмас, унда қайлиғига хос жўшқинлик етишмас ва у берилган ваъдага нисбатан ҳурматни ўнгу сўлга сарф қилиш мумкин бўлмаган бир бойлик, деб ҳисобларди. Шунда Ребека қалтис бўлмаган усуллари қўллашга ўтди: баъзида тўсатдан турган шамол меҳмонхонадаги чироқни ўчириб қўяр ва Урсула қоронғида ўпишишаётган келин-куёвга луч келиб қоларди. Пьетро Креспи тутила-тутила янги чороқларнинг сифати ёмонлигидан шикоят қиларди. У ҳатто меҳмонхонага бирмунча кучлироқ ёритиш воситаларини ўрнатишга бош-қош бўлди. Аммо энди кўпинча чироқдаги мой тугаган ёки унинг пилиги ишдан чиққан бўлар, Урсула яна келиннинг куёв тиззасида ўтирганини кўриб қоларди. Охири Урсула чироқ атайлаб ўчириляётганини сизди. У новвойлик юмушларини ҳинду аёлнинг зиммасига юклаб, ўзи эса эски найрангларга лаққа тушиб қолмаслик учун, тебранма курсига ўтирар, Ребека билан Пьетро Креспини жиддий назорат қилар эди. «Бечора онагинам,— дерди Ребека киноя ва ғазаб аралаш ҳомуза тортаётган Урсулага кузи тушиб,— шу гуноҳлари учун албатта нариги дунёда жазосиз қолмас-ку!» Ибодатхона қурилишидан кунора хабардор бўлиб турган ва ишнинг сушт бораётганидан уқубат чекаётган Пьетро Крес-

ни, назоратнинг учинчи ойида падре Никанорга анча пул тутқазди. Бу янгилик Амарантага таъсир қилмади. Ҳар кеч чеварлиғу гурунғ баҳонасида галереяга тўпланадиган дугоналари билан гаплашаркан, у янгидан-янги интиқом усулларини қидирарди. Лекин бир жиҳатдан Амарантанинғ мўлжали чинпақка чикди. Ибодатхонанинғ битишига икки ой қолганда у Ребеканинғ келинлик либоси сақланаётган жавондан куядорини олиб қўйди. Аммо Ребека, сабри чидамай, келинлик либосини Амаранга кўзлаган муддатдан анча илгари тайёрлаб қўймоқчи бўлди. Ребека олдин шакаф тортмасидаги қоғоз урамини, сунгра либос уралган матони очиб кўрдию ҳангу манг бўлиб қолди. Шойи қўйлак, тўр-тўр фата ва ҳатто сунъий гулчамбарни ҳам куя еб, нақ кукунга айлантириб ташлаган эди. Кизик, жавон ичига икки сиким куядори сешиб қўйганини кечагидек эсларди, лекин бу бахтсизлик шунчалар тасодифий бўлиб туюлдики, Ребека ҳатто Амарантадан шубҳаланишга журъат этолмади. Тўйгача икки ой қолган эди. Ампаро Москоте унга бир ҳафта ичида янги либос тикиб бераман, деб ваъда берди. Ёмғирли кунларнинг бирида Ампаро оппоқ матоларга бурканиб, Ребекага битай деб турган янги либосни кийдириб кўриш учун келганида, Амаранта хушидан кетаёзди. Унинг тили калимага келмас, умуртқаси бўйлаб муздек совук тер оқиб тушарди. Амаранта жуда кўп ойлардан буён кўрқиб-қақшаб яшарди, чунки у тўйни тўхтатишга ҳеч қандай чора йўқ. Ребекани заҳарлашини аниқ биларди. Ребека Ампаро Москоте сабр-тоқат қилиб, сон-саноксиз тўйнагичлар ёрдамида эғнига кийгазаётган қўйлак ичида иссиқдан азобига нафас оларкан, қаншта тикаётган Амаранта ҳалкаларни санашда тез-тез адашиб, бармоқларига нина санчилса-да, мудхиш совуққон тарзда заҳарлайдиган кун — тўйдан олдинги биринчи жума, заҳарлаш усули — кофега қўшиладиган бир чимдим афъюн бўлади, деган қарорга келди.

Кутилмаганда бошқа бир бахтсизлик тўйни яна кейинга сурди. Ребека билан Пьетро Креспининг никоҳларига бир ҳафта қолганида, кичик Ремедиос ярим кечаси ичидан қон кетиб уйғонди ва уч кундан сўнғ ўз қонидан заҳарланиб ўлди. Маълум бўлишича, ичида эғизак ҳомиласи кўндаланг туриб қолган экан, Амаранта виждон азобига гирифтор бўлди. У Ремедиоснинг ўлимида ўзини айбдор ҳисоблар ва Ребекага заҳар бериб қўймаслик учун доим худодан ўзига-ўзи завоқ тиларди. Йўқ, у худодан айни бахтсизликни, яъни Ремедиоснинг ўлимини тиламаган эди. Ремедиос уларнинг хонадонига бахт ва шодлик келтирди. У эри билан устахона ёнидаги ётоқхонада яшар ва бутун хонани ўзи олиб келган қўғирчоқлар билан безаб ташлаган эди, унинг шодонлиги, ҳаётга бўлган чексиз муҳаббати ётоқнинг тўрт деворига ҳам сиғмас, гуллар экилган галерея бўйлаб шамолдек эсарди. Ремедиос кўш чикқанидан бошлабқ кўшиқ айтишга тушарди. Амаранта билан Ребека ўртасидаги жанжалларга ёлғиз Ремедиосгина чек қўярди. У Хосе Аркадио Буэндиага қараб туришдек оғир вазифани ҳам ўз зиммасига олган эди. Унга овқат ташир, совун суркалган мочалка билан ювинтирар, соч-соқолига бит тушмаслигини назорат қилиб турар, шийпончани супуриб-сидирар, довул пайтлари шийпонча устига сув ўтказмайдиган презент тўшарди. Сўнги ойларда



эса у Хосе Аркадио Буэндиа билан, гарчанд бузиб гаплашса-да, лотин тилида гаплашадиган бўлди. Пилар Тернеранинг Аурелианодан туғилган ўғли уйларига келтирилганида (хонадондагилар унга Аурелиано Хосе деб исм қўйишган эди), Ремедиос бу гўдакни ўзининг илк фарзандидай қабул қилди. Ундаги оналик меҳри ҳатто Урсулани ҳам лол қолдирган эди. Аурелиано ўз ҳаётини Ремедиоссиз тасаввур қилолмас, унга тамом суяниб қолганди. У кун бўйи устахонада ишларкан, Ремедиос унга шакар солинмаган қора кофе олиб келарди. Кечқурунлари икковлашиб Москотеларникига боришарди. Ремедиос опалари билан суҳбатлашаётганида ёки онаси билан катталарнинг юмушлари ҳақида фикр юритаётганида, Аурелиано кайнотаси билан домино ўйнаб ўтирарди. Буэндиа оиласи билан қариндош бўлгач, дон Аполинар Москотенинг обрўси ошди. У вилоят пойтахтига қатнайвериб, бошлиқларга Макондода мактаб қуриш зарурлигини исботлаб берди. Мактабда бобосидан ўқитувчилик истеъдодини мерос қилиб олган Аркадио муаллимлик қилиши лозим эди. Москоте олиб борган ташвиқот туфайли миллий мустақиллик куни муносабати билан Макондо аҳлининг аксарияти ўз уйларини кўкка бўяди. Москоте, педро Никанорнинг талабига биноан, Катарина ишратхонасини чекка кўчага кўчирди, фаолияти кун сайин авж олиб бораётган шаҳар марказидаги бошқа бир қатор ишратхоналарни беркитишга фармон берди. Бир куни дон Аполинар Москоте вилоят марказидан олти нафар қуролли полициячи билан қайтиб, улар зиммасига тартиб-интизом назоратини юклаганида, Макондода қуролли одамларни сақламаслик тўғрисидаги эски битимни ҳеч ким эсламади ҳам. Кайнотасининг шижоати Аурелианога ёқарди. «Сен ҳам унга ўхшаб семиз бўласан», дерди унга дўстлари. Аммо устахонада уз-зуқун ўтираверганидан ҳеч семирмади, ёноқлари туртиб чиқиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетди, феъл-атвори ҳам босиклигича қолди. Аурелиано билан рафикасини ҳар иккала оиладагилар ҳам чексиз севишарди. Ремедиос фарзанд кутаётганини айтганида, Амаранта билан Ребека ярашиб, бўлажак чақалоқлар учун икки хил ипдан — ўғилга кўк, қизга эса қизил тусли — кийимчалар тўқишга киришган эдилар. Орадан кўп йиллар ўтгач, девор остида ўзини отишларини кутиб турадиган Аурелиано ўйлаган сўнги одам ҳам Ремедиос бўлиб қолади.

Урсула уйда мотам эълон қилди, барча дераза ва эшиқларни беркитди, бирон-бир зарур вазисиз уйдан чиқиш ва уйга киришни тақиқлади, бир йилгача қаттиқ овоз чиқариб гаплашишни маън қилди, деворга марҳуманинг қора тасмага олинган суратини осиб, тагига чироқ ёкиб қўйди. Ремедиоснинг жасади солинган тобут дафн куни ана шу суратнинг тагига қўйилди.

Ремедиоснинг руҳига атаб ёқилган чироқни асло ўчирмаган Буэндиа авлодининг кейинги вакиллари сочига лента таққан, бурмача юбка ва оқ этикча кийган бу қизчанинг портретига қараб туриб, доимо таажубга тушар эдилар; қизчанинг сиймоси катта буви ҳақидаги анъанавий тасаввурга ҳеч мос келмас эди. Амаранта Аурелиано Хосени ўз тарбиясига олди. Унинг назарида, Ребекага аталган захар Ремедиоснинг кофесига тушиб қолгандек туюлар, шуни ўйлаб,

Амаранта ич-ичидан эзиларди. У энди ёлгизликда чеккан азобларимга, огир хасратимга шояд тутинган ўғлим Аурелиано Хосе шерик бўлса, деб умид қиларди. Шляпасига қора лента танғиб олган Пьетро Креспи узун, енгил қора кўйлак кийиб олган, фақат сураги қолган рангпар Ребекани кўриш учун ҳар куни кечкурун оёк учида сас-сиз келиб, огиз очмай қайтиб кетарди. Ҳозир тўй ҳақида гапириш шаккоклик бўлиб, уларнинг муҳаббати чексиз гуноҳликка завол тутган, зерикарли, ҳеч кимни кизиқтирмайдиган эрмакка айланган, гўёки чироқларни ўчириб қўювчи ва зулматда ўпишувчи жуфт аллақачон нобуд бўлгандек туюларди. Умиди пучга чиққан Ребека руҳан тушқунликка тушиб, яна кесак ея бошлади.

Бир куни кўкқисдан, мотам бошланганидан анча вақт ўтиб, кизлар галереяда яна ўз тикув ишларини бошлаб юборишганда,— роса соат иккида жазирама куннинг тинчини бузиб, кимдир дарвозани шундай каттиқ куч билан очдики, зарбидан гўё бутун уй силкиниб кетди: бу Амарантага ва галереяда ўтирган унинг дугоналарига, хонасида бармоқ сўраётган Ребекага, ошхонада юрган Урсулага, устахонадаги Аурелианога ва якка қолган дарахти остида ўтирган Хосе Аркадио Буэндиага — ҳамма-ҳаммасига кучли таъсир қилди, гўё зилзила бошландию уйлари шу топдаёқ кулаб тушадигандек бўлиб туюлди. Остонада антиқа кўринишли бир кимса пайдо бўлди. Унинг баҳайбат елкалари эшикка зўрға сиғарди, йўғон бўйнига Биби Марямнинг тасвири солинган занжир осилган, қўлю юккрагига игна билан суратлар чизилган, ўнг билагига эса мис билагузук тақилган эди. Териси гўёки шўр шамолда ошланган, калта сочлари ҳахир ёлидек диккайган, ияги туртиб чиққан, қарашлари руссали эди. Келгиндининг белидаги камар отнинг айилдан икки баравар қалин эди. У пошнасига темир нағал қоқилган узун кўнжли этик кийиб олган бўлиб, қадамидан ер ларзага келарди. Нотаниш кимса кўлидаги нимдош халтасини кўтариб, шиддат билан меҳмонхона, сўнг залдан ўтиб, Амаранта ва унинг дугоналари игналарини ушлаганча қотиб қолган, гуллар турган осуда галереяга худди момақалдиросдек бостириб кирди. «Салом», деди у ҳорғин товушда ва халтасини кизлар ёнидаги столнинг устига иритганча, уйнинг ичкарисига йўл олди. «Салом», деди ётоғидан қўрқа-писа бошини чиқарган Ребекага. «Салом»,— деди ишга бутун вужуди билан берилиб кетган Аурелианога. Лекин ҳеч қаерда тўхтамади. Ва ниҳоят, дунёнинг нариги бурчагидан бошлаган сафарини ошхонада тугатди. «Салом», деди у Урсулага. Урсуланинг оғзи ланг очилиб, бир он қотиб турди, сўнг келгиндининг кўзларига боқди-да, қувончдан бақирганча йиғлаб, бўйнига осилиб олди. У— Хосе Аркадио эди! Уйдан гадой бўлиб кетиб, гадойлигича қайтиб келди. Урсула ўғли кира қилиб келган от учун икки песо тўлади. Хосе Аркадио одатда денгизчилар қўллайдиган лаҳжада, қоришган галатирок испан тилида сўзларди. Ундан, қаерларда юрувдинг, деб сўрашганида, «Уш ёкда», дея жавоб қайтарди. Хосе Аркадио ўзига ажратилган хонага осма тўшагини илиб пақ уч кун ухлади. Уйғонгач, ўн олтита қайнатилган тухумни пақ-қос туширди-да, тўппа-тўғри Катаринонинг ишратхонасига борди. Унинг улкан гавдаси аёлларни саросимага солди ва айни замонда



хавасини келтирди. Хосе Аркадио ўз ҳисобидан музика буюрди, атрофдагиларни вино билан сийлади ва беш эркакка қарата, «ҳаммангиз биргалашиб ҳам қўлимни бука олмайсиз», деб гаров ўйнади. «Бунинг иложи йўқ, шекилли,— дейишди улар, ҳатто қўлини қимирлатишолмай.— Чунки сенинг сеҳрли билагозугинг бор». Куч ишлатиладиган томошаларга кўпда ишонмайдиган Катарино ўн икки песо тикиб, Хосе Аркадио билан оғир мрамор столни кўтара олиш-олмаслигига гаров бойлади. Хосе Аркадио столни боши узра баланд кўтариб, кўчага олиб чикиб қўйди. Столни қайта киритиш учун ўн бир эркак овора бўлди. Хосе Аркадио оиласидагилар билан деярли гаплашмасди. Кундузи ухлар, кечалари бўлса фоҳишахонадан бери келмасди. Онаси гоҳо мажбур қилиб оилавий гурунглarga судраб чикканида, у ҳамманинг диққатини ўзига тортар, айниқса, узок мамлакатларда рўй берган саргузаштлардан гапирганда, ҳамманинг оғзи очилиб қоларди. У кема ҳалокатига учраб, кичкина бир қайикчада икки ҳафта Япон денгизига қолиб кетганида, офтоб уриб ўлган дўстининг гўштини еб кун кечирган экан. Айтишича, дўстининг туз сепиб офтобда тобланган гўшти жуда мазали экан. Бир куни, кемалари Бенгал кўрфази бўйлаб сузаётганида, экипаж аъзолари денгиз аждаҳосини ўлдиришибди. Аждаҳонинг ичидан темир дубулға, тўқа ва салбчиларнинг қуроли чикибди. Қариб денгизда эса Винтар Югнинг қароқчилик кемаси шарпасини кўрибди, кеманинг елканлари ажал шамолларидан титилиб кетган, мачта ва елкан боғланадиган ёғочларини денгиз сувараклари илма-тешик қилиб юборган экан. Ўша кема мудом Гвадалупага қайтиб боришга ҳаракат қилар, бироқ у мудом адашишга маҳкум этилган экан. Урсула гўёки ўзи кўп йиллар давомида интик кутган, ўғлининг жасоратларию саргузаштлари ёзилган мактубларни ўқиётгандек (Хосе Аркадио эса унга бирортаям хат ёзмаганди), пик-пик йиғлар эди. «Уйимиз катта, ўғлим,— дерди у энтикиб,— овқат ҳам сероб, ортиб қолган қанчасини чўчкаларга ташлаймиз!» Аммо она бечора бир ўтиришда яримта чўққани паққос туширадиган, нафасининг шамолидан ҳатто гуллар ҳам сўлиб қоладиган манави одам билан қачонлардир лўлилар олиб кетган ўша кичкина бола аслида бир киши эканлигини ҳеч тасаввурига сиғдира олмасди. Бошқалар ҳам худди шундай таажжубда эди. Унинг шундоққина стол ёнида кекириш одатини кўриб, Амаранта ижирганишини яширолмасди. Узининг қай йўсинда туғилганини билмай ўтаётган ва буни ҳеч қачон била олмаган Аркадио уни ўзига негадир яқин тутишга уринаётган Хосе Аркадионинг саволларига истар-истамас жавоб берарди. Аурелиано акасига ҳадеб иккови бир хонада бирга ухланган пайтларини, ўша узок болалик йиллари билан боғлиқ воқеаларни эслатишга уринар, аммо хотираси денгиз ҳаётининг сонсаноксиз кечинмалари билан тўлиб-тошган Хосе Аркадио ҳеч нарсани эслаёлмасди. Ребека уни бир кўришдаёқ ёқтириб қолган эди. Хосе Аркадио ётоқхонаси эшиги ёнидан ўтган ўша кеч, Ребека вулқонсифат нафаси ҳамма хоналарда бемалол эшитиладиган ўта бақувват бу эркак олдида Пьетро Креспи шунчаки чиройли ясанган бир болаку, деган қарорга келди. У турли баҳоналар билан Хосе Аркадиога яқинлашмоқчи бўларди. Бир куни Хосе Аркадио унинг қоматига

беҳаёларча тикилиб: «Сен яхшигина аёл бўлиб етишибсан-а, сингил», — деб қўйди. Ребека ўзини тамоман йўқотди. У яна аввалгидек шоша-пиша кесак ва оҳак ер, бармоғини сўравериб яра қилиб ташлаган эди. Кечалари ўзи билан ўзи олишиб, ухлолмай, титраб-қақшаб чиқар ва Хосе Аркадио келишидан дарак берувчи тонгни, унинг ларзага тушишини кутарди. Охири, Ребека чидай олмай, унинг хонасига кирди. Хосе Аркадио қайик боғланадиган арконга осилган гамакда, кўзлари очик, биргина иштонда ётарди. Унинг мисдай бадани Ребекани ҳайратга солди ва киз ортига қайтмоқчи бўлди. «Кечирасиз, — деди Ребека, — мен сизнинг бу ердалигингизни билмабман.» У ҳеч кимни уйғотиб юбормаслик учун шивирлаб гапирди. «Бу ёққа кел», деб чақирди Хосе Аркадио. Ребека келди. Қиз, довулга ўхшаш шиддатли бир куч белидан кўтариб, уч силтов билан эғнидаги кийимини йирғиб, уни худди кичкина қушча каби тапиллатиб остига босганида, нафаси қайтиб қолмаслиги учун жон талвасасида типирчилай бошлади.

Уч кундан сўнг улар никоҳдан ўтишди. Никоҳ арафасида Хосе Аркадио Пьетро Креспининг дўконига борди. Италиялик цитрада куй чалишдан сабоқ берарди. Хосе Аркадио уни четга ҳам чақирмай: «Мен Ребекага уйланыпман», деб бақирди. Пьетро Креспи оқариб кетди, қўлидаги цитрани шоғирларидан бирига бериб, дарс тугаганини эълон қилди. Улар музика асбобларию ўйинчоқлар билан тўла хонада икковлон қолишганида, Пьетро Креспи: «Ахир, у сингиллингиз-ку», деди.

— Аҳамияти йўқ, — жавоб қайтарди Хосе Аркадио. Пьетро Креспи муаттар ҳидли рўмолчаси билан пешонасини артди.

— Бу — табиатга хилоф иш, — дея тушунтира кетди у, — бундан ташқари кунунда тақикланган.

Хосе Аркадио унинг вай-қарсонидан эмас, балки шунчалар оқариб кетганидан дарғазаб бўлди.

— Тупурдим ўша табиатга, — деди у. — Мен буни сиз қийналмаслигингиз ва Ребекадан ҳеч нарса сўрамаслигингиз учун айтдим, холос.

Аммо Пьетро Креспининг кўзёшларини кўриб бир оз бўшашди.

— Бўлди, бўлди, — деди юмшоқ оҳангда, — агар ҳамма гап сизга бизнинг оиламиз ёкиб қолганида бўлса, ана Амаранта қоляпти-ку.

Гарчи падре Никанор ўзининг яқшанба кундаги хутбасида Хосе Аркадио билан Ребека ака-сингил эмаслигини эълон қилган бўлсада, Урсула уларнинг никоҳларини кечира олмади. Урсула никоҳни шаккоклик аломати ҳисоблаб, черковдан қайтиб келган келин-куёвни уйга киритмади. Энди улар гўё Урсула учун ўлгандай эди. Ёш келин-куёв қабристон яқинидан бир хужрани ижарага олишди. Оиланинг илк мебели — Хосе Аркадио уйдан ўзи билан олиб келган осма гамакдан иборат эди, холос. Биринчи оқшом келинни туфлисига кириб қолган чаён чакди. Ребека тилдан қолди, аммо бу ҳол эр-хотинга чиллани кўнгилдагидек ўтказишларига тўсқинлик қила олмади. Улар яшаган маҳалла аҳли ҳар туни саккиз марта аёл чинқиригидан уйғониб кетар ва бу чинқирик чошгоҳдаги ибодат чоғида ҳам яна уч марта



такрорланар, одамлар, бошвоксиз хирс кабристондаги ўликларнинг оромини бузмасин-да, деб худога нола қилишарди.

Ёш эр-хотинга биргина Аурелиано ғамхўрлик кўрсатди. Уларга энг бақувват ва зарур мебелларни олиб берди. Хосе Аркадио уйлари ёнидаги ташландик жойни экиш-тикишга ярқкли қилгунча, пул билан таъминлаб турди. Гарчанд, ҳаёт ҳатто тушига ҳам кирмаган бахт ҳадя этган бўлса-да, Амаранта ҳамон Ребекага кек сақларди: бу шармандаликни юмшатиш йўлини топа олмаётган Пьетро Креспи, Урсуланинг хоҳишига кўра, илгаригидек ҳар сешанба уларнинг уйига овқатлангани келар ва бахтсизлигини ҳеч кимга сездирмай, матонат билан дош берарди. Буэндиалар оиласига ҳурмати юзасидан у шляпасидаги қора лентани қолдирган ва ҳар гал ўзининг Урсулага боғланиб қолганидан мамнулигини намойиш этарди. Урсулага ҳар куни антиқа совғалар — португал сардиналари, атиргул баргидан қилинган туркча шинни олиб келарди. Ҳатто бир куни Маниладан келтирилган шол рўмол ҳам совға қилди. Амаранта Пьетро Креспининг кўнглини овлар, унинг дидини топар, кўйлагининг енгида осилиб қолган ипларни кесар, тугилган кунига эса Пьетро Креспининг исми ва фамилиясининг бош ҳарфлари битилган анчагина рўмолча тайёрлаган эди. Тушликдан сўнг галереяда чеварлик қиладиган Амарантага қувнок суҳбатдош бўларди. Пьетро Креспининг назарида ёш боладек туюлувчи бу кизда ҳали нозиклик етишмасди, аммо унинг ҳислари ниҳоятда нафис, қалбида яширин бир нафосат бор эди. Ҳеч ким Пьетро Креспининг Амарантага уйланишига шубҳаланмасди. Ҳақиқатан ҳам, бир куни сешанбада Амарантага менга тегаангиз, деди. Қиз индамай, ишини давом эттираверди. Қулоқларини ловулатган ҳарорат пасайишини бир оз кутиб тургач, сўнгра шошилмай, ўзига ишонадиган одамларга ўхшаб, деди:

— Албатта, тегаман, Креспи. Аммо бир-биримизни яхшироқ билиб олганимиздан сўнг. Шошқалоқлик яхшиликка олиб бормайди.

Урсула нима қилишини билмасди. Пьетро Креспини қанчалик ҳурмат қилмасин, Ребека билан йигитнинг узоқ вақт давом этган ва охири можаро билан тугаган фотихасидан сўнг, бу иш ахлоқ жиҳатдан тўғрими ёки нотўғрилигини англолмасди. Шубҳасини баҳам кўрадиган одам, оила бошлиғи Аурелиано эса ўзининг ноаниқ, аммо қатъий фикри билан Урсулани баттар эсанкиратди:

— Ҳозир тўй ҳақида ўйлайдиган вақт эмас.

Бу сўзларнинг мазмунини Урсула орадан бир неча ой ўтгач тушунди. Бу — ўша дамда Аурелианонинг нафақат тўйга, балки урушдан бўлак барча воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдирган яккаю ягона самимий фикри эди. Йиллар ўтиб, у девор ёнида ўзини отишларини кутиб турганида, бу ерга қадар етаклаб келган, кўринмайдиган, аммо олдини олиб бўлмас тасодиф занжири қай йўсинда пайдо бўлганини ўзига-ўзи аниқ тушунтириб беролмайди. Ремедиоснинг ўлими Аурелианони у қўрққан даражада ҳаяжонлантирмади. Хотинининг ўлими мислсиз ғазаб уйғотди ва оқибатда бора-бора у бир вақтлар аёлларни рад этгани сингари умидларни чилпарчин қилувчи сусткаш ра ғамгин ҳисларга кўмилиб кетди. Аурелиано ўзини яна буткул ишга бағишлади, аммо қайнотаси билан домино ўйнашни ҳам қанда

килмади. Мотам рухига тўла кечки осойиш суҳбатлар уларнинг дўстлигини тобора мустаҳкамларди. «Яна уйлан, Аурелиано,— дерди унга дон Аполинар Москоте.— Менинг яна олти кизим бор. Истаганингни олишинг мумкин». Сайловга бир неча кун қолганида Макондонинг коррехидори галдаги сафардан мамлакатдаги сиёсий вазиятдан жиддий ташвишланган ҳолда қайтиб келди. Либераллар уруш очишга тайёргарлик кўришаётганмиш. Аурелиано ўшанда консерватор ва либераллар ҳақида мутлақо тасаввурга эга эмасди, фақат уларнинг уруш очиш мақсадлари борлиги таажжубга соларди. Сиёсатдан йироқда бўлган Макондода сайлов бўлиши арафасида кайнотасининг сержант ҳамда олти нафар қуроланган солдатни чакиртириши Аурелианога мутлақо кераксиз чираниш бўлиб туюлди. Шаҳарга келган солдатлар барча хонадонларга кириб, ов милтиқлари ва ҳатто ошхонада ишлатиладиган катта пичоқларни ҳам тортиб олишди, сўнгра ёши йигирма бирдан ўтган эркакларга консерватор-номзодларнинг номлари битилган кўк ҳамда либерал-номзодларнинг номлари ёзилган пуштиранг варақалар таркатишди. Шанба куни, айна сайлов арафасида дон Аполинар Москоте бугун ярим кечадан кейин қирқ саккиз соат мобайнида спиртли ичимликлар сотиш ва бир оилага мансуб бўлмаган уч нафардан кўп одамнинг кўчада тўпланиб туриши тақиклангани ҳақидаги декретни эшиттирди. Сайлов тинчгина ўтди. Якшанба куни эрталаб соат саккизда майдонга тахта қути ўрнатишди. Тахтани олти солдат кўриқлаб турарди. Овоз бериш мутлақо эркин бўлди, кунбўйи кайнотасининг ёнида туриб, бир одам икки мартаба овоз бермаслигини назорат қилган Аурелиано бунга тўла ишонч ҳосил қилди. Кундуз соат тўртда ноғора товуши сайловнинг ниҳоясига етганидан хабар берди ва дон Аполинар Москоте ўз имзоси чекилган ёрлик билан сайлов қутичасини муҳрлади. Кечқурун Аурелиано билан домино ўйнаётганида, коррехидор сержантга, қутичани очиб, овозларни хисобла, деб буюрди. Пуштиранг ва кўк қоғозларнинг сони тенг эди, аммо сержант пушти қоғозларнинг фақат ўнтасини қолдириб, қолганларини ташлаб юборди. Сўнг қутичага янгидан муҳр босишди. Эртасига тонг азонда у провинциянинг марказий шаҳрига олиб кетилиши керак эди. «Либераллар уруш бошлашади», деди Аурелиано. Дон Аполинар ўйиндан бош кўтармади ҳам. «Сайлов қоғозларининг алмаштириб қўйилганлиги учун деб ўйлайсанми?! Йўқ, уруш очмайдилар,— деди у.— Ахир улар шикоят қилишмаслиги учун қутичада оз-моз пушти бюллетенлар қолдирилди-ку». Аурелиано оппозиция қанчалар ноқулай шароитда эканини англади. «Агар мен либерал бўлганимда,— таъкидлади у,— ана шу қоғозлар юзасидан албатта уруш бошлаган бўлардим». Кайнотаси унга кўзойнак тепасидан қараб қўйди.

— Эҳ, Аурелиано,— деди у,— агар сен либерал бўлганимда, гарчанд менга юз марта қуёв бўлганимдаям қоғозларнинг алмаштирилишини кўролмас эдинг.

Сайловнинг якуни эмас, балки солдатларнинг мусодара қилинган пичоқлару ов милтиқларини эгаларига қайтариб беришдан бош тортишлари шаҳарда норозилик туғдирди. Аёллар Аурелианога, кайнотангга айт, лоақал ошпичоқларни қайтарсин, деб илтимос қилишди.



Дон Аполинар Москоте махфий равишда унга солдатлар мусодара қилинган пичоқлару ов милтиқларини либералларнинг урушга тайёргарлик кўришаётганини далилий ашёлари сифатида олиб кетилганини маълум қилди. Бу қадар сурбет баёнот Аурелианода жуда ёмон таассурот қолдирди. У лом-мим демади, аммо бир куни кечқурун дўстлари Херинельдо Маркес ва Магнифико Висбаль билан пичоқлар воқеасини муҳокама қилаётиб, ундан либералми ёки консерватор эканлигини сўрашганида, Аурелиано бир он ҳам иккиланмай:

— Агар кимдир бўлишим шарт бўлса, яхшиси, либерал бўлардим, чунки консерваторлар гирт муттаҳам,— деди.

Эртасига у дўстларининг кистови билан, жигарини даволатгани (гарчаид касал бўлмаса-да) доктор Алирио Ногеранинг қабулига кирди. Бу баҳона нега керак бўлиб қолгани ҳақида у тасаввурга ҳам эга эмасди. Доктор Алирио Ногера Макондога бундан бир неча йил олдин, анчагина нордон дорилар ва одамларга ғалати туюлган — «Понани пона билан қоқиб чиқаришади» деган шиор билан бирга келганди. Ногера ҳеч қандай шифокор эмасди. Ушбу сохта доктор аслида террорчи эди. Қўнжи узун пойабзали унинг беш йиллик сургун давомида темир кишанлардан чандиқ тушган тўпикларини бегона кўзлардан яширарди. Федералчиларнинг илк кўзғолонидаёқ қўлга туширилганларида, у жинидан ҳам ёмон кўрадиган либос — шифокор кийимини кийиб Кюрасаога қочишга муваффақ бўлган эди. Узоқ муддат қўзилган бу қувғинликнинг охириги кунларида, Кюрасаога сиёсий муҳожирлар Кариб денгизининг барча оролларида келган хушxabарлардан рухланиб, контрабандачиларнинг кемасига тушиб, дорилар тўлдирилган шиша идишлар (дорилар оддий шарбатдан ўзга нарса эмасди) ва Лейпциг университети тугатганлиги ҳақидаги сохта диплом билан (уни ҳам ўзи тайёрлаган эди) Риоачада пайдо бўлди. Риоачада эса ҳафсаласи пир бўлиб йиғлаб юбораёзди. Сиёсий муҳожирлар портланг арафасида туришибди, деб таърифлаган федералчилар сайлов арафасида ишончларини йўқотишиб, мутлақо совиб қолишганди. Омадсизликдан ғамга чўккан ва қариган чогида яшаш учун ишончли жой қидирган бу сохта шифокор Макондога келиб яширинди. У шаҳар майдони яқинидаги уйда, тор, бўш шиша идишлар қалаштирилиб ташланган хоначада, тузалмас беморлар маблаг иэвазига яшарди: барча дори-дармонларни татиб кўрган бу беморлар эндиликда жўн шарбатдан шифо ахтаришар эди. Дон Аполинар Москоте номигагина ҳукмдор бўлиб турган пайтда, доктор ўз ташвиқотчилик истеъдодини қўллай олмасди. У кўпроқ вақтини эсдаликлар ёзишу астмага қарши курашга сарфларди. Ногера яқинлашиб келаётган сайловга катта умид боғлаган эди. У сиёсат бобида нуноқ бўлган шаҳар ёшлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатди ва яширин равишда қатъий фитначилик компаниясини бошлаб юборди. Сайлов кутичасидаги сон-саноксиз пуштиранг коғозлар дон Аполинар Москоте ўйлаганидек ёшларнинг энгилтакликлари эмас, балки Ногеранинг фаолияти туфайли пайдо бўлган эди (бу юмуш террорчи кўзлаган режанинг бир бўлаги эди), у шогирдлари сайловнинг қанчалик лўттибозлик эканига ишонч ҳосил қилишлари учун уларни овоз беришга мажбур қилган эди. «Бу — жабр-зулмнинг ўзгинаси»,

дерди Ногера уларга. Аурелианонинг аксарият дўстлари консерваторлар тузумини нобуд қилиш истагида эди, ammo Аурелианонинг коррехидор билан қариндошлигидан эмас, балки одамовилигию феъл-атвори ўзгарувчанлигидан қўрқишиб, унга ўз режалари ҳақида гапиришга журъат қилишолмасди. Бундан ташқари, қайнотасининг кўрсатмасига амал қилиб консерваторларга овоз бергани маълум бўлган эди. Шундай қилиб, унинг сиёсий қараши рўй берган бу оддий тасодиф туфайли очилиб қолди. Аурелиано фақат шунчаки кизиқиш юзасидан илк дафъа телба қадам ташлади — докторникига йўқ касалини даволатгани борди. Ўргимчак уяларию камфаранинг ачимсик ҳиди коплаган, чўчкахона каби ифлос бу хонада у қари игунага ўхшаш, нафас олганда ўпкаси гўёки хуштак чаладиган бир қимсани учратди. Доктор индамасдан Аурелианони дераза ёнига олиб бордида, пастки ковоғини кўздан кечира бошлади. «У ерда эмас,— деди Аурелиано дўстлари ўргатгани бўйича. Кейин қўлини жигарига босиб,— ана шу еримда оғриқ хис қиялман, кечаси билан уйку бермайди,— деди. Шунда доктор Ногера хона қизиб кетганини баҳона қилиб, деразани ёпди ва консерваторларни ўлдиришга аҳд қилган ватанпарварларнинг бурчи ҳақида қисқа ваъз айтди. Аурелиано бир неча кун давомида чўнтагида дори солинган идиш олиб юрди. У ҳар икки соатда уч дона ҳапдори олиб, тилининг остига ташларди. Дон Аполинар Москоте унинг доктор найрангларига лаққа учганидан кулар, фитначилар эса Аурелианони ўз одамимиз, деб ҳисоблашарди. Фитнага, гарчанд келажакдаги ишлари нимадан иборат эканини аниқ билишмаседа, Макондога асос солган барча кишиларнинг барча ўғиллари жалб этилган эди. Ammo доктор ўз сирини ошқор этгани заҳоти, Аурелиано улар сафидан чикди. Ўшанда Аурелиано консерваторларнинг нобуд қилиниши зарурлигига қатъий ишонседа, докторнинг режалари қабихлигидан ларзага тушган эди. Алирио Ногера якка террор тарафдори эди. Унинг режаси — келишилган ҳолда бир қатор якка тартибда суиқасд уюштиришни, суиқасд бора-бора умуммиллий тус олишини, охир-оқибатда барча давлат чиновниклари, уларнинг оила аъзолари, асосан эркак зотига мансублари, ер юзасида консерваторларнинг уруғиям қолмаслиги учун — ўлдирилишларини такозо этарди. Табиийки, бу рўйхатга дон Аполинар Москоте, унинг хотини ва олти қизи ҳам киритилган эди.

— Сиз ҳеч қанақа либерал эмассиз,— деди Аурелиано қиёфасини ўзгартирмай. — Сиз шунчаки қонхўр қаззобсиз, холос.

— Ундай бўлса,— жавоб қайтарди доктор вазминлик билан,— дориларни қайтариб бер. Улар энди сенга керак эмас.

Ўшанда докторнинг уни ҳеч қандай қурашга яроқсиз, ланж, қўнгли бўш, бебахт ва ёлғизликка мойил деб ҳисоблагани Аурелианога орадан ярим йил ўтгач маълум бўлди. Фитнани сотиб қўйишдан хавфсираган дўстлари Аурелианони қўрқитишга уринишди. Аурелиано уларни тинчлантириб айтдики, мен ҳеч қимга ҳеч нарса демайман, лекин Москоте оиласини ўлдиришга келсангиз, сизларни остонада қурол билан қарши олишим тайин.

Аурелианонинг қатъияти фитначиларга қаттиқ таъсир қилди ва улар режаларини номаълум муддатга кечиктиришди. Шу воқеалар



содир бўлаётган маҳалда Урула Пьетро Креспи билан Амарантанинг тўйлари хусусида маслаҳатлашгани ўғлининг ёнига келди ва у, она-сига, ҳозир бунинг мавриди эмас, дея жавоб қайтарди. Бир ҳафта-дирки, Аурелиано, кўйнида эски тўппонча яшириб, дўстларини зимдан кузатарди. Тушликдан сўнг, ўз уйларини тартибга келтира бошлаган Хосе Аркадио билан Ребеканикига кофе ичгани борар, кеч соат олтидан кейин эса қайнотаси билан домино ўйнашга ўтирар эди. Эрталаб, нонушта пайти Аркадио билан суҳбатлашарди; Аркадио энди норғул йигитга айланган бўлиб, уруш муқаррарлигидан ҳар сафар ҳаяжонга тушарди. У муаллимлик қиладиган мактабда энди-гина гапиришни ўрганишаётган болалар ҳам, ёши Аркадиодан анча катта сўлокмондай одамлар ҳам бор эди. Аркадиога либерализм васвасаси юкиб улгурган эди. У Падре Никанорни отиб ташлаш, черковни мактабга айлантириш, муҳаббат эркинлигини жорий этиш керак, деб тинмай гапирарди. Аурелиано унинг шахдини қайтаришга уриниб, эсингни йиғ, сал эҳтиёт бўл, деб маслаҳат берди. Аммо Аркадио маслаҳатга кулоқ солмас ва ҳамманинг олдида уни кўнгли бўшлиқда айбларди. Аурелиано эса кутарди. Ниҳоят, декабрнинг бошида Урула устахонага ҳовликиб кириб:

— Уруш бошланди!— дея ҳайқирди.

Уруш уч ой давом этди. Бутун мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Уруш бошланишини Макондода фақат биргина одам — дон Аполинар Москотегина биларди, аммо шаҳарга кўкқисдан бостириб киришга буйруқ олган ҳарбий отряд келмагунга қадар у ҳатто хотинига ҳам оғиз очмади. Хачирларга тиркалган иккита енгил тўп билан қуролланган солдатлар шаҳарга эрта тонгда шовкин-суронсиз келишиб, мактабни казармага айлантиришди. Кечки соат олтидан комендантлик вақти жорий қилинди. Ҳар бир хонадонда олдинги тинтувга нисбатан қаттиқроқ тинтув ўтказилди ва бу гал ҳатто дехқончилик асбобларини ҳам тортиб олишди. Доктор Ногерани уйидан судраб чиқиб, шаҳар майдонидаги дарахтга боғлашиб, суду терговсиз отиб ташлашди. Падре Никанор ҳарбийларга ўзининг илохий муаллаки билан таъсир қилмоқчи бўлган эди, солдатлардан бири унинг бошига кўндок билан туширди. Либераллик шамоли тиниб, агрофни даҳшатли сокинлик қоплади. Оқариб кетган ва одамови бўлиб қолган Аурелиано қайнотаси билан домино ўйнашни давом эттирарди. У гражданлик мансаби устига ҳарбий ҳоким унвони ҳам берилган дон Аполинар Москотенинг яна қуруқ савлатга айланганини тушунди. Барча фармонларни гарнизон бошлиғи бўлмиш капитан берар, у ҳар куни эрталаб жамоат тартиби муҳофазачиларининг эҳтиёжи учун одамлардан солиқ тўпларди холос. Унинг тўрт нафар солдати кутурган ит қопган аёлни оила аъзолари қўлидан юлиб олиб, кўчанинг қоқ ўргасида милтиқ кўндоклари билан уриб ўлдиришди. Шаҳар ишғол қилинганидан икки ҳафта ўтгач, якшанба куни Аурелиано Херинельдо Маркеснинг уйига борди ва эҳтиёткорлик билан қандсиз кофе сўради. Улар ошхонада фақат иккови қолишганида, Аурелиано ўзига хос бўлмаган қатъий буйруқ оҳангда деди: «Йигитларни ҳозирла. Биз урушга борамиз». Херинельдо Маркес ишонмади.

— Қуролимиз йўқ-ку?— сўради у.

— Уларнинг қуролларини тортиб оламиз,— жавоб берди Аурелиано.

Сешанба куни тунда мардонавор операция ўтказилди: пичоқ ва темир-терсак билан қуролланган, ёши ўттизга ҳам етмаган Аурелиано Буэндиа бошчилигида қўққисдан гарнизонни ишғол қилиб, солдатларнинг милтиқларини қўлга киритди ва майдонда капитан билан биргаликда ит қопган аёлни ўлдирган ўша тўрт солдатни отиб ташлади.

Ўша кечаси, ҳали майдондан тўп овози эшитилиб турган бир пайтда, Аркадио Макондо қўрғонининг ҳам граждани, ҳам ҳарбий ҳукмдори этиб тайинланди. Қўзғолончиларнинг уйланганлари хотинлари билан зўрға хайрлашди. Одамларни террордан халос қилганлари учун чексиз ташаккурга сазовор бўлган Аурелиано отрядининг аъзолари, охириги ахборотларга қараганда, Манаурега силжиган генерал Викторио Медина бошлиқ инқилоб лашкарларига қўшилиш учун сахар пайти Макондодан чиқиб кетди. Йўлга тушишдан олдин Аурелиано дон Аполинар Москотени жавон ичидан чиқариб олди. «Ташвишланманг, ота,— деди у.— Янги ҳокимият сизнинг ва оилангизнинг дахлсизлигига кафиллик беради». Дон Аполинар Москоте узун этикли, елкасига милтиқ осиб олган қўзғолончи ўзининг куёви, ҳар куни кеч соат тўққизгача бирга домини ўйнайдиган одам эканини зўрға таниди.

— Аурелиано, бу бемаънилик-ку!— кичкирди у.

— Йўқ, бемаънилик эмас,— деди Аурелиано.— Бу — уруш. Энди мени ҳеч қачон Аурелиано деб атаманг, энди мен полковник Аурелиано Буэндиаман.

Полковник Аурелиано Буэндиа ўттиз икки марта қуролли қўзғолон кўтарди ва ўттиз икки гал ҳам мағлуб бўлди. У ўн етти аёлдан ўн етти нафар ўғил кўрди, кенжа ўғли энди ўттиз беш ёшга қираётганда, ҳамма фарзандларини бирин-кетин, бир кечанинг ўзида ўлдиришди. Ота эса ўн тўрт суикасдан, етмиш уч пистирмаю қатлдан ҳамда кофега аралаштирилган, нақ бир отни бемалол ўлдирадиган захардан омон қолди. У республика президенти тақдим этган Ҳурмат орденидан воз кечди. Барча революцион қўшинларнинг бош қўмондони бўлди ва мамлакатнинг у сарҳаддан-бу сарҳадга қадар ястаниб ётган бепоён ерларига ҳарбий ҳукмдор ва судья этиб тайинланди. Ҳукумат ҳам чўчийдиган бу одам ўзининг фотосуратини олдиришга ҳеч руҳсат бермасди. У урушдан сўнг, то умрининг охиригача тайинланган нафакани рад этиб, кексайганида Макондодаги устахонасида балиқчалар ясаб, ўшалардан тушган маблағ эвазига кун кечирди. У ҳамиша жангларда биринчи сафларда қатнашган бўлса-да, фақат бир мартагина, қарийб йигирма йил давом этган граждандар урушига чек қўйган Неерланд таслим бўлишига имзо чекилганидан сўнг, ярадор бўлди, аниқроғи, ўзини ўзи яралади. У қўлидаги тўппончасидан қўқрағига ўқ узди ва ўқ юрагига шикаст етказмай, орқасидан тешиб чиқди. Макондода номига қўйилган кўчагина унинг мислсиз жасоратларидан нишона сифатида қолди. Аммо у йигирма бир нафар одамдан иборат отрядни ҳеч нимани кўзламай, генерал Викторио Медина қўшинларига қўшилиш учун ўша декабрь тонгида Макондони тарк этганини ўлими олдидан тан олди.

— Биз шаҳарни сенга қолдириямиз,— деган эди ўшанда у Арка-



диога.— Бус-бутун қолдириб кетяпмиз, биз қайтганимиздан кейин Макондо бундан ҳам ободроқ бўлмоғи даркор.

Аркадио унинг кўрсатмасини бутунлай бошқача тушунди. У Мелькиадес китобларидаги рангли расмлардан руҳланиб, маршаллик галунлари тикилган ва эполетлар тақилган антиқа ҳарбий кийим тиктирди, отиб ўлдирилган капитаннинг попукли қиличини камарига тақиб олди. Кейин иккала түпни ҳам шаҳарга қираверишдаги жойга ўрнатди, оташин хитобларидан руҳланган шогирдларига ҳарбий форма кийдириб, четдан қараган одамларга Макондо ишғол қилиб бўлмайдиган шаҳардек туюлиши учун қуроллантириб, шаҳар кўчалари бўйлаб кезиб юришни буюрди. Ушбу маккорликнинг оқибати ҳам яхши, ҳам ёмон бўлди: ҳақиқатан ҳам ҳукумат бир йил давомида Макондо кўрғонини босиб олиш учун буйруқ беришга жазм этолмай юрди. аммо ниҳоят бу ишга киришилгач, шаҳарга шунчалик кўп қўшин юборишдики, ҳимоячиларнинг қаршилиги ярим соат ичида синдирилди. Аркадио ҳукмдорликнинг дастлабки кунлариёқ ўзининг қарор чиқаришга мойиллигини ошкор қилди. У дафъатан миясига келиб қолган тасодифий нарсалар хусусида қарорлар қабул қилар, баъзан бир кунда тўртта декрет чиқарган пайтлари ҳам бўлган эди. У ўн саккиз ёшлилар учун мажбурий ҳарбий хизмат жорий этди: кеч соат олтидан сўнг кўчада қолган уй ҳайвонларининг умумий мулкка айланиб қолишини эълон қилди, катта ёшдаги эркакларни енгларига қизил латта боғлаб юришга мажбурлади. Падре Никанорни хонаки банди қилиб қўйди: «Агар уйдан чиқсанг, отиласан», деди унга. Падрега фақат либераллар ғалабасини байрам қилганларидагина ваъз айтиш ва кўнгирак чалишга рўхсат этилди. Аркадио, одамлар билан ҳазиллашмаётганлигини кўрсатиш учун, солдатлар бўлинимасига шаҳар майдонида кўғирчоқларни отиб машк қилишни буюрди. Олдинига буни ҳеч ким жиддий қабул қилмади. Ахир, Аркадио ҳам, унинг солдатлари ҳам бор-йўғи катталарнинг ўйинларини ўйнашаётган ёш болалар, мактаб ўқувчилари эди-да. Бир куни кечкурун Аркадио Катаринонинг ишратхонасига кирганида сурнайчи янги бошлиқни тантанали марш билан қарши олиб одамларни кулдирган эди. Аркадио ҳокимият эгаларини беҳурмат қилгани учун сурнайчини отишга маҳкум этди. Бунга норозилик билдиришга жазм этганларни эса синф хоналаридан бирига қамаб, уларга фақат нону сув берилишини тайинлади. «Сен қотилсан!— дея бакирарди унга ҳар сафар Урсула, неварасининг ўзбошимчаллигини эшитиб.— Мабодо Аурелиано эшитиб қолса, сени албатта отиб ташлайди ва бундан биринчи бўлиб мен хурсанд бўламан». Аммо, бу гапларнинг бари беҳуда эди. Аркадио ўзининг мазмунсиз ёвузлигини тобора кучайтирарди. Ниҳоят, у Макондо кўрган энг ёвуз ҳукмдорга айланиб қолди. «Ҳайриятки, одамлар оқу қорани фарқлаяпти, — деди бир куни дон Аполинар Москоте.— Мана, сизга либераллар ваъда қилишган жаннат». Бу сўзларни Аркадиога етказишди. У солдатлар патрули билан дон Аполинар Москотенинги ўйини ишғол қилиб, мебелларининг кулини кўкка совурди, қизларини беомон савалади, собик коррехидорни эса кўча бўйлаб судратиб, казармага олиб келтирди. Бундан хабар топган Урсула уятдан кизариб, қўлидаги мумланган ўрма камчисини ғазаб билан

силтаганча, шаҳар кўчалари бўйлаб югура кетди; у казарма ҳовлисига бостириб кирганида, бўлинма солдатлари дон Аполинар Москотени отиш учун саф тортишган ва Аркадио «Отинглар» деб буйрук беришга шайланаётган эди.

— Қани, отиб кўр-чи, пасткаш!— деб кичкирди Урсула.

Довдираб, ўзини ўнглаб олишга ҳам улгурмаган Аркадиони Урсула ҳўкиз пайларидан ўрилган огир қамчи билан савалай кетди. «Отиб кўр-чи, котил!— деб кичкирарди у.— Унга қўшиб мени ҳам от, ман-жалақининг боласи. Ушанда мени сендай махлукни ўстирганим учун уятдан йиғлашимдан халос этган бўласан!» У Аркадиони раҳм-шафқатсиз, то у ҳовлининг узок бурчагига бориб, шилликқуртдай бурканиб олғунига қадар савалади. Илгари ўқлар илма-тешик қилиб юборган кўғирчоқ осиеғлик турган ёғочга боғлаб қўйилган дон Аполинар Москоте ҳушсиз эди. Бўлинма солдатлари, Урсула қолган газабини бизга сочди, деб кўрққанларидан қочиб кетишган эди. Аммо Урсула улар томонга киё ҳам боқмади. Оғрик азобидан додлаётган Аркадиони тинч қўйиб, дон Аполинар Москотени ечди ва уйга олиб кетди. Казармадан чиқишидан олдин, бу ерда ҳибсда сақланаётганларни озодликка чиқарди.

Шундан сўнг шаҳарни Урсула бошқарадиган бўлди. У якшанба ибодатини қайта тиклади, қизил латта боғлаб юришга чек қўйди ва Аркадионинг барча ноўрин қарорларини бекор қилди. Аммо шунчалик матонатига қарамай, Урсула холи қолган пайтларида ўз толедан йиғларди. У ўзини шу қадар ёлғиз ҳис қилардики, охири каштан остида эсдан чиқаётган эрининг суҳбатидан таскин излай бошлади. «Қара, қанча кулфатлар тушди бошимизга,— деди у эрига пальма шох-шаббаларидан қилинган пешайвонни оқизиб кетишга ҳаракат қилаётган ёз ёмғирининг шовқини остида.— Уйимиз ҳувиллаб қолди, ўғилларимиз тарқалиб кетишди. Яна иккимиз қолдик.» Аммо телбалик бағрига гарқ бўлган Хосе Аркадио Буэндиа унинг гапларини эшитмасди. У ўзининг скамейкасида ўтирар, Урсула эса, эрини ювинтираркан, оила янгилıklarини сўзлаб берарди. «Аурелианонинг урушга кетганига мана тўрт ой бўлди, биз ханузгача унинг тақдирдан беҳабармиз,— дерди у, эрининг орқасини совунли латта билан арта туриб.— Хосе Аркадио эса қайтиб келди, гавдаси сеникидан ҳам норғул, бутун бадани чорчўп тасвирига тўлиб-тошган, лекин у хонадонимизга нуқул шармандалик келтираётир». Нохуш хабарлар эрига озор бера бошлаганини ҳис қилиб, энди уни алдашга тушарди. «Эҳ, шунча вайсабман-а, сен менга ишонма,— дерди у эрининг најосати устига кул сеппиб, сўнг уни белкуракка йиғаркан.— Хосе Аркадионинг Ребекага уйланиши худонинг ёзиги экан, энди улар жуда бахтли яшашяпти». Урсула ҳақиқат ёрдамида ёлғон гапиришга шу қадар ўрганиб қолдики, охири ёлғонларидан ўзи ҳам таскин топа бошлади. «Аркадио жиддий ва ниҳоятда жасур йигит бўлиб етишган,— дерди у.— Ҳарбий кийиму қилич унга қанчалар ярашганини кўрсанг эди». Бу ҳол ўлик билан гаплашишга ўхшаб кетар, нега энди Хосе Аркадио Буэндиани бирор нарса на хурсанд, на хафа қила оларди. Аммо Урсула эри билан суҳбатлашишни қанда қилмасди. Эри беозор ва лоқайд эканини кўргач, Урсула уни арқонлардан халос қилди. Арқонлар ечилган оулса-да,



Хосе Аркадио Буэндиа ҳатто жойидан ҳам силжимади. Гўёки арконларнинг ҳеч бир аҳамияти йўқдек, гўёки уни каштан дарахти танасига арконлар ва умуман кўзга кўринадиган воситалар — занжиру кишанлар эмас, балки улардан юз чандон бақувват бир куч боғлаб ташлагандек қуёш ва ёмғир остида ҳам скамейкада ўтиришарди. Августда, бу йил киш одатдагига қараганда чўзилиб кетиши ҳаммага аён бўлганида, Урсула ниҳоят, эрига ўзи маъқул топган нарсани маълум қилди:

— Бахт биз билан қадам-бақадам юрибди,— деди у.— Яқинда Амаранта билан пианола тузатган ўша италияликнинг тўйини кўрамиз.

Урсула Пьетро Креспи билан Амарантанинг суҳбатларини илгаригидек кузатишни кераксиз деб билгач, уларнинг дўстона алоқалари хийла илгарилаб кетди. Келин-куёвлик қоронғилик пардаси ила чулғанди. Пьетро Креспи ҳар куни кечкурун Амаранта учун Петрарканинг сонетларини таржима қиларди. Улар атиргуллар ҳиди уфуриб турган галереяда то чивинлар оромларини бузмагунларича ўтиришар, сўнг меҳмонхонага ўтишарди. Йигит шеър ўқир, қиз эса чеварлик қилар, иккиси ҳам уруш воқеаларига лоқайд эди. Амарантанинг сезгирлиги, унинг вазмин нафосати йигитни ўргимчак иплари каби ўраб ташлади ва ҳар сафар соат саккизда уйига кетишидан олдин куёв ана шу кўринмас ипларни узиб ташларди гўё. Пьетро Креспи ватанидан юборилган откриткалардан Амаранта иккови ажойиб альбом тайёрлашди. Бу откриткаларнинг ҳар бирида дарахтзорларнинг хилват бурчагида ўтиришган маҳбублар, камон ўқи билан яраланган юрак ёки икки кабутар икки учини тумшугида тутиб турган тилларанг тасмалар тасвири туширилганди. «Бу — Флоренциядаги боғ,— дерди Пьетро Креспи откриткаларни кўздан кечираркан.— Қўлингни чўзсанг бас, кабутарлар кафтингга кўниб, нон ушоқларини ея бошлашади». Баъзан Венеция шаҳри кўринишлари тасвирланган сувбўёкли расмларни кўришганида, ватан соғинчи унинг хотирасида каналлардан таралувчи ботқоқ денгизнинг чирик чиганоклари хидию гулларнинг энгил бўйини уйғотарди. Амаранта гоҳо хўрсиниб, гоҳо кулиб, гўзал эркагу аёллари болалар тилида сўзлашувчи бу мамлакат, шу кунларда харобазорга айланган қадимий шаҳарлар ҳақида орзу қиларди. Ниҳоят, Пьетро Креспи излаганини топган эди. Муҳаббат дардида океанни кесиб ўтгач, Ребека билан шошилинч, жўшқин тарзда ўпишган пайтидаги ҳавас билан адаштириб юборганидан сўнг ниҳоят ҳақиқий муҳаббатини топган эди. Бахт унга омад келтирди. Энди Пьетро Креспининг дўкони деярли бутун квартални эгаллар ва гўё хаёлий бир маконга айланган — бу ерда вақтни соат бонглари орқали билдириб турадиган Флоренция кўнгирикхонасининг аниқ нуسخасини, Соррентодан келтирилган музикали кутичани, қопқоғи очилиши биланок беш нотадаги куйдан парчалар ижро этиладиган хитой упадони ва, умуман, барча музика созларини, одамзод томонидан ўйлаб чиқарилган, бураб ҳаракатга келтирилувчи барча ўйинчоқларни учратиш мумкин эди. Музика мактабида дарс беришга лаёқатсиз бўлган Бруно Креспи — Пьетронинг укаси дўконга мутасадди эди. Унинг елиб-югуришлари туфайли Турклар кучаси ўзининг турли-туман, кўзни камаштирувчи ўйинчоқлар

кўргазмаси билан сеҳрли қуриқхонага ўхшаб қолди, бу ерда одамлар Аркадионинг жабр-зулмларини, йироқ-йироқлардаги уруш таҳликасини батамом унутишарди. Урсуланинг кўрсатмасига биноан, якшанба ибодати қайта тикланганида, Пьетро Креспи ибодатхонага немис фишгармониясини ҳада этди, у ерда болалар хори ташкил қилиб, унинг қатнашчилари билан биргаликда грегориан репертуарини машқ қила бошлади. Бу нарса Падре Никанорнинг камтарин хизматиға аллақандай шуқуҳ бағишлади. Амаранта яқин кунлар ичида италияликнинг бахтиёр рафиқаси бўлишиға ҳамма ишонарди. Ўз ҳисларини ортиқча камчиламай, уларни нафис, табиий оқим ихтиёриға ҳавола қилган келин-куёв, охир-оқибатда тўй муддатини аниқлаш чегараси қадар келишди. Ҳеч ким уларға монъелик қилмоқчи эмасди. Илгари, тўйни ортга сураверганидан Ребекани бахти қаро қилиб қўйгани учун ич-ичидан ўзини гуноҳкор ҳис қилаётган Урсула, виждон кийноғини яна орттиришни истамасди. Уруш жафолари, Аурелианонинг йўқлиги, Аркадионинг зулми, Хосе Аркадио билан Ребеканинг қувғин қилиниши туфайли Ремедиосға очилган аза ҳам унут бўлди. Тўйлари бўлишға астойдил ишонган Пьетро Креспи бир куни Аурелиано Хосени ўзининг тўнғич ўғли деб ҳисоблашға мойиллигини сездирди. Ҳамма, Амаранта бахтнинг осуда кўрфазига тобора яқин қолди, деб уйларди. Аммо Ребекадан фарқли ўлароқ, у ҳаяжонини мутлоқ сездирмасди. Дастурхонға гул тиккан пайтидагидек хотиржамлик билан заржияк тўқир, матоға тустовуқлар тасвирини туширарди. Амаранта Пьетро Креспи инон-ихтиёрини тамом бахш этадиган пайтни кутар эди. Охири, кутавериб, октябрнинг шиддатли ёмғирлари маҳали сабр косаси тўлди шекилли, бирдан ўзгарди.

Пьетро Креспи ўзини батамом йўқотиб қўйди. У ҳеч бир уялмай-нетмай фиғон чекканида ҳам, умидсизликка тушганидан бармоқларини синдириб юборишға сал қолганида ҳам, Амарантанинг қарорини ўзгартира олмади. «Вақтингни беҳуда ўтказма,— деди унга Амаранта.— Агар мени ҳақиқатан ҳам севадиган бўлсанг, уйимизнинг бўсағасига бошқа қадам босмагин». Урсула уятдан ер қаъриға кириб кетишға тайёр эди. Пьетро Креспи ялинишнинг барча усулларини қўллаб кўрди. У ўзини тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада камситишгача бориб етди,— жонини қурбон қилиб бўлса-да, йигитға тасалли беришға тайёр турган Урсуланинг этагини тутиб, бутун оқшом бўйи йиғлади. Креспининг ёмғирли кечаларда шоҳи соябон тутиб, Амарантанинг деразасида чироқ бор-йўқлигини кузатиб, уйни тентираб айланиб юрганини кўп кўришарди. Пьетро Креспи ҳеч қачон ана шу кунлардагидек бежирим кийинмасди. Унинг беҳад азоб-уқубат тортган, императорникиға ўхшаган боши фавқулодда ажойиб салобат касб этганди. У Амарантанинг галереяда чеварлик қилишға келадиган дугоналаридан қизнинг қарорини ўзгартиришға таъсир кўрсатишларини илтижо қилиб, уларни жон-ҳолиға қўймасди. У ҳамма ишларини ўз ҳолиға ташлаб қўйди. Креспи уззукун вақтини мағзининг орқа хонасида ўтказар, телбанома мактублар битиб, орасиға гул баргларию қуритилган капалакларни жойлаб Амарантаға йўллар, хатлар эса очилмасдан, яна ўзига қайтиб келарди. У уйға қамалиб олиб, соатлаб цитрада куй чаларди. Бир куни кечаси қўшиқ айта



бошлаганида Макондо аҳли уйқудан уйғониб цитранинг сеҳрли куйидан ва ер юзида мавжуд энг кучли муҳаббатга йўғрилган ҳазин овоздан гоят тааж жубга тушишди. Ана ўшанда Пьетро Крести Амарантанинг деразасидан бўлак барча деразаларда чирок ёнганини кўрди. Иккинчи ноябрда — мархумларни хотирлаш кунида магазин эшигини очиб ичкарига кирган укаси барча чироклар ёқилганини, барча музикали кутичалар очилиб, куй ижро этаётганини, барча соатлар тўхтамай занг ураётганини ва ана шу тутуриқсиз музика садолари остида ётган акаси Пьетро Крестини кўрди: унинг билакларидаги кўк томирлари кесилган, иккала қўли эса бўхўр<sup>1</sup> тўлдирилган тоғорага туширилганди.

Урсула унинг жасади солинган тобутни уиларига қуишни буюрди. Рухоний Никанор диний маросимни ўтказишга ва ўз-ўзига суиқасд қилган одамнинг жасадини муқаддас туپроққа қуйишга қарши чиқди. Урсула у билан баҳслаша бошлади. «Менимча, у шаҳид ҳисобланади,— деди у.— Бу воқеа қай сабабдан содир бўлганини на мену на сиз тушуна оламиз. Иродангизга қарши борсам-да, уни Мелькиадеснинг ёнига дафн этаман». У дабдабали дафн маросимида бутун эл фикрини бир овоздан қўллаб-қувватлаганидан сўнг аҳдини бажарди. Дафн куни Амаранта ётоғидан чиқмади. У каравотида ётаркан, Урсуланинг ноласини, уйда тўпланган одамларнинг қадам сасларини, уларнинг наст товушларини, гуяндаларнинг марсия айтиб йиғлашларини эшитди. Хонага топталган гулларнинг хиди анкиб турган чуқур сукунат чўқди. Амаранта узоқ муддат ҳар окшом лаванда<sup>2</sup>нинг хидини туярди, аммо у ўзини телбаликка асир бўлишдан ҳалос қилишга етарли куч топди. Урсула уни буткул ташлаб қўйди. Ҳатто бир куни кечқурун Амаранта ошхонага чиқиб, қўлини ўчоқнинг лахча чўғига тутиб, то куйган этининг бадбўй хиди келгунга қадар қимир этмай, оғриққа чидаб турганидаям унга раҳми келмади, ҳатто бошини кўтариб ҳам қарамди. Бу — виждон азобини босиш учун ишлатилган кучли таъсир воситаси эди. Амаранта бир неча кун давомида қўлини тухум сариғи солинган косага солиб юрди, кейин куйган жойлари битиб кетди ва яра ўрни чандиқ бўлиб қолди. Тухум сариғи баайни унинг юрагидаги жароҳатларига ҳам малҳам бўлди. Бошидан кечирган фожеани биргина қора газмолдан қилинган латта эслатиб турарди. Амаранта бу қора тасмани куйган қўлига ўла-ўлгунча тақиб юрди.

Аркадио кутилмаганда муруват кўрсатди — Пьетро Крестининг ўлими муносабати билан расмий мотам тутишга фармон берди. Урсула буни худди адашиб қолган қўйнинг сурувга қайтганидек баҳолади. Аммо у янглишган эди. Ҳали ҳарбий либос киймасдан илгаридек Аркадио унинг учун йўқотилган эди. У Аркадиони ўз фарзандидай худди Ребекани тарбиялагандек, доим эъзозлаб, ҳеч нарсага зориктирмасдан тарбияладим, деб ҳисобларди. Аммо Аркадио одамови, кўрқоқ бўлиб ўсди. Ахир, унинг болалиги уйқусизлик касали кенг

<sup>1</sup> Б ў х ў р — Осиё жанубидаги дарахтлар пўстлогидан олинадиган хушбўй катрон.

<sup>2</sup> Л а в а н д а — ҳаворанг ёки бинафшаранг усимлик.

таркалган, Урсула курилиш ишларига муккасидан кетган, Хосе Аркадио телба бўлиб қолган, Аурелиано узлатга чекинган, Амаранта билан Ребека бир-бирига беомон ракиб бўлиб юрган бир пайтга тўғри келган эди-да. Аурелиано унинг хат-саводини чиқарди. У Аркадиога ўз кийимларини батамом ўзига яроксиз бўлиб қолгандан кейингина ҳади қиларди. Виситасъон эса Аркадиога мослаб кичрайтириб, қайта тикарди. Аркадио бесўнакай пойабзалидан, шимидаги ямоқлардан, ўзининг заифона думбасидан хижолат чекарди. У купинча Виситасъон ва Катауре билан уларнинг тилида сўзлашарди. Фақат биргина Мелькиадес унга ҳақиқий ғамхўрлик кўрсатар. Аркадиога ўзининг одам тушуниш қийин бўлган ёзувларини ўкиб берар, унга дагерротипия санъатини ўргатарди. Йигитча лулининг ўлими туфайли юм-юм йиғлаганини, чолнинг ёзувларини беҳуда тадқиқ қилиб, ҳаммадан дардаламини яширган ҳолда, таваккалига марҳумни тирилтириш йўлини қидирганини ҳеч ким пайқамаганди. Ҳамма ҳурмат қиладиган ўзи ишлайдиган мактаб, кейинчалик шафқатсиз қонунлар чиқаришга йўл очган ҳокимият ҳамда кўркам ҳарбий либос Аркадиони бир оз чалғитиб, юракни сиқадиган ғам-андухдан қутқарганди. Бир куни кечкурун Катарина ишратхонасида аллаким унга: «Сен ўз фамилиянгга муносиб эмассан», дейишга жазм қилди. Гарчанд ҳамма, Аркадио уни қатл қилади, деб ўйласа-да, негадир у ҳалиги мард одамни отиб ташлашга ҳукм этмади.

— Бахтим шуки, мен Буэндиа эмасман,— деди у.

Унинг асрандилиги сирини билганлар Аркадиога ҳамма гап маълум экан-да, деб ўйлашди, аммо аслида у ота-онасининг кимлигини бир умр билмай ўтди. У ўз онаси — Пилар Тернерага худди Хосе Аркадио ёки Аурелиано каби тийиксиз бир майл сезарди; Тернера Аркадио дагерротипия билан машғул бўлган қоронғи хонага кирганида йигитнинг томирларидаги қон жўш уриб кетарди. Пилар Тернера аввалги жозибасиё жарангдор кулгусини йўқотган эса-да, ундан тараладиган ачимсиқ дуд хиди Аркадиога ёкарди. Қуналарнинг бирида, уруш бошланмасдан сал олдин Пилар Тернера кенжа ўглини мактабдан олиб кетгани одатдаги вақтдан хийла кечроқ келди. Аркадио уни ўзи пешинда дам оладиган, кейинчалик кишанларни ва сўнгра қолипларни сақлашни буюрган хонада кутиб турди. Бола ҳовлида ўйнаб юрарди. Аркадио, Пилар Тернера, албатта, ана шу хонадан ўтишини биларди. У тўр беланчакда сабрсизликдан титраб кута бошлади. Аёл келди, Аркадио унинг қўлларидан тутиб, гамаги сари судрай бошлади. «Бўлмайди, бўлмайди,— дерди Пилар Тернера даҳшатга тушиб.— Сенга мудом ҳузур бағишлашни ўйлашимни билмайсан ҳам, аммо худо шоҳид — бунинг иложи йўқ». Йигит Буэндиадан мерос қолмиш кучи билан уни белидан кучиб даст кўтарди, бадани баданига теккач, кўз олди қоронғилашиб кетди. «Ўзингни фаришта қилиб кўрсатма,— деди Аркадио,— бузуклигингни ҳамма биледи». Пилар ўзининг бахтсиз қисматига нисбатан нафратини зўрға босди.

— Болалар кўриб қолишади,— шивирлади у.— Яхшиси, бугун тунда эшикни очик қолдир.

Кечаси Аркадио тишлари такиллаганча талвасага тушиб, уни гамакда кутди. У кўзини юммас, чигирткаларнинг чириллашини, укки-



нинг доимо бир вақтда, худди олдиндан тузилган жадвалга риоя қилганча кичкириғини тингларкан, вақт ўтган сайин уни алдашганига ишонч ҳосил қиларди. Унинг ҳаяжони меъёрдан оша бошлаган пайтда, туйқусдан эшик очилди. Орадан бир неча ойлар ўтиб, девор ёнида ўзига ўқ узишларини кутиб турган Аркадио ана шу онни яна бир бор тасаввуридан ўтказди; олдин қоронғида қўшни хонада адашиб қолган аллакимнинг охиста қадам товушлари, кимдир урилиб кетган ўриндикнинг шовқини эшитилди, кейин зулмат куюклашиб, одам гавдаси шаклини олди. Атроф юрак зарбидан ларзага келарди. Йигит қўлини узатиб, бармоғига иккита узук тақилган қўлга дуч келди: у ўша қўлни нақ ўз вақтида — уни қоронғилик ўз қаърига юта бошлаганида учратганди. У шох томирларнинг тармоқ отганини, томирларнинг кўркувдан титрашини, ҳаёт чизиқлари бошмалдоғига туташган жойда шум ажалнинг чизиғи билан бўлинган нимхуш кафтни сезди. Шунда бу аёл ўзи кутаётган аёл эмас, балки бошқа эканини тушунди — ундан ачимсиқ дуд эмас, гулдан тайёрланган бриолин ҳиди келар, ёнғокдек қаттиқ, ясси кўкракларининг учлари эса эркакларникига ўхшаб кетар, питир-питир нозли адолари тажрибасизлигидан дарак берарди. У ҳали бокира бўлиб, исми ҳам ажабтовур — Санта София де ла Пьедад эди. Пилар Тернера айни иши учун қизга ўзи йиққан бисотининг тенг ярмини — нақ эллик песо тўлаганди. Аркадио бу қизнинг озик-овқат сотиладиган дўкончада ота-онасига ёрдамлашиб юрганини бир неча бор кўрса-да, ҳеч эътибор бермаган, чунки қизча то унга эҳтиёж сезишмагунларича ўзини сездирмасликдек камёб фазилатга эга эди. Аммо шу тундан бошлаб, у Аркадионинг иссиқкина кифтида ювош мушукдек гужанак бўлиб ётди-қолди. Пилар Тернера бисотининг қолган қисмини ҳам олгач, ота-онасининг руҳсати билан мактабга пешинги ҳордик маҳаллари келадиган бўлди. Кейинроқ, ҳукумат жангчилари Аркадио билан Санта София де ла Пьедадни мактабдан кўчишга мажбур қилишди, энди улар дўконнинг орка хонасидаги сариеғ солинган қутилар ва маккажўхори қоплари панасида ялаб-юлқашарди. Орадан сал вақт ўтиб, Аркадио кутилмаганда Макондога ҳукмдор бўлиб олган пайтда аёл киз туғди.

Бу ҳақда қариндошларидан фақат Хосе Аркадио билан Ребека биларди. Аркадио улар билан анча қалин эди. Хосе Аркадионинг бўйнига турмушнинг оғир хуржуни осилган эди. Ребека ўз матонати, еб тўймаслиги, борингки, иззатталаблиги билан саркаш феълли эрини шу қадар жиловлаб олгандики, Хосе Аркадио танбал, хотинбоз бир одамдан катта ва кучли ишчи ҳайвонига айланган эди. Уларнинг уйлари ҳамиша озода ва саришта бўларди. Эрталаб Ребека барча деразаларни ланг очар, қабристондан эсаётган шамол хонага кириб, девору мебелларда юпка чанг катламини қолдириб, эшик орқали ҳовлига чиқиб кетарди. Кесак ейиш, майли, қопдаги ота-онаси суякларининг қарсиллаши, қизикқонлиги Пьетро Креспининг бўшанг нозлари — буларнинг ҳаммаси хотира тубида чўкиб ётарди. Ребека дераза олдида ўтирганича, уруш ваҳималарига эътибор ҳам бермай, кунбўйи чеварлик қиларди, токчалардаги кўзачалар титрай бошлаганда қўшоғиз милтиқ тутган, темир нағалли этик кийган баҳайбат Хосе Аркадио лойга беланган овчи итлар билан уйга келаётганини билиб, овқат иситиш учун ўрнидан турарди. Эрининг елкасида гоҳида кийик бўлар, аммо

кўпинча куён ёки ёввойи ўрдаклар отиб келарди. Эндигина шаҳарга бошлиқ этиб тайинланган Аркадио бир куни кечкурун дафъатан Ребека билан эрини йўқлаб келди. Гарчи улар уйдан чикиб кетганларидан бери бирор марта ҳам келиб кўрмаган бўлса-да, ўзини шунчалар яқин, дўстона тутдики, эр-хотин уни ковордоқдан тотиб кўришга таклиф этишди.

Қаҳва ичилаётган пайтда Аркадио бу ерга келишининг асл сабабини айтди: унга Хосе Аркадионинг устидан маълумот тушган экан. Маълумотга қараганда, Хосе Аркадио ҳовлисидаги ерларни ҳайдаб бўлиб, қўшнилариининг ҳам даласига ўтган ва ҳўкизлари ёрдамида тўсиқни йикитиб, иморатларни вайронага айлантириб, атрофдаги барча яхши ерларни ўзиники қилиб олган экан. Ерлари яроксиз баъзи деҳқонларга тегмабди, аммо уларга солиқ солиб, боқиманда ундириш ниятида ҳар шанба итлар галасини етаклаб елкасига қўшотарини осиб келаркан. Хосе Аркадио қилмишларидан тонмади — эгаллаб олган ерларининг Макондога асос солинганида Хосе Аркадио Буэндиа томонидан тақсимланганини рўқач қилди. У, аслида, Буэндиалар оиласига қарашли бўлган бу томорқаларнинг бегоналар кўлига топширгани учун отасининг ўшанда ҳам телба эканини исботлашга уринди. Бу изоҳларнинг асли кераги йўқ, негаки, Аркадио адолат ўрнатиш учун келмаган эди. У кўнмади ва томорқаларни рўйхатдан ўтказувчи бюро тузмокни таклиф қилди: агар Хосе Аркадио ўз ўрнига унга солиқ тўплаб туришини бўйнига олса, ҳозирга қадар эгаллаб олган амлоки тортиб олинмас экан. Орадан йиллар ўтиб, полковник Аурелиано Буэндиа ер тақсимлаш тартибини қайта кўриб чиққанида, барча томорқалар — қабристондан тортиб, умуман Хосе Аркадио ҳовлисидаги тепаликдан кўриниб турган ерларнинг ҳаммаси акасига қарашли эканини ва Аркадио ўзининг ўн бир ойлик ҳукмдорлиги мобайнида нафақат солиқлардан тушган пулларнигина эмас, Хосе Аркадиога қарашли қабристон майдонига ўлик кўмиш учун тўланган пулларни ҳам ҳамёнига урганини аниқлади.

Ҳамма аллақачонок вокиф бўлган, лекин аламига алам қўшилмасин, деб Урсулдан яширилган бу сир, бечора онага бир неча ойдан сўнг барибир аён бўлди. Аввал ҳам унда андак шубҳа тугилганди. «Аркадио ўзига уй қуряпти,— деди у сохта мағрурлик билан эрига, қошиқдаги ошқовоқ қиёмини унга ичкизаркан. Аммо хўрсинишдан ўзини тиёлмади:— Сабабини билмайману, лекин кўнглим бежо». Кейин, Аркадионинг нафақат уй қурдиргани, балки ўзи учун Вена мебеллари буюрганини эшитгач, у Аркадионинг давлат мулкани талон-торож қилаётганига шубҳа қилмай қўйди. Бир куни якшанба ибодатидан қайтаётганида, у Аркадионинг янги уйда янги офицерлар билан қарта ўйнаётганини кўриб қолди. «Сен оиламизни иснодга қолдирыпсан!» кичкирди Урсула, бироқ Аркадио эътибор бермади. Ана ўшандагина Урсула Аркадионинг олти ойлик кизчаси борлигини ва ўғли билан никоҳсиз яшаётган Санта София де ла Пьедад яна оғироёқлигини билди. Урсула олдинига қаерда бўлишидан қатъи назар, полковник Аурелиано Буэндиага хат ёзиб, юз берган барча қинғирликлардан уни хабардор қилиб туришга сўз берди, аммо кейинги кунларда авж олган воқеаларни кўриб ниятидан қайтди,



хаттоки шундай қарорга келганидан пушаймон еди. Шу дамгача макондоликларга миш-миш бўлиб туюлган «уруш» сўзи ниҳоят фожиавий ҳақиқатга айланди. Февраль ойининг охирида шаҳар қопқасида орқасига супурги ортилган эшак минган, энгил-боши чанг-тўзон бир кампир пайдо бўлди. Кўриниши беозор бўлгани учун ҳам соқчилар уни осонгина ўтказиб юборишди, улар бу кампирни водийдан келган одатдаги сотувчи деб ўйлашганди. Кампир тўппа-тўғри казармага йўл олди. Аркадио уни қурол-аслаҳалар сақланувчи омборида қаршилади: ҳар жой-ҳар жойда ҳалқаларга осиб ташланган ёки ўралган гамаклар кўзга ташланар, кунжакларда тўп-тўп бўйралар уюб ташланган, милтиқлар, карабинлар, ҳатто ов милтиқлари шундоқ ерда тартибсиз ётарди. Кампир ҳарбийчасига қаддини ростлаб честь бераркан, ўзини таништирди:

— Полковник Грегорио Стивенсон.

У ноҳуш хабарлар келтирган эди. Айтишича, либералларнинг сўнги истехкоми янчиб ташланибди. Риоача атрофидаги жангларда чекинишга мажбур бўлган полковник Аурелиано Буэндиа уни махсус топшириқ билан Аркадионинг олдига юборибди. Одамларнинг ҳаёти ва либераллар мулкини сақлаб қолишга ростакамига киришгандагина улар Макондони қаршиликсиз топширишлари керак экан. Аркадио ожиз кампир киёфасида келган бу ғалати чопарга нафратомуз ҳайрихоҳлик билан назар ташлади.

— Шубҳасиз, ёнингизда ақалли ёзма буйруқ бордир? — сўради у.

— Албатта, — деб жавоб қайтарди чопар, — лекин менда бунақанги буйруқ йўқ. Қалтис вазиятда бизга зиён келтирадиган ҳар қандай ҳужжат олиб юрмаслигимиз сизга аён.

У корсажидан олтин баликча чиқариб, столга қўяркан, «Ана, шуни етарли асос, деб биламан», деди. Аркадио, ҳақиқатан ҳам, бу полковник Аурелиано Буэндиа ясаган баликчалардан бири эканини тан олди. Аммо уни кампир уруш бошланмасдан бурун харид қилган бўлса-чи, йўқ, гувоҳликка ўтмайди. Чопар ўз шахсига янаям ишонч ҳосил қилдириш учун ҳарбий сирни бузишга мажбур бўлди. У Кюрасаога, Кариб денгизи оролларида бадарға қилинганларни ёллаш, қурол-яроғ топиб йил охирида кирғоққа чиқиш учун муҳим топшириқ олганини айтди: полковник Аурелиано Буэндианинг бу режаси муваффақият келтиришига имоним комил, у беҳудага қурбон бермайлик, деб ҳисоблайди. Аммо Аркадио қатъиятли эди. У чопарни то шахси аниқлангунча қўриқлаб туришга буйруқ берди, Макондо қалъасини эса ҳаёт-мамонт жанги билан мудофаа этишга қасамёд қилди.

Кутиш кўпга чўзилмади. Либералларнинг мағлубияти ҳақидаги хабарларнинг тўғрилиги аён бўлди. Мартнинг сўнги кечаларидан бирида бемаврид жала Макондо кўчаларини юва бошлаганида, ўтган ҳафталарнинг осойишталигини туйқусдан карнайларнинг юракни эзувчи садоси бузди, кейин тўплар отилди, ибодатхонанинг қўнғирокхонаси ўпирилди. Қаршилик кўрсатиш жиннилик эди. Аркадионинг ихтиёрида ночор қуролланган атиги эллик нафар одам бўлиб, патронлар заҳираси киши бошига йигирма донадан ошмасди. Тўғри, бу одамлар орасида Аркадионинг баландпарвоз даъватларига учган

ва бу бўлмагур иш учун ҳаётларини қурбон қилишга тайёр турган собиқ талабалар ҳам бор эди. Ўзини полковник Стивенсон деб таниган одам Аркадио билан гаплашишга рухсат олганида тўплар садосидан ер ларзага келар, ўқларнинг бетартиб қасир-қусири, этикларнинг дукур-дукури, телба-тескари буйруқлару карнайларнинг маънисиз сигналлари эшитиларди. «Мени тахтакача ва аёл кийимида ўлишдан халос этинг,— ялинди у.— Яхшиси, жанг қилиб ўлайин». Аркадио маҳбусга қурол, йигирма дона патрон беришни буюрди ва уни беш нафар одам билан казармани химоя қилиш учун қолдирди. Ҳа, ўзи мудофаага раҳбарлик қилиш мақсадида штаби билан чиқиб кетди. Аркадио водийга элтадиган йўлга чиқишга ҳам улгуролмади. Макондога кираверишдаги баррикадалар яксон этилгач, шаҳар химоячилари кўчаларда жанг қилишарди; улар то патронлар қолмагунча ўқ узишди, сўнгра тўппончаларини ишга солишди ва ниҳоят муштлашиш бошланди. Мағлубият таҳликаси кўпчилик аёлларни ошпичокларда қуролланиб, кўчаларга отилиб чиқишга мажбур қилди. Ана шу тўс-тўполонда Аркадио ўзини қидираётган Амарантани кўриб қолди: тунги ич кўйлақда, Хосе Аркадио Буэндианинг эски тўппончасини ушлаб олган Амаранта ақлдан озганга ўхшарди. Аркадио милтигини жангда қуролидан ажраган офицерга берди-да, Амарантани уйига элтиб қўйгани тор кўчага қараб юрди. Ҳатто кўшни уйнинг пештоқини ўпириб кетган снарядларнинг товушига ҳам эътибор бермаётган Урсула эшик ёнида туриб, уларни кутарди. Ёмғир тинди, аммо кўчалар ириган совундек сирпанчик, юмшоқ эди. Тун қоронғисидан тусмоллаб юришга тўғри келарди. Аркадио Амарантани Урсулага топшириб, изига бурилди-да, уларга кўшни бурчакдан ўқ уза бошлаган икки солдатга қарата ўт очишга тушди. Жавонда анчадан буён тўппончалар отилмай ётарди. Урсула Аркадиони гавдаси билан тўсиб, уйга киритишга уринарди.

— Кетдик, худо ҳақки!— бакирарди у.— Бемаъниликка чек қўй!..

Солдатлар уларни мўлжалга ола бошлашди.

— Бу одамни қўйиб юборинг, сеньора!— кичкирди улардан бири.— Йўқса, биз ҳеч нарса учун жавоб бермаймиз!

Аркадио Урсулани нари суриб қўйиб, таслим бўлди. Орадан бир оз вақт ўтгач, отишма тугаб қўнғироклар чалина бошланди. Қаршилик атиги ярим соат ичида бостирилди. Аркадионинг бирорта ҳам одами тирик қолмади, душманнинг уч юз нафар солдатига қарши мардонавор жанг қилиб ҳаммаси ўлишди. Казарма уларнинг сўнги таянчи эди. Ҳукумат жангчилари ҳал қилувчи хужумга ҳозирлик кўришаётганида, ўзини полковник Грегорио Стивенсон, деб атаган чопар бандиларни қўйиб юборди ва ўз одамларига казармадан кўчага чиқиб жанг қилишга буйруқ берди. Унинг ўта чаққонлиги, деразага жойлаштирилган милтиклардан ўқ узишга улгураётгани туфайли гўёки казарма яхши мудофаа қилиб турилгандек тасаввур ҳосил қилган босқинчилар казармани бирдан тўпга тутиб вайрон қилишди. Операцияга раҳбарлик қилган капитан казарма харобасида фақат биргина иштончанг одам ўлиб ётганини кўриб, ҳайратга тушди; жасаднинг снаряд юлиб кетган қўли ўқсиз милтиқни маҳкам ушлаб ётарди. Аёлларниқига ўхшаган қуюқ, узун сочи бошининг ортига тарокда тан-



гилган, буйнига олтин балиқчали қатронли тумор осилганди. Капитан этиги учиди жасадни ағдариб, юзига тикилдию ҳайратдан донг қотиб қолди. «Буни қаранглар!» Бошқа офицерлар югуриб келишди. — Қаердан топганимизни қаранглар-а!— деди капитан.— Ахир, бу Грегорио Стивенсон-ку.

Ҳарбий-дала судининг ҳукмига биноан, Аркадио эрталаб қабристонга туташ девор ёнида отиб ташланди. Ҳаётининг икки соати қолганида уни болалигидан буён қийнаб келган қўрқув ҳисси йўқолди, нима сабабдан йўқолганини ўзим ҳам тушуниб етишга улгурмади. У узундан-узок ҳукмнома бандларини хотиржам тинглади, бу билан яқиндагина туғилган жасурлигини кўз-кўз қилмоқчи эмасди, албатта Аркадио муштипар Урсула балки ҳозир каштан дарахти остида эри билан ўтириб, қаҳва ичаётгандир, деб ўйлади. Аркадио ўзининг ҳали исм ҳам қўйилмаган саккиз ойлик кизчаси ва август ойида туғилажак фарзанди тўғрисида ўйлади. Санта София де ла Пьедад ҳақида ўйларди. Кеча кечкурун, урушга кетаётганида аёл келаси шанбанинг тушлик овқати учун кийик гўштини тузлаётгани ёдига тушди, унинг елкасига тушувчи тимқора сочларини, узун ва қуюқ ясамадек киприklarини эслаб, дилтанг бўлиб қўмсади. У қариндошлар хусусида кўнгли бўшлиқ қилмасди, йигит ўзи ашаддий ёмон кўрадиган бу одамларни аслида у қаттиқ севишини англаб, ҳаётига ачиқ яқун ясарди. Ҳарбий-дала судининг раиси яқунловчи сўзини бошлади. Аркадио орадан икки соат ўтганини сезмай қолди. «Гарчанд, бу санаб ўтилган айблар далиллар билан исботланмаганида ҳам,— деди раис,— ўзига тобе одамларни беҳуда ўлимга юборган айбдорнинг масъулиятсизлиги жинояткорона журъатининг ўзиёқ ўлим ҳукмига етарли асос бўла олади». Аркадио харобага айланган мактаб биносида илк бор ҳокимият нашъасини сезиб ўзига бино қўйган ва айна шу жойда муҳаббат туфайли ўзига ишончини йўқотганини эсларкан, қатлга дахлдор бу расмиятчилик аллақандай бемаънилик бўлиб туюларди. Тўғриси айтганда, ўлим унинг учун аҳамиятсиз эди, шу сабабли ҳам ҳукми эшитгач, қўрқув эмас, балки соғинч ҳиссини туйди. Охирги илтимоси ҳақида сўрашмагунча лом-мим демади.

— Хотинимга айтинглар,— жавоб берди у баланд овозда,— қизимизга Урсула деб исм қўйсин,— бир оз жим қолиб, сўнг таъкидлади.— Худди бувисига ўхшатиб, Урсула, дея аташсин. Яна унга айтинглар, агар тугиладиган фарзандимиз ўғил бўлса, унга Ҳосе Аркадио деб исм қўйишсин, аммо амакиси эмас, бобоси шарафига.

Аркадиони девор ёнига олиб бормасларидан илгари руҳоний Никанор уни тавба қилдиришга уринди. «Менинг тавба қиладиган гуноҳим йўқ», деди Аркадио ва бир финжон қаҳва ичиб, ўзини солдатларнинг измига топширди. Отувга бошлиқ қилиб Роке Қассоб деб ном олган капитанни бекорга тайинлашмади — у оммавий катлар буйича мутахассис эди. Тинимсиз томчилаётган ёмғир остида қабристон томон бораётган Аркадио уфқда чоршанба тонгининг чароғон нурларини кўрди. Кечки туман изидан унинг соғинчи ҳам тарқалиб, ҳадсиз синчковлик билан алмашганди. Унга девор томон орқа ўгириб туриш буюрилди. Шундагина у Ребекани кўрди. Сочлари ҳўл, пушти гулли қўйлак кийган Ребека уй деразаларини ланг очарди.

Аркадио унинг диққатини жалб этиш учун бор ирода кучини тўплади. Дарвоқе, Ребека бехосдан деворга назар ташладию даҳшатдан ҳайратга тушиб қотиб қолди, кейин бор кучини тўплаб, қўлини силтаб видолашди. Аркадио ҳам унга шу тарзда жавоб қайтарди. Ана шу лаҳзада унга милтиқларнинг дуд босган оғзи тўғриланганди ва у дафъатан Мелькиадес айтиб кетган тилсимотларни сўзма-сўз эшита бошлади ва қулоғига синфхонада адашиб қолган Санта София де ла Пьедаднинг қадам товушлари чалинди, сўнг у худди мархума Ремедиоснинг мурдасига қараб таажжубланган маҳалидагидек бурни совқотганини ҳис этди. «Оббо,— яна ўйлашга улгурди у,— агар қиз тугилса исмини Ремедиос қўйишсин деб айтишни унутибман». Шу он унга бутун умр бўйи азоб бериб келган ўша кўркўв яна қақшатқич зарба билан ёпирилиб келди. Капитан ўк узишга буйруқ берди. Болдирларини куйдира бошлаган иссик суюқлик қаердан оқаётганини тушунмаган Аркадио, қадини ростлаб, бошини кутаришга улгурди, холос.

— Аблахлар! — кичқирди у. — Яшасин либераллар партияси!

Май ойдаги уруш тугади. Ҳукуматнинг бу ҳақда кўзғолон сабабчиларини шафқатсиз жазолаш ваъда қилинган дабдабали чақириғи расмий эълон қилинишига икки ҳафта қолганида, табиб ҳинди кийимида ғарбий чегарага етай-етай деган жойида полковник Аурелиано Буэндиа асирга олинди. У урушга ўзи билан йигирма бир нафар одамни олиб кетганди; улардан ўн тўрт нафари жангларда ўлди, олтови яраланди, фақат бир киши — полковник Херинельдо Маркес мағлубиятнинг сўнги дақиқаларигача ёнида бўлди. Полковник Аурелиано Буэндианинг асир олинганлиги ҳақидаги хабар расмий тарзда эълон қилинди. «У тирик,— деди Урсула эрига,— душманлар унга раҳм қилишлари учун худога топинайлик». Аёл уч кун кўз ёши тўкди, тўртинчи кун, ошхонада қаймоқли ширинликлар тайёрлаётганида, ўғлининг овозини яқин бир жойдан аниқ-таниқ эшитди. «Бу — Аурелиано! — деб кичқиргач, эрига муждани етказиш мақсадида каштан дарахти томон югурди. — Қай мўъжиза туфайли қутулиб қолганини билмайману, аммо у тирик, насиб этса, тез орада дийдорини кўрамиз». Урсула шундай бўлишига ишонарди. У полларни ювиб, уйдаги мебелларни қайта жойлаштиришга кўрсатма берди. Орадан бир ҳафта ўтгач, башорати аллақаердан пайдо бўлган ва расман қўллаб-қувватланмаган миш-мишларда ўзининг аянчли тасдиғини топди. Полковник Аурелиано Буэндиа ўлимга маҳкум этилган ва энди, шаҳар аҳлига даҳшат солиш мақсадида, ҳукм Макондода ижро этилиши керак эди. Душанба кuni эрталаб соат ўн яримларда, Амаранта Аурелиано Хосени кийинтираётганида, унинг қулоғига узоқдан бетартиб шовқинсурон, карнай садолари чалинди, бир сониядан сўнг эса Урсула: «Олиб келишяпти!» дея хонага бақириб кирди. Солдатлар милтиқ қўндоқлари билан беҳисоб оломон ўртасидан ўзларига йўл очишарди. Урсула ва Амаранта одамларни суришиб, қўшни кўчагача чиқишди ва Аурелианони ўша ерда кўришди. У худди гадойга ўхшарди. Яланг оёқ, эғнида йиртиқ кийим, соч-соқоли тўзғиган, оёғини куйдираётган қайноқ тупроқни сезмай борар, орқага қайирилган қўллари бир учини отлик офицер кафтида қисиб олган арқон билан тангиб боғлашган эди. Полковник Херинельдо Маркесни ҳам ёнма-ён судраб боришарди,



унинг ҳам юзлари тупроққа беланган, кийимларининг увадаси чиқиб кетган эди. Аммо уларнинг юзида қайғу ифодаси кўринмасди. Солдатларни турли ҳақоратлар билан кўмиб ташлаётган оломоннинг хатти-ҳаракатидан иккаласи ҳам ҳаяжонланарди.

— Ўғлим!— шовқин ичра Урсуланинг фарёди жаранглади. У ўзини ушлаб қолишга уринган солдатни бошлаб туширди. Офицернинг тагидаги от олдинги оёқларини кўтариб, типпа-тик турди. Полковник Аурелиано Буэндиа тиграб кетди, онасини четга тортиб, унинг кўзига тик боқди.

— Уйга боринг, она,— деди у.— Ҳукуматдан рухсат сўраб камок-хонага, менинг олдимга келинг.

У Урсуланинг ортида ийманибгина турган Амарантага қаради-да, жилмайиб сўради: «Кўлингга нима қилди?» Амаранта қора боғичли кўлини кўтариб: «Куйиб қолди», дедию, Урсулани четга, отлардан нарироққа тортди. Солдатлар осмонга ўқ узишди. Отликлар отряди яна асирларни ўраб олди ва отларини йўрттириб, казарма сари юрди.

Кечқурун Урсула полковник Аурелиано Буэндиа олдига келди. У дастлаб дон Аполинар Москотенинг кўмагида рухсатнома олишга уриниб кўрди, аммо бутун ҳокимият ҳарбийларнинг қўлида бўлганлиги боис қуданинг гапи ўтмади. Падре Никонор эса жигар хуружи билан оғриб ётарди. Полковник Херинельдо Маркеснинг (у ўлимга маҳкум этилмаганди) ота-онаси ўғилларини кўрмоқчи бўлишганида, кўндоклар билан уриб ҳайдашди. Воситачи топа олмаслигига кўзи етган ва эртасига тонгда Аурелианонинг отилишига қатъий ишонган Урсула, ўғлига атаганларини тугунчага тугиб, ёлғиз ўзи казармага борди.

— Мен полковник Аурелиано Буэндианинг онаси бўламан,— деди у.

Соқчилар унинг йўлини тўсишди. «Мен бари бир кираман,— деди Урсула.— Агар сизларга отиш буюрилган экан, ҳозирок ота қолинглар». У соқчилардан бирини қаттиқ туртиб юбориб, бир тўда ярим ялангоч солдатлар қуроллари тозалаб ўтирган собиқ синф-хонага кирди. Кўринишдан одобли, юзи қизғиш, қалин кўзойнакли, сафар либосини кийиб олган офицер Урсуланинг кетидан югурган соқчиларга имо қилгач, улар чиқиб кетишди.

— Мен полковник Аурелиано Буэндианинг онасиман,— дея яна такрорлади Урсула.

— Сеньора, сиз сеньор Аурелиано Буэндианинг онасиман, демоқ-чисиз, шекилли,— офицер илтифот билан жилмайиб, аёлнинг гапини тузатган бўлди.

Урсула унинг нафис нутқида ясситоғликлар — хачаколикларга хос чўзинчоқ оҳангни илғади.

— Майли, сеньор бўла қолсин,— рози бўлди у,— ишқилиб, мен уни кўрсам бўлгани.

Қатлга маҳкум этилганларни юқоридан берилган буйруққа кўра кўриш мутлақо таъқиқланган эди. Аммо офицер масъулиятни бўйнига олиб, Урсулага ўн беш дақиқалик учрашувга рухсат берди. Урсула тугунда келтирган нарсалари: ички кўйлак-иштон, ўғли тўйда кийган ботинкасини, уни деб асраб кўйган ширинликларни кўрсатди. Урсула полковник Аурелиано Буэндиани гулу кишанлар қалашиб ётган хо-

нада учратди. Угли қўлтиғига чиққан беҳисоб чипқонлардан азоб чекиб, қўлларини ёзиб ётар эди. Унга соқол олдиришга руҳсат беришганди. Қуюқ мўйловининг учлари буралганидан ёнок суяклари баттар бўртиб қуринарди. Урсулага ўглининг ранги аввалгидан кўра синикқандай, бўйи бир оз ўсгандай ва янада ёлғиздек туюлди. Угли уйларида бўлиб ўтган ҳамма воқеадан: Пьетро Креспининг ўзини ўзи ўлдирганидан ҳам, Аркадионинг қонунга хилоф иш тутганию отиб ташланганидан ҳам, Хосе Аркадио Буэндианинг каштан остидаги жиннинамо қилиқларидан ҳам хабардор экан. У Амарантанинг ўзи қизлигидаёқ есир қолиб, бутун борлиғини зеҳни ўткир Аурелиано Хосенинг тарбиясига бағишлаганини ҳам биларди. Урсула хонага кирган маҳалдан бошлаб ўзини ноқулай ҳис этди: ўглининг улғайган қиёфаси, ҳукмдорлик салобати, жуссасидан ёғилиб турган куч-қувват уни хижолатга солди. Урсула унинг ҳамма воқеалардан воқифлигидан ажабланди. «Ахир, ўглингизнинг башорат қила олишини биласиз-ку,— деб ҳазиллашди полковник. Сўнгра жиддий тортиб қўшиб қўйди:— Мен бу воқеаларни эрталаб, мени олиб кетишаётган пайтда бошдан кечиргандек бўлдим». Ҳақиқатан ҳам оломон шовкин-сурон солаётган маҳалда, Аурелиано Буэндиа атиги бир йил давомида шаҳар жуда эскириб қолганидан таажжубга тушарди. Бодом дарахтларининг барглари юлиб ташланган эди. Кўк рангдан пуштига, сўнгра яна кўкка бўялган уйлар аллақандай ноаниқ тус олган эди.

— Сен нима деб ўйлагандинг?— хўрсинди Урсула.— Ахир, вақт ўтяпти-да.

— Тўғри,— тасдиқлади Аурелиано, — лекин ҳар ҳолда...

Иккови ҳам бу учрашувни узоқ вақт кутиб, саволлар тайёрлаб қўйишган ва ҳатто қандай жавоб олиш ҳам пухта ўйлаб қўйилган бўлса-да, гаплари ҳеч қовушмади. Учрашув одатдаги жўн суҳбатга айланиб қолди. Соқчи ажратилган ўн беш дақиқа тугаганини маълум қилганида, Аурелиано сафар каравотининг бўйраси остидан найча қилиб ўралган ва тер ҳиди уриб қолган қоғозларни олди. Бу — унинг Ремедиосга бағишлаган ва уйдан жўнаётганида ўзи билан олиб кетган — жанглار орасидаги қисқа фурсатли нафас ростлашларда битилган шеърлари эди. «Уларни ҳеч кимга ўқитмасликка сўз беринг,— деди у.— Бугун кечкуруноқ уларни ўчоқда ёқиб юборасиз». Урсула ваъда бериб, хайрлашиш учун ўглини ўпгани ўрнидан турди.

— Сенга револьвер олиб келдим,— деб пичирлади у.

Полковник Аурелиано Буэндиа яқин-ўртада соқчининг йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, оҳиста жавоб берди: «Менга унинг нима кераги бор? Бўпти, майли, беринг, йўқса, чиқиб кетаётганингизда тинтиб қолишлари мумкин». Урсула револьверни корсажидан чиқариб берди, полковник Аурелиано Буэндиа қуролни бўйра остига беркитиб қўйди. «Энди мен билан видолашиб ўтирманг,— деди у хотиржам оҳангда.— Ҳеч кимга ялинманг, ҳеч кимнинг олдида ўзингизни ерга урманг. Мени аллақачоноқ отиб ташлашди, деб ўйлашга ўзингизни мажбур қилинг». Урсула кўз ёшларини тийиш учун лабини тишлади.

— Чипқонингга иссиқ тош бос,— деди у ва бурилиб хонадан чиқиб кетди.

Ўз фикрларига ғарқ бўлган полковник Аурелиано Буэндиа эшик









ёпилгунича қаккайиб турди. Сўнг яна қўлларини ёзиб ётди. У ёшлик чоғи ўзидаги гойибона билиш сезгисини англаб етган пайтданок, ажал яқинлашса бас, бирор беҳато аломат орқали дарағи етади, деб ишонарди, аммо ҳозир, отилишига бир неча соат қолган бўлса-да, ўша аломатдан дарак йўқдай эди. Бир куни унинг Тукуринкадаги ҳарбий қароргоҳига ниҳоятда чиройли қиз келиб, соқчилардан полковник Аурелиано Буэндиа билан учрашишга рухсат беришларини сўради. Қизни ўтказиб юборишди, чунки айрим мутаассиб оналар наслни яхшилаш мақсадида қизларини машҳур лашкарбошиларга қўшиб қўйишлари ҳаммага маълум эди-да. Қиз дафъатан хонага кириб келган ўша оқшом полковник Аурелиано Буэндиа ёмғирда қолиб кетиб, йўлини йўқотган одам ҳақидаги шеърни тугаллаётган эди. Полковник қоғозларни шеърлар сақланадиган стол ғаладонига яшириб меҳмонга ўғирилди. Ўшанда ҳам хавфни аниқ ҳис этди, ортига бурилиб қарамай, ғаладонда ётган тўппончани қўлига олиб:

— Илтимос, отманг, — деди.

Тўппончасини қўлида қисиб ортга ўғирилганида, қиз қуролини тушириб, саросимада турар эди. Полковник Аурелиано Буэндиа ўн бир суиқасднинг тўрттасига ана шу тарзда чап берди. Аммо бошқа воқеа ҳам содир бўлган: номаълум бир кимса тунда Манауредаги қўзғолончилар қароргоҳига билдирмай кириб, яқин дўсти полковник Магнifico Висбални ханжар билан бўғизлаб қочиб кетганди. Бечорани безгак тутгани учун полковник Аурелиано Буэндиа вақтинча унга ўз қаравотини бўшатиб бериб, ўзи эса ёндаги гамакда ухлаган эди. Шу бўлдию у ўзининг гойибдан сезиш туйғусини таҳлил қилмоққа уринди, лек бутун саъй-ҳаракати беҳуда кетди. Айни туйғу ҳеч қутилмаганда, тепадан келган ваҳий худди нур, худди мутлак, бир оний ва ақл бовар қилмас даҳшат каби тез пайдо бўлардики, кўнглига келган ғалати бир ишончдан ўзга белгини англашга улгурмай қоларди. Белгилар шу қадар мужмал бўлардики, полковник Аурелиано Буэндиа уларни бир синоат содир қилганидан кейингина пайқаб қоларди. Баъзида эса улар ниҳоят даражада аниқ бўлар, лекин негадир амалга ошмай қоларди. Шу сабаб, полковник уларни кўпинча оддий ирим-сирим билан чалкаштириб юборарди. Ўлим ҳукмини ўқиб бериб, сўнг, охириги тилагинг не, деб сўрашганида, у айни кўнгли буюрганидек жавоб берди:

— Мен ҳукм ижросини Макондога кўчиришни сўрайман.

Трибунал раиси ғазабланиб:

— Бизни лақиллатишга уринманг, Буэндиа, — деди. — Фурсатдан ютмоқчи бўлиб, ҳийла ишлатяпсиз.

— Истамасанглар, ихтиёрингиз, — жавоб қайтарди полковник, — аммо бу менинг сўнги тилагим.

Ўша ондан бошлаб, уни башорат туйғулари тарк этди. Урсула ўғлини кўргани камоқхонага борганида, Аурелиано Буэндиа узоқ мулоҳаза юритиб, бу гал қазо яқинлашиб келаётганидан воқиф этмаслиги ҳам мумкин, негаки ҳозир у тасодифларга эмас, балки жаллодларининг иродасига боғлиқ, деган хулосага келди. Чипқонлари азоб бериб, тун бўйи бедор тўлганиб ётди. Тонгга яқин коридорда қадам товушлари эшитилди. «Келишяпти», деди у ва негадир бирданига Хосе Ар-

кадио Буэндиани эслади. Айни шу ваҳимали гира-шира тонг палласида каштан тагидаги ўз ўриндиғида букчайиб ўтирган отаси ҳам у ҳақда ўйларди. Полковник Аурелиано Буэндиа калбида на қайғу, на қўрқув бор эди, у фақатгина бемаҳал ўлим туфайли ўзи бошлаган ишлар якутини билолмай кетишидан газабланарди. Эшик очилиб, солдатлардан бири қаҳва келтирди. Эртаси куни, худди ўша маҳали полковник қўлтиғидаги яраларидан аввалгидай азоб чекаётганида бу ҳолат яна такрорланди. Чоршанба куни у Урсула келтирган ширинликларни сокчиларга тақсимлаб берди, тор келган кўйлак-иштонию мойланган ботинкасини кийиб олди. Жума келди ҳамки, уни отишмасди.

Очиғини айтганда, ҳарбийлар ҳукми ижро этишга журъат этолмай гаранг эдилар. Улар шаҳарда қўзгалган норозиликни кўриб, полковник Аурелиано Буэндианинг отилиши нафақат Макондода, балки бутун вилоятда ҳам оғир сиёсий вазият тугдиради, деган фикрга боришди, шу боис вилоят пойтахтига маслаҳат сўраб мурожаат қилдилар. Ҳали жавоб олинмасдан бурун, шанбага ўтар кечаси капитан Роке Қассоб офицерлар билан бирга Катаринонинг ишратхонасига борди. Хотинлардан фақат биттасигина капитаннинг дағдағасидан қўрқиб ётишга кўнди, «Аёлларимизнинг яқин кунларда ўладиган одамга қўшилгиси келмаяпти,— дея тушунтирди у.— Бунинг қандай содир бўлишини ҳеч ким билмайди, аммо гап-сўзларга қараганда, полковник Аурелиано Буэндиани отган офицер ва унинг барча солдатлари, улар тупкани тагига қочишса ҳам, эртами-кечми бирин-кетин ўлдирилади». Капитан Роке Қассоб айни тахминни офицерлар, улар эса каттарок бошлиқлари билан маслаҳат қилишди. Яқшанбада, гарчанд бу ҳақда ҳеч ким очикдан-очик айтмаган, ҳарбийлар Макондода ҳукм сураётган оғир сукунатни ҳеч бир қилиқлари билан бузишмаган бўлса-да, офицерлар масъулиятни бўйинларига олишни истамаётгани турли баҳоналарни рўқач қилиб қатлга иштирок этишдан бўйин товлаётган бутун шаҳарга ошкор бўлди.

Душанба куни почта орқали ёзма буйруқ олинди: ҳукм йигирма тўрт соат ичида ижро этилиши керак эди. Кечкурун офицерлар битта фуражкага ўз исмлари ёзилган олтига қоғоз парчасини солиб аралаштириб, сўнг битта-битта олишганида, толенинг машъум омадли билети яна капитан Роке Қассобнинг чекига тушди. «Такдирдан қочиб қутулолмайсан,— деди капитан ҳасрат қилиб.— Қанжиқнинг боласи бўлиб туғилган эдим, энди шу тарзда ўлиб кетаман». У эрталаб соат бешда қуръа ташлаб, бир бўлима солдатни танлади, ҳовлига саф торттирди ва ўлимга ҳукм этилган маҳбусни анъанавий тарзда уйғотди:

— Кетдик, Буэндиа,— деди у,— фурсат етди.

— Ҳа, шундай демайсанми?— деди жавобан полковник.— Тушимда чипқонларим ёрилганмиш, гап бўёқда экан-да.

Ребека Буэндиа Аурелианонинг отилишидан хабар топгандан буён, ҳар гал тунгги соат учда уйғонар ва қоронғи ётоқда, Хосе Аркадио хуррагидан титраётган каравотга ўтириб олиб, қия очик деразадан кабристон деворини кузатарди. Пьетро Креспининг хатларига кўз тиккан пайтлардагидай пинҳоний бир ўжарлик ила бутун ҳафта давомида кутди. «Уни бу ерда отишмайди,— дерди Хосе Аркадио.— Уни ярим тунда казармада ҳуфиёна қатл қилишади ва ўша ерда кўмишади».



Ребека эса кутаверди. «Бу беор махлуклар уни худди шу ерда отиб ташлашади», дея жавоб кайтарди у эрига. У ўз фикрига шунчалар ишонар эдики, ҳатто Аурелиано Буэндиа билан қўл силкиб ви-долашиш учун эшикни қай тарзда қиялатиб очиб қўйишгача ҳам пухта ўйлаб кўйган эди. «Уни олтита қўрқоқ солдат соқчилигида ҳеч қачон кўчадан олиб ўтишмайди,— ўжарлик қиларди Хосе Аркадио.— Ахир, улар халқ ҳамма нарсага тайёрлигини билишади-ку». Ребека эрининг далилларига эътибор бермай, дераза ёнидан жилмай ўтирарди.

— Уларнинг қанчалик беҳаё ва аблахлигини ҳали кўрасан,— де-ди у.

Сешанба куни эрталаб соат бешда Хосе Аркадио итларини бўшатиб юбориб, қаҳва ичиб бўлганида, Ребека бирданига деразани ёпмоқчи бўлувди, қулаб тушмаслик учун каравотнинг суянчигини зўрға тутиб қолди. «Олиб келишяпти,— деди у хўрсиниб.— Накадар чиройли у». Деразага қараган Хосе Аркадио баданини тўсатдан титроқ чулғади. У бўзариб келаётган тонгнинг хира нурлари остида укасини кўрди. Укаси Хосе Аркадионинг ёшлигида кийиб юрадиган шимини кийганди. Полковник Аурелиано Буэндиа девор ёнида иккала қўлини белига тираб турар, қўлтигидаги чипқонлари эса қўлларини туширишга имкон бермасди. «Наҳотки сени мана бу бичилган олтита солдат отади? Наҳотки, улар отаётганда беилож қаққайиб турмоқ учун азобу машаққат чеккан бўлсанг!» дея ичида қийналарди полковник Аурелиано Буэндиа. Капитан Роке Қассоб эса унинг бу ғазабини товбага йўйди, ибодат қиляпти, деб ўйлаб, кўнгли бузилиб кетди. Солдатлар милтиқларини кўтаришганида, полковник Аурелиано Буэндианинг ғазабдан тили танглайига ёпишди, кўзлари юмилди. Ўшанда тонгнинг симобий жилваси бирдан йўқолди ва у ўзининг калта иштон кийиб, бўйнига тасма тақиб олган болалик даврини, отаси ойдин кечаси лўлилар чо-дирига олиб борганини, томошага қўйилган муз парчасини эслади. Но-гаҳон ҳайкирик янграганда полковник Аурелиано Буэндиа солдатларга сўнги буйруқ берилди, деб ўйлади. Отилажак ўқларни кўрмоқчи бў-либ, ғайритабий бир қизиқсиниш билан кўзини очганида, қўлини кўтариб турган капитан Роке Қассоб ва ов милтигини ўқталиб кўчани кесиб ўтаётган Хосе Аркадиога нигоҳи тушди.

— Отманг,— деди капитан Хосе Аркадиога,— сизни менга ху-донинг ўзи етказди.

Яна уруш бошланди. Капитан Роке Қассоб ва олти солдати пол-ковник Аурелиано Буэндиа билан бирга Риоачада ўлимга ҳукм этилган инкилоб генерали Викторио Мединани озод этгани кетишди. Вақтдан ютиш мақсадида бир замонлар Хосе Аркадио Буэндиа юрган йўл билан тоғдан ошиб ўтишга аҳд қилишди, аммо бир ҳафта утар-ўтмас ният-лари пучга чикди. Охири солдатлар қатл учун берилган ўша санокли ўк-дорилари билан тоғ тизмаларининг хатарли сўқмоқларидан писиб ўтишга мажбур бўлишди. Ҳар бир шаҳар ёнида қароргоҳ қуришаркан, бир киши кийимини ўзгартирар, қўлига тилла балиқчани тутиб куппа-кундузи кўча айланиб либераллар билан алоқа ўрнатар, шунда либерал-лар эртасига эрталаб овга чиқиб, шаҳарга қайтишмасди. Довонга чи-киб, Риоачани кўришганда, генерал Викторио Медича аллақачон отиб ташланган эди. Ўшанда полковник Аурелиано Буэндиа тарафдор-

лари уни Кариб денгизи соҳилидаги барча инқилобий кучлар қўмондони ва генерал, деб тантанали суратда эълон қилишди. Аурелиано Буэндиа қўмондонлик лавозимини эгаллашга кўнди, лекин генераллик унвонидан воз кечди ва ўзича, консерваторлар ҳокимияти ағдариб ташлангунича бу унвонни олмайман, дея аҳд қилди. Уч ой давомида мингдан зиёд одам тўплашса ҳам уларнинг аксарияти ўлдирилди, омон қолганлари эса шарқий чегарадан хорижга ўтиб кетишди. Кейинчалик Антиль оролларида сузиб, ватанларига қайтишгани ва Кабо де ла Вела бурнига чиққанлари маълум бўлди; шунда ҳукуматнинг, полковник Аурелиано Буэндиа ўлди деган, тантанавор хабари телеграф орқали мамлакатга ёйилди. Икки кундан кейин эса яна узундан-узун телеграмма аввалги муждани қувиб етиб, жанубий воҳаларда кўтарилган янги қўзғолондан дарак берди. Полковник Аурелиано Буэндианинг бир вақтнинг ўзида ҳамма жойда ҳозир у нозир бўлиши ҳақидаги афсона шу тарика пайдо бўлди. Хабарлар бир-бирига зид эди: полковник Вильянуэва зафар кучди, Гуакамайяда мағлубиятга учради, хиндуларнинг мотилонес қабиласи томонидан еб қўйилди, водий кишлокларидан биридаги жанглarda ҳалок бўлди, Урумитада яна қўзғолон кўтарди. Ўша пайтда либералларни парламентга киритиш бўйича музокара олиб бораётган либераллар партиясининг бошлиқлари уни фирибгар ва ҳеч бир партиёга мансуб бўлмаган кимса, деб эълон қилди. Ҳукумат уни қароқчилар сафига қўшиб, боши бадалига беш минг песо ваъда қилди. Полковник Аурелиано Буэндиа ўн олти мағлубиятдан сўнг қўл остидаги яхшигина қуролланган икки минг нафар хинду билан Гуахирони ташлаб чиқиб Риоачага ҳужум бошлади; саросимага тушган гарнизон шаҳарни ташлаб қочди. Полковник Аурелиано Буэндиа ўзининг штаб-квартирасини Риоачага жойлаштирди-да, консерваторларга қарши умумхалқ уруши эълон қилди. Ҳукумат бунга жавобан, агар қўзғолончилар шарқий чегарага чекинмаса, полковник Херинельдо Маркес қирқ саккиз соат ичида отиб ташланади, деб расмий хабар берди. Штаб бошлиғи этиб тайинланган Роке Қассоб телеграммани қўмондонга топшираётганида хийла маъюс эди, аммо қўмондон телеграммани кутилмаган бир қувонч билан ўқиди.

— Жуда соз!— хитоб қилди у.— Ниҳоят, бизнинг Макондога ҳам телеграф ўтказилибди!

Полковник Аурелиано Буэндианинг жавоби қатъий эди. У, мен яна уч ойдан кейин штаб-квартирамни Макондога кўчиришни мўлжаллаяпман, агар полковник Херинельдо Маркесни тирик топмасам, асир тушган барча генераллардан тортиб, майда офицерларгача судсиз ва терговсиз отиб ташлайман, қўшинларимга урушнинг сўнгига қадар шундай йўл тутишга буйруқ бераман, деб жавоб берди. Орадан уч ой ўтиб, полковник Аурелиано Буэндианинг музаффар жангчилари Макондога ғолибона киришганида, уни водийдаги йўлда кутиб олиб, бағрига босган илк одам полковник Херинельдо Маркес бўлди.

Буэндалар хонадони ҳозир болалар билан гавжум эди. Урсула Санта София де ла Пьедад, унинг тўнғич кизи ва Аркадио отилганидан беш ой ўтгач дунёга келган эгизак ўғилларини ўз уйига кўчириб келганди. Аркадионинг ўлими олдидаги сўнгги васиятини инобатсиз қолдириб, қизчага Ремедиос, деб исм қўйишди. «Ишончим комилки,—



деди у ўзини оклаб.— Аркадио худди ана шуни айтмоқчи бўлувди. Урсула деб атамаймиз, негаки бундай исм кўйилган боланинг қисмати оғир кечади». Эгизакларни Хосе Аркадио Иккинчи ва Аурелиано Иккинчи, деб атади. Амаранта болаларни ўз қарамоғига олди, меҳмонхонага ёғоч стулчалар ўрнатди ва қўшнилариининг ҳам болаларини йиғиб, гўдаклар учун етимхона ташкил этди. Полковник Аурелиано Буэндиа мушакбозлик қарсио кўнгироқлар жананги остида шаҳарга кириб келганида, уни уйи олдида болалар хори қутлади. Бобосидек бўйчан, инкилобий қўшин офицери либосини кийган Аурелиано Хосе барча қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда унга ҳарбийча солом берди.

Хабарлар бирдай қувончли эмасди. Полковник Аурелиано Буэндиа отилишдан қутулиб қолганидан бир йил ўтгач, Ребека билан Хосе Аркадио марҳум Аркадио қурган уйга кўчиб ўтишди. Хосе Аркадио-нинг полковник жонини сақлаб қолганини ҳеч кимса билмади. Шаҳарнинг энг сўлим гўшасида жойлашган, уч жуфт қуш уя қўйган шундоқ улкан бодом дарахти тагидаги янги уйнинг дабдабали эшиги тўртта деразаси бор эди. Эру хотин уни меҳмоннавоз маконга айлантиришди. Ребеканинг дугоналари, шунингдек, ҳануз кизлигича қолиб келаётган тўртгала опа-сингил Москотелар гул ҳиди уфуриб турадиган галереяда неча йиллар бурун узилган гурунглари яна шу уйга кўчиришди. Хосе Аркадио бировлардан тортиб олган ерларидан фойдаланишни давом эттирди, негаки консерваторлар ҳукумати унинг бу ерларга эгалик ҳуқуқини тасдиқлаган эди. Кечқурун Хосе Аркадио бир гала қопкир кўппакларини етаклаб, қўшотар миллиғиё ўлжа қуёнларни осиб олганича отида уйга қайтарди. Сентябрь кунларининг бирида даҳшатли бўрон турди ва у одатдагидан эртароқ қайтишга мажбур бўлди. Емакхонада куймаланиб юрган Ребека билан саломлашгач, итларни ҳовлига боғлади, қуёнларни тузлаш учун ошхонага киргизиб қўйди-да, кийимини алмаштиргани ётоқхонага кирди. Кейинроқ Ребека, эрим ётоқхонага кирганда мўрчада чўмилаётган эдим, ҳеч нарсани билмайман, деб имон келтиради. Унинг гапи шубҳали эди, аммо бошқа ҳеч ким ҳақиқатга яқинроқ далил тополмас ва Ребека ўзини бахтли қилган одам нимага ўлдирилганини тушуна олмасди. Чамаси, бу воқеа Макондода очилмай қолган яккаю ягона сир эди. Хосе Аркадио ётоқхона эшигини ёпгани ҳамон уйда ўқ товуши эшитилди. Эшик тагидан сизган қон меҳмонхонадан кўчага, сўнг нотекис йўлакдан олға жилди ва зинапойлардан эниб, Турклар кўчаси бўйлаб Буэндиа хонадонига йўналди. Ёпиқ эшик остидан сизиб, гиламларни ифлос қилмаслик учун меҳмонхонанинг девори тарафдан оқиб, иккинчи меҳмонхонага ҳам ўтди, кейин емакхонадаги катта стул атрофини айланиб, гуллар экилган галереядан илонизи бўлиб, Хосе Аурелианога арифметикани ўргатаётган Амарантанинг стули остидан сездирмай оғборхонага оқиб чиқди ва ниҳоят, ошхонада ҳамирга қўшиладиган тухумдан энди ўттиз олтинчисини чақишга шайланган Урсуланинг ёнида пайдо бўлди.

— Ё қудратингдан, Биби Марям!— дея қичкириб юборди Урсула. Урсула қон изи бўйлаб оғборхонадан ўтди, Хосе Аурелано учга учни қўшса олти, олтига учни қўшса — тўққиз бўлади, деб машқ қи-

лаётган галерея, емакхонаю меҳмонхоналар оркали кўчага чикди-да, тўғрига юрди, олдин ўнг сўнг сул томонга бурилди ва Турклар кўчасига етди; шаҳар бўйлаб пешбанд ва шиппакда кетаётганини сезмаган ҳолда, шаҳар майдонига келиб қолди, ўзи аввал қадам босмаган уйга кирди, ётоқхона эшигини итариб очиб, куйган порохнинг хидидан нафаси қайтиб кетди; шунда юзини этигининг кўнжига босганча (Хосе Аркадио уни ечишга улгурган эди) мук тушиб ётган ўглини кўрди. Эндигина оқишдан тўхтаган қон унинг ўнг қулоғидан сизиб чиққан экан. Хосе Аркадионинг баданидан бирортаям яра топишмади, унинг қандай қурол билан ўлдирилганини ҳам аниқлашолмади. Жасадни уч марта совунлаб ювишиб олдинига тузли сирка, сўнг-ра кул ва лимму шарбати суриб артишди, сўнг хлорли жавҳар тўлдирилган бочкага олти соат солиб қўйишса ҳам, бари бир, мурдадан порох хиди анқийверди. Жасадни яна артишганда, ҳатто жимжимадор татуировка безаклари анча ўчиб кетди. Сўнгги чорани ҳам қўллаб кўришга жазм қилишди: қалампир зира ва дафна япроғини кўшиб, жасадни кунбўйи паст оловда қайнатишди, шунда эт устихондан ажрала бошлади ва дафн маросимини тезлаштиришга тўғри келди. Марҳумни узунлиги икки метру ўттиз сантиметр, эни бир метру ўн сантиметрли ҳаво кирмайдиган, ичи темир тахтача, пўлат мурватлар билан маҳкамланган махсус тобутга солиб беркитдилар, бари бир порох хиди тобут бараварида барча кўчалар бўйлаб кезиб юрарди. Жигари ноғорадай шишиб кетган падре Никанор каравотидан тушмай, марҳумга дуо ўқиди. Кейин қабр четига ғишт териб, орасига кул, кипик ва сўндирилмаган оҳақ ташлашди, шундаям қабрдан токи банан компаниясининг инженерлари устига бетон қопламагунларича бир неча йил порох хиди анқиб турди. Тобутни олиб чиқишган заҳотиёқ Ребека уйнинг эшикларини ёпиб олди ва одамовилик зирҳини кийиб, ўзини тириклайин кўмди. У кўчага фақат бир мартагина мункайиб қолганида оёғига сийманг эски туфли кийиб, атрофига майда гуллар билан безатилган шляпада чикди. Бу воқеа Макондода пайдо бўлган Ўлмас Жухуд шаҳарга даҳшатли жазирама юборган, иссиққа дош беролмаган қушлар эса салқин ахтариб ўзларини деразага ўрнатилган тўрларга уришиб, ерга жонсиз тап-тап тушган маҳалда кечди. Ребекани сўнгги марта уйига кирмоқчи бўлган ўғрини отиб ўлдирган кечаси кўришди. Сўнгга оқсочи ва сирдоши Архениададан бўлак ҳеч ким у билан учрашмади. Унинг бир вақтлар ўз амакиваччам деб ҳисоблаган епископга хат ёзгани ҳақида гап тарқалди, аммо жавоб олган-олмаганлигини ҳеч ким билмасди. Шу-шу, шаҳар Ребекани тамоман унутиб юборди.

Полковник Аурелиано Буэндиа жангдан зафар билан қайтса-да, хотиржамликка берилмади. Ҳукумат қўшинлари қалъаларни қаршиликсиз ташлаб чиқишар ва бу ҳол либералларча кайфиятга чулганган халққа галабадек туюлар, аммо кўзғолончилар, айниқса полковник Аурелиано Буэндиа эса очик ҳақиқатни ҳаммадан яхши билишарди. Полковник қўл остида беш мингдан зиёд солдат йиғилган бўлиб, соҳил бўйидаги икки штаб ихтиёрида эди. Аммо у ўзининг мамлакатдан кесиб қўйилгани, денгизга тақалиб қолганини ва ноаниқ бир сиёсий вазиятдан эканлигини аниқ ҳис қиларди. Ибодатхонанинг



хукумат кўшинлари тўпларидан вайронага айланган кўнгирокхонасини тиклашга кўрсатма берганида, тўшақда ётган бемор падре Никанор: «Бу қандай бемаънилик, насроний дин ҳомийлари ибодатхонани бузишади, массонлар эса қайта тиклашга буйруқ беришади», деб бежиз айтмаган эди. Полковник Аурелиано Буэндиа бирор нажот илинжида, кўзғолончи гуруҳларнинг командирлари билан маслаҳатлашиб, соатлаб телеграф ёнида ўтирар ва ҳар сафар телеграф идорасидан, «уруш боши берк кўчага кириб қолди», деган ишонч билан чиқарди. Кўзғолончилар эришган ҳар бир ғалаба дарҳол халққа тантанали хабар қилинарди, полковник харитадан бу ғалабаларнинг чинакам микёсини аниқлаб чиқар экан, ўзининг шонли кўшинлари безгагу пашшалардан ҳимояланиб, асл йўналишга бутунлай тескари томонга, чангалзору ботқоқлар томон кетиб бораётганини кўрарди. «Вақтни бой беряпмиз,— шикоят қиларди у офицерларига,— токи бу бефаҳм сиёсатдонлар ўзларига конгрессдан минг тавалло қилиб жой ундириш билан овора экан, биз бундан кейин ҳам беҳуда кун ўтказавраимиз». Полковник Аурелиано Буэндиа яқиндагина ўзининг отилишини кутиб ётган ўша хонага осиглиқ гамакда уйқу-сизлик азобида чалқанча ётаркан, қора либос кийиб олган бу қонунпарастларни тасаввур қилди: уларнинг муздек тонгда президент саройидан чиқиб, ёқаларини қулоқларигача кўтариб олишларини, қўлларини бир-бирига ишқашларини, ўзаро шивирлашларини ва президентнинг ҳақиқатан ҳам «ҳа» деганида нима демоқчи бўлганию «йўқ» дегани нимани англатишини муҳокама қилишлари учун тунги қаҳвахоналарга бекиниб олишларию ҳаттоки президент ўзи ўйлаган нарсага зид фикр билдирганида нималарни кўзда тутганидан фол очишларини тасаввур этар ва ҳарорат ўттиз беш даражага кўтарилганда ўзининг айни лаҳзада, ўттиз беш даражали дим иссиқда, чивинларга ем бўлиб ётганини ўйлаган сари ғазабланарди. У, ҳадемай шундай бир мудҳиш дам келадики, кўшинларга: «Ўзларингни денгизга ташланглар», деб буйруқ бермоқдан ўзга иложим қолмайди, деб хаёл қиларди.

Ана шундай укубатли тунларнинг бирида полковник ҳовлида солдатларга жўр бўлиб қўшиқ айтаётган Пилар Тернеранинг товушини эшитиб қолди ва ундан фол очишини сўради. «Оғзингга эҳтиёт бўл,— деди қарталарни уч марта чийлаб, уч марта фол кўрган Пила Тернера,— нелигини тушунмаяпману, аммо таҳдид жудаям равшан кўриниб турибди, ишқилиб оғзингга эҳтиёт бўл». Икки кундан сўнг номаълум одам ҳарбий хизматчилардан бирига бир финжон шакарсиз қаҳва узатди, у финжонни иккинчи ҳарбий хизматчига, иккинчисини учинчисига ўтказди, шу тариқа қаҳва то полковник Аурелиано Буэндианинг кабинетига пайдо бўлгунча, қўлдан-қўлга ўтиб борди. Полковник қаҳва буюрмаган эди, олиб келишган экан, майли-да, деб уни олиб ичди. Қаҳвага отни ҳам ўлдиришга етарли микдорда заҳар солинган эди. Полковник Аурелиано Буэндиани уйига олиб келишганида, мушаклари акашак бўлиб қотган, тили оғзидан чиқиб ётарди. Урсула ўғлини ажал панжасидан зўрға қутқариб қолди; ошқозонини қустириб тозалагач, қалин баҳмал кўрпаларга ўради ва икки кун токи ҳарорати тушгунча, тухум сариғи билан боқди. Тўртинчи кунни деганда полковник Аурелиано Буэндиа хавфдан бутундай

кутулди. Урсула ва офицерлар кўярда-қўймай уни тушакда тагин бир ҳафта ётишга кўндиришди. Худди ана шу кунлари у ўз шеърларининг ёндириб юборилмаганлигини билди. «Мен шошилишни истамадим,— деб тушунтирди Урсула.— Печкани ёққани борган ўша окшомда, токи менга унинг жасадини олиб келмагунларича, яхшиси, сабр қилиб турай, деб аҳд қилувдим». Ремедиоснинг чанг босган кўғирчоқлари куршовида қолган полковник тузалиш арафасида қўлёзмаларни ўқиб чиқаркан, ҳаётининг энг тотли лаҳзаларини бот-бот эслади. У яна шеър ёза бошлади. Узоқ хасталиги мобайнида, боши берк кўчага кириб қолган урушни тамом унутиб, ажал билан бекинмачоқ ўйнаган пайтларида тўплаган тажрибасини бўлақларга бўлди-да, қофияга солди. Ўшанда фикрлари шу қадар равшан тортдики, уларни чапдан ўнгга ва ўнгдан сўлга бемалол ўқий оладиган бўлди. Бир куни кечкурун у полковник Херинельдо Маркасан:

— Айт-чи, дўстим, сен нима учун жанг қиляпсан?— деб сўради.

— Жанг қилишим зарур бўлгани учун, биродар,— жавоб қайтарди полковник Херинельдо Маркес,— либералларнинг буюк партияси учун курашяпман.

— Мақсадингни билганинг учун бахтиёрсан. Мен эса фақат ўз такаббурлигим дастидан курашаётганимни эндигина англаб етдим.

— Яхши эмас бу,— деди полковник Херинельдо Маркес.

Унинг безовталаниши полковник Аурелиано Буэндианинг бир оз вақтини хуш этди.

— Албатта,— деди у.— Лекин ҳарна, нима учун жанг қилишингни билмасликдан кўра яхшироқ-да,— у дўстининг кўзларига қараб, кулди ва қўшиб қўйди:— Ёки худди сен каби, ҳеч кимга ҳеч қандай нафи тегмайдиган нарса учун жанг қилиш керак.

Илгари, либераллар партияси раҳбарлари уни қароқчи деб эълон қилган қарорларини ошқора рад этмагунларича, мамлакат ичкарисидаги кўзғолончилар отрядлари билан алоқа боғлаш учун йўл қидиришга полковникнинг ғурури йўл қўймасди. Қасаллик унга кўп нарсаларни ўйлаб кўришга имкон берди. У, Урсулани каттагина жамғармасини ва бобосининг ўша табаррук сандиқда сақланаётган тиллаларини беришга кўндирди. Полковник Херинельдо Маркесни Макондога ҳоким этиб тайинлади, ўзи эса мамлакат ичкарисидаги кўзғолончилар билан алоқа ўрнатмоқ учун шаҳардан чиқиб кетди.

Полковник Херинельдо Маркес полковник Аурелиано Буэндианинг энг ишончли одамигина бўлмай, балки Урсулага ҳам ўз ўғлидай бўлиб қолган эди. Юмшоқ, уятчан, одобли бу йигит ўз ўрнини амалдорлик хонасида эмас, кўпроқ жанг майдонида ҳисобларди. Сиёсий маслаҳатчилар миясини гангитиб қўйишлари ва назариянинг боши берк кўчаларига олиб киришлари ҳеч гап эмасди. У Макондода бир замонлар полковник Аурелиано Буэндиа тилла балиқчалар ясаб, қариган чоғида тинчгина ўлишни орзу қилган қишлоққа хос осойишталик ва хотиржамлик мухитини юзага келтирди. Полковник Херинельдо Маркес ота-онасиникида яшар, ҳафтасига икки-уч мартаба Урсуланинг уйига овқатлангани келарди. Ёш Аурелиано Хосега милтиқ отишни тез ўргатди, ҳарбий юришни машқ қилдирди, сўнг, майли, бир йўла йигит бўлиб қўяқолсин, деган ниятда, Урсула рухсати



билан уни бир неча ойга казармага кўчирди. Бу воқеалардан кўп йиллар олдин, ҳали ўсмир эканида, Херинельдо Маркес Амарантага севги изҳор қилган эди. Аммо кўнгли Пьетро Креспига бўлган бесамар муҳаббат билан банд қиз, Херинельдонинг устидан кулди. Херинельдо Маркес кутишга аҳд қилди. Бир куни, қамоқда туриб, Амарантага мактуб йўллаб, бир дюжина<sup>1</sup> батис рўмолчага отаси исму шарифининг бош ҳарфларини тикиб беришини илтимос қилди. Мактубга қўшиб пул ҳам юборди. Бир ҳафтадан кейин Амаранта қамоқхонага тайёр рўмолчаларни у юборган пул билан бирга қўшиб олиб келди ва ўтмишни эслаб, узоқ суҳбат қурдилар. «Бу ердан чикқанимдан кейин сенга уйланаман», деди унга хайрлаша туриб Херинельдо Маркес. Амаранта жилмайиб қўйди. Энди у қарамоғидаги болаларга ўқишни ўргатаркан, нуқул полковник Херинельдо Маркесни ўйлар, зора уни ўша ёшлик эҳтиросим билан яхши кўролсам, дея орзу қиларди. Қамоқхонадаги маҳбусларни кўришга фақат шанбада рухсат этиларди. Қиз ўша кунлари Херинельдо Маркеснинг қариндошларини излаб борар ва бирга қўшилиб, қамоқхонага йўл оларди. Бир шанбада Урсула қизини ошхонада учратди: Амаранта бисквит пишираётган экан. Урсула ажабланиб:

— Унга тегақол,— дея маслаҳат берди,— яна шундай одамни учратишинг даргумон.

Амаранта ижирғанди, қовоғи осилди.

— Эркакларнинг кетидан югуриш менга зарил кептими?— жавоб берди у.— Мен Херинельдо Маркесга раҳмим келганидан бисквит элтаман, ахир, эртами-кечми уни отиб ташлашадим.

У отиш ҳақида гапирса ҳам бунга ишонмасди. Аммо худди шу пайтда ҳукуматнинг, агар исён кўтарган қўшинлар Риоачани топширишмаса, полковник Херинельдо Маркес қатл этилади, деган қарори эълон қилинди. Маҳбуслар билан учрашиш бекор этилди. Амаранта ётоқхонага беркиниб олди ва Ремедиос ўлганида юрагига азоб берган ўша гуноҳкорлик ҳиссига ўхшаш туйғудан азоб чекиб, кўзёши тўкди: гўё узининг калондимоғлиги билан яна бир одамнинг хунига зомин бўлгандай эди. Онаси юпатди, полковник Аурелиано Буэндиа дўстини оттириб қўймайди, келиб қутқарар, дея ишонтирди, уруш тугасин, Херинельдони ўзим қакираман, деб ваъда берди. Урсула бу ваъдасини белгиланган муддатидан аввал адо этди.

Херинельдо Маркес ҳокимлик лавозимини эгаллаб, уйларига келганида Урсула уни ўз ўғлидек кутиб олди, уйда узоқроқ ушлаб туриш учун нозик хушомад қиларкан, кўнглида, илоёй йигит Амарантага уйланиш ҳақидаги аҳдини эсласин-да, дея худога астойдил ёлворди. Урсуланинг ўтинчи ижобатга ўтди, шекилли, полковник Херинельдо Маркес Буэндилар хонадонига бот-бот келадиган, таомдан сўнг гуллар экилган галереяда Амаранта билан шашка ўйнагани қоладиган бўлди. Урсула қаҳва ва бисквит келтирар, холи қолишларига ҳалақит бермасинлар, деб ўзи болалардан огоҳ бўларди. Амаранта ёшлигида юрагини ўртаган эҳтиросни ва унутилиб, устини кул қоплаган чўғни

<sup>1</sup> Д ю ж и н а — ўн икки дона.

аланга олдириш учун зўр бериб уринарди. Дилдаги ҳаяжон ортгандан ортиб, энди полковник Херинельдо Маркеснинг овқат пайти ва кечкурун шашка ўйинида ҳозир бўлишини кутарди. Шашка доналарини сурганида бармоқлари билинар-билинимас титровчи, ғуссали ва шоирона исмли<sup>1</sup> бу жангчи билан суҳбатлашганида вақт ўтганини сезмай қоларди. Аммо полковник Херинельдо Маркес Амарантадан хотини бўлишини сўраган куни рад жавоби олди:

— Мен ҳеч кимга эрга тегмайман,— деди қиз,— айникса сенга. Сен Аурелианони шу қадар севасанки, унга уйлана олишинг мумкин эмаслиги учун ҳам менга уйланмоқчисан.

Полковник Херинельдо Маркес сабр-тоқатли одам эди. «Мен кутаман,— деди у,— эртами-кечми, сени бари бир кўндираман». У хонадондан оёғини узмади. Амаранта хонасига беркиниб олганича, пинҳоний аламини босар, талабаларининг Урсулага уруш янгиликларини гапириб бераётганини эшитмаслик учун қулоғини бармоқлари билан маҳкам беркитар, ўзи кўришга интиқ бўлиб турса-да, ҳузурига чиқмас эди.

Ўшанда полковник Аурелиано Буэндианинг бўш вақти кўпроқ бўлганидан Макондога ҳар икки ҳафтада хабар етказиб турарди. Лекин Урсулага жўнаб кетганидан қарийб саккиз ойдан кейингина хат ёзди, холос. Маҳбус чопар полковникнинг ҳуснихатида: «Отамни эҳтиёт қил, у яқинда ўлади», деган сўзлар битилган сўргичли каттакон, муҳрланган конверт келтирди. Урсула тинчини йўқотди. «Аурелианонинг айтгани доимо ўнгидан келади». Дарҳол Хосе Аркадио Буэндиани ётоқхонага кўчиришда одамлардан ёрдамлашишни сўради. Хосе Аркадио Буэндиа аввалгидай баҳайбат эди, қолаверса узок йиллар мобайнида каштан дарахти тагида ўтиравериб, вазнини ўз хоҳишига кўра, оғир қилишдан ғаройиб қобилятни ҳам билардики, уни олти нафар эркак ҳам ўриндиғидан кўтара олмади, ахийри каравотгача судраб боришга мажбур бўлишди. Қуёшда қорайган, ёмғирлардан роса ивиган бу улкан чол ётоқхонага жойлашганида, хона ҳавосига гуллаётган каштан ва кўп йиллик рутубат ҳиди ўрнашиб қолди. Эртасига эрталаб унинг тўшаги бўм-бўш эди. Хоналарни қидириб чиққан Урсула, эрини яна каштан тагидан топди. Сўнг яна каравотга боғлаб қўйишди. Хосе Аркадио Буэндиа олдингидек бақувват бўлса-да, ортиқ қаршилиқ кўрсатмади. У ҳамма нарсага лоқайд эди, каштан тагига ҳам атайлаб эмас, балки танаси ўша жойга ўрганиб қолгани боис борган эди. Урсула эрига ҳамиша овқат таширкан, Аурелиано ҳақидаги янгиликларни гапириб берарди. Лекин, очғини айтганда, Хосе Аркадио Буэндиа фақат бир киши — Пруденсио Агиляр билан мулоқот қилишга қодир эди. Ўлғудай ҳолсизланиб, тўкилиб қолган Пруденсио Агиляр қунига икки маротаба келарди. Улар кўпроқ хўрозлар ҳақида суҳбатлашишарди. Ҳатто биргаликда ажойиб паррандалар етиштирадиган қўриқхона қуришга аҳд қилишди. Бу тадбир хўрозлар ғалабасидан шодланиш ниятида эмас, балки ўлимнинг туган-

<sup>1</sup> Херинельдо — испан халқ романсининг қаҳрамони, уни подшонинг қизи яхши кўриб қолади.



мас ва зерикарли кунларида нима биландир овуниш учун керак эди (ўшанда бу эрмакнинг ҳожати ҳам қолмайди). Пруденсио Агиляр Хосе Аркадио Буэндиани ювинтирар, овқатлантирар, сўнг Аурелиано исмли номаълум ва қаердаги урушда юрган полковник унвонидаги одам ҳақида қизиқарли хабарларни сўзлаб берарди. Хосе Аркадио Буэндиа ёлғиз қолганида сон-саноксиз хоналарни туш кўради: гўё эшикни очиб, худди шу хонадаги темир суянчикли каравоту хивичлардан тўқилган курси қўйилган ва орқа деворига Биби Марямнинг кичик тасвири туширилган хонага ўтарди. Кейин айна шунга ўхшаш, эшиги нариги хонага очиладиган бошқа хонага, ундан яна аввалгисига ўхшаган хонага ўтарди. Хонадан-хонага ўтишларнинг ниҳояси йўқдек эди. Унга бу иш хуш ёқар, гўё узун галерея бўйлаб, ҳар икки тарафга ўрнатилган кўзгуларни оралаб юргандай бўларди... Сўнгра Пруденсио Агиляр кифтига қўлини қўярди. Шунда аста-секин уйғонар, яна хонама-хона юриб ортига қайтар ва Пруденсио Агиляр билан ҳақиқий хонада учрашмагунича, узундан-узок йўлни босиб ўтарди. Аммо Хосе Аркадио Буэндиани каравотга кўчирганларидан икки ҳафта ўтгач, бир куни тунда, эндигина тушида нариги хонага ўтганида Пруденсио Агиляр елкасидан туртди. У эса ана шу рўёвий хонани ҳақиқий хона деб ўйлаб, ортига қайтмай, шу ерда муқим қолиб кетди. Эртасига эрталаб эрига нонушта олиб кираётган Урсула йўлакда рўпарасидан келаётган нотаниш эркакни бехосдан кўриб қолди. Кичик жуссали, гирдигум, қора мовут қўйлак кийган, катта қора шляпаси мунгли кўзларини деярли бекитган кишига кўзи тушди-ю, «Вой, худойим-ей, — деб юборди. — Ахир, бу Мелькиадеснинг ўзи-ку!» Лекин бу одам Виситасьоннинг акаси — ўша уйқусизлик касалидан қочиб кутулган ва ўшандан буён дом-дараксиз йўқолган лўли эди. Виситасьон ундан нега келганлигини сўради, акаси унга ўз қабиласининг тантанали ва тиник лаҳжасида жавоб берди:

— Мен қиролни дафн этишга келдим.

Ўшанда ҳаммалари Хосе Аркадио Буэндианинг хонасига киришди, уни бор кучлари билан силкитишди, қулоғига бақиришди, бурнига кўзгу тутишди, лекин бари бир уйғота олишмади. Анчадан кейин, дурадгор марҳумга тобут ясаш учун унинг андасасини олаётганида, дераза ортида митти сарик гуллар ёмғир бўлиб ёғаётганини кўришди. Гуллар кечаси билан сим-сим ёғиб чикди, томларни қоплади, эшикларни қўмиб юборди. Гуллар ҳатто очикда ухлаб қолган жониворларни димиктириб ўлдирди. Осмондан шунчалик кўп гул ёғдики; эрталаб гўё бутун Макондо узра гилам тўшалгандай бўлди; белкурак ва хаскашлар ёрдамида тобуткашлар учун йўл очишди.

\* \* \*

Амаранта хивичдан тўқилган тебранма курсида каштасини тиззасига қўйиб ўтирганча, юзларию иягига совун қўпиғи суртиб, қулидаги паккисини хом тери камарга қайраб, умрида илк бор соқол ола бошлаган Аурелиано Хосега боқарди. Йигитча сарғиш тукларига мўйлов шаклини беришга уриниб, хуснбузарларини кўчириб юборди. Тепа лабини кесиб олди ва олдин қандай бўлса шундайлигича қолди. Амаран-

та бу мураккаб маросимни кўриб, Аурелиано Хосе ана шу пайтдан бошлаб қарий бошлади, деган хаёлга борди.

— Сен ҳозир Аурелианонинг ўзисан, айнан унинг ёшидасан,— деди йигитчага.— Энди сен эр кишисан.

Аммо йигитча анча илгари, аммаси уни ҳанузгача бола ҳисоблаб, одатдагидай мўрчага киришганида уялмай-нетмай ечинган ўша олис кундаёқ эркишига айланган эди. Пилар Тернера болани топшириб кетган кундан буён Амаранта шундай қиларди. Аввалига бола Амарантанинг кўкраклари ўртасидаги ботиқ жойга қизикди. Ўшанда соддалигидан Амарантадан бу ерингга нима бўлган, деб сўради, қиз эса: «Ковлашди, ковлашди ва, ниҳоят, ковлаб олишди», деб жавоб берди, сўнг қўли билан қандай ковлашганларини ҳам кўрсатди. Орадан анча вақт ўтиб, Пьетро Креспининг ўлиmidан сўнг ўзини сал ўнглаган Амаранта тагин Аурелиано Хосе билан ювина бошлаганида, у қизнинг аввалги жойига эътибор бермади, лекин бўлиқ кўкракларининг долчинранг учлари баданига нотаниш бўлган бир титроқ киритди. Аурелиано Хосе ҳали гўдаклигидаёқ ҳар сафар тонгга яқин ўз гамагидан Амарантанинг тўшагига чопкиллаб ўтишга одатланган эди. Унинг ёнига ўтса бас, барча ҳадигу хавотирлардан халос бўларди. Аммо Амарантанинг яланғоч баданига эътибор берган ўша кундан бошлаб, зимистондан кўркиш эмас, балки тонг маҳали унинг иссиқ нафасини туйиш истаги болани пашшахона ичидаги қизнинг ўрнига ўтишга ундарди. Кейин улар ҳолдан тойдирадиган эркалашларга батамом берилиб, яланғоч ҳолда бирга ухлайдиган, бурчак-бурчакларга яшириниб оладиган ва ҳаяжонга чулғаниб, истаган маҳалда ётоқхонага беркинадиган бўлишди. Бир гал Урсула, улар эндигина ўпишиб бўлишган қазноққа бехосдан бостириб келиб қолди. «Сен аммангни жудаям яхши кўрасанми?» деб сўради у неварасидан соддадиллик билан. Бола тасдиқ маъносида жавоб қайтарди. «Тўғри қиласан», деди Урсула, сўнг хамирга ун олиб, ошхонага қайтди. Шу кичик воқеадан кейин Амаранта бирдан ҳушёр тортди. У ҳаддиданшиброқ кетганини, эндиликда бола билан жўнгина ўпиш-ўпиш ўйнамасдан, балки анча кеч тутилган бесамар ва қалтис эҳтиросга берилганини тушунди, тушунди бу ишга узил-кесил нуқта қўйди. Ҳарбий ўқишини охирига етказаётган Аурелиано Хосе ҳам тақдирга тан бериб, қазармада тунай бошлади. Энди шанба кунлари у солдатлар билан бирга Катаринонинг ишратхонасига борарди.

Орадан сал вақт ўтгач, Макондога урушнинг бориши тўғрисида яна бир-бирига зид хабарлар кела бошлади. Ҳукумат қўзғолончиларнинг ғалаба кетидан ғалаба қозонаётганларини расмий тан олса-да, Макондодаги офицерлар таслим бўлиш муқаррарлиги ҳақидаги махфий маълумотларни билар эдилар. Апрельнинг бошида полковник Херинельдо Маркес ҳузурига чопар келди. У, ҳақиқатан ҳам либераллар партиясининг раҳбарлари ўз вилоятларидаги қўзғолончи отрядларнинг бошлиқлари билан музокара олиб бориляпти, яқин орада ҳукумат билан сулҳ тузилади, сулҳ шартига кўра, либераллар учта министрлик курсисини олишади, парламентда либераллар гуруҳи вужудга келади ва қуролларини топширган қўзғолончилар учун умумий авф эълон қилинади, деб тушунтирди. Чопар айна пайтда полковник



Аурелиано Буэндианинг сулҳ шартларига мутлақо зид махфий буйруғини ҳам келтирди. У полковник Херинельдо Маркесга, энг ишончли, ҳатто мамлакатни ҳам бирга ташлаб чиқиб кетишга тайёр беш нафар одамни шайлаб қўй, деб буюрган эди. Буйруқ гоёт махфий тарзда ижро этилди. Сулҳ ҳақида расмий хабар эълон қилинмасидан бир ҳафта бурун — Макондо бир-бирига зид турли миш-мишлар билан тўлиб-тошганида — полковник Аурелиано Буэндиа ва унинг садоқатли ўн нафар офицери, жумладан, Роке Қассоб ҳам, тун қоронғисида шаҳарга кириб келишди-да, гарнизондагиларни уйига таркатиб, қуролларни кўмишди, архив ҳужжатларини йўқ қилишди. Тонготарда эса полковник Херинельдо Маркеснинг беш нафар ишончли одами билан бирга Макондони тарк этишди. Операция шунчалик тез, шовқин-суронсиз бажарилдики, Урсула воқеадан энг сўнги дақиқада, ётоқхона деразасини аллақим оҳиста чертиб: «Агар полковник Аурелиано Буэндиани кўрмоқчи бўлсангиз, тезроқ чикинг», деб шивирлаганида огоҳ бўлди. У каравотдан ирғиб турди-да, тунги қўйлақда кўчага югурди, аммо ҳеч кимни учратолмади. Фақат узоқ қоронғиликдан туёқларнинг товуши эшитилди — бир тўда суворий жон борича чанг-тўзон кўтариб, Макондони ташлаб кетишарди. Эртаси куни Урсула Аурелиано Хосе ҳам отаси билан бирга кетганини билди.

Ҳукумат ва оппозициянинг, уруш тугади, деган қўшма баёноти чиққандан кейин ўн кунлар ўтгач, полковник Аурелиано Буэндианинг ғарбий чегарада кўтарган биринчи қўзғолони ҳақида хабар етиб келди. Ёмон қуролланган оз сонли қўзғолончилар отряди бир ҳафта ичида тор-мор қилинди. Аммо мамлакат аҳлини либераллар билан консерваторлар бир-бирлари билан ярашганига батамом ишонтиргунга қадар бир йил давомида полковник Аурелиано Буэндиа яна етти марта қуролли қўзғолон уюштирди. Бир куни тунда у елканли кема бортидан туриб, Риоачани тўплардан ўққа тутди. Риоача гарнизони бошлиқлари бунга жавобан шаҳардаги ўн тўрт нафар энг таниқли либерални тўшагидан кўчага судраб чиқиб, отиб ташлашди. Полковник Аурелиано Буэндиа чегарадаги божхона постини ишғол қилиб, уни ўн беш кундан зиёд сақлаб турди ва шу ердан мамлакатни умум-ҳалқ урушини бошлашга чорлади. У мамлакат пойтахти атрофидаги қишлоқларда қўзғолон кўтариш учун ҳали инсон қадами тегмаган чангалзорлар оралаб беш юз чақирим масофани уч ойча беҳуда тенти-ради, ҳатто Макондога йигирма чақирим қолгунча яқинлашиб келди, аммо ҳукумат кўшинларининг олдинги отряди зўрлик қилиб, уни тоғ тарафга бундан анча йиллар илгари отаси испан кемаси қолдиғини топган ўша афсункор ерларга чекинишга мажбур этди.

Виситасьон худди ана шу дамларда ўлди. У асл ниятига етиб, ўз ажали билан оламдан қўз юмди. Ва шу тахлит, уйқусизлик касали юкиб, бемаҳал ўлимга гирифторм бўлмайн, деб тахтдан воз кечгани зое кетмади. Хунду аёл йигирма йилдан зиёдроқ хизмати мобайнида тўплаган пулларини каравоти остидан олиб, урушни давом эттирсин деб полковник Аурелиано Буэндиага жўнатишларини васият қилди. Аммо Урсула бу пулларга қўлини ҳам теккизмади, чунки ўшанда полковник Аурелиано Буэндиа вилоятнинг бош шаҳри яқинида қирғоққа тўшаётганида ҳалок бўлди, деган миш-миш тарқалган эди. Бу унинг

ўлими ҳақида сўнги икки йил мобайнида тарқалган расмий хабарларнинг тўртинчиси бўлиб, олти ойгача ишониб юришди. Урсула билан Амаранта эски азалар тугамай туриб, янги аза очганларида, Макондо бўйлаб одамларни ларзага солувчи бошқа хабар тарқалди. Полковник Аурелиано Буэндиа тирик, факат у ўз ҳукуматига қарши курашишдан воз кечиб, Кариб денгизининг қайсидир мамлакатада ғолибона жанг олиб бораётган федералчиларга қўшилиб кетган экан. Ҳа, полковник исмини ўзгартириб, ҳар сафар она ватанидан йироқ-йироқ жойларда пайдо бўларди. Кейинчалик унинг Марказий Америкадаги барча федерал кучларни бирлаштириш ва бутун қитъадаги — Аляскадан то Патагониягача бўлган барча консерватор ҳукуматларини ағдариб ташлаш ғоясидан ниҳоятда руҳлангани маълум бўлди. Урсула кўп йиллардан сўнг ўғлидан мактуб олди; Сантьяго де Кубадан юборилган бу хат қўлдан-қўлга ўтаверганидан роса ғижимланиб, ҳарфлари хиралашиб кетган эди.

— Биз Аурелиано бир умрга йўқотдик,— деди хўрсиниб Урсула хатни ўқигач.— Шу кетиши бўлса, яна бир йилдан кейин дунёнинг нариги чеккасига ҳам етиб боради.

Урсула бу сўзларни уруш тугагач, Макондога ҳоким бўлган генерал-консерватор Хосе Ракель Монкадага айтди, хатни ҳам кўрсатди. Эҳ, қанийди Аурелианодек шоввоз йигит консерватор бўлса!» деди генерал Монкада. У полковник Аурелиано Буэндиа билан чинакамига фахрланарди. Консерваторлар партиясининг ҳарбий ишга алоқаси бўлмаган ўнлаб аъзолари сингари Хосе Ракель Монкада ҳам ўз партиясини манфаатларини ҳимоя қилиш учун урушда қатнашди ва генерал унвонига эришди. У партиядош дўстлари каби тажовузкор ҳарбийларга тиш-тирноғи билан қарши эди, бу бетайин дангасалар, фитначи ва мансабпарастлар тинч фуқарони эзиш учун атай сувни лойқалаётир, деб ўйларди... Ақлли, ёқимтой, хушчақчақ, таомларниқ хўроз уриштиришни яхши кўрадиган Хосе Ракель Монкада бир вақтлар Аурелиано Буэндианинг энг хавфли рақиби ҳисобланарди. У соҳилбўйи районларидаги ҳарбийга кирган кишилар ўртасида катта обрўга эга эди. Генерал бир гал, стратегик мулоҳаза бўйича Аурелиано Буэндиа қандайдир кальани ташлаб кетишга мажбур бўлганида, унинг номига иккита хат қолдирганди: муфассал баён этилган биринчи хатда, инсоф билан, ғирромсиз, одамларни ўйлаб уришайлик, деб таклиф қилинган; иккинчиси эса кўзғолончилар эгаллаган территорияда қолган рафикасига ёзилган эди. Шу воқеадан кейин уруш энг авжига чиққан пайтларда ҳам иккала қумондон асирларни айирбош қилиш учун сулҳ тузишарди. Ўшанда танаффус пайти генерал Монкада полковник Аурелиано Буэндиага шахмат ўйнашни ўргатарди. Улар иноқ дўстга айланиб қолишди. Баъзида иккала партиядоги оддий одамларни бириктириш орқали ҳарбийлар ҳамда профессионал сиёсатдонларнинг таъсирини барбод этиш ва бу партиаларнинг энг яхши назариялари татбиқ этилган инсонпарвар тузум ўрнатиш имконияти ҳақида орзу қилар эдилар. Уруш тугагач, полковник Аурелиано Буэндиа кўпоровчилик ишига берилди, генерал Монкада эса Макондо шахрида аввал ҳарбий, кейинроқ фуқаровий ҳокимликни қўлга киритди. У ҳарбий кийимини фуқаро либосига алмаштирди, солдатларни қуролсиз жан-



дармачиларга айлантирди. Монкада умумий авф конунларини хур-матлашга даъват этар, урушда ҳалок бўлган айрим либералларнинг оилаларига ёрдам берарди. У елиб-югуриб Макондони муниципал округ маркази деб эълон қилдиришга эришди, шаҳарда осойишта турмуш ўрнатилдики, одамлар назарида уруш дегани бир вақтлар кўрилган алок-чалок тушга ўхшаб қолди. Жигар оғриги тўхтовсиз хуруж қилавериб, бутунлай ҳолдан тойган падре Никанорнинг ўрнини биринчи федералчилар — уруш ветерани, падре Коронель эгаллади, Макондода уни Вайсақи деб аташарди. Ампаро Москотегга уйланиб, ўйинчоқлар дўконини илгаригидек гуллатаётган Бруно Креспи ша-ҳарда театр қурди ва эндиликда Испания театр труппалари Макондони ҳам гастролга бориладиган манзиллар рўйхатига киритишди. Театр улкан, томсиз бинода жойлашган бўлиб, ёғоч ўриндиклар ўрнатилган, саҳнага юнон ниқоблари тасвири туширилиб бахмал пардалар осилган ва оғзини катта очиб турган шерларнинг боши тарзида ишланган учта кассада чипталар сотиларди. Мактаб биносини ҳам тартибга келти-ришди, унга водий шаҳарчаларининг биридан юборилган кекса муал-лим дон Мельчор Эскалона бошчилик қиларди. У ялқов талабаларни чағиртош тўшалган ҳовли бўйлаб тиззалаб эмаклашга, вайсақиларини аччиқ ҳинд қалампери ейишга мажбур этарди — бу жазоларнинг ҳаммаси макондолик ота-оналарнинг таҳсинига сазовор бўлди. Санта София де ла Пьедаднинг ўжар эгизаклари Аурелиано Иккинчи билан Хосе Аркадио Иккинчи тоштахталарини, бўр ва алюмин финжон-ларини кўтарганча, синфхонага биринчилар қаторида келиб ўтирдилар; онасидек чиройли Ремедиос энди Гўзал Ремедиос бўлиб ном қозонган эди. Қарилик устма-уст мотам ва беҳисоб ташвишларга қарамасдан, Урсула ҳануз бардам эди. У Санта София де ла Пьедад ёрдамида қандолатчилик ишини яна шакллантирди ва ўғли урушга сарфлаган маблағ ўрнини қоплабгина қолмай, балки офтобда қуритилган бир неча қовоқни тиллага тўлдириб, ётоғига яшириб қўйди. «Худо омон-хатини олгунича,— қайта-қайта такрорларди у,— бу телба хонадонда намиша етарли пул бўлади». Отдек бақувват, ҳиндулардек қорамғиз, сочи узун Амарантага уйланишга аҳд қилиб, федералчиларнинг Ника-рагуадаги қўшнилари сафидан қочган ва ҳозир немис кемасига мат-росликка ёлланган Аурелиано Хосе ошхонага кириб келганида аҳвол шундай эди.

Йигит бир оғиз сўз демаса-да, Амаранта унинг нега қайтиб кел-ганини дарҳол тушунди. Стол атрофида улар бир-бирларига қараш-га журъат этишолмади. Аммо икки ҳафта ўтгач, Аурелиано Хосе Урсуланинг кўз ўнгида Амарантага тикилиб: «Мен доимо сени ўйла-дим», деди. Амаранта ўзини олиб қочарди. Йигитга дуч келмаслик учун у доимо Гўзал Ремедиосдан ажралмасди. Бир куни Аурелиано Хосе Амарантадан, қўлингдаги қора тасмани қачонгача тақиб юрасан, деб сўради. Амаранта бу гапнинг боқираликка шама эканини тушуниб, уятдан қизариб кетди, ўзидан норози бўлди. У энди ётоғини қулфлаб ётарди, бироқ кейин Аурелиано Хосенинг қўшини хонада бемалол хуррак отишини эшитиб, эҳтиёткорликни унутди. Икки ойлар ўтгач, бир тунда Амаранта йигитнинг ётоққа кирганини сизди. Ўшанда қочиш ёки бақириш ўрнига ширин бир энтикдию қотиб қолди. Ўшал шаҳар-

дан бошлаб, уларнинг то тонггача давом этадиган бесамар курашлари қайта тикланди. «Мен аммангман, — шивирлади энтикиб Амаранта, — салкам онангман, ёшим ҳам катта, фақат сени эмизмаганман, холос». Аурелиано Хосе тунда қайтиб келиш учун сахармардонда чиқиб кетар ва лўкидони бекитилган эшикни кўрғанида баттар хаяжонга тушарди. У Амарантани кўмсарди: забт этилган шахарларнинг қоронғи ётоқларида учратар, унинг сиймоси ярадорларнинг бинтларига сингган қоннинг нафасни бўғувчи ҳидида ҳам, ўлим хавфи олдидаги лаҳзалик ваҳимасида ҳам кўз ўнгида турарди гўё. Асли у қуролдошлари «довюраклик» деб атаган мияни гангитувчи шафқатсизликка тақлид қилиб Амаранта ҳақидаги хотирани барбод этишга уринган ва уйдан қочган эди, аммо у қиз сиймосини уруш ўз балчиғига қанча кўп қориштирмасин, ҳеч эсдан чиқармади. Токи ўз аммасига уйланган одам ҳақидаги эски латифани эшитмагунча, қувғинликда азоб чекди, ўзига-ўзи ўлим тилади, шу йўл билан Амарантадан кутулишни истади.

— Ахир, одам ўз аммасига ҳам уйланадими? — деб сўради ўшанда Аурелиано Хосе.

— Нафақат аммасига, — жавоб қайтарди солдатлардан бири. — Ахир, биз нега попларга қарши курашяпмиз? Кимки, истаса, ўз онасига ҳам уйланиши учун курашяпмиз-да!

Ана шу суҳбатдан икки ҳафта ўтгач, Аурелиано уйига қочиб келди. Амаранта аввалгидан рангги синикқан, босиқ, балоғатнинг сўнги чегарасига яқинлашиб қолган, аммо ётоқнинг қоронғилигида жўшқин, ўзининг жангари мудофааси билан ҳар қачонгидек хаяжонга соладиган бўлиб кўринди. «Сен ҳайвонсан, — дерди Амаранта унинг таъкибларидан силласи қуриб. — Ахир, аммага уйланиш учун фақат Рим папасидан рухсат олиш кераклигини билмайсанми?» Аурелиано Хосе эмаслаб бўлса-да, Европага, Римга боришга ва ҳатто авлиё папанинг бошмоғини ўпишга ваъда берди.

— Гап рухсатдагина эмас, — рад қиларди Амаранта. — Ахир, бундай никоҳдан чўчка думли болалар тугилади-да.

Аурелиано Хосе унинг важ-қарсонларини эшитишни хоҳламас эди.

— Тимсоҳ туғилса ҳам майлига, — дерди у.

Бир куни тонгда азобга дош беролмай, Катаринонинг муассасасига йўл олди. Аурелиано Хосе у ердан арзонгина пулга ширинсўз, кўкраклари салқиб қолган, аммо дардига вақтинча малҳам бўладиган аёлни топди. У Амарантани сохта бепсандлик билан енгмоқчи бўлди. Галереядан ўтар экан, қизга ҳатто бир оғиз ҳам гапирмади. Амарантанинг елкасидан тоғ қулагандек бўлди. У яна Херинельдо Маркесни ўйлай бошлади, кечқурун бирга шашка ўйнаган дамларини орзиқиб эслади ва уни ўз ётоғида кўришни истаб қолди. Аурелиано Хосе ўзининг қанчалар катта хато қилганини тасаввур ҳам этолмасди. Бепарво кўриниш жонига тегиб, бир гал кечаси яна тағин Амарантанинг хонасига борди. Амаранта ҳеч иккиланмай, қатъийлик билан рад этиб, эшигини маҳкам қулфлаб олди.

Аурелиано Хосе Макондога қайтганидан бир неча ой ўтгач, уларига семиз, ёсумангул ҳиди таратувчи бир аёл беш яшар боласи билан кириб келди. Аёл Урсулага, бу бола полковник Аурелиано



Буэндианинг ўғли, уни чўқинтириш учун сизга олиб келдим, деб айтди. Бу ҳеч кимда шубҳа уйғотмади, гўдак полковникнинг ўзгинаси эди. Аёлнинг айтишича, бола кўзлари очик ҳолда туғилган ва атрофга қандайдир димоғдорларча боккан, бирор нарсага мижджа қоқмай тикилишини кўрган одамни чўчитар экан. «Отасининг ўзгинаси,— деди Урсула,— фақат кўз кири билан курсиларни кимиралиши етмай турвди».

Болага Аурелиано деб исм қўйиб онасининг фамилиясини беришди: қонунга биноан, то отаси тан олмагунча, бола унинг фамилиясига ўтолмасди. Генерал Монкада чўқинтирган ота бўлди. Амаранта бола-ни ўз тарбиясига олишга уриниб кўрди, аммо онаси кўнмади.

Илгари Урсула қизларни худди товукларни зотдор хўрозлар олди-га қўйиб юборгандек машҳур қўмондонларни ётоғига йўллаш удумини эшитмаган бўлса-да, унинг борлигига айни ўша йили ишонди: полковник Аурелиано Буэндианинг яна тўққиз нафар шундай ўғлини чўқинтириш учун уйига олиб келишди. Уларнинг тўнғичи қора соч, кўк кўз ғалати бола бўлиб (у отасига ўхшамас эди) ёши ўндан ошганди. Ёши ҳар хил, турли тусдаги болаларнинг бари ўғил бўлиб, бир-бирига ўхшашлигидан отаси бир киши эканига шубҳа қолмасди. Урсула фақат икки неварасини аниқ эслаб қолди: бири гавдаси ёшига нисбатан анча катта бўлиб, у Урсуланинг гулдони ва бир неча ликобчасини чил-чил синдирди; гўёки кўллари теккан нарса синмай қолиши дарғумондек туюларди. Бошқаси оқсарикдан келган, кўзлари онасиникидек кулранг-кўкиш, сочлари эса худди қизларникидай узун ва жингалак эди. У уйга худди шу ерда туғилиб ўсган ва бу ерни мукаммал биладиган одамдек, заррача хижолат тортмай кириб келдию тўғри Урсуланинг ётоғидаги қутича томон юриб: «Менга мурватли раққоса керак», деб айтди. Урсула аввалига чўчиб тушди. Қутичани очиб, Мелькиадес давридан қолган эски-туски нарсаларни кавлаштириб, ичидан эски пайпоққа ўраб ташланган раққосани топди; қачонлардир Пьетро Креспи олиб келган бу ўйинчоқ ҳамманинг эсидан чиқиб кетган эди. Полковник Аурелиано Буэндианинг ўн икки йил урушичи, қадами теккан жойларда орттирган ўғилларининг барчасига Аурелиано, деб ном берилди. Улар ўз оналарининг фамилияларини олишди. Полковник ўғилларининг жами сони ўн еттитага етди. Дастлаб Урсула уларнинг чўнтақларини пул билан тўлдирар, Амаранта бўлса болаларни олиб қолишга уринар эди. Аммо кейинчалик Урсула билан Амаранта бирон-бир совға беришу чўқинтирувчи оналар вазифаси билан чекланадиган бўлишди. «Биз уларни чўқинтириб ҳам ўз бурчимизни бажаряпмиз,— дерди Урсула махсус китобчасига галдаги онанинг фамилиясини ва адресини, бола туғилган кун ва жойни ёзаркан.— Ҳисоб-китобимиз аниқ бўлиши даркор, Аурелиано қайтиб келиб фарзандларига оталик қилади-да».

Урсула бир кун тушлик маҳали генерал Монкада билан фарзандининг серпуштлигини муҳокама қила туриб, ўғлим тезроқ келиб болаларини бир жойга йиғса яхши бўлармиди, деб айтди.

— Хавотир олманг, қариндош,— сирли жавоб қайтарди генерал Монкада.— У сиз ўйлаганингиздан олдинроқ келади.

Генерал Монкада очишни истамаган сир шу эдики, полковник Ауре-

лиано Буэндиа ҳаётидаги энг узок, энг оғир ва серталофат кўзгонга бошчилик қилиш учун аллақачонок ватани томон йўлга тушган эди.

Вазият биринчи уруш бошланган вақтдагига ўхшаб, яна кескинлашди. Ҳокимнинг ўзи рағбатлантириб турадиган хўроз уриштиришлар таъқиқланди. Гарнизон қўмондони капитан Акилес Рикардо тинч фукарога ҳам ҳокимлик қила бошлади. Либераллар уни «иғвогар» деб эълон қилишди. «Бир бало бошланиши аниқ,— дерди Урсула Аурелиано Хосега.— Кеч соат олтидан сўнг кўчага чиқма». Унинг ёлворилари бефойда эди. Аркадио бир вақтлар унга бўйсунмай қўйганидек, Аурелиано Хосе ҳам Урсуланинг измидан чиққан, деярли бегона бўлиб қолган эди. Уйга қайтиб келгач, ҳавойиликка ўрганди, егани олдида, емагани ортида, ҳуллас, кайфу сафога берилиб, худди амакиси Хосе Аркадио каби ишэкмас, танбал бир кимсага айланди. Амарантага ишқивозлиги йигит юрагида ҳеч қандай жароҳат қолдирмасдан сўнди. У гўёки толе тўлқинлари ичра сузарди: бильярд ўйнар, дуч келган бузук хотинларга илакишар, Урсула яширган пулларни ахтариб, уйдаги тешигу кавакларни титар эди. Ниҳоят, у уйга кийимини алмаштириш учунгина келадиган бўлди. «Буларнинг бари бир гўр,— шикоят қиларди Урсула.— Дастлаб ювош, итоаткор, худди мусичадек беозор ўсишади, иягига тук битди дегунча, дарҳол гуноҳга ботишади». Ўзининг наслу насабига қизикмаган Аркадиодан фарқли ўларок, Аурелиано Хосе сўраб-суриштириб, онаси Пилар Тернера эканини билиб олди. Пилар Тернера ўғлининг пешинги ҳордигини ўйлаб, уйига Аурелиано Хосенинг тўр беланчагини осиб ҳам қўйди. Уларни чинакам она-болалик эмас, балки ёлғизлик ҳисси бирлаштиради. Пилар Тернеранинг қалбидаги сўнгги умид учкунлари ҳам сўнган эди. Унинг кулгиси орган овозидек йўғонлашган, тасодифий, нохуш эркалатишлардан кўкраклари шалвираб қолган эди. Энди у пуч умидлар бағишловчи фолбинликдан воз кечган ва бегоналарнинг севгисидан юпанч топиб, осудагина ҳаёт кечирарди. Аурелиано Хосе пешинда дам оладиган хонада қўшни кизлар ўзларининг тасодифий маъшуклари билан учрашиб туришарди. «Киришга руҳсат бер, Пилар», дейишарди хонага бостириб кириб. «Марҳамат қилинлар,— жавоб берарди Пилар. Агар ёнларида яна бирор одам бўлса, тушунтирарди:— Бировларнинг роҳат қилишини кўрсам, худди ўзим роҳатлангандай бўламан».

У хизматлари учун пул олмасди. Ўзининг хушторлари — оладиганини олиб, эвазига на пул, на севги ҳадя этишган, фақат ондасонда андак ҳузур бағишлаган сон-саноксиз эркакларнинг илтимосларини рад этмагани каби, бу илтимосларга ҳам йўқ демасди. Пилар Тернеранинг бешала қизи ҳам эрта кунданок қўлма-қўл бўлиб кетган эди. Икки ўғлидан бири полковник Аурелиано Буэндианинг байроғи остида жанг қилиб ҳалок бўлган, иккинчиси эса ўн тўрт ёшга кирганида водий шаҳарларидан бирида товуклар солинган саватни ўғирлаётганида, яраланиб қўлга тушган. Аурелиано Хосе Пилар Тернерага фолдаги таппон шоҳ ярим асрдан бери ваъда қилиб келаётган узун бўйли, қорамағиздан келган ўша эркак бўлиб чиқди, бироқ карталар ваъда этган барча эркаклар каби, у ҳам Пилар Тернера қалбидан анча



кеч, ажал соя сола бошлаган пайтда ўрин олган эди. Пилар Тернера буни қарталардан билиб олди.

— Бугун кечқурун кетма,— деди у Аурелиано Хосега,— шу ерда ухла, Кармелита Монтель кўпдан бери сенинг олдингга киритишимни сўраб юрибди.

Аурелиано Хосе онасининг овозидаги хавотирли илтижони илғамади ва:

— Унга айт, мени ярим кечаси кутсин,— деб жавоб қайтарди-да, испан труппасининг «Сорро ханжари»<sup>1</sup> пьесасини кўргани театрга йўл олди.

Асли бу Соррильи трагедияси бўлиб, капитан Акилес Рикардонинг буйругига биноан ўзгартирилган эди, негаки либераллар консерваторларни «готлар» деб чакиришар эди. Аурелиано Хосе эшик ёнида чиптасини кўрсата туриб, капитан Акилес Рикардо театрга кираётганларнинг ҳаммасини қуролланган икки солдат билан бирга-ликда тинтув қилишаётганига кўзи тушди. «Секинроқ, капитан,— дея огоҳлантирди Аурелиано Хосе,— ҳали менга қўлини кўтарадиган одам онасидан туғилмаган». Капитан уни мажбуран тинтимоқчи бўлганди, қуролсиз Аурелиано Хосе қочишга тушди. Солдатлар буйруққа бўйсунмай, унга ўқ узишдан бош тортишди. «Ахир, бу Буэндиа-ку», тушунтирди улардан бири. Шунда дарғазаб капитан милтикни юлиб олди-да, оломонни ёриб ўтиб, кўчанинг ўртасига чикди.

— Қўрқоқлар!— бакира бошлади у.— Ишкилиб, у полковник Аурелиано Буэндиа бўлиб чиксин.

Ўқ товуши эшитилганида, йигирма тўққиз ёшли киз Кармелита Монтель Пилар Тернеранинг каравотини гулоб билан артиб, устига розмарин баргларини тушаб бўлганди. Қарталарнинг башоратига кўра, Аурелиано Хосега Амаранта бермаган бахтни Кармелита бахш этиши, улар олти нафар фарзанд кўришлари ва қаригач, Кармелита Монтелнинг қўлида ўлиши лозим эди. Бирок унинг орқасидан кириб, кўкрагини тешиб ўтган ўқ, чамаси, қарталарнинг башоратини унчалик яхши пайқамаганди. Қазоси айни ўша тун содир бўлиши башорат қилинган капитан Акилес Рикардо ҳақиқатан ҳам Аурелиано Хоседан тўрт соат олдин ўлди. Милтик товуши гумбурлаган заҳотиёк, икки жойидан ўқ еган капитан ҳам кулаб тушди, ким ўқ узганлигини аниқлай олишмади ва одамларнинг ҳайқириғи тун сукунатини ларзага келтирди:

— Яшасин либераллар партияси! Яшасин полковник Аурелиано Буэндиа!

Тунги соат ун иккиларда, Аурелиано Хосенинг ярасидан оқаётган қон тийилиб, Кармелита Монтелга фол очиш мақсадида қарталар яна аралаштириб бўлинганида, театр биноси ёнидан ўтган тўрт юздан зиёдроқ кишининг ҳаммаси капитан Акилес Рикардонинг кўча ўртасида ётган жасадига тўппончаларидан бетиним ўқ узишди. Қўрғошинлар-

<sup>1</sup> Испан шоири ва драматурги Хосе Соррильининг (1817—1893) трагедияларидан бири «Гот ханжари» деб номланган.

дан оғирлашиб, бўккан нонга ўхшаб қолган жасадни замбилғалтакка жойлаштириш учун бир неча солдат овора бўлди.

Хукумат қўшинларининг бу хатти-ҳаракатидан дарғазаб бўлган генерал Хосе Ракель Монкада яна ҳарбий либос кийди ва Макондо хукмдорлигини зиммасига олди. Сентябрда келган хабарлар бир-бирига зид эди. Хукумат бутун мамлакатни назорат остига олган бўлса-да, либералларга штатлардан кўтарилган қуроли қўзғолонлар ҳақида махфий маълумотлар келиб турарди. Ҳарбий трибуналнинг полковник Аурелиано Буэндиани сиртдан ўлимга ҳукм этгани ҳақидаги қарор халққа ошқор қилинганидан сўнг хукумат уруш ҳолати юз берганини тан олди, полковникни қўлга туширишга муваффақ бўлган гарнизон ҳукми дарҳол ижро этиши керак эди. «Демак, у қайтибди», деди қувонч билан Урсула генерал Монкадага. Аммо генерал бу ҳақда ҳали бирор аниқроқ маълумотга эга эмасди.

Аслида полковник Аурелиано Буэндиа мамлакатга бир ой бурун қайтиб келган эди. Унинг қайтиши турли миш-мишларга тўла, гўёки у бир вақтнинг ўзида бир-биридан юзлаб чақирим узок ерларда ҳозир бўлар ва шу боис ҳам генерал Монкада, токи полковник Аурелиано Буэндианинг кирғоқ бўйидаги икки штатни босиб олганлигини расмий эълон қилмагунларича, қайтганига ишонмаганди. «Табриклайман сизни, қариндош,— деди генерал Монкада Урсулага.— Тез орада сиз уни кўрасиз.» Фақат ана шундан кейингина Урсула хавотирга тушди. «Сиз-чи, сиз нима қиласиз?» сўради Урсула.

— Ўғлингиз нима қилса ўшани. Ўз бурчимни адо этаман.

Биринчи октябрь куни тонг маҳали полковник Аурелиано Буэндиа яхши қуроланган минглаб солдати билан Макондога ҳужум бошлади. Гарнизон охиригача қаршилик кўрсатиш ҳақида буйруқ олди. Чошгоҳ маҳали, генерал Монкада Урсула билан овқатланаётганда, қўзғолончиларнинг тўпи муниципал хазинаси пештоқини вайронага айлантирди. «Улар биздан ёмон қуролланишмаган,— хўрсинди генерал Монкада,— бунинг устига ҳавас билан жанг қилишяпти.» Кундуз соат иккида, тўплар отишмасидан ер титраганда мағлубиятга учрашларига тўла ишонч ҳосил қилган генерал ниҳоят Урсула билан хайрлашди.

— Аурелиано бугун кечқурун уйда бўлмаслигини худодан ёлвориб сўрайман,— деди у.— Аммо келиб қолса, мен учун кучиб қўйинг, уни бошқа кўрмасам керак, деб ўйлайман.

Генерал полковник Аурелиано Буэндиага урушни инсонпарварона изига солиш ҳақидаги умумий мақсадлари ва ҳарбийлар найрангини эслатди-да, иккала партиянинг ҳам шуҳратпараст сиёсатдонлари устидан ҳал қилувчи ғалабани талаб қилувчи мактуб қолдириб, Макондодан қочиб кетишга уринган кечасиёқ қўлга олинди. Ҳарбий инқилоб трибунали ўз тақдирини ҳал қилмагунича, Урсуланинг уйида ҳибсда сақланаётган генерал Монкада эртасига полковник Аурелиано Буэндиа билан бирга овқатланди. Бу оилавий даврага хос осуда бир учрашув эди. Рақиблар урушни эсларидан чиқариб, ўтмиш воқеаларига чўмганларида ҳам, Урсула, ўғлим ватанига боскинчи бўлиб қайтибди, деган нохуш таассуротдан халос бўлолмасди. Хавфхатар йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилиш учун хоналарни ағдартунтар қилган талайгина соқчилар кузатувида келган полковник,



уй бусагасидан хатлаб ўтган ўша илк дақиқадаёқ Урсулада ана шундай фикр пайдо бўлди. Полковник Аурелиано Буэндиа нафақат бунга йўл қўйди, монелик кўрсатиб бўлмайдиган бир оҳангда буйрук берди ва то уй атрофини соқчилар ўрамагунча, бирорта одамни, ҳатто Урсулани ҳам уч қадамдан берига йўлатмади. У эгнига қўпол ип газламадан тикилган белгисиз ҳарбий либос, оёғига пошнаси баланд темир тепкили этик кийиб олган, камаридаги катта калибрли револьвер қинининг тугмаси ечилган, асабий тиралган бармоқлари эса худди кўзлари сингари эҳтиёткор ва қатъий эди. Икки чаккаси яргоқлай бошлаган калласи суст ёнган ўтда қоқ қилиб қуририлганга ўхшар, Қариб денгизининг шўр сувлари шилиб юборган юзлари метиндек қотиб кетганди. У бурунгига нисбатан новчароқ, рангпар, суякдор туюлар ва туғишганларига бўлган меҳр туйғусини босишга ҳаракат қилаётганлиги сезилиб турарди. «Вой худойим-эй,— дея безовталана бошлади Урсула,— унинг қўлидан ҳар бало келадиганга ўхшайди.» Аслида ҳам шундай эди. У Амаранта учун олиб келган шол рўмоли, дастурхон бошида айтган эсдаликлари, ичакузди латифалари — буларнинг бари худди кул қоплаган кўмир оташини ёдга туширгани каби илгариги Аурелианони элас-элас эслатар эди. У ҳали ўликларни умумий мозорга кўмишга улгурмай туриб, полковник Роке Қассобга ҳарбий трибунални тезлаштириш хусусида буйрук берди, ўзи эса иккиланаётган консерваторларнинг режимидан тамоман зид, оғир ислоҳот ишига киришди. «Биз либераллар партияси сиёсатдонларини доғда қолдиришимиз керак,— дерди у ёрдамчиларига.— Уларнинг кўзлари очилганида, жуда кеч бўлади.» Айни пайтда у сўнгги беш йил давомида рўйхатга олинган ерларга бўлган ҳуқуқни текшириб кўришга қарор қилди ва акаси Хосе Аркадионинг қонунлаштирилган талон-торожига дуч келди. У қалам тортиб, ёзувларни бекор қилди ва ишларини бир соат ортга суриб, ўз қарорини айтиш учун Ребеканинг уйига йўл олди.

Қачонлардир махфий севгисига сирдош бўлган, ўз қайсарлиги билан унинг ҳаётини сақлаб қолган бу яккаш бева меҳмонхонанинг нимқоронгисидан ўтмишга мансуб шарпадек туюлди гўё. Билакларига-ча қора либосга ўралган, юрагини аллақачон кул босган бу аёл, афтидан, ҳатто уруш бораётганидан ҳам беҳабар эди. Унинг суяклари гўё тери остидан нурланиб тургандек таассурот қолдирар, айниган ҳаводан ханузгача озгина порох ҳиди анқирди. Полковник Аурелиано Буэндиа суҳбатни узоқдан бошлади, аёлга азасини сал енгиллаштиришни, уйдаги барча деразаларни очишни ва Хосе Аркадионинг ўлими учун одамларни кечиришини маслаҳат берди. Аммо Ребека бу дунё қувончларидан аллақачон юз ўгирган эди. Ўтганларни тупроқнинг тахир таъмидан, Пьетро Креспининг атир сепилган хатларидан, эрининг жўшқин тушагидан кидириш беҳуда эди. Ребека тўқима курсига суянганича, полковник Аурелиано Буэндиага разм соларкан, аксинча, полковникнинг ўзи унга бамисоли ўтмишдан келган шарпадек туюларди, Ребека Хосе Аркадио ўзлаштирган ерлар қонуний эгаларига қайтарилишини эшитса-да, бундан мутлақо ташвишланмади.

— Билганингни қил, Аурелиано,— деб хўрсинди у.— Сен қарин-

дошларингни севмайсан, мен ҳамиша шундай деб ўйлардим, билдимки, адашмаган эканман.

Ерга эгалик ҳуқуқларни қайта кўриб чиқиш ҳамда ҳарбий дала судлари иши бир вақтнинг ўзига белгиланди, суд мажлислари полковник Херинельдо Маркес раислигида олиб борилди ва бу кўзғолончилар асирга туширган барча офицерларни отиш билан яқунланди. Урсула охирида судланган Генерал Хосе Ракель Монкаданинг ёнини олди. «У Макондонинг энг яхши ҳукмдорларидан эди,— деди ўғлига.— Оиламизга меҳрибонлиги, муҳаббати ҳақида гапирмасам ҳам бўлади, буни ўзинг ҳаммадан яхши биласан-ку». Аммо полковник Аурелиано Буэндиа:

— Суд ишларини бошқарувчи вакил эмасман,— дея эътироз билдирди,— агар гапингиз бўлса, ҳароии суд олдида аинтинг.

Урсула нафақат полковник айтганидек қилди, балки судга макондолик кўзғолончи офицерларининг оналарини ҳам бошлаб келди. Бу аёллар шаҳарда азалдан истикомат қилишар, айримлари тоғ тизмалари бўйлаб уюштирилган машаққатли сафарда иштирок этишганди. Улар бирин-кетин генерал Монкаданинг хислатларини таърифлашди, охирида Урсула гапирди. Унинг қайғули, аммо тетик қиёфаси, одамлар ўртасидаги обрўси, сўзларида янграган ўктамона комил ишонч адолат тарозисини бирпас иккилантириб қўйди. «Сизлар бундай мудҳиш ўйинга ниҳоятда жиддий ёндошиб тўғри қилдингиз, сабабки, ўз бурчларингизни бажардингиз,— деди у трибунал аъзоларига.— Аммо шуни эсдан чиқармангки, то биз ҳаёт эканмиз, сизларнинг оналарингиз бўлиб қоламиз ва ўн карра инкилобчи бўлсаларинг ҳам, бизни беҳурмат қилганларингизда иштонларингни тушириб, қайиш билан бошлаб савалашга ҳаққимиз бор». Унинг бу сўзлари суд аъзолари маслаҳатга чиқиб кетишганида ҳам казармага айлантирилган бу синфхонада жаранглаб турди. Ярим тунда генерал Хосе Ракель Монкада ўлимга ҳукм қилинди. Урсуланинг таъналарига қарамай, полковник Аурелиано Буэндиа жазони енгиллаштиришдан бош тортди. У тонгга яқин ўлимга ҳукм этилган генералнинг олдига ғулу кишанлар турадиган хонага келди.

— Эсингда бўлсин,— деди полковник,— сени мен отаётганим йўқ. Сени инкилоб отяпти.

Генерал Монкада каравотдан ҳам турмади.

— Кет, йўқол кўзимдан,— жавоб қайтарди у.

Қайтиб келганидан бери полковник Аурелиано Буэндиа генерал Монкадага хайрихоҳлик билдиришдан ўзини тийди. Генералнинг кексалик сиёғи сезилиб қолган юзини, қалтираётган қўлларини, хокисорлик, итоаткорлик билан ўлимини кутаётганини ҳозир кўриб ажабланди ва олдинига ўзига нисбатан чуқур нафрат туйди, аммо уни қалбада уйғонаётган раҳмдиллик билан аралаштириб юборди.

— Мендан яхшироқ биласан,— деди у,— ҳар бир ҳарбий трибунал аслида шунчаки кўпол ҳазил, холос. Бировларнинг жиноятлари учун сендан қасос олишяпти. Бу гал биз қандай қилиб бўлса-да, урушда ғолиб чиқишимиз керак. Сен менинг ўрнимда бўлганигда шундай қилмасдинг, ахир?

Генерал Монкада қалин кўзойнагини қўйлагининг этаги билан ар-



тиб жойидан турди. «Эхтимол,— деди у,— сенинг мени отишга шайланаётганинг ташвишлантирмаяпти, бу ҳол бизга ўхшаган одамлар учун табиий ўлим.— У кўзойнагини тўшакка қўйди, соатини занжиридан чиқарди.— Мени,— дея давом этди сўнг,— профессионал жангчилардан кўп вақт нафратланганиндан, беомон кураш олиб борганиндан, уларни шунчалар койганиндан кейин ўзинг ҳам ўшаларга ўхшаб қолганинг кўпроқ ташвишлантиради ва дунёдаги ҳеч қандай гоё бундай разилликни оқлай олмайди». У бармоғидаги никоҳ узугини, бўйнидаги Биби Марям тасвири осилган занжирни ечди-да, кўзойнаги ва соатининг ёнига қўйди.

— Агар шу ҳол давом этаверса,— дея сўзига яқун ясади у,— сен мамлакатимиз тарихидаги нафакат энг мустабид ва қонхўр ҳукмдор, балки виждонингга таскин бериш учун Урсулани отиб ташлашдан ҳам тонмайдиган кимсага айланасан.

Полковник Аурелиано Буэндиа пинагини бузмади. Генерал Монкада кўзойнак, соат, узук ва кичкина санамини унга узатиб, энди юмшаброк:

— Аммо мен сени бу ерда койгани чақиртирган эмасман. Мана буларни хотинимга юборишингни сўрамоқчи эдим,— деди.

Полковник Аурелиано Буэндиа генерал узатган буюмларни чўнтагига солиб қўйди.

— У ҳалиям Манауредаяшайдими?— сўради у.

— Манауредаяшайди, генерал Монкада,— сен ўтган сафар хат жўнатган черков ортидаги ўша уйда.

— Мен буни бажонидил бажараман, Хосе Ракель,— деди полковник Аурелиано Буэндиа.

У кўкиш туман чўккан кўчага чиққанида, юзи худди ўша узоқ тонгдагидек намикди ва ўшандагина нега ҳукмни қабристон девори ёнида эмас, балки казарма ҳовлисида ижро этишга буйруқ беришганини тушунди. Эшик қаршисида сафга тортган бўлинма солдатлари уни давлат бошлигини олқишлагандек олқишлашди.

— Олиб чиқишингиз мумкин,— деди полковник.

Урушнинг беҳудалигини илк бор полковник Херинельдо Маркес англаб етди. У Макондонинг табаа ва ҳарбий ҳоқими сифатида полковник Аурелиано Буэндиа билан телеграф орқали ҳафтасига икки марта боғланиб турарди. Олдинига уларнинг сўзлашуви ҳақиқатда ҳам содир бўлаётган урушнинг қай босқичдалигини, қай йўналишда авж олишини олдиндан кўзда тутиш имконини яратарди. Полковник Аурелиано Буэндиа энди ҳатто энг яқин дўстлари билан ҳам очик гаплашмас, бемалол оҳангда сўзлашардики, товушини дарҳол танишарди. Кўпинча, у сўзлашувни ҳеч бир асоссиз чўзар ва оилавий янгиликлар қўйилишига руҳсат ҳам берарди, лекин уруш катта-катта майдонларни эгаллаши ва шиддатли тус олиши биланоқ полковникнинг афт-ангори бирдан ўчиб аллақандай мавҳумлик касб этарди. Нуқта ва тирелардан ташкил топган овоз ҳар сафар қатъиятсизлашиб борар ва энди телеграф тобора ўз маъносини йўқотаётган аллақандай жумлалар тузарди. Шундай пайтларда полковник Херинельдо Маркес телеграф-

дан келаётган овозларни эшитаркан, худди бошқа дунёдаги нотаниш кимса билан сўзлашаётгандек юракни эзувчи ҳис туярди.

— Тушунарли, Аурелиано,— дерди у суҳбатни яқунлаб, телеграф калитини тикиллатаркан.— Яшасин либераллар партияси!

Полковник Херинельдо Маркес уруш хабарларидан мутлақо узилиб қолди. Илғари уруш унинг учун тийқисиз ёшлик эҳтиросидан иборат эди, энди эса буткул кўнгли совиб, Амаранта чеварлик қиладиган хонадан нажот изларди: у бу хонага ҳар куни кечқурун келарди. Полковник гузал Ремедиос тикув машинаси дастасини айлантираётган маҳали оппоқ голланд матоси бурмаларини бостираётган Амарантанинг кўлларига қараб ўтиришни ёқтирарди. Уй бекаси ва меҳмон чурк этишмас, бир-бири билан дийдор кўришиш билан қаноатланишарди, холос; Амаранта унинг садоқати сўнмаганидан ич-ичидан шодланиб, Херинельдо Маркес бўлса қизнинг яширин ниятларидан беҳабар эди. Полковник Херинельдо Маркеснинг Макондога қайтиб келганини эшитган Амаранта ниҳоятда ҳаяжонланди. Аммо у полковник Аурелиано Буэндианинг хушчакчак мулозимлари каби ярадор қўли боғланиб келганида, Амаранта унинг қариб қолганини, кир-чирлигини, терлаб кетганини, баданидан эса отхона ҳиди анқиётганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. «Худойим-эй,— ўйларди у,— наҳотки мен кутган одам шу бўлса!» Эртасига полковник унинг ёнига ювиниб-тараниб келди, мўйловидан атир ҳиди уфуриб турарди. Полковник Амарантага муқовасига садаф қадаб безатилган ибодатнома ҳадя қилди.

— Сиз эркаклар жуда ғалатисиз-да,— деди Амаранта дурустрок гап тополмай.— Ўзларинг бутун умр руҳонийларга қарши курашасизлару, лекин шунга қарамай, ибодатнома совға қиласизлар.

Ўша кундан буён, ҳатто урушнинг оғир дамларида ҳам кечаси у Амарантанинг ҳузурига келарди. Гузал Ремедиос бўлмаганда тикув машинасининг дастасини айлантирарди. Унинг садоқати Амарантанинг меҳрини кўзғотар, нуфузли одамнинг қошида бош эгиши, қиличию тўп-пончасини меҳмонхонада қолдириб, ёнига қуролсиз кириши баттар ҳаяжонга соларди. Лекин шунга қарамай, полковник Херинельдо Маркес қайта-қайта севги изҳор қилган ана шу тўрт йил мобайнида Амаранта унинг муҳаббатини бир зайлда рад этарди. Тўғри, Амаранта Херинельдо Маркеснинг дилини оғритмасликка уринар, негаки ҳали у полковникни севиб қолмаган бўлса-да, энди усиз яшай олмаслигини англади. Ҳозирга қадар ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган, ҳатто кўпчилик ақли камроқ деб ўйлайдиган Гузал Ремедиос Херинельдо Меркеснинг ҳаддан ташқари садоқатидан таъсирланиб, бутилмаганда уни ҳимоя қилишга ўтди. Амарантага ўзи тарбиялаган бу қизча Макондо ҳали ҳеч қачон кўрмаган гузал қизга айлангани аён бўлди. У юрагида қачонлардир Ребекага нисбатан туғилган ўша эски адовати қайта уйғонаётганини ҳис этди. Адовати оловланиб танг аҳволга солмаса-да, гузал Ремедиоснинг уволига қолмаслигини, унинг ўлими туфайли азоб чекмаслигини худодан илтижо қилиб, қизни хонасидан қувиб юборди. Худди шу кунлар полковник Херинельдо Маркес урушни ёмон кўра бошлаган эди. Умр бўйи топган шухратини Амарантага садқа қилишга тайёр турган полковник бор



нотиклигини, узоқ муддат жиловлаб келаётган меҳрини ишга солди ҳамки, барибир Амарантани кўндира олмади. Август кечаларининг бирида саботли жазманига узил-кесил жавоб бериб, ўжарлигининг залворли зарбидан эзилган Амаранта умрининг охиригача аза тутиб йиғлаш учун ётоғига беркиниб олди.

— Бир-биримизни умрбод унутайлик,— деди у,— биз аллақачон севги ёшидан ўтганмиз.

Ўша кечаси полковник Херинельдо Маркес полковник Аурелиано Буэндиа томонидан телеграф аппаратига чакирилди. Суҳбат тугаганда, полковник Херинельдо Маркес хилват кўчага қараб, бодом баргларида осилиб турган сув томчиларини кўрди ва ёлғизликдан адоий-тамом бўлаётганини чуқур ҳис қилди.

— Аурелиано,— у маъюс ҳолда телеграф калитини тикирлатди,— Макондода ёмғир ёғяпти.

Телеграф линиясида узоқ сукунат чўкди. Сўнгра аппарат полковник Аурелиано Буэндиа юборган шиддатли нуқта ва тиреларини тера бошлади.

— Аҳмоқликни йиғиштир, Херинельдо,— жавоб қайтарди нуқтаю тирелар,— август оий бўлганидан кейин ёғади-да.

Полковник Херинельдо Маркес анчадан бери кўрмаган дўстининг фавкулудда кескин жавобидан саросимага тушди. Аммо орадан икки ой ўтиб, полковник Аурелиано Буэндиа Макондога қайтиб келганида, бу саросима кўрқув аралаш ҳайратга айланди. Ўғлининг ўзгаришини кўрган Урсула изтиробга тушганди. Ҳаво иссиқ бўлишига қарамай, ўғли ёмғирпўшга ўралган ҳолда, шовқин-суронсиз, мулозимларсиз пайдо бўлди. Уч нафар маъшуқасини битта уйга жойлаштирди. Кўп вақтини гамагида ўтказадиган полковник урушнинг бориши ҳақида телеграф йўллаётган дипломатик мактублар ва шошилинч ахборотларни ўқишга зўрга вақт топарди. Бир куни полковник Херинельдо Маркес унга чегара шуҳридаги кўшинларни эвакуация қилиш юзасидан буйруқ беришини сўради. Негаки кўзғолончи кўшинларнинг у ерда қолиши халқаро можаро чиқариши аниқ эди.

— Арзимас гаплар билан мени безовта қилма,— буюрди полковник Аурелиано Буэндиа.— Тангрининг ўзидан маслаҳат сўрай қол.

Бу урушнинг энг оғир пайти эди. Инқилобни бошида қўллаб-қувватлаган заминдор либераллар ерга эгаллик ҳуқуқининг қайта кўриб чиқилишига халакит бериш мақсадида консерватор заминдорлар билан махфий битим тузишди. Урушда анчагина бойлик тўплаган сиёсатчи либералларнинг полковник Аурелиано Буэндиа қабул қилган шафқатсиз чора-тадбирларни оммавий равишда муҳокама этишлари ҳам уни лоқайдликдан халос этолмади. У беш жилддан иборат сандиқнинг бир четида қолиб кетган ўз шеърларини ҳам ўқимай қўйган эди. Кечқурун ёки тушки уйқу маҳали хотинларидан бирини тушагига чорлаб, ўз ҳақини олгач, тошдек қотиб ухларди, уйқусини шовқин-сурон ҳам бузолмас, телба юраги мангу умидсизлик азобиغا гирифтор бўлганини ёлғиз ўзи биларди, холос. Юртига зафар билан қайтиш ва ақл бовар қилмайдиган ғалабалардан сарҳуш бўлиб, ғолибликнинг бошни гангитадиган тубсиз жарлиги олдида бош эгди. У ҳарбий санъат бўйича устози, йўлбарс терисидан тикилган либоси катта ёшли одамларда завқ-

шавк, болаларда ҳайрат уйғотувчи герцог Мальборо<sup>1</sup>нинг ўнг ёнида ўтиришни ёқтирарди. Ўшанда полковник ўзига бирорта одамни, ҳатто Урсулани ҳам уч газдан берига яқин йўлатмасликка аҳд қилган ҳар бир жойда эса адъютантлари бўр билан доира шаклини чизишарди. Бошқаларнинг кириши қатъий маън этилган бу доиранинг марказида турган полковник Аурелиано Буэндиа мухтасар ва қатъий буйруқлар бериб, жаҳон тақдирини ҳал этарди. Генерал Монкадони отганидан кейин Манаурага бориб қолганида ўз қурбонининг сўнгги тилагини бажо келтиришга шошилди: генералнинг беваси эрининг кўзойнагини, соат, узук, кичик санамини олди, аммо полковникка уй остонасига қаддам босишга ижозат бермади.

— Кирманг, полковник,— деди у.— Сиз урушда қўмондонлик қиласиз, ўз уйимда эса мен буйруқ бераман.

Полковник Аурелиано Буэндиа жаҳли чиққанини сездирмади, аммо унинг шахсий соқчилари беванинг уйини талон-тарож қилишиб, уйини ёндириб юборганларидан кейин кўнгли жойига тушди. «Юрагингни эҳтиёт қил, Аурелиано,— дея огоҳлантирди ўшанда полковник Херинельдо Маркес.— Сен тириклайин чирияпсан». Ана шу вақтда полковник Аурелиано Буэндиа кўзғолончи қўшинлар командирларининг иккинчи кенгашини чақирди. Кенгашда идеалистлар, шуҳратпарастлар, таваккалчилар, жамиятдан сурилган одамлар, оддий жиноятчилар, ҳатто давлат мулкани совургани учун жазо олишдан қўчиб, инқилоб томониға ўтган бир чиновник-консерватор ҳам бор эди. Уларнинг кўпчилиги нега жанг қилаётганини билмасди. Эътиқодда ички келишмовчиликлардан портлаш арафасида турган бу бебош оломон орасида маънос ва ҳукми ўтадиган ягона киши генерал Теофило Варгас эди. Одамларни телба мутаасибларга айлантиришга хизмат қиладиган, маккорлик ва ўта фирибгарликни ўзида мужассамлаштирган бу кўпол, саводсиз генерал хинду кавмидан эди. Полковник Аурелиано Буэндиа кенгашда кўзғолончиларни сиёсатдонларнинг ҳийла-найранглариға қарши кураш олиб бориш учун бирлаштиришни кўзда тутганди. Бирок генерал Теофило Варгас режани бузди: бир неча соат ичида у энг тажрибали қўмондонларда ҳам ихтилоф уйғотишга улгуриб, ўзи бош қўмондонликни қўлга олди. «Бу шайтондан узокроқ юрган маъқул,— деди офицерларига полковник Аурелиано Буэндиа.— Бундай одам биз учун ҳарбий нозирдан ҳам хавфлироқ». Шунда журъатсиз ёшгина бир капитан, иккилана-иккилана шаҳодат бармоғини кўтарди:

— Бу жудаям жўн иш, полковник,— деди у,— уни ўлдириш керак.

Полковник Аурелиано Буэндианинг шахсий фикридан бир неча сония илгарилаган бу таклифнинг бешафқатлиги эмас, балки уни изҳор қилиш шакли полковникни тараддудлантириб қўйди:

— Мени бундай буйруқ беради деб кутманглар,— деди у.

Ҳақиқатан ҳам у буйруқ бермади. Лекин орадан ўн беш кун ўтмаёқ генерал Теофило Варгас пистирмага тушиб бурда-бурда қилиб ташланди, полковник Аурелиано Буэндиа эса яна бош қўмондонликни қабул қилди. Ҳукмдорлиги кўзғолончиларнинг бошлиқлари томонидан

<sup>1</sup> Герцог Мальборо (1650—1722)— инглиз ҳарбий қўмондони ва сиёсий арбоби.



тан олинган ўша кечаси у ваҳимадан чўчиб уйғонди ва бақириб, кўрпа келтиришларини буюрди. Суяк-суягига сингиб кетган, ҳатто жазирамада ҳам азоб берадиган пинҳоний иситма то полковник ўрганиб қолгунча бир неча ой давомида уйқусига халакит берарди. Мансабдан сармаст бўлиш ҳисси ўз-ўзидан жиддий норозилик ҳисси билан алмаша бошлади. Полковник иситмадан қутулиш чорасини қидирарди, шу боис генерал Теофило Варгасни ўлдиришни маслаҳат берган ўша ёш офицерни отиб ташлашни буюрди. Буйруқлар полковник уни чиқармасдан туриб ёки бир қарорга келмасдан бурун доим ортиғи билан ижро этилар эди. У кўп йиллик ҳокимият туғдирган ёлғизлик биёбонида адашиб, ўз таянчини йўқотаётганини сеза бошлади. Ишғол қилган шаҳарлардаги оломоннинг шодиёна қийқириқларидан энди ғижинар, гўё бу одамлар ғанимларини ҳам худди шундай олқишлагандек туюларди. Қаерда бўлмасин, кўзлари кўзларига, товушлари ўзининг товушига ўхшаш ўспиринлар ҳадиксираб қутлашар ва ўзларини унинг ўғиллари, деб аташарди. Шунда ғалати бир туйғуни ҳис этар, назарида гўёки жисмини кимдир беҳисоб марта кўпайтгандек туюлар, лекин ёлғизлик туйғуси асло сусаймас, қайтага баттар азоб берарди. У ҳатто шахсий офицерлари ҳам алдашаётганига ишонч ҳосил қилди.

Ахийри герцог Мальбородан ҳам кўнгли совиди. «Энг яхши дўстим, бу — ҳалигина ўлган одам», дея такрорлашни ёқтирарди ўша кунлари. У гумонсирашлардан, боши-кети йўқ урушнинг хавfli сўқмоқлари бўйлаб юраверишдан ҳориган, қанча ҳаракат қилмасин, нукул бир жойда айланавериш, тобора қартаяр, тобора тинкаси қурир эди. У турадиган бўрли доира сарҳади атрофида ҳамиша кимлардир бўларди. Бирига пул етишмас, бирининг боласи кўкйўталга гирифтор бўлган, бошка бири эса лаънати урушдан безганидан, нукул нариги дунёни орзу қиларди, қолганлари эса бор кучини тўплаб, худди буйруқ олгандай қад ростлаб туришар ва: «Ҳамма нарса жойида, осойишталик, полковник», дея ялтоқлашиб ахборот беришарди. Урушдаги энг мудҳиш нарса айна шу осойишталик, у аҳвол турғунлигини англатарди. Ёлғизликка маҳкум этилган, эндиликда олдиндан кўра билиш ҳиссини йўқотган полковник Аурелиано Буэндиа, ўзини то қабргача кузатиб борадиган бу иситмадан халос бўлиш учун Макондодан сўнги бошпана истаб, эски хотиралар гулхани тафтида исинишга уринарди. Полковник локайд эди, унга либераллар партиясининг вакиллари муҳим сиёсий муаммолар юзасидан маслаҳатлашгани келишганини хабар қилишганда ҳам кўзини очмади, нариги ёнига ағдарилиб қўйди, холос.

— Фоҳишаларга рўпара қилинг уларни, — деб тўнғиллади у.

Вакиллар — сюртук ва цилиндр кийиб олган олти нафар адвокат-жазирама офтобда қолиб кетишди. Ахийри, Урсула уларни ўз уйига жойлаштирди. Улар ётоқхонага беркиниб, куни билан махфий йиғилиш ўтказишар, кечаси эса соқчи аккордеончилар ансамблини сўрашар ва Катарина ишратхонасини эгаллаб олишарди. «Халақит берманглар, — буюрди полковник Аурелиано Буэндиа. — Мен уларга нима лозимлигини яхши биламан». Қутилган музокаралар декабрга ойида бошланди ва кўпчилик сўнгсиз баҳсга айланиб кетади, деб ўйлаган бўлса-да, атиги бир соатга етар-етмас тугади.

Полковник Аурелиано Буэндиа бу гал баайни кафандек оқ чой

шабга ўралган, арвоҳни эслатувчи пианоласи бўлган диққинафас меҳмонхонага, адъютантлари чизган бўрли доирага кирмай ўз сиёсий ёрдамчилари ёнидаги стулга чўкди ва ёмғирпўшига ўранганча лом-мим демай, вакилларнинг қисқа таклифларини тинглай бошлади. Уларнинг илтимослари қуйидагича эди: биринчидан, либераллар заминдорларнинг партиясига мадад беришларини қайта тиклаш, бунинг учун ерларига эгалик ҳуқуқини тафтиш қилишдан воз кечиш: иккинчидан, диндорлар ўртасида таянч топиш учун черковга қарши курашни тўхтатиш; ва ниҳоят, оила муқаддаслигию мустаҳкамлигини сақлаб қолиш мақсадида қонунли ва қонунсиз туғилган болаларни тенг ҳуқуқли қилиб қўймаслик.

— Демак,— деб жилмайди Аурелиано Буэндиа, вакиллар ўз ваъзаларини тугатгач,— биз фақатгина ҳокимият обрўси учун жанг қилаётган эканмиз-да.

— Биз бу тузатишларни программамизга тактика нуқтаи назаридан киритдик,— эътироз билдирди вакиллардан бири.— Ҳозир энг муҳими халқ ўртасида кўплаб хайрихоҳларга эга бўлиш учун шундай йўлни тутдик. У ёғини кейин кўраверамиз.

Полковник Аурелиано Буэндианинг сиёсий маслаҳатчиларидан бири шошқалоқлик билан суҳбатга қўшилди:

— Мутлақо ақлга сиғмайди,— деди у,— башарти, тузатишларингиздан консерваторларнинг ҳам идора усули яхши, деб тан олишга тўғри келади. Сизнингча, биз — либераллар халқ орасида обрўйимизни қўшимча тузатишлар орқалигина оширсак, демак, консерваторлар идора усулининг бусиз ҳам халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланганини тан олган бўламиз. Энди бор-йўғи биз йигирма йилдан буён миллат манфаатларига қарши курашган эканмиз-да, деб иқрор бўлишимиз қолувди.

У гапини давом эттирмоқчи эди, полковник Аурелиано Буэндиа тўхтатди. «Вақтингизни беҳудага ўтказманг, доктор,— кесатди у.— Муҳими, биз шу кундан бошлаб фақат ҳокимият учун курашамиз!» У вакиллар узатган қоғозларни олиб, имзо чекишга тайёрлана бошлади.

— Бас, шундай экан,— деди у,— нимаям қилардик, эътирозимиз йўқ.

Бўлиб ўтган воқеадан эсанкираб қолган офицерлар бир-бирларига таажжубланиб қарашди.

— Мени кечирингу, полковник,— деди секин полковник Херинельдо Маркес,— аммо бу хоинлик.

Полковник Аурелиано Буэндиа сиёҳга аллақачонок ботирган перосини ҳавода муаллақ тутиб турди-да, бу шаккок одамга ҳамла қилди.

— Куролингизни менга топшинг!

Полковник Херинельдо Маркес шартта ўрнидан туриб, куролини столга қўйди.

— Казармага боринг,— деди полковник Аурелиано Буэндиа.— Сиз инқилоб трибуналининг ихтиёрига топшириласиз.

Сўнгра декларацияга имзо чекиб вакилларга узатаркан:

— Сынборлар, мана қоғозларингиз,— деди,— унумли фойдаланинг.

Икки кундан сўнг, давлатга хиёнат қилишда айбланган полковник Херинельдо Маркес отувга ҳукм қилинди. Яна тўшагида ўралиб, хаёл-



га чўмган полковник Аурелиано Буэндиа дўстининг бир қошиқ қонидан кечишини илтижо қилиб келганларга эътибор бермади.

Ўғли ҳеч кимни киритмасликка буйруқ берган бўлса-да, Урсула қатл арафасида унинг ётоғига кирди. Қора кийинган, ниҳоятда басавлат кўринадиган Урсула уч дақиқалик учрашув давомида тик турди. «Биламан, сен Херинельдони отиб ташлайсан,— деду у хотиржамлик билан,— бунга халал бериш қўлимдан келмайди. Аммо сени бир нарсадан огоҳлатириб қўймоқчиман, ота-онамнинг хоки ҳаққи, Хосе Аркадио Буэндианинг хотираси ҳаққи, худо олдида онт ичаманки, агар унинг ўлигини кўрсам, қаерда бўлмайин, сени топиб, мана шу қўлларим билан ўлдираман!» У жавобни ҳам кутмади, хонадан чиқаркан:

— Сен нақ чўчка думли бўлиб тугилган одамдай иш тутяпсан,— дея сўзини якунлади.

Полковник Херинельдо Маркес Амаранта хонасида ўтказган кечаларни ўйга ғарқ бўлиб эслаётган бу узун тунда, полковник Аурелиано Буэндиа ёлғизликнинг қалин зирҳини ёриб чиқишга муваффақ бўлди. Отаси музни кўрсатишга олиб борган ўша узоқ кечадан кейин тақдир унга ҳадя қилган бахтиёр онлар заргарлик устахонасида ўтган бўлиб, полковник у ерда олтин балиқчалар тайёрлар эди. У оддий ҳаётнинг афзалликларини кашф этмасидан бурун, салкам қирқ йилча кечикиб бўлса-да, ўттиз иккита урушнинг тугунини ечган, бир неча ўлимга чап берган, шуҳрат балчиғига чўчкадек аганаган эди.

Тонг маҳали, қатлга бир соат колганида, у уйқусизликдан соб бўлай деганда, ғулу кишанлар сақланадиган хонага кирди. «Ўйин тугади, дўстин,— деди полковник Херинельдо Маркесга,— арокхўрларимиз сени отгунча бу ердан кетайлик». Полковник Херинельдо Маркес унинг муомаласидан нафратланганини яширолмади.

— Йўқ, Аурелиано,— жавоб берди у,— сенинг соткинга айланиб колганингни кўрганимдан, ўлганим афзал.

— Сен бунга кўрмайсан ҳам,— деди полковник Аурелиано Буэндиа.— Этигингни илиб ол, кейин бемаъни урушни тугатишда менга ёрдамлашасан.

Урушни тугатиш бошлашдан минг чандон оғирлигини у ҳали билмасди. Ҳукуматни кўзғолончилар манфаатини кўзлайдиган сулҳ тузишга мажбур этишига роса бир йил кетди, ўз тарафдорларига бундай талабларни қабул этишлари шарт эканини тушунтиришга яна бир йил керак бўлди. У ғалабани сотишни истамаган шахсий офицерларининг исёнини бостиришда мислсиз ёвузликларга бориб етди ва уларнинг қаршилигини тамоман синдириб ташлаш учун ҳатто душман қўшинларини ҳам ишга солишдан ҳазар қилмади.

Ҳаётида ҳеч қачон бунчалик кескин кураш олиб бормаган эди. Сиёсатдонлар шароитга қараб бемалол тесқари томонга буриб юборадиган мавҳум ғоя ва шиорлар учун эмас, балки ўз эрки учун кураш олиб бораётганига ишонч унга жўшқин шижоат бағишларди. Илгари ғалаба учун қандай курашган бўлса, мағлубият учун ҳам ана шундай зўр эътиқод ва сабот билан курашган полковник Херинельдо Маркес уни беҳуда жасурликда айбларди. «Ташвишланма,— деб қуларди полковник Аурелиано Буэндиа.— Ўлиш кўпчилик ўйлаганидек, унчалик осон эмас». Бу гап унинг ўзинга нисбатан тўғри эди. У қазо соати

олдиндан белгилаб қўйилганига ишонар ва бу ишонч уни урушнинг хавф-хатарларидан эсон-омон асраб, аммо охир-оқибатда унга мағлубиятга эришиш имконини берарди, бу эса ғалабага нисбатан анча оғир бўлиб, жуда кўп қон ва қурбон талаб қиларди.

Урушда ўтказган йигирма йиллик умрида полковник Аурелиано Буэндиа уйига тез-тез бориб турарди. Аммо доимо қаергадир шошиб туриши, атрофини ўраган ҳарбий мулозимларнинг салобати, ҳатто Урсулани ҳам лоқайд қолдирмаган афсонавий шухрати боис бора-бора қариндошларига ёт бўлиб қолди. Полковник Макондога сўнгги бор келиб, учала маъшуқаси билан алоҳида уйни ижарага олганида, ўз оиласига бор-йўғи икки ёки уч марта меҳмонликка борди, холос. Гўзал Ремедиос ва уруш энг қизиган пайтда туғилган эгизаклар уни деярли танишмасди. Амаранта ёшлиги олтин балиқчалар тайёрлаш билан ўтган акаси билан қариндошлари ўртасида уч газлик тафовут ўрнатган афсонавий сипоҳ иккови бир одам эканини хаёлига сингдирилмасди. Аммо сулҳнинг яқинлиги ҳақида миш-мишлар кўпайгач, ҳаммалари полковник Аурелиано Буэндианинг тез орада уйга қайтиши ва қариндош-уруғларини тушунадиган одамга айланиб қолиши хусусида ўйлашарди. Бунинг устига унинг ҳам қариндошлик туйғулари қайта уйғона бошлаганди.

— Хайрият-э,— деди Урсула.— Уйимиз тагин эркак кишига ёлчийдиган бўлди.

Улар полковникни бир умрга йўқотишгани ҳақида илк бор Амарантада шубҳа пайдо бўлди. Вақтинча сулҳ тузилишига бир ҳафта қолганида, полковник уйга кириб келди: мулозимларсиз, шоҳона анжомидан қолган ягона ёдгорлик — шеърлари солинган сандиқча ҳамда хачирнинг эгар-жабдуғини икки нафар ялангоёк мулозимига орқалатиб, хона эшиги ёнидан ўтаётганида, Амаранта акасини чақирди. Полковник қаршисида ким турганини эслай олмаётганга ўхшаб кўринди.

— Мен Амарантаман,— деди қиз чехраси ёришиб, сўнг қора боғичли қўлини кўрсатди:— Қара!

Полковник Аурелиано Буэндиа бундан анча илгари — ўлимга ҳукм этилиб, Макондо кўчалари бўйлаб ўтаётганида, қизнинг латта боғланган қўлини кўриб жилмайиб қўйди.

— Даҳшат,— деди полковник.— Вақт шунча тез ўтиб кетибди-я!

Хукумат қўшинлари уй ёнига соқчилар қўйишга мажбур бўлишди. Каттароқ пулга сотилиш учун урушни атайлаб чўзишда айбланган полковник Аурелиано Буэндиа уйга таҳқирланган ҳолда қайтганди. Унинг аъзойи-бадани безгак ва совуқдан қақшаб титрар, қўлтиқлари остига яна чипқон тошиб кетган эди. Бундан олти ой илгари вақтинча сулҳ тузилишидан воқиф бўлган Урсула ўғлининг ётоғини очиб, хонани тозалаб, ўғлим марҳума Ремедиоснинг эскириб қолган кўғирчоқлари орасида қариб-қартайгунча тинчгина яшагани келади, деб ўйлаган ва ҳамма кунжақларга мирра<sup>1</sup> қатронини тутатган эди. Аслида эса ўғли сўнгги икки йилда ҳаёт билан ҳисоб-китоб қилиб қўйган ва ҳатто кексалик даври унинг учун аллақачон ортда қолиб кетгандай

<sup>1</sup> Мирра — хушбўй қатрон олинадиган дарахт, хушбўй қатрон.



эди. У онаси алохида меҳр билан йиғиштирган заргарлик устахонаси ёнидан ўтаётиб ҳатто эшик қулфида кўриниб турган калитга ҳам эътибор бермади. Хонадонда юз берган қалбни титратувчи хароблик унинг шуурига бориб етмади. Юрагини на деворларининг кўчган сувоклари, на бурчакларни босган ўргимчак уялари, на ўз ҳолига ташлаб қўйилган бегониялар, на ёғочхўр чумолилар илма-тешик қилиб юборган тўсинлар, на эшиклар ёндорини пўпанак босиб кетгани ачинтирди. Унинг тош кўнгли айрилик туйғуси қўйган айни тузоқларнинг бирортасига илинмади. Полковник худди уйга ёмғирдан қочган одамдек кирди ва этигини ҳам ечмай, ёмғирпўшига ўралиб, галереяда ўтирганча, гулларни юваётган ёмғирни кечаси билан кузатиб чикди. Шунда Урсулага ўглининг бу ерда узоқ яшамаслиги аён бўлди. «Балки яна урушни кутаётгандир,— ўйлади у,— агар уруш бўлмаса, демак, бошқа бир ажалга учрайди». Бу фикр шунчалар аниқ ва ишонарли туюлдики, шу боис, Урсула уни башоратдай қабул қилди.

Кечки овқат пайтида Аурелиано Иккинчи ўнг қўлига нон, чап қўлига қошиқ олди. Унинг эгизак укаси Хосе Аркадио Иккинчи нонни чап қўлига, қошиқни эса ўнг қўлига олди. Икковининг ҳаракатлари шу қадар мос эдики, улар юзма-юз ўтирган эгизаклар эмас, балки бир одамнинг ҳақиқий туси ва ёки кўзгудаги аксидай таассурот қолдирарди. Аммо полковник бу ҳолатни пайқамади. У атрофдагиларга шунчалар ёт эдики, ҳатто ошхона эшиги ёнидан кип-яланғоч ҳолда ўтган Гўзал Ремедиосга ҳам эътибор бермади. Фақат биргина Урсула унинг хаёлини бузишга журъат қилди:

— Агар сен яна кетишга тараддуд кўраётган бўлсанг,— деди у,— ақалли шу кечада қай кўринишда эканимизни эслаб қолишга урин.

Полковник Аурелиано Буэндиа қалбининг қанчалар қашшоқлашиб қолганини биргина Урсула пайқганини тушунди; у ажабланмади, лекин узоқ йиллар давомида илк бор Урсулага тик қарашга журъат этди. Онасининг юзини сон-саноксиз ажинлар қоплаган, тишлари саргайган, сочлари хашакдай қуруқ ва туссиз бўлиб, қарашида ҳайрат сезиларди. Аурелиано Буэндиа унинг айни сиймосини ўзи эсда сақлаб қолгани — болалигида қайноқ шўрва солинган хурмача полга тушиб кетажagini олдиндан айтган ва хурмача ҳақиқатан ҳам қулаб чилпарчин бўлган кундаги сиймоси билан таққослай бошлади. У ногаҳон онасининг юзида ярим асрлик умр босган муҳрни — тимдаланган излар, қадоклар, жароҳат ва чандикларни кўрди, бироқ бу қайғули аломатлар кўнглида ачиниб ҳиссини уйготмади. Шунда у юрагидан эзгу туйғуларини ҳам барбод қилган жойни топишга сўнгги бор уринди-ю, лекин тополмади. Илгарилари уятга ўхшаш бир туйғу бор эди ва ахён-ахёнда беихтиёр онаси томон талпинарди. Аммо уруш бор меҳрни қуришиб қўйган эди. Ҳатто хотини Ремедиос ҳам ҳозир унга худди қизи тенгги ёт бир сиймо бўлиб гавдаланарди. Муҳаббат саҳросида учраган ва унинг наслини бутун қирғоқ бўйлаб сочиб юборган сон-саноксиз аёлларнинг бирортаси ҳам полковник қалбида ҳеч қандай из қолдирмаган эди. Одатда аёллар тунда келишиб, тонгга яқин чиқиб кетишар, эртасига эса у шунчаки қондирилган ҳирсдан ўзга нарсани эслолмасди ҳам. Полковник акаси Хосе Аркадиога бўлган

мехринигина бус-бутун саклаб қолди, чунки бу туйғу севги эмас, балки харифахоналик хисси туфайли туғилган эди.

— Авф этинг,— узр сўради у Урсуланинг талабидан сўнг,— уруш бутунлай ҳолдан тойдирди.

Эртасига барча буюмларини йўқотишга киришди. Заргарлик устахонасида фақат ўзига тегишли бўлмаган нарсаларга тегмади, кийимларини мулозимларига улашди, қуролини эса, худди Пруденсио Агилярни ўлдирган отаси найзасини кўмиб ташлаганидек, қилмишидан ўкинганича, ҳовлига кўмди. Ўзига биттагина ўқ билан револьверни олиб қолди. Урсула ҳеч нарсага аралашмади. У фақат бир марта ўғли Ремедиоснинг меҳмонхонасига осилган ва ёнидаги чироғи мудом ўчмайди-ган суратини олиб ташламоқчи бўлганида қаршилиқ кўрсатди. «Бу сурат аллақачоноқ сеники эмас,— деди Урсула,— у оиламизнинг энг муқаддас мероси». Вақтинча сулҳ арафасида уйда полковник Аурелиано Буэндиани эслатувчи бирортаям нарса қолмаганда у Санта София де ла Пьедад печка ёкишга ҳозирлик кўраётган новвойхонага шеърлари солинган сандиқни кўтариб келди.

— Манавини тутантириқ қила қол,— деди унга сарғайиб кетган қоғозлар ўрамини узатиб,— бундай эски-туски нарсалар жудаям яхши ёнади.

Камсўз, кўнгилчан, ҳатто ўз ўғилчаларининг ҳам сўзини қайтармайди-ган Санта София де ла Пьедаднинг назарида, полковник унга шаккоклик қилишни таклиф этаётгандай туюлди.

— Бу муҳим қоғозлар-ку,— деди аёл.

— Йўқ,— дея эътироз билдирди полковник,— бунақа нарсаларни одам фақат ўзи учун ёзади.

— Ундай бўлса, уларни ўзингиз ёкиб ташлай қолинг, полковник,— деди аёл.

Полковник, нафақат қоғозларни ёқди, балки сандиқни болта билан чопиб пайраҳаларигача оловга ташлади. Бу воқеадан бир неча соат аввал уни Пилар Тернера йўқлаб келганди. Полковник Аурелиано Буэндиа Пилар Тернеранинг бунчалар қариб қолгани, семириб кетгани ва кулгуси ҳам аввалги жарангини йўқотганидан ажабланди, айни чоғда унинг фолбинлик маҳорати нечоғлик ошганидан ҳайратга тушди. «Оғзингни эҳтиёт қил», деб маслаҳат берди Пилар Тернера. Полковник уйга толди: «Ахир, ўтган йили шон-шавкатим айни гуллаган бир пайтда Пилар Тернера айтган худди шу сўзлар ҳайратомуз башорат бўлиб чиқмаганмиди, ахир?» Пилар Тернера билан учрашувдан сўнг, полковник ҳозиргина чипконларидан йиринг сиқиб чиқарган шахсий врачини чақиртирди ва синчковлигини билдириб қўймасликка уриниб, ундан юрагим қайда жойлашганини кўрсатиб бер, деб сўради. Врач унинг юрак уришини тинглади-да, йодли пахта билан кўкрагига доирача чизиб қўйди.

Вақтинча сулҳга имзо чекилган ўша сешанба совуқ ва серёмғир бўлди. Полковник Аурелиано Буэндиа бу сафар ошхонага ҳар галгидек соат бешда эмас, сал барвақтроқ келди ва одатдагидек бир финжон шакарсиз қаҳва ичди. «Сен худди мана шундай кунда дунёга келгандинг,— деди унга Урсула.— Очиқ кўзларинг ҳаммамизни кўрқитиб юборганди». У онасининг гапларига эътибор бермади, чунки саф-саф



тизилган солдатларнинг эрта тонг сукунатини бузаётган қадам товушлари, труба-сигнали ва узук-юлук берилаётган буйруқларига кулоқ солаётган эди. Умри жангу жадалларда кечган полковник Аурелиано Буэндиа аллақачон бу овозларга кўникиб кетганлигига қарамай, ҳозир худди ўспиринлигида яланғоч аёлни илк бор кўргандагидек тиззалари қалтираб, эти увушганини сезди. Агар ўша аёлга уйланганида на урушни, на шуҳратни билмай, номи чикмаган ҳунарманд — бахтиёр ҳайвон бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида ғира-шира ўйлай бошлади. Соат олтида полковник Херинельдо Маркес бир гуруҳ кўзғолончи офицерлар билан кириб келганида, у одатдагига нисбатан янада мунғайган, хаёлчан ва ғариб кўринарди. Урсула полковникнинг елкасига янги ёмғирпўш ёпмокчи бўлди. «Ҳукумат одамлари нима деб ўйлашлари мумкин, — дея аврай бошлади у, — ҳатто ёмғирпўшга ҳам пули қолмаганидан таслим бўлаётир, деган хаёлга боришади-ку!» Аурелиано Буэндиа ёмғирпўшни киймади, лекин эшикдан чиқаётганида, осмондан шариллаб қуйилаётган ёмғирни кўриб, эски фетр шляпасини олишга рози бўлди.

— Аурелиано, — деб илтимос қилди Урсула, — агар у ерда кийнаиб қолсанг, албатта мени эслагин.

Полковник бунга жавобан паришон табассум қилди, бармоқлари ёзилган қўлини тепага кўтариб, сўз берган бўлди ва лом-мим демай остона ҳатладию ортидан бутун шаҳар бўйлаб эргашган дағдаға, таъна ва лаънатлар томон юрди. Урсула энди умрининг охиригача эшикни очмасликка қарор қилиб, лўкидонни уриб қўйди. «Биз бу эшикларни берк аёллар монастирида чириб кетамиз, — ўйлади у. — Хокка айланамиз, аммо бу разил одамларга ҳеч қачон кўз ёшимизни кўрсатмаймиз». У ўғлининг хотирасига дахлдор бирор нарса топишга уриниб кўрди, аммо унинг энг хилват бурчакларидан ҳам ҳеч вақо топа олмади.

Маросим Макондодан йигирма чақирим нарида, улкан сейба дарахти остида ўтди, кейинроқ унинг атрофида Неерландия шаҳрига асос солинди. Ҳукумат ва партия аъзолари ҳамда кўзғолончиларнинг қуролларини йиғиштириш учун вакил қилиб юборилган делегацияга раҳбарликка тайёргарлик кўраётган, ёмғир тўзитиб юборган каптарлар тўдасини эслатадиган оқ кийинган бир гала қизлар шовқин кўтариб хизмат қиларди. Полковник Аурелиано Буэндиа туллаган, исқирт бир хачирин миниб келди. Унинг соч-соқоли ўсиб кетган эди. Полковник ширин хаёллари пучга чиққанидан эмас, балки чипқонларининг оғриғидан азоб чекар, чунки энди мутлақо умидсиз бўлиб қолган, барча шуҳрату шуҳратпарастлигини аллақачон унутган эди. Унинг истагига биноан, на музыка, на фанфаралар янгради, на тантанали кўнғироқлар жаранглади, на «Ура!» ҳайқириқлари эшитилди ва на умуман, вақтинчалик сулҳнинг нохуш табиатини бузишга хизмат қилувчи бирорта бошқа кўриниш юз берди. Аурелиано Буэндиани расмга олган дайди сураткашни ҳатто авлодларга қолиши мумкин бўлган суратга ишлов беришга ҳам қўймай, негативни йўқ қилишга мажбур этишди.

Вақтинчалик сулҳ тузиш маросими бошланди. Делегатлар тузган цирк чодирининг қоқ марказига ўрнатилган оддий стол атрофида ўти-

ришар, атрофда эса полковник Аурелиано Буэндиага энг сўнги дам-гача содиқ қолган офицерлар тик туришарди. Республика президентининг шахсий вакили имзоларни тўплашдан олдин таслим бўлиш ҳақидаги актни ўқиб эшиттирмакчи бўлганида, полковник бунга қарши чиқди. «Вақтни расмийлик учун сарфламайлик», деди у ҳужжатни ўқимай имзо чекишга шайланиб. Шунда офицерлардан бири чодирнинг мудроқ сукунатини бузди:

— Полковник,— деди у,— бизга илтифот қилиб, биринчи бўлиб қўл қўймасангиз.

Полковник Аурелиано Буэндиа кўнди. Ҳатто перонинг қоғозда қитириладан қанақа ҳарф ёзилаётганини англаб олиш мумкин бўлган теран сукунат ичра стол атрофини айланиб чиққан бўлса-да, ҳужжатдаги биринчи қатор ҳамон бўш эди. Ниҳоят, полковник Аурелиано Буэндиа уни тўлдиришга ҳозирланди.

— Полковник,— деди офицерларидан бошқа бири,— ўзингизни шармандалиқдан сақлаб қолишингизга ҳали имконият бор.

Полковник Аурелиано Буэндиа пинак бузмай актнинг биринчи нусхасига имзо чекди. Сўнги нусхага қўл қўяётганида, иккита сандиқ ортилган ҳачирнинг нўхтасидан тутган кўзғолончи қўшинлар офицери чодир ёнида пайдо бўлди. Ўзининг ўта ёшлигига қарамай, бу офицер жиддий ва вазмин одамга ўхшаб кетарди. У кўзғолончиларнинг Макондо округи ҳазинабони эди. Ҳазинабон бу ерга вақтида етиб келиш учун очдан ўлаётган ҳачирни етаклаб, олти кунли машаққатли йўлни босиб ўтганди. У ҳачир устидаги сандиқларни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тушириб, уларнинг қопқоғини очди-да, столга бирин-кетин етмиш икки дона тилла гишт чиқариб қўйди. Бу — бор-йўқлигини ҳам-малари унутиб юборган катта бойлик эди. Охирги йили марказий қўмондонлик барбод бўлган, инқилоб эса бошлиқларнинг қонли рақобатига айланган бўлиб, бу умумий тартибсизликда ҳеч ким ҳеч нарса учун жавоб бермасди. Кўзғолончиларнинг гишт шаклида қуюлиб, сўнг усти лой билан қопланган олтинлари назоратсиз қолиб кетганди. Полковник Аурелиано Буэндиа етмиш икки олтин гиштнинг барини капитуляция актига зўрлаб киритди ва ҳеч қандай муҳокамага йўл қўймасдан, имзо чекди. Тинка-мадори қуриган ҳазинабон йигит ҳанузгача тик турар ва унинг тиник, шакар қиёмига ўхшаш сарғиш кўзлари полковникка қадалган эди.

— Яна нима?— деб сўради полковник Аурелиано Буэндиа.

Ёш офицер тишини тишига қаттиқ босди.

— Тилхат,— деди у.

Полковник Аурелиано Буэндиа унга тилхат ёзиб берди. Кейин бир стакан лимонад ичди ва роҳиқалар таклиф қилган бир бўлак бисквитни еди-да, сўнг ўзига ажратилган чодирига кириб кетди. Бу ерда у қўйлагини ечди, қаравотнинг бир четига ўтирди ва кундузи соат учдан ўн беш дақиқа ўтганида, шахсий врач қўкрагига йод билан чизган доирага тўппончасидан ўк узди. Ҳудди ана шу дақиқада Урсула плита устида анчадан бери турса-да, негадир қайнамаётган сутли хумчанинг қопқоғини очди ва унда бир талай қурт бижғиётганини кўрди.

— Аурелианони ўлдиришди!— деб хитоб қилди у.



Сўнг ховлига назар ташлаб, ўлган кунидан бери янада кексайиб қолган, ғамгин, ёмғирда шалаббоси чиққан Хосе Аркадио Буэндиани кўрди. «Уни номардлик билан ўлдиришди», деди Урсула. Бечоранинг қовоғини бостирадиган одам топилмади.

Урсула тунда, гўёки қулаётган юлдузлардек осмонни шиддат билан кесиб ўтаётган яркироқ, тўқ сарик ҳалқаларни кўрди ва уларни ўлим аломати, деб ўйлади. Қондан қотиб қолган ёмғирлушга ўралган Аурелиано Буэндиани олиб кетишганида, она каштан тагида, эрининг тиззаларини кучиб, ханузгача бўзларди. Полковникнинг кўзларида ғазаб алангаланарди.

Полковник хавфдан ҳоли эди. Ўқ тешиб ўтган яраси шу қадар текис ва тоза эдики, врач йод суркалган чийратма ипни кўкрагидан суқиб, оркасидан чиқариб олди. «Мен учун энг нодир яра, — деди табиб мамнуният билан, — ўқ бирорта аъзога шикаст етказмай ўта оладиган бирдан-бир жой аслида шу». Полковникни роҳибалар ўраб олишган эди. Унга ачиниш билан боқаётган кизлар ғоят ғамгин псалмалар айтишарди. Полковник шундагина Пилар Тернеранинг фолини мазахлаш ниятида тўппончани нақ оғзига қўйиб отмаганидан пушаймон бўлди.

— Агар мен яна ҳокимиятга эга бўлганимда, — деди у врачга, — сизни судсиз ва терговсиз отиб ташлардим. Менинг ҳаётимни сақлаб қолганингиз учун эмас, балки мени калака қилганингиз учун.

Амалга ошмай қолган ўлим Аурелиано Буэндианинг обрўсини бир соат давомида қайтадан тиклади. Полковник урушни деворлари олтин ғиштдан тикланган хонага алмаштирганлиги ҳақидаги латифани ўйлаб топган одамлар ҳам, унинг ўз жонига қасд қилишга уринганини ғоят олижаноб иш деб баҳолашди ва полковник Аурелиано Буэндиани жафокаш, деб эълон қилишди. Кейинроқ, у республика президенти томонидан тақдим этилган «Хурмат ордени»ни олишдан бош тортганида, унинг ҳузурига либералларга мансуб энг ашаддий душманлари келишиб, сулҳ шартларини бузиб, янги уруш бошлаб юборишни илтимос қилишди. Уй одамлар аввалги гуноҳларини ювиш умидида юборган совғалар билан тўлиб-тошди. Собик қуролдош дўстларининг бирмунча кечикиб бўлса-да, қўллаб-қувватлаётганидан ийиб кетган полковник Аурелиано Буэндиа, уларнинг илтимосларини қондириш имкониятини инкор этмасди. У бир замон янги уруш ғоясидан шунчалар руҳланиб кетдики, ҳатто Херинельдо Маркес ҳам, полковник уруш бошлаш учун баҳона кутяпти, деган хаёлга борди. Республика президенти уруш катнашчилари бўлмиш либераллар ва консерваторларга, то уларнинг ҳар бирининг ишини махсус комиссия кўриб чиқиб, конгресс маблағ ажратиш ҳақидаги қонунни тасдиқламагунча ҳарбий нафақа белгилашга кўнмаганида, чиндан ҳам баҳона топилди. Полковник Аурелиано Буэндиа ғазаб соча бошлади: «Бу — зўравонлик! Нафақа олгунча, улар қариб, ўлиб кетишади». Соғайиш вақтида Урсула олиб берган тебранма каравотни илк бор тарк этди ва ётоқхонанинг у ёғидан-бу ёғига бориб келиб, республика президентига юбориш учун мардонавор номани айтиб ёздирди. Ҳеч қаерда эълон қилинмаган ушбу телеграммада президентни Неерланд сулҳи шартларини бузишда айблади ва агар нафақага маблағ ажратиш ҳақидаги масала яқин икки ҳафта ичида ҳал этилмаса, ҳаёт-мамот уруши эълон қилажагини

билдириб дўк урди. Унинг талаблари шу қадар ҳаққоний эдики, консерваторлар партиясига мансуб уруш иштирокчилари ҳам қўллаб-қувватлашларига умид боғласа бўларди. Аммо ҳукумат жавоб ўрнига, полковникни кўриқловчи ҳарбий соқчиларни кўпайтирди ва унинг ёнига киришни ман қилди. Ҳар эҳтимолга кўра, кўзғолончиларнинг ҳукумат учун хавфли ҳисобланган бошқа командирларига нисбатан ҳам ана шундай тадбирлар қўлланилди. Бу тадбирлар ўз вақтида, кескин ва муваффақиятли олиб борилдики, вақтинчалик сулҳ тузилганидан икки ой ўтгач, полковник Аурелиано Буэндиа батамом оёққа турганида, унинг барча энг содиқ ёрдамчилари ўлдирилган, ё сурғун қилинган бўлиб, бошқалари эса ҳукуматга сотилиб кетган эди.

Полковник Аурелиано Буэндиа ётоқхонасидан декабрь ойида чиқдию янги уруш ҳақида ҳатто ўйлаш ҳам мумкин эмаслигига амин бўлди. Кекса Урсула ёшларга хос ғайрат билан бутун уйни яна бир бор янгилади. «Энди менинг кимлигимни билиб қўйишин, — деди у ўғли тирик қолажагини хабар қилишган куни. — Меҳмоннавозликда бу телба хонадондан ўтадиган бирорга ҳам уй бўлмайди». У хоналар полини ювиш ва бўяш, мебелни алмаштириш учун кўрсатма берди, боғни тартибга келтирди, янги гул кўчатлари ўтказди ва кўзни қамаштирувчи ёз ёғдуси ҳатто ётоқхоналарга ҳам таралсин деб, барча эшик ва деразаларни ланг очиб қўйди. Сўнгра узоқ давом этган азадорлик муддати тугаганини ҳаммага маълум қилди ва эгнидаги эски қора кўйлагини ечиб, ёшларга ўхшаб ясаниб олди. Уйда яна пианоланинг шўх садолари янграй бошлади. Уларни эшитган Амаранта, Пьеро Креспини, галереядаги тунги суҳбатларни, лаванда ҳидини эслади ва унинг сўлгин юраги тубида яна адоват уйғонди; бу ғоят тиниқ, вақт ўтиши билан янада ёқимлироқ тус олган бир адоват эди. Бир куни кечқурун меҳмонхонани йиғиштираётган Урсула уйларини кўриқлаётган солдатлардан кўмаклашишни сўради. Уларнинг командири ёшгина офицер рухсат берди. Урсула солдатларга ҳар куни янги-янги юмушлар топширарди. Уларни овқатга чорлар, кийим-кечак ва пойабзал ҳадя қилар, ўқиш ва ёзишни ўргатарди. Кейинроқ, ҳукумат соқчиликни бекор этгач, солдатлардан бири хонадонда яшаб қолиб, Урсулага анча йиллар хизмат қилди. Гўзал Ремедиоснинг илтифотсизлигидан жинни бўлиб қолай деган ёш офицернинг ўлигини эса Янги йилнинг биринчи куни тонгида қизнинг деразаси остидан топишди.

\* \* \*

Орадан кўп йиллар ўтади ва ўлим тушағида ётган Аурелиано Иккинчи ўзи тўнғич фарзандини кўриш учун ётоқхонага кирган ўша ёмғирли июнь кунини эслайди. Гарчанд ўғли мажмағил, йиғлоқи бўлиб туғилса-да, Буэндиалар авлодига заррача ўхшамаса-да, отаси чақалокқа қанақа исм бериш тўғрисида узоқ ўйлаб ўтирмади.

— Биз уни Хосе Аркадио деб атаймиз, — деди у.

Аурелиано Иккинчи бундан бир йил олдин уйланган Фернанда дель Карпио исмли гўзал аёл эрининг фикрига қўшилди. Урсула эса аксинча, изтиробли ташвишини яширолмасди. Унинг назарида, бу оиланинг узоқ тарихи давомида бир хил исмларнинг сурункали такрорланишида



ёмон бир синоат бордай эди. Аурелианолар одамови ва зехни ўткир бўлиб етишар, барча Хосе Аркадиолар жўшқин феъл-атвори, уддабуронлиги билан ажралиб туришар ва уларнинг қисматида, албатта недир фожиа юз берарди. Факат Хосе Аркадио Иккинчи билан Аурелиано Иккинчи бундан холи эди. Болаликда бир-бирига жуда ҳам ўхшаб кетишар ва иккиси ҳам шу қадар тек турмас эдики, ҳатто Санта София де ла Пьедад ҳам уларни ажратолмасди. Чўкинтириш куни Амаранта уларнинг қўлларига исмлари битилган билагузук тақди ва икковига исму шарифларининг бош ҳарфлари тикиб ёзилган икки хил рангда костюм кийдирди, аммо эгизаклар мактабга борганда кийим-бошлари, билагузуклари ва ҳатто исмларини ҳам алмаштиришадиган қилик чиқаришди. Хосе Аркадио Иккинчини кўк қўйлагидан ажратишга одатланиб қолган муаллим Мельчор Эскалона унинг қўлида «Аурелиано Иккинчи» ёзуви бор билагузукни кўриб, жигибийрони чиқиб кетди. Оқ қўйлак кийган бошқа бола эса, билагузугига «Хосе Аркадио Иккинчи» деб ёзилганига қарамай, «мен Аурелиано Иккинчи бўламан» дея таъкидларди. Шундан бери одамлар эгизаклардан бировининг номини атаб қакиришга ботинолмай, хато қилиб қўйишдан чўчишарди... Урсула ҳатто эгизаклар улғайишиб, ҳаёт турлича қилиб қўйганида ҳам, улар бир-бирининг кийим-кечакларини кийиб ўйнашган пайтида ақлдан адашиб, охир-окибатда бир умрга алмашиниб қолмадимикан, деган гумонга борарди. Балоғат ёшига қадар эгизаклар худди икки синхрон механизмга ўхшарди. Улар бир вақтнинг ўзида уйғонишар, бир вақтнинг ўзида ювинишар, бир хил касаллик билан оғришар ва ҳатто бир хил тушлар кўришарди. То Санта София де ла Пьедад улардан бирига бир стакан лимонад бермагунича ва у лимонадни хўплаётган пайтда иккинчиси «лимонад ширин эмас» деб айтмагунича, уйдагилар ҳақиқатни билишмас, эгизаклар уларни лақиллатиш мақсадида ўзаро хатти-ҳаракатларини олдиндан келишиб олишяпти, деб ўйлашарди. Ростдан ҳам стаканга шаккар солишни эсидан чиқарган Санта София де ла Пьедад бу ҳақда Урсулага маълум қилди. «Уларнинг ҳаммасиям шунақа ўзи,— деди Урсула заррача ҳам ажабланмай,— савдойи бўлиб туғилишади». Вақт ўтиши билан чигаллик янада ортди. Кийимни алмаштириш найрангидан сўнг Аурелиано Иккинчи исмида қолган эгизаклардан бири худди бобоси Хосе Аркадио Буэндиага ўхшаган норғул йигитга айланди, Хосе Аркадио Иккинчи исмиси эса полковник Аурелиано Буэндиага ўхшаб озгин бўлиб ўсди, эгизакларда сақланиб қолган бирдан-бир умумий нарса — бутун оилага хос бўлган ёлғизликни севиш сиёғи эди. Балки уларнинг буйлари, исмлари ва феълу атворларидаги кейинчалик сезилган номутаносиблик туфайли ҳам Урсула эгизаклар болалигида алмашиб қолишган, деган фикрга боргандир.

Асосий тафовут уруш қизиган бир пайтда Хосе Аркадио Иккинчи полковник Херинельдо Маркесдан одамларни отишларини кўришга рухсат сўраганида аён бўлди. Гарчанд, Урсула эътироз билдирса-да, унинг талаби қондирилган эди. Аурелиано Иккинчи, аксинча, қатлини кузатиш мумкинлиги ҳақидаги фикрни эшитибок сесканиб кетди. У кўпроқ уйда ўтиришни маъқул кўрарди. Ўн иккига тўлганида Урсуладан эшиги доимо берк турадиган хонада нималар борлигини сўради.

«Қоғозлар,— деб жавоб берди Урсула.— Малькиадеснинг китобларию у умрининг охирида битган ажойиб-ғаройиб ёзувлар». Бу изоҳ Аурелиано Иккинчини кониктириш ўрнига қизиқишини орттирди. Хонадаги нарсаларга тегмайман, дея ялиниб-ёлворгач, Урсула унга қалитларни топширди. Хонадан Мелькиадеснинг жасади олиб чиқилиб, эшигига қулф осилгандан бери (кулфнинг занглаб кетган қисмлари гўёки бир-бирига чирмашиб кетгандек эди), бу хонага ҳеч ким кирмаган эди. Аурелиано Иккинчи деразани очганда, хонага ёруғлик гўёки у ҳар куни шу ерни ёритишга ўргангандек оқиб кирди. Ҳеч қаерда чанг ёки ўргимчак ини кўринмас, анжомлар Мелькиадес дафн этилган кундагидан ҳам тоза ва саранжом-саришта; сиёҳдон ҳам сиёҳга тўла эди. Зангламаган маъдан буюмларнинг сирти нуқрадай ялтирар, Хосе Аркадио Буэндиа симоб куйдирадиган ўчоқда олов ёниб турарди. Токчаларда кўҳналикдан андак бужмайиб қолган сарғиш-малла муқовали китоблар турар, худди ўша ерда қадимий қўлёзмалар ҳам бус-бутун ётарди. Неча йиллар давомида ёпиқ турганига қарамай, хонанинг ҳавоси уйдаги бошқа хоналардагига нисбатан анча тоза туюларди. Орадан бир неча ҳафта ўтгач ҳам хонадаги тартиб мутлақо бузилмади. Пол ювиш учун бир пақир сув, чўтка кўтариб келган Урсула бу ерда унинг учун ҳеч қанақа юмуш йўқлигини кўрди. Аурелиано Иккинчи мук тушиб, аллақандай китобни ўқирди. Бола китобнинг номини билмас (унинг муқоваси йўқ эди), аммо бу нарса китобда нақл этилган воқеалардан завқланишга монелик қилолмасди. Китобда столга ўтириб олиб нуқул гуруч ейдиган, ҳар дона гуручини иккита тилла тўғнагичга санчиб оладиган аёл ҳақида; кўшнисидан тўр сўраб олган ва эвазига унга битта балиқ ҳадя этган балиқчи ва ўша балиқ ичидан каттагина гавҳартош чиққани тўғрисида; ҳар қандай тилакни бажо келтирувчи чирок ҳамда учаргилам ҳақида сўз борарди. Бола нақллардан ҳаяжонга тушиб, Урсуладан уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини сўради. Тўғри, дея жавоб берди Урсула, чунки бундан бир неча йил илгари лўлилар Макондога ўзлари билан сеҳрли чироқлару учар бўйралар олиб келишганди.

— Гап шундаки,— деб хўрсинди Урсула,— охирзамон бўляпти, шу боис энди бунақанги воқеалар юз бермайди.

Кўпгина ҳикояларининг охири йўқ, анча саҳифалари йиртилиб кетган китобни ўқиб бўлган Аурелиано Иккинчи Мелькиадес қўлёзмаларининг сирини ечишни ўзига мақсад қилиб олди. Бу амалга ошириб бўлмайдиган юмуш эди. Ҳарфлар қуритиш учун сим дорга осиб қўйилган кирларни эслатар, оддий ёзувдан кўра, кўпроқ мусикий нота белгиларига ҳам ўхшарди. Бир куни жазирама чошгоҳда қўлёзмаларни ҳафсала билан тадқиқ қилаётган Аурелиано Иккинчи хонада аллақим борлигини пайқаб қолди. Деразанинг ярақлаган роми ёнида қўлларини тиззасига қўйган Мелькиадес ўтирарди. У ёши қирқдан ошмаган одамдек кўринарди. Эски нимчасини ва соябонлари қарганинг қанотини эслатувчи шляпасини кийиб олган, рангпар чаккасидан худди жазирама иссиқда эриётган майга ўхшаб тер қуйларди.

Лўлининг киёфаси уни Аурелиано билан Хосе Аркадио болаликларига кўрган пайтдагидек эди. Аурелиано Иккинчи Мелькиадесни



дархол таниди, чунки лўли ҳақидаги эсдалик гўё бир мерос каби авлоддан-авлодга ўтиб келарди.

— Салом,— деди Аурелиано Иккинчи.

— Салом, йигитча,— деди Мелькиадес.

Ана шундан буён улар бир неча йилгача деярли ҳар куни учрашиб туришди. Мелькиадес унга дунё ҳақида ҳикоя қилиб берар, болага ўзининг андак эскирган донолигини юктиришга уринарди. Аммо ўз кўлёмаларини шарҳлаб беришни истамасди. «То кўлёмаларнинг сақланаётганига юз йил тўлмагунча ҳеч ким унда нима ёзилганини билмаслиги керак», дея тушунтирарди у. Аурелиано Иккинчи айна учрашувларни бир умрга махфий сақлади. Урсула бир куни хонага нақ Мелькиадес борлигида кириб келди, кўрқиб кетган Аурелиано Иккинчи ҳозир ҳаммаси барбод бўлади, деб ўйлади. Аммо Урсула лўлини кўрмади.

— Ким билан гаплашяпсан?— сўради у.

— Ҳеч ким билан,— жавоб берди Аурелиано Иккинчи.

— Катта буванг ҳам шундай эди,— деди Урсула,— у ҳам доимо ўзи билан ўзи гаплашарди.

Худди шу пайтда Хосе Аркадио Иккинчининг одамларни отишаётганларини кўриш орзуси амалга ошди. У олтига милтиқ оғзидан бараварига гумбурлаб чиққан кўкимтир ўтни, тоғлараро янграган акс садони, жазога ҳукм этилганнинг қайғули табассумию саросима ичра боқишини, кўйлаги қонга беланса-да, тик турганини, гарчанд, уни устундан ечиб, оҳак тўлдирилган каттакон кутига жойлаштиришса ҳам, кулишни давом эттиришини... умрининг охиригача эслаб қолди. «У тирик,— ўйлади ўшанда Хосе Аркадио Иккинчи,— улар уни тириклайин кўмишди». Бу ҳол болага шу қадар каттик таъсир қилдики, кейинчалик қатл учун эмас, отилганларни тириклайин кўмишдек мудҳиш одат учун барча ҳарбийларга ва урушга нафрат билан қарайдиган бўлди. Хосе Аркадио Иккинчининг кўнғирокхона минорасидан кўнғирокларни чалаётганини, Вайсақининг вориси бўлмиш падре Антонио Исабелга ибодат чоғида ва қавм уйининг ҳовлисидаги уришқоқ хўрозларни боқишда ёрдам бераётганини ҳеч ким пайқамасди. Бироқ, бу воқеа ошкор бўлгач, полковник Херинельдо Маркес ҳар бир виждонли либералга номуносиб иш билан машғуллиги учун Хосе Аркадио Иккинчини каттиқ койиди. «Биласизми,— деди жавобан Хосе Аркадио Иккинчи,— назаримда, мендан консерватор чиқади». У пешонасига айна қисмат ёзилганига ишонар эди. Полковник Херинельдо Маркес ўзининг норозилигини Урсулага ҳам билдирди.

— Яхши-да, — деди Урсула чеварасининг феъл-атворини қўллаб-қувватлаб,— қанийди, у руҳоний бўлиб етишса, балки ўшанда худо бизнинг хонадонимизга ҳам мадад берармиди?

Орадан кўп ўтмай, Урсулага падре Антонио Исабелнинг ўз шогирдини биринчи маросимга тайёрлаётгани маълум бўлди. Руҳоний хўрозларнинг бўйнидаги тукларини кириш чоғида Хосе Аркадио Иккинчига ақоидни<sup>1</sup> ўргатарди, ҳозирча, курк товукларни ин-инларига жойлаш-

<sup>1</sup> Ақоид (катахезис)— христиан диний ақидаларининг савол-жавоб тарзидаги мухтасар баёни.

тираётганларида эса, шогирдига олам яралганининг иккинчи кунда худо жўжаларни не сабабдан тухумда чиқаришга аҳд қилганини оддий мисоллар асосида тушунтирарди. Падре Антонио Исабел ўшандаёқ қариб, мияси айний бошлаган эдики, айни заифлик уни яна бир неча йил ўтгач, худони енгган шайтон арши аълога хўжайин бўлиб, эҳтиётсизларни тузоққа илинтириш учун ҳозирча ўзининг кимлигини билдирмаётир, деган гумонни айтишга мажбур қилди. Хосе Аркадио Иккинчи бундай жасур мураббий бошчилигида бир неча ой ичида на фақат илоҳиётнинг шайтонни ҳам шошириб қўядиган ҳийлаларини мукаммал ўрганди, балки айни замонда хўроз уриштириш бобида ҳам роса билимдон бўлиб олди ва хўрозбоқарга айланди. «Уларни бошқа жойга олиб бор,— буюрди Урсула у уйга сараланган хўрозларни илк марта кўтариб келганида.— Хўрозлар бошга солган кулфатлар шусиз ҳам етти пуштимизгача етиб ортади». Хосе Аркадио Иккинчи баҳслашиб ўтирмади, хўрозларни Пилар Тернераникига элтди. У эса неварасини уйидан кетказмаслик учун ҳамма шароитларни муҳайё қилиб қўйган эди. Падре Антонио Исабел ўргатган ҳийлаларни хўроз уриштиришда қўллаган Хосе Аркадио Иккинчи тез орада шунчалик кўп пул туширдик, бу катаklarини янада кўпайтиришга, боз устига, балки ўзининг эркаклик талабларини қондиришга ҳам етарди. Хосе Аркадио Иккинчини укаси билан такқослаб кўрган Урсула, бир-бирига монанд эгизаклардан қандай қилиб турли одам чиққанидан ҳайратланарди. Урсула айни мулоҳаза юзасидан узоқ бош қотириб ўтирмади, чунки орадан кўп ўтмай, Аурелиано Иккинчи ҳам дангасалик ва бебошликка берила бошлади. У Мелькиадеснинг хонасига беркиниб ўтирган чоғларида, полковник Аурелиано Буэндианинг ёшлигидагидек индамас, доимо ўз фикрларига чўмиб юрадиган одам эди. Аммо Неерланд битимидан сал илгари бир тасодиф билан хилват маскандан чиқдию ҳаёт билан юзмаюз бўлди. Лотерея сотувчи ёш аёл тўсатдан у билан худди эски танишдек сўраша кетди. Йигит ажабланмади, нега илгари ҳам уни кўпинча укаси билан адаштиришарди. Аммо киз унинг юрагини обидийда қилиб юмшатмоқчи бўлганда ҳам, уни ўз хонасига етаклаб келганда ҳам қизнинг хатоларини юзига солмади. Кейин аёл унга қаттиқ боғланиб қолди ва маҳбубага ютуқ чиқиши учун лотереяларни мослаб чийлайдиган бўлди. Икки ҳафтадан сўнг Аурелиано Иккинчи аёлнинг уни Хосе Аркадио билан адаштириб ўзи ва укаси билан галма-гал ётаётганини сезиб қолди. У гапни кавлаштириб ўтирмади, аксинча бор кучи билан ҳақиқатни яширишга ҳаракат қилди. Энди у Мелькиадеснинг хонасига кирмай қўйди. Кун бўйи ҳовлида ўтирганча, мотам муносабати билан уйларида музика чалишни ман қилган ва бусиз ҳам Франсиско Одамнинг ворислари бўлмиш дайди музикачилар сози ҳисобланадиган аккордеондан ҳазар қиладиган Урсуланинг жаврашига қулоқ солмай, нотасиз ёдаки мусиқа чалишни ўрганарди. Пировардида Аурелиано Иккинчи моҳир аккордеончига айланди ва ҳатто болачақали бўлиб, Макондонинг энг нуфузли одамига айланганида ҳам аккордеон чалишни ташламади.

У ўша аёлни салкам икки ой укаси билан бирга баҳам кўрди. Укасининг кетидан кузатар, режаларини бузар, Хосе Аркадио Иккинчининг жазманлариникига бормаслигига тўлиқ ишонч ҳосил қилган



кечалари уникага ўзи йўл оларди. Бир куни эрталаб касал бўлиб қолганини англади. Икки кундан сўнг мўрчага кириб, девор ёнида жикка терга ботиб, кўзларидан қайноқ ёш тўкиб ҳўнграб йиғлаётган укасини кўриб қолдию гапни тушунди. Укаси аёлга хунук касаллик юктирганини (касалликни аёл шундай деб атаган экан) ва аёл ҳайдаб юборганини тан олди. Пилар Тернера уни қандай даволашга уринаётганини айтиб берди. Аурелиано Иккинчи укасига билдирмасдан, матоҳини иссиқ марганцовка эритмаси билан ювадиган ҳамда сийдик ҳайдовчи турли воситаларни қўллайдиган бўлди. Уч ойлик хуфиёна муолижадан сўнг икковиям соғайиб кетди. Хосе Аркадио Иккинчи аёл билан бошқа учрашмади. Аурелиано Иккинчи эса ундан кечирим сўради ва умрининг охиригача ўша аёл билан бирга бўлди.

Лотереячи аёлнинг исми Петра Котес эди. У Макондога лотерея сотадиган бир эркак билан келган эди. Эркакнинг вафотидан кейин эса унинг ишини ўзи давом эттирадиган бўлди. Петра Котес озодликни ниҳоятда ёқтирадиган ёшгина мулат бўлиб, сарғиш кўзлари юзига қоплонга хос шафқатсизлик ифодасини берар, аммо аслида юраги тоза, меҳрибон, ишқу муҳаббатга мойилроқ аёл эди. Хосе Аркадио Иккинчининг уришқоқ хўрозларнинг урчитаётгани, Аурелиано Иккинчи эса жазманлар уйидаги шовкин-суронли зиёфатлар пайтида аккордеон чалаётгани ҳақидаги миш-мишлар қулоғига чалинган Урсула уятдан жинни бўлаёзди. Эгизаклар гўёки оиладаги барча иллатларни ўзида мужассамлаштирган ва оиланинг бирорта ҳам яхши фазилатини мерос қилиб олмагандай эди. «Энди авлодимизда ҳеч кимга на Аурелиано ва на Хосе Аркадио деб исм қўямиз!» — деб аҳд қилди Урсула. Лекин Аурелиано Иккинчи тўнғич фарзанд кўрганида, у чеварасининг раъйини қайтаролмади.

— Мен розиман, — деди Урсула, — аммо шартим шуки, уни ўзим тарбиялайман.

Урсула юзга кирган, катаракта<sup>1</sup> туфайли кўзлари унчалик яхши кўрмаса-да серғайрат, ақли расо эди. Урсуланинг фикрича, чакалокни ўзидан бошқа ҳеч ким одамшаванда аждодларининг илгариги нуфузларини тиклашга кодир, сулоланинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлмиш тўрт офат — уруш, хўрозлар жанги, ярамас аёллар ҳамда бемаъни, бўлмағур ниятлар ҳақида ҳеч нарса билмайдиган одам қилиб тарбиялай олмаслигига ишончи комил эди. «У руҳоний бўлади, дея тантанавор руҳда ваъда қилди Урсула. — Агар худо менга яна умр берса, у Рим папаси бўлади». Урсуланинг баралла айтган сўзлари фақат ётоқхонадагина эмас, балки ўша куни Аурелиано Иккинчининг шўх-шодон дўстлари тўпланишган уйда ҳам қулгига сабаб бўлди. Хотира қатларига алақачон иткитилган уруш, шампан виноси пўкаклари отилганида, киска бир лаҳзага бўлса-да, яна эсга тушди.

— Отанинги саломатлиги учун ичамиз! — деб ҳайқирди Аурелиано Иккинчи.

Меҳмонлар унга бир овоздан жўр бўлишиб қадах кўтаришди. Сўнгра уй эгаси аккордеон чалди, ҳавога мушаклар отилди. Тўйиб шампан

<sup>1</sup> К а т а р а к т а — кўз гавҳарининг хира тортиши.

виноси ичган меҳмонлар сахармардонда олтига бузокни бўғизлаб, гўштини кўчага — эл ихтиёрига жўнатишди. Бу эса хонадондаги ҳеч кимни ташвишлантирмади. Бу хил зиёфатлар. Аурелиано Иккинчи уйдаги барча ташвишларни ўз зиммасига олган кундан бошлаб, оддий воқеага айланиб қолганди. Уй ҳайвонларию паррандаларни фавқулодда кўп урчитиш хислатига эга бўлган Аурелиано Иккинчи, гарчи ўзи урин-маса ҳам, кутилмаган омад туфайли водийнинг энг обрўли кишиларидан бирига айланди. Байталлари унга бирийўла учтадан тойчоқ ҳаля этар, товуклари кунига икки маҳал тухум туғар, чўчкалари эса шу қадар тез семирардики, одамлар буни афсунгарликдан бошқа ҳеч нарсага йўйишмасди. «Пулни асраб қўй, — уқтирарди Урсула ўзининг енгилтак чеварасига, — бундай омад умрбод давом этавермайди». Лекин Аурелиано Иккинчи бувисининг сўзларига эътибор бермасди. Дўстларини меҳмон қилиш учун қанча кўп шампан шишасининг оғзини очса, моллари тўхтовсиз болалагани сайин, чекига тушган бу ажойиб омад ўзининг саъй-ҳаракатига эмас, балки севгиси, барча жонзодларни уй-ғотишига қодир маҳбубаси Петра Котесга боғлиқ эканига шунча кўп ишонч ҳосил қиларди. У бойлик манбаи айни шунда эканига тобора қаттиқ ишонар ва Петра Котесни ўз подалари яқинида сақлашга ҳаракат қиларди; Аурелиано Иккинчи уйланиб фарзанд кўргач ҳам, шаръий хотини Фернанданинг розилигини олиб, жазмани Петра Котес билан учрашиб турарди. У боболари каби бақувват ва норғул бўлиб етишди, аммо улардан ҳаётсеварлигию дилбарлиги билан ажралиб турар, боболарига ўхшаб, унинг ҳам мол-ҳолга қараши учун деярли вақти бўлмасди. Аммо Петра Котесни молхонага эргаштириб борса ёки биргаликда отда яйлов кезса борми, у тамга босган ҳар бир ҳайвон тийиб бўлмас серпуштлик балосига йўлиқарди.

Аурелиано Иккинчи ва Петра Котеснинг узок ҳаётлари давомида юз берган барча яхши ҳодисалар каби бемеъёр бойлик ҳам асло кутилмаган эди. Урушлар тугагунга қадар Петра Котес лотереядан тушган даромадлари эвазига кун кечирар, Аурелиано Иккинчи бўлса ора-сира Урсуланинг акчадонидаги пулларни батамом қоқиб оларди. Улар иккиси ҳам ниҳоятда енгилтак бўлиб, фақат бир нарсани, ҳатто черков таъқиқлаган кунлари ҳам эртароқ тўшакка ётиб, тонгга қадар шўхлик қилишни ўйлашарди, ҳолос.

«Бу аёл сени хароб қилади, — дея қичқирарди Урсула ойпараст-телбакезик одамдек оёғини зўрга судраб уйи томон келаётган чеварасига. — Қараб тур, ҳализамон санчиқ тутиб ётиб қоласан, ҳали корнингга совуқ қурбақа босишга тўғри келади». Муҳаббат бобидаги шеригини анча кечикиб билиб олган Хосе Аркадио Иккинчи акасининг эҳтиросига ҳеч тушунмасди. Унинг хотирасида Петра Котес ўта жўн, тўшакда хийла суст ва умуман ўлиб-тирилишга арзимайдиган бир аёл сифатида сақланиб қолди. Аммо Аурелиано Иккинчи Урсуланинг гапларига ҳам, акасининг мазахларига ҳам эътибор бермади. У Петра Котес учун ижарага уй олиб берди. Полковник Аурелиано Буэндиа майли, мен ҳам кексалик гаштини сурай, деб устахонасини яна очганида, Аурелиано Иккинчи тилла балиқчалар яшаш сердаромад юмуш бўлса керак, деган фикрга келди. У полковникнинг металл тахтачаларга ҳаётдан безган одамга хос сабру тоқат билан ишлов бераётганини ва



улар аста-секин тилла тангачаларга айланаётганини кузатганча, хавоси дим хонада соатлаб ўтирарди. Заргарлик Аурелиано Иккинчи-га шу қадар кийин, Петра Котес ҳақидаги ўй-фикри эса шу қадар қатъий ва барқарор эдики, ахийри уч ҳафта деганда устахонадан безор бўлди. Кейин у лотерея ўйинига тиқиш учун ўзининг семими куёнларини жазманига олиб келди. Энди жониворлар тез уричиб-уна-диган бўлиб қолишди. Петра Котес лотерея билетларини сотишга зўр-га улгурарди. Аурелиано Иккинчи аввалига куёнларнинг кўпайиши даҳшатли тус ола бошлаганини пайкамади. Аммо шаҳарда энди ҳеч ким куён чиқадиغان лотерея ҳақида эшитишни ҳам истамай қўйгани-да, бир куни кечкурун ховлига караган девор ортидаги каттиқ шов-кин-сурондан уйғониб кетди.

«Кўркма, бу куёнлар», деди Петра Котес. Лекин узоқ давом этган шовкин жонларига тегиб, иккови ҳам қайта кўз юммади. Эрталаб Аурелиано Иккинчи эшикни очдию ҳовли куёнлар билан тўлиб-тошганини кўрди. Куёнларнинг юнги тонг шафағида мовий тусга кир-ганди. Петра Котес жинниларга ўхшаб хохоларди. «Булар шу кечаси тугилган куёнлар», деди у. «Зўр-ку!— хитоб килди эри.— Буни си-гирларда ҳам бир синаб кўрсанг-чи, а?»

Петра Котес ҳовлини куёнлардан бўшатиш ниятида тез орада улар-ни сигирга алмашгирди, сигир эса уч ойдан кейин бир йўла учта бузоқ туғди. Аурелиано Иккинчи бирпасда яйловлару подаларга эга бўлиб олди. У чўчкахоналарни кенгайтиришга зўрға улгурарди. Бу-нинг бари тушга ўхшар ва Аурелиано Иккинчининг кулгисини киста-тарди. У севинчини ғалати қилиқлар қилиб ифодалашдан ўзга чора тополмасди. «Тезроқ туғинглар, сигирлар, умр калта!»— дея қич-кирарди у. Урсула, эҳтимол чеварам аллақандай ёмон ишлар билан шуғулланиб, қароқчи ёки мол ўғриси бўлиб кетмадимикин, дея шуб-ҳаланар ва чевараси ҳар гал вақтихушлик учун шампан шишасининг оғзини очиб кўпигини бошидан куйганида, уни исрофгарчиликда айблаб, бакириб берарди. Урсуланинг койишлари жонига теккан Аурелиано Иккинчи бир куни тонгда руҳи тетик бир ҳолда уйга келиб, бир кути қоғоз пул, бир банка елим ва чўтка олди-да, Фран-сиско Одамнинг эски қўшиқларининг овозини баралла қўйиб қуйлаган-ча, бутун уйнинг ичу тошига қиймати бир песолик пул ёпиштириб чикди. Пианола келтирилганидан бери фақат оқ рангга бўяб келина-ётган бу қадимий уй мачигга ўхшаш шубҳали бир тус олди. Урсула ва кариндошлар дарғазаб бўлиб бакиришаётган бир пайтида, кўчада тўпланган одамлар исрофгарчилик мадҳиясида иштирок этишдан шод-хуррам эди. Аурелиано Иккинчи ҳамма жойга пештоқдан тортиб, ошхо-на, ҳатто мўрчахона деворларига ҳам пул ёпиштириб чикди ва ортиб қолганини ҳовлига улоқтирди.

— Энди, — деди у пировардида, — ишонаманки, бу уйда бирорта одам менга пул тўғрисида бошқа оғиз очмайди.

Худди шундай бўлди ҳам. Урсуланинг кўрсатмасига биноан, девор-лардаги пуллар ёпишиб қолган сувок парчалари билан биргаликда қў-чирилди ва уй яна окка бўялди. «Эй худо, — деб илтижо қиларди Ур-сула, — бу ерларга келганимизда қанчалар камбағал бўлсак, ўшандай ночор бўлайлик, йўкса, у дунёда исрофгарчилигимиз учун жавоб бе-

рамиз». Унинг ибодати негадир аксинча талкин қилинди. Пулларни кўчиришаётган ишчилардан бири, уруш тамом бўлишидан сал илгари аллаким келтирган авлиё Юсуфнинг каттакон гипс ҳайкалини эҳтиётсизлик қилиб туртиб юборди, ҳайкал ерга тушиб чилпарчин бўлди. Унинг ичи кавак бўлиб, тилла тангалар билан лиқ тўлдирилган экан. Ҳайкал уйга қачон келиб қолганини анчагача эслашолмади. «Уни уч эркак кўтариб келувди,— деб тушунтира кетди Амаранта,— то ёмғир тингунича шу ерда туришига рухсат сўрашди, мен уларга ҳайкалга ҳеч ким урилиб кетмаслиги учун кунжакка қуйишларини тайинладим, улар ҳайкални эҳтиёткорлик билан ўша ерга қўйишди, шундан бери ўша жойда турибди, ахир, уни олиб кетиш учун ҳеч ким келмади-да».

Сўнгги пайтларда Урсула ҳайкалнинг олдига шамлар ёқиб, тиз чўқар, у авлиёга эмас, балки нақ икки юз килоча чиқадиган тиллага синаётганини хаёлига ҳам келтирмасди. Ўзининг ғайриихтиёрий бутпарастлигини анча кеч англаган Урсуланинг дили баттар ғаш бўлди. У полда ётган танга уюмини йиғиб олди ва учта халтага солиб, чекка бир жойга кўмиб қўйди, чунки эртами-кечми, бари бир ўша учала нотаниш киши бойликни сўраб келади, деб ўйлади. Орадан бир неча йил ўтгач, мункиллаб қолган Урсула уйларига келадиган мусофирлардан ҳар гал мабодо уйимизга ёмғир тингунча туриб турсин дея авлиё Юсуфнинг ганчдан ясалган ҳайкалини ташлаб кетмовдиларинми, дея сўрарди.

Урсулани ташвишлантираётган тўкин-сочинлик ўшанда оддий бир ходиса эди. Макондода эртақлардаги каби роҳат -фароғат ҳукм сурарди. Шаҳарда азалдан яшовчиларнинг лой ва қамишдан қилинган уйлари ўрнида дабдабали, ичи салкин фишт иморатлар қурила бошланди. Чанг босган бодом дарахтларию шаффоф сувли дарёгина бир вақтлар Хосе Буэндиа асос солган қишлоқни эслатиб турарди. Хосе Аркадио Иккинчи дарё ўзанини тозалаб, уни кемалар қатновига мосламоқчи бўлганида, дарёнинг қадим даррандаларнинг улкан тухумларини эслатувчи даврдаги тошлари сангтарошларнинг болғачаларини синдириб юборди. Бу бемаъни режа бўлиб, уни фақат Хосе Аркадио Буэндианинг хаёлий ўйларига таққослаш мумкин эди, негаки дарёдаги ададсиз тошлар Макондони денгиз билан боғлашга асло имкон бермасди. Аммо Хосе Аркадио Иккинчи ўз лойиҳасини қаттиқ туриб маъқулларди. У ҳали бирор марта ҳам тасаввур кўламини айна даражада намоён қилмаган эди. Агар Петра Котесни ҳисобга олмаса, хотинлар билан ҳам олди-берди қилмаган эди. Урсула бу чеварасини Буэндиалар авлодидаги энг уқувсизи, ҳатто хўроз уриштиришга ярамайдиган, деб ҳисобларди. Бир куни полковник Аурелиано Буэндиа Хосе Аркадио Иккинчига денгиздан ўн икки чақиримча берига чиқиб қолган испан кемаси қолдиқларини уруш йилларида кўрганини сўзлаб берди. Ҳамма полковникнинг уйдирмаси деб ҳисоблайдиган бу хикоя Хосе Аркадио Иккинчи учун кутилмаган янгилик бўлди. У хўрозларини кимошдига сотди, пулига ишчилар ёллади, турли асбоб-ускуналар харид қилди ва мисли кўрилмаган иш бошлади: тошларни майдалади, қаналлар қазиди, дарё тубини тозалади, ҳатто шовваларни ҳам текислади. «Мен буларнинг барини ёд биламан!— деб қичқирарди Урсула.— Вақт доира



бўйлаб айланаётганга ўхшайди ва биз нимадан иш бошлаган бўлсак, яна ўшанга қайтиб келдик». Хосе Аркадио Иккинчи, дарёда кема қатнай олади, деб акасига ўз режасини батафсил тушунтирди ва у Хосе Аркадио Иккинчига бу режанинг амалга оширилиши учун етарли микдорда пул берди. Шундан кейин анча вақтгача қаёққадир ғойиб бўлди. Макондоликлар Хосе Аркадио Иккинчи кема сотиб олиш баҳонасида акасини алдади, энди пулни совуради, деб ўйлай бошлашганда, бирдан шаҳарга яқинлашаётган қандайдир галати кема ҳақида миш-миш тарқалди. Хосе Аркадио Буэндианинг телбанамо ишларини аллақачон унутиб юборган макондоликлар дарё тарафга югуришди ва кирғоққа яқинлашаётган — Макондога қадар сузиб келган биринчи ва сўнги кемани кўзларига ишонқирамай томоша қилишди. Бу, атиги бальс ёғочидан қилинган сол бўлиб, уни кирғоқ ёкалаб югураётган йигирма эркак йўгон арқонда судраб келарди, холос. Солнинг тумшугида турган Хосе Аркадио Иккинчи кўзлари қувончдан чарақлаб, рулни бошқариб борарди. У ўзи билан бир гала ажойиб француз гетераларини<sup>1</sup> бошлаб келган эди. Аёллар офтоб нурларидан очиқ рангли соябонлар остига бекиниб олишган, бежирим елкаларига шоҳи рўмол ташланган, юзлари қизғиш ва оқ упа-элик билан чапланган, сочлари гуллар билан безалган эди. Уларнинг қўлларида тилла билагузуклар, оғизларида эса тишларига қадалган гавҳарлар ярқирарди. Бальс ёғочидан ясалган сол Хосе Аркадио Иккинчи оқим бўйлаб тепага — Макондога олиб келишга муваффақ бўлган яккаю ягона сузувчи восита ҳисобланса-да, у барибир нияти пучга чиққанини асло тан олмади, балки аксинча, ўзининг бу фаолиятини инсон иродасининг табиат устидан қозонган буюк ғалабаси, деб эълон қилди. У акасидан олган қарзини тўла-тўқис қайтарди ва яна жангари хўрозлар парваришига астойдил киришиб кетди. Эндиликда ажойиб мақомлар билан эру хотинлик санъатининг анъанавий усулларини буткул ўзгартириб юборган, жамоат талабларини қондиришда жонбозлик кўрсатишлари туфайли Катаринонинг эскирган ишратхонасини ер билан яксон этишга ундаб, бу хилват кўчани хитой фонусларию органчининг ҳазин куйи таралувчи ғаройиб ярмаркага айлантириб юборган француз гетералари Макондога олиб келган янги ҳаёт шабадасигина Хосе Аркадио Иккинчининг омадсиз режасини эслатиб турарди, холос. Макондони уч кун давомида девонавор ҳолатга тушириб қўйган ва Аурелиано Иккинчига Фернанда дель Карпио билан танишиш имкониятини яратган қонли карнавалнинг ташаббускорлари худди ана шу француз аёллари эди.

Гўзал Ремедиос карнавал қироличаси, деб эълон қилинди. Чеварасининг чиройи қалбини ҳамиша ларзага соладиган Урсула бунга монелик кўрсатолмади. Шу пайтгача у Гўзал Ремедиосни ибодатхонага бориш учун кўчага фақат Амаранта билан бирга чиқарар ва ўшанда ҳам чеварасига юзини албатта, қора тўр билан беркитиб олишини уқтирарди. Ҳатто руҳоний кийимини кийиб олишиб, Катарино ишратхонасида динни таҳқирловчи ибодатлар қилишдан ҳам тоймайдиган энг диёнатсиз эркаклар ҳам афсонавий, чиройи водийга дoston бўлган Гўзал

<sup>1</sup> Гетера — эрси, мустақил яшовчи, ўқимишли, аммо енгилтак аёл. (Ред.)

Ремедиоснинг рухсорини ақалли бир лаҳзага кўриш учун черковга келишарди. Хавасмандлар қизнинг юзини кўришлари учун эса озмунча вақт кетмади. Аслида эса уларнинг бундай тасодифни кутмаганлари яхши эди, чунки шундан сўнг кўпчилик бедорликка мубтало бўлди: Уларнинг орзуларини амалга оширишга кўмаклашган, яъни Гўзал Ремедиоснинг юзини кўришларига сабабчи бўлган одам — келгинди бир кабалъеро эса мутлақо ҳаловатини йўқотиб, тубанлик ва қашшоқлик ботқоғига ботди ва орадан бир неча йил ўтгач, темир йўлда ухлаб қолганида поезд тагида қолиб кетди. У ибодатхонада кўк чийдухоба костюму гулдор нимчада пайдо бўлганида, Гўзал Ремедиоснинг сеҳрли жодуси ўз домига торган бу кимса жуда узокдан, ҳатто бошқа бир мамлакатдан келгани аён бўлди. Йигит шу қадар хушрўй ва хушқад, ўзини шунчалар вазмин ва виқор билан тутардики, Пьетро Креспи унинг олдида гўёки чала туғилган одамга ўхшаб кетарди. Кўпчилик аёллар ҳасад билан жилмайиб, Гўзал Ремедиоснинг эмас, балки ана шу йигитнинг юзини тўр рўмол билан беркитиш керак, дея пичирлашарди. У Макондода ҳеч кимни танимас, ҳар якшанба тонгда кумуш узангили ва бахмал жабдуқли отда, худди эртақлардаги шаҳзода каби пайдо бўлар, ибодатдан сўнг шаҳарни тарк этарди.

Кабалъеро черковга кириб келган илк дафъадаёқ, ҳамма унга ўгирилиб қаради ва одамлар бу йигит билан гўзал Ремедиос ўртасида унсиз, кескин жанг бошлангани, улар ўзаро махфий бир шартнома тузишгани ҳамда ораларида нафақат муҳаббат, балки ўлим билан тугалланувчи рақобат вужудга келганини тушунишди. Олтинчи якшанбада у сариқ атиргул кўтариб келди. Кабалъеро, одатдагича, ваъзни тик туриб эшитди. Ибодат тугагандан сўнг Гўзал Ремедиоснинг йўлини тўсиб, унга гул тақдим қилди. Қиз буни анчадан буён кутгандай, гулни индамай олди, кейин юзидаги тўр рўмолини бир лаҳза кўтариб, нотаниш йигитга жилмайди. Минг афсуски, фақат кабалъеро учун эмас, балки у билан ёнма-ён турган барча эркаклар учун шу сониянинг ўзи етарли эди.

Шундан бери кабалъеро Гўзал Ремедиоснинг деразаси остига бутун бошли оркестрни етаклаб келар, оркестр кўпинча то эрталабгача куй чаларди. Буэндиа оиласида кабалъерога чин юракдан хайрихоҳ бўлган бирдан-бир одам — Аурелиано Йккинчи унинг қатъиятини сусайтиришга уринди. «Вақтингизни беҳудага сарфламанг, — деди унга бир куни кечаси. — Бу хонадоннинг аёллари эшакдан ҳам ўжар». У нотаниш йигитга, дўст бўлайлик, деб таклиф қилди, уни шампан виносида чўмилтирмоқчи, Буэндиалар авлодининг аёл вакиллари азалдан тошбағир эканини тушунтирмоқчи бўлди, лекин бари бир кабалъерони фикридан қайтара олмади. Тунгги концертлардан жигибийрони чиққан полковник Аурелиано Буэндиа кабалъерога, сени фақат тўппонча ғуссадан қутқариши мумкин, деб пўписа қилди. Аммо оғир ишқ дардига йўлиққан йигитни то у чуқур тушқунликка мубтало бўлмагунича, ҳеч ким аҳдидан қайтара олмади. Кабалъеро охири хушрўй ва башанг одамдан аянчли чувриндига айланди-қолди. Гарчанд, ҳеч ким йигитнинг наслу насабини билмаса-да, узок диёридаги мансаби ва бойлигидан воз кечган, деган миш-мишлар юрарди. У энди ўжар, ароқхўр, жангари одамга айланди. Деярли ҳар куни тонггача Катарино









ишратхонасида бўларди. Ҳақиқатан ҳам унинг энг аянчли фожиаси — Гўзал Ремедиоснинг, ҳатто у черковга шахзодалар каби ясаниб келганида ҳам лоқайд қараганида эди. Гўзал Ремедиос унинг қўлидаги атиргулни ҳеч бир ноз-карашмасиз, йигитнинг шунчаки фавқулодда муомиласидан бир оз димоғи чоғ бўлиб олгану, тўр рўмолини бўлса, юзини кўрсатиш учун эмас, балки йигитни яхшироқ кўриш мақсадида кўтарган эди.

Очигини айтганда, Гўзал Ремедиос бу дунёнинг одами эмасдек эди. У йигирмага кирган бўлса-да, ҳамон на ўқиш-ёзишни, на дастурхон бошида қошиқ-товоклардан фойдаланишни билди ва на хоналар бўйлаб ҳамиша яланғоч ҳолда кезишини тарк этди. Соқчилар бошлиғи бўлмиш ёш офицер унга севги изҳор қилганида рад жавобини берди, чунки Ремедиосни унинг энгилтаклиги ажаблантирганди. «Фирт аҳмоқ,— деди у Амарантага.— Сен туфайли ўлаяпман, дейди-я, нима, ўлат ёки вабоманинг?» Офицернинг жасадини Гўзал Ремедиоснинг деразаси остида топишганда, у ўша фикрни яна бир карра таъкидлади.

— Мана кўрдингизми?— деди қиз.— Фирт аҳмоқ экан-да.

Аллақандай ғайритабиий заковат гўё қизга нарсаларнинг сиртқи, ташқи кўринишини сидириб ташлаб, уларнинг асл моҳиятини кўра билиш имконини берарди. Ҳамма ақли заиф деб ҳисоблайдиган Гўзал Ремедиосни полковник Аурелиано Буэндиа анча зийрак қиз, деб ўйларди. «Унга қарасанг, назарингда, йигирма йиллик уруш бўлмагандек туюлади», дея такрорлашни ёқтирарди у. Урсула ҳам оилаларига фавқулодда беғубор қизни ҳадя этгани учун худога ташаккур билдирарди. Бирок қизнинг чиройи Урсулани ташвишга солар, чунки чеварасининг гўзаллиги унга хислат эмас, балки иллат — шайтон тузоғи бўлиб туюларди. Шу сабабли, у Гўзал Ремедиосни одамлардан узоқроқда тутишга, ҳаётнинг йўлдан оздирадиган васвасаларидан асрашга уринар, аммо Урсула чевараси онанинг қорнидаёқ ҳар қандай хавфу хатардан абадий муҳофаза қилинганини билмасди. У чеварасини карнавал деб аталувчи жинлар базмининг қироличаси қилиб сайлашларига ҳеч қачон йўл қўймасди. Лекин байрамга йўлбарс ниқобини кийиб чиқиш иштиёқида куйиб-ёнаётган Аурелиано Иккинчи падре Антонио Исабелни Урсулага карнавал аслида мажусийлар байрами эмас, балки католик черкови томонидан муқаддаслаштирилган халқ удуми эканини тушунтириб беришга кўндирди. Ниҳоят, руҳонийнинг гапларига астойдил ишонганидан сўнг, ижирганиб бўлса ҳамки, у чеварасининг бошига тож кийдиришларига роийш берди.

Ремедиос Буэндиа байрам қироличаси бўлиши ҳақидаги хабар бир неча соат ичидаёқ бўтун округга, ҳатто ҳали қизнинг бениҳоя чиройи довруғи бориб етмаган олис гўшаларга ҳам тарқалди ва ҳамон Буэндиа исми шарифи исён рамзи бўлиб келаётгани учун баъзи бировлар саросимага тушди. Бу саросима учун ҳеч қандай асос йўқ эди. Агар ўшанда бирор-бир кимсани беозор деб аташ керак бўлса, кексайиб, кўнгли совиб, халқ ҳаёти билан алоқаси тобора узилиб бораётган полковник Аурелиано Буэндиа бунга энг муносиб номзод бўларди. У устахонасида эртадан-кечгача ёлғиз ўтирарди. Тинчликнинг биринчи кунлари унинг уйини қўриқлаб туришга юборилган солдатлардан бири балиқчаларни водийнинг шаҳар ва қишлоқларига чиқариб сотар ва уйга

тилла тангалару бир катор хушхабарлар билан қайтиб келарди. У, консерваторлар ҳукумати ҳар бир президент ҳокимият тепасида юз йил туриши учун либераллар ёрдамида йил жадвали — таквимни ўзгартирмоқчи бўлаётгани; ниҳоят диний ҳукмдор билан шартнома тузилгани ва Римдан кардинал ташириф буюргани, унинг тожига сон-саноксиз гавҳартош қадалгани, тахти эса қўйма олтиндан экани; либерал нозирлар унинг олдида тиз чуқиб, узугини ўпганича суратга тушишгани; испан труппаси билан пойтахтга гастролга келган раққосани пардозхонадан ниқоб таққан номаълум шахслар ўғирлаб кетгани ва у эртасига эрталаб, якшанба куни республика президентининг ёзги саройида қип-ялангоч рақс тушгани ҳақида ҳикоя қилиб берарди. «Менга сиёсатдан гапирма, — дерди унга полковник, — бизнинг ишимиз — балиқча сотиш.» Полковникнинг мамлакат аҳволини билишини истамаганини ва ўз устахонасида ўтириб, тилла балиқчалар сотиб бойиб бораётганини эшитган Урсула қулиб юборди. Турмуш икир-чикирларини миридан-сиригача биладиган Урсула балиқчаларни олтин тангаларга, кейин эса тангаларни тилла балиқчаларга айлантириб, шу тариқа қанча кўп мол сотса, шунча кўп ишлайдиган, олғир аҳволга тушиб қолган полковник машғул бўлмиш айни савдонинг маъноси нимадан иборат эканлигига ҳеч тушуна олмасди. Тўғриси айтганда, полковникни савдо-сотиқ эмас, балки иш жараёни қизиқтирарди. У балиқчалар танасига шу қадар тангачалар ёпиштирар, уларни қискич орасига жойлаб зиғирдаккина ёқут кўз ўрнатар, жабраларига сайқал берар, дум ясардики, уруш ва урушга боғлиқ умидсизликларни эслаши учун умуман бўш вақт қолмасди. Заргарлик санъатининг аниқлиги ва нозиклиги шундай диққат-эътибор талаб қилардики, натижада у қисқа вақт ичида анча қариб қолди; узоқ ўтиришдан бели букчайди, ишнинг нозиклигидан кўзлари хиралашди. Аммо шунга қарамай, унинг кўнгли таскин топди. Полковник урушга боғлиқ масала билан энг сўнгги марта унга либераллар ва консерваторлардан иборат бир гуруҳ ветеранлар ҳукумат томонидан ваъда қилинган ва умрларининг охиригача тайинланган нафақанинг пайсалга солинаётганлиги бўйича мурожаат қилиб, ёрдам сўрашганида шуғулланган эди. «Нафақани ёдларингдан чиқаринглар, — деди полковник Аурелиано Буэндиа. — Кўряписизлар-ку, умримнинг охиригача кутавериб азобланмай деб, нафақадан воз кечдим.» Дастлаб кечалари унинг ёнига полковник Херинальдо Маркес келар, иккаласи куча эшиги ёнида ўтирганча, кўрган-кечирганларини эслашарди. Аммо Амаранта ниҳоятда ҳориб-чарчаган бу тенакал одамни кўриши биланок, қалбида уйғонадиган хотиралар азобини кўтаришга мутлақо ожизлик қиларди ва шу боис полковник Херинельдо Маркесни ҳар сафар атайлаб камситарди, охир-оқибатда у уйларига камдан-кам ҳолларда келадиган бўлди, кейинчалик умуман кадамини узди — полковник шол бўлиб қолди. Одамови, мингаймас, янги ҳаётнинг уй бўйлаб эсаётган шабадасига бефарқ полковник Аурелиано Буэндиа осуда кексалик сири — ёлғизлик билан ҳаққоний иттифоқ тузишдан бўлак йўл қолмаганини бора-бора тушунди. Қуш уйқусига гирифторм бўлган полковник ҳар куни эрталаб соат бешда уйғонар, ошхонага кириб одатдагидек бир финжон қора қаҳва ичар, сўнгра кун бўйи устахонасига беркиниб оларди, кундузи соат тўртлар-



да эса табуреткасини судраганча галерея бўйлаб ўтар ва ҳеч нарсага: на атиргулларнинг ёлқинланиб ёнишига, на ётоғига бош қўяётган қуёшнинг атрофга латиф нурлар таратишига, на юрагидаги халос бўлолмайдиган ҳасрати гира-шира қоронғилик сукути ичра худди қозонда қайнаётган сувнинг бикирлаши каби қулоққа аниқ чалинаётган Амарантанинг кеккайган қиёфасига эътибор беради. У кўча эшиги ёнида чивинга ем бўлиб ўтирарди. Бир куни ўткинчилардан бири унинг оромини бузишга журъат этди.

— Нималар қилиб юрибсиз, полковник?

— Ўтирибман,— жавоб берди у.— Жасадим солинган тобутни ёнимдан олиб ўтишларини кутяпман.

Ўзал Ремедиосга тож кийдирилишию полковник Аурелиано Буэндиа номининг яна ҳамманинг тилига тушиши боис, айрим давраларда юз берган саросималик замирида ҳеч қандай аниқ асос йўқ эди. Аммо кўпчилик мутлако зид фикрда эди. Бошлари узра осилган фожиани кўрмаётган макондоликлар гурас-гурас бўлиб шоду хуррамлик билан шаҳар майдонига тўпланишарди. Карнавалнинг шўх телбаликлари юқори нуқтасига етганида ва катта оломон орасида у ёқдан-бу ёққа юриб, тўхтовсиз бакираверганидан овози хириллаб қолган Аурелиано Иккинчининг йўлбарс ниқобини кийиш ҳақидаги орзуси амалга ошган бир маҳалда, водийга элтувчи йўлда баногоҳ маскарад либосидаги катта бир гуруҳ пайдо бўлди. Улар бир аёл тик турган заррин замбилни кўтариб келишарди. Аёлнинг жозибаси шу қадар мафтункор эдики, инсон зоти бундай жозибани ҳатто тасаввурига ҳам келтиролмасди. Макондонинг тинч аҳолиси кўзни қамаштирадиган зумрад қадалган тож ва бўрсик мўйнали мантия кийган бу тенгсиз ўзални яхшироқ кўришга интилиб, ўз ниқобларини бир дақиқага ечишди; у ялтироқ тангачалару қоғозлардан иборат ясама бойлик эгаси эмас, балки қиролчаларга хос ҳақиқий ҳукмдорлик билан йўғрилгандек эди. Оломон орасида бу ҳол фирибгарлик эканини тушуниб етадиганлар анчагина бор эди. Аммо Аурелиано Иккинчи зудлик билан туғилиши муқаррар парокандаликнинг олдини олди; у ажнабийларни фахрий меҳмонлар деб эълон қилди ва сохта қироличани Ўзал Ремедиос билан бир шохсунага ўтқазиб жуда ҳам доно иш қилди. Бадавийлар либосини кийиб олган келгиндилар ҳам умумий шодиёналарда ярим кечагача иштирок этишди ва ҳатто байрамга ўз улушларини қўшишди — лулиларнинг аллақачон унутилган санъатини эслатувчи моҳирона акробатика машқларию турли пиротехника янгиликларини намойиш қилишди. Аммо бир оздан сўнг, шодиёна авжга чиққан маҳали, бу омонат мутаносиблик бузилди.

— Яшасин либераллар партияси!— дея ҳайқирди кимдир.— Яшасин полковник Аурелиано Буэндиа!

Ўқлар чакнаши мушакларнинг жилвагар шўъласини тўсиб қўйди, музика оҳанглари эса даҳшатли бақирик-чақириклар остида қолиб кетди. Шодиёна ўрнини саросима эгаллади. Яна бир неча йил ўтгач, халқ ўша сохта қироличанинг мулозимлари аслида доимий қўшин эскадрончилари бўлиб, улар бадавийларнинг серҳашам ятаклари остига қарабинларини яшириб олишган эди, деган гап чиқарди. Ҳукумат ўзининг махсус ахборотида буни рад этди ва бўлиб ўтган қонли во-

кеанинг сабабини аниқлашга сўз берди. Аммо бари бир ҳақиқат юзага чиқмади ва сохта қироличанинг мулозимлари ҳеч қандай асоссиз, ўз бошлиқларининг ишорасига биноан, оломонни аёвсиз ўққа тутганлиги ҳақидаги тахмин ғолиб чиқди. Осойишталик ўрнатилиб, шаҳарда бир-рорта ҳам сохта бадавий қолмаганида, майдонда ўликлару ярадорлар чўзилиб ётарди, холос; шу жумладан, беш нафар масхарабоз, тўрт нафар коломбина, ўн олти нафар қарта қироли, битта шайтон, уч музикачи, Франциянинг икки пэри ва уч нафар япон император хотини. Тустўполон ва умумий саросимада Хосе Аркадио Иккинчи Гўзал Ремедиосни хавфсиз жойга яширишга муваффақ бўлди. Аурелиано Иккинчи эса кўйлаги йиртилиб кетган ва бўрсиқ мўйнали мантияси қонга беланган сохта қироличани қўлида кўтариб, уйга олиб келди. Уни Фернанда дель Карпио, деб аташарди. Қизни мамлакатдаги беш минг гўзал аёл ичидан энг соҳибжамол дея танлашиб, уни Мадагаскар қироличаси қилиб эълон этишга ваъда беришиб, Макондога алдаб олиб келишганди. Урсула унинг ортидан гўё ўз қизининг орқасидан эргашгандек юрарди. Шаҳарликлар бу содда қиздан ғазабланишмади, аксинча, жуда ачинишди. Майдондаги қирғиндан сўнг ярим йил ўтиб, барча ярадорлар тузалиб кетгач ва биродарлик қабристонидagi энг сўнги гул сўлиб битгач, Аурелиано Иккинчи Фернанда дель Карпионинг кетидан узоқ шаҳарга бориб, отасининг розилиги билан, қизни Макондога олиб келди ва нақ йигирма кун давом этган доврўғи оламга кетган тўй қилиб, унга уйланди.

\* \* \*

Икки ой ўтгач, оилалари бузилишига оз қолди, сабаби — Петра Котес олдидаги гуноҳини юмшатмоқчи бўлган Аурелиано Иккинчи уни Мадагаскар қироличасининг либосида суратга туширишга кўрсатма берди. Бундан хабар топган Фернанда сеп-сидирғасини сандиқларга жойлади-да, ҳеч ким билан хайрлашмай, Макондодан чиқиб кетди. Аурелиано Иккинчи унга водийга элтувчи йўлда етиб олди. Кўпдан-кўп илтижою ваъдалардан сўнг, хотинини уйга қайтаришга муваффақ бўлди, жазманидан эса воз кечди.

Ўз кучига ишонган Петра Котес заррача ҳам ташвиш чекмади. Ахир, у Аурелиано Иккинчини эркакка айлантирганди-да. Қиз уни Мелькиадеснинг хонасидан олиб чиққанида ва унга ҳаётдаги ўрни қаердалигини кўрсатганида, у ҳали бола бўлиб, мияси турли хаёлларга тўлиб-тошган, ҳақиқий дунё ҳақида ҳеч нарса билмас эди.

У одамови, мудом ўзи танҳо ўй сурадиган бўлиб туғилган, Петра Котес эса унинг феъл-атворини бутунлай ўзгартириб, жўшқин, киришимли, очик одамга айлантирганди; бу аёл унинг қалбига ҳаёт қувончини олиб кирган, унда сершовқин ўйин-қулгиларга ва соҳиб қарамликка мойиллик уйғотган, охир-оқибатда уни — зоҳирий ва ботиний жиҳатлардан ўзи ўсмирлик йилларидаёқ орзу қилиб юрган эркакка айлантирган эди. Сўнг у уйланди. Ҳар бир йигит эртамикечми бари бир шундай қилади. Уйланаётганини Петра Котесга айтишга анчагача журъат этолмай юрди. Ўзини худди болалардек тутди: гоҳо бўлар-бўлмасга таъналар ёғдирар, нималардандир хафа



бўлар, шу баҳона, энди Петра Котеснинг ўзи мен билан бошқа гаплашмай қўяди, деб умид қиларди. Бир куни у жазманини ноҳақ айблаётганида, Петра Котес унинг тузоғига илинмади.

— Ҳамма бало шундаки, — деди у, — сен кироличага уйланмоқчисан.

Ўсал бўлган Аурелиано Иккинчи дарҳол дарғазаб қиёфага кирди, ўзини ўринсиз ҳақоратланган одамдай тутди, жазманини излаб келмай қўйди, Петра Котес бардошли эди. У заррача ҳам ташвиш тортмади, узокдан таралаётган куйларни, фанфаралар товушини, тўй базмининг гулдураган ғовур-ғувурини худди дам олаётган йиртқич ҳайвон каби хотиржам тинглар, назарида унга тўй Аурелиано Иккинчининг янги бир шўхлигидек туюларди. Ҳамдардлик билдирганларни ўзининг хотиржам кулгиси билан юпатарди. «Ташвишланманглар. — дерди Петра Котес уларга, — кези келса, кироличалар ҳам менга югурдаклик қилади». Йўқотилган хушторининг сурати ёнига дуою дам солинган шам ёқишни маслаҳат берган қўшнисига эса:

— Уни қайтишга мажбур қиладиган яккаю ягона шам ҳали ўчгани йўқ, — деди.

Аёл тахмин қилганидек, Аурелиано Иккинчи уникага чилла ўтиши биланок қайтиб келди. Ҳар доимги ошналари ва дайди сураткаш ҳам у билан бирга эди. Аурелиано Иккинчи Фернанда карнавалга кийиб чиққан кўйлак ҳамда қонга беланган бўрсиқ мўйнали мангияни ҳам ола келганди. Базм шовкин-суронида Петра Котесга киролича либоси кийдириб, уни Мадагаскарнинг ягона ва доимий ҳокимаси деб эълон қилди, сураткашга расмга туширишни буюрди ва суратларни ўз дўстларига улашиб чиқди. Петра Котес, Аурелиано Иккинчи анча қийналгани боис ҳам ана шундай ғайриоддий ярашиш йўлини ўйлаб топган шекилли деб, ич-ичидан унга раҳми келди. Киролича либосини ҳануз ечмаган Петра Котес кеч соат еттида Аурелиано Иккинчини ўз тўшагида қабул қилди. Петра Котес уйланганига ҳатто икки ой ҳам тўлмаган бу йигитнинг хотини билан алоқаси наридан-берилигини сезди ва ниҳоят рақибасидан ҳасос ололганидан лаззатли бир қониқиш туйди. Аммо орадан икки кун ўтиб, Аурелиано Иккинчи ўзи шахсан келишга журъат қилолмай, унинг ёнига улар қанақа шартлар асосида ажралишларини келишиб олиш учун воситачи юборганида, Петра Котес ўзи ўйлаганидан кўра каттароқ сабр-бардош талаб этилажагини тушунди. Аёл Аурелиано Иккинчининг хоҳишига қаршилиқ қилмади. Энди барча одамлар уни, бечора қиз, раҳм-шафқат қилишга арзийди, деб ҳисоблашарди; Петра Котесга маъшуқидан фақат ботинкаларигина хотира бўйлаб қолди. Йигит уларни ўзи айтишича, тобутда кийиб ётиши учун сотиб олганди. Котес ботинкаларни латтага ўраб, сандиққа солиб қўйди ва тушкунликка тушмай, бардош билан кутишга аҳд қилди.

«Эртами-кечми, бари бир қайтиши керак, — деди у ўзига-ўзи. —»

Жиллакурса, ана шу ботинкаларни кийгани келар-ку».

У ўзи ўйлаганчалик узок кутмади. Тўғриси айтганда, Аурелиано Иккинчи Петра Котеснинг ёнига ўша мойланган ботинкаларни кийишга мажбур бўлишидан анча илгари қайтажагини никоҳ кечасиёқ тушунди: гап шундаки, Фернанда осмондан оёғини узатиб тушганлардан эди. У узок мамлакатдаги зимистон бир шаҳарчада туғилиб ўс-

ганди. Бу шаҳарнинг ўттиз икки кўнғирокхонасидан ҳар куни кеч соат олтида дафн маросимининг мунгли жоми эшитиларди. Мустамлака замонидан қолган, деворларига қабртошлар қопланган кўхна уйлари офтоб юзини мутлақо кўрмасди. Ҳовлида ўсувчи сарвнинг шох-бутоқлари, боғдаги намиққан табаргуллардан, ранги ўчган дарпардалардан жаҳаннамга хос сукунат уфуриб турарди. Фернанда балоғатга етгунча, кўшни уйда чалинаётган пианинонинг ҳазин куйларидан бошқа бирорта ҳам товушни эшитмади, ўша уйдаги ижрочи узоқ йиллар давомида унинг тушки уйқу ҳаловатидан маҳрум қилади. У деразанинг чанг босган витражларидан тушган ёғдуда юзи кўкиш-сарғиш тус олган бемор онасининг ёнида ўтириб, таргибли, ўжар, одамни гуссага чўмдирувчи оҳанглари тинглар, қабр учун гулчамбарлар тайёрлар, ҳориб-чарчаётган пайтлари бу куй наздида йироқ бир ўлкада чалинаётгандек туюларди. Галдаги безгак хуружидан жикка терга ботган онаси аждодларининг дабдабали ўтмиши ҳақида сўзлаб берарди. Ёшгина Фернанда ойдин кечаларнинг бирида оппоқ либос кийиб, кичик бутхона томон бораётган гўзал аёлни кўриб қолган эди. Арвоҳ билан бўлиб ўтган бу бир лаҳзали учрашувда, ўзининг ўша аёлга тамоман ўхшаб кетишини сезиб, ғоят ҳаяжонланди. Нотаниш аёл унинг ўзгинаси эди. «У — қиролича, сенинг катта бувинг, — деб тушунтирди онаси йўталдан ўзини зўрга тийиб. — У ўлган, чунки боғдаги табаргулларни бутаганида уларнинг ҳидидан захарланувди.» Орадан бир неча йил ўтиб, Фернанда ўзининг катта бувисига ўхшаб кетишини яна бир бор ҳис қила бошлаганида, болалигидаги ўша учрашувни эслаб, ҳеч ишонгиси келмади, аммо онаси Фернандани қойиб берди.

— Бизнинг бойлигимиз ва қудратимиз чексиз, — деди у. — Бир куни бориб, сен ҳам қиролича бўласан.

Гарчанд, чор-ночор аҳволда яшаса, уйларидаги узун, устига юпка дастурхон тўшалган ва кумуш санчки-пичоқлар қўйилган столда унга ҳаммиша бор-йўғи бир финжон шоколадли сув, бир дона печенье беришса-да, Фернанда онасининг гапларига ишонди. Отаси дон Фернандо унга сеп сотиб олиш учун уйини гаровга тикишга мажбур бўлган эрса-да, Фернанда то тўйи ўтган кунгача афсонавий қироличалик ҳақида ширин хаёлларга ботарди. Бу орзулар соддалик ёки улуғлик васвасаси эмас, албатта, қизни ана шундай руҳда тарбиялашганди. Фернанда ўзини танибдики, оилавий герб тасвири туширилган тилла тувакка ўтирарди. Ўн иккига кириб монастирдаги мактабга жўнаш мақсадида илк бор уйини тарк этганида, гарчи масофа унчалик узоқ бўлмаса-да, уни фойтонда олиб кетишганди. Синфдош дугоналарини бу янги қизнинг ғалати қилиқлари: улардан анча нарида, жуда баланд суянчиқли стулда ўтириши ва ҳатто танаффусда ҳам уларга қўшилмаслиги ҳайрон қолдирадди. «У сизлардан тубдан фарқ қилади, — деб тушунтирарди қизларга роҳиба аёллар, — у қиролича бўлади.» Қизлар бунга ишонмишган, негаки Фернанда ўшандаёқ улар ҳаётда учратган энг сулув, ҳимматли ва камтарин қизча эди. Орадан саккиз йил ўтиб, лотинча шеърлар ёзиш, музыка чалиш, кабалъеролар билан лочин ови, архи-



епископлар билан эса апологетика<sup>1</sup> ҳақида суҳбатлашишни, чет эл ҳукмдорлари билан муҳим давлат ишларини, папа билан эса илоҳиётга тааллуқли масалаларни муҳокама қилишни ўрганган Фернанда ота-онасининг кулбасига қайтиб келди ва яна дафн гулчамбарлари яшашга киришди. У уйлари хувиллаб қолганини кўрди. Унда фақат турмуш учун энг зарур мебеллар, қандиллар ва кумуш сервизигина қолган, бошқа нарсаларни аста-секин сотишга мажбур бўлишган эди. Онаси безгак хуружидан ўлганди. Ҳамиша қоп-қора кийимда юрадиган ёқаси таранг, оҳорланган, соатнинг тилла занжирини кўкрагига кундаланг осиб юрадиган отаси дон Фернандо унга ҳар душанбада рўзгор харажати учун биттадан кумуш танга берар ва қизи бир ҳафта давомида тўқиган гулчамбарларни олиб кетарди. Бошқа пайтлар у деярли кунбўйи кабинетида утирар, онда-сонда шаҳарга чиққанида ҳам, ибодатга қизи билан бирга боришга улгуриш учун соат олтига қолмай қайтиб келарди. Фернанда ҳеч ким билан ҳеч қачон дўстлашмади. Мамлакат урушда кўп қон йўқотиб ҳолсизланганини асло эшитмади. У ҳар куни кундузи соат учда пианинода ижро этиладиган машқларни эшитишни канда қилмасди. Уйга кираверишдаги эшикка осилган болгача бир куни тўсатдан икки марта сабрсизлик билан тақиллаган кезде, у қироличаликдан умидини уза бошлаган эди. Фернанда эшик очиб, басавлат, фавкуллода назокатли, юзи чандикли, кўкрагига олтин нишон тақилган ҳарбий кишини кўрди. Меҳмон уйга кириб, кабинетда қизнинг отаси билан холи гаплашди. Орадан икки соат ўтгач, дон Фернандо қизининг хонасига келди. «Шайлан, қизим,— деди у,— сен узоқ сафарга отланасан.» Шу тариқа Фернандани Макондога — ота-онаси бир неча йиллар давомида ундан усталик билан яширишиб келишган росмана воқелик бор жойга олиб келишди. Қиз уйига қайтиб келгач, хонасига қамалиб олиб, таҳқирланган кўнглига таскин беришга уринган дон Фернандонинг ялиниб-ёлворишларию важ-қорсонларини эшитмай, узоқ йиғлади. Фернанда энди то ўлгунча ётоғидан чиқмасликка аҳд қилди, аммо шу пайт унинг ортидан Аурелиано Иккинчи кириб келди. Бу ақлга сиғдириб бўлмайдиган омад эди, чунки ғазабдан гангиб қолган Фернанда ўшанда Макондода ўзининг кимлигини билдирмаслик учун йигитга ёлғон гапирганди-да. Нотаниш қизни қидириш учун йўлга отланган Аурелиано Иккинчи қизнинг гапини эшитган, лаҳжасидан тоғлик эканини, шунингдек, унинг дафн гулчамбарлари яшашини биларди. Йигит уни излаб топиш учун кучкуватини ҳеч аямади. Аурелиано Иккинчи Фернандани умидсизланмай, Хосе Аркадио Буэндиа Макондога асос солиш учун тоғ тизмасини кесиб ўтгани каби жасорат, полковник Адриелиано Буэндиа ўзининг барча беҳуда урушларини олиб борганидаги каби кўр-кўрона ифтихор, ўз зурриёти ҳаловати учун курашган Урсула сингари телба бир ўжарлик билан қидирди. У одамлардан дафн гулчамбарлари қаерда сотилишини сўраб-суриштирарди. Одамлар уни энг яхши гулчамбарни танлаб олиши учун хонадонма-хонадон бошлашарди. У ер юзидаги энг гўзал аёл қаерда яшашини сўраганида, барча оналар

<sup>1</sup> Апологетика — теологиянинг христиан динининг баркамоллиги ва барҳақлигини исботлашга бағишланган қисми.

ўз кизлари ёнига олиб боришарди. Йигит ноаниқлик даралари, хотирадан ўчириб ташланган қўриқхоналар бўйлаб умидсизликнинг чигал йўлларида анча адашди. У акс садо фикрларини такрорловчи, соғинч эса ҳаёлий бир сароб ҳосил этувчи сарғиш саҳрони кесиб ўтди. Бир неча ҳафта давом этган самарасиз қидирувлардан сўнг, барча кўнғироклари худди марҳумга мотам тутаётгани каби чалиниб турган номаълум бир шаҳарга кириб келди. У ҳаттоки бирор марта кўрмаган ва эшитмаган бўлса-да, шимолдан эсган шамоллар ўчириб келган тузлар таъсирида деворлари емирилган, равоқларининг ёғочи чириб, қорайиб кетган ва эшиги тепасидаги бир парча картондаги «Дафн гулчамбарлари сотилади» деган ёзуви ёмғирдан ўчаёзган уйни (дунёда бундан кўра қайғулироқ ёзув бўлмаса керак) дарров таниди. Айни лаҳзадан бошлаб, то Фернанданинг она-Игуменья<sup>1</sup> назорати остида ўз уйини бир умрга ташлаб кетган ўша муздай совуқ тонггача бўлган вақт шунчалик тез ўтдики, бу муддатда роҳибалар келинлик сарпосини тикишига ҳамда қандил, кумуш идиш-товоқлар, тилла тувак ва икки асрдан бери давом этаётган оилавий ҳалокатнинг сон-саноксиз, фойдасиз қолдиқларини сандиқларга жойлашга зўрға улгуришди. Дон Фернандо кизини кузатиб боришга кўнмади. У қарзларидан қутулган заҳотиёк Макондога етиб келишга сўз берди ва кизига оқ фотиҳа бериб, яна ўз кабинетига бекиниб олди-да, фарзандига мотам виньеткалари ҳамда оилавий герб тасвири туширилган қоғозларга битилган қисқа мактублар йўллаб турди. Фернанда уйларида чикиб кетган куни қайта туғилгандай бўлди. Аурелиано Иккинчи учун эса бу кун ҳам бахтнинг ибтидоси, ҳам интиҳоси эди.

Фернанда зарҳал гулчалар билан безатилган, эру хотинлик бурчини адо этишдан тийилиш кунлари руҳоний томонидан бинафшаранг сиёҳда белгилаб чиқилган бежирим таквим олиб келди. Ундан бир қатор саналар, жумладан, якшанбалар, ҳар ойнинг ибодатбоп илк жумаси, рўза ва назр-ниёз кунлари, шунингдек, вақти-вақти билан бўладиган касаллик даврини ҳисобга олмаганда, бинафшаранг чорчўплар сочиб ташланган куюк ўрмоннинг ҳар жой-ҳар жойига ташлаб қўйилган қирқ икки ярқли кун қоларди, холос. Вақти келиб бу тиканли тўсиқ кунпаякун бўлишига ишонган Аурелиано Иккинчи тўй базмини сал узоқроқ давом эттирди. Шампан ва коньякдан бўшаган шишалар уюми уйни босиб кетмаслиги учун уларни ахлат ташувчига тинимсиз чиқариб беришдан чарчаган ва келин-куёв турли вақтда турли хоналарда ётишларидан, фанфараю музика овозлари тинмаётганидан, мол сўйиш ҳанузгача давом этаётгани ҳаёлини банд қилган Урсула ўзининг келинлик тажрибасини эслаб, Фернандадан унинг иффат камари бор-йўқлигини суриштирди. Шундай бўлган тақдирда, бу ҳол эртамикечми шаҳарга овоза бўлиб, охири ёмонлик билан тугарди. Аммо Фернанда ҳеч қандай камари йўқлиги, фақат тўйдан кейин икки ҳафта ўтишини кутаётганини ва шундан сўнг ўзини эрининг ихтиёрига топшираганини айтди. Дарҳақиқат, ана шу муддат ўтгандан кейин у гуноҳларнинг ювилиши учун ўзини қурбон қилишга тайёрлаб, куёви

<sup>1</sup> Игуменья — аёллар монастирининг бошлиғи.



ётогининг эшигини очди. Аурелиано Иккинчи кўзлари хурккан оху-  
никага монанд, мисранг узун сочлари ёстиққа ёйилиб ётган, дунёдаги  
энг сулув қизни кўрди. Маҳлиё бўлиб қолган куёв, Фернанда энглари  
узундан-узун, човида катта, думалок, чети маҳорат билан кашталан-  
ган тешиги қолдирилган, қордай оппоқ куйлак кийиб олганини кейин-  
роқ пайқади. Аурелиано Иккинчи ўзини кулгидан тия олмади.

— Умримда бунақа уят нарсани кўрмаганман! — кичқирди у кула-  
кула. Кулгиси бутун уйни тутиб кетди. — Мен роҳибага уйланибман.

Орадан бир ой ўтди. Хотини ўша оқ кўйлагини ечавермагач, у  
Петра Котесни киролича кийимида сурагга тушириш учун борди.  
Кейинчалик, у Фернандани йўлдан қайтаришга муваффақ бўлганида,  
келин ярашув шавқидан маст бўлиб, куёвнинг хоҳишига рози бўлди,  
аммо у Аурелиано Иккинчи ўттиз икки қўнғироқли шаҳарга йўл олаё-  
тиб орзу қилган оромини бахш этолмади. Бир куни кечқурун, тўнғич  
ўғиллари туғилмасидан анча илгари, Фернанда эри яширинча Петра  
Котеснинг ёнига борганини билиб қолди.

— Ҳа, сен ҳақсан, — тан олди Аурелиано Иккинчи ва хотинига  
ўз ихтиёри билан ҳаммасидан тамоман воз кечишга тайёр одамдай,  
тушунтира кетди: — Мен поданинг серпуштлигини ўйлаб шу ишни  
қилдим.

Албатта, хотинни бу ғайриоддий далилга ишонтириш учун анча  
вақт кетди, лекин Аурелиано Иккинчи рад қилиб бўлмас далиллар  
келтириб, ниҳоят бунга эришганидан кейин, Фернанда ундан фақат  
бир нарсани: — жазман тўшагида ўлиб қолмасликка ваъда беришини  
сўради, холос. Улар учовлон, бир-бирларига асло халақит бермай  
яшашни давом эттиришди; Аурелиано Иккинчи иккала аёлга ҳам меҳ-  
рибон эди. Петра Котес ўз ғалабасидан завқланар, Фернанда бўлса  
ўзини ҳеч нарсани билмасликка оларди.

Гарчанд, Фернанда эри билан сулҳ тузса-да, қолган Буэндиалар  
билан тил топишолмади. Урсуланинг илтимослари бекор кетди. Фер-  
нанда хотинлик бурчини бажарган кечанинг эртасига қора жун ка-  
пот<sup>1</sup> кийиб чиқиш одатини ташламади. Бу капот аллақачоноқ кўшни-  
ларнинг шивир-шивирига сабаб бўлганди. Шунингдек, Урсула Фер-  
нандани мўрча ва ҳожатхонадан фойдаланишга, тилла тувагини  
балиқчалар тайёрлаш учун полковник Аурелиано Буэндиага сотишга  
ҳам кўндиролмади. Фернанданинг сўзларни нотўғри талаффуз этиб,  
ниҳоятда пардалаб, нақ зарбулмасал қилиб айтиш одати Амаранта-  
нинг жиғига тегар, шу сабаб, у Фернанда билан доимо қандайдир  
тушуниксиз бир тилда гаплашарди. «Буфа қизфа ҳатто фе ўзаро  
тезагиданфа бурнинифе жийрафа тоифасиданфefe»,  
деб қолди Амаранта тўсатдан бир куни.

Фернанда ошқора мазахдан дарғазаб бўлиб, изоҳ сўраганида, Ама-  
ранта пардалаб ўтирмади:

— Сен рўза тутиб, савобини кетидан кутадиغان одамсан.

Ана шу кундан эътиборан, улар гаплашмай қўйишди. Жуда зарур

<sup>1</sup> Капот — уй ичида кийиб юриладиган кийим.

пайтлари эса хат ёки воситачи орқали иш тутар эдилар. Фернанда Буэндиаларга ўз аждодларининг олижаноб анъаналарини сингдирмокка уринарди. У ҳар кимнинг ўзи хоҳлаган пайтда ошхонага кириб овқатланиш одатини йўқотди ва бутун оилани устига қордай оппоқ дастурхон, шамдон ва кумуш идиш-товоқлар қўйилган каттакан стол атрофига катъий бир соатда тўплайдиган бўлди. Урсула энг жўн нарса деб ҳисоблайдиган тамадди жараёнининг тантанали маросимга айланиши, уйда шу қадар тоқат қилиб бўлмайдиган батартиб муҳит яратдики, ҳатто камгап Хосе Аркадио Иккинчи ҳам бунга қарши чиқди. Лекин бари бир, бу янги қоида, бошқа бир янгилик — кечки ибодат каби тантана қилди; бу эса қўшниларининг эътиборини тортди ва Буэндиаларнинг стол атрофида оддий одамлардек ўтирмасликлари, уларнинг тамаддини нақ ибодат маросимига айлантиргани ҳақидаги овозага айланиб кетди. Ҳаттоки Урсуланинг анъаналар таъсирида эмас, балки оний бир илҳом туфайли туғиладиган ирим-сиримлари ҳам Фернанданинг отамерос иримларига мутлақо зид бўлиб чиқарди. Урсуланинг тўрт мучаси соғ пайти оиланинг эски анъаналарига риоя қилинарди, у кўзи ожизланиб, рўзғор юмушларидан четлашганидан сўнг Фернанда келин бўлиб тушгач, хонадон қаттиққўллик исканжасида қолди. Эндиликда оила тақдири Фернанда қўлида эди. Урсуланинг хоҳишига кўра, Санта София де ла Пьёдад қандолат сотарди, Фернанда эса буни оила учун номуносиб иш деб баҳолади. Эртаю кеч ланг очик турадиган уйнинг эшиклари олдин тушки уйку пайтидагина ёпиқ турса, бора-бора умуман очилмайдиган бўлди. Макондо бунёд бўлганидан бери эшик кесакисида осиглик турадиган бир тугам алёв ва бошоқ ўрнини Исонинг юраги тасвирланган тоқча эгаллади. Полковник Аурелиано Буэндиа бу янгиликларни сезгач: «Биз оксуякларга айланиб қоляпмиз,— деб норозилик билдирди.— Бунақада консерваторларга қарши уруш очиб, уларнинг ўрнини қиролга олиб беришга тўғри келади». Фернанда полковник билан орани бузмасликка ҳаракат қиларди. Албатта, у полковникнинг мустақиллигидан, уйда жорий этилган янги қоидаларга монелик кўрсатишидан ичида норози бўларди. Унинг саҳар соат бешда қаҳва ичишдан, устахонасидаги тартибсизликдан, илма-тешик бўлиб тўзиб қолган ёмғирпўшидан, кечкурунлари кўча эшиги ёнида ўтириш одатидан Фернанданинг фиғони чиқарди. Лекин Фернанда оила дастгоҳининг бу бебош мурвати билан муроса қилишга мажбур эди. Чунки полковник йиллару ноумидлик бир амаллаб хонақиллаштирган ёввойи ҳайвон эканини, агар ғазоби келса, хонадондаги янгича тартибни тағ-томири билан кўпориб ташлашини яхши биларди. Эри тўнғич фарзандига катта бобосининг исмини қўйганида, Фернанда эътироз билдирилмади. Аммо қизча кўрганида чақалокка онаси шарафига Рената, деб исм қўяжagini баралла айтди. Урсула эса уни Ремедиос деб атаймиз, дея туриб олди. Аурелиано Иккинчи антиқа воситачилик вазифасини бажарган кескин баҳслардан кейин, қизчага Рената Ремедиос, деган исм қўйишди. Фақат онасигина уни Рената деб чақирар, қолган ҳамма эса Ремедиоснинг исмини қисқартириб Меме дейишарди.

Фернанда дастлаб ота-онасидан гап очмасди, аммо кейинчалик



уларни очикчасига улуглай бошлади. У отасини нақ авлиё қилиб тас-  
вирлар эди. Кайнотасининг бунчалар кўкка кўтарилишидан таажжуб-  
ланган Аурелиано Иккинчи ўзини тиёлмай, хотини йўқ пайтда кайно-  
таси ҳақида ҳазил-хузул қиларди, бошқалар ҳам унга эргашар эди.

Хаттоки оила тинчини жон куйдириб кўриқлаб уйларидаги гавғо-  
лардан пинҳоний азият чекиб юрувчи Урсула ҳам бир куни: «Кенжа  
неварамни папалик тахти кутмоқда: чунки унинг «бобоси авлиё»,  
онаси киролича, отаси эса — мол ўғриси», деб қолди. Бу шўх фит-  
начиларнинг майнавозликларига қарамай, Аурелиано Иккинчининг бо-  
лалари боболарини доимо диёнатга доир шеърлар битилган мак-  
тублар, рождество арафасида эса совғалар солинган улкан қути  
(у шунчалар катта бўлардики, эшикдан хонага базўр олиб кири-  
шарди) юбориб турадиган афсонавий одам, деб ўйлашга одатла-  
нишди. Дон Фернандо невараларига аждодларидан қолган мулкнинг  
энг сўнгги қолдиқларини бирин-кетин жўнатарди. Болалар хонасида  
улардан катталиги авлиёларнинг аслига тенг келадиган шакллар ва  
меҳроб ясашди, шиша кўзли бу авлиёлар худди тирикдек одамни  
гулгулага солар, уларнинг эғнидаги гул солиб моҳирона тикилган мо-  
вут кийимлар эса Макондодаги энг чиройли либос ҳисобланарди.  
Тўралар хонадонларининг дафна дахлдор кўҳна, мунгли ҳашами  
аста-секин Буэндиаларнинг шинам ва ёруғ уйига ҳам кўчди. «Бизга  
бутун оилавий кабрстонни юборишди,— деди бир пайт Аурелиано  
Иккинчи.— Мажнунтолу қабртошлар етишмай турибди, холос.» Гар-  
чанд боболари юборадиган қутиларда болаларбоп ҳеч вако бўлмаса-да,  
неваралар барибир декабрь ойини ҳар йили сабрсизларча кутишар,  
чунки қадимий ва қутилмаган буюмлар уларнинг ҳаётига доимо алла-  
қандай ранг-баранглик бахш этарди. Унингчи рождествога ўтар чоғи,  
кичик Хосе Аркадиони семинарийга жўнатишга ҳозирлик кўришаёт-  
ганларида, боболаридан тағин каттакон қути келди, одатдаги муддат-  
дан анча илгари юборилган бу қути миҳланган, нам тегмасин учун  
чокларига қатрон суртилган, устига готик ҳарфларда «Сеньора дон  
Фернанда дель Карпио де Буэндиа зоти олияларига», деб битилган  
эди. Фернанда ётоғига ўтиб хатни ўқиётган пайтда, болалар қутини  
очишга ошиқиб югуришди. Ҳар галгидек Аурелиано Иккинчи уларга  
кўмаклаша бошлади. Қатронни киртишлаб ташлашди, миҳларни су-  
ғуриб қипиқларни олиб ташлашди ва унинг остида мис мурватлар  
билан маҳкамланган узун кўрғошин сандиқни кўришди. Сандиқнинг  
саккиз мурватини бураб чиқарган Аурелиано Иккинчи ногаҳон қич-  
қириб юборди ва болаларни четга олишга аранг улгурди: у андак  
кўтарилган қопқоқ тағида дон Фернандонинг ўлигини кўрди. Марҳумга  
қора либос кийдирилган, кўкрагига хоч қўйилган эди. Жасаднинг,  
қуртларнинг кўпикли, бижғиган кайласида аста-секин димиққан териси  
эса сассиқ кекирикдек товуш чиқариб ёриларди.

Рената туғилганидан сўнг хийла вақт ўтгач, Неерланд муваққат  
битимининг галдаги йиллиги муносабати билан ҳукумат дафъатан  
полковник Аурелиано Буэндианинг юбилейини нишонлашга кўрсат-  
ма берди. Бундай қарор расмий сиёсатга шу қадар қовушмасдики, пол-  
ковник ҳеч иккиланмасдан рад этди ва қутлаш маросимидан воз кечди.  
«Мен «қутлаш» сўзини биринчи марта эшитишим,— деди у.— Лекин

у нимани англатмасин, бари бир, бу очикдан-очик таҳқирдир». Унинг тор устахонаси турли вакилларга тулиб-тошди. Илгарилари полковникнинг атрофида кузғундек айланадиган ўша қора костюмли адвокатлар яна пайдо бўлишди, улар энди кексайиб қолишган, аммо аввалгидан салобатлироқ эди. Полковник адвокатларни кўриб, уларнинг урушни боши берк кўчага олиб кириш мақсадида келганларини эслади, сурбетларча мақтовларга чидай олмай, мени холи колдиринглар, деб буюрди. Сиз таъкидлаётгандек миллат озодлиги курашчиси эмас, балки ўтмиши йўқ оддий хунармандман, бирдан-бир орзуим олтин балиқчалар орасида ҳолдан тойиб, қашшок ва унутилган одам сифатида ўлиш, деди у. Республика президентининг Макондодаги тантананда шахсан иштирок этиши ҳамда полковникка «Хурмат» орденини топшириши ҳақидаги хабар уни айниқса ғазабга солди. Полковник Аурелиано Буэндиа президентга қуйидагиларни сўзма-сўз етказишларини илтимос қилди: «Хукумат қонунини бузаётгани, мансабни суистеъмол қилаётгани учун эмас, балки беэиён қарияни беҳурмат қилгани учун президентнинг пешонасига ўқ узадиган қулай вазиятни сабрсизлик билан кутаман». У шу қадар қизикқонлик билан дўқ-пўписа қилдики, оқибат-натижада республика президенти энг сўнгги дақиқада ахдидан қайтиб, орденни шахсий вакили орқали бериб юборди. Тўрт томондан қўйишмагач, полковник Херинельдо Маркес илтимос ва талабларга кўнди ва охири эски қуролдош дўстини авраш мақсадида ўзининг шол ётган тўшагини тарк этди. Полковник Аурелиано Буэндиа тўрт киши кўтариб олган тебранма курсидаги катта ёстиқлар орасида ўтирган дўстини кўрганида, ёшлик йилларидан буён ғалаба мағлубиятни бирга тотиб келаётган полковник Херинельдо Маркес ҳузурига фақат бир мақсад — унинг азми қарорини қўллаб-қувватлаш учун бор кучини тўплаб келганига бир зум ҳам шубҳа қилмади. Аммо ташрифининг асл муддаосини билгач, устахонадаги курсини полковник Херинельдо Маркес билан бирга чиқариб ташлашни сўради.

— Сени аввалроқ отиб ташласам бўларкан, дўстим, — деди Аурелиано Буэндиа, — ўшанда бугунгидақа номусга қолиб юрмасдинг.

Хулласи калом, қутлов маросими Буэндиаларнинг иштирокисиз ўтди. Қутлов карнаваллар ҳафталигига тасодифан тўғри келди, аммо ҳукумат мени атай мазах қияпти, деган фикр полковник Аурелиано Буэндиага тинчлик бермасди. У устахонада ўтириб ҳарбий музика садолари, артиллерия залпини, кўнғироқлар жарангию кўчаларига унинг номи берилиши муносабати билан сўзланган нутқларнинг айрим жумлаларини эшитди. Қонли уруш бошлай олиши ва консерваторлар ҳокимиятини тағ-томири билан йўқ қилиши учун эндиликда ўша ёшлик матонати етишмаслигини сезган полковник Аурелиано Буэндианинг кўзлари мағлубиятга учрагандан сўнг илк бор ёшланди.

— Тинч қўйинглар, — деди полковник Аурелиано Буэндиа, — мен бандман.

— Оч, — Урсуланинг товуши ҳамишагидек вазмин эди. — Бунинг байрамга ҳеч алоқаси йўқ.

Сўнг эшик лўкидонини суриб, даҳлизда турган ўт етти нафар эркакни кўрди, гарчанд, уларнинг ташқи қиёфаси, афт-ангори, ранг-



туслари турлича бўлса-да, уларга хос бўлган умумий бир ўхшашлик мавжуд эди. Шу боис уларни дунёнинг истаган бурчагида ажратиш мумкин эди. Улар полковникнинг ўғиллари эди. Ака-укалар гарчи бир-бирларини мутлақо танимасалар-да, юбилей тўғрисидаги хабарни эшитиб, ҳар бири ўзича соҳилнинг энг узок бурчакларидаги келишган эди. Улар исмлари Аурелиано эканидан фахрланишарди. Меҳмонлар уч кун ичида уйини остин-устун қилиб ташлашди. Бундан Урсула қувонар, Фернанданинг жаҳли чиқар эди. Амаранта эски қоғозлар орасидан Урсула бир пайтлар ҳар бир неварасининг тугилган ва чуқинтирилган куни ҳамда адресини ёзиб қўйган дафтарчани қидириб топди. Бу рўйхатга қараб йигирма йиллик урушнинг ҳар бир йилини хотирада қайта тиклаш мумкин эди. Шунингдек, полковникнинг қўзғолончилар сафига қўшилиш хомхаёли билан Макондодан йигирма бир кишини бошлаб чиққан тонгги сафаридан тортиб, то устига қотиб қолган қондан дағаллашиб кетган ёмғирпўшда уйига қайтиб келган сўнги сафаригача бўлган барча юришларини кузатиш мумкин эди. Аурелиано Иккинчи қариндошларининг ташрифини шампан виноси ва аккордеонли сершовқин базм билан нишонлади. Меҳмонлар уйдаги гулдонларнинг нақ ярмини чилпарчин қилишди, каттакон ҳўкизни кўрпага ўраб гандираклатиш ниятида кува-кува, атиргулларни пайҳон қилишди, барча товукларни отиб ташлашди. Амарантани Пьетро Креспининг ҳазин вальсларига рақсга туширишди, Гўзал Ремедиосга шим кийдириб, учига соврин илинган узун ходага чиқаришди; улар емакхонага ҳайдаб кирган, танасига ёғ суркалган чўчка Фернандани туртиб йикитди. Аммо кўнгилсизликлардан ҳеч ким арз қилмади, чунки бутун уйни ағдар-тўнтар қилиб ташлаган бу зилзила уларга аллақандай ҳузурбахш бўлиб туюлди. Дастлаб ўз ўғилларини аллақандай ишончсизлик билан кутиб олган ва ҳатто айримларининг ўз зурёди эканига шубҳа қилган полковник Аурелиано Буэндиани уларнинг қилиқлари қувонтирди ва жўнашлари олдидан у ҳар бирига биттадан тилла балиқча ҳадя этди. Одамови Хосе Аркадио Иккинчи эса амакиваччаларини ҳўроз уриштиришга таклиф қилди. Бу воқеанинг фожеа билан тугашига оз қолди. Аурелианоларнинг кўпчилиги ҳўроз уриштиришнинг ҳадисини олган эдилар. Улар беллашувда пешқадамлик қилаётган падре Антонио Исабелнинг муттаҳамлигини дарҳол фош этишди. Қариндошлари сайр-томоша ва ўйин-кулгига ўчилигини сезган Аурелиано Иккинчи уларни олиб қолишга аҳд қилди. Унинг таклифига куч-қувватга тўлиб-тошган ва бобоси каби тадқиқод ишларига мойил зўр баҳайбат мулат — Ғамгин Аурелианогина рози бўлди. У омад қидириб дунёнинг ярмини кезиб чиққан, энди унга қаерда яшашнинг қизиғи йўқ эди. Бошқалари эса, гарчанд, ҳали оилали бўлишмаса-да, ўз тақдиримизни топганмиз, деб ҳисоблашарди. Уларнинг барчаси қўли гул ҳунармандлар бўлиб, рўзгор тутишни ҳам жойига қўядиган одамлар экан.

Чоршанбада, улуғ рўзанинг биринчи куннда, йигитлар ўз уйларига жўнаб кетмасларидан бурун, Амаранта уларни кийимларини алмаштириб, черковга боришга ундади. Полковникнинг ўғиллари черковга тазарру учунмас, балки эрмак учун боришди. Падре Исабель

ҳар бирининг пешонасига кулдан хоч тасвирини чизиб қўйди. Қайтиб келишгач, уларнинг кенжаси пешонасини артмоқчи бўлса, ҳеч ўчмади. Акаларининг манглайдаги белгилар ҳам ўчмади, сув ва совун, кум ва чипта, охири эса жилвиртош ва жавҳарни ишга солишди, бирок хочни ўчира олишмади. «Қайтага яхши-ку,— деди Урсула ака-укалар билан хайрлашаётиб,— энди сизларни ҳеч ким алаштирмайди.»

Улар оркестр садолари остида, бир тўп бўлиб ва шаҳардаги-ларга Буэндиалар пушти асло қуримайди, деган тасаввур қолдириб, йўлга тушдилар. Телба ихтирочи Хосе Аркадио Буэндиа орзу қилган ўша муз фабрикасини Ғамгин Аурелиано шаҳар четида бунёд этди.

Макондога келганидан бир ой ўтгандан сўнг, ҳамма таниб, ёқтириб қолган Ғамгин Аурелиано онаси ва эрга чиқмаган синглиси (у полковникнинг қизи эмасди) учун қулай жой излаб, майдон кунжагидаги катта, беўхшов ва эски иморатга қизиқиб қолди. Бу бино жуда ташландиқ аҳволда эди. Ғамгин Аурелиано одамлардан эгасини суриштирди, унга, бу уй бўш, деб айтишди. Кесакхўр бир бева яшаркан, ўни ўлимидан олдин икки маротаба — майда сунъий гуллар қадалган шляпа ва эски туфлида майдонни кесиб, епископга ёзган хатини жўнатиш учун почта идораси томон бораётганида кўришган экан. Йигит беванинг яккаю ягона дугонаси бағритош бир оқсоч аёл бўлганини ва у уйга кириб қолган ит, мушук ҳамда бошқа жониворларни ўлдириб, шаҳарни қўланса ҳид қоплаши учун жасадларни кўчанинг ўртасига ирғитишини билиб олди. Уй соҳибаси ва унинг оқсочи уруш тамом бўлишидан анча илгари ўлиб кетганлигига ҳамманинг ишончи комил бўлди. Иморат эса кўпдан буён қаттиқроқ қиш ва бўрон бўлмаётгани учунгина қулаб тушмаганди. Ошиқ-мошиқларини занг еб битирай деган эшиклар гўё ўргимчак ипларига осилиб тургандай эди; дераза ромлари намликдан шишиб кетганди; галереядаги ўйдим-чуқур бўлиб кетган цемент полдан ўт ва дала гуллари униб чиққан бўлиб, калтакесак ҳамда бошқа жониворлар ўрмалаб юрарди. Хуллас, айна манзара уйда қарийб эллик йилдан буён ҳеч ким яшамаётганини билдирарди. Бесабр Ғамгин Аурелианога уйни эгаллаш учун бу далилларнинг чораги ҳам кифоя қиларди. Ғамгин Аурелиано оёғи остидан чиққан чанг босилгунича остонада кутиб турди, сўнгра меҳмонхона ўртасидаги ўтган аср модасида кийинган озиб-тўзган аёлга кўзи тушди, унинг бирорта туки қолмаган бошидан бир неча дона сарғиш ўт ўсиб чиққан, ҳали гўзаллигини йўқотмаган йирик кўзларида умид учқунлари сўна бошлаган, ёлғизлик азобидан ажин тушган озғин юзлари тиришиб кетган эди.

Арвоҳ билан учрашувдан ҳаяжонга тушган Ғамгин Аурелиано аёл қўлидаги эски нухса ҳарбий тўппончадан ўзини нишонга олганини сал кечикиброқ пайқади.

— Мени кечиринг,— деди у шивирлаб.

Аёл эски буюмлар билан тўлиб-тошган хонанинг ўртасида турганича, пешонасига кулдан хоч тасвири туширилган, кенг елкали бу паҳлавонни диққат билан кузатди ва ҳали батамом босилмаган гира-шира ғуборда у кўзига қўшоғиз милтиқ осиб олган, қўлида қуён тутган одамдек туюлди.



— Йўқ! Худо ҳақи!— кичкирди аёл хирилдоқ товушда.— Менга энди буни эслатиш шафқатсизлик бўлади.

— Мен уйингизни ижарага олмоқчи эдим,— деди Ғамгин Аурелиано.

Шунда аёл яна тўппончасини Ғамгин Аурелианонинг пешонасидаги хочга тўғрилади ва қатъийлик билан тепкини кўтариб қўйди.

— Кетинг,— деб буюрди у.

Кечкурун, овқат маҳали Ғамгин Аурелиано воқеани уйдагиларга сўзлаб берди ва унинг ҳикоясидан ғамга ботган Урсула кўзёши қилиб олди. «Вой худойим-эй,— дея илтижо қилди у бошини чангаллаганча.— У ҳали тирик экан-да!» Вакт, урушлар, беҳисоб бахтсизликлар туфайли Урсула Ребекани бутунлай унутиб юборганди. Кексайиб қолган бир сўзли Амарантагина, Ребека тирик, деган уйдан халос бўлолмасди. У тонглари ғариб тўшагида чўчиб уйғониб кетганида ҳам, сўлиган баданини юваётганида ҳам, оқ газламадан тикилган кампирларбоп юпка ва корсажини кияётганида ҳам, мудҳиш гуноҳини эслатувчи қора билакбандини алмаштираётганида ҳам Ребека ҳақида ўйларди. Амаранта ухлаётганида ҳам, бедорлигида ҳам, руҳи кўтаринки ва нияти бузилган дақиқаларда ҳам доимо Ребекани ўйларди; ёлғизлик унинг хотираларини маълум бир тартибга солди — турмуш юрагига қалаб ташлади, кўнгилга ғам-ғуссаларни эслатувчи суприндиларни ёқиб ўборди ва бошқа қатор аччиқ хотираларини тозалаб, уларга мангулик ато этди. Ғўзал Ремедиос Ребеканинг ҳаёт эканини Амарантадан яширди. Улар унинг путурдан кетган уйи ёнида ўтишаётганида, Амаранта кизга ҳар сафар Ребеканинг нонкўрлиги ёки ракибасининг номи билан боғлиқ аллақандай кўнгилсиз ёки беҳаё воқеа тўғрисида ҳикоя қилиб берар ва ҳолдан тойдиргувчи адоватини шу йўсинда Ғўзал Ремедиос билан бирга баҳам кўришга, уни ўлимидан сўнг давом эттиришга интиларди. Лекин унинг уринишлари мудом самарасиз яқунланар, чунки Ғўзал Ремедиосга бошқаларни хаяжонлантирувчи эҳтирослар мутлақо ёт эди. Урсуланинг ҳислари эса Амарантаникига батамом зид эди; Ребека у учун барча разилликлардан холи бир хотира эди; Урсуланикига ота-онасининг шакилдоқ суяклари солинган қоп билан бирга келтирилган бу бечора митти кизнинг сиймоси Ребекани Буэндиалар авлодига номуносиб қилиб қўйган ўша шармандали хатти-ҳаракати ҳақидаги хотирадан устун чиқди. Аурелиано Иккинчи Ребекани уйларида кўчириб келиб, унга ғамхўрлик кўрсатишга қарор қилди, аммо Ребеканинг ўжарлиги туфайли бу эзгу ният амалга ошмади; Ребека ёлғизликнинг имтиёзини қўлга киритиш учун жуда кўп қайғу-мусибат чекди ва бу имтиёзни у ўзгалар паноҳидаги шафқатга, сохта лаззатлардан иборат беором кексаликка алмаштиришни хоҳламади.

Февраль ойида Макондога полковник Аурелиано Буэндианинг пешоналаридаги хоч тасвири ҳали ҳам ўчмаган ўн олти ўғли яна келганида, Ғамгин Аурелиано Ребека ҳақида гапириб берганда улар бир зумда бу уйни сувоқдан чиқаришди, эшик ва деразаларини алмаштиришди, пештоқини дилни яйратадиган ёркин рангга бўяшди, деворларга тиркагич ўрнатишди, галерея полини қайтадан цементлашди. Аммо уйнинг ичкарисини тузатишларига эса рухсат бўлмади.

Ребека ҳатто эшик ёнига ҳам яқин келмади. Ака-укалар шошиб-пишиб таъмирлаш ишларини тугатгач, Ребека қийматини ҳисоблаб чиқди-да, кекса оксочи Архенидадан уларга бир ҳовуч танга бердириб юборди (бу пуллар охириги урушдан сўнг муомаладан чиқарилгану, Ребека ҳамон яроқли деб ўйлар эди.) Ўғлонлар Ребека билан бу дунё ўртасида нақадар чуқур чоҳ борлигини сезишди ва таркидунё қилган бу аёлни то қалбидаги ҳаёт учқуни батамом сўнмагунча, бирор жойга олиб кетиш мумкин эмаслигини тушунишди.

Полковник Аурелиано Буэндианинг ўғиллари бу гал келишганида, энди Жавдарранг Аурелиано Макондода қолиб Ғамгин Аурелиано билан бирга ишлай бошлади. У полковникнинг чўқинтиргани уйга олиб келган илк ўғилларидан бўлиб, Урсула билан Амаранта яхши эслаб қолишганди, чунки у қўлга тушган барча мўрт буюмларни бирпасда синдириб ташлаган эди. Бетида чечак излари қолган ўрта бўйли бу йигитнинг болаликдаги бузармонлиги ҳамон қолмаган эди. Э-ҳе, қанча ликопчаларни синдирди, ҳатто қўли тегмаса-да, ёнида турган идишлар чилпарчин бўларди. Қимматбаҳо сервизини аяган Фернанда унга қалайи ликопчалар харид қилишга шошилди, аммо тез фурсатда бу мустаҳкам металл идишларда ҳам заха ва дарз кетган жойлар пайдо бўлаверди. Самимияти ва ишчанлиги туфайли Жавдарранг Аурелианонинг ўзини ҳам мушкул аҳволга солиб қўядиган тузалмас қусурини одамлар кечиришарди. Қисқа вақт ичида у муз ишлаб чиқаришни шунчалик кўпайтирдикки, маҳсулот ҳажмига маҳаллий бозорнинг харид имкониятлари торлик қилди ва Ғамгин Аурелиано ни водийнинг бошқа ерларида ҳам муз сотиш муаммоси ўйлантириб қўйди. Худди шу пайт унинг миясига ажойиб фикр келди.

— Темирийўл ўтказиш керак, — деди Ғамгин Аурелиано.

Бу — Макондода «темирийўл» сўзининг биринчи марта жаранглаши эди. Ғамгин Аурелиано чизган чизмалар бир вақтлар Хосе Аркадио Буэндианинг ҳукумат раҳбарларига йўллаган қуёш уруши қўлланмасининг бевосита давоми ҳисобланар ва буни кўрган Урсуланинг, Вақт олдинга эмас, балки доира бўйлаб ҳаракат қилади, деган шубҳаси тасдиқланди. Аммо Ғамгин Аурелиано бобосидан фарқли ўлароқ, на уйқусини, на иштаҳасини йўқотди ва на дилгирлик кайфияти билан бировларни қийнади, аксинча, ҳайратомуз лойиҳаларини пиши-тар экан, уларнинг яқин фурсат ичида амалга ошишига қатъий ишонар, қиймату муҳлатга алоқадар барча ҳисоб-китобларни укув билан тузар ва режаларини ҳеч иккиланмай амалга оширарди.

Аурелиано Иккинчининг катта бобосига ўхшаб кетиши ва нимаси биландир полковник Аурелиано Буэндиадан фарқ қилиши, энг аввало унинг ўтмишнинг аччиқ сабоқларига мутлақо бефарқлигидан эди; у бир вақтлар акасининг беҳуда кемасозлик саноатига аямай пул сочганидек темирийўл қурилиши учун ҳам хасислик қилиб ўтирмади. Ғамгин Аурелиано тақвимга бир кўз ташлаб олди-да, ёмғирлар мавсуми тугаши билан қайтишга ваъда бериб, чоршанба куни жўнаб кетди. Шу-шу, дом-дараги бўлмади. Жавдарранг Аурелиано фабрика ишлаб чиқарган ошиқча маҳсулотлар орасида нафаси ичига тушиб сув ўрнига мева шарбатидан муз тайёрлаш устида тажрибалар ўтка-



зар экан, кутилмаганда музқаймоқ ишлаб чиқаришга асос солди. Эндиликда у ўзиники деб ҳисоблаган фабриканинг маҳсулотлари турини кўпайтиришни режалаштирди, негаки ёмғирлар мавсуми ва ёз ўтиб кетган эса-да, акасида қануз дарак йўқ эди.

Кишининг бошларида дарёда кир чайётган аёл асабий бир ҳолатда дод-вой солганча, шаҳарнинг марказий кўчасига қараб югурди:

— Қаранглар, даҳшатли бир нарса келяпти!— бакирарди аёл.— Худди гилдиракли ошхонага ўхшайди, ортига бутун бир шаҳарни тиркаб олган!

Макондо ўша замон даҳшатли ҳуштак ва ҳарсиллагандаги пишириқни эслатадиган товушдан ларзага келди. Кўпчилик бундан бир неча ҳафта илгари ишчилар артели аъзоларининг ёғоч ва темир из ётқизишганини кўришган, лекин бунга ҳеч ким эътибор бермаган, чунки ҳаммалари буни ўша юз йил бурунгидек ҳуштак ва дўмбира чалиб, Қуддуси Шариф даҳолари ихтиро қилган галати суяқ дориларни овоза қилиш учун қайтиб келган лўлилар қавмининг галдаги найранги, деб ўйлашган эди. Аммо дастлабки саросима таркагач, барча макондоликлар кўчага отилиб чиқишди ва паровозда туриб қўл силкиётган Ғамгин Аурелиони гуллар билан безатилган, роса саккиз ой кечикиб келган биринчи поездни кўришди. Бу — Макондо бошига чексиз шубҳаю ишонч, эзгулик ва ёвузлик, беҳисоб ўзгариш, офату кулфат ёғдиришга маҳкум этилган, кўринишидан беозоргина сарикранг поезд эди.

Кетма-кет ғаройиб ихтиролардан эс-хушини йўқотиб қўйган макондоликлар ҳатто ҳайратланишга ҳам улгуришмади. Ғамгин Аурелиано поездда олиб келган электр машина (унинг жонга тегувчи, «тум-тум»га ўрганиш учун анча вақт ва куч керак бўлди) токидан бўзарган чироқларини томоша қилганча, кечалари ухламай чиқишар эди. Улар омадли коммерсант дон Бруно Креспи шернинг жағига ўхшаган кассали театрда намоиш этадиган ҳаракатланувчи расмлардан ғазабланишар, негаки бир фильмда ўлиб, дафн этилган, раҳмдил томошабинларнинг аччиқ кўзёшини оқизган қаҳрамон бошқа фильмда яна тирилиб қолар ёки ҳабашга айланган бўларди. Икки сентаво ҳақ тўлаган оломон кўз кўриб-қулоқ эшитмаган бу масхарабозликка чидай олмай, барча курсиларни синдириб ташлади. Алькальд<sup>1</sup> ўзининг махсус ахборотида, дон Бруно Креспининг қаттиқ талабига биноан, оломонга иллюзия<sup>2</sup>лар кўрсатувчи кино бор-йўғи бир аппарат эканини, дарғазаб бўлишига арзимаслигини тушунтириб берди; бу мужмал изоҳлардан сўнг лўлиларнинг янги бир бемаъни найрангига қурбон бўлибмиз-да, деб ўйлашди ва ўз кулфатимиз ўзимизга етиб-ортарди, уйдирма шахсларнинг уйдирма мусибатларига кўзёш қилишимизга ҳожат йўқ, деб кинога бормасликка қарор қилишди.

Маҳаллий чолғу оркестрининг нонини яримта қилган граммофонлар пайдо бўлганда ҳам худди шундай ҳодиса юз берди. Қизиқув-

<sup>1</sup> Алкальд — доруға, шаҳар ҳокими.

<sup>2</sup> Иллюзия — воқеаликни потўғри идрок қилишдан ҳосил бўлган сохта тасаввур, хомхаёл.

чанлик илгари одамларнинг келиши таъкикланган бу кўчадаги мижозлар сонининг ўсишига сабаб бўлди ва ҳатто, айтишларича, бу жумбоқли буюмни яқиндан кўриш истагида шаҳарнинг обрўли аёллари эркакча кийиниб келишарди, улар граммофонларнинг нақ пижигига тикилиб олишиб, узоқ тикилишардики, одамлар тез орада, граммофон ҳамма ўйлагани ва француз гетералари ишонтиришига уринишгани каби сеҳрли тегирмон эмас, балки оддийгина ўйинчок, унинг куйини эса оркестрнинг қалбни тулкинлантирувчи, инсоний, тўла ҳаёт ҳақиқати билан йўғрилган куйига мутлақо таққослаб бўлмайди. деган қарорга келишди. Граммофонлар тез тарқалиб, ҳар бир хонадонда учратиш мумкин бўлса-да, одамларнинг ихлоси қайтиб кетган эди. Лекин уни болаларнинг овуноғи сифатида харид қилишган, кичкиналар энди бу антика машиналарнинг «ичак-чавоғи»ни ағдариб, кўнгилларини хуш этишарди. Шаҳарликлардан бири темирўл станциясида ўрнатилган, узун айланма дастали, олдиниға граммофоннинг жўн нухаси, деб юрган аппарат телефон эканиға ишонч ҳосил қилганидан сўнг энг беўй одамлар ҳам саросимаға тушиб қолишди. Худои таоло гўёки макондоликларнинг ҳайратлари чегарасини текшириб кўриш мақсадида уларни мудом завқ ва умидсизлик, шубҳа ва эътироф ўртасида иккилантириб туришға аҳд қилганға ўхшарди. Бу — ҳақиқат билан ҳам ҳаёлнинг чалқаш-чулқаш қоришуви эдики, ҳатто Хосе Аркадио Буэдианинг каштан остидаги арвоҳи ҳам изтиробға тушиб, куппа-кундуз куни уй бўйлаб кеза бошлади. Темирўл расмий равишда очилиб, чоршанба куни соат ун бирда поезд келадиган, ёзув столи қўйилиб телефон ва билет сотиш учун ойнача ўрнатилиб ёғоч павильонли ўргамиёнагина станция қурилгач, Макондо кўчаларида ўзини оддий юмушлар билан юрган тўпори одамлар деб атаган, аслида эса цирк артистларига ўхшаб кетувчи эркак аёллар пайдо бўлишди. Кўчама-кўча ташиб юриб, суви қайнаганида хуштак чалувчи декчадан фойдаланиш ҳамда рўзанинг еттинчи куни жонни соғ-омон саклаб қолиш қоидаларини бирдай сўзамоллик билан тушунтираётган бу дайди найрангбозлар, гарчи лўлиларнинг қилиқлари боис оғзи куйган бу шаҳарда ҳеч қанақа муваффақиятға умид боғлашмаса-да, лаванлар ҳисобига (бундайлар эса ҳамма жойда топилади) анчагина маблаг жамғаришди.

Бир чоршанба куни Макондоға бу товламачилар билан биргаликда оғзидан кулги аримайдиган, пакана мистер Герберт ҳам келди ва орадан кўп ўтмай, Буэндиалар оиласида яшай бошлади. У чавандозлар чалвори, чарм қўнжли этик, пўкак кулоқчин кийиб олган, аўлат гардишли кўзойнаги ойнаси остидан икки кўзи сарғайиб кўринарди. Бир шингил бананни еб тугатмағунича, ҳеч ким унга эътибор қилмади. Аурелиано Иккинчи уни «Ёқуб мусофирхонаси»да дафъатан, бўш хона йўқлигидан газаби қайнаб, испан тилини бузиб алланарсалар деяётганида учратди ва ҳар сафаргидек, бу келгиндини ҳам уйига бошлаб келди. Мистер Герберт бир-бириға боғланадиган бир неча азростатлари<sup>1</sup> билан қарийб ер юзининг ярмини айланиб, ҳамма жойда ҳам каттагина даромад қилганди, аммо у макон-

<sup>1</sup> Азростат — ҳаво шари. (Ред.)



доликлардан бирортасини ҳам осмонга кутаринга муваффақ бўлмади, чунки лўлиларнинг учарбўйраларини кўрган одамлар учун азростат бир қадам ортга чекиниш эди. Мистер Герберт бир ҳафта юргач, ноилож қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Одатдагидек тушлик пайтида емакхонага йўлбарс терисига ўхшаш йўл-йўл бир бош бананни олиб келишганда, Герберт биринчи бананни ҳафсаласизлик билан узиб олди. Аммо кейин яна биттасини, сўнг шоша-пиша бошқасини узиб олди; суҳбатини бир зум тўхтатмай, банан кетидан банан ер, уларни обдон чайнаб, лаззатини татиб, олимликка хос лоқайдлик билан ҳузур қиларди. Биринчи бошни тугатгач, яна банан олиб келишларини сўради. Сўнгра доимо ўзи билан олиб юрадиган асбоб-ускуналар қутисидан ўлчов асбоблари солинган кичик ғилоф чиқарди. Бананлардан бирини гавҳарфурушга хос шубҳа билан атрофлича ўрганиб чиқди; унга махсус жарроҳлик наштари билан ишлов берди, дорихона тарозисида тортиб кўрди, қуролсиз усталар фойдаланадиган калибрда ўлчади, кейин қутисидан бошқа асбоблар комплектини олиб, бананларнинг ҳароратини, намлигини ва рангини аниқлади. Бу иш шу қадар қизиқарли туюлдики, ҳеч ким бемаллол овқатлана олмади: барча мистер Герберт яқунловчи фикр айти<sup>1</sup>, ҳамма нарса аниқ-равшан бўлишини кутарди. Лекин у муддасини айтмади. Кейин мистер Гербертнинг шаҳарнинг чеккасида кўришди. у қўлига дастали тўр ва сават ушлаганча, капалак тутарди.

Навбатдаги чоршанбада эса бир гуруҳ инженер, агроном, гидрогеолог, топограф ва ер ўлчовчилар келишди, улар мистер Герберт капалак қувиб юрган жойларни бир неча ҳафта ўрганишди. Анчадан сўнг кумуш билан ишлов берилган, диванига бахмал тортилган, томи ҳаворанг ойналардан иборат сариқ поезднинг думига ўланган вагонда жаноб Жек Браун келди. Бошқа вагонда келишган, илгарилари полковник Аурелиано Буэндиани ҳамма ерда кузатиб юрган ўша адвокатларга ўхшаш қора кийимдаги димоғдор ҳуқуқшунослар жаноб Брауннинг атрофида гирдиқапалак бўлишаётгани тўфайли агрономлар, гидрогеологлар, топограф ва ер ўлчовчиларни ҳам худди азростатлари ва турли-туман капалаклари бўлган мистер Герберту ғилдиракли мақбараю қопонғич немис овчаркаларига эга жаноб Браун каби урушга дахлдор одамлар бўлса керак, деб ўйлашди. Ўй суриш учун эса вақт етишмасди, Макондонинг ҳамма нарсадан шубҳаланувчи кишилари атрофда нималар бўляпти ўзи, дея сўрашга шайланиб турганда шаҳар қутилмаганда дунёнинг турли гушаларидан келган ажнабийлар қароргоҳига айланди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, гринго<sup>1</sup>лар ўзларининг хуморкўз, муслин қўйлакли ва катта шляпали хотинларини олиб келишди ва темирийўлнинг нариги томонидан яна бир шаҳар барпо этишди; кўчаларига нальмалар ўтказишди, уйларининг деразаларига симтўр, айвонларига оқ столчалар қўйишди, шифтга улкан парракли вентиляторлар осишди, уй биқинидаги каттакон яшил ўтлоқда товусу беданалар сайр қилиб юришарди. Бу даҳа худди электрлаштирилган баҳайбат товукхона

<sup>1</sup> Гринго — ажнабий, келгинди (Ред.)

каби баланд темир панжара билан уралди, ёзнинг салкин тонгларидан панжаранинг бир чеккаси тин олиш учун қўнадиган қалдирғочлардан қорайиб турарди. Ажнабийларнинг Макондода нима қидираётгани ва улар чиндан ҳам саховатпешами-йўқлигини ҳеч кимса билмас, улар эса аллақачон ҳамма жойни остин-устун қилиб юборишган эди. Келгиндилар ўзбошимчалиги лўлиларнинг ўша тартибсизлигидан ошиб тушган ва бу вақтинчами ёки доимийми, тушуниб ҳам бўлмасди. Бошида фақат худога бўйсунувчи кучлар ёрдамида ёмғир ёғиш маромини ўзгартиришди, дарёни (унинг оқ тошларию муздек суви билан) шаҳарнинг нариги бурчагига, кабристоннинг ортига буришди, худди шунда, дарё сувига суякларидан анкиётган порох ҳиди уриб қолмаслиги учун Хосе Аркадионинг ёштлари нурай бошлаган қабри устига темир-бетон мақбарача қуришди. Ўз дилбарларини бирга олиб келмаганлари учун эса ишк-муҳаббати қайнаб турган француз гетераларининг кўчаси каттакон, темир панжарали шаҳардан ҳам йирикроқ шаҳарга айланганди ва чоршанбаларнинг бирида йўлдан оздиришнинг қадимий усулларидан тортиб, қолган ҳамма усулларини мукамал эгаллаб олган ҳамда жамики ланжларни уйғотиб юборишга, тортинчокларга туртки беришга, тамагирларнинг нафсини қондиришга, камтарларнинг юрагига чўғ ташлашга, димоғдорларнинг таъзирини беришга, таркидунё қилганларни эса қайта тарбиялашга тайёр антиқа қиёфали фоҳишалар ва вавилон фосикалари тўлдирилган поезд бу тинч шаҳарга келди. Эски араб дўконлари ўрнида қад кўтарган, деразалари шуъла сочувчи хорижий моллар магазинлари жойлашган Турклар кўчаси шанба оқшомлари можаро ишқибозлари билан тўлиб-тошарди: уларни кимор уйнаётган столлар ёки тир олдида, фол очадиган, туш таъбирини айтадиган тор кўчада, Фританга<sup>1</sup>, чанқоқбосди ичимликлар сотиладиган столларнинг ёнида мудом учратиш мумкин бўларди; якшанба куни эрталаб бу столлар тошқўчада чўзилиб ётган девонаваш арокхўрлар, асосан кечки муштлашувда ўк, пичоқ ёки мушт еган, арок шишаси билан яраланган бахтиқаро ландавурлар оролига ўхшаб кетарди. Макондо гавжумлигидан шаҳар кўчаларидан ҳатто утиб ҳам бўлмасди: ҳар қадамда мебель, сандиқ ё эгасиз участкага иморат қурувчиларнинг қурилиш материаларига қоқилиб кетишингиз ёки жанжалга сабаб бўлувчи антиқа манзара — бодом дарахтларини орасига осиб қўйилган тўр беланчақда куппа-кундуз куни; ҳамманинг кўз ўнгига ишк-муҳаббат билан машғул қандайдир бир жуфт ошиққа дуч келишингиз мумкин эди. Шаҳардаги энг осойишта гўша беозор антиль занжилари томонидан бунёд этилди: улар шаҳарнинг бир чеккасида бутун бошли кўчадан иборат қозик оёқларга қўндирилган ёғоч уйлар қуриб олишди ва кечалари ҳовлиларидаги кичик боғчада йиғилишиб, тушуниб бўлмас лаҳжаларда диний қўшиқлар айтишарди. Мистер Гербертнинг ташрифига атиги саккиз ой тулган эса-да, шунақаям кўп ўзгаришлар содир бўлдики, эскидан истикомат қилувчилар ҳам ўз шаҳарларини зўрға танишарди.

— Ўзимизга-ўзимиз бош оғриқ сотиб олдик-а,— дея бот-бот так-

<sup>1</sup> Фританга — қовурилган гўшт ва сабзавотдан тайёрланган миллий таом.



рорларди ўшанда полковник Аурелиано Буэндиа,— ҳаммаси эса қандайдир бир грингони банан билан меҳмон қилганимиздан бошланди.

Аурелиано Иккинчи эса ажнабийлар келганидан хурсанд эди. Уйлари тез орада жаҳоннинг турли гўшаларидан келган ҳар хил нотаниш одамлар, тузалмас маишатпарастрлар билан тўлиб-тошдики, ҳовлига янги ётоқхоналар қуришга, ошхонани кенгайтиришга, аввалги столни каттароғига алмаштиришга, янги идиш-товоклар харид қилишга тўғри келди, аммо шундан сўнг ҳам галма-гал овқатланишга мажбур бўлишди. Фернанда ўзларининг беандиша хулқ-атвори билан ажралиб турувчи меҳмонларга нисбатан нафратини босиб, уларнинг кўнглини қироличаларга хос назокат билан овлашдан ўзга чораси қолмаган эди. Улар галереяга лой ботинкалари билан чиқишар, боққа қаратиб пешоб қилишар, тушки уйқу пайтида бўйраларини истаган жойга тўшаганларича ва на хотин-қизларнинг уялишига, на эркакларнинг истехзоли кулгусига эътибор беришар, хаёлига келганини айтаверишарди. Амаранта қора суюқларнинг бу ғорагидан шу қадар қаҳри келардики, охир-оқибатда худди илгариги пайтдагидек яна ошхонада овқатланидиган бўлди. Полковник Аурелиано Буэндиа у билан ҳол-аҳвол сўрашиш учун устахонага кираётганларнинг кўпчилигини бу ерга бўлган шу хайрихоҳлик ёки ҳурмат эмас, балки ғўеки тарихий ёдгорлик ва музей топилмаларига нисбатан қизиқиш етаклаб келаётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, эшикнинг лўкидонини суриб қўйди ва энди уни фақат кўча эшиги яқинидаги ўриндикда аҳён-аҳёндагина кўриш мумкин эди. Фақат Урсулагина ҳатто оёғини судраб босадиган, деворни ушлаб пайпаслаб юрадиган бўлиб қолса-да, ҳар бир поезд келиши арафасида худди болалардек қувнаб кетарди. «Гўшт ҳам, балиқ ҳам пиширинглар,— буюрарди у Санта София де ла Пьедаднинг осойишта қароргоҳига иложи борица тезроқ боришни орзу қилаётган тўрттала ошпаз аёлга.— Хилма-хил таом пиширинглар, ким билади бу ажнабийларнинг нима истаб қолишини.» Поезд куннинг айна иссиқ пайтида келарди. Тушда уй худди гавжум бозордек шовқин-суронга тўлиб-тошар, ошпазлар шўрва ҳамда гўшт, ошқовоғу сабзавот солинган бошқа қозонларни, гуручли таомларни кўтариб у ёқдан-бу ёққа зир югуриб, лимон шарбатлари тўла бочкадан стаканларга қуйишаётган чоғда бадани тер билан қопланган, ўзларининг сахий хўжайинларини ҳатто бирор марта ҳам кўрмаган нонхўрлар уйга гала-гала бостириб кириб стол атрофидаги энг яхши жойларни эгаллашга уринишарди. Тартибсизлик, баъзиларининг кетма-кет икки бор овқатланиши Фернанданинг фиғонини чиқарар, шунда кўпинча уйни кўча ошхонаси билан адаштириб, ҳисоб-китоб талаб қиладиган паришонхотир нонхўрларни бозорчи хотинларнинг сўз бисотидаги уят гаплар билан бошлаб сўкиб, юрагини бўшатишни хоҳларди.

Мистер Гербертнинг ташрифидан бери орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтган эди. Ниҳоят, келгиндилар Хосе Аркадио Буэндиа шериклари билан бир вақтлар буюк кашфиётлар очиш ниятида босиб ўтган ерларга банан экишга тийёргарлик кўришаётгани аниқланди. Полковник Аурелиано Буэндианинг пешонасига хоч тасвири туширилган яна икки ўғли Макондога келди. «Биз Макондога ҳамма

бораётгани учун келдик», дейишди улар ўзларини оқлаб, эҳтимол, бу — Макондога барча келаётганларнинг ниятини изоҳларди.

Гўзал Ремедиос банан васвасаси юкмаган бирдан-бир одам эди. Қиз гўёки ўз ёшлигининг ажойиб даврида қолган ва бу беҳисоб тартибсизлик, шартлиликлардан кун-бакун ётсираб, маккорлик, шубҳаланишлардан тобора узоқлашиб, ўз дунёсининг оддий ҳақиқатларидан чексиз бахт топарди. У аёлларга корсаж ва юбкалар нега керак-лигига ақли етмай ўзига аллақандай дағал матодан балахон<sup>1</sup> тикди ва ёлғиз шунгагина ўраниб юборди. Унинг фикрича, кип-яланғочлик уй шароити учун ягона мос келадиган ҳолат ҳисобларди. Уйдагиларнинг сочини бир оз кесдириши, чиройли ўриши, рангли тасмалар билан безаши ҳақидаги гаплари жонига тегди ва охири жаҳли чиқиб, нақ тақимига тушган сочини тамоман олдириб, улардан авлиёларнинг ҳайкалларига париклар ясади. Гўзал Ремедиоснинг оддийликка интилишининг ажабланарли жойи шундаки, у қулайлик қидириб моладан халос бўла борган, эркинлик майлига итоат этган сайин ақлга сиғмайдиган чиройи шу қадар гуркираб яшнар ва киз эркаклар билан тобора бемалолроқ гаплашарди. Аурелиано Буэндианинг ўгиллари Макондога илк бор келишганда улар билан Гўзал Ремедиоснинг қони бир хил эканини эслаб, Урсула аллақачон унутилган кўрқувдан сесканиб тушди. «Ўзингга эҳтиёт бўл,— огоҳлангирди у кизни.— Улардан кўрган фарзандларинг чўчка думли бўлади.» У эса катта бувисининг ўгитига қулоқ солмади. Кўп ўтмай эркакча кийиниб, учига соврин ўрнатилган ходага чиқиш пайти қумга роса ағанади ва қадду қоматини қўриб авзойи бузилган ўн етти ака-уканинг фожеали можаросига сабабчи бўлишига оз қолди. Сўнг Урсула йигитларнинг бирортасига ҳам уйда тунашга рухсат бермади. Макондога келган тўртовлон, Урсуланинг кўрсатмасига мувофик, шаҳар чеккасидаги бир уйда ижарада яшарди. Агар Гўзал Ремедиос айна эҳтиёткорлик ҳақида эшитса борми, кулавериб ичаги узилган буларди. Қиз, тақдир уни умрининг сўнги лаҳзасигача эркаклар оромини гўёки кундалик табиий офат сингари бузиб турувчи қилиб яратганини билмасди. У Урсуланинг таъқиқини бузиб емакхонада, ажнабийлар орасида пайдо бўлганида хар гал саросима бошланар, қариндошлари ночор аҳволга тушиб қолишарди. Гўзал Ремедиоснинг қадду баста дағал балахон ичида кўзга яққол ташланиб турарди. Сочи олинган, беками-кўст бу қиз бир оз шабадаламоқ учун сонларини очиши ва овқатдан сўнг бармоқларини завқ билан сўрийти ҳам эркакларни йўлдан оздириш мақсадида қилинган жинояткорона ҳаёсизлик эмаслигини тушунмас эдилар. Ажнабийлар тез фурсатда кашф этишгани: Гўзал Ремедиос чиқиб кетгандан кейин ҳам таҳлика руҳи ва жафо эсиб туражаги эди. Севги азобларида кўзи пишган, жаҳоннинг барча мамлакатларида севгини бошдан кечирган эркаклар Гўзал Ремедиоснинг табиий ҳиди уйғотувчи ҳаяжонни ҳеч қачон кўрмаганларини тасдиқлашди. Улар бегония турган галереяда, мехмонхонада, уйнинг исталган кунжагидаги Гўзал Ремедиос турган жойни беҳато кўрсатишар, кетганига қанча вақт бўлганини аниқ



айта олишарди, негаки у ўзидан сўнг ҳавода аниқ из қолдирарди. Аммо унинг кундалик ҳидига қоришиб кетгани туфайли Буэндиалар буни сезишмас, ажнабийлар бўлса, дарҳол фаҳмлашарди. Ҳа, фақат уларгина қизга муҳаббат қўйган ёш офицернинг нега ўлиб қолганини, узоқ ўлкадан келган кабльеронинг тушқунликка тушганини тушунишарди. Қиз безовталиқ офати билан қуршаб олинганини, эракларда чидаб бўлмас ички ҳалокат туйғусини уйғота олишини ўзи билмас, шу боис ўзаро суҳбатда заррача муғамбирлик қилмас ва содда илтифоти билан уларни ҳамиша адои тамом қиларди. Урсула чеварасини ажнабийлар кўзидан узоқроқда тутишни истаб, эндиликка ошхонада Амаранта билан бирга овқатланишга мажбур этганида, Гўзал Ремедиос аллақандай тартибларга бўйсунуш заруратидан қутулганидан ҳам қувонди. Очиғи, унинг учун қаерда, қайси вақтда овқат ейишнинг аҳамияти йўқ эди. Баъзан у енгил-елли овқатланиш учун эрталаб соат учда уйғонарди-да, сўнг кечқурун-гача донг қотиб ухларди ва шу тариқа, бутун кун тартибини чалкаштириб, қандайдир тасодиф уни уйда ўрнатилган тартибга тушмагунича ойлаб ўшайверарди. Лекин ўшанда ҳам у ётоғини нақ ўн бирда тарк этар, мўрчага икки соатча бекиниб олиб, тешиктирқишлардан чиқадиган чаёнларни ўлдирганча, каттиқ ва узоқ уйқудан аста-секин ўзига келарди. Кейин ҳовузчадан сув олиб, тепасидан қуябошлар, бу узоқ давом этадиган ва диққат талаб этиладиган юмуш эди. Гўзал Ремедиосни яхши билмайдиганлар, қиз ўз андоми билан завқланыпти, деб ўйлашарди. Аслида эса бу сирли маросим ҳар қандай ҳиссиётдан холи бўлиб, Гўзал Ремедиос учун иштаҳаси келгунча вақт ўтказиш усули эди, холос. Бир куни у эндигина ювинаётганида қандайдир ажнабий киши томдаги черепицаларни битталаб кўчира бошлади. Қизнинг яланғоч танини кўрган бояқиш ажнабий энтикди. Гўзал Ремедиос унинг черепицалар орасидан мўлтираётган маъюс кўзларидан уялмади, саросимага тушди, холос.

— Эҳтиёт бўлинг,— деди у,— қулаб тушасиз.

— Мен фақат сизга қарамоқчиман,— дея гўлдиради ажнабий.

— Шундайми?— деди қиз.— Майли, лекин жуда эҳтиёт бўлинг, том чириб қолган.

Ажнабийнинг юзи ҳайрат ва азобдан бужмайиб кетган, гўё бу ажиб сароб ёйилиб кетмаслиги учун вужудини қамраб олган ҳирс билан сассиз қурашаётгандек туюларди. Гўзал Ремедиос уни черепица қулаб тушишидан кўрқаяпти деб ўйлаб, бечорани ортиқча таҳликага солмаслик учун одатдагидан кўра тезроқ ювинишга ҳаракат қиларди. Қиз баданига сув қуяркан, том чириган, чаёнлар черепица устига тўкилиб, ёмғирдан намиқиб кетган барглар орасидан мўрчага ўтса керак, деб огоҳлантирди. Ажнабийга қиз ўз майлини мана шу сафсата орқали пардалаётгандек туюлди ва Гўзал Ремедиос баданини совунлашга тушганида, у бахтини синаб кўрмоқчи бўлди.

— Ижозатингиз билан сизни ўзим совунлаб қўйсам,— деб шивирлади.

— Яхши ниятингиз учун миннатдорман,— жавоб қайтарди қиз,— аммо ўзим бемалол эплайман.

— Жиллақурса, елкангизни,— деб ўтинди ажнабий.

— Нега?— таажжубланди қиз.— Одамлар елкасини совунлаганини қаерда кўргансиз?

У ювиниб бўлиб артинаётганида, кўзлари ёшга тўлган ажнабий, менга тегсанг деб ёлворди.

— Чумилаётган аёлни кўриш учун ўзини тушлик овқатдан маҳрум қилган гўл одамга ҳеч маҳал тегмайман,— деди Ғузал Ремедиос.

Охири қиз балахонини кийди. Ажнабий кўпчилик шубҳаланганидек, Ғузал Ремедиос яланғоч бадани устига кийишига ишонч ҳосил қилди, ҳозиргина очилган сирнинг қиздирилган темири унга бир умрлик тамға босганини сезди ва бунга ортиқ чидай олмади. У мўрчага тушиш ниятида яна иккита черепицани тортиб олди.

— Жудаям баланд-ку!— кўркув аралаш оғоҳлантирди қиз,— нобуд бўласиз-а!

Чириган том худди тоғ кўчкидек даҳшатли товуш чиқариб пастга қулади, ажнабий кўркувдан кичқиришга аранг улгуриб, цементли полга ағдарилиб тушди ва бош суяги чақилиб, тил тормай жони узилди. Шовкин-суронни эшитиб емакхонадан югуриб келган ажнабийлар марҳумни мўрчадан чиқараётиб, унинг терисидан Ғузал Ремедиосга хос ғоят анвойи бўй таралаётганини сезишди. Бу ҳид мурдага шу қадар сингиб қолгандики, гўё бош суягидаги ёриқлардан қон ўрнига шу сеҳрли ҳид билан йўғрилган мушқу анбар чиқарди; шунда Ғузал Ремедиоснинг анвойи бўйи у дунёда ҳам, то марҳумлар суяги хокка айлангунча азоб бериши аён бўлди. Аммо ҳеч ким бу мудҳиш воқеани Ғузал Ремедиосни деб ҳалок бўлган аввалги икки эркакнинг ўлими билан боғламади. Ажнабийлар ва Макондонинг туб аҳолиси Ремедиос Буэндиадан севги эмас, балки ажал нафаси уфуриши чинлигига ишонишлари учун яна битта қурбон керак бўлди. Айни воқеа орадан бир неча ой ўтгач, Ғузал Ремедиос дугоналари билан банан плантацияларини кўргани борганида юз берди. Банан дарахтлари орасидаги рутубат ариб турувчи узун «йўлак» бўйлаб сайр қилиш макондоликлар учун одат тусига айланганди: бу ерда бокира бир осойишталик ҳукм сурар, гўё уни узоқлардан, сукунатли бегона ҳилқатдан атай кўчириб келингандек туюларди. Бу маскан гўё товуш етказишнинг ҳадисини олмагандай эди, шу боис, баъзан бир қадам нарида айтилган гап эшитилмас, гоҳида эса плантациянинг нариги четидаги гап ҳам қулоққа аниқ-тиник чалинар эди. Макондо қизлари бу ғалати хусусиятни ўйин ва чўчиш, ҳазил ва кўрқитиш воситасига айлантиришган, кечалари билан эса плантациядаги сайрларини худди бемаъни туш каби эслашар эди. Бананзордаги осойишталик шу қадар катта шуҳрат қозондики, Урсула Ғузал Ремедиоснинг беозор ўйин-кулгусига қаршилик кўрсатмади ва унга шляпа ҳамда кийим кийиш шарти билан плантацияга боришга рухсат берди. Қизлар бананзор чегарасига кириб келишлари биланок ҳаво ўша анвойи бўйга тўлиб-тошди. Ариқ қазиётган эркаклар аллақандай сеҳрли куч измига тушиб, ўзларига кўзга кўринмас хатар таҳлид қилаётганини сезишди. Кўпчилик хўнграб йиғлаб юборди. Ғузал Ремедиос ва унинг кўркув босган дугоналари ўзларига ташланишга шай турган бу тутакқан эркаклар тўдасидан зўрға қуту-



лишиб, якин орадаги уйларга беркинишга муваффақ бўлишди. Орадан сал вақт ўтгач, кизларни беркинган пана жойидан пешонасидаги кул билан чизилган хочлари ҳаммага илоҳий кўркүв каби таъсир этадиган, худди уларни асло кўл теккизиб бўлмас олий мазҳаб накилларидек кўрсатадиган тўрттовлон Аурелиано халос этишди. Тўстўполондан фойдаланган ишчилардан бири Гўзал Ремедиоснинг қорнига худди жар ёқасига чанг солган бургутдек титраб-қақшаб чанг солганини у ҳеч кимга айтмади. Гўё яшин чақилдию кизнинг кўзлари бир лаҳза камашди ва у дилозорга ўгирилиб, маъюс нигоҳини яккол кўрди, юрагида биргина раҳм-шафқат уйғонди. Кечкурун Турклар кўчасида ўша ишчи ўзининг ботирилигини гапириб, бахти чопганидан чиранди ва орадан бир неча дақиқа ўтмасдан от тепкисига учраб, кўкраги мажақланиб кетди; ишчини ўраб олган ажнабий тошкуча ўртасида унинг ўз қонига бўкиб, нафаси қайтганича қонталаш ётганини кўришди.

Гўзал Ремедиоснинг эркак зотига ажал келтириши шундай қилиб рад этиб бўлмайдиган тўртта далил билан исботланди. Гарчанд, мақтанишни хуш кўрадиган айрим эркаклар шундай жозибали аёл билан бир кеча бўлиш учун жонларини қурбон қилишга тайёр эканликларини айтишса-да, аслида уларнинг бирортаси ҳам бунга журъат этолмасди. Гўзал Ремедиосни забт этиш, у келтиражак ажал йўлини тўсиш учун жўнгина бир хис — муҳаббат даркор эди, лекин бу фикр ҳеч кимнинг миясига келмасди.

Урсула чеварасига эътибор бермай қўйди. Илгари у кизни оддий рўзғор юмушларига қизиқтиришга уринар эди. «Эркакларга кўпроқ нарса керак,— дерди у сирли қилиб.— Сен ўйлаганлардан ташқари овқат пишириш, супуриш-сидириш, ҳар хил майда-чуйда нарсалар учун азоб чекишга тўғри келади.» Урсула чеварасининг рўзғорбоп хотин бўлмаслигини сезарди. Чунки ўз ҳирсини қониқтириб бўлгач, Гўзал Ремедиоснинг ақл бовар қилмайдиган ялқовлигига бир кун ҳам тоб берадиган эркак зоти топилиши амри-маҳол эди. Кенжатоёй Хосе Аркадионинг туғилиши ва уни Рим папасига ворис қилиш истаги бечора аёлни чевара ташвишидан кечишга мажбур этди. Эртами-кечми мўъжиза юз беришига ва бу дунёда Гўзал Ремедиосдек даҳмаза юкни елкасига оладиган эркак топилишига ишонган Урсула кизни тақдир зайлига топшириб қўйди. Амаранта эса, Гўзал Ремедиосни тарбиялаш бефойда эканини Урсуладан анча илгари тушуниб, уни овсар қизча, деб ўйларди. «Сени лотереяга тикиш керак», дерди Амаранта унинг эркаклар ҳақидаги суҳбатга бефарқлигидан ташвишланиб. Кейинроқ Урсула Гўзал Ремедиосга черковга юзига тўр рўмол ёпиб боришни буюрганида, Амаранта бу ҳол эътиборни тортади ва тез орада соҳибжамолнинг юрагига йўл ахтарадиган бирорта эркак пайдо бўлиши мумкин, деди. Аммо Гўзал Ремедиос ҳатто шахзодалардан ҳам жозибали даъвогарга ўйламай-нетмай рад жавобини берганида, Амарантанинг сўнгги умиди пучга чиқди. Фернанда бўлса, ҳатто Гўзал Ремедиосни тушунишни ҳам истамас эди. Уни қонли карнавал куни қиролича либосида кўрган Фернанда Ремедиос бу дунёнинг одами эмас, деган хулосага келган эди. Лекин унинг овқатни кўл билан ейишини ва барча

гаплари телба-тескари эканини кўргач, Буэндиа авлодида телбалар жуда кўплигидан афсусланиб кетди. Полковник Аурелиано Буэндиа Гўзал Ремедиос ўзи билган ва кўрган одамлар орасида энг ақли теран инсон эканлигига ишонар ва буни одамларни мазаҳ қилишдек ғаройиб қобилияти орқали исботласа-да, қариндошлари аллақачон кизни худо измига топшириб қўйишган эди. Гўзал Ремедиос ёлғизлик саҳросида қолди, лекин бундан заррача азобланмади, у ўзининг сокин тушлари, узоқ чўмилишлари, тартибсиз овқатланишию ҳар неки хотирадан холи умри давомида улғайиб борарди. Бу ҳол то Фернанда боғдаги ипга осилган чойшабларни йиғиштириб олишга кўмаклашиш учун аёлларни чақирган баҳор кунига қадар давом этди. Ўшанда, ҳали иш бошланмай туриб, Амаранта ногаҳон Гўзал Ремедиоснинг юзи оқариб, ҳатто аллақандай шаффоф тус олганини сездди.

— Тобинг қочдими?— деб сўради у қиздан.

Чойшабнинг нариги четини тутган Гўзал Ремедиос маъюс жилмайганча:

— Аксинча, мен ҳеч қачон ўзимни бу қадар яхши сезмагандим, — деди.

Фернанда Гўзал Ремедиос гапини тугатгани ҳамон майин нурга йўғрилган шамол қўлидаги чойшабни юлиб олишга интилаётганини сездди ва чойшабнинг ҳавода бир зумда энламасига ёйилиб текислаганини кўрди. Амаранта эса юбкаси этагидаги тўрларнинг сирли титрашини пайқади ва ўша сония Гўзал Ремедиос кўкка парвоз қила бошлаганида, йиқилиб тушмаслик учун ўз чойшабининг бир чеккасига маҳкам ёпишди. Кўзлари деярли ожиз бўлиб қолган Урсулагина енгиб бўлмас бу шамолнинг табиатини тушуна олди; у чойшабларни шамолнинг нурли оқими ихтиёрига топширди ва кўзни қамаштирадиган даражадаги оппоқ, ҳилпираётган чойшаблар орасида Гўзал Ремедиоснинг видолашиш учун қўлини силкиётганига қараб турди; чойшаблар кўкка ўрлагандан ўрлаб, қиз билан бирга хотиротнинг энг баланд учадиган қушлари ҳам қувиб ета олмайдиган поёнсиз бўшлиқда ғойиб бўлишди.

Ажнабийлар, ниҳоят қиз бирор эркакнинг домига илингану оиладагилар ўз шарафини меърож ҳақидаги чўпчак билан ҳимоя қилаётир, деган фикрга келишди. Ҳасад ўтида куйган Фернанда бора-бора мўъжизани тан олди ва кўп вақтлар давомида чойшабларини қайтариб беришини сўрайвериб, худонинг жонига тегди. Макондо аҳлининг аксарияти ҳам мўъжиза юз берганига ишонди ва ҳатто шам ёқишиб, дуо ўқишди. Агар мўъжиза хусусидаги ҳайратни барча Аурелианоларнинг ваҳшиёна қириб ташланиши ҳақидаги шумхабар сиқиб чиқармаганида, балки одамлар Гўзал Ремедиоснинг парвози ҳақида янада кўпроқ гапиришган бўлишарди. Гарчанд, полковник Аурелиано Буэндиа ўз ўғилларининг фожиавий ўлими муқаррар эканини қайсидир даражада сезса-да, буни башоратга йўймади. Ажнабийларга қўшилиб келган икки ўғли — Арракаш Аурелиано билан Аурелиано Аркайя Макондода қолиш истагини билдиришганда, раъйдан қайтаришга уринди. У қоронғилик тушиши биланоқ хатарли жойга айланадиган бу шаҳарда уларга нима борлигига тушунмасди.



аммо Аурелиано Иккинчи йигитларни қўллаб-қувватлади ва Жавдар-ранг Аурелиано билан Ғамгин Аурелиано укаларини ўз корхоналарига ишга жойлаштириб қўйишди. Полковник Аурелиано Буэндианинг бу қарорга келишида ҳали ўзига ҳам равшан бўлмаган асоси бор эди. У жаноб Браунни Макондода пайдо бўлган илк автомобилда — усти очиладиган, гудоги шаҳар итларини даҳшат соладиган зарғалдоқ рангли машинада кўрган пайтдан бошлаб, одамларнинг гринго олдида кулларга тиз чўкишларидан газабланди ва тушуниб етдики, илгари елкасига милтиқ осганча, бола-чақасини уйда қолдириб урушга отланган довжорак эркакларнинг табиатида нимадир ўзгарибди. Неерланд муваққат сулҳидан кейин Макондони алькальдлар бошқарарди, тинчликсевар ва жуда толиккан шаҳар консерваторлари орасидан номустақил ва ночор ҳакамлар шунчаки номигагина сайлаб қўйилган эди. «Бу — ожизлар ҳукмдорлиги, — дерди полковник Аурелиано Буэндиа бор-йўғи ёғоч таёқ билан қуролланган ялангоёқ жандармчиларга. — Демак, биз уйларимизни кўк рангга бўяш учун шунча вақт беҳуда жанг қилган эканмиз-да.» Банан компанияси вужудга келгач, маҳаллий амалдорлар жазирама иссигу пашшалардан, шаҳарликлар бошидан кечираётган кўплаб ноқулайликлардан азоб чекмасликлари учун жаноб Брауннинг электрлаштирилган паррандахонасига жойлашган зўравон ажнабийлар билан алмаштирилди. Жандармачилар ўрнини эса мачете кўтарган ёлланма қотиллар эгаллабди. Полковник Аурелиано Буэндиа устахонасида ўтириб, аини ўзгаришлар тўғрисида ўйлади ва урушни қатъий туриб охиригача етказмай катта хато қилганига амин бўлди.

Ана шундай кунларнинг бирида ҳамма унутиб юборган полковник Магнифико Висбалнинг акаси ўзининг етти яшар невараси билан лимон шарбати ичгани шаҳар майдонидаги дўкончага келди. Бола тасодифан ёнида турган жандарм капралнинг мундирига лимон шарбатини тўкиб юборди, шунда ваҳший капрал ўтқир мачетеси билан бурдалаб ташлади ва неварасини қутқармоқчи бўлган чолнинг бошини бир силтов билан танасидан жудо қилди. Бир неча эркак уйига кўтариб бораётган чолнинг бошсиз танасини, бир аёл киши сочидан ушлаб олган калласини ва боланинг бурдаланган танаси солинган қонли халтани бутун шаҳар кўрди.

Бу воқеа полковник Аурелиано Буэндиани тавбасини унутишга мажбур қилди. У ёшлигида, қутурган ит қопгани учун қўндоқ билан уриб ўлдирилган аёлнинг жасадини кўрганида қанчалар газабланган бўлса, ҳозир ҳам шундай газабланди. Полковник кўчада йиғилган томошабинларга бир назар солди-да, момакалдироқдек овози билан юрагига сиғмаётган нафратнинг жами залворини ағдарди.

— Қараб турунглар, — кичқирди у, — бу аблаҳ гринголарга барҳам бериш учун мен шу кунларда ўғилларимни қуроллантираман.

Аммо қандайдир номаълум жинойтчилар полковникнинг ўн етти нафар ўғлини худди қуёнларни овлашгандек бутун қирғоқ бўйлаб бир ҳафта давомида овлашди; улар пешонага кул билан чизилган хочнинг қоқ марказига ўқ узишарди. Ғамгин Аурелиано кечқурун соат еттида онасининг уйдан чиқаётганида, қоронгиликда милтиқ овози гумбирлади ва ўқ унинг пешонасини тешиб ўтди. Жавдарранг Аурелиано

фабрикадаги гамагидан топилди: унинг қошлари ўртасига муз ушатиладиган мисранг то дастасигача қоқилган эди. Арракаш Аурелиано кинодан сўнг қайлигини уйига кузатиб, сутдай ёруғ Турклар кўчаси бўйлаб ортига қайтарди: номаълум қотил оломон орасида туриб, унга тўппончадан узгач, бечора йигит ёғ эритилаётган қозонга йиқилиб тушди. Орадан беш дақиқа ўтгач, Аурелиано Аркайя бир аёл билан ётган хонанинг эшигини кимдир тақиллатиб: «Тезроқ чиқ, акаларингни ўлдиришяпти!» деб бақирди. Уша аёлнинг кейин ҳикоя қилиб беришича, Аурелиано Аркайя жойидан ирғиб туриб эшикни очган ва эшик ортида бош суягини мажақлаб ташлаган маузер ўқиға учган. Фернанда, уйда тўрттала мархумга жаноза ўқишга тайёргарлик кўрилаётган ана шу қонли кечада Петра Котес полковникнинг исми билан аталувчиларнинг ҳаммасини ўлдиришса керак, деб ўйлаб, жавонга яшириб қўйган эрини телбаларга ўхшаб, бутун шаҳар бўйлаб қидириб чиқди. Петра Котес Аурелиано Иккинчиши орадан тўрт кун ўтгач олинган телеграммадан номаълум ғанимларнинг ғазабига фақатгина пешонасига кулдан хоч тасвири туширилган ака-укаларга қаратилганлиги маълум бўлганидан сўнг жавондан чиқарди. Амаранта жиянлари ҳақидаги маълумотлар ёзилган дафтарчани қидириб топди ва олинган телеграммаларга қараб, то тўнгич жиянининг исмини қолдириб, бошқа ҳаммасининг исмларини ўчирди. Буғдойранг, кўзлари оч яшил бу йигитни уйдагилар яхши эслаб қолишган эди. Унинг исми Ошиқ Аурелиано бўлиб, дурадгорлик қилар ва ўзи тоғ тизмалари орасидаги овлоқ қишлоқлардан бирида яшарди. Икка ҳафта давомида унинг ўлими ҳақида ҳеч нарса эшита олмаган Аурелиано Иккинчи Ошиқ Аурелиано ҳеч нарсадан хабари йўқ деб, уни хатардан қутқариб қолиш ниятида олдиға чопар юборди. Чопар, Ошиқ Аурелиано бехатар жойда, деган хабар келтирди. Қирғин оқшомида униқига икки киши келиб тўппончалардан ўқ узган, аммо йигитнинг пешонасидаги хочига бирорта ҳам ўқ тегмаган эди. У девордан сакраб тушиб, маҳаллий хиндулар билан дўстлиги туфайли ҳар бир сўқмоғи таниш бўлиб қолган тоққа яширинганди. У ҳақда бошқа ҳеч нарса эшитишмади.

Бу кунлар полковник Аурелиано Буэндиа учун энг қора кунлар эди. Республика президенти унга атрофлича тергов ишлари олиб бориш ваъда қилинган, мархумлар мақталган телеграмма юбориб, ҳамдарлик билдирди. Президентнинг буйруғига биноан, шаҳар доруғаси дафнига тўртта гулчамбар олиб келди ва уларни тобутларнинг устига қўймоқчи бўлди, аммо полковник уни кўчага ҳайдаб чиқарди. Дафн тугагач, у республика президенти номига аччиқ-тизиқ телеграмма ёзди ва уни шахсан ўзи юбормоқчи бўлиб, почта идорасига борди, лекин телеграфчи бундай телеграммани юбориндан бош тортди. Шундан сўнг полковник Аурелиано Буэндиа телеграмма текстини ошкора сўкишлар билан кенгайтириб, хат орқали жўнатди. У хотини ва урушда энг яхши дўстлари ўлган маҳалдагидек ҳозир ҳам унча мусибат чекмади, балки бутун вужудини худди ўшандагидек беҳад бир кўр қаҳр қамади. Ҳатто падре Антонио Исабелни қотилларнинг шериги, деб эълон қилди. Бечора руҳоний гўё унинг ўғилларини ғанимлар аданмай топиб олишлари учун атайлаб ўчмас хоч









билан тамғалаган экан. Бир оз ақлдан озиб қолган ва Муқаддас китобни бемаъни талқин қилиб, ўз хутбалари билан қавм юрагига ғулғула соладиган тангрининг бу мункиллаб қолган хизматкори у кул билан тасвирлаган хочларнинг ўчиб кетишини исботлашга уриниб, рўзанинг биринчи куни учун сақлаб қўядиган ва сув билан осонгина ювиладиган кул солинган финжонни кўтариб келди. Лекин фожиадан кўрқиш оила аъзолари қалбига шу қадар чуқур синггандики, ҳатто художўй Фернанда ҳам синовга дош бера олмади.

Вақт бетиним ўтар, аммо полковник Аурелиано Буэндиа ўзи маҳрум бўлган бир вақтдаги осойишталикни қайта тиклашга ожизлик қиларди. У тилла балиқчалар тайёрлашни йиғиштириб қўйди. Овқатини ҳам зўрға ер, узун ёмғирпўшини полда судраганча, пинҳоний қажрини ичга ютиб, кечаси билан ухламай, худди ойнапарастларга ўхшаб, унинг учун бурчидан-бу бурчига бориб келарди. Уч ой ўтди деганда, унинг сочлари буткул оқарди, мўйловининг илгари тепага қайрилиб турадиган учлари консиз лаблари узра осилиб тушди, лекин кўзлари ҳамон ўша туғилганида ҳаммани кўрқитиб юборгану биргина нигоҳи билан стулларни ўрнидан жилдира оладиган пайтлардагидек лахча чўғ бўлиб ёнарди. Азоб ўтида кўйиб кул бўлаётган полковник Аурелиано Буэндиа ўша ўзини хавф-хатар сўқмоқлари орқали шуҳрат саҳросига элтган қудрати — олдиндан сеза билиш қобилятини қайта тиклашга беҳуда уринарди. У ўзи туғилиб ўсган, эндиликда буткул бегона бўлиб қолган уйда адашиб қолди ва аста-секин таназзулга юз тутди. Уруш арафасидаги воқеаларнинг изларини қидириб топиш ниятида, у бир кун Мелькиадеснинг хонасига кирди, аммо неча йиллардан буён ҳувиллаб ётган бу масканда ахлат ва турли эски-тускилар уюмини кўрди, холос. Анчадан бери биров кўз ташламаган китобларнинг муқоваларини, нам ютиб чириган қўлёмаларни мурдаранг пўпанак қоплаган, қачонлардир энг ораста ва энг ёруғ хонанинг ҳавоси эса чириган хотиранинг қўланса ҳидига тўлиб-тошган эди. Бошқа куни эрталаб у каштан дарахти остида Урсулани учратиб қолди. Урсула бошини марҳум эрининг тиззаларига қўйиб йиғларди. Уйдагилардан фақатгина полковник Аурелиано Буэндиага ярим асрлик изтироб ва буронлардан қадди букилган бу улўғвор чолни кўриш насиб этмаганди. «Отанг билан саломлаш», деди Урсула. Полковник дарахт ёнида бир дақиқача турди-ю, бу мунгли жой ҳам кўнглида бирор туйғу уйғота олмаслигини пайқади.

— Қани, у бугун нималар деди?— деб сўради полковник Аурелиано Буэндиа.

— Отанг ғуссага ботган,— жавоб берди Урсула.— Назарида сен ҳадемай ўлар эмишсан.

— Унга шуни айтиб қўйки,— дея жилмайди полковник,— одам лозим пайтда эмас, балки ўлиши мумкин бўлганида ўлади.

Марҳум отасининг башорати полковник Аурелиано Буэндиа қалбидagi ҳали бекиниб ётган ғурур чўғини пуфлагандай бўлди. У айни лаҳзада, аввалги қудратим қайтди, деб хаёл қилди. Онасидан авлиё Юсуфнинг гипс ҳайкали ичидан чиққан олтин тангаларнинг қаерга кўмиб қўйилганини суриштирди. «Буни билиш сенга ҳеч қачон насиб этмайди,— деди онаси ўтган йилларнинг аччиқ сабоқлари туг-

дирган қатъийлик билан.— Эгаси топилгач, ўзи ковлаб олади». Ўзининг камсукумлиги билан ном чиқарган полковникнинг кун ўтказишга етарли сармоя эмас, балки бутун бир хазина (унинг микдорини эшитганда Аурелиано Иккинчи ҳайратдан қотиб қолди) ҳақида очқўзлик билан орзу қилаётганини ҳеч ким тушунмасди. Полковник Аурелиано Буэндиа ўзининг собиқ партиядош ўртоқларига пул сўраб мурожаат қилганида, улар ўзларини олиб қоча бошлашди. Унинг: «Консерватор ва либераллар ўртасидаги бирдан-бир фарқ шундаки, либераллар эрталабки ибодатга, консерваторлар эса кечки ибодатга боришади», деган сўзлари айни ўша вақтда айтилган эди. Аммо у шу қадар қатъийлик кўрсатдики, иззат-нафсини ҳам унутиб, нақ тиланчилик йўлига ўтди, эшикма-эшик кезиб, ахийри саккиз ой деганда Урсула бекитиб қўйган бойликдан ҳам кўпроқ пул тўплади. Шундан сўнг янги ялпи урушни бошлашга ёрдам сўраб, бемор полковник Херинельдо Маркесниқига жўнади.

Бир вақтлар полковник Херинельдо Маркес, фалажлик курсига миҳлаб ташлаганига ҳам карамай, ҳақиқатан ҳам кул босган кўзғолон ўтини аланга олдиришга қодир яккаю ягона одам эди. Муваққат Неерланд сулҳидан сўнг, полковник Аурелиано Буэндиа ўзининг олтин балиқчаларидан таскин қидираётган маҳалда, полковник Херинельдо Маркес энг охири дақиқагача ҳам хоинлик қилмаган кўзғолончи офицерлар билан алоқа қилиб турди. Полковник улар билан биргаликда кундалик камситишлар, илтижолар ва расмий хатлар, чеки йўқ «эртага келинг», «ишингиз шу ўртада ҳал бўлади», «биз ишингизни атрофлича ўрганишимиз», қабилидаги гаплардан иборат оғир жанда қатнашди; ветеранларга умрбодлик нафақа ваъда қилишган, лекин ваъдаларининг устидан чиқишмаган «сизларни хурмат қилувчилар», «садоқатли қулларингиз» билан бўлган бу жанг мағлубият билан тугади. Жамики муддатларни мудом ортга сурган бу ҳалокатли уруш ветеранларга йигирма йил давом этган қонли жангдан ҳам кўпроқ зарар етказди. Учта суиқасддан қутулиб кетган, беш марта ярадор бўлиб соғ-омон қолган ва беҳисоб жангларда ҳам ҳеч жойи лат емаган полковник Херинельдо Маркеснинг ўзи узоқ кутди, ахийри кутиш исканжасига дош беролмай энг сўнгги мағлубияти бўлмиш қариликни тан олди; шунда у тебранма курсида ўтирганча, қуёшнинг деразадан полга тушган тўртбурчак ёғдусига тикилиб, Амаранта ҳақида ўйлади. У ўз сафдошларини охири марта газетада босилган расмларида кўрди — бир неча ветеранлар полковник Херинельдо Маркес ҳатто номини ҳам билмайдиган республика президенти билан ўтиришар, собиқ жангчиларнинг юзида дарғазаблик аломати кўринарди; президент уларга ўзининг тасвири туширилган нишон тақдим қилиб, ўлганда тобутларига қўйиш учун чанг ва қон билан қопланган байроқлардан бирини қайтариб берган эди. Бошқа, энг муносиб ветеранлар эса жамоат хайр-эҳсонининг қоронғи гўшларида туришиб, ҳанузгача нафақа ҳақидаги хабарни кутишарди. Баъзилари очликдан ўлар, бошқалари — ичидаги қайноқ ғазабни тамадди қилаётганлари — яшашни давом эттирар ва шухратнинг сара ахлати ичида кексаликдан аста-секин чириб борарди. Шу боис ҳам полковник Аурелиано Буэндианиннг Макондодаги чет эллик босқин-



чилар томонидан қўллаб-қувватланаётган бу шармандали, таг-тубигача чириган тузумни ер юзидан буткул йўқотишга қаратилган, ҳаёт-мамонт уруши очиш ҳақидаги таклифини эшитган полковник Херинельдо Маркес ўз таассуфини яширолмади:

— Эҳ, Аурелиано,— деб хўрсинди у,— сенинг қариганингни билардим, аммо ақлдан озганингни бугун тушуниб етдим.

\* \* \*

Сўнги йилларнинг тўс-тўполони туфайли Урсула Хосе Аркадиони папа тахтини эгаллаши учун тайёрлашга етарли вақт топа олмади. Уни семинарияга юбориш пайти жуда яқин қолган, энди ўша бой берилган соатларни чегириб олиш зарур эди. Хосе Аркадионинг сингиси Меме (унинг тарбиясини баджаҳл Фернанда билан маъюс Амаранта ўзаро тақсимлаб олишган эди) мактаб ёшига етганда, эндиликда уни монастирь қошидаги мактабда клавикорд созининг моҳир ижрочиси қилиб тайёрлашлари керак эди. Урсулани оғир шубҳалар қийнарди — унга папаликка номзоднинг ланж руҳини тоблаш усуллари таъсирчан эмасдек туюларди, лекин у бунда ўзининг на кексайиб, қоқиниб юришини, на кўз атрофини қоплаётган қора булутларни (у ана шу булутлар ортидан фақат атрофдаги нарсаларнинг ташқи кўринишини зўрға ажрата оларди) айбдор ҳисобларди. Урсула ҳамма балони ўзи ҳам аниқ тасаввурга эга бўлмаган, вақтнинг сифатига бетиним путур етказувчи, ғира-шира фараз қилувчи аллақандай номаълум бир ҳодисадан кўрарди. «Йиллар энди олдингидан кўра бошқача ўтяпти», шикоят қиларди у. Илгари болаларимиз жуда секин улғайишарди, деб ўйларди Урсула. Унинг тўнғич ўғли Хосе Аркадио лўлилар билан қочиб кетганидан уйга танаси худди илоннинг териси каби расм солиб безалган, гапи мунажжимга ўхшаб тушунарсиз ҳолда қайтиб келгунича, Амаранта билан Аркадио ҳиндулар тилини унутишиб, испанча гапирганин ўрганиб олишгунча қанча вақт ўтганини ёки бечора Хосе Аркадио Буэндиа каштан дарахти остида неча кеча-кундуздан бери ўтирибди, жангу азобларни бошидан кечирган, ҳатто ёши элликка ҳам етмаган, ўлим тўшагида ётган полковник Аурелиано Буэндиани уйларига олиб келгунча қанча вақт ўтибди — мана шуларни эслаш кифоя. Илгари у кун бўйи новвот тайёрлаш билан машғул бўлишига қарамай, болаларга қарашга ҳам улгурар, ҳатто уларнинг кўзига боқиб, канакунжут мойини суриш вақти келганини пайқарди ҳам. Ҳозир Урсула эрталабдан кечгача фақат Хосе Аркадиога қараш билан шуғулланса-да, замон айнигани туфайли бирор-бир ишиниям охиригача етказолмасди. Аммо аслида ҳамма гап ҳатто ёши нечадалигини кўпдан бери билмайдиган Урсуланинг ҳанузгача кексаликни бўйнига олмаётганида эди; у ҳамма ерда тентираб юрар, ҳамма нарсага аралашаверар, авлиё Юсуфнинг гипс ҳайкалини ким ташлаб кетди, деган саволини такрорлайвериб, ажнабийларнинг жонига тегарди. Урсуланинг кўзлари қачон хира торта бошлаганини ҳеч ким аниқ айта олмади. Ҳатто умрининг сўнги йиллари тушакдан тура олмайдиган

даражага етганда ҳам, ҳамма Урсулани кексалик енгди, деб ўйлар, аслида эса у бағамом кўр бўлиб қолган эди. Урсула кўзи ожизлана бошлаётганини Хосе Аркадио туғилмасидан сал илгари сезган эди. Олдиниға бу ҳолни лоҳасликка йўйди ва тезда ўтиб кетади деб ўйлаб, илик ёғидан шўрва ичди, кўзига асал томизди, аммо кун сайин баттар зулматга чўмаётганига ноилож ишонч ҳосил қилди. У электр ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлолмади, чунки Макондога электр чирокларини ўрнатишганда, Урсула уларни аллақандай бир ғира-шира шуъла сифатида идрок этадиган ҳолга етганди. У кўздан айрилгани ҳақида ҳеч кимга оғиз очмас, чунки бу — ўзининг фойдасиз бўлиб қолганини кўпчилик олдида тан олиш эди-да. Урсула, уни кўрлик ёруғ оламдан бутунлай ажратиб қўйганида ҳам хотира ёрдамида кўришни давом эттириш мақсадида одамлардан яширинча буюмлар орасидаги масофани ҳамда одамларнинг товушларини диққат билан ўрганарди. Кейинчалик эса у ногаҳон ҳидлардан нажот топди — уларни қоронғиликда буюмларнинг шаклларию рангига нисбатан, анча яққол аниқлаш мумкин эди. Ҳидлар уни сири очилиб, шармандаси чиқишдан батамом асраб қолди. Кўз олдини қоронғилик қоплаганига қарамай, Урсула игнага ип утказар, кийим илгагига тепчиб чиқар ва сутнинг қайнаганини била оларди. У ҳар бир нарса-нинг қаерда эканини аниқ эсларкан, баъзида кўрлигини ўзи ҳам нутиб қўярди. Бир куни никоҳ узуги йўқолганида, Фернанда қичқириб, бутун уйни бошига кутарди, Урсула эса узукни болалар ётоқхонасидаги тоқчадан топиб берди. Бунинг сабаби жўнгина эди: уйдагилар хоналарнинг у бошидан-бу бошига бенарволарча бориб келишаркан, Урсула ўзининг сирини бехосдан билиб қолмасликлари учун соғ қолган тўрт сезги аъзолари билан уларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатар эди. У тез орада оиласининг ҳар бир аъзоси ўзи билмаган ҳолда кунига фақатгина битта йўлни босиб ўтишини, ҳаракатлари бир хилдалигини ҳамда доимо маълум бир вақтда бир хил сўзларни такрорлашини кашф этди. Демак, Буэндиалар фақат одатдаги кун тартиби бузилсагина бирор буюмни йўқотишлари мумкин эди. Шу боис ҳам Фернанданинг йиғи-сиғисини эшитган Урсула, унинг ягона ғайриодатий ҳаракати болалар хонасига кириб, қаравотларидаги бўйраларни шамоллатиши эканини (чунки ўтган кечаси Меме қандага топиб олганди) эслади. Фернанда хонани йиғиштираётганида ёнида болалар бўлган ва шу сабабли ҳам у узугини уларнинг қўли ета олмайдиган бирдан-бир жой — тоқчага қўйган, деб тахмин қилганди Урсула. Фернанда эса, аксинча, кундалик одатлар йўқолган буюмларни қидиришни қийинлаштиришини, улар туфайли буюмларни топиш оғир эканини билмаган ҳолда, узугини ўзининг ҳар кунги юрган йўлларида изларди.

Хосе Аркадионинг тарбияси билан шугўлланиш Урсулага уйдаги энг кичик ўзгаришларни ҳам илғашда қўл келарди. Масалан, у Амарантанинг ётоқхонадаги авлиёларни кийинтираётганини билиб қолганида, ўзини гўёки болага рангларни ажратиш бўйича сабоқ бераётганга соларди.

— Қани, — дерди у Хосе Аркадиога, — энди менга айт-чи, авлиё Рафаэлнинг кийими қайси рангда?



Шу тахлит бола Урсулага кўз бўлар, етарли маълумотларни етказарди. У семинарияга кетишидан анча олдин Урсула газмолни пайпаслаб кўриб, авлиёлар кийимларининг рангини аниқлашни ўрганиб олди. Баъзи вақтда кутилмаган воқеалар ҳам юз берарди. Бир куни у бегониялар ўсадиган галереяда кашта тикиб ўтирган Амарантага урилиб кетди.

— Худо ҳақи,— Амарантанинг жаҳли чиқди,— кўзингга қарасанг бўлмайдами!

Урсула ўзининг ҳақлигига тўла ишонарди ва ўйлаб кўриб, бирдан ҳали ҳеч кимнинг миясига келмаган нарсани кашф этди: фасллар ўтиши билан куёш ўз ҳолатини сездирмай ўзгартирар ва натижада галереяда ўтирганлар ҳам ўзлари сезишмаган ҳолда ўринларидан силжиб, жойларини ўзгартиришар экан. Урсула Амарантанинг қаерда ўтирганлигини беҳато аниқлаш учун бугун қайси кун эканини эсласа кифоя эди. Урсула худди илгаридай, яъни уйнинг бутун ташвиши гарданида пайтидаги кабидек абжир эди. Гарчанд, у ўзининг қарилиги туфайли ёруғ оламдан ажралиб, танҳо бўлиб қолган эса-да, хонадонларидаги кичик воқеа-ҳодисаларни ҳам фавқулодда тийраклик билан билиш қобилиятига эга бўлдики, илгари иш билан машғуллиги туфайли сезмаган нарсаларини илк бор равшан кўра бошлади. Хосе Аркадиони семинарияга тайёрлашаётган пайтда Урсула Буэндиа оиласини то Макондога асос солинган кундан бошлаб атрофлича таҳлил қилди ва авлодлари ҳақидаги ўз фикрини тамомила қайтадан кўриб чиқди. Урсула, полковник Аурелиано Буэндиа дастлаб ўйлаганидек, яъни уруш раҳмсиз қилиб қўйгани учун эмас, балки у ҳеч қачон ҳеч кимни — хотини Ремедиосни ҳам, бир кечалик беҳисоб жазманларини ҳам, ҳатто ўғилларини ҳам севмагани учун оиласига нисбатан совиб кетганига ишонди. Урсула полковник бу қадар кўп жанглари ҳамма ўйлаганидек идеализм учун олиб бормаганини, муқаррар ғалабадан ҳамма ўйлаганидек чарчагани туфайли воз кечмаганини, балки фақат чинакам шухратпарастлиги учунгина ғалаба қозонганию мағлубиятга учраганини тушунди. Урсула керак бўлса жониниям аямайдиган бу ўғли табиатан бировни сева билиш қобилиятдан маҳрум этилган, деган хулосага келди. Бир куни кечқурун Урсула, ана шу ўғли ҳали қорнида бўлганидаёқ, йиғисини эшитган эди; йиғиси шу қадар юракни эзадиган ва аниқ эдики, Урсуланинг ёнида ётган Хосе Аркадио Буэндиа уйғониб кетди-да, балки ўғли оғиз очмасдан гапирадиган бўлиб туғилар деб, роса қувонди. Қолганлар эса у башоратчи бўлишини «каромат» қилишди. Урсула эса қорнидан чиққан бу йиғи унинг чўчка думли бўлиб туғилишидан берилган илк даҳшатли аломат деган ўйдан чўчиб тушди ва худодан унга ҳали туғилмасиданок ўлим тилади. Аммо Урсула боланинг она қорнида йиғлаш унинг оғиз очмасдан гапира олиши ёки башорат қила олувчилигидан нишона эмаслиги, балки унинг ҳеч қачон севиш нималигини билмай ўтишини беҳато кўрсатувчи белги эканини қариликнинг ақл-фаросати билан англади ва кейин буни бот-бот таъкидлади. Ўғлини қайта баҳолаш дафъатан унинг қалбида фарзандига бера олмаган меҳр-шафқатларини уйғотиб юборди. Урсулани мудом кўрқитадиган, тошюраклиги қайғуга соладиган

дил ғуссаси тўла Амаранта, аксинча, ҳозир онасига аёллик назокатининг тимсоли бўлиб туюлди. У ачиниш туфайли пайдо бўлган бир зийраклик билан яна шунинг англадика, Амарантанинг Пьетро Креспига берган ноҳақ азоблари ҳамма уйлаганидек ўч олиш иштиёқи, иккинчи киши полковник Херинельдо Маркеснинг ҳаётини барбод қилгани узоққа чўзилган азоб мутлақо тахир, аччиқ, дарди бедаво ҳам билан боғлиқ эмасди. Аслида буларнинг бари чексиз, севги билан енгиб бўлмас кўрқоклик ўртасидаги беомон кураш туфайли юз берган нозиклик бўлиб, бора-бора бу курашда Амарантанинг бечора юрагини мудом тилка-пора қилиб турган ақл бовар қилмас кўрқув ғолиб чиққанди.

Худди шу кунлари Урсула Ребеканинг номини тез-тез тилга оладиган бўлди, у Ребеканинг қачонлардир севимли бўлган сиймосини хотирасида гавдалантиришга уринар, кечиккан пушаймон ва дафъатан пайдо бўлган фахр туфайли бу севги янада кучаяр, унинг сунини эммаган, балки кесак еб катта бўлган, томирида Буэндиаларнинг эмас, балки суяклари мазорда ҳанузгача шақирлаб ётган номаълум одамларнинг номаълум қони оқадиган Ребекагина, юраги бетоқат, нафсини тия олмаган Ребекагина Урсуланинг назарида, у ўз наслида кўрмоқни орзу қилган кучли жасоратли мужассам этган яккаю ягона одам эди.

— Ребека, — деб ғўлдирарди у деворларни бармоқлари билан пайпасларкан, — биз сенга нисбатан ниҳоятда адолатсизлик қилган эканмиз!

Ҳамма Урсула алаҳлапти, деб ўйларди. Айниқса, у худди Жаброилга ўхшаб ўнг қўлини олдинга чўзиб юрадиган бўлганидан сўнг шу фикр кучайди. Лекин Фернанда бу алаҳлаш зулмати баъзида ақл қуёши билан ёритилишини охири пайқади. Урсула ўтган йил уйларида жами неча сўм харажат қилинганини тугилмасдан айтиб берарди. Бир куни ошхонада шўрва тайёрлаётганида онаси ҳеч ким йўқ деб ўйлаб, ўзига-ўзи Макондога илк бор келиб, кейин Хосе Аркадио ер юзини олтмиш беш марта айланиб чиққанига қадар ғойиб бўлган илк лўлилардан сотиб олинган тегирмонлари ҳанузгача Пилар Тернерада қолиб кетганини айтганида, Амаранта ҳам Урсуланинг ақли расо эканини англади. Қарийб юзга етиб қолган, қулишидан илгари каптарларни чўчитгани каби ҳозир болаларни ҳайбати билан кўрқитадиган, бениҳоя семизлигига қарамай, ҳамон бақувват ва тетик Пилар Тернера Урсуланинг сўзларидан асло ажабланмади: у кексаларнинг зийраклиги кўпинча қартада очилган фолга нисбатан чинроқ эканига инона бошлаган эди.

Лекин шунга қарамай, Хосе Аркадио истеъдодини шакллантириш учун етарли вақт топа олмаётганини сезган Урсула тушкунликка юз тутди. Бир куни эрталаб гул суви деб хаёл қилиб, боланинг бошига сиёҳ қуйиб юборди. Ҳамма нарсага у жарлик билан аралашавериши туфайли, у хато устига хато қилар, ўзини тобора кўпроқ куршаётган зулмат пардасидан қутулишга беҳуда уринарди. Ана шунда Урсуланинг миясига бу унинг устидан қариллик ва сўқирлик қозонган биринчи ғалабанинг нишонаси эмас, балки вақтнинг айнигани — вақтдан путур кетишининг оқибати, деган фикр келди. Худо ой



билан йилнинг ҳисобида, гўёки, мато газлайдиган турк дўкандори сингари алдашга йўл қўймасидан илгари, ўйларди у, ҳамма нарса бошқача йўсинда эди. Эндиликда нафақат болалар жуда тез улғайишади, ҳатто одамларнинг ҳиссиёти ҳам илгаригидан тамомилла булакча. Гўзал Ремедиоснинг вужудию руҳи ҳали осмону фалакка батамом кўтарилмай туриб, беҳаё Фернанда у кунжакдан-бу кунжакка зир югуриб, нега чойшабларимни олиб кетишди, деб шанғилларди. Ун олти нафар Аурелианонинг жасади совиб ҳам улгурмай; гўёки христианлар эмас, итлар ўлгандек, Аурелиано Иккинчи яна уйига маст-аластлар тўдасини тўплаб, уларга аккордеон чалдирар, шампан виноси қуйиб берарди.

Урсуланинг назарида бу телба уй гўёки фақат фосиқлик маконига айланиб қолиши учунгина қурилган эди. Хосе Аркадионинг лаш-лушларини сандикқа солишаётганида, Урсула аччиқ хотираларга ғарк бўлиб, бундан кўра лаҳадга ётқизиб, устимдан тупроқ тортишса яхши бўлармиди, дея ўзидан сўрар, одамлар ҳақиқатан ҳам темирдан яралганми, шунча азобу уқубатларни кўтаришади, дея тап тортмай худодан сўрар, аммо худони ва ўз-ўзини қанча кўп сўроқ қилса, фикрлари шунчалик чигаллашар, унда худди ажнабийлар каби тасодифан эсга келган гапни айтавериш истаги туғилар, ниҳоят, доимо ўзгаларни ўйлаб яшагани учун шунча пайтлардан бери пайсалга солиб келган орзуси уйғонар — ақалли бир сония бўлса-да, исён кўтаришни ғоят истарди; ҳамма нарсага ҳеч бўлмаса бир мартагина ҳафсала билан бошлаб тупуришни, қарийиб бир асрлик итоат-гўйлиги мобайнида ўзини эзиб ташлаган оламжаҳон бемаъни сўзлар уюмини юрагидан иткитиб ташлашни жуда-жуда хоҳларди.

— Газанда!— деб қичқирди бир гал Урсула.

Кийимларни сандикқа жойлаштираётган Амаранта онамни чаён чакди, шекилли, деб ўйлади.

— Қани?— дея қўрқа-писа сўради у.

— Нима?

— Чаён,— деди Амаранта.

Урсула бармоғи билан юрагини кўрсатди:

— Манави ерда!— деди у.

Пайшанба куни кундузи соат иккида Хосе Аркадио семинарияга йўл олди. Урсула унинг шу хайрлашув пайтидаги ҳолатини доимо эслаб юради: Хосе Аркадио озғин, қарашлари жиддий эди, у худди Урсула тайинлаганидек, бир томчи ҳам ёш тўкмади,— Хосе Аркадио емакхонадан чиқиб кетганида, у ерда гул сувининг ўткир ҳиди анқиб турарди. Урсула болани уйдан осонроқ топиш учун унинг бошини доимо ана шу сув билан юварди. Хайрлашув дастурхони атрофида тўпланган оила аъзолари ҳаяжонларини шўх-шодон лақиллашлар билан беркитишга уринишар, падре Антонио Исабелнинг ҳазилларини зўраки иштиёқ билан тинглашарди. Бурчаклари қумуш билан безатилиб, баҳмал қопланган сандикни олиб чиқишаётганида, гўё уйдан тобут олиб чиқилаётгандек туюлди. Полковник Аурелиано Буэндиа кузатиш маросимида иштирок этишдан бош тортди.

— Бизга шу етмай турувди,— тўнғиллади у. Авлиё папа эмиш!

Уч ойдан сўнг Аурелиано Иккинчи ва Фернанда Мемени мо-

настирь қошидаги мактабга олиб боришди ва у ердан пианола ўрнини олган клавикордлар билан қайтиб келишди. Худди шу пайтда Амаранта ўзига кафан тўқий бошлаганди. Банан можароси деярли босилиб қолган эди. Макондонинг туб аҳолиси ўзларининг ажнабийлар томонидан четга сиқиб чиқарилганини пайқашди. Аммо аввалли арзимас дароматларини бир қолаб сақлаб қолиб, эндиликда бамисоли кема ҳалокатидан омон қолган кишилардек қувонишарди. Буэндиа хонадонига тўда-тўда меҳмон чақириш ҳалигача давом этарди. Бир неча йил ўтиб, банан кампанияси тугатилгач, оиланинг бурунги осуда ҳаёти қайта тикланди. Лекин анъанавий меҳмондорчилик тубдан ўзгариб кетди, чунки ҳокимият энди Фернанданинг қўлига ўтган эди. Урсула кўр эди, мудом зулматда яшарди, Амаранта эса кафан тўқишдан бош кўтармас, шу боис қироличаликка собиқ номзод бўлмиш хотиннинг дидига мос меҳмон танлаши, ота-онаси уқдирганидек, уларга жиддий қодаларни зўрлаб юклаши учун ҳамма имконият бор эди. Келгиндилар осон йўл билан топган пулларнинг ўнгу сўлга сочилиши туфайли юз бераётган ахлоқсизликлардан ларзага тушган Буэндиаларнинг хонадони Фернанданинг қаттиққўллиги боис эскирган анъаналарнинг таянчига айланганди. Фернанда билан кампаниясига алоқаси бўлмаган кишинигина номусли одам ҳисобларди. Ҳатто қайниси Хосе Аркадио Иккинчи ҳам Фернанданинг ана шундай камситиш қурбонига айланди, чунки у банан можароси бошланган кунлардаёқ ўзининг ажойиб урушқоқ хўрозларини яна сотиб, банан кампаниясига назоратчи бўлиб ишга кирган эди.

— Унга беҳосият келгиндиларнинг касофати урган, қорасиниям кўрмай бу ерда,— дерди Фернанда.

Ўйдаги ҳаёт шу қадар расмий тус олдики, Аурелиано Иккинчи ўзини Петра Котеснинг уйида ўнғайроқ сеза бошлади. У аввалига хотинини меҳмон кутиш ташвишларидан халос этажagini баҳона қилиб, ўзининг дабдабали зиёфатларини жазманининг уйига кўчирди. Сўнг моллари серпуштлигини йўқотиб қўйишини баҳона қилиб, молхона билан отхонани ҳам ўша ерга кўчирди. Ниҳоят, ўша жой салкинрок, деган важ билан кичик идорасини ҳам уникига олиб ўтди. Фернанда ўзининг тирик бевага айланганини сезиб қолганида анча кеч эди. Аурелиано Иккинчи ўз уйида деярли овқатланмас, фақат тунагани келарди. Бу унинг одоб қодаларига бирдан-бир ҳурмати эди, бунга ҳамма ишонарди. Аммо у бир сафар хатога йўл қўйди: тонгни Петра Котеснинг тўшагида кутиб олди. Бироқ кутилмаганида хотинидан таъна-дашном эшитмади, Фернанда ақалли енгилгина хўрсиниб ҳам қўймади, аммо ўша куниёқ Петра Котеснинг уйига эрининг икки сандиқ кийим-кечагини юбортирди. Энг ёмони купа-кундуз куни юбортирди ва сандиқларни бутун шаҳар аҳли кўрсин учун кўча ўртасидан кўтариб ўтишларини буюрди. У ўзича, адашган эрим шармандаликка чидай олмайди, бошини эгиб қайтиб келади, деб ўйлаган эди. Афсуски, Фернанда ўйлаганидек бўлмади. Сандиқларни кўрган ҳар бир одам ҳаммага маълум ишқий сарғу-заштга ниҳоят яқун ясалди, деб ҳисобларди. Аурелиано Иккинчи бўлса ўзига ҳадя этилган озодликни уч кунлик базм билан нишонлади. Бечора Фернанда ўзининг қора ва узун либоси, модадан алла-



қачон қолган тақинчоқлари ва ўринсиз мағрурлиги туфайли эрта қариб қолгандек туюлар, асл шоҳидан ёрқин кўйлақ кийиб олган Петра Котес эса, поймол қилинган ҳуқуқ қайта тикланаётганидан кўзлари порлар, гўёки ёшлигининг иккинчи баҳори кулф ураётганидек туюлар эди. Аурелиано Иккинчи худди илгаригидек, яъни Петра Котес уни эгизак акаси деб ўйлаб, бирга ётиб юрган ва худо унга мисли кўрилмаган бахт бирйўла икки кишидек севиш қудратига эга эркакни рўпара қилганидан боши кўкка етган вақтдаги каби кучли бир ёшлик ҳарорати ила ўзини яна жазмани измига топширди. Қайта туғилган эҳтирос қониқтириб бўлмайдиган даражада эди: шундай пайтлар бўлардики, улар овқатга қўл уришдан олдин кўз-кўзга тушиб қолса бас, қозончанинг қонқогини ёпишарди-да, очлик ва ишратдан ўлиш учун ётоқхонага йўл олишарди. Француз гетералари ёнига қилган махфий сайрларида орттирган тажрибасидан илҳомланган Аурелиано Иккинчи Петра Котесга худди архиепископникига ўхшаш чодирли каравот олиб берди, деразаларга баҳмал пардалар остирди, ётоқхона шифти ва деворларини улкан кўзгулар билан қоплатди. У энди аввалгидан ҳам қувноқроқ, девонароқ эди. Ҳар куни кундуз соат ўн бирда поездда унинг номига шампан виноси ва бренди шишалари тўла қутилар келарди. Аурелиано Иккинчи юкни станциядан олиб қайтаркан, таниш ёки нотанишлигидан қатъий-назар, дуч келган одамни уйга етакларди. У ҳатто испанчани мутлақо билмайдиган жаноб Браунни ҳам имо-ишоралар билан йўлдан урди ва қув инглиз Петра Котеснинг уйида бир неча бор ўлғудай ичди, ҳатто бир куни қопонғич овчаркаларини ўзи аккардеон жўрлигида тутила-тутила айтган техас қўшиқларига ракс тушишга мажбур қилди.

— Туғинглар, сигирларим!— деб қичқирарди Аурелиано Иккинчи кайфи ошган чоғларда.— Ҳаёт қисқа, туғаверинглар!

У ҳеч қачон айна пайтдагидек тўлишмаган, ҳеч қачон айна пайтдагидек қаттиқ севилмаган, унинг сигирлари ҳеч қачон айна пайтдагидек шиддат билан кўнаймаган эди. Базмларда шунчалар кўп бузоқ, чўчка ва товук сўйилардики, ҳовли саҳни қондан қорайиб елимшак бўлиб қолганди. Аурелиано Иккинчи семириб кетди, қизил-бинафшарангга кирган юзи тўлишди, гавдаси нақ тошбақага ўхшаб қолди. Аурелиано Иккинчининг ақл бовар қилмайдиган хўралиги, аёвсиз пул совуриши ва чексиз ҳотамтойлиги овозаси водийдан ташқарига ҳам тарқалди ва энг донғи чиққан мечкайларнинг ҳам диққатини тортди. Петра Котеснинг уйида кўп овқат ейиш буйича уюштириладиган аҳмоқона мусобақаларда қатнашиш учун Макондога чор тарафдан доврўғи кетган очофатлар келишарди. «Фил» лақаби билан мамлакатга донғи кетган Камила Сагаустуме исмли аёл келган ўша машъум шанбага қадар, мечкайлик баҳсида ҳаминша Аурелиано Иккинчи голиб чиқарди. Улар орасидаги мусобақа шанбадан то сешанба куни эрталабгача давом этди. Биринчи куни маниока ва қовурилган банандан тайёрланган гарнир билан, битта бузоқ гўштини еб, бир ярим кути шампан виносини ичган Аурелиано Иккинчи ўз галабасига аниқ ишонган эди. У тенса-тебранмас рақибасига нисбатан ўзида завқ ва ҳаётга ташналик кўпроқ, деб ҳисобларди.

Камиланинг овқат ейиш усули анча мукамал эди, худди ана шунинг учун ҳам у дастлаб одамларда унчалик катта қизиқиш уйғотмади. Аурелиано Иккинчи гўштларни жон-жаҳди билан тортқилаб еса, Фил уларни худди уста жарроҳ каби бўлақларга бўлар ва шошилмай, лаззат билан ерди. У йирик ва семиз бўлса-да, баҳайбатлиги деярли сезилмасди: Филнинг юзи шу қадар чиройли, қўллари шу қадар нозик, истараси шунчалар иссиқ эдики, у илк бор уйга кириб келганида, Аурелиано Иккинчи бу аёл билан овқат ейишда эмас, балки тўшакда беллашишни афзал кўришини пичирлаб айтди. Аммо Филнинг бузоқнинг бутун-бутун сонини ейишини, еганда ҳам энг нозик, юқори табақага хос одоб қоидаларини бузмаганини кўрган Аурелиано Иккинчи, бу сипо, дилбар ва ебтўймас хартумни том маънода идеал аёл, деб атади. У аданмаган эди. Фил — мечкай бургут дея таркалган миш-мишлар ҳеч бир асоссиз эди. Одамлар таъкидлашганидек, у гўшт қиймалагич ҳам, грек циркида хизмат қилувчи соқолли аёл ҳам бўлмасдан бор-йўги жўнгина ашула мактабининг директори эди; кўп овқат ейишни эса ўз болаларининг иштаҳасини сунъий равишда эмас, балки тамомила руҳий сокинлик ёрдамида кучайтириш усулларини излаётган маҳал ўрганиб олганди. Унинг амалда синаб кўрилган назарияси: агар одамнинг виждони пок бўлса, у то чарчагунича, бетанаффус овқат ейишга қодир, деган нақлга асосланган эди. Шундай қилиб, у ўз мактаби ва оиласини шухрат-парастлигидан эмас, балки ахлоқий сабабларга кўра — бутун мамлакатда маслаксиз мечкай деб ном қозонган Аурелиано Иккинчи билан яккама-якка беллашиш ниятида тарк этганди. Фил Аурелиано Иккинчини кўрган заҳотиёк, бу йигитни ошқозони эмас, балки феъл-атвори шарманда қилишини дарҳол тушунди. Дарҳақиқат, беллашувнинг биринчи кечасида Фил ўз жанговарлигини заррача ҳам йўқотмади, Аурелиано Иккинчи бўлса кўп кулгани ҳамда бетиним валақлагани сабабли ҳолдан тойди. Улар тўрт соат ухлашди. Сўнгра ҳар бири элликта апельсиндан тайёрланган шарбат, саккиз литр қаҳва ва ўттизтадан хом тухум ичишди. Иккинчи куни эрталаб салгина дам олиб, икки чўчка, бир шингил банан ва тўрт қути шампан виносини тинчитган Фил, Аурелиано Иккинчи менинг усулимни ўзи билмаган ҳолда кашф этди, деб гумон қила бошлади. Шундай қилиб, рақиби у ўйлаганидан хавфлироқ туюлди. Петра Котес ковурилган иккита курка гўштини олиб келиб столга қўйганида, Аурелиано Иккинчи миясига қон қуйилиши арафасида эди.

— Кўтаролмасангиз, майли, бошқа еманг,— деди унга Фил.— Майли, кураш дуранг бўла қолсин.

У чин кўнгилдан гапирди, чунки рақиби ўлай деб турганини кўрган одамнинг ўзини томоғидан лукма ўтмайди-да. Аурелиано Иккинчи, аёл атай жиғимга тегяпти, деб ўйлади ва курка гўштини ҳам паққос тушириб, ўша заҳоти ҳушидан кетди. У кемириб тозаланган суяклар ётган лаганга юзтубан ағдарилиб тушдию худди қутурган ит каби оғзидан кўпик кела бошлади ва жон бераётгандай хириллади, гўё қандайдир миноранинг тепасида тубсиз жарга тушиб кетаётгандай эди. Бир лаҳза ҳушига келганида, ўзини ана шу жар тубида ўлим кутаётганини сизди.



— Мени Фернанданинг ёнига элтинглар,— дейишга улгурди у.

Аурелиано Иккинчини уйига олиб келишган дўстлари, у жазман тўшагида ўлмайман деган ваъдасини бажаряпти, деб ўйлашди. Петра Котес, эри тобутда кийиб ётмоқни истаган моили туфлини тоза-лаб бўлиб, элгадаган одам қидираётганда унга, Аурелиано Иккинчи хавфдан халос бўлди, дея хабар беришди. Чиндан ҳам, у бир ҳафта ичида соғайиб кетди, яна икки ҳафтадан сўнг эса ўзининг қайта тирилиши муносабати билан мисли кўрилмаган базм уюштирди. У Петра Котеснинг уйида яшашни давом эттирди, аммо энди ҳар куни Фернандани йўқлаб борар ва баъзан оиласи билан бирга овқатлангани қоларди, гўёки тақдир ҳамма нарсанинг ўрнини алмаштириб, уни жазманига эр, хотинига эса жазман қилиб қўйган эди.

Ниҳоят, Фернанда бир оз бўлса-да, нафас ростлади. Бу кимсасиз аёлнинг суст ва зерикарли ёлғизлик кунларини туш пайти клавикодда куй чалишу болаларидан келган мактубларгина безарди, холос. Унинг кўзи Хосе Аркадио билан Мемега ҳар ойда икки марта узундан-узоқ ва бир бор бошдан-оёқ уйдирма хатлар йўлларди, лекин болалардан бахтиқаролигини яширарди. Фернанда куёш нурига кўмилган бегониялари борлигига, чошғоҳдаги димиктирадиган иссиққа, кўчадан дам-бадам оқиб келадиган байрам шодликларининг қаҳқаҳасига қарамай тобора ота-онасининг ўша мудҳиш уйига айланиб бораётган бу хонадоннинг қайғусини усталик билан яширарди. У учала тирик арвоҳ билан бир мурда — одатда меҳмонхонанинг қоронғу бурчагига ўтириб олиб Фернанданинг клавикодда куй чалишини диққат билан тинглайдиган Хосе Аркадио Буэндианинг арвоҳи ўртасида ёлғиз ўзи зўрға судралиб юрарди. Полковник Аурелиано Буэндианинг соясигина қолган эди, холос. У сўнгги бор уйдан полковник Херинельдо Маркесни янги уруш очишга кўндириш учун чиққанди, энди эса устахонасини фақат кашган дарахти ёнига ҳожат учун чиққандагина тарк этарди. У ҳар уч ҳафтада келиб турадиган сартарошдан бўлак ҳеч кимни қабул қилмасди. Кунига бир марта келтириладиган овқатга қаноат ҳосил қилар, аввалгидек тиришқоқлик билан олтин балиқчалар тайёрласа-да, уларни зеб-зийнат учун эмас, балки тарихий ёдгорлик сифатида харид қилишаётганини эшитиб, балиқчаларини савдога чиқармай қўйди. У бир куни мархума хотини Ремедиосдан қолган ётоқхонасини безаб турган қўғирчоқларни ҳовлига чиқариб ёқди. Зийрак Урсула ўглининг нима қилаётганини сезди-ю, аммо уни бу ишдан қайтара олмади.

— Юрагинг тош экан,— деди она ўғлига.

— Бунга юракнинг нима алоқаси бор,— дея жавоб қайтарди полковник.— Хона куйга тўлиб кетди-ку.

Амаранта ҳамон кафан тўқирди. Фернанда Амарантанинг гоҳо Мемега хат ёзишига, ҳаттоки совғалар ҳам юбориб туришига, Хосе Аркадио ҳақида эса гапиришни ҳам хушламаслигига ҳайрон қоларди. Фернанда Урсула орқали изоҳ сўраганида, Амаранта: «Улар бунинг сабабини билишмай ўлиб кетишади», дея жавоб берди; у Амарантанинг айни жумбоқли жавобини умрининг охиригача юрагида сақлади. Новча, хушқад, худди кўпикдек оппоқ юбка кийиб юрадиган, йиллару оғир хотиралар ҳам гўзаллигига путур етказолмаган мағрур

Амарантанинг пешонаси кулдан чизилган ўз шахсий хочини, яъники иффат хочини кўтариб юргандай эди. У қора билакбандини ҳатто кечалари ҳам ечмас, кир бўлганида эса ўзи ювиб, ўзи дазмоллар эди. Амарантанинг бутун умри кафан тўқиш билан ўтарди. Афтидан, Амаранта кундузи тўқиган бўлагини кечкурун тарқатиб юборарди, лекин у ёлғизликдан қутулиш учун эмас, балки аксинча, ёлғизлигини сақлаб қолиш учун шундай қиларди.

Аурелиано Иккинчи айри яшаган пайтлари Фернанда Меме таътилдан қайтиб, отасини уйда кўролмаса нима бўлади, деб ташвишланарди. Эри овқатдан бўкдию аёлнинг кўнгли сал тинчланди. Меме келгунига қадар эру хотин қизларига уйларидаги кўнглисиз аҳволни сездирмасликка келишиб олишди. Аурелиано Иккинчи ҳар йили сурункасига икки ой ибратли эр вазифасини ўтар, меҳмон айтиб, уларни музқаймоқ ва печенье билан сийлар эди; роҳибаларнинг ҳуш-чақчақ ва чаққон толибаси бўлмиш Меме йиғинларни клавикорда чаладиган куйлари билан безарди. Қиз онасига кўп тортмагани ўшандаёқ маълум бўлган эди. Меме Амарантанинг ҳали Пьетро Креспи ишқи йўлдан урмаган ўн икки-ўн тўрт яшарлик пайтига ўхшаб кетарди. Аммо Амарантадан ва бошқа ҳаммадан фарқли ўлароқ, Меменинг кўнглида бутун Буэндиалар оила аъзоларининг чекига тушган ёлғизлик ҳисси ҳали уйғонмаган эди. Ҳатто ўзини клавикорда куй машқ қилгани ҳар куни соат иккида мунтазам тарзда меҳмонхонага юборишса-да, қизча дунёдан мамнун эди. Уйлари яхши кўриши, уни кутиб оладиган ёшларнинг шод-хуррамлигини бутун йил давомида орзу қилиши ва ўнинг ҳам отасига ўхшаб ўйин-кулги ва меҳмондўстликка мойил эканлиги аён эди. Бу бадбахт мероснинг илк аломатлари учинчи таътил пайтида, Меме уйга тўрт нафар роҳиба ҳамда олтмиш саккиз нафар синфдош дугонаси қуршовида келганида намоён бўлди. У ҳеч кимдан сўрамай ва ҳатто ҳеч кимни огоҳлантирмай, меҳмонларни роса бир ҳафтага таклиф этган эди.

— Бу қандай кўргилик! — дея зорланарди Фернанда.— Қизим худди отасидай телба чикди-я!

Қўшнилардан каравот ва гамаклар сўраб олишга тўғри келди, овқатланиш тўққиз навбатда ташкил қилинди, ҳаммомдан фойдаланиш учун рўйхат тузилди. Эгнига кўк кўйлак, оёғига эркакларнинг бошмоғини кийиб олган бу қизлар куни бўйи уйнинг бу бошидан-у бошига беҳуда сандироклаб юрмасликлари учун қирқта табуретка қарз олинди. Ишлар ёмон эди: шовкин-суронли нонушта тугар-тугамас биринчи навбатдаги бир тўда қизга тушлик овқат бериш вақти келар, кейин эса — ҳаш-паш дегунча кечки овқат пайти ҳам етарди; бир ҳафта давомида мактаб толибалари плантацияга бир мартагина бориб келишга улгуришди, холос. Бир куни улар тимирскиланиб Урсулани йиқитиб юборишларига бир баҳя қолди. Бошқа сафар эса роҳибалар полковник Аурелиано Буэндиа мактаб толибаларининг олдида уялмай-нетмай каштан дарахти яқинида пешоб қилганини кўриб қий-чув кўтаришди. Амарантанинг айби билан катта тўполон чиқишига сал қолди: у шўрвага туз солаётганида ошхонага кириб қолган роҳиба довдираб, ундан қозонга солаётган оқ талқониниғиз нима, деб сўраб қолди.



— Маргимуш, — деб жавоб берди Амаранта.

Мактаб толибалари биринчи кечаси ётар маҳали ҳожатхонага навбат кутиб, роса қийналишди: энг сўнгги қизлар у жойга кириб чиқанида соат тунги бир эди. Шунда Фернанда етмиш иккита тувак сотиб олди, аммо бу билан тунги муаммо тонгга кўчди, холос. Энди ҳожатхона олдида эрта тонгданоқ кўлларига тувак тутган қизлар турнақатор тизилишарди. Гарчанд, мактаб толибаларидан айримлари шамоллаб қолган, бошқаларининг эса баданлари чивин чакқанидан шишиб, мадда бойлаб кетган бўлса-да, уларнинг аксарияти энг оғир синовларга ҳам сабот билан дош беришар, ҳатто энг иссиқ дамларда ҳам боғ оралаб югуришарди. Ниҳоят, меҳмонлар кетишгач, ҳамма гуллар пайҳон қилинган, мебель сиңдирилган, деворлар турли расм ва ёзувлар билан қопланган эди. Фернанда уларнинг кетганидан шу қадар шод эдики, меҳмонлар келтирган барча зарарнинг баҳридан ўтди. Каравот ва табуреткаларни эгаларига қайтарди, етмиш икки тувакнинг барини эса Мелькиадеснинг хонасига тахлаб қўйди. Қачонлардир хонадоннинг маънавий ҳаёти жўш урган бу ташландиқ хона шу пайтдан бошлаб «тувакхона» деган ном олди. Полковник Аурелиано Буэндиага хонанинг бундай номланиши маъқул тушди, чунки бутун оила аъзоларини Мелькиадеснинг хонаси ҳеч вақт чанг бўлмаслиги, ундаги ҳеч нарса бузилмагани лол қолдирган бир пайтда, лўлининг хонаси полковникка ахлатхона бўлиб туюларди. Аммо, нима бўлган тақдирда ҳам, у ҳақиқат ким томонида эканига мутлақо қизиқмас, хона ҳақида ҳам Фернанда кунбўйи тувак ташийвериб ишга халақит бергани учун хабар топган эди.

Бу маҳал Хосе Аркадио Иккинчи яна уйга қайтиб келди. У ҳеч ким билан сўрашмай, коридорнинг нариги бошига бориб, полковник билан гаплашгани устахонага кириб кетди. Урсула энди уни кўра олмасди, аммо унинг бананзор назоратчисига бериладиган оғир этикларни товушини ўргана бошлади ва унинг ҳатто болалигида икковлари кийим алмагириш ўйинини ўйнаган, ҳозир эса унга ўхшайдиган умумий хислати йўқ эгизак укаси ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигидан таажубланди. Хосе Аркадио Иккинчи новча, ориқ ва гердайган бўлиб, худди сарацинлар<sup>1</sup> никига ўхшаш қорача, ўйчан ва маъюс юзида мавҳум бир шуъла акс этарди. Буэндиалардан фарқли ўларок, кўпроқ онаси Санта София де ла Пьедадга ўхшаб кетарди. Урсула баъзида унинг исмини унутиб қўярди. Хосе Аркадио Иккинчининг қайтиб келгани ва полковник ишидан қолиб, уни устахонасида қабул қилаётганидан хабар топган Урсула эски хотираларини бир-бир ҳаёлдан ўтказиб, Хосе Аркадио Иккинчи болалигида ўз эгизак укаси билан алмашиб қолган, укаси эмас, у Аурелиано деб номланиши лозим эди, деган шубҳасининг ростлигига ишонч ҳосил қилди. Унинг қандай турмуш кечираётганини ҳеч ким билмасди. Бир маҳал Хосе Аркадио Иккинчида муқим бир бошпана йўқлиги, унинг Пилар Тернеранинг уйида уришқоқ хўрозлар етиштириши ва онда-сонда ўша жойда тунаши, бошқа пайтлар эса асосан француз гетералари ёнидан жилмаслиги маълум эди. Унинг ҳеч кимга меҳри йўқ, ҳатто ўз кадри учун ҳам кайғурмасди.

<sup>1</sup> С а р а ц и н л а р — Арабистонда яшаган қадимий қучманчи халқ.

Гашнинг очиги, полковник Херинельдо Маркес уни ўлимга маҳкум этилган кишини отишларини эмас, балки отилаётган маҳбуснинг ҳуссали ва бир оз истеҳзоли кулгусини бир умр эсида сақлаб қолиши учун казармага олиб борган ўша узоқ тонгдан бошлаб, Хосе Аркадио Иккинчи нафақат ўз оиласига, балки бошқа бирор оилага ҳам қарам бўлишига хуши йўқолган эди. Айни хотира кўп эски эмасди. Лекин у эслаб қолган ягона нарса шунинг ўзи эди, холос. У яна бир нарсани, яъники алмисоқдан қолган қўски нимча ва соябони қарға қанотларини эслатувчи шляпа кийган, шуълага йўғрилган чоркунжак дераза олдида ўтириб турли-туман мўъжизалар ҳақида ҳикоя қилиб берган чол сиймосини ҳам элас-элас эсларди. Аммо Хосе Аркадио Иккинчи ушбу хотира қайси вақтга дахлдор эканини билмасди. Урсула Хосе Аркадио Иккинчининг кўмагида полковник Аурелиано Буэндиани «маҳбус»ликдан озод қилишга уриниб кўрди. «Уни кинога боришга кўндир, дея илтимос қилди Урсула. — Тўғри, унга картиналар ёқмайди, лекин шу баҳонада тоза ҳаводан нафас олиб қайтади.» Лекин тез орада Хосе Аркадио Иккинчининг ҳам худди полковник сингари бепарволиги ва икковининг ҳам умуман ҳеч қандай меҳр-оқибат қор қилмайдиган қаттиқ зирҳ билан қопланганлиги маълум бўлди. Гарчанд, Урсула уларнинг устахонага беркиниб, узоқ вақт нималар ҳақида гаплашишини билмаса-да (буни ҳеч ким билмасди), оиладаги шу икки кишинигина ўзаро ички яқинлик ришталари бирлаштириб туришини тушунарди.

Тўғриси яна айтганда, Хосе Аркадио Иккинчи ўзи истаганида ҳам Урсуланинг илтимосини бажаролмасди. Мактаб толибалари келтирган горат полковникнинг сабр косасини тулғазганди. Ремедиоснинг ҳавасни келтирадиган кўғирчоқлари йўқотилган эса-да, у ётоқхонани ҳалигача қуя босиб ётибди, деган баҳона билан устахонасига тўр беланчак осиб қўйди. Энди полковник у ердан фақат ҳовлига — ҳожат учун чиқарди, холос. Урсула уни ҳаттоки жўн суҳбатга ҳам торга олмасди. Ўзининг қошига бораркан, полковник овқат солинган ликопчага киё ҳам боқмаслигини, шўрва бетини ёғ қоплаб, гўшт совиб қолишдан заррача ҳам ташвишланмай, уни столнинг бир чеккасига суриб қўйишию яна тилла балиқчаларига андармон бўлишини олдиндан биларди. Полковник Херинельдо Маркес янги уруш очишдан бош тортганидан бери Аурелиано Буэндиа баттар бағритош бўлиб борарди. Донмо устахона эшигини зичлаб олар, ҳеч кимга қўшилмас ва пировардида, оила аъзолари унинг номини гўё марҳумни эслагандай тилга олишарди. Полковник уйлари ёнидан ўтаётган сайёр циркни кўрган эшикка бирров чиққан ўша ўн биринчи октябрга қадар, ҳеч ким унинг авзойида инсонийроқ бирор туйғу кўринганини сезмаган эди. Ўша кун полковник Аурелиано Буэндиа учун сўнги беш йил ичида ўтган сон-саноксиз кунлардан фарқ қилмасди. У тонги соат бешда ҳовлидаги қўрбақа ва қора чигирткалар кўтарган шовқиндан уйғониб кетди. Шанба куни бошланган ёмғир ҳанузгача тинмаган, полковник томчиларининг боғдаги дарахтлар баргидаги шитирини эшитмаганида ҳам суюк-суюкка санчилаётган совуқдан ёмғир ёғаётганини бари бир



сезарди. Полковник Аурелиано Буэндиа ҳар галгидек мовут ёмғир-пўшда, эски бичими учун ўзи «готик иштон» деб атаган, аммо кийишга қулай, узун ва кенг, дағал матодан тикилган ички иштонда юрар эди. Иштон устидан тор шим кийиб олган, аммо унинг тугмаларини қадамаган ва ёқасига ҳар галгидек тилла тўғнағич тақмаган (у ювинишга шайланаётганди) эди. Ёмғирпўшини худди бошлиқ сингари бошига тортди, осилиб тушган мўйловини бармоқлари билан тўғрилади-да, ёзилгани ҳовлига йўл олди. Кун чиқишига ҳали анча вақт бор эди. Хосе Аркадио Буэндиа томига ёмғирдан чирий бошлаган пальма барглари тўшалган айвонча остида ухлаб ётарди. Полковник ҳар сафаргидек отасини кўрмади. Ботинкасига ногаҳон иссиқ пешоб оқа бошлаганидан уйғониб кетган арвоҳ гудранганида ҳам полковник ҳеч насра эшитмади. У устахонага қайтаётганида димоғига Санта София де ла Пьедад ўт ёқа бошлаган печларнинг ҳиди урилди ва у ўзининг бир финжон кандсиз қахвасини олиб кетиш учун ошхонада қаҳва чойнаги қайнашини кутиб турди. Санта София де ла Пьедад одатдагидек, бугун ҳафтанинг қайси куни, деб сўради. Полковник, сешанба, ўн биринчи октябрь, деб жавоб қайтарди. Полковник аёлнинг сокин, тилларанг олов шуъласида кизил-сарғиш туюлган юзига тикиларкан, ногаҳон ўша уруш авжига чиққан пайтда, айни ўн биринчи октябрь куни бирга ётган аёли ўлиб қолган бўлса-я, дея ўйлаб чўчиб уйғониб кетганини эслади. Ҳа, ростдан ҳам ўшанда аёл жон берган бўлиб чиқди; полковник ўша кунни ёдида сақлаб қолишига сабаб, марҳума бор-йўғи бир соат олдин, бугун қайси кун, дея сўраган эди. Полковник Аурелиано Буэндиа бу ҳодисани эсласа-да, ўзининг башорат қила олиш лаёқати-га нечоғлик путур етганини сезмади ва то сув қайнагунича, ҳавойи майл асносида ўша аёл ҳақида ўйлай бошлади. Полковник унинг исмини ҳам билмасди (юзини ҳам вафотидан кейин кўрди), негаки аёл унинг гамагига зим-зиё қоронғиликда, қоқиниб-суриниб кирган эди. Худди шу тарзда олдига кўплаб аёллар келишган ва шу боис ҳам, полковник айни ўша аёлнинг биринчи бўса талвасасидаёқ кўз ёшларига гарқ бўлаётганини ва бечора қазосидан бир соат олдин, сени умримнинг охиригача севаман, деб онг ичганини эслай олмади. Полковник устахонага қайтиб келгач, умуман аёллар ҳақида ўйлашни бас қилди ва тунука банкада сақлаётган тилла балиқчаларини санаб чиқиш учун чирокни ёқди. Банкада ўн еттита балиқча бор эди. Молини сотмасликка аҳд қилганидан бери у кунига иккитадан балиқча ясар, сўнг, сони йигирма бештага етганида, балиқчаларни гилвата идишда эритиб, қайтадан ясарди. У ҳеч нарсани ўйламасдан, ишга буткул шўнғиб кетди, соат ўнларга бориб ёмғир кучайганини, ҳатто Урсула тамадди келтириб, чирокни ўчирганини ҳам сезмади.

— Ёмғир роса кўйяпти, — деди Урсула.

— Ёмғир фасли-да, — деб жавоб қайтарди у.

Шуни айта туриб, тайёрлаётган биринчи балиқчасидан нигоҳини узмади, чунки энди қизил ёкутдан кўз ўрнатаётган эди. Ишини тугатиб, балиқчани банкадаги бошқа балиқчаларга қўшиб қўйгач, шўрва ичди. Сўнгра шошилмай гуруч, пиёз билан димлаб пиширилган гушт ва ликопчадаги қовурилган банан тилимларини еди. Унинг иштаҳаси ҳеч қачон ўзгармас, ҳаминиша — яхши шароитда ҳам, танг аҳволга туш-

ганида ҳам бир хил эди. Овкатдан кейин дам олгиси келди. Қайсидир жиҳатдан илмий асосланган ирими туфайли, полковник овкатдан кейин икки соат ўтмагунича на ишлар, на ўқир, на чўмилар, на аёл билан ётарди. Айни одат унинг табиатига шу қадар сингиб кетгандики, полковник Аурелиано Буэндиа жангчилар кучли таомдан сўнг бўкиб ёки мияларига қон қўйилиб ўлмасликлари учун ҳатто ҳарбий операцияларни бошламай турган пайтлари ҳам бўлган эди. Ниҳоят, у тўр беланчагига ётди, кулоғини қаламтароши билан нари-бери тозалаб, тезда ухлаб қолди. Полковник тушида деворлари оппок, бўм-бўш уйга кириб борарди. Уй остонасидан биринчи ҳатлаётган одам эканлигидан кўнгли хижил эди. Тушида у ўтган куни кечаси ва сўнгги йиллар мобайнида жуда кўп марта шу тахлит тушлар кўрганини эслади, бироқ уйғонган заҳотиёқ уларнинг бари эсидан чиқарди. Унинг бу қайтарик тушларининг сири шунда эдики, уларни худди ана ўша тарздаги тушда қайта эслаш мумкин бўларди. Бир неча дақиқадан кейин сартарош эшикни тақиллатди, полковник гўёки дафъатан бир неча сония пинакка кетиш учун кўзини юмгани ва ҳеч қандай туш кўрмаганига тўлиқ ишонч ҳосил қилган ҳолда эшикни очди.

— Бугун шартмас,— деди у сартарошга.— Жума куни кўришамиз.

Сочига оқ оралаган полковникнинг соқол олдирмаганига уч кун бўлган эди, аммо у соқол олдиришни хоҳламади, бари бир жума куни сочини олдириши зарур эди, шу боис ўша куни бир йўла икки ишни бажарса бўлаверарди. Кундузги нохуш уйқудан кейин баданини шилмирик тер қоплади, қўлтиғи остидаги чипқондан қолган чандиқлар зирқрай бошлади. Ёмғир тинди. Аммо қуёш ҳали чиқмаган эди. Полковник Аурелиано Буэндиа қаттиқ кекирди ва танглайда нордон шўрванинг таъмини сезди. Ёмғирпўшини устига ташлаб, ҳожатга борди ва у ерда одатдагидан кўпроқ ўтирди. Бугун сешанба эканини ва Хосе Аркадио Иккинчи устахонага келмаганини эслади, чунки сешанба куни банан компаниясидагилар ишчиларга маош берарди. Айни фикр, сўнгги йиллардаги барча хотираю ўйлари каби уни уруш ҳақида фикрлашга чорларди. У қайсидир куни полковник Херинельдо Маркес унга қашқа от топиб келишни ваъда қилганини ва сўнг бу ҳақда қайтиб оғиз очмаганини эслади. Кейин айрим уруш лавҳаларини хаёлидан ўтказди, аммо ўтмиш қалбиди на қувонч, на қайғу уйғотди. Энди ўша фикрдан қутулишнинг иложини ҳеч тополмагач, полковник уруш ҳақида жуда сокин, ортиқча ҳаяжонсиз ўйлашга ўрганган эди. Устахонага қайта туриб, ҳаво сал исиганини сезди ва ювинишга аҳд қилди, аммо мўрчани Амаранта эгаллаб олганди. У ичкари кириб, иккинчи балиқчани тайёрлашга киришди. Полковник балиқчага дум ясаётганида, қуёш уфқдан шу қадар катта куч билан отилиб чиқдики, гўё чор атроф худди эски қайикдай ғичирлаб кетгандек туюлди. Уч кунлик ёмғирда чайилган ҳавони қанотли чумолилар қоплади. Полковник заҳартанг бўлганини ҳис этди. Ҳовлига чиққанида, соат тўртдан ўн дақиқа ўтганди. Кулоғига узоқда чалинаётган мис карнай овози, катта ноғоранинг гумбир-гумбири, болаларнинг шодон қийқириғи элас-элас чалинди ва унинг кўнглида болалиги ўтганидан бери илк бор зориқиш уйғонди, отаси муз парчасини кўришга олиб



борган, дўлиларга тулиб-тошган ўша узоқ кунни яна қайтадан яққол ҳис эта бошлади. Санта София де ла Пьедад ошхонадаги ишларини тўхтатиб, кўчага югуриб чиқди.

— Цирк келди! — деб қичқирди у.

Полковник Аурелиано Буэндиа ҳам каштан тагига бориш ўрнига ҳовлидан ташқари чиқиб, кўчадаги тантанали маросимни анграйиб томоша қилаётган бекорчи оломонга аралашиб кетди. У фил минган зар кийимли аёлни, бир ўрқачли маъюс туяни ва голланд аёлларидек ясантирилган, кастрюлкани қошиқ билан ноғора қилиб чалаётган айикни кўрди. Тантанали маросимнинг адогига томоша кўрсатаётган масхарабозларга кўзи тушди. Улар ўтиб кетгач, бўм-бўш кўчада офтоб нурида чўмилаётган қанотли чумолилар ва бир неча анқовдан бошқа ҳеч ким қолмади. Полковник яна ўзининг аянчли ёлғизлиги билан юзма-юз учрашди. Шунда у, навбатдаги янгилик — цирк ҳақида хаёл суриб, каштан сари юраркан, пешоб қилаётганида ҳам циркни ўйлашга уринди, аммо энди ҳеч нарсени эслай олмасди. У бошини елкалари орасига тортиб, манглайини дарахт танасига босганча қотиб қолди. Уйдагилар воқеадан эртаси эрталаб соат ўн бирда, Санта София де ла Пьедад ахлат ташлаш учун ҳовлининг орқа томонига ўтган пайтида, каштан атрофига учиб келаётган ўлаксахўр қушларни кўрганидагина огоҳ бўлдилар.

\* \* \*

Меменинг сўнгги таътили полковник Аурелиано Буэндиага тугилган мотам кунларига тўғри келди. Деразаю эшиклари маҳкам ёпилган бу хонадонда энди байрам ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмасди. Ҳамма шивирлаб гапирар, овқат устида ҳам жим ўтиришар, кунига уч маҳал ибодат қилишар ҳатто тушки уйқунинг энг иссиқ пайтларида клави-кордда чалинган куйлар ҳам худди мотам музыкасидек туюлар эди. Полковникни пинҳона ёмон кўришига қарамай, ҳукумат ўзининг марҳум ғанимини дабдабали иззат-икром билан хотирлашидан хайратга тушган Фернанда жиддий аза очди. Аурелиано Иккинчи қизининг таътили мобайнида ўз уйида яшади, Фернанда ўзининг хотинлик ҳуқуқини тиклаш учун анча-мунча чораю тадбирлар кўрди, шекилли, Меме яна бир йилдан кейин уйга қайтганида, яқиндагина туғилган ва онасининг хоҳишига қарамай, Амаранта Урсула деб ном қўйилган сингилчасини кўрди.

Меме ўқишини тугатди. Уни концерт берувчи истеъдодли клави-кордчи эканлиги қизининг ўқиши ва уйда мотам адогига етганига атаб берилган катта базмда — Меме ўн еттинчи аср халқ куйларини доврүк билан ижро этгандан кейин бир овоздан тасдиқланди. Мехмонларни Меменинг санъатидан кўра, гайриоддий табиати кўпроқ маҳлиё қилди. Бир қарашда у ёш боладай енгилтак, жиддийроқ ишларга бамисоли нолойикдай кўринарди, аммо клави-корд ёнига ўтирса, бас, бутунлай ўзгарар, бирдан ўта жиддий ва комил одамга айланиб қоларди. Гапнинг рости, Меменинг музыкага лаёқати айтарли эмасди, аммо у онасининг раъйини қайтармаслик учун клави-кордни мукаммал ўрганишга ўзини мажбур этганди. Худди шу йўсинда у бошқа хунарлар-

ни ҳам ўрганса бўларди. Фернанданинг ўта қаттиққўллиги ва ўзби-лармонлиги Меменинг болалик пайтидаёқ жонига текканидан онаси билан тортишиб ўтирмаслик учун ҳар неки жафого ҳам тайёр эди. Мактабни битирганларга бағишланган мажлисда ўтирган Меме, бе-жирим готик ҳарфлар билан безатилган диплом эндиликда она зугу-мидан халос этади, шу кундан эътиборан Фернанда клавибордни тамом эсдан чиқаради, деб умид қилган эди. Чунки роҳибаларнинг ўзлари айни чолғу асбобини музей топилмаси, деб аташларини эшитиб юрар-ди. Лекин унинг тахмини хато чикди, гарчанд, шаҳар аҳлининг нақ ярми қиз чалган эски куйлар остида ухласа-да, Меме оилавий тапта-наларда, хайр-эҳсонга муҳтожлар учун уюштирилган барча концерт-ларда, мактаб кечалари, ватанпарварларни шарафлашга бағишланган йиғинларда клавиборд чалса-да, Фернанда кизининг истеъдодига баҳо бера олишга қодир янги-янги одамларни уйларига таклиф этаверарди. Фақат Амарантанинг ўлимидан сўнг хонадон яна аза очганида, Меме клавибордини кулфлаб, калитини онаси қачондир кистаб қолишидан хавотирланмай жавонлардан бирига яшириб қўйди. Фернанда кизи-нинг итоаткорлигидан чексиз қувонар, одамларни қойил қолдириши-дан шу қадар фахрланардики, Меменинг уйга дугонларини бошлаб келишига, плантация буйлаб сайр қилишига, падре Антонио Исабел черков меҳробида маъқуллаган фильмларга Аурелиано Иккинчи ёки ишончлироқ аёллар билан боришига мутлақо қаршилиқ кўрсатмас эди. Айни кўнгилочар тадбирлар давомида Меменинг неларга мойил-лиги аён бўлди. У тартиб ва интизомни ўлғудай ёмон кўрар, шўх базм-ларни, хилват гўшаларда соатлаб ўтиришни ёқтирар, ўша ерда дугона-лари билан ким кимни яхши кўриб қолгани ҳақида гийбат қилишар, чекишни ўрганишар, эркаклар тўғрисида гаплашишарди. Бир куни улар шакарқамиш ромидан уч шиша ичишди, сўнгра ечинишиб, ўз баданларининг турли бўлақларини ўлчашди, таққослашди. Меме ўша кечани ҳеч қачон унутмайди: у оғзидаги қизилмия томирини чайна-ганча, Фернанда билан Амаранта жимгина кечки овқат еяётган ошхо-нага кирди ва стулга ўтирди. Унинг тоби қочганини ҳеч ким пайқамади. Бундан олдин Меме дугонасининг ётоқхонасида икки соат даво-мида қаттиқ ҳаяжонда ўтирди: кўзларидан ёш чиққунича кулди, кўр-қувдан йиғлади, аммо бу ҳолат ўтиб кетгач, қизнинг юрагини онаси-га, клавибордни кетингизга ҳўқна қилинг, деб айтишга имкон берар даражада жасурлик ҳисси қоплади. Столнинг тўрида ўтириб, ошқозо-нига сувдек қуюлаётган товўк шўрва ичаркан, Меме тўсатдан Фернан-да ва Амарантанинг асл киёфасини кўрди. Уларнинг мунофиқлигини, калтабинлигини юзларига солишдан ўзини зўрға тийди. Иккинчи таътил пайтидаёқ, Мемега отаси одоб юзасидангина уйда тунаши маълум бўлганди. У Фернандани яхши билгани, кейинчалик Петра Котес ҳақида ҳам бир амаллаб тасаввурга эга бўлганидан сўнг, ота-сига ён боса бошлади. Қиз отасининг жазманини онасидан афзал кўрарди. Ромдан кайфи ошиб қолган Меме, агар ҳозир ўйлаганла-римни уларга айтсам, қандай зўр жанжал бўларди, дея роҳатланиб ўйлади. Мамнунлиги шу қадар кучли эдики, Фернанда сергак тортди.

— Сенга нима бўлди? — деб сўради у.



— Хеч нарса.— жавоб берди Меме.— Мен икковларингни канчалар яхши кўришимни ҳозир пайқадим, холос.

Бу сўзларда барк уриб турган нафрат Амарантани кўрkitиб юборди. Аммо онаси шунчалар ҳаяжонландики, Меме ярим кечаси каттиқ бош огригидан уйғониб кетиб, қайт кила бошлаганида, Фернанданинг ақлдан озишига сал қолди. Она кизига канакунжут мойидан ичирди, қорнига кизитилган дори-дармон босди, бошига эса муз солинган ҳалта кўйди ва Меме оддий аёллар касалига чалинган, деган ноаниқ бир қарорга келган афандинамо француз докторининг кўрсатмасига биноан, кизини уйдан чиқармай, беш кун парҳезда сақлади. Меменинг дадиллигидан асар ҳам қолмади, у руҳан чўкиброк қолди. Батамом кўр бўлиб қолган, аммо ҳали тетик ва зийрак Урсулагина унга туғри диагноз кўйди, «Менимча,— деди у ўзига-ўзи,— арокхурларнигина шу тарзда даволашади». Аммо ушш заҳоти тавба килиб, ўзини андак ёзғирди. Меменинг аҳволини кўриб, Аурелиано Иккинчининг виждони кийналди. Ота эндиликда кизига жиддийроқ эътибор беришга ақд килди. Аурелиано Иккинчини сархуш хурсандчиликлар ичра отир танҳоликдан вақтинчалик халос қилган, Мемени эса онасининг меъдага теккан васийлигидан озод этиб, у билан онаси ўртасидаги содир бўлиши муқаррар туқнашувнинг олдини олган ота ва киз ўртасида қувноқ дўстлик муносабатлари шу тарзда тугилди. Аурелиано Иккинчи ўша кунлари кечкурунлари Меме билан суҳбатлашиш, кино ёки циркка бориш учун барча учрашувлардан ҳеч иккиланмасдан воз кечар, бор вақтини фарзандига бағишларди. Охири йилларда Аурелиано Иккинчининг феъли айний бошлади, бунинг сабаби — семизлиги эди, у эгилиб ботинкасининг боғичларини боғлай олмасди. Баҳайбат қорни туфайли бошқа турфа лаззатлардан ҳам маҳрум эди. Қизининг меҳри, у келтирадиган хурсандлик Аурелиано Иккинчини беҳад айш-ишратдан тобора узоклаштирар эди. Меме худди баҳордаги мева дарахти каби гуллади. У Амаранта сингари гузал бўлмасида, истараси иссиқ, содда ва бир қарашдаёқ одамга ёқа олади. Унинг замонавийликка муккасидан кетган руҳи онасининг эски ақидалар тарафдори бўлгани оншора каттиққўллигини таҳкирларди, аммо бу хислати отаси Аурелиано Иккинчига ёқар ва шунинг учун ҳар тарафлама ёқларди. У кизини авлиёларнинг ийманганнамо нигоҳи мудом ваҳима солиб турадиган ётоғидан чиқарди, янги хонасини тахтга ўхшовчи каравот, катта пардоз столи, баҳмал пардалар билан безатди ва Петра Котес яшайдиган хонанинг яна бир нусхасини яратганини ўзи ҳам сезмай қолди. Отанинг қўли очик эди, кизига санамай пул берар. Меменинг ўзи ҳам отасининг чўнтагидан истаганча пул олаверарди. Аурелиано Иккинчи банан компаниясига қарашли магазиндан кизига атаб энг сўнги модадаги буюмларни сотиб оларди. Меменинг ётоқхонаси тирноқни силлиқлайдиган ёстиқчалар, сочи жингалак киладиган кискичлар, тишни ялтиратувчи элексирлар, ҳар хил сурмалар ва жозибани оширадиган беҳисоб воситалар билан тўлиб кетганди; Фернанда ҳар сафар бу хонага кирганида даргазаб бўлиб, кизим анави француз гетераларга ўхшаб боряпти, деб ўйларди. У эри билан кизининг тили бирлигини билиб, Аурелиано Иккинчига Мемени ҳеч қачон Петра Котесникига олиб бормаслигига касам ичирди. Бу ортиқча эх-

тиёткорлик эди, негаки ота-боланинг иноқлиги Петра Котесга мутлақо ёқмас, ҳатто у Меменинг номини эшитишга ҳам тоқат қилолмасди. Петра Котесга нотаниш бир кўрқув азоб берар, Меме Фернанданинг ҳам қўлидан келмаган ишни қилиб, ўзини Аурелиано Иккинчидан жудо этиши мумкинлигини ич-ичида сезиб турарди. Шунда Аурелиано Иккинчи илк бор жазманининг қаҳрли нигоҳини кўрди, хандасини эшитди ва у, жазманим тагин сандик-пандикқа қўшиб ташқарига улоқтирса-я, деб чўчий бошлади. Аммо иш у ўйлаганчалик бўлмади, сандиклар ўз жойида қолди, Петра Котес бўлса, жазманини қизининг меҳридан ҳам кучлироқ бирор восита билан ўзига ағдариб олишга қарор қилди. Лекин у беҳуда уринарди. Меме отасининг ишига аралашмас, мабодо шундай қилганида ҳам, бу можаро Петра Кетеснинг фойдасига ҳал бўларди. Биронга ёмонлик қилиш учун Меменинг вақти ҳам йўқ эди. У роҳибалар ўргатганидек, ҳар куни ўз ётоғини ўзи йиғиштирар, ўзи жой соларди. Эрталаблари эса қашага гул солар ёки галереяда Амарантанинг эски қўл тикув машинасида ўзига кийим тикарди. Тушлик овқатдан сўнг ҳаммалари ухлашга ётишганида у икки соат клавиқордда куй машқ қилар ва бу машғулоти Фернандага ҳузур ато этишини биларди. Гарчанд, унга келадиган таклифлар сони камайган бўлса-да, Меме худди шу важдан черков бозорларию ўқувчиларнинг байрамларида концерт беришни давом эттирди. Кечкурун у оддий кўйлагини ва пошнаси баланд, боғичли ботинкасини кийиб олар, отаси билан бирор жойга бормаган тақдирда кечки овқат маҳалигача дугоналариникида бўларди. Аммо Аурелиано Иккинчи деярли ҳамма вақт қизи олдига келиб, уни кинога эргаштириб кетарди.

Меменинг дугоналари орасида уч нафар америкалик қиз бўлиб, улардан бири Патриция Браун эди. Аурелиано Иккинчининг меҳмондўстлигидан миннатдор жаноб Брауннинг даргоҳи Меме учун атай очилиб, қиз шанбалик танцага таклиф этилди. Гринголар маҳаллий аҳоли билан фақат танца вақтидагина мулоқот қилишарди, холос. Бу таклифдан хабар топган Фернанда бир дақиқалик юракни эзадиган жанжал кўтарди. «Тасаввур қилиб кўр-а, — деди у Мемега, — бу тўғрида гўрда ётган полковник нима деб ўйлайди?» Фернанда ёрдам сўраб Урсулага мурожаат қилди. Аммо бу кўр кампир ҳеч кутилмаганда, агар Меме ўз эътиқодида маҳкам туриб, протестант динига ўтиб кетмаса, турган гапки, танцага боришию америкалик тенгдошлари билан дўстлашиши андишасизлик бўлмайди, деб айтди. Меме катта бувисининг фикрини тезда ўқиб олди ва танца бўлиб ўтган куннинг эртасигаёқ ибодатга бориб келадиган бўлди. Америкаликлар қизидан клавиқорд чалиб берсангиз, деб илтимос қилишганини эшитиб, Фернанданинг боши осмонга етди. Клавиқордни жаноб Брауннинг уйига олиб боришди, Меме у ерда қарсақ ва олқиш эшитди. Шундан кейин уни нафақат танцага, балки ҳар якшанбада бассейнда чўмилишга ва ҳафтасига бир марта тушлик овқатга таклиф этадиган бўлишди. У бинойидай сузишни, теннис ўйнашни, ананас бўлагини Виргиния ветчинасига қўшиб ейишни ўрганди. Рақс тушиб, сузиб, теннис ўйнаб юраркан, аста-секин инглизчани ўрганиб олди. Аурелиано Иккинчи қизининг ютуқларидан завқланарди, ҳатто унга саёқ бир сотувчидан олти жилдлик ранг-баранг расмлар илова қилинган инглизча



комус сотиб олди. Меме бу китобни бўш пайтлари ўқирди. Мутолаа уни дугоналари билан хилват жойларга беркинишдан, севги ҳақида ғийбат сотишдан қутқарди. Меме энди ўқиш мажбуриятини бўйнига олгани учун эмас, балки бутун шаҳарга маълум сирли воқеаларни муҳокама этишга кизиқиш йўқолгани учун мутолаага берилган эди. У ўзининг маст бўлгунча ичганини эсларкан, бу воқеа шунчалар кулгили туюлдики, уни отасига сўзлаб берди. Аурелиано Иккинчига эса воқеа янада кулгили туюлди. «Агар онанг билганида борми!» дея хитоб қилди у ҳарсиллаб куларкан. Қизи бирон-бир сирини очгани сайин, отаси ҳамиша шу сўзни такрорларди. У кизидан илк севгисини ҳам очик гашириб беришга сўз олди ва сал фурсат ўтмай Меме отасига, таътилга чиқиб, ота-онасининг ёнига келган малла соч америкаликни ёктириб қолдим, деб айтди. «Мана шунақа-да! — деб кулди Аурелиано Иккинчи.— Агар онанг билиб қолса борми?!» Лекин кейинроқ Меме йигитнинг ватанига жунаб кетганини ва бошқа хабарлашмаганини айтди. Меменинг ақли расолиги оила осойишталигини мустаҳкамлашга имкон бергани учун Аурелиано Иккинчи Петра Котесни-кига яна тез-тез қатнайдиغان бўлиб қолди. Гарчи, энди базм деганлари аввалгидек лаззат бермаса-да, у кези келганда ўйин-кулгидан юз ўгирмасди. Уйда Амаранта тиним билмай кафанига гул тикар, Урсулани эса қарилик эрининг каштан остидаги арвохидан бўлак ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган қоронғилик тубига тортиб борарди. Фернанда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олди. У ой сайин ўғлига ёзиб турадиган мактубларида энди бирор сатр ҳам ёлғон бўлмасди. Фернанда ундан ўзининг табиби ғайблар билан ёзишиб туришини яширарди, холос, чунки бу табиблар унинг йўғон ичагидан беэиён шиш топишган ва Фернандани телепатик операция билан тузатишга тайёрлашарди.

Ҳаёт хархашаларидан чарчаган Буэндиалар оиласида энди узок йилларга на тинчлик, на осойишталик муқим туради, деб ўйлашганда, тўсатдан Амаранта вафот этди. Унинг ўлими ҳамма учун кутилмаган ҳодиса эди. Гарчи Амаранта кексайиб, атрофдагилар учун худди бегонадек бўлиб қолган эса-да, қаддини ҳамон тик тутар, қувватли, гўё ўзининг соғлигини ҳанузгача сақлаб қолгандек туюларди. У полковник Херинельдо Маркесга қатъий рад жавобини берганидан сўнг, тўйиб-тўйиб йиғлаб олиш учун эшикни ичидан беркитиб олганида нималарни ўйлаганини ҳеч ким билмасди. Амаранта ўшанда ётоқхонадан чиққанида, кўз ёшининг захираси тамоман тугаб битганди. На гўзал Ремедиос самога парвоз этганида, на барча Аурелианоларни отиб ўлдиришганларида, на дунёда энг яхши кўрадиган одами полковник Аурелиано Буэндианинг ўлимидан сўнг йиғлади. Гарчи полковникни қанчалар яхши кўришини фақат унинг жасадини каштан остидан топиб олишган дақиқада пайкаган бўлса-да, ўликни кўтаришда ёрдамлашди. Унга ҳарбий либос кийгизди, соқолини олди, сочини таради, мўйловини чиройли қилиб бурадики, шухрати гуллаб турган маҳалида ҳам полковник мўйловини бунчалар буролмасди. Бироқ ҳеч ким унинг бу хатти-ҳаракатларидан полковникни севади, деган ўйга бормади, қайтанга ҳаммалари Амаранта дафн маросимини яхши билади, деб ҳисоблашди. У ўзининг барча қайгуларини кўнгилга

тукканча, қарилик бўсағасига қадам қўйганди. Пьетро Креспининг вальсларини қўйиб эшитганида, гўё вақт ва аччиқ тажрибалар сабоқ бермаганидай, худди ўша ёшлик пайтидагидек йиғлагиси келарди. Картон қоғозлари намиқиб қолди, деган баҳонада музикали цилиндрларни ўз қўли билан ахлатга ташлаган бўлса-да, улар хотирасида ҳануз чарх урар, пианола болғачалари гўё юрагига урилиб музика чалаётгандай эди... Полковник Аурелиано Буэндиа уруш ҳақида ўйламасдан турулмагани каби Амаранта ҳам Ребекани бир зум ўйламасдан турулмасди. Полковник ўз хатоларини ўткир кирралардан халос этиб, сал-пал тўмтоқ қила олган бўлса, Амаранта аксинча, тобора қиздириб тобларди. У худодан кўп йиллар мобайнида фақат ёлғиз бир нарсани — Ребекадан олдин ўлмаслиқни зорланиб сўради. Ҳар гал собиқ рақибасининг уйи ёнидан ўтаркан, яп-янги наторатларни кўриб, худо илтижоларимни эшитяпти, дея қувонар эди. Бир куни галереяда чеварлик қилиб ўтираркан, дафъатан, худди шу жойда, шу алпозда ўтирган маҳали Ребеканинг ўлимини эшита-жагини ҳис қилди. Амаранта ўша жойда ўтириб машъум хабарни кута бошлади, зерикмаслик учун эса қадалган тугмаларни узиб олиб, яна қайтадан қадаб чиқаверди. Амаранта ўзи тўқиётган зийнатли кафанни Ребекага атаганига ҳеч ким шубҳаланмасди. Ғамгин Аурелиано ўшанда Ребека бош чаноғидан сарғиш ўт ўсиб чиққан сержин арвоҳга айланибди, дея шипшитганида, Амаранта заррача ажабланмади, чунки жияни таърифлаган арвоҳ у ўзи анчадан буён тасаввур қилиб юрган арвоҳга ўхшарди. Ребеканинг жасадини ўзим ювман, бошига авлиёларнинг сочидан парик ясайман, деб аҳд қилди у. Ўликни чиройли қилиб безайди, сурп кафанга ўраб, ичи тўқ қизил, устига бахмал қопланган тобутга жойлайди ва ажойиб дафн маросимини ўтказиб, жасадни қурт-қумурсқаларнинг ихтиёрига жўнатади. Нафрати тўлиб-тошиб режа тузаётган Амарантанинг миясига Ребекани севганим тақдирда ҳам шундай қилардим-ку, деган фикр келди. Бу фикрдан сесканиб кетди, лекин руҳи чўкмади ва режасини такомиллаштира борди. Ўзининг даҳшатли режасини пишитаркан, фақат бир нарсани — худого илтижоларига қарамай, Ребекадан олдин ўзи ўлиши мумкинлигини ҳисобга олмади. Асли худди шундай бўлиб чиқди ҳам. Ҳаётининг сўнгги лаҳзаларида Амаранта умиди пучга чиққанидан афсусланмади, аксинча, барча ғаму ситамлардан озод бўлаётганини сезди. Ўлим унга илтифот кўрсатиб, куни битганидан бир неча йил илгари огоҳлантирган эди. Амаранта қазо соатини иссиқ чошгоҳда, Мемени монастирь қошидаги мактабга юборишгани заҳотиёқ кўрганди: Ўлими галереяда Амаранта ёнида ўтириб тикиш тикарди. Дарҳол таниганди; ҳеч бир кўркинчи жойи йўқ — кўк қўйлакли, узун сочли, бир оз эски пўримда кийинган оддий аёл бўлиб, Урсулага ёрдамлашиб юрадиган Пилар Тернеранинг ёшлик пайтига ўхшаб кетарди. Галереяда Фернанда ҳам неча бор ёнма-ён ўтирса-да, ўлим шарпасини кўрмади. Ўлими ҳатто бир марта Амарантадан илтифот кўрсатишни — игнага ип ўтказиб беришни сўради. Лекин кўк қўйлакли аёл Амаранта қайси йили, қайси ой ва кунда ўлишини, Ребекадан олдинми ёки кейинми жон



беришини аниқ айтмади, фақат апрель ойининг олтинчи кунидан бошлаб ўзига кафан тўқишини буюрди. Кафан Амаранта хоҳлаганидай сернақш, чиройли бўлишига рухсат берди, аммо уни худди Ребеканинг кафани сингари астойдил тайёрлаши зарурлигини огоҳлантирди, сўнг эса Амарантага, кафани тайёр бўлган куни кечаси, қийналмасдан, қайғурмасдан, қўркмасдан жон берасан, деди. Амаранта ўлим соатини ортга суриш учун асл зиғир толасидан эшилган калава буюриб, кафанни ўзи тўқий бошлади. Кафан тўқишининг ўзига нақ тўрт йил кетди, кейин кашта тикишга тушди. Мудхиш кун яқинлашаркан, Амаранта кафан тайёрлашни Ребеканинг ўлимга қадар фақатгина тасодифий мўъжиза чўза олиши мумкинлигини сезди. Аммо ишга бўлган иштиёқи кўнглига осойишталик бахш этарди. Худди ўша кезде Амарантага полковник Аурелиано Буэндиа тилла балиқчалардан ясаган мужмал даъвонинг мазмуни аён бўлди. Эндиликда ташқи дунёни танаси ҳис этар, калби эса қайғу аламлардан йироқ эди. Амаранта ихтирони неча йиллар илгари хотираларини тиклаб оламни янгитдан тушуниши имкониятидан фойдаланмаганидан афсус чекди: ўшанда Пьетро Креспи оқшомлари уфурган лаванданинг хушбўй ҳидини ҳам узокдан туриб аниқ сезар, Ребекани севгани ёки нафратланганидан эмас, балки ёлғизлиги фожиасини терак тушунгани учун ўзиники каби беғубор ва тиниқ бўлиши лозим бўлгану аслида беғуборлигидан эмас қаҳр-ғазабидан бадбашара тус олган ёшлиги қайтарилаётганини сезиб, ташвишга тушган эди. У тақдирган тан берган, ҳатто энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаслигини билса-да, заррача изтироб чекмасди; бирдан-бир ташвиши кафан тўқишни тугаллаш эди. Бошида вақтни чўзиш учун турли баҳоналар қидирган бўлса, эндиликда атай шошила бошлади. Иш яқунланишига бир ҳафта қолганда, Амаранта охириги қавик тўртинчи февраль кечқурун тикиб бўлинишини аниқлади ва негалигини айтмасдан Мемега, бешинчи февралга тайинланган концертингни кечиктир, деди. Меме бу илтимосга унча эътибор бермади. Шунда Амаранта ишини яна қирқ саккиз соатга кечиктириш чорасини излади ва тўртинчи февраль куни кечаси бўрон электростанцияни сафдан чиқаргандан кейин ҳатто ўлим ҳам мени қўллаб-қувватлапти, деб ўйлади. Аммо эртасига эрталаб соат саккизда дунёда аёл зоти тайёрлаган энг чиройли кафаннинг охириги қавигини тикиб, уйдагиларга хотиржамлик билан кечқурун ўлмоқчиман, деб эълон қилди. Фақат оиласини эмас, балки бутун шаҳарни огоҳлантириб чикди, у зикна ҳаётнинг сўнги кунда гуноҳларини ювиш учун одамларга сал бўлса-да, яхшилик қилишни истарди, бунинг энг яхши йули эса марҳумларга аталган хатларни нариги дунёга олиб бориб эгаларига етказиш эди.

Амаранта Буэндиа кечқурун лангар кўтармоқчи, марҳумларга ёзилган ҳамма хатлар қўлига тегиши ҳамон нариги дунёга сузиб кетмоқчи, деган хабар пешингача бутун Макондога тарқалди ва кундузи соат учларга яқин меҳмонхонада хатлар билан лиқ тўла кути пайдо бўлди. Хат ёзишни истамаганлар Амарантага гапларини оғзаки айтишар, у эса, мурданинг исм-фамилиясини, ўлган вақтини ва гап

тайинлаган қариндошини дафтарчасига ёзиб кўярди. «Ташвишланманглар,— дея тасалли берарди у мактуб ёзганларга — нариги дунёга борганимдан сўнг дарҳол сўраб-суриштириб хатингизни топшираман.» Бунинг бари қўпол ҳазилга ўхшаб кетарди. Амарантанинг юзида на ташвиш, на ғам-ғусса аломатлари бор эди, ҳатто шарафли бурч идрокидан яшариб кетганга ўхшарди. У хатларни қатрон суртилган қутига солишни буюрди ва қути намдан сақланиши учун гўрга қай тарзда жойлаштиришни тушунтирди. Амаранта эрталаб дурадгор чақиртирди. Дурадгор тобут учун бўйини ўлчаётганда Амаранта гўё бичиқчи кўйлакка андоза олаётгандек хотиржам эди. Сўнгги соатларда ғайрати шу қадар тошдики, Фернанда Амаранта ўламан деб бизни калака қилмаётими, деб гумонсирай бошлади. Буэндиалар касал-пасалга учрамай ўлишини билган Урсула Амарантанинг ўлиmidан хабардор эканига ишонарди. Аммо у хат машинасини кўриб, марҳумларнинг қариндош-уруглари гапимиз нариги дунёга тезроқ етсин, деган ниятда бачора Амарантани ҳали тириклайин кўмиб юборишларидан хавотирланар эди. Шу сабаб, Урсула бақириб-чақириб, талашиб-тортишиб бўлсада, уйни бегоналардан бўшата бошлади. Соат тўртга бориб ҳеч ким қолмади. Бу пайтда Амаранта ўз буюмларини камбағалларга улашиб чиқди, текис рақдаланган тахтадан ясалган оддий тобутга фақат ўзининг ич кийимию бахмал туфлисини солиб қўйди — буларни ўлиmidан сўнг кийдиришлари лозим эди. Полковник Аурелиано Буэндиа ўлганида устахонасида кийиб юрадиган шиппагидан бўлак пойабзали бўлмагани учун янги ботинка сотиб олишганини эслагиб, туфлимни унутманглар, дея қайта-қайта тайинлади. Соат бенга яқинлашаётганида Мемени концертга олиб кетгани келган Аурелиано Иккинчи уйлари худди ўлик чикқандек саранжом эканига ажабланди. Агар ўша соатда тирик кўринадиган ягона одам бўлса, бу — Амаранта эди. У ўзини ниҳоятда совуққон тутар, ҳатто қўлларидаги қадокларни кесиб ташлашга ҳам вақт топганди. Аурелиано Иккинчи ва Меме ҳазил-хузул қилиб хайрлашар эканлар, бир ҳафтадан сўнг марҳуманинг қайта тирилиши муносабати билан базм уюштиришга ваъда беришди. Амаранта Буэндиа ўлганларга мактуб элтишга шайланаётгани ҳақидаги миш-мишни эшитган падре Антонио Исабел дуою фотиҳа учун соат бешда етиб келиб, уни мўрчадан ювиниб чиққунича қутишга мажбур бўлди. Ниҳоят, қаршисида оқ сурп кўйлак кийган, сочлари орқасига ёйилган Амаранта пайдо бўлганида, кекса руҳоний мени масҳара қилишяпти, деб ўйлаб муқаддас сув кўтариб олган бир болани жўнатиб юборди. Бу қулай фурсатдан қарийб йигирма йилдан бери тавба қилмайдиган Амарантанинг гуноҳларини тўкиш учун фойдаланишга аҳд қилди. Шунда Амаранта ҳеч қандай диний ёрдамга муҳтож эмаслигини, виждони поклигини унга дангал айтди. Бу гап Фернанданинг жаҳлини чиқарди. У баланд товушда ўзига-ўзи савол берган бўлди: «Амаранта қанақанги катта гуноҳ қилган эди-я! Энди айбини тан олиб тавба қилиш ўрнига ўзига шунчалар таҳқирли ўлимни раво кўряптими?» Амаранта ўрнига ётди ва бачора Урсулани ўзининг ҳали бокира қиз эканини текшириб беришга мажбуран кўндирди.



— Хеч ким хомхаёлга бормасин!— қичқирди у Фернандага эшиттириб.— Амаранта Буэндиа бу дунёга қандай келган бўлса, ушандай кетмоқда.

Амаранта бошқа қайтиб турмади. Бошини ёстикка қўйганча, узун сочларини ўриб турмаклади; ўлим уни тобутда айни тарзда ётажагини уқтирган эди. Сўнг Урсулдан кўзгу келтиришни сўради. Қирк йиллик танаффусдан сўнг ўзининг йиллару азоб-уқубатлар хароб қилган юзини кўраркан, юзи ўзи тасаввур қилганидек эканлигидан ҳайрон қолди. Урсула ётоқхонага чўккан осойишталикдан қоронғи тушаётганини англади.

— Фернанда билан розилашгин, — деб ўтинди у.— Ярашиш дами бир умрлик дўстликдан ҳам афзалдир.

— Энди дўстликка ҳам ҳожат қолмади, — дея жавоб қайтарди Амаранта.

Сахнада яна чироқлар ёниб, концертнинг иккинчи бўлими бошланганида ҳам Меме Амаранта ҳақидаги ўйлардан қутулолмади. Концертнинг ўртасида кимдир унинг қулоғига шивирлаб, содир бўлган ҳодисани айтди ва томоша бўлиниб қолди. Уйга кирган Аурелиано Иккинчи хунук, оқариб кетган, қора билакбандли, нафис кафанга ўралган қариқизнинг жасадини кўриш учун оломонни туртиб-суртиб ўтишга мажбур бўлди. Тобут меҳмонхонада, хатлар солинган қутининг ёнида турарди.

Амарантанинг ўлимидан сўнг тўққиз кун ўтганда Урсула ётиб қолганча қайтиб турмади. Санта Софья де ла Пьедад унга қараб туришни ўз зиммасига олди. Аёл кампирга овқат, ювингани сув келтирар ва Макондода бўлиб ўтаётган воқеалар ҳақида гапириб берарди. Аурелиано Иккинчи ҳам Урсулани дам-бадам йўқлаб келар ва ҳар сафар унга турли кийим-кечаклар келтирарди. Урсула уларни каравоти ёнига тахлаб кўярди. Энди қўли етадиган масофада бутун бир олам бунёд этганди. У ўзига жуда-жуда ўхшаб кетувчи Амаранта Урсуланинг муҳаббатини қозонди ва қизчага ўқишни ўргатди. Урсуланинг кўзи ожизлигини билишса-да, ҳеч ким унинг батамом кўр бўлиб қолганига ишонмасди. Бўш вақтнинг кўплиги ва ички бир осойишталик Урсулага хонадон ҳаётини кузатиш имконини берарди. Шу боис, у энг аввало Меменинг сассиз дардларини сезиб қолди.

— Бу ёққа кел, — деди у қизга.— Иккимиз холи эканмиз, мен бечора кампирга дардингни бемалол айтавер.

Меме уялинқираб жилмайганча, суҳбатдан қочмоқчи бўлди. Урсула кўп қистаб ўтирмади, аммо Меме олдига бошқа келмай қўйганидан сўнг унинг шубҳаси кучайди. Урсула Меменинг одатдагидек эрта туришини ва то уйдан чиқиб кетадиган вақтгача бир дақиқа ҳам тинч турмаслигини, кечалари ухлолмай, у ёндан-бу ёнга ағдарилиб чиқишини, қўшни хонадаги капалак унинг уйқусига ҳалақит беришини биларди. Бир куни Урсула Меменинг, отамнинг олдига боряпман, деганини эшитди. Аммо ордан сал фурсат ўтмай, Аурелиано Иккинчи келиб, қизининг қаердалигини сўраганида ҳеч нарсадан шубҳаланмаган Фернанданинг фаҳмсизлигидан ҳайратга тушди. Меменинг маҳфий юмушлари, кечиктириб бўлмайдиган ваъдалари, сирли ташвишлари шу қадар кўпайиб кетгандики, бу нарса то

Фернанда кизини кинода бир эркак билан ўпишаётганини кўриб, бутун уйни оёққа турғизганидан анча илгарийёқ Урсулага ойдай равшан эди.

Изтиробга кўмилган Меме сиримни Урсула очиб кўйган, деб ўйларди. Аслида эса у ўзини ўзи фош қилган эди. У кўпдан буён кетидан ҳатто кўрларда ҳам шубҳа уйғотувчи из қолдириб келар, Фернанда уларни табиий ғайблар билан махфий суҳбатларга берилиб, алаҳсиб қолгани боис сал кечроқ пайқаган эди. Шундай бўлса-да, у ахири кизининг гоҳо узоқ вақт индамаслигини, гоҳо тўсатдан сесканиб тушишини, кайфияти кескин ўзгаришини ва ўзбилармон бўлиб қолганини пайқади. Фернанда Мемени яширинча кузата бошлади. Дугоналари билан сайрга чиқишга рухсат берар, шанба байрамларида кийинишига ёрдамлашар, лекин хушёр торттирадиган ўринсиз саволлар бермасди. Меме унга бир нарсани айтиб, аслида эса бошқа нарса қилишини исботловчи анчагина далиллар тўплаган бўлса-да, асосий далилни кутиб, ўз гумонини билдирмасди. Бир куни кечқурун Меме отаси билан кинога боришини айтди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Фернанда Петра Котеснинг уйидан учирилаётган байрам мушакларининг қарсиллашию Аурелиано Иккинчи чалаётган аккордеон садоларини эшитди. Шунда у атай кинога борди ва ним қоронғиликда биринчи қаторда ўтирган кизини кўрди. Шубҳаси тўғри чиққанидан ҳаяжонга тушган Фернанда Мемени ўпган эркакни яхшилаб кўриб олишга улгурмади, лекин қийқирув, хуштак ва қулокни батанг қилидиган қаҳқаҳа орасида унинг ҳаяжонли товушини, «Кечир мени, севгилим», деганини эшитди ва шу заҳотиёқ, ҳеч нарса демасдан, кизини залдан тортиб чиқди ва гавжум Турклар кўчаси бўйлаб шармандаларча судраб, уйга олиб келди-да, ётоқхонасига камаб кўйди.

Эртасига эрталаб соат олтида Фернанда уйларига атайин йўқлаб келган одамни товушидан таниди. У ёш бўлиб, қайғули кўринарди. Меҳмон тўзиган сурп костюмда эди, сал кўримлироқ кўриниши учун тиришқоқлик билан бўялган эски туфли кийиб олган, кўлида эса ўтган шанбада сотиб олган арзон шляпаси бор эди. У чўчиди, лекин обрў сақлади, эсанкирамади, ўзини шундай туггани учун Фернанданинг таҳқирларидан асраб қолди. Оғир меҳнатдан кадоқ бўлган кир-чир қўлларини ҳисобга олмаганда, йигитда қандайдир туғма олижаноблик сезилиб турарди. Лекин Фернандага бу одамнинг оддий ишчи эканини билиш учун бир марта боқиши кифоя эди. Аёл йигитнинг биттагина кўчалик костюми борлигини ва баданига банан компаниясининг марази сингиб кетганини пайқади. Уни оғиз очиргани кўймади. Ҳатто эшиқдан ичкари киришга рухсат бермади. Ўзи ўтмай эшикни ёпди, чунки уй сарик капалақларига тўлиб кетди.

— Йўқолинг! — деди Фернанда. — Номусли одамлар орасидан сиздақаларга ҳеч вақт ўрин бўлмайди.

Йигитнинг исми Маурисио Бабильоня эди. У Макондода туғилиб ўсган бўлиб, банан компаниясининг устахонасида механик ёрдамчиси эди. Меме у билан тасодифан, Патриция Браун билан автомобилда плантацияга бораётганида танишиб қолганди. Ҳайдовчи бетоб бўлганлиги учун машина ҳайдашни Маурисио Бабильоняга топширишган



эди. Меме шофёр билан ёнма-ён ўтириб, бутун бошқариш системасини кузатиб борганди. Маурисио Бабильоня унга худди штатдаги шофёр сингари, ҳаммасини аниқ қилиб тушунтирди. У пайтлар Меме жаноб Брауннинг уйига эндигина қатнай бошлаган ва автомобиль ҳайдаш аёлларнинг иши эмас, деб ҳисобларди. Шу сабабли ҳам, Маурисио Бабильонянинг назарий маълумотлари билан чекланиб, уни бир неча ой давомида қайта кўрмаган эди. Сайр мобайнида Меме йигитнинг мардонавор жозибаси диққатини тортганини, аммо фақат кўпол қўллари ёкмаганини ва уни, ўзини такаббуруна тутаркан, дея Патриция Браун билан муҳокама қилишганини эслади. Шанба кунларнинг бирида Меме отаси билан кинога борди ва яна Маурисио Бабильоняни учратди. У ўзининг ўша сурп костюмида бўлиб, сал нарида ўтирарди. Бу фильм уни унчалик қизиқтирмаётганини сезди. Фильм тугагач, Маурисио Бабильоня Аурелиано Иккинчи билан сўрашгани келди ва шунда Меме уларнинг танишлигини билди. Йигит қизнинг отасига одатда бошликларга кўрсатиладиган иззат-икром билан муомала қилди, чунки Маурисио Бабильоня илгари Ғамгин Аурелианога қарашли кичкинагина электростанцияда ишларди. Бу эса Мемени унинг такаббурлиги туфайли Бабильоняга нисбатан пайдо бўлган адоватдан халос этди. Улар салом-алиқдан нари ўтишмаган, хилватда учрашишмаган эса-да, бир кунги кечаси ногаҳон Меменинг тушига Маурисио уни кема ҳалокатидан қутқариб қолгани, у эса ташаккур билдириш ўрнига қаҳр-ғазабдан тўлиб-тошгани кирди. Тушида гўёки у ўзини Маурисио Бабильонянинг ихтиёрига топширгандек бўлиб қолди, аслида эса қиз нафақат Маурисио, балки унга мафтун бўлган ҳар қандай эркакдан бошқача муносабатни зўр иштиёқ билан кўмсарди. Уйғонганида эса Маурисиони ёмон кўриб қолмаганини, аксинча, у билан учрашишга зўр бир хоҳиш сезди. Ҳафта якунлар нар экан, унинг истаги янада ортиб, шанба кунги чидай олмайдиган даражага етди. Маурисио у билан кинода саломлашганида, қизнинг юраги кинидан чиқай деди. Меме илк бор қўл узатди ва Маурисио Бабильоня илк бор унинг қўлини сикди. Меме ҳаяжонини тута олмагани учун бир сония афсусланди, аммо унинг ҳам қўли терга ботгани ва муздай совуқ эканини сезгач, ўкинчи мамнуниятга айланди. Кечаси Мемега, агар Маурисио Бабильоняга унинг умидлари беҳуда эканини исботлай олмаса, ҳеч қачон ором билмаслиги аён бўлди. Қизнинг дугонаси Патриция Браунни автомобиль томоша қилишга кўндириш учун қўллаган найранглари ҳам самара бермади. Ниҳоят, малласоч америкаликнинг Макондога келганидан фойдаланиб, йигитни гўёки янги автомобилларнинг моделларини томоша қилиш баҳонасида гаражга етаклаб борди. Лекин Маурисио Бабильоняни кўрган заҳотиёқ, юраги у билан якка қолиш истагида ўртанаётганини тушунди. Шу он эшик бўсағасида пайдо бўлган Маурисио Бабильоня ҳам бу истагини пайкагани қизнинг жаҳлини чиқарди.

— Мен янги моделларни кўргани келдим, — деди Меме.

— Нима ҳам дердик, бу ёмон баҳона эмас, — дея жавоб берди йигит.

Мемени жавоб нақ куйдириб ўтгандек бўлди ва қиз Маурисио

Бабильоняни камситиш йўллари ахтара бошлади. Лекин йигит бунга имкон бермади. «Қўрқманг,— деди у товушини пасайтириб,— аёллар эркаклар дардида биринчи марта жинни бўлишаётгани йўқ.» Меме ўзини шу қадар ожиз ҳис қилики, ҳатто янги машиналарга ҳам киё боқмасдан гараждан чиқиб кетди ва туни билан каравотда у ёндан-бу ёнга тўхтовсиз ағдарилиб чиқди, ғазабдан ўпкаси тўлиб-тўлиб йиглади. Очиғини айтганда, унга бир вақтлар ёқа бошлаган малласоч америкалик Маурисионинг олдида гўдакдек туюларди. Худди ўша кезларда у сариқ капалаклар Маурисио Бабильонянинг келишидан дарак эканини сизди. Қиз капалакларни илгари ҳам гаражда кўрган ва ўзича уларни бу ерга бўёқ ҳиди олиб келган бўлса керак, деб ўйларди. Концертдами, кинодами, черковдаги ибодатдами, Меме сариқ капалакларни кўриб, Маурисио Бабильонянинг қаерда эканини аниқ айта оларди. Бир куни Аурелиано Иккинчи тинимсиз айланавериб жонига теккан бу капалакларга лаънат ўқиганида, Меме отасига ўз сирини айтиб қўйишига сал қолди: ахир, муҳаббати ҳақида унга гапириб беришга сўз берганди-да. Аммо нозик бир туйғу отаси бу гал ҳар сафаргидек: «Агар онанг билганида борми?» дея кулиб юбормаслигини айтиб турарди. Эрталаб, Фернанда билан Меме атиргулларни бутаётганида, Фернанда кутилмаганда дод солди ва жон талвасасида қизини турган жойидан четроққа етаклаб чиқди — боғнинг худди ўша еридан Гўзал Ремедиос осмони фалакка парвоз қилганди. Онанинг назарида ўша муъжиза такрор юз бериб, ҳозир қиз учиб кетадигандек туюлди. Аммо Фернандани аслида капалаклар саросимага солган эди. Улар Меменинг кўз олдида шу қадар кутилмаганда пайдо булишдики, гўё тўғридан-тўғри куёш тарафдан ёғду бўлиб учиб келишгандек эди. Қизнинг юраги шув этиб кетди. Ўша заҳотиёқ боққа Маурисио Бабильоня кириб келди ва кўлидаги қоғоз халтани тўкиб, Патриция Браун совға юборди, деб айтди. Меме уятдан қизаринди, лекин ўша заҳоти ўзини тутиб олди, илтифот юзасидан жилмайиб, менинг қўлимга лой юқибди, илтимос халтани галереяга элтиб қўйсангиз, деди. Фернанда йигитни илгари бир гал боғда кўрганини ҳам, остонадан ҳайдаб юборганини ҳам эслай олмади. У меҳмоннинг дардчил, заъфарон ранги-рўйига эътибор берди, холос.

— Жуда галати одам экан,— деди Фернанда.— Куни битгани юзидан билиниб турибди.

Меме, онам капалакларни ҳанузгача эсдан чиқармаган экан, деб ўйлади. Гулларни буташни тугатгач, қўлини ювди-да, қоғоз халтани ётоқхонасига олиб кириб очди. Халтада худди хитой ўйинчоқларини эслатувчи, бир-бирига кийдирилган бешта қутича бўлиб, охиригида ёзишни гўёки энди ўрганаётган одамнинг қўли билан «Шанба куни кинода кўришамиз», деган сўзлар битилган қоғоз ётарди. Меме роса қўриқиб кетди, чунки халта анча вақт галереяда турган ва Фернанда уни титиб кўрган бўлиши мумкин эди. Қизга Маурисио Бабильонянинг ботирлиги ва топқирлиги маъқул тушди. Аммо унинг учрашувга албатта келади, деган анойи ишончидан ранжиди. Меме шанба куни кечкурун отаси банд бўлишини биларди. Ўша ҳафта давомида шу қадар азоб чекдики, охири шанба куни отасидан, мени кинога кузатиб боринг,



сеансдан сўнг яна олиб кетасиз, деб ўтинди. Залдаги чироклар ўчгунича, унинг боши узра сариқ капалак бетиним айланди. Чироклар ўчди ва Маурисио Бабильоня ёнига келиб ўтирди. Меме гўё дахшатли гирдоб измига тушган, гўёки уни ёнида ўтирган, баданидан машина мойи анкиётган йигитгина кутқариши мумкин эди.

— Агар келмаганингизда,— деди у,— сиз мени бошқа ҳеч қачон кўра олмасдингиз.

Меме тиззасидаги йигитнинг оғир қўлларини ҳис қилди ва ана шу ондан бошлаб иккови ҳам ожиз эмаслигини тушунди.

— Нима менинг жаҳлимни чиқаради,— жилмайди у,— гапириш ножоиз нарсани айтиш сенинг одатинг.

Қиз уни телбаларча севиб қолди. У уйқусини, иштаҳасини йўқотди ва ёлғизликка юз тутдики, ҳатто отаси ҳам энди халал бераётгандек туюларди. Эндиликда қаерда ва қачон бўлмасин, Маурисио Бабильоня билан учрашиш учун Фернандани чалғитишга ярайдиган ваз-корсонлар рўйхатини тузди, дугоналарини тамом унутди. Олдинига қизга йигит кўполроқ туюларди. Улар биринчи марта гараж орқасидаги сайхонликда холи қолишганида, у Мемени шафқатсиз эзгилади ва тинка-мадорини қуритадиган ҳайвоний бир ҳолга келтирди. Кейинчалик Меме бу ҳам бир турфа эркалатиш эканини тушунди; бечора қиз оромини йўқотди, фақат севгилисининг ёди билан яшайдиган бўлди ва машина мойи ҳамда хлор жавҳарининг ақлни оздирадиган ҳидига бот-бот маст бўлишни истарди. Амаранта ўлмасидан сал илгари ногаҳон Меме сал хушёр тортди ва муҳаббатининг истиқболи ва келажакига ишонч йўқлигини англаб, аъзойи бадани титраб кетди. Сўнг қартада фол кўрадиган аёл борлигини эшитиб, яширинча ўшанинг олдига борди. Фолбин — Пилар Тернера эди. У Мемени кўриши биланок ҳамма гапни дарҳол тушунди. «Кел,— деди унга.— Буэндиаларга фол очиш учун қарта чийлаб ўтирмасам ҳам бўлаверади.» Меме юз ёшли бу алвастинамо кампир ўзининг катта бувиси эканини билмасди ва умрининг охиригача ҳам билолмади. Пилар Тернеранинг, севги азобидан фақатгина тўшак кутказади, деб айтган бепарда гапларидан кейин Меме бунга ишонмасди ҳам. Маурисио Бабильоня ҳам Пилар Тернеранинг фикрига мойил эди, аммо Меменинг йигитга ишонгиси келмас, у касби ишчи бўлгани учун ҳам шундай деяпти, деб ўйларди. Қизнинг фикрича, муҳаббатнинг бир тури иккинчи турини, албатта, нобуд қиларди, чунки оч одам еб тўйганидан кейин овқатга қарагиси келмай қолади-да. Пилар Тернера нафақат қизнинг саводини оширди, балки ўзи олдин Меменинг бобоси Аркадиони, кейин Аурелиано Хосени туққан тўр каравотини Меме билан йигитига бўшатиб беришга тайёрлигини айтди. У Мемага бемаврид ҳомиладорликдан қочиш йўлларини ўргатди ва бордию бундай бахтсизлик юз берган ҳолда, ҳомила тугул ҳатто «виждон азоби»дан ҳам халос этгувчи ичимликлар тайёрлаш учун махсус рецепт берди. Бу суҳбатдан сўнг Меме ўзида

худди дугоналари билан вино ичган кундагидек жасурлик сизди. Лекин Амарантанинг ўлими туйғайли ўйлаган режасини ортга сурди. Ўн кунлик маърака давомида уйга йиғилган одамлар орасида бемалол кезиб юрган Маурисио Бабильонядан бир зум ҳам ажралмади. Сўнгра узок давом этган аза ва мажбурий маҳбуслик севишганларни вақтинчалик бир-биридан айириб қўйди. Нихоят, азобли туткундан халос бўлиб, уйдан чиққан куни кечки пайт Пилар Тернераникига йўл олди. Қиз ҳеч бир уялмай, қаршиликсиз, нозу финоксиз, ғоят катта лаёқат ва доно туйғулар аён этган ҳолда ўзини Маурисио Бабильоня измига топширди. Сергумонрок эркак бўлса, унинг ҳолатини кўриб, э, бу аввал ҳам анча-мунчасини кўрган экан-да, деб ўйлаши ҳам мумкин эди. Қизини онаси зулмидан озод этиш истагида Меме ўйлаб топган ўзини оқлашга хизмат қилувчи ҳар қандай важларнинг тўғрилигини тасдиқловчи Аурелиано Иккинчининг беихтиёрлиги шериклиги паноҳида севишганлар уч ой давомида ҳафтасига икки мартадан бирга бўлишди.

Фернанда кинода Мемени Маурисио Бабильоня билан тутиб қолган кечаси Аурелиано Иккинчи виждони қийналиб, агар Меме ўзи ваъда қилганидек дилини ёрса, дарди ҳарна енгиллашади, деган умидда қизи қамаб қўйилган ётоқхонага келди. Лекин Меме ҳамма гапни рад этарди. У ўзига шунчалар ишонар, ўзининг ёлғизлигига шу қадар ёпишиб олгандики, Аурелиано Иккинчининг назаридаги барча алоқалари бутунлай узилиб қолган, улар орасида ҳеч қачон дўстлик тили бир бўлмаганидек, буларнинг бари ўтмишнинг саробидек туюлди. У балки собиқ хўжайинининг гапи уни йўлдан қайтаради деган хаёлда Маурисио Бабильоня билан гаплашмоқчи бўлганида, Петра Котес уни аёлларнинг ишига аралашуш яхши эмаслигига ишонтирди, шу тариқа иккиланганча хаёл денгизига ботиб, туткунлик қизининг азоб-уқубатига малҳам бўлади, деган умид билан ўзини юпантирди.

Меме заррача ҳам ғам чекмасди, аксинча, нариги хонада ётадиган Урсула унинг кечалари донг қотиб ухлашини, кундузи ўз ишларини хотиржамлик билан бажаришини, қанда қилмай овқатланишини ва овқатни ҳазм қилишда ҳеч бир қийналмаётганини биларди. Меменинг назорат остига олинганидан сўнг икки ойча ўтиб, Урсулага Меменинг ювинишга ҳамма қатори эрталаб эмас, балки ҳар куни кечкурун соат еттида бориши эришроқ туюлди. Бир куни Урсула унга, одатда кечкурун мўрчада чаёнлар кўпайиб кетади, сал эҳтиёт бўл, деб айтганида, илгари мени Урсула сотган деб юрган Меме, катта бувисидан ўзини олиб қочди. Урсула эзма панд-насихатлари билан қизнинг жонига тегмаслик учун индамай қўя қолди. Қош қорайиши ҳамоник уйни сариқ капалаклар босарди. Ҳар кеч мўрчадан қайтаётган Меме, қаҳр-ғазабидан қақшаб, дори пуркаганча капалакларни қираётган онасига дуч келарди. «Балои офат булар,— деб нола қиларди Фернанда.— Тунги капалаклар бахтсизлик келтиради, деб менга бир умр уқтириб келишган.» Бир куни Меме мўрчада ювинаётган пайт онаси унинг хонасига кириб, ҳаммаёқни капалак босиб кетганини кўрди. Уларни ҳайдаб чиқариш учун дуч келган латтани кўлига олди ва ҳар томонга сочилиб кетган, одатда бемаврид ҳомиладан асрайдиган хан-



тал қоғозларини кўриб, даҳшатдан қотиб қолди: улар билан Меменинг кечки чўмилишлари орасида қандайдир боғлиқлик борлигини тушунди. Энди Фернанда аввалгидек қулай фурсатни кутмади. У эртасигаёқ шаҳарнинг алькальдини (алькальд ҳам Фернанда каби тоғлик эди) тушликка чакириб, ундан ташқари ҳовлига кечкурунлари қоровул кўйдиришни сўради, чунки назарида унинг товукларини ўғирлашаётгандек туюларди. Орадан бир неча соат ўтганидан сўнг, мўрчага — чаёнлару сариқ капалаклар орасида шу ойлар давомида уни ҳар куни яланғоч, ҳаяжондан дир-дир титраб, интизорлик билан кутган Меменинг олдига тушиш учун томнинг черепицаларини кўчираётган Маурисио Бабилоньяни қоровул ўқ отиб ярадор қилди. Умуртқа поғонасига қадалган ўқ йигитни умрбод тўшаққа михлаб ташлади. Товук ўғриси деб ном чиқарган Маурисио Бабилонья, қариб, батамом ёлғизликда, бир марта ҳам нолимай, ҳеч нарсадан нафратланмай, ҳеч кимни сотмай, ширин хотиралар азобида, уни бир дақиқага бўлса-да, ташлаб кетмаган сариқ капалаклар қуршовида оламдан ўтди.

\* \* \*

Меме Буэндианинг ўғлини уйга олиб келишганида, Макондони титратган машъум воқеалар булути уфқда бўй кўрсата бошлаган эди. Шаҳар шунчалар саросимада эдики, оилавий жанжал ҳеч кимнинг юрагига сиғмасди. Фернанда фурсатдан фойдаланиб, чақалоқни яширмоқчи ва унинг дунёга келганини бутунлай сир сақламоқчи бўлди. У неварасини олиб қолишга мажбур эди. Гўдакни шундай бир тарзда олиб келишган эдики, Фернанда ундан воз кечолмайдиган аҳволга тушди. Шу сабаб, қалбнинг тубида туғилган режасини амалга ошириб, уни ҳаммомнинг ҳовузчасига чўктириб юборишга журъат этолмади. У болани полковник Аурелиано Буэндианинг устахонасига яшириб қўйди. Санта София де ла Пьедадни чақалоқни дарёдан оқиб келган саватдан топиб олдим, дея ишонтирди. Урсула эса унинг туғилиш сирини билмай оламдан ўтди. Фернанда болага овқат бераётганида беҳосдан устахонага кириб қолган кичкина Амаранта Урсула ҳам чақалоқнинг саватда оқиб келганига ишонди. Ўзининг ёвуз хатти-ҳаракатлари билан Мемени бахтиқаро қилган хотинидан батамом узоқлашган Аурелиано Иккинчи невараси борлигини фақат уч йилдан сўнг, невараси Фернанданинг алланарса билан машғул бўлганидан фойдаланиб, галереяга бир зумга югуриб чиққанида кўриб қолди; бола яланғоч эди, сочлари хурпайган, одамга эмас, кўпроқ комусларда тасвирланмиш одамхўрларга ўхшарди.

Фернанда ўзининг шум қисматидан бундай бешафқат қилиқни кутмаганди. Бола уйга Фернанда энди умрбод ҳайдаб юборишди, деб ўйлаган шармандалиқни яна қайтариб олиб келган эди. Ярадор Маурисио Бабильоньяни олиб кетишга улгурмаслариданоқ, у расвогарчиликнинг ҳамма изларини йўқотишнинг муфассал режасини тузиб чиққанди. Эри билан маслаҳатлашмай, эртасига ўз нарсаларини йиғиштирди; кичик чамадонга қизи учун уч сидра ич кийим жойлади

ва поезд жунаб кетишига ярим соат қолганида, Меменинг ётоқ-хонасига кириб келди.

— Кетдик, Рената, — деди унга.

Фернанда қизига ҳеч нарсани тушунтирмади, Меме эса буни кутмаган ва истамасди ҳам. У қаерга боришларини билмасди, аммо энди унга бари бир, ҳатто қушхонага ҳам боришга тайёр эди. У ташқи ҳовлида ўқ узилгани ва шу заҳотиёқ Маурисио Бабильоня оғриқдан дод солганини эшитган лаҳзадан бошлаб ҳеч нарса демади ва энди умрининг охиригача ҳеч нарса дея олмас эди. Онаси ётоқ-хонасидан чиқишни буюрганида Меме на сочини тараган, на ювинган эди. У ҳеч нарсага, ҳатто боши узра айланишаётган капалакларга ҳам эътибор бермай, худди ойпарастлардек поездга чиқди. Фернанда қизи атайлаб индамайптими ёки бошига тушган қулфатдан гунг бўлиб қолдими, буни асло билолмади ва билишни истамасди ҳам. Меме ўтмишда сеҳрланган ерлардан ўтишганини сезмай қолди. У темир йўлнинг ҳар иккала тарафидаги поёнсиз ва серсоя банан плантацияларини ҳам кўрмади. У гринголарнинг жазирама ва чангдан қовжираб қолган боғларини, оқ уйларининг айвонида ўтириб қарта ўйнаётган калта шимли эркаклару оқ-қўкиш нимчали аёлларни кўрмади. Меме банан ортилган араваларни чанг-тузонли йўллардан тортиб кетаётган ҳўкизларни кўрмади. У шаффоф дарёларда балиқлардай қувнаб ўйнашаётган ва дўнг кўкраклари билан поездлардаги йўловчиларнинг юрагига ғулғула солаётган қизларни, ишчилар истиқомат қиладиган ифлос ва хароб ёғоч уйчаларни кўрмади. Бу уйлар тева-рагида Маурисио Бабильонянинг сариқ капалаклари учишар, эшиклар ёнидаги тувакларда ориқ ва заҳил юзли болалар ўтиришар, поезд кетидан адабсиз сўзларни айтишаётган ҳомиладор аёллар туришарди. Илгари, қиз монастырь қошидаги мактабдан уйига қайтаётган пайт-лари бундай бир лаҳзали лавҳалар унинг учун нақ байрам эди, энди эса юрагига заррача ҳам таъсир қилмади, четлаб ўтди. Меме ҳатто намиққан ҳовур уфурувчи плантациялар тугаб, поезд испан кемасининг кўмирга айланган қолдиқлари ҳали ҳам қаққайиб турган қизғалдоқ даласини кесиб ўтиб, яна мусаффо ҳавога, бундан юз йил илгари қирғоқларида Хосе Аркадио Буэндианинг пуч хаёллари чил-парчин бўлган, суви ифлос ва кўпик босган денгиз ёнидан чик-қанда ҳам деразага қарамади.

Кундуз соат бешда водийнинг сўнги бекатига келишди ва Фернанда Мемени вагондан чиқарди. Улар ҳансираб зўрға нафас олаётган от кўшилган, кўршапалакка ўхшовчи экипажга чиқишди ва бу маъёв шаҳар оралаб юришди; унинг кўз илғамас кўчалари, денгиз тузидан шўрлаган замини узра Фернанда ёшлигида ҳар куни тушки уйку пайтида тинглаган куйга монанд мусиқа эшитиларди. Улар занг еб битирай деган темир деворларидан худди ўчоқдек иссиқ уфуриб турувчи, ёғоч гилдираги эса сувни парраги билан насос каби ҳовлаётган дарё пароходига кўтарилишди. Меме каютага беркиниб олди. Фернанда унинг каравоти олдига кунига икки маротаба овқат солинган ликопча қўяр ва ҳар сафар қизининг қўлиям тегмаган овқатни қайтариб олиб кетарди. Йўқ, Меме ўзини ўзи очликдан силласини қуритишга аҳд қилмаган, унга ҳозир ҳар қандай таом-



нинг ҳиди ёқмас, ошқозони ҳатто сувниям қайтариб ташларди. Фернанда бу ҳақда орадан салкам бир йил ўтиб, унга неварасини олиб келгунларича ҳеч нарса билмагани каби, Меме ҳам унга хантилли қоғозларнинг буғи ёрдам бера олмаганига шубҳа қилмасди. Темир деворларнинг доимий титраши ва пароход гилдираги дарё тубидан кўтараётган сув ўтларининг сассиқ ҳидидан нафаси қайтганча тор каютада бораётган Меме, кунларнинг ҳисобидан адашган эди. Энг сўнгги сариқ капалак вентиляторнинг паррагига тушиб нобуд бўлгани, Маурисио Бабильоня ўлгани ва энди уни ҳаётга қайтариб булмаслигини анлаганидан буён анча йил ўтганди. Аммо у севгилисидан воз кечмади. Улар Аурелиано Иккинчи ер юзидаги энг гузал аёлни кидирган, саробларга тўла саҳролардан ҳачир миниб ўтишаётганларида ҳам, ҳиндулар асос солган сўқмоқ орқали тоққа кўтарилиб, сўнг ўттиз икки черковнинг қўнғироқларидан таралаётган мотам куйига тўлган шаҳарнинг тош кўчаларига тушишганида ҳам Меме у ҳақда ўйлашни қўймади. Улар ташландиқ бир уйнинг бурганлар ўсган хонасида тунашди. Фернанда ерга ёзиб қўйган тахта-лар кўрпа вазифасини ўтади. У деразалардаги аллақачоноқ уводага айланган дарпардаларни олиб, яланг тахталарнинг устига тўшашди. Тана сал кимирлади дегунча дарпардалар кулга айланарди. Меме қаердаликларини билди, чунки уйқуси келмай ётганида узоқ рождество арафасида уйларига рух сандиқда юборилган қора либосли ка-бальеро ёнидан ўтганини кўриб, даҳшатдан титраб кетди. Эртаси кун ибодатдан кейин Фернанда мотамсаро бир бинога олиб борди. Меме, онасининг монастырь ҳақидаги қўп марта эшитган ҳикоялари боис, бу бинони таниди. Фернанда идорада ким биландир гапла-шаётганида, Меме испан епископларининг мойбўёқда чизилган қа-димий портретлари илинган қабулхонада ўтираркан, юпун кийингани учун (эгнида қора гулли юпка матодан тикилган кўйлак, оёғида эса саҳро музида тоб ташлаган баланд пошнали ботинка бор эди) совукдан дир-дир титрарди. Витражлардан тушаётган сариқ нурлар билан йўғрилган меҳмонхонанинг ўртасида тураркан, Маурисио Ба-бильоня ҳақида ўйлади, сўнг эса идорадан қўлида Меменинг уч сидра ич кийими солинган чамадончани кўтариб, роҳибанинг шогир-ди гузал киз чиқди. Мемега яқинлашгач, у қўлини чўзиб деди:

— Юр, Рената.

Меме унинг қўлини ушлаб, итоаткорларча эргашди. Фернанда кизини сўнгги марта кўрганида, у монастырь ҳовлисининг нариги тарафида бўлиб, ҳозиргина ёпилган темир дарвозанинг ортида ро-ҳиба шогирдининг қадамига мослаб қадам ташлаб борарди. Меме Маурисио Бабилонья, ундан анқийдиган машина мойи, йигитнинг сариқ капалаклардан иборат мулозимлари ҳақида ҳар кун, то қариб, Краков шаҳридаги зимистон бир шифохонада узоқ кузнинг эрта тонгида бир оғиз сўз айтмай, бегона одамнинг исми шарифида оламдан ўтгунига қадар ўйлади.

Фернанда Макондога қуролланган жандармачилар қуриқлаб келган поездга қайтди. Йўлда уни йўловчилар юзидаги жиддийлик, шаҳар ва қишлоқларнинг кўчаларидаги ҳарбий қўшинлар, содир бўлиши

муқаррар аллақандай воқеанинг шарпаси Фернандани таажжублан-тирарди, аммо Макондога етиб келмагунича ва унга Хосе Аркадио Иккинчи банан компаниясида ишловчиларни иш ташлашга ундаганини айтиб бермагунича, гап нимадалигини тушунмади. «Энди бизга шу етмай турувди,— деди ичиди Фернанда.— Оиламизда анархиячи пайдо бўлибди.» Иш ташлаш икки ҳафтадан кейин бошланди ва ҳамма хавфсирагани каби фожиавий якунланмади. Ишчилар якшанба куни банан узиш ва уни вагонларга юклашдан бош тортишди, уларнинг талаблари тамомила ҳаққоний бўлиб, ҳатто падре Антонио Исабель ҳам, худонинг иродасига мос, дея қўллаб-қувватлади. Бу ҳамда сўнгги ойлардаги бирданига бошланиб кетган бошқа иш ташлашларнинг ғалабалари шаҳарни француз фоҳишалари билан тўлдиришдан бошқа ҳеч нарсага ярамайди, деб халқ орасида ном чиқарган Хосе Аркадио Иккинчининг жўн шахсини ғоят машҳур қилиб юборди. У ҳеч қандай маънисиз кемасозлик корхонаси қуриш мақсадида бир вақтлар урушқоқ хўрозларини сотганидек жасорат кўрсатиб, банан компаниясида назоратчи бўлиб ишлашдан воз кечди ва ишчилар томонга ўтди. Орадани сал фурсат ўтмай, Хосе Аркадио Иккинчини жамоат тартибига қарши уюштирилган халқаро фитнанинг агенти, деб эълон қилишди. Ҳафтанинг даҳшатли миш-мишларидан қайғуга ботганича қоронғи тунда яширин йигилишдан қайтаётган Хосе Аркадио Иккинчини йўлда пойлаб туриб отган номаълум одамнинг тўрттала ўқидан ҳам мўъжиза қутқариб қолди. Сўнгги ойларда вазият шу қадар кескинлашгандики, буни ўзининг дунёни кўришдан маҳрум оламида бўлган Урсула ҳам сездди ва назарида у ўғли Аурелиано кўзғолон дардида оромини йўқотган ўша машъум кунларни яна бошидан кечираётгандек эди. У Хосе Аркадио Иккинчи билан ҳангомалашиб, бошидан ўтган тажрибасини баҳам кўрмоқчи бўлди, аммо Аурелиано Иккинчи унга суикасд уюштирилган ўша кечасидан бери Хосе Аркадио Иккинчининг қўшхонасини ҳеч ким билмаслигини хабар қилди.

— Аурелианонинг ўзгинаси,— ҳайратланди Урсула.— Ҳақиқатдан ҳам дунё айлана бўйлаб ҳаракатланаркан.

Фернанда бу кунларнинг ҳаяжонидан йироқда турарди. Меменинг тақдирини ундан сўрамай ҳал қилганлари учун дарғазаб бўлган эри билан қаттиқ жанжаллашгандан кейин у ташиқ дунёнинг ишларига аралашмай қўйди. Аурелиано Иккинчи кизини монастырдан албатта қутқаришни, агар лозим бўлса, бу ишда жандармларнинг ёрдамига таяниши мумкинлигини айтиб дағдаға қилганида, Фернанда унга Меме роҳибаликни ўз ихтиёри бўйича қабул этди, деган маънони аңглатадиган ҳужжат кўрсатди. Меме ҳақиқатда бу қоғозга монастырнинг темир панжарали дарвозасининг нариги томонида эканида, уни уйдан онаси олиб чиқишига қаршилиқ кўрсатмагани каби лоқайдлик билан имзо чекканди. Аурелиано Иккинчи Маурисио Бабильоня уйларига товуқ ўғирлагани келганига ҳеч қачон ишонмаганидек, Мемеге тааллуқли хотини кўрсатган бу ҳужжатнинг ҳақиқийлигига ишонмади, аммо Фернанданинг бу ҳар иккала изоҳи виждонини тинчлантиришга, ўзини қийнамасдан Петра Котеснинг



паноҳига яна қайтишга ва унинг уйида тагин кизгин вақтичоғлик, тўкин-сочин базмлар уюштиришга ёрдам берди.

Бутун шаҳарни қоплаган ваҳимадан бегона, Урсуланинг даҳшатомуз башоратларига парвои фалак Фернанда ўз режаси механизмининг сўнги мурватларини буради. У клерк<sup>1</sup> унвони олиш арафасида турган Хосе Аркадиога узундан узун мактуб йўллаб, унга синглиси Рената безгак иситмасига мубтало бўлгани ва бу оламни тарк этганини ёзганди. Кейин у Амаранта Урсулани Санта София де ла Пьедаднинг тарбиясига топшириб, табиби ғайблар билан Меменинг можаролари туфайли узилиб қолган ёзишмасини йўлга қўйди. У аввало телепатик операциянинг аниқ кунини тайинлади. Аммо улар Макондодаги тўполонлар босилмагунича операция қилиш жуда ҳам эҳтиётсизлик бўлади, деб жавоб қайтаришди. Ниҳоятда сабрсиз, атрофдаги воқеалардан чала хабардор Фернанда навбатдаги мактубида шаҳарда ҳеч қандай алғов-далғов бўлмаётгани, ҳамма гап илгари хўроз уриштириш ва кемасозлик шайдоси бўлган, эндиликда эса касаба союзда майнавозчилик қилаётган телбанома қайнисининг аҳмоқона қилиқларида эканлигини ёзиб юборди. Чоршанба куни жазирамада, ҳали бир қарорга келиб улгуришмаганда, уларникига қўлида сават кўтарган кекса роҳиба келди. Эшикни очган Санта София де ла Пьедад усти нафис тўрли сочик билан ёпилган саватни кўрач, кимдир бериб юборган совға деб ўйлаб, уни роҳибанинг қўлидан олмоқчи бўлди. Аммо кампир уни беришга рози бўлмади: унга саватни шахсан ва мутлақо махфий равишда Фернанда дель Карпио де Буэндиага топшириш бўйрилганди. Саватда Меменинг ўғли ётарди. Фернанданинг собиқ пири унга йўллаган хатида, бола икки ой илгари туғилди, онаси бир огиз ҳам гапирмагани учун истагини билолмадик, шу боис чақалокка бобосининг шарафига Аурелиано деб исм қўйишни ўзимизга эп кўрдик, деб ёзганди. Фернанда тақдирнинг бундай таҳкирига қарши ичида ғалаён кўтарди, лекин буни роҳибага сездирмасликка кучи етди.

— Масалан, уни дарёдан оқиб келган саватдан топиб олдик десак, — деди у жилмайиб.

— Бунга ҳеч ким ишонмайди.

— Ахир, Муқаддас китобда шундай дейилганига ҳамма ишонади-ку, — эътироз билдирди Фернанда. — Нега энди менга ишонишмас экан.

Ортга қайтадиган поездни кутаётган роҳиба уларникида тушлик қилишга қолди. Гарчанд, у бола ҳақида огиз очмаган бўлса-да, шармандаликка беихтиёр гувоҳ бўлиб турган бу кампирнинг сўхбати Фернанданинг юрак-бағрини эзарди, у ичида ўрта асрдаги удум — ёмон хабар келтирган элчини осиш одати қолиб кетган-да, деб пушаймон ерди. Шунда Фернанда, роҳиба жўнаб кетиши биланок чақалокни бассейнга чуқтириб юбораман, деб аҳд қилди, аммо бундай қилишга журъати етмади ва уни бу дардисардан худонинг чексиз марҳамати қутултирмагунича кутишга аҳд қилди.

<sup>1</sup> Клерк — айрим буржуа мамлакатларидаги идора хизматчисига бериладиган унвон.

Макондони қуршаган кескинлик дафъатан портлашга айланганида кенжа Аурелиано бир ёшга кирганди. Хосе Аркадио Иккинчи ва касаба союзнинг яширин иш олиб боришга ўтган бошқа раҳбарлари ҳафтанинг охирида тўсатган шаҳарда пайдо бўлишди ва банан зонасида намоишлар уюштиришди. Полиция тартибни сақлаш билан чекланди. Аммо душанбага ўтар кечаси касаба союз бошлиқларини ётган жойидан судраб чиқариб, оёқларига беш килоли кишан уришди ва провинциянинг бош шаҳридаги камокхонага олиб кетишди. Бошқалар қатори Хосе Аркадио Иккинчи ва Макондога сургун қилинган Мексика инқилобининг қатнашчиси, кимсан Артемио Крус<sup>1</sup>га қариндош ва унинг жасоратларини кўрган полковник Лоренсо Гавилани ҳам камокка олишди. Лекин орадан уч ой ўтар-ўтмас уларни қўйиб юборишди, чунки ҳукумат ва банан компанияси маҳбусларнинг овқатига кетадиган харажат хусусида бир битимга келолмаганди. Бу сафар ишчиларнинг норозилигига озиқ-овқат сифатининг пастлиги ва ғоят оғир меҳнат шароити сабаб бўлган. Бундан ташқари ишчилар уларга қоғоз пул эмас; балки бона, яъники маҳаллий ҳукумат томонидан чиқарилган вақтинчалик пул тўланаётганидан шикоят қилишар, чунки бонага компания магазиндан чўчка гўштидан бошқа ҳеч нарса харид қилиш мумкин эмасди. Хосе Аркадио Иккинчи бона системасининг моҳиятини фош қилгани учун камашган эди. У ушбу система компаниянинг савдо флотига кетадиган харажатни бирмунча камайтиришини, яъни банан ташийдиган кемалар қайтишда компания магазини учун мол олиб қайтишини, акс ҳолда кемалар Янги Орлеандан банан ортиладиган портларгача бўм-бўш келишини тушунтирди. Ишчиларнинг қолган эътирозлари турмуш шароити ва медицина хизматига тааллуқли эди. Компаниянинг врачлари беморларга мутлақо қарамасди. Беморлар шифохона ёнида навбатга тизилишар ва ҳамшира ким қандай дардга чалинганидан: бош оғриғими, ич оғриғими, катъий назар, ҳар бирининг тилига мис купоросига ўхшовчи думалоқ дори қўйиб чиқарарди. Бу шунчалар бемаъни даво эдики, болалар ҳам навбатга қайта-қайта туриб, ўзларига теккан думалоқ дориларни уйларига олиб бориб, лото ўйинида фишқалар ўрнида фойдаланишарди. Ишчилар қулай-қулай деб турган баракларда, ғоят тигиз бир аҳволда яшар эдилар. Ишчиларга ҳожатхона қуриб бериш ўрнига, рождествода ҳар эллик кишига биттадан кўчма ҳожатхона олиб келинди ва кўпроқ хизмат қилиш учун ундан қандай фойдаланиш кераклигини намоиш қилишди. Илгари полковник Аурелиано Буэндиани ҳоли-жонига қўймаган, қора сюртукли кекса адвокатлар эндиликда банан компаниясининг манфаатини ҳимоя қилишар, ишчилар қўйган барча айбларни минг хил найранг билан рад этишарди. Ишчилар томонидан тузилиб, бир овоздан маъқулланган петициянинг банан компаниясига расмий равишда бориб етгунича анча вақт ўтди. Жаноб Браун петициядан хабар топдию ўзининг ҳашамдор, ойнаванд томли вагонини поездга тиркаб, фирманинг кўзга кўринарли вакиллари билан Макондодан қочиб қолди. Келаси

<sup>1</sup> Артемио Крус — Мексика ёзувчиси Карлос Фуэнтеснинг «Артемио Круснинг ўлими» романининг бош қаҳрамони.



шанба куни ишчилар компания бошлиқларидан бирини, уни домига илинтиришга розилик билдирган аёл билан яланғоч ҳолда тутиб олишди ва петиция нусхасига имзо чекишга мажбур қилишди. Ғаламис қонунпарастлар эса судда бу одамнинг банан компаниясига мутлақо алоқаси йўқлигини таъкидлашди ва ўзини фирманинг одами қилиб кўрсатган ўша кимсани ҳукумат вакилларига айттириб, қаллоблиги учун қамашиб, ўзларининг ҳақ эканлигини исботламоқчи бўлишди. Кейинчалик ишчилар учинчи класс вагонида яширинча ўтирган жаноб Брауннинг ўзини ҳам қўлга туширишди ва петициянинг қолган нусхасига қўл қўйдиришди. Эртасига у судга қақирилганда, сочлари қорага бўялган бўлиб, соф испан тилида гапирди. Адвокатлар бу одам Алабама штатидаги Пратвилл шаҳрида туғилиб ўсган, банан компаниясининг бош директори жаноб Жек Браун эмас, балки Маккондода туғилиб ўсган ва шу ерда Дагоберто Фонсека дея исм олган киши эканини исботлашди. Ишчилар жаноб Браунни яна бир бор қўлга киритишга уринишганидан сўнг, қонунпарастлар жамоат жойларига элчихонанинг консули ҳамда маслаҳатчилари томонидан имзоланган, жаноб Брауннинг ўлимини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаларини илиб қўйишди, унда бош директорни Чикагода ёнғин ўчирувчи машина босиб кетгани айтилган эди. Бу мунофиқ ҳийлалардан толиққан ишчилар маҳаллий ҳукуматдан қўлни ювиб қўлтиққа уришди-да, олий суд органларига шикоят билан мурожаат қилишди. Аммо у ердаги лўттибоз қонуншунослар ҳам, банан компаниясининг иши мавсумий бўлгани сабабли ишчиларни доимий хизматга тортиши мумкин эмас ва демак, ишчиларнинг талаблари мутлақо қонунсиз, деб айтишди. Шундай қилиб, дудланган чўчка гўшти, шифобахш дорилар ва рождество ҳожатхоналари ҳақидаги гўёки уйдирма гапларга чек қўйилди ва суд тантановор бир ҳолда банан компаниясида умуман ишчилар бўлмаган, деб эълон қилди.

Катта иш ташлашлар бошланди. Плантациялардаги ишлар таққа тўхтади, мевалар чирий бошлади. Бир юзу йигирма вагондан иборат эшелонлар темир йўл шоҳобчасида ҳаракатсиз ётарди. Шаҳар ва қишлоқлар ишчилар билан тўлиб-тошди. Турклар кўчасидаги «Ёқуб меҳмонхонаси»нинг бильярдхонасини навбат кутаётган ўйинчилар босиб кетганди. Армия жамоат тартибини қайта тиклаш учун буйруқ олган куни Хосе Аркадио Иккинчи бильярдхонада эди. Гарчи, у башорат қилиш хусусиятига эга бўлмаса-да, бу хабарни полковник Херинельдо Маркес уни одамларнинг отилишини кўрсатишга олиб борган ўша узоқ тонгдан бери кутаётган ўлим даракчиси, дея қабул қилди. Кўнгилдаги ғашлик Хосе Аркадио Иккинчини доимий сиполик одатидан маҳрум эта олмади. У кий билан шарни урди-да, кўзда тутилган кармболни<sup>1</sup> амалга оширди. Анчадан сўнг кўчадан эшитилган барабанларнинг гумбури, горннинг овози ва кий-чув товушлари нафақат бильярд ўйини, балки у ўша қатл тонгидан бошлаб ўзи билан олиб бораётган барча сассиз ўйинларнинг тугганидан дарак берди. Шунда у кўчага чиқди ва тўпланган учта полкни

<sup>1</sup> Кармболь — бильярд ўйинида бир шар билан иккинчисини уриб учинчисига теккизиш ва шу тарзда уни тўрға тушириш.

кўрди. Барабан садолярию бир маромда ташланаётган қадамлардан ер ларзага келарди. Чарақлаган чошгоҳ бу кўпбошли аждаҳо нафасидан анқиётган қўланса ҳидга кўмилиб кетганди. Солдатлар ҳаммаси паст бўйли, йўғон ва дагал эди. Улардан терлаган от ҳамда офтоб киздирган хом тери ҳиди келар, бу одамларда тоғликларга хос сассиз ва яширин довьюраклик сезилиб турарди. Гарчанд, Хосе Аркадио Иккинчининг ёнидан қарийб бир соатдан буён ўтиб боришса-да, солдатларнинг сони оздай эди. Улар бир неча бўлинмадан иборат бўлиб, айлана бўйлаб бетиним бориб-келишаётгандек туюларди, чунки солдатлар худди бир онанинг фарзандлари каби бир-бирига ўхшарди. Улар сафар халталари ва флягалари залвори остида найзали милтиқлар келтирган исноду кўр-кўрона итоатгўйлик ва ор-номус вабосини бир хилдаги бефаҳмлик билан кўтариб боришарди. Урсула ўзининг кўрлик дунёсида ўтириб, гурс-гурс қадамларни эшитди ва бармоқларини букканча, қўлини тепага қўтарди. Санта София де ла Пьедад гул тикилган дастурхонни дазмоллай туриб, бир лаҳзага қотиб қолди ва «Ёкуб меҳмонхонаси» эшиги ёнида туриб, саф бўлиб ўтаётган сўнги солдатларга қараётган ўғли Хосе Аркадио Иккинчи ҳақида ўйлай бошлади.

Ҳарбий ҳолат қонунларига кўра, қўшинлар ушбу можарода ўз зиммасига воситачиликни олиши керак эди. Лекин аслида иккала томонни яраштириб қўйиш учун ҳеч нарса қилинмади. Солдатлар Макондонинг у бошидан-бу бошига юриб, кучларини кўз-кўз қилишгач, милтиқларини найзалари билан бир-бирига суяб қўйишиб, роса банан узишди, кейин уларни поездларга орта бошлашди. Шу пайтгача хотиржам турган ишчилар, қўлларига мачете кўтариб, штрейкбрехерлар<sup>1</sup>га қарши чиқишди. Улар компания кўрғони ва магазинларга ўт қўйишди, телефон ҳамда телеграф симларини узиб ташлашди, пулемётдан ўқ узиб ўзига йўл очаётган поездларнинг ҳаракатини тўхтатиш учун темир йўлларни бузишди. Ариқларда сув билан қон қўшилиб оқди. Солдатлар электрлаштирилган паррандахонада ўтирган, бирорта тукиям тўкилмаган жаноб Брауннинг оиласи ва унинг ватандошларини хавфсиз жойга элтишди. Ҳокимлар ишчиларга, Макондога тўпланинглар, дея мурожаат қилишганда можаро бешафқат ва қирғинбарот граждандар урушига айланиш арафасида турарди. Мурожаатда: келаси жума куни вилоятнинг граждандар ва ҳарбий ҳокими келиб, можарони кўриб чиқади, дейилган эди.

Хосе Аркадио Иккинчи жума куни эрталабдан станцияга борганлар орасида эди. У касаба союз раҳбарларининг яқинда бўлган йиғилишида қатнашганди. Йиғилишда унга ва полковник Гавиланга халқ ичиға кириш ва шароитга қараб унинг ҳаракатларини бошқариш топширилди. Хосе Аркадио Иккинчи ўзини беҳузур сезарди. Қўшинлар станция ёнидаги майдон теграсига пулемёт ўрнатганини, банан компаниясининг темир панжара билан ўралган қўрғончаси тўплар билан ҳимоя қилинаётганини эшитганидан сўнг, оғзида аллақандай шўр ва тахир бир таъм сездди. Соат ўн иккиларда станция

<sup>1</sup> Штрейкбрехер — забастовка пайтида иш ташламаган ёки ишни давом эттириб, ишчилар синфига хиёнат қилганлар.



ёнидаги майдон ва майдонга туташ кўчаларда кечикаётган поездни кутаётган уч мингдан зиёд одам — ишчилар, аёллар ва болалар тўпланди. Дастлаб, бу йиғин байрам сайлига ўхшаб кетарди. Турклар кўчасидан соябонли столлар ва ичимликлар сотиладиган дўконлар келтиришгач, халқ интиқлик ва жазирама азобидан сал қутулгандек бўлди. Соат учларга яқин, расмий шахслар тушган поезд узоги билан эртага кундузи келади, деган гап тарқалди. Кутавериб ҳафсаласи пир бўлган оломон чуқур хўрсинди. Тўртта пулемётнинг оғзи одамларга қаратилган станция павильонининг томига чиққан қандайдир лейтенант ҳаммани осойишталикка чақирди. Хосе Аркадио Иккинчининг ёнида тахминан тўрт ва етти ёшларда бўлган икки ўғлини эргаштириб олган семиз, яланг оёқ аёл турарди. У кичик ўғлини кўтариб олди ва Хосе Аркадио Иккинчини танимаса-да, катта ўғлимни кўтариб олинг, яхшироқ эшитсин, деб илтимос қилди. Хосе Аркадио Иккинчи болани елкасига ўтказди. Орадан кўп йиллар ўтгач, бу бола ўшанда лейтенантнинг вилоят ҳукмдори чиқарган тўртинчи номерли декретини оғзига граммофон карнайи тутиб ўқиганини кўрганини айтганида, унга ҳеч ким ишонмайди. Декретда генерал Карлос Кортес Варгас ва унинг секретари майор Энрике Гарсиа Ичасанинг имзоси билан саксон сўз ва уч моддадан иборат бу ҳужжатда иш ташлаганлар «жиноятчилар тўдаси» деб эълон қилинган ва солдатларга уларга қарата аямай ўқ узиш учун ваколат берилган эди.

Декрет қаттиқ норозилик уйғотди. Шунда томдаги лейтенантнинг ўрнини капитан эгаллади ва граммофон карнайини силкитиб, гапирмоқчи эканини билдирди. Оломон яна жимиб қолди.

— Хонимлар ва жаноблар, — деди капитан паст ва сал толиққан товушда, — тарқалиб кетиш учун ихтиёрингизда беш минут вақт бор.

Муҳлат саноги бошланишидан дарак берувчи горн садоси ҳуштак ва кичқариқларга кўмилиб кетди. Ҳеч ким жойидан қимирламади.

— Беш минут ўтди, — деди капитан ўша овозда, — яна бир минутдан сўнг ўт очилади.

Муздай терга ботган Хосе Аркадио Иккинчи болани елкасидан тушириб, онасига берди. «Бу аблаҳлар отишдан ҳам тоймайди», деб пичирлади аёл. Хосе Аркадио Иккинчи унга жавоб қайтаришга улгурмади, чунки у шу минутдаёқ аёлнинг гапини худди акс садо каби баланд товушда такрорлаган полковник Гавиланнинг дўриллоқ товушини эшитди. Вазият кескинлиги ва одамни ҳайратга солувчи осойишталикдан маст бўлган, шунингдек, ажалнинг даҳшатли нигоҳидан қотиб қилган оломонни жойидан кўзғатадиган куч йўқлигига ишонч ҳосил қилган Хосе Аркадио Иккинчи, оёғининг учида хиёл кўтарилди-да, олдинги қатордагиларнинг боши узра, умрида биринчи марта овозини баланд кўтариб кичқирди:

— Аблаҳлар! Шу бир минутни кетларингга тиқинглар!

Бу сўзлар жаранглаб бўлиши биланоқ, Хосе Аркадио Иккинчида даҳшат эмас, балки бўлаётган воқеалар ноаниқ, деган тасаввур уйғотган аллақандай тасаввур пайдо бўлди. Капитан ўт очишни буюрди ва бирдан ўн тўртта пулемёт ўқ уза бошлади. Аввалига бари ҳазилга ўхшаб туюлди. Гуё пахтавон ўқ отилаётгандек эди: пулемётлар қулоқни батанг қилиб отилар, ғазаб билан олов пурқар, аммо

тиғиз турган оломон орасидан на бирорта бакирик, на хўрсиниш эшитилар, гўёки бир дақиқада ҳаммалари ўқ ўтмайдиған тошга айланиб қолғандай эди. Ва бирдан кимдир: «А-а-а-а-, онажон!» дея ўлим талвасасида додладию майдондаги қарахтликни тарқатиб юборди. Гўё кучли бир зилзила ёки вулкон тийиксиз бир тошқин оломонни ларзага солди. Хосе Аркадио Буэндиа болани қўлига олишга зўрға улгурди. Кичик ўглини кўтариб олған аёлни эса саросимадан югураётган оломон нарига суриб кетган эди.

Орадан кўп йил ўтгач, қўшнилари ақлдан озған чол дея таҳкирлайдиған ўша бола Хосе Аркадио Иккинчи уни боши узра қандай кўтаргани ва гўёки ҳавода муаллақ туриб, оломонни қамраған даҳшат ичра сузиб, одамларни майдонга туташ кўчага бошлаганини бетиним гапирарди. Бола тепада туриб, айқаш-уйқаш оломон кўча бурчагига бурилганини ва у ердаги пулемётлардан ўқ узилганини кўрди. Кўпчилик бирварақайига: «Ётинглар! Ётинглар!» деб қичқирди.

Биринчи қатордагилар пулемёт ўқларидан қулади. Тирик қолғанлар эса ерга ётиш ўрнига яна майдон томон бурилишди. Шунда даҳшату саросима аждаҳоси уларни думи билан уриб, пулемётлар бетиним отилаётган нариги кўчадан чиққан одамлар тўлкинига томон ирғитиб юборди. Одамлар қўрадаги мол қаби қамалиб қолишганди. Улар асте-секин ўз домига торта бошлаган баҳайбат гирдоб ичра айланишарди, чунки гирдоб теграсини, худди пиёз арчилгани қаби, пулемётлар ўти кесиб турарди. Бола сирли бир сабабга кўра ўқ тегмаётган яланг жойда тиззаларини букиб чўқинаётган аёлни кўриб қолди. Оломон тўлкини ўша бир парча ерни, чўқинаётган аёлни, чарақлаб турган осмону ва Урсула Игуаран ўзининг беҳисоб хўрозқандини сотиб улгурган бу қабиҳ оламнинг бус-бутунича ютиб юборишига бир лаҳза қолганида, Хосе Аркадио Иккинчи юзлари қонга беланиб қулаб тушарқан, болани беҳавотир бир жойга ирғитишга улгурди.

Хосе Аркадио Иккинчи ҳушига келганида чалқанча ётар ва атроф қоронғи эди. У қандайдир узундан-узун, шовқинсиз поездда кетаётганини тушунди: бошини қотиб қолған қон қатлами сиқиб турар, суяклари сиркираб оғрирди, қаттиқ уйқуси келарди. Бу ерда, барча даҳшат ва разилликлардан беҳатар жойда, бир неча соат мизғиш ўйида Хосе Аркадио Иккинчи камроқ оғриётган ёнига ағдарилди ва шундагина мурдалар устида ётганини англади. Бутун вагон ўликларга тўла, фақат ўртада озгина бўш жой қолған эди. Мурдаларнинг совуқлигига қараганда, хунрезлик ниҳоясига етганидан бери уч-тўрт соат ўтгани билинарди. Қолаверса, ўликларни поездга ортқан одамлар уларни банан юклагандек саржин қилиб жойлаштиришга ҳам улгурган эдилар. Хосе Аркадио Иккинчи вагонма-вагон ўтиб, паровоз тарафга қараб эмақлади, поезд уйқуга кетган шаҳарлардан ўтганида, вагон тирқишларидан тушган ёруғда худди чириган бананлар қаби денгизга улоқтириб юбориш учун олиб кетилаётган ўлик эркакларни, ўлик аёлларни, ўлик болаларни кўрди. Хосе Аркадио Иккинчи улардан иккитасини — майдонда шарбат сотиб юрувчи аёл билан полковник Гавиланни таниди. Полковникнинг қўлида ҳамон тўғаси мексика қумушидан қилинған камар бор эди, у саросимага тушған оломон



орасидан шу камар ёрдамида ёриб утишга уринган эди. Биринчи вагонга етган Хосе Аркадио Иккинчи қоронғилик қаърига сакради ва сўнги вагон ўтиб кетгунга қадар темир йўл бўйидаги ариқчада ётди. Умри бино бўлиб кўрган энг узун поезди шу эди — қарийб икки юзта юк вагонидан иборат составнинг бошига, охирига ва ҳатто ўртасига ҳам паровоз тиркалганди. Поездда на қизил, на яшил чирок бор эди, у рельслардан деярли товуш чиқармай, шиддат билан сирғаларди. Вагонларнинг томларига ўрнатилган пулемётлар ёнида солдатлар қорайиб кўринарди.

Ярим кечага яқин жала қуя бошлади. Хосе Аркадио Иккинчи қаерда тушиб қолганини билмасди, лекин поезд келган тарафга қараб юраверса, бора-бора Макондодан чиқишини англарди. Хосе Аркадио Иккинчи кийимлари шалаббо бўлиб, боши тарс ёрилгудек оғриб, ғира-шира тонг пайти шаҳарча четидаги уйларга етди. У кофе хиди анқиётган ошхонага кирди ва қўлида боласини кўтариб ўчоқ олдида турган аёлни кўрди.

— Салом,— деди зўрға.— Мен Хосе Аркадио Иккинчи Буэндиа бўламан.

У тирик қолганига батамом ишониш учун исми ва фамилиясини тўлиқ, ҳарфма-ҳарф айтди. Шундай қилгани яхши бўлди, чунки аёл эшик ёнидаги ғамгин, ҳорғин, қонга беланган ва манглайига ажал тамғаси урилган бу одамни кўриб, уни арвоҳ деб ҳаёл қилган эди. Аёл Хосе Аркадио Иккинчи кийимлари ўчоқ устида қуригунча ўраниб олиши учун кўрпа олиб келди, ярасини ювгани сув иситди, бошини танғишга тоза латта берди. Сўнг кичкина чашкада қандсиз кофе келтирди — аёл Буэндиалар кофени қандсиз ичишини эшитганди, кийимларини эса ўчоқ устига илиб қўйди.

Хосе Аркадио Иккинчи кофени ичиб бўлгунча бирор оғиз ҳам гапирмади.

— Улар уч мингтача эди,— деб шивирлади у.

— Нима?

— Ўлганлар,— деб тушунтирди Хосе Аркадио Иккинчи.— Менимча станцияга тўпланган барча одам.

Аёл унга таассуф билан қаради. «Бирортаям одам ўлгани йўқ,— деди у.— Полковник Аурелиано Буэндианинг давридан буён Макондода ҳеч қандай воқеа рўй бермади». Хосе Аркадио Иккинчи то уйига етгунча учта ошхонага кирди, учаласида ҳам: «Бирорта одам ўлгани йўқ», деб айтишди. У вокзал майдонида батартиб тахланган столларни кўрди, ҳунрезликдан гўё из ҳам қолмагандай эди. Ёмғир бетиним ёғаётган кўчалар бўм-бўш, маҳкам беркитилган уйларда ҳаётдан бирортаям нишона йўқ эди. Эрталабки маросимга қорлаётган кўнғироқларгина бу ерда ҳаёт борлигига яккаю ягона гувоҳ эди. Хосе Аркадио Иккинчи полковник Гавиланинг эшигини қокди. У илгари бир неча бор кўрган ҳомиладор аёл эшикни қарс этиб ёпиб қўйди. «У кетди,— деди аёл чўчиб,— Ватанига қайтиб кетди». Электрлаштирилган паррандахонага кираверишда одатдагидек иккита маҳаллий полициячи турарди. Улар эгниларидаги плаш ва катак-катак шимда ёмғир остидаги тош ҳайкалларга ўхшаб кетишарди. Четроқ кўчада Антил оролларида келиб қолган негрлар

диний кўшиқлар айтишарди. Хосе Аркадио Иккинчи ҳовли деворидан ошиб ўтиб, ошхонага кирди. Санта София де ла Пьедад унга ярим шивирлаб: «Эҳтиёт бўл, яна сени Фернанда кўриб қолмасин, у ҳали уйғок», деди. Аёл ўғлини «тувакхона»га бошлади, Мелькиадеснинг тўзиган йиғма каравотига жой солиб берди, кейин кундузи соат иккида, Фернанда уйқуга кетганида яна бир хабар олиб, Хосе Аркадио Иккинчига деразадан овқат узатди.

Аурелиано Иккинчи жала боис ўз уйида тунади ва эртаси соат учгача ҳам ҳаво очилиб кетишини кутди. Санта София де ла Пьедад унинг қулогига секингина, уканг келди деб айтди. Аурелиано Иккинчи Мелькиадеснинг хонасига борди. У ҳам на майдондаги хунрезликка, на поезд мурдаларни денгизга олиб кетишганига ишонди. Чунки кеча кечкурун Макондода ҳукуматнинг фавқулоддаги расмий ахбороти эълон қилиниб, унда ишчилар вокзални тарк этишга берилган буйруққа бўйсуниб, саф-саф бўлиб уйларига тинчгина тарқалгани айтилган эди. Шунингдек, ахборотда касаба союзнинг юксак ватанпарварлик руҳидаги раҳбарлари ўз талабномаларидаги икки пункт: медицина хизмати ислоҳоти ва ба рақлар ёнидан ҳожатхоналар қуриш талаби билан чегаралангани ҳам халққа маълум қилинган эди. Сўнг Аурелиано Иккинчи ишчилар галаёнини бир ёқли қилишган ҳарбий ҳукмдорлар бу ҳақда жаноб Браунга маълум қилганини ва жаноб Браун ишчиларнинг янги талабларини қондиришга рози бўлиш билан бир қаторда, тузилган битимни компания ҳисобидан уч кунлик халқ сайли билан нишонлашга ваъда берганини эшитди. Аммо ҳарбийлар жаноб Браундан битимни қачон имзолаш мумкин бўлади, деб сўрашганида, у чакмоқдан тез-тез ёришиб турган деразага қараб, мужмалроқ бир ишора қилгани ҳам маълум бўлди.

— Ҳаво очилиб кетсин,— деди у.— Биз ёгингарчиликда ҳар қандай ишни тўхтатиб турамиз.

Уч ой давомида ёмғир ёғмай, қурғоқчилик ҳукм сурди. Аммо жаноб Браун ўз қарорини эълон қилганидан сўнг бутун бананзорлар узра Хосе Аркадио Иккинчи Макондо йўлида учратган ўша жала қуя бошлади. Икки ҳафта ўтгач ҳам ҳукумат ихтиёридаги барча ахборот воситалари томонидан аҳолига минг бор уқтирилган расмий ривоят охири ҳар бир одамга зўрлаб текиштирилди ва талаблари қондирилган ишчилар уйларига кетишди, банан компанияси эса ишини то ёмғир тингунича тўхтатиб туришга аҳд қилди. Ҳарбий ҳолат тинмаётган сел туфайли содир бўлиши мумкин бўлган офат ҳамда фавқулодда қуриладиган чора-тадбирлар учун сақланарди. Қўшинлар энди казармага кўчишган эди. Солдатлар кундузлари шимларини тиззасигача қайтариб олиб, кўчалардан шиддат билан оқаётган сувда болалар билан биргаликда кемачалар оқизишарди. Кечаси, комендантлик соати бошланганидан кейин эса, улар милтиқларининг қўندоклари билан эшикларни бузиб, шубҳа остига олинганларни тўшакдан суғуриб, номаълум жойларга олиб кетишарди. Жиноятчиларни, қотилларни ҳамда тўртинчи номерли декретни бузганларни қидириш ва ўлдириш ҳанузгача давом этар, аммо ҳарбийлар қурбонларнинг тақдирини билиш учун гарнизон бошлиғи



идорасини тўлдиришган қавму қариндошлар олдида ҳам буни рад этишарди. «Менинг ишончим комилки, бу сизнинг тушингизга кириб чиққан, холос,— деб таъкидларди бошлиқ.—Мақондода ҳеч нарса содир бўлгани йўқ, ҳеч нарса бўлмаётир ва ҳеч қачон ҳеч нарса бўлмайди ҳам. Мақондо—толеи кулган шаҳар». Шу тариқа касабани уюшмасининг барча раҳбарлари нобуд этилди.

Ҳақат биргина Хосе Аркадио Иккинчи омон эди. Бир куни февраль кечаси уйнинг эшиклари милтиқ қўндоқларининг зарбидан ларзага келди. Уйдан чиқиб кетиш учун ҳанузгача ҳавонинг очилишини кутиб ўтирган Аурелиано Иккинчи эшикни очди ва плашчалари ёмғирда ивиб қолган лейтенант ва олти нафар солдатни кўрди. Улар ҳеч нарса демасдан хоналарни, шкафларни, ҳатто қазноқни ҳам тинтув қилишди. Урсула хонасига чироқ ёқилганда уйғониб кетди. Тинтув давом этаркан, нафасини ичига ютиб ётди, аммо бармоқларини хоч шаклида букиб уни солдатлар ўтган жойларга йўналтириб турди. Санта София де ла Пьедад Мелькиадеснинг хонасида ухлаб ётган Хосе Аркадио Иккинчини уйғотишга улгурди, лекин энди қочиб бўлмаслиги аён эди. Санта София де ла Пьедад эшикни қайта қулфлади. Хосе Аркадио Иккинчи қўйлаги ва ботинкасини кийиб, каравотда ўтирганича солдатларни кута бошлади. Бу пайтда солдатлар заргарлик устахонасини тинтув қилишарди. Офицер осма қулфни очишга буйруқ берди ва қўлидаги фонарини чаққон бир силтаб, хонани кўздан кечирди. У иш столи, витраж, кислота солинган шиша идишларни, уй соҳиби қаерда қолдирган бўлса, ўша ерда ётган асбоб-ускуналарни кўрди ва бу хонада ҳеч ким яшамаслигини тушунди. Лекин шундай бўлса-да, Аурелиано Иккинчидан заҳарханда билан, мабода заргар эмасмисиз, деб сўради, кейин бу ер полковник Аурелиано Буэндианинг устахонаси эканини тушунтирди. «Шундай денг!» деди офицер ва хонадаги чироқни ёқиб, жиддий тинтув ўтказишларини буюрди. Тинтувдан шишалар остидаги тунука банкада ётган ўн саккизта тилла балиқча ҳам омон қолмади. Офицер уларни столга ағдаргунча, ҳар бирини диққат билан кўриб чиқди ва шундан кейингина бир оз юмшади. «Агар рухсат берсангиз, битта балиқчани ўзимга олсам, деди у.— Улар бир вақтлар қўзғолончиларга хизмат қиларди, аммо ҳозир эса тарихий ёдгорлик ҳисобланади». У жуда ёш, деярли ўсмир бўлса-да, ўзига бино қўйган эди. Аурелиано Иккинчи тилла балиқчани ҳадя қилганида офицернинг кўзлари қувончдан худди болаларникидай порлаб кетди, балиқчани чўнтагига яширди, қолганларини эса банкага солиб, эски жойига қўйди.

— Бебаҳо совға бу,— дея таъкидлади у.— Полковник Аурелиано Буэндиа бизнинг энг буюк одамларимиздан бири эди.

Аммо кўнглининг бир зумга бўшагани унинг профессионал хатти-ҳаракатига заррача таъсир қилмади. Улар Мелькиадес хонасининг эшигига яқинлашганида Санта София де ла Пьедад энг сўнги ҳийласини ишлатди. «Бу ерда қарийб юз йилдан бери ҳеч ким яшамайди», деди у. Офицер хонани мажбуран очтирди-да, чироқ нурини хона бурчакларига йўналтирди ва нур Хосе Аркадио Иккинчининг юзлари бўйлаб сирғала бошлаганда Аурелиано Иккинчи ва Санта София де ла Пьедад унинг арабона кўзларини кўрди ва шунда

улар бу бир хатарнинг давоми ҳамда итоаткорлик йўли ила кутулиш мумкин бўлган иккинчи бир хатарнинг бошланиши эканини тушунди. Аммо офицер, то шкафга териб қўйилган етмиш иккита тувакка кўзи тушмагунча, ҳеч нарсани сезмай, хонани чироқ нурида текширишни давом эттирди. Тувакларни кўрганидан кейин тепадаги чироқни ёқди. Ҳар қачонгидан ҳам салобатли ва ўйчан, каравотнинг бир чеккасида ўтирган хосе Аркадио Иккинчи ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетишга тайёр бўлиб турарди. Унинг ортида титилган китоблару қўлёзмалар турган токчалар, сиёҳдон қўйилган тоза стол кўринарди. Хонада Аурелиано Иккинчига болалигидан таниш ўша шаффоф ҳаво, чанг ҳамда вайронагарчиликнинг кучи етмайдиган ва полковник Аурелиано Буэндиа сезмай ўтган вазият мавжуд эди. Аммо офицернинг бутун эътибори фақат тувакларга қадалган эди.

— Бу уйда қанча одам яшайди?— сўради у.

— Беш киши.

Афтидан, офицер ҳеч нарсага тушунмади. Унинг нигоҳи Аурелиано Иккинчи билан Санта София де ла Пьедад иккиси Хосе Аркадио Иккинчини кўриб турган жойга қадалди. Энди Хосе Аркадионинг ўзи ҳам ҳарбий унга қараётганини, аммо кўролмаётганини тушунди. Офицер чироқни ўчирди ва эшикни секин ёпиб қўйди. У солдатлар билан гаплашганидан сўнг Аурелиано Иккинчи Мелькиадеснинг хонасини полковник Аурелиано Буэндиа қандай кўз билан кўрган бўлса, ёш ҳарбий ҳам ўшандай кўзда кўрганини англади.

— Бу хонага ростдан ҳам юз йилдан буён ҳеч кимнинг назари тушмаган экан,— деди офицер.— У ерда, менимча, илонлар ҳам бўлиши мумкин.

Эшик ёпилганида Хосе Аркадио Иккинчи уруш ниҳоясига етганига ишонди. Бундан бир неча йил илгари полковник Аурелиано Буэндиа унга урушнинг тортиш кучи ҳақида гапириб берган ва фикрларини ўз ҳаёти мисоллари билан исботлаган эди. Хосе Аркадио Иккинчи унга ишонган эди. Аммо ўша кечаси, офицер уни кўролмай тикилиб турганида, охириги ойларнинг даҳшатини, қамоқдаги маразликларни, станция майдонидаги васвасани, ўликлар ортилган поездни эслади ва полковник Аурелиано Буэндиа ё қаллоб, ё жинни экан, деб ҳулоса чиқарди. Уруш ҳиссини тасвирлаш учун кўп сўз ишлатиш беҳуда, бунинг учун биргина «ҚЎРҚУВ» деган сўз кифоя. Сўнгги пайтларда бир сония ҳам хотиржам яшолмаган Хосе Аркадио Иккинчи ўзини ёмғир шовқинидан асраётган ва сеҳрли нурлари кўмагида кўзга кўринмас қилган Мелькиадеснинг хонасида ширин ҳаловат топди. Уни фақат бир нарса— ишқилиб, тириклайин кўмиб юборишмасин-да, деган хавотир безовта қиларди. У Санта София де ла Пьедадга бу ҳақда гапириб берганида, аёл ўғлига, сени тириклай кўмиб юборишмасликлари учун умримни чўзаман, дея ваъда берди. Ниҳоят, барча қўрқувлардан халос бўлган Хосе Аркадио Иккинчи Мелькиадеснинг қўлёзмаларини ўрганишга киришди, Уларни қанча кам тушунса, шунча кўп иштиёқ билан ўрганарди. Икки ойдан сўнг суқунатнинг янги шаклига айланиб қолган ёмғир шовқинига кўникди.

Унинг ёлғизлигини фақатгина Санта София де ла Пьедаднинг таш-



рифи бузарди. Хосе Аркадио Иккинчи онасидан овқатни дераза тоқчасига қўйиб кетишни, эшикни қулфлаб ташлашини сўради.

Хосе Аркадио Иккинчининг тутқунлигига ярим йил тўлиб, ҳарбийлар Макондони тарк этганларидан кейин, ҳамон ёмғир тинишини кутиб ўтирган Аурелиано Иккинчи озгина валақлашмоқчи бўлиб, хона қулфини очди. Хонага кириши биланоқ, димоғига туваклардан анкиган ўткир ҳид урилди. Полга тизилган ўнлаб тувакларнинг ҳаммаси ахлатга тўла эди. Сочлари тўкилиб кетган Хосе Аркадио Иккинчи нафасни қайтарувчи сасиққа эътибор ҳам бермай, қўлэзма ўқирди. Унинг бутун борлиғи худди фаришталар каби шуъла сочарди. Очилган эшикнинг товушини эшитиб, столдан кўз узди. Ақасига унинг нигоҳида катта боболарининг тузалмас қисмати яна бир қарра такрорланганини пайқаши учун ана шу бир лаҳза керак бўлди, холос.

— Улар уч мингдан зиёд эди,—деди Хосе Аркадио Иккинчи.— Имоним комилки, станцияга тўпланганларнинг сони шунча эди.

\* \* \*

Ёмғир тўрт йилу ўн бир ой ва яна икки кун ёғди. Баъзан у гўёки тинаётгандек бўлар ва бундай пайтларда Макондо аҳли ҳаво очилиб кетишига умид боғлаб, байрамона кийинишар, юзларида эндигина соғая бошлаган беморларнинг журъатсиз табассумига ўхшаш табассум пайдо бўларди. Аммо тезда айни шундай ҳолдан сўнг ёмғир янада қаттиқроқ куйиши аён бўлди. Момақалдиروқнинг қаттиқ гулдираши осмонни тилка пора қиларди; шимолдан Макондога кучли бўрон ёпирилди, у тошларни кўчириб кетар, деворларни қулатар, плантациядаги сўнгги банан дарахтларини таг-томири билан сугуриб ташларди. Аммо бу офат Урсула шу кунлари тез-тез эслайдиган уйқусизлик каби ўзига қарши қандай чора кўриш лозимлигини айтиб турарди. Аурелиано Иккинчи бекорчиликка қарши энг фаол курашчи эди. Жаноб Брауннинг совук нафаси туфайли куя бошлаган жала уни кечкурун аллақандай арзимас юмуш билан Фернанданинг уйига кириб қолган маҳали қаршилади. Фернанда эрига қайсидир шкафдан қидириб топган бузук соябонни берди. «Керак эмас,—деди Аурелиано Иккинчи.—То ёмғир тингунча мен шу ерда бўламан». Албатта, бу қасамёд бўлмаса-да, Аурелиано Иккинчи ўз сўзида қатъий туришга аҳд қилди. Унинг кийим боши Петра Котесникада қолгани ва энди у ҳар уч кунда усти бошини ювиш учун ечиб, битта трусиди кийимларининг қуришини кутарди. Зерикмаслик учун уйнинг рахтрехтини тузатишга киришди. Эшикларга ошиқ-мошиқ қоқди, қулфларни мойлади, тамбаларни мустаҳкамлади. Уни сўнгги ойларида, афтидан Хосе Аркадио давридаги лўлилардан қолиб кетган асбоб-ускуналар солинган кутини қўлтиғига қистирганча уйни кезишини кўриш мумкин эди, жисмоний меҳнатданми, ўта зерикшданми, ёки базмлардан мажбуран ўзини сақлаётганиданми, ишқилиб, қорни виноси бўшатилаётган меш сингари аста-секин кичраяр, бақбақасидаги қўшқаватлик, улкан тошбақанинг тумшугига ўхшовчи юзидаги тўқ қизил шуъла йўқолиб борарди. Ниҳоят Аурелиано Иккинчи шу даражада оздики, ботинкаларининг ипини ўзи боғлайдиган бўлди.

Унинг тиришқоклик билан эшик лўкидонини тузатаётганини, осма соатни қисмларга ажратаётганини кўрган Урсула, полковник Аурелиано Буэндиа тилла балиқчалар ясагани, Амаранта кафан тўқиганини тугмаларни қайта қадагани, Хосе Аркадио Иккинчи қўлёзмаларни ўқиётгани ва Урсула ўз хотираларини бетиним қавшаётгани каби беҳуда ишлар билан шуғулланияпти, деб ўйларди. Лекин аслида бундай эмасди. Ёмғир шунчаки ҳамма нарсани остин-устун қилиб ташлаган, агар уч кун ёнганмаса, ҳатто темир механизмларнинг мурватлари орасидан ҳам гул униб чиқар, газмолларнинг ялтирок иплари занг билан қопланар, нам тортган кийимлардан эса зафарон сув кўкатлари ўсиб чиқарди. Ҳаво шу қадар нам эдики, балиқлар очик эшиклар орқали уйга кириб, хоналар бўйлаб сузганча, очик деразадан чиқиб кетиши мумкин эди. Бир куни эрталаб Урсула ғоят ҳолсизланиб уйғонди. Умри оз қолганини сезиб ўзини замбилга солиб падре Антонио Исабелнинг олдига олиб боришларини сўрайман деб турганида, Санта София де ла Пьедад кампирнинг орқаси зулуклар билан тўлиб тошганини билиб қолди. Қондан шишиб кетган бу ярамас жониворлар Урсуланинг сўнгги қонини сўриб битирмаслиги учун, уларни чала куйган косов билан куйдиришди ва битталаб кўчириб олишди. Уйдаги сувларни чиқариш учун ариқ қазишга, хоналарни қурбақаю чиганоклардан тозалашга тўғри келди, ана шундан кейин полларни ювиш, каравотларнинг оёқлари остидаги гиштларни олиб ташлаш ва ботинкада юриш мумкин бўлди. Дикқати юзлаб майда юмушларга чалғиётган Аурелиано Иккинчи қариётганини сезмасди. Аммо у бир куни кечқурун тебранма курсида қоронғиликда тикилиб, Петра Котес ҳақида ўйларкан, дафъатан қариганини сезиб қолди. Ёши ўтган сайин янада очилаётган Фернанданинг Ширин багрига яна қайтишига ҳеч нарса ҳалақит бермасди. Аммо ёмғир унинг барча истакларини ювиб юборди ва қалбини ҳаётдан тўйган одамга хос лоқайдликка тўлдирди. Аурелиано агар бир йилга чўзилган бундай ёмғир илгари содир бўлганида, нималар қилиши мумкинлигини эслаб, мийиғида жилмайиб кўйди. У Макондога биринчилар қатори, ҳали банан компанияси тунука томларини модага киритмасидан анча илгари, оқ тунука олиб келган эди. У тунукаларни фақат бир мақсадда — уларни Петра Котеснинг томига қоплатиш ва ёмғир шовқини уйғотадиган чуқур ҳисдан лаззатланиш учун олиб келганди. Аммо бу ўткинчи тентакликлару ёшликдаги ғалати-ғалати қилиқларни эслаш ҳам Аурелиано Иккинчини ҳаяжонлантирмади, гўёки у охириги айш-ишратда ўзининг барча ҳис-туйғуларини сарфлаб бўлгандай эди. Бунинг эвазига у ўтмишнинг қувончлари тўғрисида гам-ғуссасиз, ўкинмай ўйлашдек ажойиб ҳислатга эга бўлди. Бир қарашда, ёмғир ниҳоят унга бемалол ўтириб ўй суриш имкониятини яратгандек, ёғдону асбооб-усқуналар солинган кути эса у шуғулланиши мумкин бўлган, аммо шуғулланмаган ишларга нисбатан қалбида соғинч уйғотгандек туюларди. Аслида эса бундай эмасди. Аурелиано Иккинчининг бирданига ўтрок бўлиб қолгани ва уйда саранжом-саришталик ўрнатишга ружу кўйгани бир хотирага ёки бирор аччиқ тажрибага боғлиқ эмасди.



У ёмғир важҳидан шундай қиларди, бошқача айтганда, ёмғир уни бир замонлар Мелькиадеснинг хонасига гилам-самолётлар, бутун учаргиламлар, бутун бошли кемаларни экипажи билан қўшиб ютиб юборувчи китлар ҳақидаги сеҳрли эртақларни ўқиган узок ёшлигига қайтарди. Фернанданинг қаровисиз қолган кенжа Аурелиано бир куни галереяга югуриб чиқиб қолди. Аурелиано Иккинчи бир қарашдаёқ бола ўзининг невараси эканини ҳис қилди. Гудакнинг сочини олди, кийинтирди, одамлардан чўчимасликка ўргатди ва тез орада ҳеч ким боланинг росмана Аурелиано Буэндиа эканига шубҳаланмайдиган бўлди: унинг ёноқлари туртиб чиққан, қарашлари ҳайратга тўла, кўриниши ёлғизликдан дарак берар ва умуман унда Буэндиа зотига хос барча хислатлар мужассам эди. Фернанда ҳам инсофга келди. У анчадан бери ўз такаббурлигини жиловлашга уринар, айни вазиятдан чиқиш йўлларини излаб боши қотарди. Агар у Аурелиано Иккинчи неварасини шу қадар илик ва меҳрибонлик билан қарши олишини билганида, болани унга олдинроқ кўрсатар эди ва, эҳтимолки, жигарбандини ўлдиришни хаёлига ҳам келтирмаган бўларди. Тишлари бир тушиб чиққан жиянча Амаранта Урсулага овунган эди. Иккови зерикарли ёмғир кунлари ўйин ўйнашарди. Бир куни Аурелиано Иккинчи ҳамма унутган инглиз энциклопедияси Меменинг хонасида ётганини эслади. У болаларга китобдаги расмларни: ҳайвонларнинг тасвирини, сўнг география хариталарини, узок ўлкалар манзарасию машҳур кишиларнинг портретини кўрсата бошлади. Аурелиано Иккинчи инглиз тилини билмас ва энг машҳур шаҳарлару тарихий шахсларнигина кийнаиб-қийнаиб топар, шу боис, расмлардаги бошқа одамларга ўзи исм ўйлаб топар, уларга атаб афсонавий номаи аъмол тўқир, ишқилиб, синчков болаларнинг бирорта саволини ҳам жавобсиз қолдирмас эди.

Фернанда, ҳаво очилиб кетса бас, эрим яна жазманининг ёнига кетади, деб ишонарди. Ёмғирнинг илк ойларида у эрининг ётоғига киришга ботинолмади, агар кирса Амаранта Урсулани туққанидан кейин ўзининг хотинликка ярамай қолганини хижолатдан қизариб бўлса-да, эрига айтишга мажбур бўларди. Айни ҳадик важҳидан бечора аёл табиби ғайблар билан ёзишмасини кучайтирди, лекин ёзишма почтанинг ёмон ишлаши туфайли тез-тез узилиб қоларди. Ёмғирнинг биринчи ойларида қаттиқ довул туриб, бир қатор, темир йўл халокатларига сабаб бўлди ва Фернанда табиби ғайблардан бири юборган хатни ўқиб ўзининг мактублари уларга етиб борганини англади. Кейинчалик, ёзишма бутунлай тўхтаб қолгач, у эри ўша қонли маскарадга кийиб борган йўлбарс ниқобини юзига тортиб, банан компанияси врачларига бегона исм-фамилия остида учрашиш ҳақида жиддий ўйлай бошлади. Аммо тошқин офатларини сўзлаб юрувчи таниш аёлдан компания шифохонаси қуроқчил ўлкаларга кўчиб кетганини эшитди. Фернанданинг умидлари пучга чикди. Такдирга тан бериб, ёмғир тинишини ва почта алоқаси қайта тикланишини кутишга аҳд қилди. Энди пинҳоний дардини ўзи даволар, чунки Макондода қолган ягона доктор — молга бериладиган ўтти ейдиган ғалати француз док-

ториға боришда ўлим афзал кўринарди. Фернанда, бирор ёрдами тегиб қолар, деган умидда Урсула билан иноқлашиб олди. Бахтга қарши, бечора Фернанда нарсаларни ўз номи билан атамасди, шу боис, сабабни оқибат, ички ҳодисаларни эса ташқиси билан алмаштиришга, яъники ичидан қон кетишини шунчаки иситма деб аташга мажбур бўлди. Касалини очик айтишдан уялгани туфайли шундай деди ва натижада Урсула унинг дарди бачадонида эмас, балки онқозонида, деб хаёл қилди-да, Фернандага карамельдан тайёрланган дори ичишни маслаҳат берди. Агар бошқа аёллар каби очик-сочик бўлганида эди, Фернанда ёмғирга этибор ҳам бермасди, чунки ашшл бошдан худди рутубатли бир муҳитда ҳаёт кечирарди. У овқатлашни вақтини ҳам, онладаги ўзи жорий этган бошқа удумларни ҳам узгартирмади. Емакхонадаги стол оёғи остига гишт қўйишарди. Овқат пайти хўрандаларнинг оёқлари хўл бўлмаслиги учун, курси-

лар қалин тахта устида турарди. Фернанда ҳамон голланд матосидан тикилган дастурхонга чинни идишларни териб, кечки овқатдан олдин ҳамиша шам ёқарди. Унинг фикрича, табиий офат анъаналарни муҳим сақлашга ғов бўлолмасди. Ҳеч ким уйдан кўчага чиқмасди. Фернандага қолса эди, у барча эшикларни очилмас қилиб миҳлаб ташлаган бўларди. Лекин шунга қарамай, уйлари ёнидан полковник Херинельдо Маркеснинг жасади солинган тобутни кўтариб ўгишаётганларида, Фернанда биринчи бўлиб деразага югурди, ammo ним очик деразадан кўрганлари ҳафсаласини пир қилдики, Фернанда оний сониялик ожизлиги учун ўзини анча вақтгача қойиб юрди.

Бундан ғариброк дафн маросимини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Тобут хўкизлар қўшилган оддий аравага ортилган бўлиб, арава устида банан баргларида қилинган пешайвон силкиниб турарди. Ёмғир тўхтамай қуяр, ғилдираклар ярмигача лойга ботиб қоларди. Тобут устига ёпилган жикка хўл байроқдан шаррос сув қуйиларди. Бу ўша порох ҳиди ва қон сингиб кетган, эндиликда барча ветеранларнинг ғазабини кўзғатадиган байроқ эди. Тобут устига ўша полковник Херинельдо Маркес Амаранта чеварлик қиладиган хонага киришдан олдин дахлизда қолдирилган зардўзи шокилал қилич қўйилганди. Неерланд сулҳидан сўнг тирик қолган сўнгги ветеранлар шимларини тиззаларигача кўтариб, айримлар яланг оёқ ҳолда, бир қўлда ҳасса, иккинчисида ёмғирдан ранги ўчиб кетган қоғоз гулчамбар ушлаганча, лой кечиб, тобут ортидан боришарди. Улар ҳалигача полковник Аурелиано Буэндиа номи билан аталиб келадиган кўчадан худди арвоҳлардек ўтишарди. Ногаҳон улар, худди буйруқ олгандек, полковникнинг уйи томон юз буришди, сўнг уйдан узоқлашиб, майдонга чиқишди. Бу ерда улар маросим иштирокчиларидан ёрдам сўрашга мажбур бўлишди, чунки дафн араваси лойга ботиб қолганди. Урсула Санта София де ла Пьедадга, мени эшик олдига элтинглар, деб илтмос қилди. У маросим иштирокчиларига шу қадар диққат билан тикилардики, одамлар кампир ҳамма нарсани яққол кўряпти, деган хаёлга боришди.

— Алвидо, Херинельдо, ўғлим!—деб қичқирди Урсула.—Жи-



гаримга дуомни етказ, айтки, биз ҳаво очилган куни, албатта, учрашамиз.

Аурелиано Иккинчи катта бувисини яна ўрнига элтди. Сўнг одатдагидек беақидишалик билан, бояги гапингиздан муддао не, деб сўради.

— Бор гапни айтдим-да,— дея жавоб қилди Урсула.— Ёмғир тўхташи билан бу оламдан кетаман.

Кўчаларни босган балчиқ Аурелиано Иккинчини безовта қила бошлади. Гарчанд, кечикиб бўлса-да, мол-ҳолини уйлаб ташвишланди ва елкасига брезент ёпганича, Петра Котесникига йўл олди. Петра Котес ҳовли саҳнида бели баробар сув кечиб, ҳаром қотган отнинг ўлигини жойидан қўзғатишга уринарди. Аурелиано Иккинчи кўлига хода олиб ёрдамлашди. Отнинг шишиб кетган

баҳайбат танаси бу чанқалди-да, лоика сувада оқиди кетди.

Петра Котес ёмғир бошлангандан буён ҳовлисини мол ўлигидан тозалаш билан банд эди. У дастлабки ҳафталарда Аурелиано Иккинчига офатга қарши бирор чора-тадбир кўриш керак, деган мазмунда хатлар йўллади. Аммо у шошилишга ҳеч қандай ҳожат йўқлиги, ишлари ёмон эмаслиги, ёмғир тўхташи биланок, албатта, бирор нарса уйлаб топажagini айтди. Кейин Петра Котес яйловларини сув босгани, моллари тоққа қочаётгани, у ерда ҳеч қандай егулик йўқлиги, аксинча уларнинг ўзини ягуар ва эпидемия нобуд этаётганини маълум қилди. «Ташвишланма,— жавоб берди унга Аурелиано Иккинчи,— бари-бир молсиз қолмаймиз, фақат ёмғир тинса бўлгани». Петра Котеснинг кўз ўнгида ўнлаб ҳайвонлар ҳалок бўлар, у баъзиларини зўрға ҳалоллаб қоларди. У илгари Маккондода энг катта ва ишончли бўлган, ҳозирда фақат қўланса ҳиди қолаётган бойлиги — моллари тошқин томонидан емирилаётганини чор-ночор кузатарди. Ниҳоят, Аурелиано Иккинчи у ерда нималар булаётганидан хабар олгани борганида, нимжон хачир ва вайрона отхонада ётган отнинг ўлигини учратди. Петра Котес жазманини кўрганида на ҳайратланди, на қувонди ва на жаҳли чиқди, кинояли жилмайиб қўйди, холос.

— Хуш келибдилар!— деди Петра Котес.

Аёл қариб, эти суягига ёпишиб кетган, бодом кўзларида бе-ниҳоя маъюслик ва тақдирга тан бергани кўриниб турарди. Аурелиано Иккинчи тагин елкасига брезент ёпиниб юришдан эрингани боис, Петра Котесникида уч ой қолиб кетди. «Қаергаям шошиламан,— дерди худди Урсулага ўхшаб.— Ҳавонинг очилишига ҳам озгина қолди. У Петра Котеснинг сўлғинлигига биринчи ҳафтадаёқ кўникиб қолди. Вақт ва ёмғир унинг гўзаллигига сезиларли таъсир ўтказган эди. Аммо Аурелиано Иккинчи унга бора-бора гўёки илгариги Петра Котес деб қарайдиган бўлди, илгариги тентакликларини, молларнинг беомон кўпайишига сабаб бўлган севгиларини эслади. Иккинчи ҳафтанинг тунларидан бирида, қисман истак ва қисман тамагирлик таъсирида, Петра Котесни эркалатиброк туртди. Лекин аёл лоқайд эди. «Тинчгина ухла,— тўнғиллади у,— ҳозир тентаклик қиладиган вақт эмас». Ва Аурелиано Иккинчи шифтдаги кўзгуларда ўзини ва Петра Котеснинг сўлғин аксини кўрдию аёлнинг ҳақ-

лигини тушунди. Англадики, вақт ҳеч узгармаган, лекин уларнинг узлари энди ширин тентакликларга ярамай қолишган эди.

Биргина Урсула эмас, балки бутун Макондо аҳли ҳам ёмғирнинг тинишини ўлишлари учун кутишаётганига ишонган Аурелиано Иккинчи Фернанданинг уйига сандиқларини кўтариб келди. У кўчалардан ўтаркан, кўзлари мурдаларникидек қотиб қолган одамларни кўрди. Улар қўлларини қовуштирганча деразалари олдида ўтириб, вақтнинг яхлит, бўйсунмас, тартибсиз оқимини бутун вужудлари билан ҳис қилишарди. Ёмғирга тикилишдан бўлак ишлари қолмагани учун ҳам вақтни ой ва йилларга, куну соатларга бўлиш бефойда эди. Болалар Аурелиано Иккинчини қувона-қувона кутиб олишди. Энди у болаларни эскириб қолган, овози зўрга чиқадиган аккордеони билан овути бошлади. Лекин Буэндиаларнинг кенжа авлодига инглиз энциклопедиясидаги расмларни кўриш кўпроқ ёқарди. Аурелиано Иккинчининг тассавури дирижабли тасвирини булутлар орасидан ўзига бошпана қидираётган филга айлантларди. Бошқа варақда чавандознинг расми бор эди. Кийими ғайриоддий бўлишига қарамай, суворий жуда таниш туюларди; расми бошидан-охиригача ўрганиб чиққан Аурелиано Иккинчи, бу полковник Аурелиано Буэндиа, деган хулосага келди. Расми хотинига кўрсатди, Фернанда чавандоз нафақат полковникка, балки барча Буэндиаларга ўхшаб кетаркан, деди. Аслида эса у расмда татар жангчиси тасвирланган эди. Хотини уйларида атиги олти кило тузланган гўшту бир қоп гуруч қолганини айтгунича, Аурелиано Иккинчи ўз вақтини Родоский ҳайкаллари ва илон ўргатувчилар ўртасида беғалвагина ўтказарди.

— Хўш, мендан нима истайсан?—сўради у.

— Билмайман,—жавоб берди Фернанда.—Бу—эркакларнинг иши.

— Яхши,—деди Аурелиано Иккинчи,—ёмғир тинсин, бирор нарса ўйлаб топарман.

Тушликка атиги бир бўлак гўшт билан бир чимдим гуруч тегса-да, у энциклопедияни қўлдан қўймасди. «Ҳозирча борш қилиб бўлмайди,—дерди у,—лекин ёмғир ҳам мангу ёғмайди-ку». Аурелиано Иккинчи рўзғор ғамини емай қўйгани сайин Фернанданинг ғазаби ортарди. Унинг ғалвалари эрталаб гитаранинг йўғон торлари чалган куй каби зерикарли оҳангда бошланар, кечаси ёрқин рангларга чўлғаниб, энг юқори пардаларга кўтариларди. Дастлаб Аурелиано Иккинчи хотинига эътибор бермади, аммо эртасига нонуштадан сўнг ёмғир шовқинидан ҳам баттар тўнғиллаш жонига тегди. Фернанда, гарчанд, қироличалардек тарбия кўрган бўлса-да, бу жинни хонадоннинг чўрисига айланиб қолганидан, пуф деса учиб кетадиган бу уйни одам қиламан деб эртадан-кечгача қора терга ботиб юрган бир пайтларда нуқул қаравотда ағанаб ётадиган дангаса, имонсиз ва бузуқи эрининг устидан нолирди: яъники, ҳар сафар ухлашдан олдин кўзлари қум текилгандай ачишади, эрталаб ҳеч кимса ундан ҳол-аҳвол сўрамайди, очигини айтганда, уни бу оила аъзолари иссиқ қозонни ушлайдиган кир латтачалик кўрмайди, бу оиладан ҳеч қачон марҳамат кутмаган, ҳамма уни гийбат қилади, мунофиқ, риёкор, муғомбир деб аташади, ҳатто бир куни жойи жаннатда бўлгур Амаранта хамманинг олдида, Фернанда



орка тешик билан рўзанинг фарқига бормаиди, деган эди, майли, бунисиям майли, бечора Фернанда худонинг измига бўйсуниб, барчасига чидади, лекин энди сабр косаси тўлиб тошди, чунки бир марта аблаҳ Хосе Аркадио Иккинчи, уйимизга юбкали качакони олиб келгани учун ҳам оиламиз нобуд бўляпти, деб айтди, тасаввур қилинг-а, юбка кийган ҳокимиятпараст качакони, жинси қанжиқ качакони, ҳукумат ишчиларни ўлдиришга юборган качаколардан бирини айтгандай бўлди, лекин у аблаҳ аслида герцог Альбанинг чўқинтирган қизини, ҳаттоки президентларнинг хотинлари ҳасад қиладиган, таникли авлодга мансуб, қони тоза, ўн битта испан фамилияси остида имзо чекиш ҳуқуқи берилган, бу нокас шаҳарда илк ўн олти одамга мўлжалланган стол тузган яккаю ягона фуқарони, яъники, Фернандани назарда тутди, лекин суюқоёқ эр эса кулгидан ичаклари узилиб, бунча кўп қошиғу вилканинг, пичоғу чойқошиқларнинг биз христианларга нима кераги бор, улар балки қирқоёқлар базмига яраб қолар, деди, аслида эса, кулгили жойи йўқ эди, негаки бу ерда қачон оқ ва қачон қизил вино тортилишини, қайси йўл билан ва қайси қадаҳга қуйилишини Амаранта, оқ вино кундузи, қизили кечаси ичилади деб юрадиган ўша марҳума Амаранта эмас, балки Фернанда билади, ёлғиз угина тилла туввакка ёзрилиши билан фахрланиши мумкин, гўрингда тўнғиз қўпгур полковник Аурелиано Буэндиа эса уни мазах қилди, тузукроқ қаранглар, тагин келинимизнинг нажоси гул эмасмикан, деб айтди, ҳатто ўз қизи Рената бир куни ётоқда уни уялмай-нетмай кузатиб, сўнгра бошқаларга, тувак тилладан, аммо ичидагиси оддий нажос, энг оддий нажос, ҳатто оддийдан ҳам оддийроқ шунчаки качаконинг нажоси, деб айтди, ўзи туққан шундай деди, буям майли, у ҳеч кимдан нажот кутмай қўйди, аммо эридан заррача бўлса-да, ҳурмат талаб қилишга ҳаққи бор-ку, ахир Аурелиано Иккинчи унинг маҳрами, ягона ҳомийси эди-ку, лекин бу тўнка эр уни диккинафас дўзахга бошлаб келди, рўза пайтда эри билан ётишдан иймангани баҳона эр дегани юпкага ўраб ташласа ит ҳам қарамайдиган манжалаки аёлникига жўнади, ўша байталнинг корсонини кўрган заҳотиёқ кимлигини билиб олсан, ўша қанжиқ билан солиштирса, шоҳона саройда ҳам, чўқчахонада ҳам, дастурхон атрофида ҳам, тўшакда ҳам, қонунпараст, итоатгўй ва жабрдийда ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Фернанданинг, донья Рената Арготе ва нақ авлиё, ҳақиқий христиан, Муқаддас мақбара ордени нишондори дон Фернандо доль Карпионинг яккаю ягона севимли қизлари Фернандага, худонинг кудрати туфайли ҳеч қачон мозорда чиримайдиган, терилари ўлганларида ҳам келинчакларнинг атлас қўйлаги каби силлиқ ва тоза турадиган, кўзлари ҳаммиша ёқутдай нур сочаверадиган улуғ зотларнинг тирноғи бўлмиш Фернандани хўрлашга ҳеч кимнинг ҳадди сизмайди.

— Сал ошириб юбординг, — дея унинг гапини бўлди Аурелиано Иккинчи, — отангнинг жасадини олиб келишганда анча ҳидланиб қолган эди.

У Фернанданинг гапларидан айни шу хатони топгунича унинг дийдёсини кун бўйи тишини-тишига қўйиб эшитди. Фернанда саволга жавоб бермади, лекин овозини сал-пал пасайтирди. Кечки овқатдан ке-

йин хотинининг дийдиёси яна кучайиб, кўчада қуйиб ётган жала шовқинини босиб кетди. Аурелиано Иккинчи кўзини ердан узмади, озгина тамадди қилдию ётоғига жуда эрта кетди. Эртасига нонушта пайтида Фернанданинг аъзойи бадани титрар, унинг кечаси билан мижжа қоқмагани билиниб турарди. Аммо энди ўтмиш хотиралари унга азоб бермаётгандек туюларди. Лекин эри қайнатилган тухум борми, деб сўраганида, у тухум ўтган ҳафтада томом бўлди, деган оддий гап билан чекланмасдан, вақтини ўзининг исқирт киндигига маҳлиё бўлиш билан ўтказди, сўнгра дастурхонга турғайнинг қовурилган жигарини олиб келишни талаб қилишга ор қилмайдиган эркакларга қарата аччиқ нутқ сўзлади. Аурелиано Иккинчи одатдагидек болаларни тўплаб, биргаликда энциклопедиядаги расмларни кўришга тушди. Фернанда гўёки Меменинг ётоқхонасини йиғиштира бошлади, аслида эса у бир нарсани — қўлидан бечора, бегуноҳ болаларга энциклопедиядаги расм полковник Аурелиано Буэндианинг расми эканини уқтиришдан бошқа вақо келмайдиган, охириги уятини йўқотган эри барча гапларини эшитишини истарди. Кундузи сиеста соатларида, болалар ухлаб қолишганида Аурелиано Иккинчи галереяга чиқиб ўтирди, лекин Фернанда уни ўша ердаям топиб олди, устидан роса масхаралаб қулди, атрофида сўнадек гўнғиллаб айланди. У хушқомат эрчаси уйида то егани тош қолғунига қадар худди эрон шоҳидек ёмғирга тикилиб ўтиравериши, чунки у дангаса, текинхўр, пасткаш, ландавур эканини, хотини эвазига яшашга кўниқиб қолганини ва нукул гап билан қорнини тўйдирувчи аёлга уйландим, деб ўйлашини уқтирди. Аурелиано Иккинчи хотинини индамай худди кардек роса икки соат эшитди, бутун таънаю маломатларини кечгача тинглади. Ахири сабр косаси тўлди, шекилли, Фернанданинг гаплари миясида худди барабан садосидек янграйверди.

— Худо ҳақи, овозингни ўчир! — деб бақирди у хотинига.

Фернанда бунга жавобан овозини баттар баландлатиб:

— Ўчирмайман! — деди. — Гапларим кимга ёқмаса, бу ердан чиқиб кетсин!

Шундан сўнг Аурелиано Иккинчи ўзини тута олмади. У гўё керишмоқчи бўлгандек аста ўрнидан турди ва совуқ бир ғазаб билан бегония, қирққулоғу бошқа гуллар ўсган тувакларни бирин-кетин полга улоқтириб, чил-чил синдирди. Фернанда кўрқиб кетди. — У ўзининг асабий жавраши бу қадар улкан кучли таъсир қилишини ўйламаган, мурсою мадора учун фурсат қолмаган эди. Ногаҳоний озодликдан маст бўлган Аурелиано Иккинчи ойнаванд шкафдаги идишларни олди ва шошмасдан полга иргита бошлади. У бир вақтлар уйининг деворларига қоғоз пуллар ёпиштиргани каби, хотиржам ва жиддий бир киёфада, кимматбаҳо биллур идишларни, қўлда ишлов берилган вазаларни, атиргуллар тўлдирилган кема ичидаги қизлар тасвирланган картиналарни, тилла суви юритилган кўзгуларни, хуллас, уйдаги синиши мумкин бўлган барча буюмларни деворга ура бошлади. Энг охирида қўлига ошхонада турган каттакон сопол кўза илинди. Кўза синдию худди портлаган бомбадек ҳовлига сочилиб кетди. Ниҳоят, Аурелиано Иккинчи қўлини ювди, елкасига брезентини ташлаб кўчага чиқди-да, тун яримлай деганда тузланган гўшт, гуруч, макка ва пича банан



солинган қопларни олиб келди. Шу-шу, рўзғори озик-овқатдан зорик-майдиған бўлди.

Амаранта Урсула билан кичик Аурелиано ёмғирли кун ва йилларни ҳаётларидаги энг бахтли пайтлар деб эслашарди. Фернанданинг таъқиқларига қарамай, улар ҳовлидаги қўлмақлар бўйлаб кезишар, калтакесак ушлаб, уларни тилка-пора қилишар, капалакларнинг қанотидан олишган чангни Санта София де ла Пьедаддан яширинча шўрвага солиб, гўё овқатни захарлаган бўлишарди. Аммо уларнинг энг ажойиб ўйинчоғи Урсула эди. Болалар у билан худди каттакон тўзиган қўғирчокдек муомала қилишар, бурчакдан бурчакка етаклаб, рангли латталар билан безашар, юзига қорақуя суртишарди. Бир куни қурбақанинг кўзларини ўйишгани каби бечора кампирнинг кўзларини боғбон қайчиси билан ўйиб олишларига сал қолди. Улар, айникса, кампир алаҳлаганда хурсанд бўлишарди. Ёгингарчиликнинг учинчи йилида Урсуланинг мияси айний бошлади чоғи, энди бугунги кунни узок ўтмиш билан чалкаштира бошлади. У юз йилча илгари дафн этилган катта бувиси Петролина Игуараннинг ўлими муносабати билан уч кун тўхтамай йиғлади. Кенжа Аурелианони ўша муз парчасини томоша қилишга борган ўғли Аурелиано билан адаштириб юборди, кичик Хосе Аркадиони эса ўзининг лўлилар билан қочиб кетган тўнғичи билан алмаштирди. Урсула оила тарихини шу қадар кўп сўзлардики, натижада ўйинқароклик қилиб, бечора кампирнинг аллақачон оламдан ўтган қариндош-уруғларини «меҳмон»га олиб келишарди. Сочларига кул сепилганию кўзи қизил латта билан боғланганига қарамай, Урсуланинг қувончи ичига сизмасди. Назарида болалар батафсил тасвирлаб беришган қариндошлари орасида ўтиргандай бўларди. Урсула бобосининг бобоси ҳам туғилмаган пайтлардан олдинроқ содир бўлган воқеалар ҳақида сўрар, улар келтиришган янгиликлар билан жуда-жуда қизиқар, оламдан ўтган қариндошларини эслаб, суҳбатдошларига қўшилиб йиғисиғи қиларди. Урсуланинг уруш пайтида авлиё Иосифнинг баҳайбат гипс ҳайкалинини олиб келиб, то ёмғир тингунча тура-турсин деган одамнинг кимлигини ўжарлик билан сўраб-суриштиришига дарров уйдагилар эътибор беришди. Шунда Аурелиано Иккинчи ёлғиз Урсулагина биладиган яширин хазина борлигини эслади, аммо унинг ҳийлалари ҳеч қандай самара бермади. Гарчанд, Урсула алаҳлаб, одамлару воқеаларни қориштира-да, бу сирини очмасликка етарли эс-ҳушини сақлаб қолган эди. Кампир ўша олтиннинг ҳақиқий эгаси эканини исботлаб бероладиган одамгагина ишониши мумкин эди. Урсула шу қадар пухта ва саботли эдики, бир куни Аурелиано Иккинчи ўзининг собиқ ҳамтовокларидан бирини хазина эгаси сифатида бошлаб келганида, бирпасда даъвогарнинг кимлигини фош этиб ташлади.)

Урсула ўша сирни ўзи билан нариги дунёга олиб кетишига қаттиқ ишонгач, Аурелиано Иккинчи оқава сувга ариқ қаздириш баҳонасида ер қазувчиларни бошлаб келди ва уларга қўшилиб, ҳамма жойни илматешик қилиб юборди, лекин ҳолдан тойдирадиган даражадаги уч ойлик қидиришлар беҳуда кетди. Шундан кейин у Пилар Тернерадан фол кўришни илтимос қилди, лекин фолбин карталарни Урсула чийлаб берсагина ҳақиқат аён бўлади, деб тушунтирди. Фолбин аёл хазина мавжудлигини тан олди, айтишича, хазина оғзи мис сим билан боғлан-

гаи учта қопга солинган етти минг икки юзу ўн тўртта олтин тангадан иборат бўлиб, улар Урсуланинг кароватидан бир юзу йигирма икки метрли радиусли доира узоқликда кўмиб қўйилган экан. Пилар Тернера то ёмғир тиниб, уч ёз фасли ўтиб, ботқоқликлар куёшда қуриб битмагунча хазинани қўлга киритиб бўлмаслигини огоҳлантирди. Урсуланинг кароватидан ҳовли деворигача бўлган масофанинг роса бир юзу йигирма икки метр чиққани Аурелиано Иккинчини таажжубга солди ва ҳатто ўйга толдирди. Фернанда Аурелиано Иккинчининг хоналарни ўлчаётганини ва ер қовловчиларга ариқни яна бир метр чуқурлаштиришга кўрсатма берганини кўриб, эрим ҳам эгизак укаси каби ақлдан озган бўлса керак, деб ўйлади. Катта бобосидек қидирув безгагига мубтало бўлган Аурелиано Иккинчи озиб-тўзиб, яна укасига ўхшаб қолди; энди у Хосе Аркадио Иккинчига нафақат ориқлиги ва ёнокларининг туртиб чиққанлиги, балки қарашининг паришонлигию аллақандай ғарибнамолиги билан ҳам ўхшаб кетарди. У болаларга ортик эътибор бермай қўйди. Бошдан-оёғигача лойга ботиб юрар, ошхонанинг бир бурчагига тикилиб олиб апил-тапил овқатланар, онаси Санта София де ла Пьедаднинг саволларига зўра жавоб қайтарарди. Аурелиано Иккинчи хотини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган ғайрат билан ишлардики, буни кўрган Фернанда ундаги кизиққонликни меҳнатсеварликка, бойликка ташналигини фидокорликка, ўжарлигини эса тиришқоқликка йўйди; эрини танбалликдан халос қилмоқчи бўлиб андишасиз заҳар сочганларини эслаб, виждони қийнала бошлади. Аммо Аурелиано Иккинчи Фернанданинг ярашишга шай турганини сезмасди. Шох-шаббалар ва чириган гуллардан иборат, нақ томоғигача келадиган ботқоқ да тик турганича боғни кавларди, у энди ички ва ташқи ҳовлиларни кавлаб бўлган, шарқий галереянинг пойдеворини шу қадар чуқур қазиган эдики, бир тун уйдагилар қаердадир ер остида содир бўлган силкинишу даҳшатли товушдан уйғониб кетишди. Аввалига зилзала деб ўйлашди, аслида эса уйдаги учта хонанинг поли чўкиб кетган, галерея полида ҳосил бўлган катта ёриқ эса то Фернанданинг ётоғигача чўзилганди. Аурелиано Иккинчи ўшанда ҳам қидирувдан воз кечмади. Гарчанд, умидлари сўнганига қарамай, бўшаб қолган пойдеворни мустаҳкамлади, ёриқни қоришма билан тўлдирди ва ишни ғарб томонга кўчирди. Янаги йил июнь ойини ёмғир сусая бошлаган иккинчи ҳафтасида ҳам Аурелиано Иккинчи ҳовлининг кунботар тарафини кавлаб ётарди. Булутлар сийраклашди, ҳаммада бугун-эрта ҳаво очилиб кетади, деган умид уйғонди. Шундай бўлди ҳам, жума куни кундуз соат иккида куёш кўриниш берди. У мисоли пишиқ гишт каби қизил ва дағал, мисоли сувдек шаффоф эди. Ўша кундан бошлаб, ўн йил давомида бир томчиём ёмғир ёғмади.

Макондо харобазорга айланган эди. Кўчалар шилта бўлиб кетган. қўлмақларда бу ерга қандай тез келган бўлса шундай тез даф бўлган ажнабийлар қолдириб кетган мебель қолдиқлари моғор босиб ётарди. Банан безгаги пайтида яшин тезлигида қурилган уйлар ҳувиллаб қолганди. Банан компанияси арзигулик мол-мулкни ташиб кетган, унинг темир панжара билан ўралган қўрғони ўрнида тоғ-тоғ ахлатлар ётарди. Салқин айвонида кечалари карта ўйналадиган ёғоч уйларни гўё бир неча йиллардан сўнг Макондони ер юзидан супуриб ташлайдиган



дахшатли бўронга замин ҳозирлаган шамоллар учириб кетгандек эди. Бу ерда қачонлардир одамлар яшаганини исботловчи бирдан бир далил Патриция Браун автомобилда унутиб қолдирган, устига гул чекилган қўлқоп эди, холос. Бир замонлар Хосе Аркадио Буэндиа томонидан ўрганилган ва кейинчалик банан плантациялари пайдо бўлган яйдоқ далалар энди у ер-бу ерида чирик тўнкалар ётган ботқоқликка айланган бўлиб, уларнинг нариги уфқида неча йиллар давомида кулранг бир денгиз сассиз кўпириб ётди. Биринчи яқшанбада шаҳарда нима гаплигини билиш учун кўчага чиққан Аурелиано Иккинчи довдираб қолди. Ёмғирдан сўнг тирик қолганлар — улар Макондога банан безгаги қопламасдан илгари кўчиб келганлар эди, — кўчанинг ўртасида ўтириб олиб, баданларини офтобга тутишарди. Ҳали уларнинг терисида сув ўтига хос яшил тусини, ёгин кезида ўрнашган моғор ҳидини ҳамон сақлаб қолган эди, лекин она шаҳарлари яна ўзларининг ихтиёрида эканини англаганлари боис, юзларида қувноқ табассум акс этарди. Турклар кўчаси эски аҳволига қайтган — оёқларига шиппак кийиб, қулоқларига оғир темир сирға тақиб қўлбола буюмларини тутиқушларга алмаштирганча жаҳон кезган ва ниҳоят, минг йиллик дарбадарликдан сўнг Макондодан бошпана топган араблар даврига қайтган эди. Дўконлардаги моллар чириб кетган, пештахталарни ёғочхўр чумолилар илматешик қилиб юборган, деворлар нураб тушган эди, аммо арабларнинг учинчи авлоди вакиллари ҳамон ота-боболарининг жойларида ўтиришар, улар камсўз, бепарво, на вақтга, на табиий офатларга бўйсунувчи одамлар бўлиб, уйқусизлик касали ёки полковник Аурелиано Буэндианинг ўттиз икки жангидан кейинги пайтлардаги каби тирик ва балки ўлик эдилар. Арабларнинг қимор столлари, соябонли столлари, мерганлик тири қолдиқлари ҳамда тушлар таъбир қилиниб, келажак фол кўриладиган тор кўчанинг вайронаси орасида ўз матонатини сақлаб қолганлари Аурелиано Иккинчини шу қадар таажжубга туширдик, одатдагидай беандишаллик билан, бу тўфонда қандай қилиб чўкмай қолдинглар, ахир, сув ютиб ўлиш ҳеч гап эмасди-ку, деб сўради. У айни саволини эшикма-эшик юриб такрорлар ва ҳамма жойда айёрона табассум, хаёлчан нигоҳларга дуч келар, ҳамма жойда бир хил:

— Биз сузишни билардик, — деган жавобни эшитарди.

Макондо аҳли ўртасида биргина Петра Котес араблардай юраги тош бўлиб чиқди. Кўз олдида молхонаю отхоналарнинг деворлари қулаб тушса-да, у ўзини хотиржам сақлаб, уйдаги тартибнинг бузилишига йўл қўймасди. Ёмғирнинг сўнги йили у Аурелиано Иккинчини уйига хат орқали бир неча бор чақиртирди. Жазмани эса, гарчанд аниқ кунини билмаса-да, бари бир қайтиб боражагини, борганда ҳам нақ бир қоп тилла кўтариб боражагини ва шу баробар Петра Котеснинг ётоғини тиллага кўмиб ташламоқчи эканини маълум қилди. Петра Котес юрагидан бу аччиқ қисматга дош берадиган куч изладию муттасил қаҳр — ҳаққоний, совуқ бир қаҳр топди; ўйнаши ва ёгингарчилик туфайли йўқотилган оромини қайта тиклашга онт ичди. Унинг қарори шу қадар қатъий эдики, Аурелиано Иккинчи охириги хатни олганидан сўнг саккиз ойни ўтказиб униқига келганида, заҳил юз, сочлари тўзгиган, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, териси яра-чақага тўлиб-тошган Петра Котес қоғоз парчаларига номер ёзиб, уларни лотерея

билетига айлантларди. Аурелиано Иккинчи аёл қаршисида тонг қотиб турар, шу қадар ориқ, шу қадар сертакаллуф эдики, Петра Котес унга қараб, ахир бу хушторим эмас, балки эгизак укамга ўхшайди-я, деб ўйлади.

— Ақлдан оздингми?— деди Аурелиано Иккинчи.— Лотереяга бало борми? Энди унга ўлган мол-ҳолнинг суягини тикасанми?

Шунда маъшуқаси уни ётоғига олиб кирди ва Аурелиано Иккинчи у ерда турган хачирни кўрди. Хачир бекаси каби ориқ бўлиб, эти устихонига ёпишган, лекин бекасига ўхшаб дадил ва ҳаракатчан эди. Петра Котес уни ўзинининг қаҳри билан боққан эди. Уйда на ўт, на маккажўхори ва на ўт-ўланларнинг томири қолганида хачирни ётоғига олиб кириб, унинг қорнини батист чойшаб, эрон гиламлари, духоба кўрпа, бахмал пардалар, одатда архиепископлар ёпинадиган, зардўзи шокила билан безалган кўрпа ғилофи билан тўйдирган эди.

\* \* \*

Урсула ваъдасига вафо қилиб, ёғин тингани заҳотиёқ ўлиш учун анча меҳнат қилди. Атиргулларни нобуд қилган, барча ботқоқликларни тошга айлантган, Макондонинг занг босган тунука томларинию юз йиллик бодом дарахтларини иссиқ тупроққа кўмиб кетган гармсел турган август ойда кампирнинг онги сал-пал равшанлашди. Урсула уч йил давомида болаларга ўйинчоқ бўлганини англаб, ўзига раҳми келиб, роса йиғлади. У юзидаги қоракуя изларни ювиб ташлади, уст-бошига осилган латта-лутталарни, қуритилган калтакесак ва қурбақаларни, турли тақинчоқларни улоқтирди ва Амарантанинги ўлимидан кейин биринчи марта бировнинг ёрдамисиз, оила ҳаётига яна аралашшига тайёр ҳолда тўшакдан ўзи турди. Зулматда йўл топиб юришда унга саркаш юраги кўмаклашарди. Ҳаракатидаги ишончсизликни пайқаган одамлар заифлашиб қолган Урсулага раҳмлари келарди, аммо ҳеч ким унинг чиппа кўр эканини ҳаёлига келтирмасди. Урсула кўр эди, лекин кўрлиги унга ўзи экиб парвариш қилган гулзор ёмғирдан ювилиб кетганини ва у ерни Аурелиано Иккинчи кавлаб ташлаганини, уйнинг деворинию поллари ёрилганини, мебелнинг шалоғи чиқиб ранги ўчганини, эшиклар ошиқ-мошиқлардан суғурилганию оилада янги, нотаниш бир итоатгўйлик ҳамда ғамгинлик руҳи пайдо бўлганини пайқашга монелик қилолмасди. Пайпаслай-пайпаслай бўмбўш ётоқхоналарга кирган Урсула тахталарни кемираётган чумолиларнинг бетиним ғўнғиллашини, кийим шкафларидаги қуяларнинг шитирлашини, ёғин пайтида пайдо бўлиб уйнинг пойдеворини илматешик қилиб юборган сариқ кумурсқаларнинг шовқинини эшитди. Бир куни у кийим-бош солинган сандиқни очиши биланоқ Санта София де ла Пьедадни ёрдамга қақаришга мажбур бўлди, чунки сандиқдан сон-саноксиз сувараклар отилиб чиқди. Барча кийимлар кукунга айланган эди. «Бундай қаровсиз жойда яшаб бўлмайди,— деди у.— Бу ярамаслар бир куни ўзимизни ҳам еб қўйишади.» Шу кундан бошлаб, Урсула тинчини йўқотди. Саҳармардондан уйғониб олиб ҳаммани, ҳатто болаларни ҳам кўмакка қақирарди. Омон қолган яроқли кийимлару кўрпа-тўшакни офтобга ёйди, суваракларни дори сепаб ҳайдади, эшик ва дераза ромига ўтган чумолиларни кириб ташлади, уяла-



рига сундирилмаган оҳак тикиб, устидан сув қуйди. Ҳамма нарсани қайта тиклаш иштиёқида қуйиб-ёнаётган Урсула, уйнинг энг хилват бурчакларигача етиб борди. Ҳосе Аркадио Буэндиа ҳикмат тошини қидиравериб мияси ачиб кетган хонани ахлату қўланса ҳидидан аритди, солдатлар остин-устун қилиб юборган заргарлик устахонасини тартибга келтирди ва, ниҳоят, Мелькиадеснинг хонасини текшириб кўриш ниятида калит беришларини сўради. Ҳосе Аркадио Иккинчи ўлмагунча хонага ҳеч кимни қўймасликка оғт ичган Санта София де ла Пьедад турли найранглар қўллаб, Урсулани бу ниятидан қайтаришга уринди. Аммо уйнинг барча хоналаридаги ҳашоратларни ўлдиришга қатъий аҳд қилган кампир ҳеч кўнмади, ахири уч кундан сўнг Мелькиадеснинг хонасини очишди. Димоғига урилган бадбўй ҳиддан йиқилиб кетаёзган Урсула эшик ёндорини зўрға тутиб қолди, аммо икки соғия ўтар-ўтмас, хонада Меменинг мактабдош дугоналарига аталган етмиш иккита тувак сақланганию ёмғирли бир тунда солдатлар Ҳосе Аркадио Иккинчини қидириб, бутун уйни титиб ташлашган бўлса да, уни бари бир топелмагани ёдига тушди.

Ҳосе Аркадио Иккинчи хонада ўтирганча, кўлёмаларни тахлил қиларди. Бутун юзини қоплаган узун соч-соқоли орасидан эса яшил тус олган тишларию гўёки қотиб қолган кўзлари кўринарди, холос.

— Вой худойим-ей! — деб кичкирди Урсула худди кўзлари соғ одамдек. — Сени озодаликка ўрғатиш учун озмунча куч сарфловдимми, чўчқадан баттар ифлос бўлиб кетибсан-ку!

Катта бувисини товунидан таниган Ҳосе Аркадио Иккинчи бошини эшик томон бурди, жилмайишга ҳаракат қилди ва Урсула қачонлардир айтган гапни ўзи сезмаган ҳолда такрорлади:

— Сен нима деб ўйловдинг? — дея тўнғиллади у. — Вакт ўтяпти-ку, ахир.

— Рост-а, — деди Урсула муросага келиб, — лекин, бари бир, инсоф ҳам керак-да.

Шунда у ўлимга маҳкум этилганлар камерасида ўтирган полковник Аурелиано Буэндиа ҳам ўзига айни жавобни қайтарганини эслаб, вақтнинг ўтишидан келажакка қараб эмас, балки доира бўйлаб ҳаракат қилиши ҳақидаги фикрдан яна чўчиб кетди. Лекин Урсула бу сафар ҳам бўш келмади. У Ҳосе Аркадио Иккинчини худди ёш боладек уришди, соқолини олдиртирди, ювинтирди ва тўзиб кетган катта рўзғорни тиклашда ёрдам беришини талаб қилди. Ҳосе Аркадио Иккинчи ихтиёрий маҳбусликка кўникиб қолганиданми, ўзи тинчлик ва ором топган хонани ташлаб кетишкни ўйлаб дахшагга тушди. Уни хонадан чиқаришга қодир бирорта куч йўқ эди, чунки у мурдалар ортилган икки юз вагонли поезднинг ҳар куни кечқурун Макондодан денгизга йўл олишини кўришни истамасди. «У ерда станцияда тўпланган ҳамма одам бор эди! Уч минг тўрт юз саккиз нафар одам!» деб бакирди у. Шундагина Урсула чевараси кўрлик дунёсидан ҳам баттарроқ бир зулмат ичида, худди катта бобоси каби, бу дунёни тамом унутиб, бир ўзи, ёлғиздан ҳам ёлғиз бир аҳволда, худудсиз танҳолик оламида яшаётганини тушунди. У Ҳосе Аркадио Иккинчини тивч қолдириди, аммо унинг хонаси эшигидаги осма қулфни олдириб ташлади, хонани ҳар куни йиғинтиришга, биттагина тувакни қолдириб, қолганларини

чиқариб ташлашга ва маҳбуснинг катта бобосини каштан остида қандай озода сақлашган бўлса, уни ҳам шундай озода асрашга кўрсатма берди. Фернанда Урсуланинг хатти-ҳаракатларини олдинга галдаги жиннилик хуружи деб ўйлаб, ғазабдан ўзини зўрга тутарди, Аммо бирдан Римдан хат келиб қолди — кенжа Хосе Аркадио муқаддас онт олдидан Макондога бормоқчи эканлигини хабар қилди. Хушxabар Фернандани шунчалар қувонтириб юбордики, авлод-аждодлари маскани ўглида ёмон таассурот қолдирмаслиги учун уйни йиғиштиришга ва гулларга кунига тўрт мартадан сув қуйишга киришди. У галереяга қирқ-қулоқ жамбилли гулдонларни, бегония экилган тувакларни, уларни Аурелиано Иккинчи жини қўзиганда нобуд қилганидан Урсула хабар топмасдан бурун галереяга қўйиб чиқди ва табиби ғойилар билан ёзишмасини қайта тиклади. Кумуш идиш-товоқларни сотиб, ўрнига сопол ва қалай идишлар харид қилди, шундан сўнг доимо энг асл ва энг қимматбаҳо чиннию биллур идишлар турадиган шкаф ғариб бир тусга кирди. Аммо Урсулага булар камлик қиларди. «Дераза ва эшикларни очишсин,— деб кичкирарди у. — Гўшт ва балиқ қовуришсин, энг катта тошбақаларни сотиб олишсин, яна ажнабийлар келиб, бўйраларини тўшасин, шундоқ атиргулларнинг устига сийсин, истаганча овқатланишсин, майли, қусаверсин, сўкинсин, хуллас, кўнгилга сикканини қилаверсин, балки ўшанда қашшоқликни чўчитиш мумкин бўларди.» Лекин Урсуланинг гаплари хомжаёл эди. У жуда қариб қолган, ошини ошаб, ёшини яшаган ва эндиликда хўрозқанд ясашга қуввати етмас, авлодларига эса унинг матонати насиб этмаган эди.

Сандикларини яна Петра Котеснинг уйига қайтариб олиб борган Аурелиано Иккинчининг маблағи оилани очдан ўлдирмасликка етарди, холос. Ютугига ҳачир тикилган лотерея билетларидан тушган даромадга Петра Котес иккови бир-иккита мол сотиб олиб, эски ишларини зўрга тиклашди. Аурелиано Иккинчи уйма-уй юриб билет сотар, лотерея диққатни торгсин дея шахсан ўзи ҳар парча қоғозни турли рангдаги сиёҳлар билан бўяб чиқарди. Бировлар билетларни миннатдорчилик ҳисси туфайли, башқалар эса раҳми келганидан харид қилаётганини у ҳатто пайқамасди ҳам. Аммо энг раҳмдил харидорлар ҳам билет билан бирга йиғирма сентавога чўчка ёки ўттиз икки сентавога бузоқ ютиш умидини ҳам ўйлаб, сотиб олишарди. Бу умид шундай ҳаяжонга солардики, ҳар сешанба куни кечқурун Петра Котеснинг ҳовлиси кичкина бир бола қопдаги бахтли номерни тортиб чиқарадиган бахтли онлар илинжида келган одамларга тўлиб кетарди. Бу йиғинлар ҳафталик ярмаркага айланар — кеч кира бошлагач, ҳовлига соябонли сголлари ичкилик сотадиган дўконча ўрнагиларди. Кўпчилик бахтли билет эгалари ютукка чиқкан чўчкаю бузоқларни, кимдир музикачиларни таклиф этади, бошқа биров ичкилик сотиб олади, деган шарт билан умум қозонига қурбон қилишарди. Аурелиано Иккинчи беихтиёр яна аккордеонини олиб, мечкайлик беллашувда иштирок етарди. Бу ўтмишдаги базмларга ғарибона тақлид эди, холос. Аурелиано Иккинчи мечкай Филни беллашувга қақирганида вазни бир юзу йиғирма кило келарди, ҳозир эса етмиш саккиз килога тушиб қолганди. Бир замонлар ичкиликдан шишиб, нақ тошбаканинг тумшугига ўхшаб қолган юзи чўзилиб, игуанана тумшугидек ингичка тортган, киё-



фасида беҳад маъюслик ва чарчок акс этарди. Петра Котес Аурелиано Иккинчини ҳар қачонгидан ҳам каттиқроқ севарди. Уларнинг кўп-кари кўравериб шалоғи чиққан каравотлари эндиликда осойишта суҳбат масканига айланган эди. Ошиқларнинг ҳар бир ҳаракатини акс эттирган кўзгулар сотилиб, ўрнига лотереяга тикиладиган турли уй ҳайвонлари харид қилинди. Қонни кўпиртиргувчи багист чойшаб-лару духоба кўрпаларни ҳачир чайнаб ташлаган эди. Собик ҳушёрлар-нинг олдин ўпичларга сарф бўладиган кучлари эндиликда кундалик юмушлар якуни ва лотереядан тушган сентаволарни санашга кетарди. Улар баъзан эрталабгача пулларни уюмларга ажрагишиб, тангаларни у уюмдан бунисига ўтказишарди. Ҳисоб-китоб аниқ бўлиши шарт эди: бу уюмдаги пуллар Фернанданинг харажатларига, наригиси Ама-ранта Урсулага ботинка олишга, униси неча йиллардан бери янги кўйлак киймаган Санта София де ла Пьедадга, буниси — мабодо Урсу-ла оламдан ўтса, тобут буюргмасига, бошқаси нархи ҳар уч ойда бир сентавога ошаётган кофе харидига, униси — қандга, анависи — ўтинга, наригиси — лотерея билетлари тайёрлашда ишлатиладиган қоғоз ва рангли сиёҳларга аталган эди. Қолаверса, бу пуллар апрель ойида сотилган лотерея билетларининг пулларини эгаларига қайтариб беришга ҳам етиши керак эди, негаки, лотереяга тикилган бузук куйдирги касалига чалинган экан. Уларнинг еб-ичиши ҳам жуда кам-тарин эди. Аурелиано Иккинчи билан Петра Котес Фернандага кўпроқ пул беришарди. Виждонлари қийналиб ёки раҳмлари келиб эмас, балки Фернанданинг яшашини ўзлариникидан ҳам афзал кўргани учун ҳам шундай қилишарди. Очигини айтганда, кўнгилларининг туб-тубида улар яккови ҳам Фернандани ўзлари тусагану, лекин худо бермаган кизлари, деб ҳисоблашарди. Бир гал Фернандага голландча дастурхон олиб беришга етарли пул тўплаш учун уч кун давомида факат жўхори бўтқасини ейишди. Аммо улар жонларини қанчалик жабборга бериш-масин, пул топишмасин, қанақанги найранлар ишлатишмасин, бари бир бири икки бўлмас, пуллари ҳаётларини тебратишга зўрга етарди. Ва ҳаминша эрталабгача у ёки бу нарса харид қилиш учун танга уюмлари ясашиб, уларни анчагача санап, сўнг ухлашмаганидан кундузлари азоб чекинар ва ўзларича ўзлари дунёда нималар бўляпти, нега мол-лар олдингидек болаламайди, нега пуллар ўз қийматини йўқотяпти, нега яқиндагина қўлларига шам ўрнида ёндирилган қоғоз пулларни тутиб кумбиямба рақсига тушганлар нақ олтига товуқ тикилган лоте-рея ўйнида қатнашиш учун атиги ўн икки сентаво сўрашганида, куп-па-кундузи одамларни талашяпти деб жар солишади, дея савол бери-шарди. Аурелиано Иккинчининг ўйлашича, гарчанд, у бу ҳақида ҳеч қачон, ҳеч кимга, ҳеч нарса демаган бўлса-да, ушбу балою офатлар ил-дизи Петра Котеснинг сирли юрагида эди. Гўё ёғингарчилик мавсумида унинг юрагида недир ўзгариш бўлган, шу боис молларнинг урчиши тўхтаган, пуллар эса сувдек оқадиган бўлиб қолган эди. Аурелиано Иккинчи маҳбубасининг қалбига жуда чуқур разм солди, аввалига ёлғиз тама ваҳхидан Петра Котеснинг эҳтиросини кўзгашга уринди ва оқибатда ўзи унга ошиқ бўлиб қолди. Аурелиано Иккинчининг меҳ-ри тобора ортаётганини сезган Петра Котес ҳам уни қаттиқроқ сев-ди. У умри ҳазонрез фаслига юз тутган чоғда «кашиноклик бор жойда

муҳаббат ҳам бўлади» деган мақолга болаларча беғуборлик билан ишониб қолди. Энди улар мул-кўлчилик ошиб-тошган ўша бемаъни базмларни, тийиксиз шўхликларини уят ва ўкинч билан хогирлашди ва, ниҳоят, иккови учун ёлғизлик жаннатини жуда катта машаққатлар билан қўлга киритишганидан ҳасрат қилишди. Шунча йиллик беҳуда мулоқатлардан сўнг бир-бирига чуқур эҳтирос билан ошиқ бўлиб қолишган Аурелиано Иккинчи билан Петра Котес бир-бирларини фақат тўшакда эмас, балки дастурхон атрофида ҳам шу қадар сева олиш мумкинлигини кашф этишган бўлиб, бу ихтиродан чексиз лаззатланишарди. Чарчашларига, кексайиб қолганларига қарамасдан, куёнлардек шўхлик қилишни ва бир-бирини итдек ғажишни давом эттиришарди.

Лотереядан тушадиган пуллар ҳеч кўпаймасди. Дастлабки нақтларда ўзининг илгари молларнинг савдо сотиғи билан шуғулланувчи эски идорасига ҳафтада уч кун беркиниб олиб, лотереяларга тикилган ҳайвону паррандалар — кизил сигир, зангори чўчка, товукларнинг расмини қўлидан келгунича чизарди ва Петра Котеснинг хоҳиши билан «Илохий тақдир» деб атаган ўз қорхоналарининг номини билетларнинг остига ниҳоятда тиришиб, катта-катта ҳарфлар билан ёзиб чиқарди. Кейинчалик унга ҳафтасига икки мингдан зиёд билет тайёрлашга тўғри келди ва шу қадар чарчадики, охири лотереянинг номи ҳамда номери битилган, ҳайвон ва паррандаларнинг расми акс эттирилган резина тамға тайёрлатди. Ана шундан буён унинг иши ўша тамғаларга турли ранглардаги сиёҳлар суркаб, уни қоғоз парчаларига чиройли қилиб босишдан иборат бўлиб қолди. Аурелиано Иккинчи умрининг сўнгги йилларида лотерея билетларидаги номерларни топишмоқлар билан алмаштириб, ютуқларни ана шу топишмоқларни топганларга бўлиб берадиган бўлди, аммо бу усул жуда мураккаб эди, шунингдек бир қатор шубҳаларга ям йўл очиб берардики, шу сабабли иккинчи гал топишмоқли лотереяларни яна номерларига алмаштирди.

Аурелиано Иккинчи эрта тонгданок лотерея савдосига киришар, болалардан хабар олишга вақти ҳам қолмасди. Фернанда Амаранта Урсулани одатда йилига олти нафар ўқувчи оладиган хусусий мактабга берди, аммо кичкина Аурелианога шаҳар мактабига катнаши учун руҳсат бермади. Унинг уйда бемалол юришга руҳсат олгани ҳам катта гап эди. Устига-устак, ўшанда мактабга католик никоҳида бўлган ота-оналардан туғилган қонуний болаларгина қабул қилинарди. Аурелианони саватга солиб келтиришган, саватда унинг эмизик ва ташландик бола экани қайд этилган гувоҳнома бор эди. Шундай қилиб, Санта София де ла Пьедад ҳамда онги равшанлашган пайтдаги Урсуланинг илиқ назорати остида бўлган Аурелиано ҳамон хилватда умр кечирар, уйнинг деворлари билан чекланган тор дунёни ўрганиш ва иккала кампирнинг ҳикоялари билан чекланарди. У ҳушмуомалали, обрўталаб, кизиккон бола эди, савол беравериб катталарни ҳол-жонига қўймас, аммо унинг нигоҳи полковникнинг ана шу ёшидаги каби ўтқир ва башоратомуз эмас, аксинча аллақандай паришонхотирлик билан боқарди. Амаранта Урсуда мактабда ўқиётган бир пайтда, Аурелиано боғида чувалчанг қидирар, ҳашоратларга азоб беради. Бир кун Урсуланинг тўшакига қўйиб юбориш учун қутичага









чаён териб юрганида уни Фернанда тутиб олди ва Меменинг собик ётоқхонасига қамаб қўйди. Аурелиано у ерда энциклопедиядаги расмларни кўздан кечирар, ёлғизликдан қутулиш йўлларини ўйларди. Қўлидаги бир боғ қичитки ўт билан деворларга шудринг сувини пуркаб юрган Урсула болага ўша жойда дуч келди, у авваллари ҳам неча бор учрашганига карамай, Аурелианодан кимлигини сўради.

— Мен Аурелиано Буэндиаман,— деди бола.

— Тўғри,— деди Урсула.— Сен энди заргарликни ўрганаверсанг ҳам бўлади.

У яна болани ўғли полковник Аурелиано билан адаштирди, чунки жала тугаб, Урсуланинг зехнини сал-пал равшанлаштирган гаримсел тинган эди. Кампирнинг акли яна хира торта бошлади. У ётоқхонага кирганида ҳар сафар қариндошларини: серҳашам криполин<sup>1</sup> кийиб, елкасига киборлар базмига мос шол рўмолини ташлаб олган Петронила Игуаранни, товус патидан қилинган елпиғич тутиб, тебранма курсида ўтирган фалаж бувиси Транкилина Мария Миниата Алококе Буэндиани, вице-қирол гвардиячилари либосини кийган катта буваси Аурелиано Аркадио Буэндиани, дуо зўри билан сўна тухумини қуришиб юборган отаси Аурелиано Игуаран, отасининг онаси, чўчка думи билан тугилган жияни, эри Хосе Аркадио Буэндиа ва унинг марҳум ўғилларини учратарди. Мурҳумлар девор ёнидаги стулларда худди мотам тутгандек ғамгин ўтиришарди. Урсула улар билан турфа мавзуларда қизғин суҳбат қуради. Мактабидан қайтган Амаранта Урсула билан энциклопедия меъдасига теккан Аурелиано ётоқхонага киришганларида кўпинча Урсула каравотда ўтиргунча, хотиротнинг дунёсида тентираб, ўзи билан ўзи баралла гаплашаётган бўларди. Бир куни у « Ёнаяпти!» деган даҳшатли қичкириқ билан бутун уйни оёққа турғазди. Кейин маълум бўлдики, кампир тўрт яшарлигида отхоналари ёниб кетганини эслаган экан. Урсула бўлиб ўтган воқеалар билан ҳозиргиларини шу қадар қориштирардики, ўлиmidан олдинги уч-тўрт минутлик равшанланиш пайтидаги гапларидан қай бири хотирасига, қай бири ҳозирги даврга тааллуқли эканини ҳеч ким англолмасди. Унинг жисми аста-секин қуриб-ковжираб борарди, гўёки тириклайин мурдага айланарди. Умрининг охирги ойларида Урсуланинг вужуди бир бурда бўлиб, мудом тепага кўтариб юрадиган кўли эса маймуннинг панжасига ўхшаб қолди. Баъзида суткалаб қимир этмай ётарди. Шундай пайтлари Санта София де ла Пьедад кампирнинг тириклигига ишонч ҳосил қилиш учун уни силкитиб кўрар, сўнг тиззасига олиб, чойқошиқда ширин сув ичирарди. Урсула чақалоқ кампирга ўхшарди. Амаранта Урсула билан Аурелиано уни қўлларида кўтариб юришар ва унинг гўдак Исодан сал вазминроқ эканини исботлаш учун атай меҳробга қўйишарди; бир куни кечқурун қазноқдаги шкафга беркитиб қўйишганларида, Урсулани каламушлар еб қўйишига оз қолди. Фернанда пасхадан бир ҳафта олдинги ибодатга кетганида болалар ётоқхонага кириб, Урсуланинг боши ва тўпигидан ушлаб кўришди.

— Катта бувимнинг бечора бувиси,— деди Амаранта Урсула,— у қариликдан ўлибди.

<sup>1</sup> Криполин — урта асрда расм бўлган чамбаракли кенг юбка.

Урсула сесканиб тушди.

— Мен тирикман!— эътироз билдирди у.

— Кўраяпсанми,— деди Амаранта Урсула, ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб,— ҳатто нафас ҳам олмаяпти.

— Мен гапираянман-ку!— кичкирди Урсула.

— Ҳатто гапирмаяптиям,— деди Аурелиано.— Қора чигирткадай ўлиб колибди.

Шунда Урсула ошқори ҳақиқатни тан олди. «Худойим-э!— секин пичирлади у.— Ўлим деганлари шу экан-да». У икки кун давомида узундан-узоқ дуо ўқиди, сешанба куни эса дуосига амалий маслаҳатлар омихта бўлиб кетди: сарик чумолиларни кириб ташланглар, йўкса уй кулаб тушиши мумкин; Ремедиос расми остидаги чироқ ўчмаслиги керак; Буэндиаларнинг бирортаси ҳам кариндошига ўйланмаслиги лозим, акс ҳолда чўчка думли болалар тугилади. Аурелиано Иккинчи Урсуланинг алаҳлашидан фойдаланиб, хазина яширилган жойни билиб олишга роса уринди, аммо ҳаракатлари зое кетди. «Қачонки худо ёрлақагур эгаси келса тоғади,— деди Урсула,— фақат угина тоғади.» Санта София де ла Пьедад Урсуланинг яқин орада ўлишига ишонди. Чунки шу кунларда аллақандай ғаройиб воқеалар содир бўла бошлади: дейлик, атиргуллардан явшан ҳиди анқир, ликончадан ерга тўкилган ловия доналари ўз-ўзидан денгиз юлдузи шаклида тизиларди. Бир оқшом эса осмондан гала-гала сарғиш халқалар учиб ўтди.

Урсула пайшанба куни эрталаб соат тўртда кўз юмди. Мархума охириги марта қариндош-уруғлари ёрдамида ўз ёшини аниқлашга уринганида ҳали банан компанияси тугатилмаган эди. Ўшанда Урсула, бир юзу ўн бешдан ошганим аниқ, аммо ҳали бир юзу йигирма иккига кирганимча йўқ, деб айтган эди. Уни чақалок Аурелианони солиб келишган саватдан сал катгароқ тобутда кўмишди; дафн маросимида унча кўш одам бўлмади. Бунинг сабаби, биринчидан кўпчиликнинг Урсулани унутиб юборганида, иккинчидан, чидаб бўлмас жазирама эди: ўша кун чошғоҳда ҳаво шу қадар қизиқ кетгандики, қушлар ўз йўналишларини йўқотиб, ўзларини деворга ёки деразадаги темир тўрларга уриб нобуд бўлишарди.

Дастлаб, қушлар ўлатга чалинибди, деб ўйлашди. Уй бекалари хоналарни қуш ўлигидан тозалайвериш жони ҳалқумига келарди. Жониворлар, айникса, пешинги ҳордиқ пайтида кўплаб ўларди. Эркаклар қуш ўликаларини араваларга жойлаб, дерёга элтиб ташлашарди. Зиндаи Масеҳ куни юз ёшли падре Антонио Исабел черков минбаридан туриб, Мангу Жухуд қушларга ўлат балосини юборди, у дажжолни ўтган кеча ўз кўзим билан кўрдим, деб айтди. Падренинг айтишича, Мангу Жухуд таке билан худосиз бир аёлнинг зурёди экан, унинг нафаси ҳавони ўтдек қиздириб юборди, ул дўзахини кўришнинг ўзи-ёқ аёлларни валади зиноларни тузиш жазосига мусахиҳ этади... Падренинг маталини деярли ҳеч ким жиддий қабул қилмади, негаки юздан нари ҳатлаган ҳазратнинг аллақачон ақлдан озгани бутун шаҳар аҳлига аён эди. Лекин чоршанба куни эрта тонгда аёл кишининг даҳшатли бақирғи шаҳарни оёққа турғизди. Аёл номаълум икки оёқли ҳайвоннинг айри туёғи изларини кўриб қолганди, излар шу қалар аниқ ва равшан эдики, унинг эгаси ўша руҳоний таърифлаган даҳшатли мав-



жудод эканига заррача шубха қолмади. Одамлар ҳовлиларига тузоқлар қўйишди. Орадан сал ўтмай бу сирли келгинди қўлга тушди. Урсуланинг ўлиmidан сўнг икки ҳафта ўтгач, Петра Котес билан Аурелиано Иккинчини ярим кечаси қўшни ҳовлидан эшитилган новвосча мунграшга ўхшаш ваҳимали йини уйғотди. Улар уйдан югуриб чиқишганларида, бир тўда эркаклар маҳлуқни усти қуруқ шох-шабба билан ниқобланган ҳандақ тубидаги ўткир қозиклардан тортиб чиқаришарди. Маҳлуқ бошқа бўқирмади. Гарчанд, жуссаси кичик бўлса-да, вазни каттагина — ҳукизникидан қолишмасди, ярасидан яшил рангли, ёпишқоқ қон оқарди. Танаси канаю эски чандиқларга тўлиб-тошган дағал жун билан қопланган маҳлуқ руҳоний айтган дўзах балосига ўхшамас, аксинча баъзи аъзолари одамга ҳам ўхшаб кетарди; аниқроғи, у одамни эмас, касалманд фариштани эслатарди, қўллари ошпок ва нозик, кўзлари ғамгин ва катта-катта эди, ҳар иккала курак суягида тўмтоқ, чандиқли қолдиқлари кўришиб турар, афтидан унинг бақувват қанотлари ўтинчининг болтаси билан кесиб ташланган эди. Жасадни ҳамма кўрсин деб, бодом дарахтига тўшигидан осиб қўйишди, сасий бошлаганидан кейин гулҳанда ёқиб юборишди, чунки мурда дарёга ташлаб юборилиши керак бўлган ҳайвонга ёки дафнга муносиб христианга тегишлими — буни ҳеч аниқлаб бўлмасди. Шунингдек, кушларнинг кирилишига ростдан ҳам у сабабчи эдими — буни ҳам билишолмади. Аммо бирорта ҳам келинчак руҳоний айтган валади зино туғмади, жазирама иссиқ ҳам пасаймади.

Йилнинг охирида Ребека оламдан ўтди. Унинг содиқ хизматкори Архенида ҳукумат вакилларига уч кун илгари бекаси беркиниб олган ётоқхона эшигини бузишларини сўраб мурожаат қилди. Эшикни бузишганда, темироткидан сочлари тўкилиб кетган Ребека катта бармоғини оғзига солиб, ўзининг ғарибона тўшагида чангак бўлиб ётарди. Аурелиано Иккинчи дафн маросимини ўз гарданига олди. Уйни бирорта одамга сотиш ниятида тузаттирмоқчи бўлди, аммо бу бинога вайроналик руҳи жудаям чуқур сингган: деворларни бўяш биланок тагин ёрилиб кетар, оҳакнинг энг қалин қатлами ҳам поллар орасидаги зараркунанда ўтларнинг ўсишига халақит беролмас, чирмовиқлар беомон равишда бўғизлашаётган тирговичлар эса чириб тутаганди.

Ёмғир тинган пайтда Макондода ҳаёт ана шу тарзда кечарди. Одамлар ғоят ланж ва танбал бўлиб қолдилар. Уларнинг хотираси жуда сусайиб кетди. Неерланд битимининг навбатдаги юбилейи муносабати билан полковник Аурелиано Буэндиа неча марта рад этган орденни унинг авлодларига топшириш учун республика президенти Макондога ўз вакилларини юборди. Вакиллар полковникнинг зот-зурриёдини ахтариб, кечгача овора бўлишди. Аурелиано Иккинчи орденни соф тилладан қилинган деб ўйлаб, олишга рози бўлди. Президент вакиллари муқофотни тантанали топшириш маросими учун оркестр ёллаб, нутқлар тайёрлаб қўйишган бўлса-да, Петра Котес «Бу қилиғинг номуносиб», деганидан сўнг Аурелиано Иккинчи аввалги фикридан қайтди. Худди шу аснода Макондога лўлидар — Мелькиадес таълимотининг сўнги тарбиётчилари келишди. Улар ташландик шаҳарни, унинг овсар одамларини кўриб, тагин қўлда оҳанрабо парчаларини тутганча, уймай юриб, уларни Бобил олимларининг энг сўнги ихтироси, деб эълон

килишти. Яна каттакон заррабинни намоиш этишти. Оҳанрабо таъсирида идиш-товокларнинг кимирашини кўриб, кўпчилик одамларнинг оғизлари очилиб қолди. Лўли қизнинг оғизидоғи сунъий жағини олиб яна жойига қўйишини кўриш учун эллик сентаво тўлганлар ҳам анчагина эди. Кимсасиз ва юксиз бир неча вагонни зўрға судраб келаётган шалоғи чиққан поезд хувиллаб ётган станцияда ора-сира тўхтаб ўтарди. Авваллари жаноб Брауннинг шиша томли, бежирим ўриндикли вагони тиркалгучи, доимо пассажирлар билан лимо-лим поезддан, то кечгача станцияга галма-гал келиб турадиган бир юзу йигирматача вагон-холодильникдан иборат мева ташувчи составдан шугина қолган эди, холос. Падре Антонио Исабелнинг қушларга қирон келтирган ўлат ва Мангу Жухуднинг ўлдирилгани ҳақидаги галати хабарини текшириб кўриш учун Макондога суд амалдорлари келди. Улар мўтабар падренинг болалар билан бекинмачок ўйнаётганини кўришти. Хуллас, падренинг хабари эътиборсиз қолди ва унинг ўзи жиннихонага топширилди. Бир неча кундан сўнг шаҳарга падре Аугусто Анхель келди. У янгиликка интилувчан руҳонийлардан бўлиб, муросасиз, довжурак ва ҳатто кўпол эди, падре диндорлар руҳини кўтариш ва ғофил бандаларни уйғотиб ибодатга чорлаши учун кунига бир печа марта кўнғирок чалди. Аммо бир йил ўтар-ўтмас падре Аугусто Анхель мағлубиятини тан олди: шаҳар аҳли ибодат қилишдан кўра тузукрок овқатланишни, сўнг бемалол қўзилиб ётишни афзал кўрарди.

Урсуланинг ўлимидан сўнг уй ташландик бўлиб қолди. Орадан кўп йиллар ўтгач, динсиз, хушчақчақ, замонавий аёл бўлиб етишган, ҳаробалик руҳини чўчитиб юбориш учун эшик ва деразаларни ланг очган, боғни қайта тиклаган, ҳатто куппа-кундуз кунни йўлаклар бўйлаб безбетларча ўрмалаган сариқ чумолиларни кириб ташлаган ва Буэндиалар масканидаги сўниб қолган меҳмондорчилик руҳини тикламоқчи бўлган кескин ва иродали Амаранта ҳам уйни бу ғарибликдан қутқара олмади. Фернанданинг узлатчилик эҳтироси Урсуланинг жўшқин юз йиллик йўлига гов бўлиб тушди. Гармсел тинганида Фернанда нафақат эшикларни очтиришдан бош тортди, балки ота-онасининг маслаҳатига биноан, ўзини тириклай кўмиш учун деразаларга ёғоч бутлар қоқишни буюрди. Унинг табиби ғайблар билан ёзишмалари ҳеч қандай натижа бермасди. Ахири, уларнинг хатларида белгиланган кун ётоғига кириб, эшикни ичидан беркитиб олди, бошини шимолга қаратиб тўшакка ётди ва оппоқ чойшабга ўралди; кечаси соат бирда юзига муздай латта босишганини ҳис қилди. Уйғонганида дераздан кўёш нурлари ёғиларди. У баданида хотидан бошланиб, то кўкрак суягигача қўзилган ёйсимон чандикни кўрди. Фернанда табиби ғайблардан ҳали операциядан сўнгги дам олиш муддати тугамасданок ноҳуш мактуб олганди. Ҳатда у олти соат давомида обдан текширилганлиги, лекин организмда номи бир неча марта такрорлаган касалликни кўзгоччи ҳеч қандай белги топиша олмаганлиги айтилган эди. Нарсаларни ўз номи билан атамаслик одати Фернандани яна бир қарра доғда қолдирди, чунки жарроҳ-телепатлар унда фақат ягона касаллик — бачадоннинг пастга тушганини аниқлашган бўлиб, бу дардни операция қилмасдан оддий бандаж ёрдамида даволаш мумкин эди. Фернанданинг ҳафсаласи пир бўлиб, табиби ғайблардан аниқроқ изох



талаб қилди, аммо табилар унинг хатларига жавоб бермай қўйишди. Нотаниш «бандаж» сўзининг залвори эзиб ташлаган Фернанда, уятни йиғиштириб, шаҳардаги француз врачдан сўраб билмоқчи бўлди, лекин француз уч ой илгари оғилхонада ўзини ўзи осиб ўлдирган, уруш ветеранларидан бири, полковник Аурелиано Буэндианинг эски куролдош дўсти халқнинг истагига қарши бориб, уни қабристонга дафн этган экан. Шунда Фернанда Хосе Аркадиодан кўмак сўради ва ўгли Римдан онасига бандаж, ундан қандай фойдаланиш ҳақида қўлланма юборди. Фернанда ёзувларни ёдлаб, хасталигини ошкор этмаслиги учун қўлланмани ҳожатхонага ташлаб юборди. Бу ўринсиз эҳтёткорлик эди, чунки хонадон аҳли Фернандага мутлақо эътибор бермай қўйган эди. Санта София де ла Пьедад қариб-чуриган эди. У бутун оила аъзолари учун овқат тайёрлаб, қолган вақтини эса Хосе Аркадио Иккинчига бағишларди. Гузал Ремедиоснинг жозибасини қисман мерос қилиб олган Амаранта Урсула эса, илгарилари Урсулани қийнашга кетадиган вақтини энди дарс тайёрлашга сарфларди. Аурелиано Иккинчининг қизи ўткир ақл аломатларини намойиш эта бошлади. Қолаверса, у жуда тиришқоқ эди. Айни хислатлари отасининг қалбига илгари Меме уйготган умидни яна жонлантириб юборди. У қизига, банан компанияси даврида расм бўлган одагга мувофик, Брюсселга ўқишга юбораман, деб сўз берди. Бу орзу Аурелиано Иккинчини узлуксиз тошқин еб битирган далаларни қайта ўзлаштиришга мажбур қилди. У уйга жуда кам, ўшанда ҳам қизчасини кўргани келар, хотини Фернандага мутлақо бегона бўлиб қолган эди. Кичик Аурелиано эса вояга етгани сайин одамови бўлиб борарди. Чамаси, ёлғизликни ёқтириб қолган ва остонадан хатто бир қадам хатлаб, ташқи дунёни ўрганишга заррача қизиқмасди. Урсула Мелькиадеснинг хонасини очтирганида, Аурелиано тирқишдан қараганча ёнида айланарди. Унинг Хосе Аркадио Иккинчи билан қандай танишгани ва қай тарика дўстлашиб қолгани номаълум эди. Аурелиано Иккинчи бу дўстликдан кенжа Аурелиано станциядаги қирғин-барот ҳақида гап очганда воқиф бўлди. Бир куни овқат пайти кимдир, банан компанияси Макондодан бекорга кетди, кетдию шаҳар тушқунликка туша бошлади, деб афсусланди. Бола бу баҳсга қўшилди. Унинг ўз фикрларини аниқ ифода қила олиши, яъни балогатга етганлиги сезилиб турарди. Боланинг бу масалага қараши бошқаларникидан кескин фарқ қиларди. Аурелианонинг фикрича, банан компаниясининг ишчиларга ён босишини истамаган инженерлар тўғри йўлдан юрмагани, уни талон-тарож қилмагунча Макондо гурқираб яшаётган ҳамда келажаги порлоқ шаҳар бўлган. Бола шунчалар оқилона гапирардики, Фернанданинг назарида бу Исони масхаралашдек туюларди. Аурелиано станцияга тўпланган уч мингдан зиёд одамни пулемётлардан отишганларини, уларнинг жасадини икки юзта вагондан иборат составга қай тарзда ортишгани ва денгизга қандай қилиб ташланганини аниқ ва ишончли тафсилотлар билан сўзлаб берди. Фернанда ҳам кўпчилик каби, ўша куни гўёки станцияда ҳеч нарса содир бўлмади, деган расмий хабарга ишонарди. У невараси полковник Аурелиано Буэндианинг саркашлигини мерос қилиб олганини ўйлаб даҳшатга тушди, унга: «Овозингни ўчир!» деб қичқирди. Аурелиано Иккинчи эса, аксинча, эгизак укасининг ҳикояси рост эканини таъкидлади. Ҳамма жиннига

чикариб қўйган Хосе Аркадио Иккинчи аслида оиладаги энг ақлли одам эди. У кенжа Аурелианога ўқиш ва ёзишни ўргатди, қўлёмаларни ўрганишга жалб этди ва муҳими, Макондога банан компанияси келтирган офатлар ҳақида ўз шахсий фикрларини уқдира олди; бу фикр тарихчилар таъкидлаган ва дарсликларга битилган уйдирма ривоятлардан тубдан фарқ қилгани учун ҳам, орадан анча йиллар ўтиб, Аурелиано улгайиб ҳаётга аралашганида, бу ҳикояларига ҳеч ким ишонмаслиги тайин. На гармсел, на чанг ва на жазирама кира оладиган хилват хонада иккови ўтираркан, соябони қарганинг қанотига ўхшаган шляпа кийиб олган, улар тугилмасдан анча илгари шу ерда, деразага орқасини тутиб, коинот ҳақида ҳикоялар сўзлаб берган қариянинг шарпасини эслашди. Улар бу хонада март ойи ҳамда душанба кунлари мангу туришини баравар англашди ва оила аъзолари Хосе Аркадио Буэндиани нега жинни атаб янглишганларини ҳам фаҳмлашди. Ҳа, вақт ҳам ҳалокатга учраши, шу боис, унинг бир парчаси хоналардан бирига тушиб, худди тошқин селнинг бир булаги кўлмакда қолиб кетгани каби тўхтаб қолиши мумкин экан. Бундан ташқари, Хосе Аркадио Иккинчи қўлаёмаларнинг криптографик белгиларини туркумларга ажратиб, шу асосда жадвал тузишга муфаффақ бўлди. У Мелькиадеснинг чиройли ҳуснихатида ёзилган, кичкина қандалаю ўргимчакканаларга ўхшаш ёзуви қирқ еттидан элик учтагача ҳарфи бор алифбога мос келишига ишонч ҳосил қилди. Шунга монанд алифбони инглиз энциклопедиясида кўрганини эсладию таққослаш учун ўша китобни олиб келди. Жадваллар ҳақиқатда бир хил эди.

Аурелиано Иккинчи илгари, жумбоқли лотерея ташкил этган пайтлари, ҳар куни эрталаб томоғини нимадир кисаётганини сезарди, гўёки ўша жойда кўзёши тикилиб қолгандек эди. Петра Котес буни вақтинчалик бир касаллик деб ўйлади ва ярим ой давомида жазманининг танглайига тиш чўткаси ёрдамида асал ҳамда шолғом сувини суртди. Томоғидаги шиш йириклашиб, нафас олиши кийинлашиб қолганида, Аурелиано Иккинчи дардга қарши бирор чора бор-йўқлигини билиш учун Пилар Тернеранинг қошига борди. Аммо юз ёшини яширин исловатхона бекаси лавозимида дадил кутиб олган бувиси ҳануз медицинани хурофот деб билар, шу боис карта фолига мурожаат қиларди. Фолига томоғига қарга валет қиличи қадалган топпон қирол чиқди. Пилар Тернера Фернанда эрини сийқаси чиққан усул, яъни унинг расмига ниналар санчиб, уйга қайтармоқчи бўлаётганини, аммо афсунгарликда етарли малакаси бўлмагани сабабли, Аурелиано Иккинчининг томоғидаги шиш билан чекланганини айтди. Лекин Аурелиано Иккинчи оилавий альбомларида бус-бутун сақланаётган, туйда туширилган расмидан бошқа бирортаям сурати йўқлигини эслади. Хотиндан яширинча бутун уйни тинтиб кўрди ва кийим шкафидан антиқа қилиб ўралган бир веча дона бандаж топиб олди. Бу кизил резинкалар жоду бўлса керак, деб ўйлади-да, биричи чўнтагига тикиб, Пилар Тернерага олиб борди. Фолбин бандажнинг не мақсадда қўлланишини аниқлай олмади, лекин бу магоҳ унга шу қадар шубҳали туюлдики, Аурелиано Иккинчига қолганларини ҳам олиб келишни буюрди, сўнг ҳовлида гулхан ёқиб, уларни ҳар эҳтимолга қарши қуидириб юборди. Фернанда ўқитган дуо Аурелиано Иккинчига бирор зарар етказмаслиги учун Пилар Тернера



битта курк товук сотиб ол, устига пешобингни сепиб, кейин товукни каштан остига тириклайин кўмиб юбор, деб тайинлади. Аурелиано унинг айтганларини ихлос билан бажарди ва товукни кўмиб бир оз енгил тортгандек бўлди. Фернанда бандажларнинг йўқолишини табиби ғайбларнинг интиқомига йўйди, кўйлагининг ичига чўнтак тикиб, ўгли юборган янги бандажларни ўша ерга солиб қўйди.

Товук кўмилганидан олти ой ўтгач, Аурелиано Иккинчи ярим кечаси йўталдан уйғониб кетди. Гуё улкан қисқичбақанинг темир қисқичлари ичини тилка-пора қилаётгандай эди. Сеҳрли камарларни гулханда ёқмасин, қанча товукқа пешобини сепмасин, бари бир ўлиши аниқ, ҳа, фақат шугина ягона қайгули ҳақиқат экан. Бу ҳақида ҳеч кимга огиз очмади. Амаранта Урсулани Брюсселга юборишдан олдинроқ ўлиб қолишдан кўрқиб, энди ҳафтада бир марта эмас, уч мартадан лотерея ўйини ташкил қиларди. Ҳали куёш чиқмасидан бутун шаҳарни кезиб чиқар, ҳатто энг узок ва қашшоқ кварталларга ҳам етар ва ўлимини бўйнига олган бандаларга хос маъюслик билан лотерея билетларини сотишга уринарди: «Илоҳий тақдир деганлари шу!— деб бакирарди.— Уни қўлдан чиқарманглар, негаки фақат юз йилда бир маротаба келадил!» Аурелиано Иккинчи бор иродасини тўплаб, узини хушчақчақ бахтиёр кўрсатишга уринар, аммо унинг қонсиз, тер босган юзига қараб, бу дунёдан насибаси узилганини билиб олиш мумкин эди. Аурелиано Иккинчи баъзан бегона кўзлардан қочиб, яйдоқ далага чикиб кетар, ичини тилка-пора қилаётган темир қисқичлардан лоақал бир дақиқа тин олгани ўтирар эди. Виктрол ёнида харидорсиз мудом зерикиб турадиган ёлғиз аёлларни лотерея олишга ташвиқот қилиш мақсадида ярим кечаси исловатхоналар касабаси бўйлаб кезарди. «Манави номер тўрт ойдан бери ҳеч кимга тушгани йўқ,— дерди аёлларга билет кўрсатиб.— Қўлдан чиқарманглар, ҳаёт сиз ўйлагандан ҳам қисқарок.» Охир-оқибат одамлар уни ҳурмат қилмай қўйишди ва ҳаётининг охири кунларида одатдагидек, дон Аурелиано эмас, ҳеч бир уялмай-нетмай, «Дон Илоҳий Тақдир», деб аташарди. Аурелиано Иккинчининг овози тобора пасайиб, охири итнинг зириллашига ўхшаб қолди, аммо у ўзида халқни Петра Котеснинг уйда ўйналадиган лотереяга жалб этишга етарли куч топарди. Дард кучайгандан кучайиб, лотереяга тикилаётган чўчкаю эчкиларнинг пули кизини Брюсселга ўқишга юборишга етмаслигини пайқади. Шунда миясига ялт этиб бир фикр келди: энди у лотереяга тошқин ювиб кетган далаларни тикади, пулдор одамлар бу ўлик далаларни бемалол ўзлаштириши мумкин. Айни фикр одамларга жозибали туюлди, ҳатто янгича лотерея ҳақида алькальд, яъни шаҳар ҳокимининг ўзи эълон чиқарди... Билет қиммат — юз песо турарди. Одамлар ўзаро пул тўплаб, уни харид қилишарди. Ҳаттоки мустақил ширкатлар тузилди. Бир ҳафта деганда билетлар сотилиб бўлинди, ютук чиққанлар кечкурун катта базм уюштиришди. Базмда Аурелиано Иккинчи аккордеонда сўнги бор Франциско Одам қўшиқларининг куйини чалди, лекин сўзини айтолмади.

Шундай қилиб, икки ойдан кейин Амаранта Урсула Брюсселга жўнаб кетди. Аурелиано Иккинчи кизига нафақат бу ғайриоддий лотереядан тушган даромадни, балки сўнги ойларда йиққан ҳамма маблағини, шунингдек, пианола, клавиқорд ва яроқсиз ҳолга келган

мебелларини сотиб туширган пулларини ҳам тугқазди. Унинг ҳисоб-китобича, бу пуллар то кизи ўқишни тугатишига қадар етарди. Брюссель шаҳрининг туноҳга ботган Париждан яқинлигидан дарғазаб бўлган Фернанда кизининг сафарига қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Лекин падре Анхель Амаранта Урсуланинг ўқиши тугагунича яшаб туришга сўз берган роҳибалар ихтиёридаги католик қизлар пансионига ёзиб берган тавсияномасини кўргач, тинчланди. Бундан ташқари, падре Анхель Толедога борувчи роҳибаларни қидириб топди ва кизни ўзлари билан бирга олиб кетишга, Толедода эса уни нақ Брюсселнинг ўзига қузатиб қўядиган ишончли йўлдошларга топширишга уларни кўндирди. Бу масала юзасидан кизгин ёзишма бораётган пайтда Аурелиано Иккинчи Петра Котес ёрдамида Амаранта Урсулани сафарга ҳозирлар эди. Унинг кийим-боши илгари Фернанданинг сенидан бўшаган сандиққа жойланди. Сафар шу қадар пухта уйланган эдики, бўлажак толиба ҳақто Атлантика океанини кесиб ўтаётганларида қайси қўйлагию туфлисини кийишини, қирғоққа етганда қиядиган мис тугмачали кўк пальтосию сахтиён бошмоқчаси қаерда ётганини ёддан айтиб берарди; кемадан тушаётганида сувга йиқилиб кетмаслик учун трапда ўзини қандай тутишини, роҳибалардан бир қадам ҳам ортада қолмаслигини, қаютадан фақатгина овқат ейиш учун чиқишини, очик денгизда ҳеч кимнинг — на аёл, на эркекнинг саволларига жавоб қайтармаслигини жуда яхши биларди. У ўзи билан бирга денгиз касалига қарши дори солинган шиша идиш ва падре Анхель ўз қўли билан ёзган бўронга қарши олтига дуо битилган дафтарни олди. Фернанда кизига пул сақлаш учун брезент камар тикиб бериб, уни тунда ҳам ечмасликни тайинлади. Яна хлор билан яхшилаб ювилган, спирт шимдирилган пахтада артилган тунги тилла тувагини ҳам ҳадея қилмоқчи бўлдию лекин кизи бўлажак курсдошларим кулади, деб тувакни қайтариб берди. Орадан бир неча ой ўтгач, ўлим тушаганида ётган Аурелиано Иккинчи кизини охирга марта қай ҳолатда кўрганини эслайди — ушанда Амаранта Урсула Фернанданинг сўнги маслаҳатларини эшитиш учун иккинчи класс вагонининг чанг босган ойнасини очишга бефойда уринади. Сунъий капалак гул қадалган қўйлак кийган, кенг пошнали сахтиён туфлию эластик боғичли пайпоқда бўлган, ўрта бўйли, узун сочлари елкасига ёзилган бу кизнинг қараши Урсуланинг худди ана шу ёшдаги қарашидек ўткир эди. Унинг йиғламай, кулмай жиддий хайрлашиш одати, Амаранта Урсула қатга буви-сининг руҳий қатъиятини ҳам мерос қилиб олганини билдирарди. Жойидан кўзгалаётган вагон билан ёнма-ён бораётган Аурелиано Иккинчи хотини қокилиб кетмаслиги учун уни қўлидан ушлаган эди. У кизи қўл учида ўпич узатганини кўрди ва бунга жавобан зўрға қўл силкишга улгурди. Эру хотин қуёш то уфқдаги кичик нуқтага айланмагунча узоқ туришди. Улар тўйларидан сўнг илк бор қўл ушлашиб туришарди.

Тўққизинчи август куни қайғули келди. Брюсселдан ҳали биринчи хат келмай туриб, Хосе Аркадио Иккинчи Мелькиадеснинг хонасида Аурелиано билан суҳбатлашаркан, худди томдан тараша тушгандек:

— Бир умрга эслаб қол,— деди,— улар уч миндан кўпроқ эди ва ҳаммасини денгизга улоқтиришди.



У шундай дедию қўлёзмалар устига юзтубан йиқилиб, кўзлари очик ҳолда жон берди. Худди шу дақиқанинг ўзида Фернанданинг тўшагида эгизак акасининг томоғидаги темир қисқичлар билан азобли кураши хотима топди. Ушбу воқеадан роса бир ҳафта бурун Аурелиано Иккинчи овозидан айрилиб, нафаси қисилиб, эти терисига ёпишган бир афтодаҳол ҳолда уйига қайтиб келди. У ўзининг сандикларию абжағи чиққан аккордеонини ҳам ола келган, ҳуллас, хотинининг кўз олдида ўламан, деб берган ваъдасининг устидан чикмоқчи эди. Петра Котес кийимларини жойлашда кўмак берди, маҳбуби билан хайрлаша туриб бир томчи ёш тўкмади, аммо у Аурелиано Иккинчи тобутда кийиб ётишни истаган мойланган ботинкаларни сандикқа қолишни эсидан чиқариб қўйди. Шу сабабли Петра Котес Аурелиано Иккинчининг ўлимини эшитгани ҳамон қора либос кийди, ботинакани газетага ўради ва Фернандага, унинг жасадини кўрай, рухсат бер, деб ялинди. Бироқ Фернанда уни оғонага ҳам йўлатмади.

— Ўзингизни ўрнимга қўйиб кўринг,— дея илтижо қилди Петра Котес.— Уни севмасам, ўзимни шунчалар хўрлармидим?!

— Бировнинг эри билан ўйнашган аёлга ҳар неки хўрлик ҳам озлик қилади,— деб жавоб қайтарди Фернанда.— Яхшиси, ўзинг илакишган бошқа эркаклардан бирининг ўлимини кута қол, ботинканиям ўшанга кийгизасан.

Ваъдасига содик қолган Санта София де ла Пьедад Хосе Аркадио Иккинчини тириклай кўмишмаётганларига ишонч ҳосил қилиш учун, ўғлининг бошини ошпичоқ билан кесиб ташлади. Ака-укалар бир хил тобутга жойлаштирилди, шунда одамлар эгизаклар ўлганларидан кейин яна бир-бирига ўхшаб қолганини кўришди. Аурелиано Иккинчининг эски ҳамтовоклари унинг табути пойига «Туғинлар, сигирлар, умр-қисқа!» деб ёзилган лента ўралган гулчамбар қўйишди. Фернанда бу таҳқирдан ғазабга келди ва гулчамбарни ҳожатхонага улоқтиришни буюрди. Ғуссага чўмган ароқхўрлар тобутларни қабристонга элтишди, бироқ сўнгги онларда сал довдираб қолишдими, Хосе Аркадио Иккинчига аталган қабрга Аурелиано Иккинчини кўмишди.

\* \* \*

Аурелиано Мелькиадес хонасида анча йиллар банд бўлди. У тўзиган китобдан ақл бовар қилмайдиган афсоналарни, роҳиб Герман Шол таълимотининг қисқача баёнини, демонология<sup>1</sup> фани тавсифлаган мақола-ни, ҳикмат тошини қидириш қўлланмасини, Нострадамуснинг «Аср» асарини, унинг ўлат ҳақидаги тадқиқотларини ёдлаб олди ва шу тарика алаҳсиб ўзи яшаётган замондан беҳабар қолди. Аммо ўрта асрларга доир барча муҳим билимларга эга эди. Энди бу лайтга келиб, кенжа Аурелиано туппа-тузук ўсмир эди. Санта София де ла Пьедад хонага қай соатда кириб келмасин, у доимо китоб ўқиётган буларди. Аёл эрталаб бир чашка қандсиз кофе, тушда қовурилган банану бир ликопча қайнатилган гуруч (Аурелиано Иккинчининг ўлиmidан сўнг

<sup>1</sup> Демонология — христианлар мифологиясидаги шайтон ва ажиналар табиатини ўрганувчи фан.

шу таомга кунлари қолган эди) олиб келарди. Санта София де ла Пьедад усмирнинг сочини олар, битларини терар, эски сандиклардан тошилган кийимларни унга мослаб кичрайтирарди, мўйлови сабза ура бошлаганида эса унга полковник Аурелиано Буэндианинг устараси билан стаканчасини келтириб берди. Меменинг ўгли мархум полковникка ўз пуштидан урчиган ўғилларидан кўра кўпроқ ўхшаб кетарди, буни йигитнинг бўртиб чиққан ияги, оғзи атрофидаги кескин, мағрурона чизиқлардан ҳам билса бўларди. Бир вақтлар Аурелиано Иккинчи Мелькиадес хонасида утирар экан, гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандек туюларди, Урсулага. Санта София де ла Пьедад кенжа Аурелианога ҳам шу ҳолатини кузатди, фақат у Мелькиадес билан суҳбатлашарди. Эғизак ака-укаларнинг ўлиmidан кейин сал ўтиб, иссиқ чошгоҳ маҳали чароғон дераза ёнида соябони қарға қанотини эслатувчи шляпа кийган маъжус чол пайдо бўлди. Аурелиано кўлёмалар алифбосини туркумларга бўлишни эндигина тамомлагани боис, Мелькиадеснинг қоғозлар қайси тилда ёзилганини билиб олдингми, деган саволига ҳеч иккиланмасдан:

— Санскритда ёзилган, — деб жавоб берди.

Мелькиадес ҳадемай бу хонага келиб-кегиши тугашини айтди. Кўлёмаларни улар битилганига роса юз йил тўлгунича ўқиш учун Аурелиано санскрит тилини мукаммал билиб олиши керак эди, ўшандагина Мелькиадес ажал масканига хотиржам кетади. Мелькиадес кенжа Аурелианога банан компанияси замонида фолбинлар ўтирадиган жой — дарёга элтувчи тор кўчада яшайдиган каталониялик бир олимнинг китоб дўконида санскрит тили қўлланмаси борлигини, агар тезроқ харид қилмаса, китобни олги йилдан кейин куя еб қуйишини маълум қилди. Йигитча Санта София де ла Пьедадга ўша олимнинг дўконига бориб, «Озод Қуддуси Шариф» китобини ва Мильто поэмалари ўртасида, китоб тоқчасининг иккинчи қаторида, ўнг бурчакда турган китобни ҳам олиб келинг, деб сўраганида, аёл ҳайратга тушди. Айни ҳайрат — Санта София де ла Пьедаднинг умрида биринчи бор туйғуларини ошқор этиши эди. Аёл саводсиз эди, шу сабабли. Аурелиано айтган гапни қаттиқ ёдда тутди, устахонага яшириб қўйилган ўн етти тилла балиқчадан бирини сотиб, китобга етарли пул топди — солдатлар уйларини тинтув қилинган ўша окшомдан сўнг, балиқчалар яшириб қўйилган жойни фақат Аурелиано иккови биларди.

Аурелиано санскрит тилини кунт билан ўрганарди. Мелькиадес энди жуда кам келарди. У гўё чошгоҳнинг кўзини қамаштирувчи ёруғига қоришиб, борган сари узоклашар эди. Лўли охириги бор келганида Аурелиано чолни кўрелмади, аммо «Мен Сингапур богқоқларида безгакдан ўлдим», деб пичирлаганини зўрга эшитиб, хонада эканини ҳис қилди. Ўша кунгек хонага чанг, жазирама иссиқ, чумолилар, китобу кўлёмаларни уларга жо этилган ҳикматларига кўшиб еб ташлайдиган кучларнинг киришига монелик қиладиган сеҳрли куч ҳам йўқолди.

Хонадонда озик-овқат етарли эди. Аурелиано Иккинчи вафотининг эртаси кунги арокхўр дўстларидан бири Фернандага «Мен мархум эрингиздан қарз олудим», деб анчагина пул берди. Энди ҳар чоршанбада уйларига турли егуликлар солинган тўқима сават олиб келишарди. Саватни таҳкирнинг зўри — ганимга садака бериш, деб ўйлаган Пет-



ра Котес юборишига ҳеч ким шубҳаланмас эди. Петра Котеснинг қалбида тушланиб қолган адоват ўзи уйлаганидан ҳам тезроқ тарқаб кетди, аммо Аурелиано Иккинчининг собик маҳбубаси олдинга такаб-бурликдан, сўнгра эса азбаройи ачинганидан марҳумнинг бевасига озик-овқат юборишини қанда қилмади. Кейинчалик, лотерея тарқатишга кучи қолмаган кезлари ҳам гарчанд ўзи оч қолса-да, кундошига овқат юбориб турди. Бу ҳол кундошининг тобутини ерга қўйишганини ўз кўзи билан кўрмагунича давом этди.

Хонадон аҳли камайиб, ярим асрдирки рўзғорни елкасида тутган Санта София де ла Пьедаднинг ишлари камайгандай бўлди. Оилага фаришталардек олижаноб Ғўзал Ремедиосни, мағрур Хосе Аркадио Иккинчини ҳаёга қилган, ўзини ғўдақлар тарбиясига, гарчи улар ўзларининг шу аёлга ўғил ёки невара эканлигини билишмаса-да, бағишлаган аёл Аурелианога ҳам меҳр билан қарарди. У Аурелиано аслида ўзига чевара эканини билмасди. Бу индамас ва одамови аёлнинг дунёдан нолиганини ҳеч ким эшитмаган эди. У каламушлар шовқин солиб чиқадиган қазноқнинг полида, яйдоқ ерга бўйра тўшаб ухларди. Санта София де ла Пьедад бир куни ярим тунда унга аллақим қоронғилик қатъидан тикилаётганини сезиб, чўчиб уйғонганини ҳеч кимга айтмади. Бу кейин унинг қорнидан ўрмалаб ўтган қора илон эди. Агар бу тўғрида Урсулага гапириб берганида, у тунагани, албатта, ўз тўшагини берган бўларди. Ўшанда ҳеч ким ҳеч нарса сезмасди, чунки бировнинг диққатини жалб этиш учун галереяга чиқиб айюҳаннос солиш зарур эди — нон ёпишининг захмати, урушнинг беқарорлиги, болалар тарбияси ташвишлари яқин одамнинг рўшнолиги ҳақида ўйлашга имкон бермасди. Бечора аёлнинг ташвишини ейдиган ягона киши Петра Котес эди. Санта София де ла Пьедад уни бирор марта кўрмаган эди. Петра Котес энг оғир кунлари — Аурелиано Иккинчи билан лотереядан тушган тангаларни кечалари тақсимлаб чиқишган пайтларида ҳам Санта София де ла Пьедаднинг кучага чиққанда киядиган бирор кўйлаги ёки туфлиси бўлсин, дея жони ҳалак бўларди. Фернандани хонадониди қабул қилганида, Санта София де ла Пьедадни бор-йўғи оқсоч аёл деб ўйларди. Фернандага бу изоҳлар ғайритабий туюлар, оқсоч аёлнинг аслида ўзига қайнона эканини зўрға англаса-да, унинг кимлигини тез орада эсидан чиқариб қўярди. Санта София де ла Пьедад эса ўзининг ўта итоақкорлигидан мутлақо азият чекмас, аксинча, хоналар бўйлаб бетиним, сассиз кезиш, ўзи ёшлигидан бери яшаб келаётган, банан компанияси даврида оилавий маскандан кўра кўпроқ казармага ўхшаб қолган бу баҳайбат уйни ҳамиша саранжом-саришта саклаш ёқарди. Лекин ўзининг ҳаддан ташқари серҳаракатлиги ва одамларни лол қолдирувчи ишчанлигига қарамай, Урсуланинг ўлимидан сўнг уям қариликни тан олди. Уй ҳам ўз навбатида мункиллаб қолгандай эди. Деворларни майин пўпанак қоплади, ховлини ўт-ўланлар босиб кетди, галереянинг цемент полини ёввойи ўтлар тарс-тарс ёриб юборди. Ёриқлардан роса юз йилча олдин Урсула кўрган, Мелькиадес сунъий жағини солиб қўйган сувли стаканда қулф урган ўша таниш сариқ гулчалар униб чиқди. Табиатнинг беомон қудратига қарши курашгани на вақти, на кучи бўлган Санта София де ла Пьедад кечқурун яна бари бир қайтиб келадиган калтакесакларни

ҳайдаш учун кунбўйи ётоқма-ётоқ айланарди. Бир куни у эрталаб пойдеворни илма-тешик қилиб юборган сарик чумолиларнинг боғни кесиб, ранги ер рангига ўхшаб қолган бегониялар ўсувчи галереяга, ундан уйнинг ичига кириб бораётганларини кўриб қолди. Санта София де ла Пьедад дастлаб уларни супурғида йўқ қилмоқчи бўлди, кетидан турли заҳарли дорилар сепди. Охири, сундирилган оҳақ қўлади ҳамки, уринишлари беҳуда кетди — ўжар бу ҳаширотлар эртасига тагин пайдо бўлишарди.

Болаларига хат ёзиш билан банд Фернанда вайронагарчилик даҳшатли тус олганини, уни ортга қайтариш мумкин эмаслигини ҳали англамаган эди. Санта София де ла Пьедад танҳо ўзи курашишга мажбур бўлди. У ошхонага киришга уринаётган ёввойи ўтларга қарши жанг қилар, бирпасдан сўнг деворларда яна пайдо бўлувчи ўргимчак уяларини сидириб ташлар, термитларни инларидан қувиб чиқарарди. Аммо у ўзи озода саклашга уриниб, кунига уч маҳал супуриб-сидираётган Мелькиадеснинг хонасида ҳам янги ва ўргимчак уяси пайдо бўлаётганини, полковник Аурелиано Буэндиа билан уйни тинтув қилган ёш офицергина гувоҳ бўлган ўша ифлос ва ғариб ҳолга тушаётганини кўрганидан сўнг, хона таслим бўлганини тан олди. Шунда у кўчага чиқиш учун асраб қўйган қўсқи қўйлагини, Урсуланинг эски ботинкасини, Амаранта Урсула совға қилган оддий пайпоқни кийди, қолган кийимларини эса тугиб олди.

— Ортиқ чидолмайман, — деди у Аурелианога. — Бу катта уй ташвиши энди менга оғирлик қилади.

Аурелиано ундан қаёққа боришни уйлаётганини сўраганда Санта София де ла Пьедад мужмал қўл силтаб қўйди, аммо сал туриб, ҳаётининг сўнгги йилларини Риоачидаги жияни ёнида ўтказмоқчи эканини айтди. Унинг уйдан фақат шахсий жамғармаси — бор йўғи бир песою йигирма беш сентаво билан чиқиб кетаётганини кўрган Аурелиано Санта София де ла Пьедадга ўн тўрта тилла балиқча берди. Аёлнинг йиллар залворидан букчайиб, оёғини зўрға судраганча, қулидаги ғариб тугун билан соқин ҳовлини кесиб ўтганини, лўкидонни тушириб қўйиш учун қулини дарча тирқишига суққанини кўрди. Шу-шу, Аурелиано Санта София де ла Пьедадди бошқа ҳеч қачон кўрмади ва у тўғрида ҳеч нарса эшитмади ҳам.

Санта София де ла Пьедаднинг уйни тарқ этганини эшитган Фернанда кун бўйи жавради. Сандикларни, шкафларни титиб, буюмларини бирма-бир текшириб кўриб, қайнонаси нарса олиб кетмаганига ишонч ҳосил қилди. Кейин умрида биринчи бор печка ёқишга уриниб, бармоғини куйдирди, ахири, ўзини камситиб бўлса-да, Аурелианодан, кофе қандай тайёрланади, деб сўрашга мажбур бўлди. Бу ўсмир бора-бора ошхонадаги ҳамма ишларни ўз зиммасига олди. Фернанда уйғонганида столда нонушта тайёр турарди. Овқатлангач, у яна ётоғига қайтиб кирарди. Хувиллаган хонадонда Аурелиано билан Фернанда қолишган бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўз танҳолиги қобиғига ўралиб, айри-айри яшашни давом эттирарди. Фақат ўз ётоқларини йиғиштиришар, бошқа хоналарга деярли эътибор беришмасди. Худди ўша кунлари Фернандада, уйда ажина пайдо бўлди, деган таассурот туғилди. Буюмлар гўё оёқ чиқаргандай эди. Фернанда қайчини кечкурун кара-



вотга қўйганига ишончи комил бўла туриб, уни бир соат излар ва охири, бутун кўрпа-тушакни ағдар-тўнтар қилиб чиққанидан сўнг, ошхонадаги тоқчадан топарди. Баъзида қутидаги вилкалар йўқолиб қолар, эртасига аёл олтига вилка меҳробда ва учтаси ювиниш жойида ётганини кўриб қоларди. Буюмлар гўёки бекинмачоқ ўйнаётгандек эди. Фернанда айниқса хат ёзишга тутинганида роса хуноб бўларди. Ҳозиргина ўнг ёнига қўйган сиёҳдони чап томонга ўтиб кетарди, пресс-папье столдан умуман ғойиб бўлар, уч кун ўтгандан кейин Фернанда уни ёстиғининг остидан топарди. Хосе Аркадиога ёзилган хат Амаранта Урсуланинг конвертига тушиб қоларди. Бир куни Фернанда ручкасини йўқотди. Ручкани чўнтагидан топиб олган ва эгасини қидириб уйма-уй юрган почтачи уни ўн беш кундан сўнг келтириб берди. Фернанда олдинга бу синоатда табиби гайбларнинг қўли бор, деб ўйлади. Уларга, тинч қўйинглар, дея илтижоли хат ёза бошлади, аммо ҳожатга чиққиси келди-ю, хатни чала ташлаб ўрнидан қўзғалди. Қайтиб келганида мактуб ғойиб бўлган, Фернанданинг ўзи ҳам уни эсдан чиқарган эди. Бир муддат у Аурелианодан шубҳаланиб юрди. Фернанда неварасини тутиш мақсадида йўлига турли-туман нарсаларни қўйиб, пойлай бошлади, аммо тезда Аурелиано фақат ошхонаю ҳожатхонага чиқишига, қолаверса, ҳазил-мутойибага тоби йўқлигига амин бўлди. Шундагина Фернанда, буларнинг бари ажиналарнинг иши, деган фикрга келди ва ҳар бир буюмни қаерда туриши лозим бўлса, ўша ерда боғлаб қўйингга аҳд қилди. У қайчини узун ип билан каравотининг бош томонига, перо қутичасию пресс-папьени столнинг оёғига боғлаб қўйди, сиёҳдонни эса столнинг одатда қоғоз қўядиган еридан чап томонига ёпиштирди. Аммо натижа кутгандагидек бўлмади, чунки бирор нарса тика бошлаганидан уч-тўрт соат кейин гўёки ажиналар ишни қисқартириб қўярди. Пресс-папье боғланган ип ҳам ўз-ўзидан қисқарди, нафақат ип, балки Фернанданинг қўли билан ҳам худди шундай воқеа содир бўларди: хат ёза бошлаганидан сўнг хиёл вақт ўтмай, қўли сиёҳдонга етмай қоларди. Бу кўнгилсизликларни на Брюсселдаги Амаранта Урсула, на Римдаги Хосе Аркадио билишарди. У фарзандларига бахтли экани ҳақида ёзарди. Бетиним равишда хат ёзиш туфайли Фернанда вақтни ҳис қилишни йўқотди, бу ҳол айниқса, Санта София де ла Пьедад кетганидан кейин яққол сезилди. У кунлар, ойлар ва йиллар ҳисобини болаларининг уйга қайтар вақтига чамалаб олиб борарди. Аммо ўғли билан қизи уйга келиш муддатларини ҳаргал орқага сураверганлари натижасида кунлар қоришиб, худди эгизаклардек бир-бирига ўхшаб кетди ва уларнинг қандай ўтаётганлиги билинмасди. Муддатларнинг кечиктирилиши Фернанданинг ғазабини қайнатмас, аксинча чуқур қониқш ҳиссини уйғотарди. Бир неча йил бутун назр қабул қилиш арафасида турганини етказган Хосе Аркадио негадир яна илоҳиятнинг олий курсини битириш ва дипломатияни ўрганишга умид боғлаётганини маълум қилганида, Фернанда ундан асло хафа бўлмади, чунки у авлиё Пётрнинг ҳузурига элтувчи нарвоннинг баланд ва тик эканини тушунарди-да. Бошқалар эшитганида заррачаём эътибор бермайдиган оддий воқеалар, масалаң, ўғлининг папани ўз кўзи билан кўргани ҳақидаги хабар ҳам уни ҳаяжонга соларди. Хатто қизнинг отаси тасаввур қилмаган имтиёзга эга бўлгани — ўзи-

нинг катта қобилияти туфайли Брюсселдаги ўқиш муддатини белги-ланганидан анчага чўзиш ҳуқуқини қўлга киритгани ҳам уни роса севинтирди.

Аурелиано Санта София де ла Пьедад санскрит тили дарслигини олиб келганидан роса уч йил ўтганда кўлёмаларнинг биринчи ва-рағини таржима қилишга улгурди, холос. У жуда катта иш қилди, лекин ҳозирча бу илк қадам — испанча таржимаси ҳеч нарсани англа-тмай-диган жумбокли бир шеър эди. Аурелиано бу жумбоқни очадиган ка-лит қаердалигини билмасди, аммо дафъатан Мелькиадеснинг като-лониялик олимнинг дўконига кўлёмза мазмунига доир китоблар бор, деб айтганини эслади. Фернандадан рухсат олиб, ана шу китобни ки-дирмоқчи бўлди. Аурелиано ахлат уюмлари жуда тез кўпаяётган хо-нада ўтирар экан, бўлажак суҳбатга тайёрланар, мурожаатнинг ишон-тирарли шаклиларини кидирар, таъни нимадан бошлашни ўйларди, аммо печкадан овқатини олаётган Фернанда билан ошхонада бақам-ти келганида (у билан учрашишга бошқа ҳеч бир имконияти йўқ эди), бояги пишитиб қўйган жумлалари ёдидан кўтарилиб, овози чиқмай қоларди. Фернадани умрида илк бор кузатаркан, унинг ётоқхонадаги қадамларини қўлоғини динг қилиб тингларди. Аёл почтачидан болалари йўллаган мактубни олгани ва ўзи ёзган мактубни берга-ни эшик томон бораётиб, перонинг ярим кечагача қоғоз бўйлаб жаза-вали китирлашини, сўнгра зирокнинг «чирк» этиб ўчирилганию шивир-лаб ўқилган дуони эшитарди. Аурелиано ана шундан кейин келаси кун кутилган натижа беради, деган хаёлда уйқўга чўмарди. У аёлдан ки-тобни кидириш учун рухсат олишига шу қадар ишонарди. Бир кун и эрталаб узун, елкасига тушган сочили, соқолини олди, тор шиму ким-дандир мерос қолган котирма ёқали кўйлагини кийиб, ошхонага борди ва овқатга келадиган Фернадани орзиқиб кута бошлади. Фернанда оқ сувсар терисидан тикилган саргайиб кетган мантия, бошида тилла суви юритилган картон тож кийган ғоят гўзал кампир киёфасида кириб келди. Унинг кўзлари толиққан, гўёки тун бўйи йиглаб чиқ-қандай эди. Фернанда Аурелиано Иккинчининг чамадонидан мали-каларнинг куя еган либосини топганидан бери уни тез-тез кийиб кўрарди. Ўзининг шохона соҳти сумбатидан завқланиб, кўзгу олдида айланганини кўрган одам, Фернанда ақдан озибди, дерди, лекин у сонна-соғ эди. Малика либоси шунчаки хотиротни камчиловчи восита эди, холос. У ўзини кекса, ярқисиз, ҳаётнинг энг яхши онларидан бебаҳра ҳис қилардики, иллари энг қора деб юрган кун-ларини қўмсади — шамол галерея бўйлаб таратган жамбил ҳиди қоронғиликда атиргуллардан ва ҳатто ҳайвондан қўпол келгиндилар устидан кўтарилаётган тугунининг қанчалар етишмаётганини энди тушунди. Унинг кўндалик турмушининг энг оғир зарбаларига чидаб келган юраги-қотирилган бир сиким қум, хотиротнинг илк ҳамласи-даёқ сочилиб кетди. Ғамдан бахт кидиришга бўлган эҳтиёж Фернан-дани тобора ўзининг тубан исқанжасига олар ва охири унинг иллатига айланиб қолгани. Ёлғизлик азобици татиб кўрғач, у қайтадан одам бўлди. Аммо ўша кун эрталаб ошхонада бир чашка кофе узагаётган коксуяк, рангар, кўзлари галати чақнаётган усмирни кўрганида, ўзи-га ўзи қулғили туюлиб кетди. Фернанда нафақат Аурелианонинг илти-



мосини рад этди, балки уйнинг калитларини бандаж сақлайдиган яширин чўнтагига солиб қўйди. Бу эҳтиёткорлик ортиқча эди. Аурелиано истаса уйдан билдирмай чикиб кетиб, яна билдирмай қайтиб келиши мумкин эди. Аммо атрофини қамраган оламга ишончсизлик, неча йилдирки давом этаётган таркидунёчилик ва итоаткорлик одати йигитнинг қалбида исён уруғини тамом бўғиб ташлаган эди. У хужрасига қайтиб, яна қўлёзмаларни ўрганишга муккасидан кетди. Бир куни эрталаб одатдагидек печка ёқиш учун ошхонага чикди ва Фернандага аталган овқат совиб қолганини кўрди, унга ҳеч ким қўлиниям теккизмаган эди. Шунда у ётоқхонага кириб, Фернанданинг каравотда оқ сувсар мантия ёпишиб ётганини кўрди. Фернанда ўлиמידан сўнг ҳар қачонгидан ҳам чиройлироқ бўлиб кетгандай эди. Орадан тўрт ой ўтгач, Макондога келган Хосе Аркадио ҳам онасини худди ана шу ҳолатда кўрди.

Хосе Аркадио онасига қуйиб қўйгандек ўхшар эди. У қора костюм, қотирма ёқали қўйлак кияр, бўйнига галстук ўрнига ингичка шойи лента боғлаб юрарди. Хосе Аркадионинг нигоҳида хайрат ифодаси қотиб қолгандек туюлар, юзи рангпарроқ эди. Ўртасидан тўғри ва нозик фарқ очилган коп-қора, ялтироқ ва силлик сочи авлиёларнинг ясама сочига ўхшарди. Унинг дўндиқ, томир коплаган қўллари меҳнат кўрмаган эди. Эшик очгани чикиб, рўпарасида турган одам олис йўл босиб келганини пайқади. Хосе Аркадиодан ҳали-ҳанузгача сўқир Урсула осонроқ топиб олиш учун болагидан бошига пуркаган гул сувининг хиди анкиб турарди. Орадан шунча йиллар ўтса-да, Хосе Аркадио ҳеч ўзгармаган, бевақт қариган ёш болага ўхшарди. У жасад чиримаслиги учун Аурелиано роса тўрт ойдан буён Мелькиадеснинг рецепти бўйича симоб қайнатаётган хонага кириб борди. Хосе Аркадио жиянидан ҳеч нарса сўрамади, ўлик Фернанданинг пешонасидан ўпди, юбкасининг чўнтагидан ҳали ишлатилмаган учта бандаж ва кийим шкафининг қалитини олди. Унинг қатъий ва кескин ҳаракатлари гамнок кўринишига ҳеч мос тушмасди. Шкафдан оилавий герб тасвири туширилган қутичани олиб, Фернанданинг хатини чиқарди. Мархума онаси хатга юрагидаги барча дардларини тўкиб-сочган, тириклигида ўглидан яшириб келган гапларини ҳам батафсил ёзган эди. Хосе Аркадио мактубни тик турганча, катта қизикиш билан ўқиди, аммо заррача ҳам хаяжонга тушмади, учинчи бетга етганида тўхтади ва худди энди кўраётгандай жияни Аурелианога диққат билан тикилди.

— Шундай қилиб, — деди у кескин товушда. — Сен ўша қариндошваччамизмисан?

— Мен Аурелиано Буэндиаман.

— Бор, хонамга кир, — деди Хосе Аркадио.

Аурелиано хонасига борди ва у ердан ҳатто Фернанданинг гарибона дафн маросимини кўришга ҳам чиқмади. У баъзида ошхонанинг ним очик эшигидан Хосе Аркадионинг оғир-оғир нафас олиб, уй бўйлаб юришини кўриб қолар, ярим кечалари эса нураб бораётган ётоқхоналардан келаётган қадам товушларини эшитарди. Хосе Аркадио уни суҳбатига муносиб кўрмагани учунгина эмас, балки ўзининг ҳам унга бирор оғиз гапиришга истаги йўқлиги ва қўлёзмадан бош кўтаришга имкони бўлмагани сабабли, Аурелиано унинг товушини бир неча ойдан бери эшитмаган эди. Фернанданинг ўлиמידан сўнг, у охир-

ги тилла балиқчани олди-да, ўзига зарур китобни харид қилиш учун каталониялик олимнинг китоб дўконига югурди. Балки тузукроқ хотираси бўлмаганлиги ва кўрганларини таққослай олмаслиги боис йўлида учраган воқеалар унда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмади: бўм-бўш кўчалар, хувиллаб қолган уйлар, уларни қувона-қувона кўриши учун ҳатто жонини фидо қилишга рози бўлган қуни хаёлида қандай тасаввур қилган бўлса, худди ўшандай эди. Фернандадан ололмаган рухсатномага муяссар бўлган Аурелиано уйдан бир марта ва ягона мақсад учун ҳамда қисқа муддатга чиқишга аҳд қилди, шунинг учун ҳам уйдан то илгари тушларни таъбирловчи тор кўчагача бўлган ўн бир квартални босиб ўтгунча, ҳеч қаерда тўхтамади ва китоблар билан тўлиб тошган, қоронғу, ҳатто зўрга бурилиш мумкин бўлган хонага қираркан, юраги ҳаприқиб кетди. Бу ер китоб дўконидан кўра термитлар ихтиёрига ташлаб қўйилган, ис босган тоқчаларда, нафақат тоқчаларда, балки полда, тоқчалар орасидаги тор йўлчаларда бетартиб қалашиб ётган қадимий китобларнинг биродарлик қабристонига кўпроқ ўхшаб кетарди. Узун, устидаги китобларнинг оғирлигидан хиёл эгилган узун стол ёнида ўтирган дўкон эгаси дафтардан қилиб олган варақларга бинафшаранг ажи-бужи ҳарфларда на боши ва на охири бор ёзувларни битарди. Унинг тўтиқуш қокилига ўхшаш қумушранг сочлари пешонасига хиёл тушиб турарди. Чакноқ ва қисик кўк кўзларида дунёдаги ҳамма китобларни ўқиб чиққан одамнинг беозор меҳри товланиб турарди. Дўкондор жикка терга ботиб, биттагина иштонда ўтирарди. У Аурелиано кириб келганида, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Йигит бетартиб қалашиб ётган китоблар орасидан ўзига керакли бештасини осонгина қидириб топди, чунки улар Мелькиадес айтган жойда ётарди. У бир сўз демасдан, танлаган китобларию олтин балиқчани дўкондорга узатди, олим уларни варақлаб чиқди-да, кўзларини юмди. «Ақлдан озибсан», пичирлади у каталон тилида, сўнг Аурелианога китоблар ва балиқчани қайтариб берди.

— Олавер, — деди у испанчалаб. — Менимча, бу китобларни охириги марта ўқиган одам Исаак Кўр эди. Нима қилаётганингни яхшилаб ўйласанг буларди.

Хосе Аркадио Меменинг ётоқхонсини ремонт қилдириб бахмал пардалар ва ғилофларни ямаб, тозалашни буюрди. Бассейн ва деворлари аллақандай қора ва дағал ғубор билан қопланган ҳаммомни тартибга келтира бошлади. У ўз мулкани ётоқхона ва ҳаммом билан чеклади, уларни турли арзимас буюмлар: яғири чиққан экзотик безаклар, арзон атир ва қалбаки жавоҳирлар билан тўлдирди. Бошқа хоналарда эса унинг диққатини болалар хонасининг меҳроби устидаги авлиёларнинг ҳайкаллари жалб этди. Ҳайкаллар унга негадир ёқмади ва Хосе Аркадио уларни меҳробдан тушириб ҳовлига олиб чиқди-да, гулханда қуйдириб юборди. Одатда у ҳар қуни кундузи соат ўн иккида уйғонарди. Тургач эски, аждаҳолар тасвири туширилган зардўзи халат, зардўзи шишақ кийиб, ҳаммомга борар ва у ерда ўзининг тантанавор сокинлиги билан Гўзал Ремедиос амал қилган урф-одатга ўхшаб кетувчи маросимни бажаришга киришарди. Бассейнга тушишдан олдин сувга уч шишадаги хушбўй тузларни сепарди. У Гўзал Ремедиос сингари қовоққа сув солиб ювинмасди. Муаттар сувга тушиб, унинг тиниқ-



лигидан завқланиб, Амарантани эслаб, икки соат чалқанча ётарди. Хосе Аркадио уйга келганидан бир неча кун ўтгач, яккаю ягона байрам костюмини ечиб, бир вақтлар Пьетро Креспи киядиган шимга ўхшаган тор шим, кўкрагига исм-фамилиясининг бош ҳарфлари ёзилган шойи кўйлак кийиб олди. У хайимларини бассейнда ҳафтасига икки марта ювар, кир қуригунича халатда юарди, чунки кийгани бошқа ҳеч нарсаи йўқ эди. Иссик сал босилгач, кўчага чиқар, сўнг яна Амаранта тўғрисида уй сурганча, оғир-оғир нафас олиб, хоналар бўйлаб айлангани ярим кечада қайтиб келарди. У фақат икки нарса — Амаранта ва авлиёларнинг тунгги чирокнинг милтиллашида даҳшатли бўлиб кўринадиган кўзларини хотирасида сақлаб қолганди. Юракда чуқур ҳиссиёт уйғотувчи сокин август окшомлари Амаранта унинг хаёлида тез-тез намоён бўларди, у жимжимадор юбкаси ва таркидунёликнинг ғуссаси билан безатилган қора билакбандида мармар ҳовуздан кўтариларди. Амарантанинг сиймосини урушинг қонли ботқоқига чўктириб юборишга уринган Аурелиано Хоседан фарқли ўларок, онасини ўзининг диний лаёқати ҳақидаги афсоналар билан лақиллатиб юрган Хосе Аркадио Амарантанинг сиймосини қалб тўрида ғоят эъзозлар эди. Римга келганидан бир оз фурсатдан сўнг Хосе Аркадио семинарияни ташлаб кетди, аммо Фернанданинг уйдирма хатларида таъкидланган афсонавий меросдан маҳрум бўлмаслик учун, ўзининг илоҳиёт ва черков ақидаларини изчиллик билан ўрганаётгани ҳақида онасига ёлғон ахборот бераверди. Бу мулк уни кашшоқликдан, Трастевеждаги уйларнинг бирида икки дўсти билан оч-юпун яшаётган ифлос чордоқдан халос этиши керак эди. Фернанда ўлими яқинлигини ҳис этиб ёзган охириги хатини олиб, ясама зийнатларини чамадонга жойлади, муҳожирлар кушхонага тикилган подадек қалашиб ётган, совуқ макарону қуритилган пишлокни чайнамай ютишадиган кеманинг трюмида океанини кесиб ўтди. Ҳали Фернанданинг мусибатлар рўйхатидангина иборат васиятномасини ўқимай турибоқ, тузокқа тушганини ва энди баҳорнинг олмос ёғдусини қайта кўрмаслигини, унинг кўхналик билан йўғрилган ҳавосидан қайта нафас ололмаслигини англади. Кўксонинг силлани қуритадиган даражада зўрайиши туфайли рўй берадиган уйқусизлик соатларидан қачонлардир кекса Урсуланинг қилиқлари унда дунё олдида мудом кўрқув уйғотадиган зим-зиё уй бўйлаб дайдириккан, ўз бахтсизлигининг чуқурлигини қайта-қайта ўлчарди.

Хосе Аркадиони йўқотиб қўйишдан кўрққан Урсула болалигида уни ётоқхона бурчагида мик этмай ўтиришга ўргатган эди. Урсуланинг таъкидлашича, кеч тушиши билан пайдо бўлиб, бутун уй бўйлаб санқийдиган ўликлар фақат ўша бурчакка яқин йўламасди. «Агар сен бирорта бемаъни иш қилсанг,— деб пўписа қиларди унга Урсула,— азиз-авлиёлар менга шу захотиёқ айтиб беришади». Хосе Аркадио болалигида бурчакдаги курсида кимира этмай, айғоқчи авлиёларнинг совуқ нигоҳидан терга тушиб, уйқу вақтигача кўрка-писа ўтириб чиқарди. Ушбу қўшимча азобга ҳеч бир ҳожат йўқ, чунки Хосе Аркадио шусиз ҳам атрофини қуршаган ҳамма нарсадан: одамлардан, воқеа-ҳодисалардан, қонни бузувчи кўча аёлларидан, чўчка думли бола туғадиган хонаки аёллардан, бировларга ажал, бошқаларга бир умрлик

виждон азоби келтирувчи уришқок хўрозлардан, биринчи мулоқотдаёк кишини йигирма йиллик урушга йўликтирадиган қурождан, охир оқибатда умидларни пучга чиқарувчи ва жиннилик билан яқунланувчи енгилтак юмушлардан ва умуман, худо яхшилик учун яратгану, аммо шайтон йўлдан оздирган барча нарсалардан кўркишга шай эди. Тунлари мудҳиш тушлар азобида қийналиб чиқар, эрталаб эса дераздан тушаётган куёш нурларию уни бассейнда чўмилтирадиган Амарантанинг меҳрибон қўллари унга нажоту умид ато этарди. Куёшда чараклаб турган боғда Урсула ҳам бошқача бўлиб туюларди, кампир энди даҳшатли ҳикоялари билан чўчитмас, балки табассуми Рим папасиники каби ёқимтой бўлсин дея, майда кўмир билан боланинг тишини ювар, Римга ер юзининг турли бурчакларидан зиёратга келганлар папа ўз қўлини нақадар озода тутишини кўриб таажжублансин дея, тирноқларини олар, чевараси ҳам пападай хушбўй бўлсин дея, унинг бошига гул сувини пурқарди.

Папанинг Костельгандельфс қасри ҳовлисига қараган балконда туриб, зиёратга келган оломон ҳузурида етти тилда нутқ сўзлаганини кўрган Хосе Аркадио, бош руҳоний қўлларининг сутга чайилгандай оклигини, ёзги кийимининг ғоят орасталигини ва ундан таралаётган муаттар атирнинг ҳидини пайқади, холос.

Хосе Аркадионинг уйга қайтиб, бир йил ичида кумуш шамдонларни ва герблар билан безатилган тилла тувакни (очиғини айтганда тувакнинг фақат гербларигина олтиндан эди) сотиб бўлди. Энди унинг бирдан бир машғулоти — уйга шаҳар болаларини тўплаб, уларга тўла эрк беришдан иборат эди. У сиеста пайтида уларга боғдаги аркондан сакрашларига, галереяда қўшиқ айтишларига, юмшоқ мебелларнинг устида умбалок ошиб ўйнашларига руҳсат берар, ўзи эса болаларга яхши одатларни ўргатганча, у гуруҳдан бунисига ўтарди. Бу вақтда у тор панталонию шойи кўйлагини ташлаб, арабларнинг дўконидан олган оддий костюмда юрар, аммо ҳалиям қарашлари ҳорғин ва папага хос одатларини ташламаганди.

Болалар, худди Меменинг мактабдош дугоналари сингари, уйни тезда ўзлариники қилиб олишди. Уй интизомсиз мактаб-интернатга ўхшаб қолди: кечаси алламаҳалгача болаларнинг чуғур-чуғур суҳбати, қўшиғи ва ер депсиниб рақсга тушаётгани эшитиларди. Олдинига Аурелиано бунга эътибор бермади, лекин болалар тез орада Мелькиодеснинг хонасини ҳам ишғол этишди. Бир куни эрталаб хона эшигидан мўралаган икки бола стол ёнида қўлёзма ўқиётган ирkit, сочлари тўзиган одамни кўриб чўчиб тушишди. Болалар ичкари киришга журъат қилишолмади, аммо ўша кундан бошлаб хонадаги ғалати кимсага қизиқиб қолишди. Улар хонага форточкадан ифлос нарсаларни отишарди. Бир гал ҳатто деразаю эшикларни миҳлаб ташлашди. Аурелиано нақ ярим кун қамалиб қолди. Қилиқлари жазосиз қолавергач, болалар баттар ҳаддан ошдилар. Аурелиано ошхонага чикқанида тўрт нафар бола, қўлёзмаларни йўқотиш учун Мелькиадеснинг хонасига кирди. Аммо улар сарғайиб кетган қоғозларга қўл тегизган заҳоти, аллақандай куч уларни тепага кўгарди ва Аурелиано қайтиб келиб, қўлёзмаларга эғалик қилмагунча ҳавода муаллақ ушлаб турди. Шу-шу, болалар уни қайтиб безовта қилишмади.



Гарчанд, ўсмирлик ёшига етишса-да, ҳалигача калта иштончаларини ташламаган тўрт нафар бола эрталаб ҳаммадан олдин келишиб, Хосе Аркадионинг соқолини олишар, баданини уқалашар, кўл ва оёқларининг тирноқларини эғовлаб, бошига гул сувини пуркашарди. Улардан бири — сочи малла ва жингалак, қуёнкўз бола одатда тунагани қоларди. Бола устозига шу қадар боғланиб қолган эдики, Хосе Аркадио астмадан азобланиб, кечалари қоронғи хоналар бўйлаб бедор кезганида ҳам унинг ёнидан жилмасди. Бир куни ярим тунда улар Урсуланинги ётоғидаги цемент полнинг ёригидан таралаётган сарғиш ёғдунини пайқаб қолишди. Гўёки пастдан ерости қуёши нур сочаётгандек туюларди. Улар Урсуланинги қаравоти остидаги плиталарни кўтаришди: Аурелиано Иккинчи ўжарлик билан узоқ вақт қидирган хазина пол тагида эди. Бу ерда оғзи мис симлар билан боғланган учта брезент қоп ётар, уларнинг ичида қоронғиликда чўғдек шуъла сочаётган етти минг икки юзу ўн тўртта асл тилла танга бор эди.

Хазина топилиши қоронғулик қаърида ялт этиб чаққан чакмоққа ўхшарди. Аммо Хосе Аркадио оч-юпун пайтларида қалбида олиб юрган орзусини амалга ошириш — оёғи остидан чиқиб қолган хазинани Римга олиб кетиш ўрнига, уйни декадентлик жаннатига айлантди. Ётоқхонадаги бахмал пардалар ва балдахин янгиланди, ҳаммомдаги полга плита тўшалди, деворларга қошинлар қопланди. Ошхонадаги буфет ширин-шакар мевалар, дудланган қолбаса ва маринад билан тўлдирилди, доимо ёпиқ турадиган омборхона эшиги очилиб, у беҳисоб вино ва ликёрларни ўз бағрига олди, ичимликлар устига Хосе Аркадионинг номи ёзилган қутиларда келарди. Бир куни у ўзига яқин тўрт нафар ўсмир билан тонггача базм қилди. Эрталаб соат олтида ётоқхонадан қипяланғоч ҳолда чиқишди ва бассейн сувини чиқариб юбориб, шампань виноси билан тўлдиришди. Болалар яқдиллик билан сувга сакрашди. Хосе Аркадио улардан сал нарироқда чалқанча тушиб ётарди. У ўз фикрларига ғарқ бўлиб, кўзлари очик, Амарантани хотирлар эди. Болалар тезда толиқишди ва тўрттови ҳам ётоқхонага кириб, бахмал пардаларни юлиб олиб артинишди, сўнгра роса тўполон қилиб, қимматбаҳо кўзгуларни синдиришди, кейин қаравотга чиқиб, балдахинни узиб ерга улоқтиришди. Хосе Аркадио ичкарига кириб, кўз олтида номоён бўлган бу нохуш манзарадан эмас, балки бемаъни айш-ишрат туфайли шу қадар тубанликка тушгани учун ўзидан нафратланиб кетди, кўзлари ғазабга тўлди, у сандиқ тубида хирқа ва темир-терсақлар орасида ётган даррани кўлига олди-да, жинниларча бақириб, болаларни савалай бошлади. Хосе Аркадио собиқ дўстларини шу қадар ғазаб билан урардики, ҳатто ўлаксахўр чиябўрилар тўдасига ҳам ҳеч қачон бунчалар шафқатсизлик қилмаган бўларди. Ниҳоят, у хонада ёлғиз қолди. Ғоят толиқди, астма тагин хуруж қилиб, уч кун сурункасига азоб берди. Ниҳоят, оғриқ сал пасайгач, Хосе Аркадио худди ўлаётган одамга ўхшаб қолди. Астма хуружининг учинчи кечаси, азобга чидаёлмай, Аурелианонинг хонасига кирди ва ундан дорихонага бориб келишини илтимос қилди. Аурелиано умрида иккинчи бор кўчага чикди. У атиги икки кўча нарига ўтганидан сўнг, чанг босган пештахтасига чинни идишчалар териб қўйилган кичкина дорихонани кўрди. Нил дарёси илони каби силлиқ бир қиз унга

Хосе Аркадио номини бир парча қоғозга ёзиб берган дорини узатди. Осма чироқларнинг сарғиш нури ғира-шира ёритган кимсасиз кўчалар Аурелианода заррача қизиқиш уйғотмади, энтикиб-энтикиб, оёқларини зўра босиб юрарди. Туну кун бир жойда босиб ўтираверганидан аъзолари пахтадай бўлиб бўшаб қолган эди. Қайтиб келганида, Хосе Аркадио уни қочиб кетган, деб гумонсираб ўтирган экан. Лекин Аурелиано ёруғ дунёга шу қадар лоқайд эдики, бир неча кундан сўнг Хосе Аркадио хоҳлаган пайтида кўчага чиқишга ижозат берганида:

— Менинг кўчалик ишим йўқ,— деб жавоб қилди.

Аурелиано хонасидан умуман чиқмас, ҳали ёзувларнинг маъносига тиши ўтмаса-да, кўлёмалар тилсимини очишга уринарди. Хосе Аркадио унга дудланган чўчка гўшти, шакар қиёмига ботирилган, оғизда баҳор таъмини қолдирувчи гуллар келтириб турарди. Ҳатто икки марта бир қадахдан асл вино ҳам олиб келди. Хосе Аркадио кўлёмаларга мутлақо эътибор бермас, уларни шунчаки эрмак деб тушунарди. Аммо энди зоҳид қариндошига жуда қизиқиб қолган эди. Маълум бўлишича, Аурелиано инглизчани ҳам биларкан. У кўлёмалардан бош кўтарган қисқа танафус пайтларида олти томли инглизча энциклопедияни бошидан адоғигача, худди қизиқарли роман сингари ўқиб чиққан эди. У Рим тўғрисида худди Римда анча яшаган одамдек ҳикоя қиларди. Аввалига Аурелианонинг ҳикояларини энциклопедиядан олинган маълумотларга йўйган Хосе Аркадио бора-бора, Аурелианонинг энциклопедияда йўқ нарсаларни масалан, молларнинг баҳоси ҳақида ҳам чуқур маълумотга эга эканлиги аён бўлди. Буларни каердан ўрганиб олганлиги ҳақидаги саволларга у доимо «ҳамма нарсани билиб олиш мумкин» дея жавоб қайтарарди. Ўз навбатида, Аурелиано илгари фақат узоқдан, хоңалар бўйлаб кезаётганида кўрадиган Хосе Аркадиони яқинроқ таниганидан сўнг, у ҳақида пайдо бўлган олдинги тасаввури бутунлай бошқача эканидан таажжубланди.

Хосе Аркадио ҳам кулишга қодир экан, баъзида хонадоннинг илгариги шукуҳини эслаб қайғураркан, Мелькиадеснинг хонаси хароб бўлганидан дили озор чекаркан, энди Хосе Аркадио Аурелианога бемалол мурожаат қиладиган, айрим турмуш икир-чикирларини ҳал қилишда унинг ёрдамига суянадиган бўлди. Аурелианога галереяга чиқиб ўқишга, Амаранта Урсуладан келадиган хатларни олишга ва ҳатто ҳаммомдан фойдаланишга рұхсат берилди.

Иссиқ тонларнинг бирида уларни эшикнинг безовта тақиллаши уйғотиб юборди. Остонада қандайдир нотаниш чол турарди. Унинг йирик-йирик яшил кўзлари хушбичим юзини ёритиб ўтгандай эди. Увадаси чиққан кийими, ямалган ботинкаси, елкасидаги эски қопидан дарбадар гадойга ўхшаса-да, келгинди ўзини ғариб аҳволига зид бир виқор билан тутарди. У полковник Аурелиано Буэндианинг ўн етти ўғлидан яқкаю ягона тирик қолгани Ошиқ Аурелиано эди. У таъкибу қочоқликдан безор бўлиб, озгина бўлса-да, ором ахтариб келган эди. Чол ўзининг исмини айтди, уйқусиз тунларимда энг сўнги макон бўлиб туюлган шу азиз маскандан паноҳ беринглар, деб илтижо қилди. Аммо Хосе Аркадио билан Аурелиано уни мутлақо танимас эдилар, шу боис, чолни анчайин дайди деб ўйлаб, кўчага ҳайдаб чиқаришди. Ва, иккови эшик ёнида турганча, ҳали Хосе Аркадио туғилмаси-



дан олдин бошланган фожеанинг якунини кўришди: кўчанинг нариги юзидаги бодом дарахтлари остида полициянинг икки агенти пайдо бўлди. Улар Ошиқ Аурелианони искович итлардек неча йиллардан бери пойлаб юришарди, иккита ўқ узилди ва Ошиқ Аурелиано юзтубан ағдарилди — ўқлар пешонасидаги хочга бехато теккан эди.

Хосе Аркадио болаларни уйдан ҳайдаб юборган кундан бошлаб, ҳар куни трансатлантик кемани кутарди, у ўша кемада рождество байрамигача Неаполга сузиб кетиши керак эди. Ниятини Аурелианога ҳам айтди ва ҳатто, сенга кунинг ўтиб туриши учун яроқли бирор тижорат иши очарман, дея ваъда қилди. Чунки Фернанданинг ўлими-дан сўнг Петра Котес озиқ-овқат солинган сават юбормай қўйган эди. Лекин Хосе Аркадиога орзулари ижобатини кўрмоқ насиб этмаган экан. Сентябрь тонгларидан бирида у Аурелиано билан ошхонада кофе ичиб бўлди, сўнг бассейнга бориб чўмилаётганида, ўша ўзи дарра-лаб ҳайдаб юборган тўрт ўсмир томдан пастга сакраб тушди. Улар бассейнга кийим-пийимлари билан тушиб, Хосе Аркадионинг сочидан ушлашди, то сув сатҳидаги ҳаво пуфакчалари йўқолиб, папа тахти ворисининг оппоқ танаси хушбўй сув тубига чўкиб кетмагунча бошини сувга тикиб туришди. Сўнг улар марҳум ва ўзларидан бошқа ҳеч кимса билмайдиган хилватгоҳдан уч қоп тилани олиб кетишди. Операция ҳарбийларча тезлик, уюшқоқлик ва ёвузлик билан ўтказилди.

Хонасида бикиниб ўтирган Аурелиано ҳеч нарсани сезмади. Кечқурун ошхонага келганида Хосе Аркадиони эслади, уни бутун уй бўйлаб қидирди ва ниҳоят, ҳаммомдан топди. Тани мешдай шишиб кетган Хосе Аркадио ҳамон Амаранта ҳақида ўйлаганча, муаттар сув сатҳида қалқирди. Аурелиано шундагина уни севиб қолганини тушунди.

\* \* \*

Амаранта Урсула декабрь ойининг бошларида келди. Қўлидаги шойи тизгиннинг бир учи ортидан эргашган эрининг бўйнига боғланган эди. У ҳеч кимни огоҳлантирмай, тўсатдан пайдо бўлди. Аёл оқ кўйлак кийган, бўйнидаги марварид шодаси тиззасига тушар, бармоқларидидаги зумрад ва топаз кўзли узуклари кўзни қамаштирар, думалок шаклда кесилган силлиқ сочлари қалдирғочнинг қайрилган қаноти каби ёноқларига тушиб турарди.

Ярим йилча илгари никоҳдан ўтган фламандиялик ҳушқомат эри денгизчиларга ўхшаб кетарди. Амаранта Урсула меҳмонхона остона-сидан ҳатлаши билан, узоқ ҳаяллаб қолганини, уйлари ўзи ўйлаган-дан ҳам баттар гариблашганини англади.

— Худойим-эй! — дея хитоб қилди у, ғамдан кўра шодлик устунроқ бир оҳангда. — Бу уйда аёл йўқлиги шундоқ билиниб турибди!

Унинг юклари галереяга сиғмади. Ўзи Брюсселга олиб кетган Фернанданинг эски сандиғидан ташқари, икки шкаф кийим-кечак, тўртта чамадон, бир қоп соябон, шляпа солинадиган саккизта кути, эллик саъва солинган улкан кафас, махсус гилофга солинган йиғма велосипед олиб келган эди. Оғир йул босиб келганига қарамай, бир сония ҳам дам олмади. Эрининг дағал коржомасини кийиб, уйни йиғиштира

бошлади. Галереяни ишгол этган сарик чумолиларни хайдади, атиргулларни сув куйиб тирилтирди, бегона утларни таг-томири билан юлиб ташлади, гулдонларга қирқкулок, жамбил ва бегония кўчатларини ўтказди. Амаранта Урсула пол ёриқларини яманда, дераза ромларини эшикларни жойига ўрнатишда, мебелни тузатишда, ички ва ташки деворларни оқлашда, бир тўда дурадгор, чилангар ва гишт терувчиларга бошчилик қилди. Уч ой деганда уй яна аввалги ҳолига кайтди. Хонадонда пианола давридаги каби ёшлик сурури ва шўх шодонлик ҳукм сура бошлади. Бу деворлар ҳар қандай вазиятда ҳам тушқунликка тушмайдиан ҳамда кўшик айтишга, рақс тушишга ва ахлатхонага эски буюмлару кўҳна урф-одатларни ташлаб юборишга доимо шай турадиган Амаранта Урсуладек одамни ҳеч қачон учратмаган. У дафни маросимларига тааллуқли буюмларни, бурчакларда туланиб қолган барча кераксиз лаш-лушларни чиқариб ташлади. Урсулага бўлган ҳурмати юзасидан биргина Ремедиоснинг портретини қолдирди, ҳолос. «Қаранглар! — деб кичкирарди Амаранта Урсула узини кулгидан зўрга тийиб. — Ун тўрт ёшли катта бувим! Қанчалар гўзал!»

Гишт терувчилардан бири уйнинг арвоҳларга тўлиб-тошганини ва уларни қочириб юборишнинг ягона тўғри йўли уларнинг яшириб кўйилган хазиналарини кидириш эканини айта бошлаганида, Амаранта Урсула хохолаб кулди-да, эркакларнинг иримга ишонмаслигини айтди.

Амаранта Урсула шу қадар очикқўнғил, мустақил, замонавий аёл эдики, уни кўрган Аурелиано қўл-оёқларини яширгани жой тополмади. «Ух, сеними! — деб кичкирди Амаранта Урсула унга кучоғини очаркан. — Қаранглар-а, менинг одамхўрим йигит бўлиб қолибди-я!» Аурелиано оғиз очишга ҳам улгурмасидан Амаранта Урсула ўзи олиб келган кичкина патефонни кўйди-да, йигитга замонавий рақс ўргата бошлади. Кейин унга полковник Аурелиано Буэндиадан қолган ёг босган ишғонини алмаштиришни талаб қилди, гулдор кўйлақлару бежирим ботинка совга қилди.

Урсулага ўхшаган жўшқин, кичик жуссали, тийиксиз Амаранта Урсула гўзаллик ва жозиба бобида Гўзал Ремедиосдан қолишмасди. Унда энг янги кийимлар модаси қандай бўлишини олдиндан сезишдек ноёб бир қобилият бор эди. Уйларига почтадан келган энг сўнғги модалар журнали Амаранта Урсула ўзи ихтиро қилган ва Амаранта-нинг алмисокдан қолган тикув машинасида тиккан кийимларининг моделлари айни замонавий эканлигини тасдиқларди. У Европада чиқадиган барча мода журналларига, санъат ва музыкага тааллуқли нашрларга обуна бўлганди, аммо уларни варақлаши биланок дунёдаги ҳамма нарса ўзи тасаввур этганидек бораётганини кўрарди. Шундай доно ва зўкко аёлнинг чап-тўзон босган жазирама иссиқдан фиғон чекаётган бу ўлик шаҳарга қайтиб келганига, боз устига нули дунёнинг исалган қисмида ўйнаб-кулиб ҳаёт кечиришга бемалол етарли, уни ҳатто бўйнига тизгин солдирнш даражасида севадиган эри билан бирга келганига ҳеч ақл бовар қилмасди. Аммо бир-бирини қувлаб ўтаётган кунлар Амаранта Урсуланинг нияти бу ерда доимий қолиш эканини ошқор қилади; унинг барча режалари узоқ муддатга мўл-



жалланган, ҳаракатлари эса кексайганида Макондодаги ҳаёти қулай ва ташвишсиз бўлишини таъминлашга бориб такаларди. Саъва солинган қафас унинг қарори тасодифий эмаслигини исботларди. Онасининг мактубларидан Макондода қушларга ўлат текканини билгач, Амаранта Урсула Канар оролларига борадиган теплоходни кутиш учун Европада бир неча ой ушланиб қолди ва ўша оролдан Макондо осмонини қушлар билан тўлдириш мақсадида йигирма беш жуфт саъва сотиб олди. Энди Амаранта Урсула бола очган жуфтларни қафасдан бўшатар экан, қушлар шу заҳотиёқ Макондонини ташлаб кетишарди. Амаранта Урсула уй биринчи маротаба қайта қурилганида Урсуланинг буюртмаси асосида ясалган қафаслар билан ҳам қушларнинг диққатини жалб этолмасди. Улар учун бодом шохларига увададан инлар ясаш ҳам, томларга дон сениб қўйиш ҳам, товушлари қочокларни ортга қайтариши мумкин деган ўй билан қафасдаги саъваларни сайрашга ўргатишлар ҳам ижобий натижа бермади. Озодликка чиққан қушлар шиддат билан осмонга кўтарилиб фақат бир максатда — Канар ороллари жаҳоннинг қайси томонида эканини аниқлаш учун шаҳар узра бир бора айланиб, сўнг кўздан ғойиб бўлишарди.

Амаранта Урсуланинг қайтиб келганига бир йил тўлди. Бир йил ичида у на Макондо аҳли билан дўстланишга ва на бирор байрам уюштиришга муваффақ бўлди. Лекин у бу мудроққа чўмган шаҳарни бари бир уйғотишга ишонар эди. Унинг эри Гастон, гарчи у ўша жазирама чошгоҳ маҳали поезддан тушганидаёқ хотиннинг бу ерга қайтиб келишига ягона сабаб ватан соғинчи эканини тушунган бўлса-да, хотинининг майлларига моневлик қилмасди. Амаранта Урсуланинг ҳаёлпарастлиги адо бўлишига қаттиқ ишонгани боис, Гастон ҳатто велосипедини йиғишни ўйламасди. У қуибўйи гинт терувчилар девордан супуриб туширган ўргимчак инларини тигиб, энг чиройли ўргимчак тухумларини қидирарди. Сўнг уларни тирноғи билан ёрар ва заррабин тутиб, тухум ичидан чиқаётган ўргимчакларни томоша қиларди. Кейинчалик у велосипедини йиғди-да, буш вақтларини ҳашаротларни тутиб қуритишга бағишлади. Ҳашаротларни мураббодан бўшаган банкаларга жойлаб, Льеде университетидаги кекса табиатшунос профессорларидан бирига жўнатарди. Гастон, гарчи севимли соҳаси авиация бўлса-да, анча илгари ана шу профессор раҳбарлигида этимология фани сирларини ўрганганди. У ҳар гал велосипед миннидан олдин акробатларнинг трикосини, волинка<sup>1</sup> чалувчи музикачилар қиядиган пайпоқ кияр, бошига маҳфий агентларнинг фуражқасини бостириб оларди. Пиёда сайрга чиққанида эса у ҳатто гард ҳам юкмаган каноф костюм, ок ботинка, тепа қисми пастроқ поҳол шляпа кийиб, шойи галстук боғлар ва қўлига янги ҳасса кўтариб оларди. Кўзларининг қорамтирлиги туфайли у денгизчиға янада кўпроқ ўхшаб кетар, мўйлабчаси худди олмахоннинг мўйнасидай сарғиш-малла эди. Гарчанд, у хотинидан камидан ўн беш ёш катта бўлса-да, ёшларга ҳос одатлари, рафиқасининг кўнглини олишга дойимий шайлиги айни фарққа барҳам берарди. Бўйнига тизгин солинган, велосипед миниб юрадиган бу вазмин

<sup>1</sup> Волинка — пуфлаб чалинувчи соз.

кишини кўрганлар Гастон ёш хотини билан унинг эҳтиросли истакларини ҳеч қачон қайтармасликка битим тузганини, эру хотин агар қалбларини севги ҳаяжони қамраса, ўз истакларини муҳаббат билан шуғулланишга ноқулай жойларда ҳам қондираверишини хаёлигаям келтирмасди. Улар танишувларининг илк кунлариданоқ шундай қилишарди, вақт ва фавкуллоддаги ҳаётий шароитлар уларнинг эҳтиросини янада чуқурлаштирар, янада бойитарди. Гастон нафақат битмас-туганмас тасавури, севги бобида ҳам чуқур билимга эга, балки ўзию қайлигининг ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса-да, тарихда самолётни бинафшазорга кўндирган биринчи эркак ҳамдир. Улар бинафшалар қулф уриб очилган дала устида учиб боришаркан, Амаранта Урсула айни гулзор бағрида висол лаззатини тотмоқ истаги тугилган эди.

Улар тўйларидан уч йил илгари танишдилар: бир куни Гастон Амаранта Урсула ўқийдиган коллеж устида спортчилар библиида<sup>1</sup> турли шакллар ясаб учаётганида, томдаги байроқ дастасига урилиб кетмаслик учун кескин бурилди. Парусина ва алюминдан ясалган самолётнинг думи симга илиниб, ҳавода муаллақ осилиб қолди. Ўша кундан бошлаб, Гастон Тахтакачланган оёғига ҳам эътибор бермай, роҳиблар пансионига ҳар шанбада Амаранта Урсулани сўроқлаб кирар ва уни спортчилар клубига олиб кетарди. Улар бир-бирларини севишларини илк бор ҳавода, ердан беш юз метр баландликда билишди. Буюмларнинг шакли кичрайган сари уларнинг ўзаро туйғулари ўшанча равшанроқ намоён бўларди. Қиз унга жаҳондаги энг гузал ва энг тинч маскан — Макондо ҳақида сўзлар, ўша жойда, жамбил ҳиди уфурувчи улкан бир уйда яшасам, вафодор эрим бўлса, исмлари Аурелиано ёки Хосе Аркадио эмас, балки Родриго ва Говсало деган икки ўғлим, исми Ремедиос эмас, Виржиния деган қизим бўлса, деб орзу қиларди. Амаранта Урсула соғинч туфайли янада азиз ўша шаҳри сиймосини ўжар бир ҳаяжон билан чизардики, Гастон, агар у билан Макондога бормасам, менга тегиши қийин, деб ўйлади. У кейинчалик бўйнига тизгин солишларига рози бўлгани каби, Амаранта Урсуланинг навбатдаги талабига ҳам эътироз билдирмади, чунки буларнинг ҳаммасини ўткинчи танतिकлик, деб ҳисоблар эди. Макондога қайтганларига икки йил тўлса-да, Амаранта Урсула ҳеч зерикмас, ўша биринчи кундагидек шод эди. Буни кўрган Гастон ташвишлана бошлади. У Макондодаги барча ҳашоротларни қуритиб бўлган, испан тилини маҳаллий шевада гапириш даражасида ўрганиб қолган, почта келтирган барча журналлардаги кроссвордларни ечиб бўлган эди. Иссиқ иқлим Гастоннинг қайтиб кетиш муддатини тезлаштира олмас, чунки табиат унинг жигарини гўёки колониялардаги ҳаёт учун яратгандек эди: жигари чошгоҳдан сўнгги жазирама иссиққаям, сасиган сувгаям ҳеч қандай қаршиликсиз тоб берарди. Гастонга маҳаллий таомлар ҳам ёқиб қолганди, у ҳатто бир куни игуаналарнинг<sup>2</sup> саксон иккита тухумидан тайёрланган қуймоқни паққос туширганди. Амаранта Урсула учун эса поезд муз солинган қутичаларда балиқ ва устрицалар, тунука банкларда консервацияланган гўшт ва мева келтирарди, чунки у

<sup>1</sup> Библия — устма-уст қанотли самолёт.

<sup>2</sup> Игуана — асосан тропик Америкасида яшовчи улкан қалтакесак.



бошқа овқатларни ея олмасди. Гарчанд, ясан-тусан қилиб борадиган жойлари бўлмаса-да, эри унинг калта юбкаларини, сал қийшайтириб киядиган фетр шляпаларини, етти шодали марваридини муносиб баҳолай олмаса-да, Амаранта Урсула европача модада кийиниш ва модалар журналини олиб туришини қанда қилмасди. Чамаси унинг сирини шунда эдики, у ўзига ҳаминша бирор бир юмуш топарди ва ўзи вужудга келтирган турмуш муаммоларини ўзи ҳал қиларди. Йўл қўйган хатосини эртасигаёқ унинг ўзи, ниҳоятда тиришқоқлик билан шугулланишдек бемаъни хислатни мерос қилиб олган, деб ўйларди. Амаранта Урсуладаги қувноқлик хислати булоқ сувидек қайнарди. Ҳар гал янги пластинкалар келганида у эрини меҳмонхонада олиб қолар, биргаликда ярим тунгача янги рақсларни ўрганарди. Рақсларни шарҳловчи изох ва суратларни мактабдош дўстларини юбориб турарди. Рақс сабоқлари одатда висол лаззати билан яқунланар, эру хотин тебранма курсида ўтириб ёки шундоқ яйдоқ полга ётиб ишларини битириб кўяқолар эдилар. Амаранта Урсуланинг тўла маънода бахтли бўлмоғи учун фарзанд етишмасди, холос. Лекин эр-хотин дастлабки беш йилда бола қилмасликка келишиб олишган эди.

Гастон бўш соатларида овунини мақсадида ҳар куни эрталаб Аурелиано билан суҳбатлашгани Мелькиадеснинг хонасига кирарди. У ўзи туғилиб ўсган юртининг энг хилват гушаларини эслашни ёқтирарди. Аурелиано, гарчанд, у ерларда бирор марта бўлмаган эса-да, Гастоннинг ватани ҳақида гўё уша жойда кўп йиллар яшаган одам каби батафсил сўзлашарди. Гастон ундан бу гап энциклопедияда йўқ-ку, қаердан билақолдинг, деб сўраганида Аурелиано мудом: «Ҳамма нарсани билиб олиш мумкин», дея жавоб берарди. Аурелиано санскритдан ташқари инглиз ва француз тилларини ҳам ўрганиб олди, ҳатто лотин ва юнон тиллари бўйича ҳам анча маълумотга эга бўлди. Энди у ҳар куни кучкурун уйдан чиқарди. Амаранта Урсула унга бир ҳафталик харажат учун пул бериб турарди. Мелькиадеснинг хонаси каталониялик олимнинг китоб дўкони филиалига ўхшаб борарди. Аурелиано ярим тунгача китоб ўқиб ўтирарди. Аммо унинг фикр юритишини тинглаб кўрган Гастон, Аурелиано ўз билимини бойитиш учун эмас, балки ўзига маълум бўлган ҳақиқатларга далиллар ахтариш учун китоб ўқийди, деган хулосага келди. Йигитни дунёда ҳаммадан кўп кўл-ёзмалар қизиқтирарди. Аурелиано уларга кўл-ёзмаларни ўрганишга эрталабки энг яхши соатларини бағишлар эди. Гастон ҳам, Амаранта Урсула ҳам жон-жон деб уни ўзларининг оилавий давраларига қўшган бўларди, аммо Аурелиано мудом ўзини олиб қочарди. Унинг қиёфаси вақт ўтиши билан тобора калинлашаётган булутсимон бир сир билан зирх эди. Гастоннинг у билан дўстлашишга бўлган уринишлари натижа бермади, кейин бошқа эрмак ахтара бошлади. Худди шунда унинг миясига авиапочта хизматини ташкил қилиш фикри келди.

Аслида бу фикр унчалик янги эмасди. Ҳали Амаранта Урсулага уйланмасдан олдин ҳам шу гаплар ҳаёлига келган, ушунда йигит оиласи палма ёғи харид қиладиган Бельгия Конгосида авиапочта компанияси ташкил этишни режалаштириб юрарди. Лекин уйланиши ва хотини билан Макондога кетишга мажбур бўлгани учун, режа фурсати анча кейинга сурилди. Аммо Амаранта Урсула шаҳарни ободон-

лаштириш жамияти тузишга киришганини кўриб, Макондода яна хийла вақт қолажагини тушунди ва Брюсселдаги шерикларига хат ёзиб юборди. Африкада авиапочта ташкил этди нимаю Кариб денгизи ҳавзасида авиапочта ташкил этди нима? Музокара олиб бориларкан, Гастон шағал қоплаган далада самолёт кўнадиган жой тайёрлади, шамол йўналишини ўрганди, учинг трассаларини аниқлади, у ўзининг жаноб Гербертнинг хатти-ҳаракатига ўхшаб кетувчи фаолияти макондоликлар кўнглига хатарли бир шубҳа солаётганини сезмасди ҳам. Макондо аҳли Гастон банан кўчатлари ўтказишни режалаштир-япти, аэроплан ҳақидаги гаплар билан бизни чалғитмокчи, холос, деб ўйлашарди.

Гастон вилоят пойтахтига бир неча марта борди, пойтахтдаги маъмурлар билан учрашиб, улардан рухсатнома олди ҳамда авиапочта хусусида имтиёзли битим тузди. Брюсселдаги олдинги шериклари билан ҳам хат ёзишиб турди. Айни ёзишма Фернанданинг табиби ғайблар билан ёзишмасига ўхшаб кетарди. Ахири, Гастон уларни денгиз орқали биринчи самолёт юборишга, самолётни Макондога энг яқин портда йиғиб, сўнг унда охириги манзилга қадар учиб келадиган механикни ҳам йўлланга кўндирди. Дастлабки ҳисоб-китоб ва метеорологик кузатишлар тугаганидан бир йил ўтгач, Брюсселдаги шерикларининг ваъдасидан мадад олаётган Гастон тез-тез осмонга тикилиб, шамолнинг товушига қулоқ осганча шаҳар кўчалари бўйлаб кезадиган одат чикарди: у самолёт келишини кутарди.

Гарчанд, Амаранта Урсуланинг ўзи буни сезмаса-да, унинг қайтиши Аурелианонинг ҳаётида туб ўзгаришлар ясаган эди. Хосе Аркадионинг ўлимидан кейин у китоб дўконига серкатнов бўлиб қолди. Энди буткул озод бўлиб, бул вақти кўп эди, шу сабаб, Макондони бамайлихотир ургана бошлади. Аурелиано ҳувиллаган чанг кўчалар бўйлаб кезар, вайронага айланган уйлари, деразаларнинг занглаб кетган турларини шунчаки қизиқинг учун эмас, балки олимона синчковлик ила ўрганар, хотиралар залворидан азоб чекаётган макондоликлар билан танишарди. Унинг тасавури шу қадар кучли эдики, ўзича шаҳар ва банан компаниясининг олдинги шукуҳини хаёлида тиклашга ҳаракат қиларди. Банан ширкатининг сузиш бассейни эндиликда чириб тамом бўлаётган эркак ва аёллар пойабзалларига тўлган эди. Аурелиано деворлари қулаб, ёввойи ўт-ўланларга кўмилиб кетган харобалар орасида темир занжирга боғлаб қўйилган немис овчаркасининг скелетини топди. Ўша ерда ҳали-ҳанузгача жиринглаб ётган эски телефонни кўрди, трубкани қулогига тутиб, инглиз хотинининг ташвишли овозини эшитди, унга: «Ҳа, иш танилаш тугади, уч мингта ўлик денгизга улоқтирилди, банан ширкати кўчиб кетди ва ниҳоят Макондода осойишталик ҳукм сура бошлади», деб жавоб қайтаргач, телефон бошқа жирингламай кўйди. Сайр қилиб юраркан, илгари ёлғиз бир мақсад — кумбиамба ракси, бойлам-бойлам пуллар тикилган, ҳозирда эса у ер-бу ерида кизил чироқлар ғира-шира ёниб турган, кўчалари шаҳардаги энг тамгин, энг аянчили, увода гулчамбарлар билан безатилган ракс саломида ориқ ва семиз бевалар, эр нималигини билмай ўтган француз кампирлар ва бобиллик онабошилар ҳанузгача вктрол ёнида ўтирганча кимларнидир



кутаётган фоҳишахоналар жойлашган қасабага келиб қолди. Аурелиано Буэндиалар оиласини биладиган, ақалли полковник Аурелиано Буэндиани эслайдиган бирорта одамни учратмади. Фақат биргина чол — уйи ёнидаги боғчада кечкурунлари диний қўшиқ айтиб ўтирадиган кекса негр бундан мустасно эди. Пахтадай оппоқ сочи негрни фотонегативга ўхшатиб қўйган эди. Аурелиано у билан ўзи бир неча ҳафта илгари ўрганиб олган мураккаб шевада гаплашарди. Баъзида чолнинг кечки овқати — хўроз калласидан пиширилган шўрвага шерик бўларди. Шўрвани чолнинг чевараси, йўғон негр жувон пиширарди. Аёлнинг силлиқ биқини бияникига, кўкраги эса қовунга ўхшар, бошидаги куюк, симдай қаттиқ соч турмаги гўёки ўрта аср жангчисининг дубулғасини эслатарди. Жувоннинг лақаби жодугар эди. Ўша пайтлар Аурелиано идиш-товоклар, шамдон ва бошқа кераксиз буюмларни сотиб кун кечирарди. Чунтагида бир мири ҳам қолмаган кезларда эса, бозорга бориб, ахлатхонага ташлаб юбориладиган хўроз каллаларини сўраб олиб, семизўт ва ялпиз қўшиб шўрва пишириши учун Жодугарга элтарди. Чол ўлғач, Аурелиано у ерга бормай қўйди, аммо Жодугар билан кечалари бодом дарахти остида, жувон енгил хўштак чалиб, ўткинчиларни ўзига жалб қилаётган жойда учрашиб турар, антиқа каллашўрваю қашшоқликнинг бошқа танқис таомлари ҳақида гаплашганча сайр қиларди. Жувон, мижозларимни чўчитаяпсан, деб шама қилмаганида, балки Аурелиано у билан яна анчагача қуруқ суҳбат қилган бўларди. Гарчи, Аурелиано ўзини шайтон йўлдан оздираётганини сезса-да, ва гарчи, жодугар билан тунгги суҳбатлари шундай якун топишини табиий бир ҳол, деб ҳисобласа-да, улар ҳалигача бирор марта ҳам бирга ётишмаган эди. Хуллас, Брюсселдан келган Амаранта Урсула унга опаларга хос ўпич ҳады қилганида, Аурелиано ҳали бузилмаган эди. Амаранта Урсула билан учрашганида, айниқса, холаси унга замонавий рақсларни ўргатаётган пайтларида, у ўзини ожиз ҳис қилар, назарида суюқлари пахтадай юмшоқ бўлиб қолаётгандек туюларди. Бу — Пилар Тернера картада фол очиш баҳонаси билан қазноққа олиб кирганида бобосининг бобоси полковник Аурелиано Буэндиа ҳис қилган ўша туйғу эди. Аурелиано яна қўлёмаларга берилди, холасининг беозор эркалашларидан қочишга ҳаракат қила бошлади, аммо қочишга қанча кўп уринса, унинг кулгисини, тунлари эрининг бағрида бахтиёр мушукдай нола чекишини шунча кўп қўмсар эди.

Бир куни кечаси эру хотин қўшни хонада собик заргарлик устахонасида Аурелианонинг каравотидан ўн метрча наридаги стол устига ўзларини таппа ташлашиб, шиша идишларни синдиришди, аммо хлорат кислотаси қўлмаги ичида ҳам иш қилаверишди. Аурелиано эрталабгача мижжа қоқмади. Аъзойи баданини титроқ қоплади, бўғзига даҳшатли фарёд қадалди. Ўша кун унга чексиз узун туюлди ва ниҳоят, интизор бўлиб қутилган оқшом тушиб, кўчадаги бодом дарахти тагига борди. Аурелиано жодугарни кутар, тер қоплаган кафтида бир ярим песони тутиб турар, бу пулни ўзида пул йўқлиги учун эмас, балки ўзи юз тутган тубанликка Амаранта Урсулани ҳам шерик қилиш ниятида холасидан сўраб олган эди. Жодугар уни ўзининг шам ёқилган кулбасига, чойшабларида беҳисоб висол излари сакла-

ниб қолган йиғма каравотига бошлаб келди ва ўзининг жасур, бағри-тош, дағал, қанжиқникига ўхшаш танини йигитнинг ихтиёрига топширди. У Аурелианони шунчаки мишиқи болакай деб ҳаёл қилган эди, аммо тез орада ҳақиқий эркакка дуч келганини тушунди; Аурелианонинг кучи аёлнинг ичини зилзила каби титратиб юборди.

Хуллас, улар ошиқ-мошиқ бўлиб қолишди. Аурелиано эрталаб кўлёмалар устида ишлар, пешинги ҳордиқ пайтида эса жодугарнинг кулбасига борарди. Аурелиано маҳбубасининг белида гўё виолончель ториға ўхшаш, пўлатдай қаттиқ сим чамбарак борлигини пайқагунича, орадан бир неча ҳафта ўтди. Чамбаракнинг чоки кўринмас, чамаси, жодугар онадан ўша чамбарак билан туғилганди. Улар чавандозликдан чарчаб, одамни карахт қилувчи жазирама иссиқда яланғоч ўтиришиб овқатланишарди. Жодугар илк бор, ўзи кула-кула айтганидек, шахсий «этгич»га эга бўлди. Муносабатлар шу даражагача бориб етдики, аёл кўнглида маълум бир умидлар ги-мирлай бошлади, аммо Аурелиано ногаҳон ўзининг Амаранта Урсу-лани севишини тан олди. Бу азобдан ўзга аёл кучоғи ҳам кутқара ол-мас, аксинча, тажриба орттиргани сайин, холасига бўлган иштиёк-мандлиги уфки тобора кенгайиб борарди. Жодугар бу гаплардан кейин ҳам Аурелианодан совимади, лекин энди хизматлари учун йигитдан ҳақ сўрайдиган бўлди. Агар жазманида пул бўлмаса, на-сияга ётар, лекин унинг қарзини, албатта, деворга бармоғи билан чи-зиб қўярди. Жодугар кечки овқатга чиқиб кетган пайт Аурелиано уйга қайтарди. У галереяда Амаранта Урсула билан Гастонга шунча-ки бош ирғаб ўтарди. Эр-хотин айна пайтда дастурхонга ўтиришар, кейин яна хонага беркиниб олишарди. Уларнинг шивир-шивири, кул-гуси ва, ниҳоят, жазавага тушиб, тўшакда чавандозлик қилишлари Аурелианонинг қонини кўпиртирар, у ҳаяжон азобида на ўкир, на ёзар ва ўй сура олар эди. Аурелиано бир гал католониялик олимнинг дўконига бориб, у ерда ўрта асрларда суварак қай усулда йўқ қилин-гани хусусида мунозара қилаётган тўрт нафар вайсаки йигитни уч-ратмагунича, унинг ҳаёти шу тарзда кечди. Аурелианонинг бир-гина Муҳтарам Бэда<sup>1</sup> ўқиган китобларга ихлоси зўрлигини билган дў-кондор, уни айна илмий мунозарага ҳакамлик қилишга чорлади ва йигит ўша заҳотиёқ, сувараклар ер юзидаги энг қадимий қанотли ҳашарот, деб айтди, улар хатто Тавротда ҳам тилга олинган, одатда бу ҳашоротлар шиппак билан уриб ўлдирилади, аммо барча кураш тур-лари — помидор бўлакчаларини дорилда қўйишдан тортиб, то шакар сепилган унғача — ҳамма-ҳаммаси ҳеч бир самара бермайди, сува-ракларнинг фанга маълум бир минг олти юз тури инсоният тарихидаги энг кўҳна, қатъий ва шафқатсиз таъқиб объекти саналади. Ҳали одамзот томонида бирортаям тирик мавжудот, шу жумладан, одам-ларнинг ўзлари ҳам бу қадар таъқиб қилинмаган, умуман, суварак-ларни йўқотишга бўлган интилишни инсониятга хос асосий ин-стинкт — кўпайиш инстинкти қаторига қўшиш мумкин, шу билан бирга, суваракларнинг ҳанузгача батамом қирилиб кетмаганига са-баб шуки, улар қоронгу бурчакларга беркиниб олишади, бу ҳол туғи-

<sup>1</sup> Муҳтарам Бэда (673—735) — англосакс роҳиби, тарихчи олим.



лишданок қоронғиликдан кўрқадиган одамларнинг уларга қўли етмаслигини таъминлайди, аммо чароғон чошгоҳи яна одамларга нишон бўлишади, хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда ҳам, ҳозирги вақтда ҳам ва келажакда ҳам суваракларни ўлдиришнинг энг ишончли усули уларнинг кўзини кўёш нурлари билан қамаштиришдир, деб нутқини тамомлади.

Унинг фатализм<sup>1</sup> ва донолик билан йўғрилган нутқи уларнинг ўзаро дўстлигига асос солди. Энди Аурелиано ҳаётидаги илк ва охирги дўстлари — баҳсга ўч Альваро, Херман Альфонсо ва Габриэль билан ҳар куни кечкурун учрашиб турарди. Кеч соат олтида китоб дўконида бошланиб, тонг маҳали фоҳишахоналарда тугайдиган шовқин-суронли йиғинлар китобхўр зоҳид учун нақ байрам эди. Адабиётнинг одамларни масхара қилиш учун ўйлаб топилган энг яхши эрмак эканлиги шу пайтгача унинг миясига келмаган эди, аммо кечкурунги ичкиликбозликлардан бирида Альваро уни бунга ишонтирди. Альваронинг бу қадар дадиллик билан фикр юритиши унинг агар билимлар турк ловияларини тайёрлашнинг янги усулини ихтиро қилишга қўмак беролмаса бир қақага ҳам қиммат, деб ҳисобловчи каталониялик олимга тақдир эканини тушуниши учун анча вақт кетди.

Аурелиано сувараклар тўғрисида илмий ахборот берган ўша окшомдаги баҳс Макондо четиди — қизлар очликдан танларини сотиб кун кечираётган ғарибгина фоҳишахонада тугади. Исловатхона бекаси эшикларни очиб-ёпиб туришга ишқибоз эди. Гарчи, унинг юзиди қотган табассумини кўрган мижозлар айна маконни жиддий тарзда қабул қилишса-да, бу уйдаги барча нарсалар, ҳатто буюмлар ҳам рўёга ўхшарди: мебель ўтиришлари биланоқ синиб кетарди, ичак-чавоғи суғириб олинган виктрол ичида товук тухум босиб ётар, боғда қоғоз гуллар «очилган», деворга банан ширкати тузилмасдан илгари чиқарилган календарлар ва ҳеч қачон чоп этилмаган журналлардан қирқиб олинган расмлар қўйилган рамкалар осилган эди. Ҳатто беканинг мижозлар келгани ҳақидаги хабарини эшитишиб, чет-четлардан келишадиган тортинчок фоҳишалар ҳам рўёвий туюларди. Улар уйга саломсиз кириб келишар ва эгниларидидаги гуллари ўчиб кетган қўйлақларини илгари қандай соддадиллик билан кийишган бўлса, ўшандай соддадиллик билан ечишар, ҳаяжонга тушган чоғларида: «Вой!.. Зўрсиз-ку? Қаранг, шифтнинг сувоғи кўчиб тушяпти-ку!...» дея хитоб қилишарди. Бир песою эллик сентаво олган қизлар, пулларига ўша заҳоти бекаларидан бутерброд сотиб олишарди. Аурелиано учун бу ғариб иславатхона танҳоликдан асрагувчи ягона нажот эди. Дастлаб Аурелиано жуда уяларди, негаки, энди иш бошлади дегунча фоҳишахона бекаси хонага кириб, тўшакда от сураётган чавандозга турли-туман маслаҳат берар эди. Аммо ўспирин бора-бора турмушнинг бу майда-чуйда ишқалларига парво қилмасликка ўрганди.

Аурелиано тўртала дўстига бирдай боғланиб қолган бўлса-да, барибир Габриэль исмли дўстини кўнглига яқин сезарди. Бир куни кечкурун Аурелиано полковник Аурелиано Буэндиа ҳақида гап очганида, биргина Габриэль унинг гапларига ишонди. Ҳатто, одатда суҳ-

<sup>1</sup> Ф а т а л и з м — тақдирга ишонил.

батларига қўшилмайдиган исловатхона бекаси ҳам, ашаддий ғийбатчиларга хос ўжарлик билан, мен полковник Аурелиано Буэндиани эшитганман, лекин у одам шунчаки бир уйдирма, уни ҳукумат либераллари ўлдириш учун баҳона тариқасида ўйлаб чиқарган, деб таъкидлади. Габриэль эса, аксинча, полковник Аурелиано Буэндианинг реал шахс эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ, деб айтди, чунки полковник билан унинг катта бобоси полковник Херинельдо Маркеснинг иккови қуролдош ва ажралмас дўст бўлишган экан. Гап ишчиларнинг отилишига бориб тақалганида, макондоликларнинг хотирасидаги заифлик, айникса, кучаярди. Аурелиано ушбу мавзу ҳақида сўз очиши биланок, нафақат фоҳишахона бекаси, балки ёши ундан каттарок одамлар ҳам станция майдонида кўшиқлар билан қуршаб олинган ишчилар ва ўликлар ортилган икки юзга вагондан иборат поезд тарихини уйдирма сифатида инкор этишар ва ўз вақтида суд терговчиси томонидан тўқилган ҳамда бошланғич мактабларнинг дарслигига киритилган хулосани пеш қилишарди — унда банан компаниясининг ҳеч қачон мавжуд бўлмаганлиги айтилганди. Шундай қилиб, Аурелиано билан Габриэль улардан ўзга ҳеч ким тан олмаган реал далилларга ишонч асосида дўстлашган эдилар. Бу далиллар иккала дўстга ҳам катта таъсир кўрсатди, уларни аллақачонок ҳалокатга учраган ва ўзидан ғамдан бўлак ҳеч нарса қолдирмаган дунёга худди қирғоққа урилиб ортга қайтган тўлқиндек судрарди. Габриэль қаерда уйку босса, ўша жойда ухлаб қолаверарди. Аурелиано уни бир неча бор заргарлик устахонасида тунагани олиб қолди, аммо Габриэль бу ерда кечаси билан мишжа қокмади, унга то эрталабгача хона бўйлаб кезган ўликлар халал беришди. Кейинчалик Аурелиано дўстини жодугарга топширди. Аёл ишдан бўш пайтларида Габриэлни ҳам кулбасига киритар, Аурелианонинг қарзлари битилган деворга тирноғи билан чизиклар чизиб, Габриэлнинг ҳам қарзларини ёзиб қўярди.

Дўстлар гуруҳи ўзларининг батарғиб ҳаёт тарзига қарамай, католиялик олимнинг маслаҳатларига биноан, аллақандай умрбоқий нарсалар яратишга уринишарди. Одамлар ўзларининг бошланғич мактаб доирасидаги билимларини кенгайтиришга на истаги ва на имконияти бор бу шаҳарда уларнинг ўттиз еттинчи драматик вазиятни қидириб топиш ниятида кечаси билан ўтириб чиқишлари дўқондор олимнинг классик адабиёт ўқитувчиси сифатида тўплаган тажрибаси ҳамда ундаги ноёб китоблар борлиги туфайли эди.

Дўстлик ҳиссига асир тушган, илгари Фернанданинг тошбағирлиги туфайли маҳрум бўлиб, эндиликда эришгани дунё гўзалликларига мафтун бўлиб қолган Аурелиано башоратли шеърларнинг тилсими очилай деган маҳалда, қўлёмаларни ўрганиши бас қилди. Лекин сал ўтиб, гарчи, исловатхонага қатнашини тарк этмасида, яна қайтиб қўлёмаларни кўлига олди. Бу пайтда Гастон ҳамон аэроплан келишини кутарди. Амаранта Урсула ўзини шу қадар ёлғиз сезардики, охири бир куни эрталаб Аурелианонинг хонасига кирди.

— Ишлар қалай, одамхўр? — деб сўради у. — Яна ғоринга беркиниб олдингми?

Эгнига аломат кўйлак кийган, бўйнига балиқ устихонидан ясалган қўлбола мунчок тақиб олган Амаранта Урсула жуда очилиб кетган эди. У энди эрининг содиқлигига тамом ишониб, унинг бўйнида-



ги тизгинини олиб ташлади ва ниҳоят унда Макондога қайтиб келганидан сўнг илк маротаба бўш вақт топилди. Аурелианода Амаранта Урсулани кўриш ва товушини эшитишга ҳожат йўқ эди, у шусиз ҳам унинг келганини биларди. Амаранта Урсула хонага кириб, столга тирсақларини қўйганида у шу қадар яқин, шу қадар ҳимоясиз эдики, Аурелиано суяқлари ич-ичдан сирқираб кетганини сезди ва ўзини жонҳолатда китобга урди. У ҳаяжонини босишга уриниб, аллақайқа ғойиб бўлишга интилайтган овозига, уни ташлаб кетмоқчи бўлайтган ҳаётга, тўсатдан тошдай қотиб қолган хотирасига жонҳолатда ёпишди ва Амаранта Урсулага санскритнинг келиб чиқиши, ёритилган вақт қатламлари орқали худди ёруққа тутилган қоғоз ортидаги ҳарфларни кўрганинг каби келажакни кўра билишнинг илмий имкониятлари, қўлёзмадаги башоратлар ўз-ўзини барбод этмаслиги учун уларни шифровка қилиш зарурлиги ҳамда Нострадамуснинг «Аср» деган асарини Контабриянинг авлиё Мильян башорат қилган ҳалокати ҳақида гапира бошлади. Гапира туриб, ғайришуурий тарзда кафтини Амаранта Урсуланинг қўлига қўйди — шу билан ҳаяжоним босилади, деб ўйлади. Аммо Амаранта Урсула худди болалигидаги каби бегуноҳ бир эркалик ва майинлик билан унинг бармоғини ушлади ва то Аурелиано саволларига жавоб беришни давом эттиргунича қўйиб юбормади. Улар ҳаракатсиз, муздай кўрсаткич бармоқ билан боғланишгунча, туриб қолишди, кейин Амаранта Урсула тўсатдан манглайига бир уриб: «Чумолилар!» деб кичқирдида, ўша заҳоти қўлёзмаларни тамом эсдан чиқариб, эшик томон ошиқди ва у ердан туриб, Брюсселга кетаётганида отаси билан хайрлашгани каби бармоқларининг учида Аурелианога бўса узатди.

— Кейин тушунтирарсан, — деди Амаранта Урсула, — Чумолинига оҳақли сув қуйиш эсимдан чиқай дебди.

Жувон уйнинг шу томонида бирор иши чиқиб қолганида ёки эри осмонга узок тикилиб ўтирган чоғларда Аурелианонинг хонасида бир-икки дақиқа ушлаб қоларди. Аурелиано яна уйда овқатлана бошлади. У Гастонга ёқиб қолди. Овқат пайтида Гастон ўз шерикларидан шикоят қиларди. Афтидан, шериклари уни лақиллатишган эди, негаки улар аэропланни денгиз орқали юбордик, деб хабар беришсада, кемачилар, ҳали ҳеч нарса олмадик, деб туриб олишарди. Ростдан ҳам, аэроплан Кариб денгизи портларидаги бирорта ҳам дафтарда қайд этилгани йўқ эди. Лекин Гастоннинг шериклари ҳамон аэропланни юбордик, тагин сен ўзинг бизни алдаётган бўлма, деб шаъма қилишарди. Ўзаро ишончсизлик шу қадар кескинлашдики, охири ёзишмани йиғиштириб, шахсан ўзи Брюсселга боришни ўйлай бошлади. Аммо Амаранта Урсула ҳеч қачон — ҳаттоки эридан ажралишга тўғри келган тақдирдаям — Макондони тарк этмайман, деб таъкидлагач, Гастоннинг бу режаси ҳам барбод бўлди. Дастлаб Аурелиано, Гастон велосипед минган жинни деган умумий фикрга қўшилди ва унга нисбатан ноаниқ бир раҳмдиллик сеза бошлади. Кейинчалик фоҳишахоналарда эркаклар табиати ҳақида чуқурроқ билимга эга бўлганидан сўнг эса, фламандияликнинг хотинига бу қадар итоат қилишини унинг телба эҳтиросига йўйди. Лекин Гастонни яхши билганидан кейин эса Аурелиано унинг ҳақиқий ха-

рактери билан ясама итоатгўйлиги ўртасидаги қарама-каршилиқни сезди ва унинг барча хатти-ҳаракатлари, ҳатто аэропланни қутиши ҳам шунчаки пухта уюштирилган ўйин эканига бўлган шубҳасини ичига ютди. Шунда у Гастон ҳамма ўйлаганидек гўл эмас, аксинча; то теварак атрофидаги иллюзия вужудга келтирадиган зеркишларга тоб беролмай, охири Европага кетиш учун чамадонларини шайлаб қўядиган кунгача хотини ўз гирдобига ўзи ғарк бўлиб ётавериши учун имкон яратган, ўзининг доимий ён босиши, ақалли бирор мартаям «йўқ» дея олишга қодир эмаслиги ва ёлғондакам итоатгўйлиги билан хотинининг тинка-мадорини қуритиб, унинг устидан ғалаба қознишга аҳд қилган, барқарорлиги улкан, ниҳоятда эпчил ва чексиз сабр-тоқатли одам, деган қарорга келди. Шундан сўнг Аурелианонинг қалбидаги Гастонга бўлган раҳимдиллик даҳшатли ғазабга айланди. Гастоннинг усули унга бемаъни, бироқ шу қадар таъсирчан туюлдики, у бундан Амаранта Урсулани асрашга ҳаракат қилиш учун куч топди. Аммо у юрагидаги севи, ишончсизлик ва рашк юқининг қанчалар оғир эканини ўспиринга мутлақо сездирмагани ҳолда, унинг шубҳаси устидан кулиб қўйди, холос. Амаранта Урсула то бир куни консерванланган шафтоли банкасини очаётиб бармоғини кесиб олмагунича, Аурелианонинг унга бўлган меҳри опа-укалик ҳиссидан айрича эканини ўйламасди ҳам. Ушанда Аурелиано унинг бармоғини шунчалар ҳассослик ва садоқат билан сўра бошладики, Амаранта Урсулани титроқ босди.

— Аурелиано! — деб кулди у, айна воқеадан ташвишга тушиб.  
— Жудаям бешафқатсан, сендан тузукроқ вампир<sup>1</sup> чикмайди.

Шунда Аурелиано бир зум ихтиёрини йўқотди. У аёлнинг яраланган қўлини ожиз бўсаларга кўмаркан, юрагининг туб-тубига яширган сирларини ошқор этди. Ярим тунда уйғониб, Амаранта Урсуланинг қуритиш учун ваннахонага осиб қўйилган ички кийимларига юзини буркаганча, умидсизлик ва ғазабдан ўкирганини айтди, жодугарга, «мушукдай бақир», қулоқларимга «Гастон, Гастон, Гастон!..» деб шивирла, дея илтижо қилганларини айтди, очликдан ўлмаслик учун танларини сотувчи бечора қизчаларнинг бўйнига суртиш учун Амаранта Урсуланинг атирларини ўғирлаганларини айтди. Унинг эҳтиросли ҳасратидан чўчиб кетган Амаранта Урсула бармоқларини мушт қилиб туга бошлади.

— Ҳайвон,— деди у,— биринчи кема биланоқ Бельгияга жўнайман!

Альваро кунларнинг бирида каталониялик олимнинг дўконига энг сўнгги янгилик — зоологик ишратхона хабарини олиб кириб келди. «Тилла бола» деб аталувчи бу маскан усти очик улкан салон бўлиб, унда ўзининг сеҳрли овозлари билан вақтни белгиловчи икки юзга яқин қўлбуқа кезиб юрарди. Рақс майдони атрофида, сим тўр билан ўраб олинган қўтонларда, улкан камелиялар орасида турфа рангдаги қарқарлар, ҳирсдай семиз тимсоҳлар, ўн иккита шақилдоғи бор чинкироқ илонлар ва тилларанг сув тошбақалари яшарди. У ердаги ҳавонинг зичлиги шу қадар ибтидоий бўлиб, уни гўёки ҳозиргина кашф

<sup>1</sup> Вампир — қон сўрувчи.



этишганди. Тўқ-қизил гуллар ва аллақачоноқ модадан қолган пластинкалар қуршовида эркакларни кутишавериб, умидларини йўқотган гўзал мулат қизлари эса севгининг қирқ хилидан хабардор эдилар. Дўстлар биринчи кечасиёқ бу ажойиб маконга боришди ва кираверишда, лиана новдаларидан тўкилган курсида ўтирган улугвор ва камсуз кампирни куришди. Кампир беш йигит ичида ёноклари татарларникидай туртиб чиққан, ориқ, ғамгин ва абадул-абадга ёлғизлик чечаги билан муҳрланган эркакни кўргач, вақт бир жойда топталаётганини ҳис қилди.

— Вуй! — деб пичирлади у. — Аурелиано!

Унинг қаршисида яна полковник Аурелиано Буэндиа пайдо бўлди. Ҳали жанглар шухратию умидларини кўкка совурган узоқ қувғинлар бошланмасидан анча илгари, умридаги илк буйрук: унга ўзини севиш ҳақида буйрук бериш учун ўша узоқ тонгда ётоғига кириб келган ва хира чироқ остида турган Аурелиано Буэндиа. Кампир Пилар Тернера эди. У бир юзу қирқ бешга киргач, ёш санашдек бемаъни одатдан воз кечган ва келгуси ҳаёти аниқ ҳамда бир умрга белгиланган — хом-хаёл тахминлар қаргаларнинг башорати асосида қурилган бурунги ўша омонат келажагидан анча йироқ бўлган кимсасиз гўша — ҳатто вақт ҳам ҳаракатга келтиролмайдиган хотиралари ичра яшай бошлаганди. Аурелиано хотирасида Буэндиалар авлодининг қудрати ва ҳалокатини, Макондонинг ер билан яксон қилинган шуқуҳини тикларди. Бу пайтда Альваро ўз кулгиси билан кайманларни чўчитар, Альфонсо бўлса, кўлбуқалар ўзларини ёмон тутган тўрт миждонинг кўзини ўйиб олгани ҳақида даҳшатли латифа тўқир, Габриэль эса чегарачилар ич сурар дори бериб, тувакка ўтказиб, кейин унга тушган бриллиантларни топиб, Ориноконинг нариёғидаги турмага тиқиб қўйган контрабандачининг қайлиги бўлмиш — хизматлари эвазига пул олмай, маҳбубига мактуб ёздирадиган мулат қизнинг хонасида айш-ишрат сурарди.

Аурелиано бу ерда ўзини шу қадар яхши ҳис этардики, Амаранта Урсула орзуларини чилпарчин қилган кечаси шу ерга нажот ахтариб келди. У юрагини дарддан бўшатмоқни, қалбидаги тугунларини кимдир ечиб юборишини истарди. Пилар Тернеранинг этагига юзларини буркаганча, қайноқ кўз ёшлари тўқиб, бошига тушган савдони гапириб берди. Пилар Тернера унинг сочларини силаб, сал тинчланишини кутди.

— Бас қил, кичкинтой, — деди меҳрибонлик билан. — Энди менга айт-чи, ким у?

Аурелиано аёлнинг номини айтган заҳотиёқ, Пилар Тернера худди илгаригидек юрак-юрагидан тўлиб-тошиб кулди. Энди унинг кулгиси каптарларнинг ғувиллашига ўхшаб қолганди. Буэндиалар авлодининг барча вакиллари юрагидаги сирларнинг эшиклари унга доимо очик эди. Қарталару тўплаган тажрибалари туфайли бу оила тарихи муқаррар воқеалар такроридан ташкил топган занжир бўлиб, абадул-абад айланаверадиган гилдиракка ҳам монандлигини кашф этганди-да.

— Ташвишланма, — деб жилмайди Пилар Тернера. — У қаерда бўлишидан қатъи назар, сени кутяпти.

Амаранта Урсула соат түрт яримда халатига ўралиб, бошига со-  
чик боғлаб, ваннахонадан чиқди. Аурелиано оёқ учида унинг кетидан  
эргашди. У худди маст одамдай чайқаларди. Амаранта Урсула хала-  
тини ёзиб юборган дамда ётоққа бостириб кирди, қўриқиб кетган аёл  
этаklarини тезда йиғиштириб олди ва индамай бармоғини бигиз қи-  
либ, эшиги қия очик қўшни хонани кўрсатди: Гастон ўша ерда хат  
ёзиб ўтирганини биларди.

— Кет,— деди Амаранта Урсула пичирлаб.

Аурелиано жилмайди, аёлнинг белидан тутганча, худди гулдондек  
даст кўтарди ва каравотга чалқанча ётқазди. Амаранта Урсула бирор  
ҳаракат қилишга улгурмай қўполлик билан ич қўйлагини йиртиб  
ташлади. Шунда йигитнинг кўз олдида гўё бошни айлантурувчи жар-  
лик каби ҳозиргина ювилган тоза ва яланғоч бадан намоён бўлдики,  
бу баданда Аурелиано оқшомлари ҳаёлида тасаввур этмаган бирорта  
ҳам тук, бирорта ҳам хол йўқ эди қисиб. Амаранта Урсула худди  
ёввойи мушукдек ростакамига қаршилиқ кўрсатарди; унинг хушбўй,  
латчаникидек<sup>1</sup> силлик ва қайишқоқ бадани тўлғанар, тиззалари билан  
йигитнинг буйрагини мўлжаллаб тепар, айна замонда юзига чанг со-  
ларди. Аммо иккиси ҳам овоз чиқармасди. Бу шиддатли олишув, ҳаёт-  
мамот жанги бўлсаям эҳтиёткорона ҳужум ва чекинишлардан иборат  
эдики, олишув давомида петуньялар<sup>2</sup> яна бир бор гуллаши қўшни хо-  
нада ўтирган Гастон эса аэроавтика ҳақидаги ўз орзуларини унутиб  
юбориши мумкин эди. Ушбу манзара гўёки икки жанжаллашиб қол-  
ган ошиқнинг тиник ҳовуз тубида ярашиб олишга интилаётганига ўх-  
шаб кетарди.

Қатъий ва намоийшкорона қаршилиги авжга чиққан паллада,  
Амаранта Урсула айна осудалик шубҳа уйғотиши мумкинлигини  
тушунди. Шунда лабларини кимтиброқ кулишга тушди, лекин кураш-  
дан воз кечмади. Энди у ёлғондакам тишлаш билан ҳимояланар,  
танини илгаригидек шиддат ила халос қилишга уринмасди. Ниҳоят  
улар бир йўла ҳам рақиб, ҳам шерик эканликларини ҳис этишгач,  
мудофаа жўнгина кичикка, ҳужум эса эркалатишга айланди. Сўнгра  
Амаранта Урсула бирорта янги қилиқ ўйлаб топиш мақсадида, гўёки  
ҳазиллашгандай бўлиб, бир дақиқа мудофаани бўшаштирди, лекин  
қилган ишидан ўзи ҳам чўчиб, яна қаршилиқ кўрсатишга киришганида,  
гишт қолипидан кўчган эди. Аёл қўллари билан пайпаслаб, зўрға со-  
чик топди ва бўғзидан отилай деб турган бақирикни чиқармаслик  
учун жонҳолатда уни тишлаб олди.

\* \* \*

Пилар Тернера байрам арафасида, лиана новдаларидан тўқилган  
курсида ўтирган жойида жон берди. Марҳуманинг энг сўнги истагига  
биноан, уни тобутда эмас, балки шу курсининг ўзида кўмишди. Унинг  
жасадини рақс майдонининг марказида қазилган қабрга саккиз нафар  
эркак арқонлар ёрдамида туширди. Кўзёш қилавериб оқариб кетган,  
коп-қора либос кийган мулат қизлар тақинчоғу узукларини ечишиб,

<sup>1</sup> Латча — йиртқич хайвон.

<sup>2</sup> Петунья — гуллари катта-катта боғ ўсимлиги.









қабрга ташлашди. Қабр устига ёзувсиз тош плита қопланди, унинг усти бир зумда гулларга тўлиб кетди. Сўнгра мулат қизлар барча хайвонлар ва қушларни захарлашди, деразаю эшикларга гишт териб чиқишди ва ичига авлиёларнинг тасвири, рангли журналлардан қирқиб олинган расмлар ҳамда бекарор, ҳақиқатдан йироқ, афсонавий қалликларнинг портретлари ёпиштирилди ёғоч сандиқчаларини кўтарганларича турли томонга тарқалиб кетишди.

Ҳаммаси тугади. Фоҳишаларнинг Пилар Тернера қабрига ташланган бир чақага қиммат тақинчоқларига қўшилиб бутун ўтмиш, юртини кўмсаб, Ўрта ер денгизидаги қишлоғига қайтиб кетган католониялик олим китобларини ким ошдига сотиб юборгандан сўнг қолган арзирли нарсалар ҳам чириб борарди.

Олимнинг кетиб қолишини ҳеч ким кутмаган эди. У Макондода банан компанияси айна гуркираб яшнаётган бир пайтда, саноксиз урушларнинг биридан қутулиш мақсадида пайдо бўлган эди. Шу ерда китоб дўкони очиб, турли тилларга чоп этилган биринчи нашрларни тўплай бошлади; дўкон қаршисидаги уйда тушларга ром очилар, у ёққа навбатда турган кишилар баъзида дўконга ҳам киришар ва гўёки ахлатхонадан кўгариб олгандек, китобларни сал ҳадиксираб варақлашарди. Каталониялик олим кўпинча дўкон ортидаги иссиқ хонада, мактаб дафтарида йиртиб олинган варақларга алланарсаларни ёзиб ўтирар эди, нималарни ёзаётганини ҳеч ким аниқ айтиб беролмасди. Аурелиано у билан танишган пайтда чолнинг қўлёмалари нақ икки қутига жо бўларди. Чолнинг қўлёмалари Мелькиадеснинг қўлёмаларига ўхшаб кетарди. Сафари қариган чоғда учинчи қутини ҳам қўлёммага тўлдирди. Чамаси, католониялик олим Макондода яшаган пайтида бирор кун ҳам ёзувдан бўшамаган эди. У бизга маълум тўрттала дўстидан бошқа ҳеч ким билан ошначилик қилмади. Олим ҳали улар мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ варақларини гаровга олиб қолиб, китоб берар ва шу йўсинда уларни Сенека ва Овидийнинг асарларини ўқишга ўргатган эди. Чол классиклар ҳақида бемалол, ҳеч бир ҳайиқмай, гўёки қачонлардир улар билан бир хонада яшагандек гапирар, улар ҳақида биров билмайдиган нарсаларни, масалан, Авлиё Августиннинг жубба остидан жун нимча кийиб юришини ва уни тўрт йил давомида бирор марта ҳам ечмаганини ёки хурофотчи Арнальдо де Вилдано чаён қақиб олгани учун болалигидаёқ жонивори турмайди-ган бўлиб қолганини биларди. Каталониялик олимнинг китобга меҳри чуқур ҳурмат ва дўстона беписандлик қоришмасидан иборатдай туюларди. Бу нарса ҳатто ўз қўлёмаларига бўлган муносабатида ҳам сезиларди. Чолнинг қўлёмасини испан тилига таржима қилиш учун католон тилини махсус ўрганган Альфонсо бир гал анчагина қўлёмани чўнтагига тикди, (унинг чўнтаклари ҳаммиша газетадан қирқиб олинган мақолалар ҳамда ғайриоддий касблар ҳақидаги қўлланмалар билан тўлган бўларди), сўнг уларни фоҳишахонада, очдан ўлмаслик учун танларини сотиб кун кўрувчи қизлар орасида йўқотиб қўйди. Чол воқеани эшитиб, Альфонсо кутганидек шовкин кўтармади, балки кулгидан ўзини зўрға тўхтатиб, айна ҳол адабиёт учун табиий, деб айтди, лекин шу гапни айтса-да, она қишлоғига уч қути қўлёмасини олиб кетишдан эринмади; у қўлёмма тўла қутиларни юкхонага топши-

ришни талаб қилган темирйўл назоратчиларини қачонлардир Карфагенда қўлланган уят сўзлар билан сўкди ва то қутиларни пассажир вагониди қолдиришга рухсат бермагуналарича осойиш топмади. «Одамлар китобларни юк вагонига жойлаб, ўзлари биринчи класс вагонига чиқиб олишган куни қиёмат қўпади», деди у, сўнг то жўнаб кетгунига қадар чурқ этмади. Сафар тайёргарлигига роса бир ҳафта кетди. Жўнаш муҳлати яқинлашгани сари чолнинг қовоғи уюларди, қиладиган юмушини унутиб қўяр, бир жойга қўйган буюмлари эса ҳеч қутилмаганда бошқа ерда пайдо бўларди, гўёки уларни бир вақтлар Фернандага азоб берган ажиналар у ёқдан-бу ёққа кўчириб қўяётгандай эди.

— Collons<sup>1</sup>, — деб сўкинарди у. — Ҳе, Лондон синодининг йигирма еттинчи моддасини ундоғу мундоқ қилай.

Херман билан Аурелиано унга васийлик қила бошлашди. Улар чолга ғамхўрлик кўрсатишарди; чўнтақларига поезд билетю йўлга тааллуқли бошқа ҳужжатларни жойлаштириб, инглиз тўғноғичлари билан қадаб қўйишди, то Макондодан Барселонага етгунича қилиши лозим бўлган юмушлар рўйхатини тузиб беришди. Лекин шунга қарамай, католониялик олим чўнтагига ярим сармоясини солинган чолворини ўзи сезмаган ҳолда ахлатга ташлаб юборди. Жўнаш арафасида, қутиларнинг қопқоғи миҳлангач, кийим-кечаклари у Макондога илк бор кўтариб келган чамадонига жойлашгач, чол таҳқирли бир дуони эслатувчи имо-ишора билан ўзининг чиганокқа ўхшаш қовоғини қисиб қўйди. Қўлларини узок хижронга чидашига ёрдам берган китоблар уюмига қўйиб:

— Бу ахлатни сизларга қолдираман! — деди.

Орадан уч ой ўтгач, чолдан каттакан пакет келди. Пакетда денгиз сафари давомида тўпланиб қолган йигирма тўққизта хат ва элликта сурат ётарди. Гарчи католониялик ой ва кунларни ёзмаган бўлса-да, мактублардан воқеаларнинг қай пайтда содир бўлганини билиб олиш мумкин эди. У илк хатларида саёҳат саргузаштлари ҳақида ўзига хос юмор билан маълумот бериб: қутиларни каютага қўйишга рухсат бермаган назоратчини кемадан улоқтириб юборай, дедим, ўн уч рақамидан ирим туфайли эмас, балки бу рақам тугалланмаган бўлиб туюлгани учун ҳам даҳшатга тушадиган қандайдир аҳмоқ сеньорини учратдим, кемада ғамланган чучук сув Лерида булогидан олинган, дея гаров ўйнадим ва гаровда ютиб чиқдим, деб ёзарди. Аммо кунлар ўтган сайин олимни кема ҳаёти тобора камроқ қизиқтирар, Макондодаги энг сўнгги арзимас воқеаларни ҳам соғинганини ёзар, хуллас, кема узоклашгани сари эса унинг хотиралари ҳам тобора ғамгинлашиб борарди. Соғинчининг кучайиш жараёни фотосуратларда ҳам ўз аксини топган эди. Одатда суви октябрь ойида мавжланадиган Кариб денгизи фонида оқ қўйлак кийиб тушган ва кумушранг сочлари хиёл тўзиган биринчи суратларда ғоят бахтиёр кўринарди. Сўнгиларида эса, қора пальто кийиб, бўйнига шойи шарф боғлаб, кузги океан сувларида адашиб қолган номсиз кема палубасида турар, қарашларидан маъно уқиб бўлмасди. Хреман билан Аурелиано унинг хатларига жавоб ёзишди. Дастлабки ойларда чол шу қадар кўп мак-

<sup>1</sup> Collons — католоня сўкиш.



туб йўллардики, дўстлар унинг Макондодан бутунлай кетганига ишонмай қўйишди. Чол дастлаб, ҳаммаси жойида, уйдаги қизғиш денгиз чиганоғи ханузгача бус-бутун турибди, бир булак ноннинг устига қўйилган селёдканинг таъми ўзгармади, қишлоғидаги булоқларнинг суви ҳалиям муаттар, дея хабар берди. Мактаб дафтаридаги йиртиб олиниб, қингир-қийшиқ ҳарфлар билан тўлдирилган варақлар дўстларнинг олдида тез-тез пайдо бўларди, одада уларнинг ҳар бирига биттадан варақ бағишланар эди. Гуёки соғая бошлаган беморнинг қувончи билан йўғрилган мактублардаги умид учқунлари, секин-аста суна бошлади. Қиш окшомлари, камин ичига қўйилган қозондаги шўрва қайнаётганида, чол китоб дукони ортидаги торгина иссиқ бўлмадини, бодом дарахтининг чанг босган барглари орасидан нур таратувчи чароғон куёшни, пешинги ҳордиқни бузғувчи паровоз сигналини, худди илгари Макондода яшаган пайтларида ўз ватанини, уйдаги каминда шўрва қайнаётган қозончасини, кўчада бақириб-чақириб юрган қаҳвафурушни, баҳорда юртига қисқа фурсатга учиб келадиган тўрғайларни кўмсагандек соғинарди. Гуёки икки кўзгуда бир хил акс этаётган бу икки соғинч ҳиссидан азобланган чол оромини йўқотиб қўйди, унинг азоблари шу даражага бориб етдики, дўстларига Макондодан жўнаб кетишни, олам ҳақида ва инсон қалби хусусида берган барча ўғитларини унутиб юборишни, Горадийга тупуришни маслаҳат берди, улар қаерда бўлишмасин, ўтмиш ёлғон экани ҳамда хотирага қайтишнинг йўли йўқлигини ва энг телба, муқим муҳаббат ҳам аслида бир лаҳзалик ўткинчи ҳодиса эканини ҳеч қачон эсдан чиқармасликни уқтирди.

Чолнинг Макондони ташлаб кетиш ҳақидаги маслаҳатига биринчи бўлиб Альваро амал қилди. У ҳамма нарсасини, ҳатто ҳовлисига занжирлаб қўйган қўрқинчли қоплонини ҳам сотди ва сўнгги беқати йўқ поездга мангу билет харид қилди. Альваро поезд узук-юлуқ тўхтаб ўтган жойлардан йўллаган, ундов белгилари қалаштириб ташланган почта откриткаларида вагон деразасидан кўзга элас-элас кўринган манзараларни тасвирларди. Альваронинг айни, қисқа лаҳза ҳақидаги узун достонида Луизиана плантациясидаги арвоҳсимон негрлар, Кентуккининг яшил ўтлоқларидаги қанотли отлар, Аризона куёшини эмиб юрган грек ошиқ-маъшуклар, Мичиган қўли ёнида сув бўёқда расм чизаётган қизил свитерли қиз тасвирланар эди. Ўша қиз Альварога қўлидаги мўйқаламини силкиди, бу имода виро эмас, балки умид акс этди — бечора қиз унинг ёнидан ўтиб кетаётган поезд ҳеч қачон қайтиб келмаслигидан беҳабар эди. Кейинроқ Альфонсо билан Херман жўнаб кетишди. Улар душанбада қайтиб келиш ниятида шанба куни жўнашди, лекин ўшандан буён дом-дарақлари чиқмади. Католониялик олим жўнаб кетганидан бир йил ўтгач, бу ерда фақат Габриэлнинг ёлғиз ўзи қаловланиб қолди. У жодугарнинг хатарли марҳаматидан фойдаланишни давом эттирарди. Айни замонда француз журналларидан бири ташкил этган, биринчи совринига Париж саёҳати тикилган конкурс саволларига жавоб ёзарди, Аурелиано ҳам журналга обуна эди, анкета саволларига жавоб беришда Габриэлга қўмақлашар, бу юмушни баъзан уйда, кўпинча эса валерианка ҳиди уриб қолган, Габриэлнинг яширин қайлиги Мерседес яшайдиган Макондодаги

яккаю ягона дорихонада, чинни идишлар орасида бажарарди. Шаҳар ўтмишидан нишона бўлиб шу дорихона қолганди, холос. Макондо шу даражада хувиллаб ётардики, конкурсда қолиб чиқиб, икки жуфт ич кийим, ботинка ҳамда Рабленинг тула асарлар тўпламини олиб Парижга жўнаётган Габриэль, поезд ушбу станцияда тўхтамай ўтмасин, деб чўчиди ва машинистга қўлини силташга мажбур бўлди. Турклар кўчаси ташландиқ маконга айланиб қолган эди. Ўлимларини лоқайдлик билан кутаётган энг сўнгги араблар, гарчи газмоллар бир неча йил бурун сотилиб кетган ва ғамгин витриналарда фақатгина бошсиз манекенлар қолган бўлса-да, минг йиллик таомилларига кўра дўконлари олдида ўтиришарди. Ирқий тенгсизлик ва тузланган бодринглар ватани бўлмиш Алабама штатидаги Пратвилл шаҳрида истиқомат қилувчи Патриция Браун балки ўз невараларига ҳикоя қилиб бериши мумкин бўлган банан ширкати ўрнида эндиликда ўт-ўлан қоплаган яйдоқ дала ястаниб ётарди. Падре Анхелнинг ўрнини эгаллаган руҳоний чол (унинг исмини ҳеч ким суриштирмасди ҳам) ҳаддан ташқари кўп гумонсираши туфайли артрит ва уйқусизликка чалинган, гамакда юзтубан ётар, унинг ёнида калтакесаклар билан каламушлар черковга якка ҳукмронлик қилиш учун жанг олиб боришарди. Ҳатто қушлар ҳам тарқ этган, доимий жазирама ҳамда чанг-тўзондан бўғилиб ўлаётган Макондода, чумолилар шовқинидан мижджа қоқиб бўлмайдиган уйда севги ёлғизлиги домига илинган Аурелиано билан Амаранта Урсула ягона бахтиёр одамлар ва ер юзидаги энг бахтли мавжудотлар эди.

Гастон Брюсселга қайтиб келди. У имтиёзли лицензияни немис авиаторлари илиб кетмаслиги учун, чамадонига энг керакли буюмларини ёзишмаларини жойлаб, Макондони тарқ этди. Ўша илк оқшомдан кейин Аурелиано билан Амаранта Урсула ора-сира Гастон уйдан кетган пайтлардагина учрашиб туришар, аммо унинг тўсатдан келиб қолишини ўйлаб, висол дамларида ўзларини тизгинлашга мажбур эдилар. Уйда танҳо ўзлари қолишгач, узоқ тийилган ҳислар гирдобиде телбаларча айланишарди. Бу беўй, ҳалокатли, танларни мудом шай ушлагувчи ва гўрда ётган Фернанданинг суякларини зирқиратувчи ҳислар эди. Амаранта Урсуланинг бакириқларию талвасали қўшиқлари кундузи соат иккида ошхонадан, кечаси соат иккида эса қазноқдан эшитиларди. «Алам қиладигани шуки,— дерди Амаранта Урсула кула-кула,— биз шунча вақтимизни беҳуда утказибмиз.» У чумолилар боғни вайрон қилаётганини, гўё вулқондан оққан лава мисоли галерея бўйлаб олға силжиётганини кўриб турарди, лекин Амаранта Урсула ҳаяжондан гангиб қолган эди. У чумолиларни ётоқларида пайдо бўлгандагина яна қира бошлади. Аурелиано кўлёмаларни ташлаб қўйди. У уйдан деярли чиқмас ва онда-сонда католониялик олимнинг хатларига жавоб ёзарди, холос. Ошиқ-маъшуклар воқелик ҳиссини, вақт ҳақидаги тушунчани йўқотишди, кундалик одатларни тамом унутишди. Эшик ва деразаларни беркитиб, ечиниш учун ортиқча вақт сарфламаслик учун, Гўзал Ремедиос орзу қилган ўша ҳолатда — қип-яланғоч бўлиб ўйни кезишар, дуч келган жойда, ҳатто ҳовли саҳнидаги кўлмакда ҳам бир-бирини таппа босиб қолишарди. Бир куни улар бассейнда илиқишиб, сувга чўкиб кетишларига оз қолди. Қисқа вақт



мобайнида улар уйни чумолилардан ҳам кўпроқ емириб улгуришди: меҳмонхонадаги мебелларни синдиришди, полковник Аурелиано Буэндианинг ўзи ва сон-саноксиз маъшуқаларининг залворига дош берган гамакни тилка-пора қилишди, матрацларни ёриб, увадаларни полга ағдаришди. Гарчанд, Аурелиано шиддат бобида Макондодан жўнаб кетган рақибидан мутлақо қолишмаса-да, бу вайрона жаннатда серкилик ва унча-мунчага тўймайдиган Амаранта Урсула етакчилик қиларди. У гўёки бувисининг бувиси қандолатчиликка сарф қилган барча куч-қувватни ишқу ишратга бахш этгандек эди. Амаранта Урсула олган лаззатидан миёвлаб, янги ўйлаб топган усулларига маҳлиё бўлиб, роса роҳат қилиб кулаётган пайтларда Аурелиано янада ўйчан ва индамас бўлиб қолар, чунки муҳаббати юрак тубида ётар, уни қуйдириб қул қиларди.

Амаранта Урсула ўзига келган пайтлари Гастоннинг хатларига жавоб ёзарди. Гастон унга шу қадар ёт ва узоқ бўлиб туюлардики, Амаранта Урсула эрининг қайтиб келишини тасаввур ҳам қилолмасди. Гастон илк мактубларида, шериклари ҳақиқатан ҳам аэроплан юборишибди, аммо Брюсселдаги денгиз агентлиги адашиб уни танганьикага жўнатибди, у ердагилар эса аэропланни макондолар қабиласига топширишибди, дея хабар қилган эди. Шу ҳол қўшимча ташвиш туғдирар, аэропланни топиш учун яна икки йил кетиши мумкин экан. Бу боис ҳам, Амаранта Урсула, эрим муддатидан илгари қайтиб келади, деган ўйдан воз кечди. Аурелиано ташқи дунё билан католониялик олимдан келиб турган хатлару дорихонанинг индамас бекаси Мерседес дўсти Габриэль ҳақида айтадиган гаплар боғлаб турарди, холос. Олдинига бу реал бир алоқа эди. Габриэль Парижда яшаш ниятида, конкурсда ютган билети ўрнига пул олган, эндиликда эски газеталарни ва Дофина кўчасидаги ғариб меҳмонхона хизматкорлари эшикка чиқариб ташлайдиган шишаларни сотиб кун кўрарди. Аурелиано дўстини қийналмай тасаввур қиларди: Габриэль баланд ёқали свитерда юрар, уни фақат баҳорда, Монпарнас терассалари севишганлар билан тўлиб-тошган пайтдагина ечар, очликни лақиллатиш учун кундузлари ухлар, кечалари эса Рокамадур<sup>1</sup> ўзини ўлдирган, карамшўрва ҳиди босиб кетган хонага биқиниб олиб китоб ёзарди. Аммо Габриэлдан келаётган хабарлар бора-бора туман каби хиралашар, католониялик олимнинг хатлари тобора камаяр ва тобора ғамгин тус олардики, оқибатда Аурелиано Габриэль ва чол тўғрисида Амаранта Урсула эри ҳақида қандай фикрласа, худди ана шундай фикрлай бошлади. Энди севишганлар кимсасиз бир дунёга тушиб қолишдики, бу оламнинг якка ягона ва мангу ҳақиқати муҳаббат эди, холос.

Онгсиз бахтиёрлик қасрида Гастоннинг қайтиб келиши хабари мисоли ўқдай жаранглади. Аурелиано билан Амаранта Урсула кўзларини очишди, қалбларини тинтишди, бир-бирининг кўзига тик боқишди ва тушунишдики, улар аллақачон бир жону бир тан бўлиб қолишган ва айрилиқдан ўлимни афзал кўришар экан. Шунда Амаранта Урсула эрига мазмуни ёлғонга тўла мактуб ёзиб, сени севганим йўқ,

<sup>1</sup> Р о к а м а д у р — аргентиналик ёзувчи Хулио Кортасарнинг «Синфлар ўйини» романи қаҳрамони.

сени ҳамон интизорлик билан кутяпману, лекин эвоҳки, пешонамга Аурелиано билан яшаш ёзилган экан, не қилайки, тақдир измини ўзгартишга ҳолим йўқ, деб айтди. Улар Гастон кескин жавоб ёзади, деб кўрқибди, аммо унинг хати босиқлик ва ғамхўрлик руҳида битилган бўлиб, мактубнинг нақ икки бетида кексалик офатидан сакланиш маслаҳат берилган, охириги қисмида эса, Гастон ҳеч бир иккиюзламачилик қилмай, сизларга ўша мен ўзим қиска муддат тотиб кўргандек оилавий бахт тилайман, деб ёзган эди. Эрининг бу хатти-ҳаракати Амаранта Урсула учун ҳеч қутилмаган бу ҳол эди. У ўз тақдирини эримнинг қўлига топшириш учун ўзим имконият яратдим, деб ўйлади ва ўзини андак таҳқирлангандек ҳис қилди. Орадан ярим йил ўтиб, Гастон, ниҳоят аэропланни олганидан сўнг Леспольдвилдан туриб велосипедни юборишни илтимос қилган (чунки Макондода қолган нарсалари ичида энг азизи шу велосипед эканлиги айтилиб, бошқа ҳеч нарса дейилмаган) мактуб йўллаганидан кейин Амаранта Урсуланинг фиғони кўкка ўрлади. Аурелиано қайғуга чўмган Амаранта Урсулани зўр сабр-тоқат билан юпатар, нафақат бахтиёр чоғларда, балки қулфат маҳали ҳам яхши эр бўла олишини исботлашга уринарди. Гастон қолдирган пул тугаганидан сўнг бошларига тушган турмуш ташвишлари уларни янада яқинлаштирди. Пилар Тернера ўлган вақтида улар фарзанд қутишарди.

Ҳомиладорлик даврида Амаранта Урсула балик суякларидан мунчоқ ясаб сотмоқчи бўлди. Аммо, Габриэлнинг қайлиғи Мерседес сотиб олган ўн икки мунчоқдан бошқа молга харидор чиқмади. Аурелиано ўзининг тил ўрганишга бўлган лаёқати, энциклопедик маълумоти, узок воқеалар ва жойларга тааллуқли нарсаларни, аслида булар ҳақида ҳеч нарса билмасдан туриб, хотирасида саклай олиш қобилияти ниҳоятда кучлилиги хотинининг Макондодаги энг сўнгги яшовчиларнинг ҳамма пулини жамласа тенг келадиган оилавий тақинчоқлари каби бефойда эканини умрида илк бор ҳис этди. Уларни фақат мўъжиза асраб қолди. Амаранта Урсуланинг на қайфияти бузилди ва на кичиғи сусайди. Бироқ у овқатдан сўнг ухламасдан хаёлга чўмган ҳолда галереяда узок ўтиришни одат қилди. Аурелиано унинг ёнида бўларди. Баъзан улар лом-мим демасдан, бир-бирининг кўзига термулганча, кечгача ўтириб дам олишарди. Келажакка ишончсизлик уларнинг қалбларини ўтмишга ўгирди. Улар ўзларини чексиз ёмғирлардан иборат бўлган ўша йўқотилган жаннатда юргандек ҳис этишди: ҳовли саҳнида қўлмак кечганларини, калтакесакларни ўлдириб Урсуланинг кийимларига осганларию ўзларини кампирни тириклай кўмиш ўйинини ўйнаганларини, хуллас, бетиним ёмғир остида ўтган болалик дамларини гўёки жаннатни эслагандай эслашарди. Хотиралар ҳақиқатни ойдинлаштиргандай бўлар, улар ақлларини танишганидан бери иккиси бирга бўлган дамлардагина ростакам бахт туйганларига амин бўлишарди. Амаранта Урсула, бир гал заргарлик устахонасига кирганию онаси унга кичик Аурелиано бегонанинг фарзанди, уни дарёда оқиб келган саватдан топиб олдим, деб айтган оқшомни ёдига келтирди. Айни хотираю изоҳлар унчалик ишонтирмаси-да, уларнинг қўлида бошқа ҳаққонийроқ маълумот йўқ эди. Ҳамма далилларни текшириб бўлишгач, Фернанда Аурелианонинг онаси бўла олмаслигига



ишонч ҳосил қилишди. Амаранта Урсула Аурелиано Петра Кочеснинг ўғли бўлиши мумкин, деган хаёлга борди, аммо у отасининг ўйнаши ҳақида шу қадар ёмон гапларни эшитган эдики, ушбу фараз уларнинг икковида ҳам кучли нафрат уйғотди.

Аурелиано хотинига ука бўлиши эҳтимолидан виждони қийналиб, моғор босган, куя еб ташлаган архив ҳужжатлари орасидан бирор маълумот топиш умидида падренинг уйига борди. У эски ҳужжатларни кўриб, падре Никанор Рейна томонидан ўсмирлик пайтида чўқинтирилган Амаранта Буэндианинг исмини топди. Тўрт жилдлик ёзувларини қараб, турли пайтларда чўқинтирилган ўн етти Аурелианоларга дуч келди. Кўнглида, ўзим ҳам ўшалардан бири бўлсам ажабмас, деган умид ялт этди, аммо адашлари чўқинтирилган йиллар унинг ёшига мутлако тўғри келмасди. Аурелиано аждодларини ахтараётган маҳал ўз гамагида кузатиб ётган руҳоний ундан номини сўради.

— Мен Аурелиано Буэндиаман,— жавоб берди йигит.

— Ундай бўлса ўзингни беҳудага қийнама,— деди ишонч билан руҳоний.— Анча йиллар илгари бу ерда шунақа бир кўча бўларди, ўшанда кўпчилик ўз фарзандларига кўчанинг номини кўярди.

Аурелиано ғазабдан титраб кетди.

— Нима? — деди у.— Демак, сиз ҳам ишонмас экансиз-да?

— Нимага?

— Полковник Аурелиано Буэндианинг ўттиз икки марта граждан уруши очгани ва ҳаммасида бой бергани фактига,— дея жавоб қайтарди Аурелиано.— Ҳарбийлар уч минг ишчини куршаб, сўнгра отиб ташлагани, сўнг денгизга улоқтириб юбориш учун ўликларни икки юзта вагон тиркалган поездда олиб кетишганига ишонмайсизми ҳали?

Руҳоний унга ачиниbroк каради.

— Эҳ, ўғлим,— деб хўрсинди у.— Менга ҳозир икковимизнинг тирик эканимизга ишонишнинг ўзи ҳам кифоя.

Шундай қилиб, Аурелиано билан Амаранта Урсула сават ҳақидаги уйдирмани, унинг ростлигига ишонганларидан эмас, балки бу уйдирма уларни виждон азобидан халос этиши мумкинлиги учун қабул қилишди. Амаранта Урсуланинг ой-куни яқинлашгани сайин, улар тобора иноқлашиб боришар, кулаб тушиши учун шамолнинг биргина ҳамласи кифоя бўлган бу уйдаги ёлғизликка тобора кўникишарди. Энди улар уйнинг кичик бир бўлагида Фернанданинг ётоғидан ва галереянинг Амаранта Урсула бўлажак фарзандига қалпоқча тикиб, Аурелиано эса гоҳида католониялик олимга хат ёзиб ўтирадиган қисмидан нарига чиқишмасди ҳисоб. Уйнинг қолган қисмлари — заргарлик устахонаси, Мелькиадеснинг хонаси, Санта София де ла Пьедаднинг бўлмасини чирмовуқ босиб кетди, энди калин тўқайзорни эслатувчи бу хоналарга киришга биров журъат қилолмасди. Очкўз табиат қуршовида қолган Аурелиано билан Амаранта Урсула чумоли ва чирмовиқлар ҳужумини даф этиш учун сўнмаган оҳаддан чегара чизиғи тортган эдилар. Амаранта Урсуланинг тарок кўрмаган сочлари пахмоқ бўлиб кетган, оёқлари шишган, юзларига доғ тушиб, қаддибасти хунуклашиб қолса-да, у ҳамон руҳан тетик эди. «Жин урсин! — деб куларди у.— Бизнинг бора-бора ростдан ҳам одамхўрлардек ҳаёт кечиримиз кимнинг хаёлига келибди дейсан!» Уларнинг ташқи

дунё билан алоқаси ҳомиладорликнинг олтинчи ойида олинган хатдан сўнг батамом узилди. Хатни каталониялик олим ёзмаган эди. Гарчи, у Барселонадан юборилган эса-да, конвертдаги адрес одатда расмий номлар битишга ишлатиладиган кўк сиёҳ ва хуснихатда ёзилган эди. Кўринишдан жўн, мазмуни номаълум хат душман томонидан жўнатиладиган совғани эслатарди. Амаранта Урсула конвертни очишга шайланганида, Аурелиано мактубни унинг қўлидан тортиб олди.

— Кўй, ўқимайлик,— деди у.— Хатда нима ёзилганини билишни ҳам истамайман.

Хуллас, каталониялик олимдан бошқа хабар келмади. Бегона одамлар ёзган ва ҳеч ким ўқимаган хат эса, Фернанда қачонлардир ўзининг никоҳ узугини эсдан чиқариб қолдирган тоқчада куяларга ем бўлиб ётар ва ўзига жо этилган нохуш хабар алангасидан куйиб кулга айланарди; бу аснода таркидунё этган икки ошиқ ўзларини умидсизлик ва унут дунёсига алдаб киритишга уринаётган машъум оқимга қарши сузишарди. Фалокат муқаррарлигини сезишган Аурелиано ва Амаранта Урсула сўнгги ойларда бир-бирининг қўлидан маҳкам тутиб, телба эхтирослар туфайли орттирилган пуштларини меҳр билан авайлашарди. Кечаси, каравотда кучишиб ётганларида, на ойдинда шовкин-сурон солишаётган чумолилардан, на куяларнинг питирлашидан, на қўшни хонадаги бургаларнинг тобора кучайиб бораётган бетиним хўштақларидан қўрқишарди. Амаранта Урсула билан Аурелиано тез-тез арвоҳлар тўполони уйғотиб юборарди. Улар Урсуланинг ўз авлодини асраш учун яратувчи билан жанг қилаётгани, Хосе Аркадио Буэндиа буюк ихтироларнинг бесамар ҳақиқатни ахтараётганини, Фернанданинг дуо ўқишини, умидсиз, урушлар, тилла баликчалар полковник Аурелиано Буэндиани ҳайвон ҳолига солаётганини, шўх базмлар айни авжига чиққан пайтда Аурелиано Иккинчининг ёлғизликда ўлаётганини қўришарди; ниҳоят, улар елимдек ёпишқоқ гоаяларгина ўлимга бўйин бермаслигини тушунишди, ҳозир ҳашаротлар одамлардан тортиб олаётган бу кичик ва ғариб жаннатни бошқа бир тур мавжудотлар тортиб олишидан кейин ҳам бир-бирларини севаберишларига амин бўлишди ва яна кўнглиларида саодат барқ ура бошлаганини туйишди.

Якшанба кунларининг бирида, кеч соат олтида Амаранта Урсулани тўлғоқ тута бошлади. Очликдан танларини сотиб кун кўрувчи кизларни даволаб юрувчи доя хотин жилмайиб туриб, уни овқат столига ётқизди, ўзи аёлнинг қорнига ўтириб олиб, то Амаранта Урсуланинг фарёдини чакалоқ йиғиси босиб кетмагунча, бечора аёлнинг устида чайқалаверди. Амаранта Урсула кўзёш пардаси орасидан фарзанди ҳақиқий Буэндиа эканини — Хосе Аркадиолар каби йўғон, чайир ва қайсар, Аурелианолар каби кўзлари очик, тийрак эканини кўрди ва умид қилдики, у Буэндиалар уруғини қайта тиклайди, уларни ажалга гирифтор этгучи иллатлару ёлғизликка мойилликдан асраб қолади. Негаки юз йил давомида туғилган Буэндиалар орасида фақат шу чакалоқгина ҳақиқий севги меваси бўлиб дунёга келган эди.

— Одамхўрнинг ўзгинаси,— деди Амаранта Урсула,— унга Родрига деб исм қўямиз.

— Йўқ,— деб эътироз билдирди эри.— Биз уни Аурелиано деб атаймиз, насиб этса, у ўттиз икки урушда ҳам голиб чиқади.



Доя чақалокнинг киндигини кесиб, баданидаги аллақандай кўкиш доғларни латта билан арта бошлади. Аурелиано чироқ кўтариб турди. Улар болани юзтубан ётқизиб, ҳалигача сезилмаган белгини кўриб қолишди. Боланинг кетида чўчка думчаси бор эди.

Лекин улар саросимага тушмадилар. Чунки Аурелиано билан Амаранта Урсуланинг Буэндиалар авлодида илгари ана шундай воқеа содир бўлганини билишмас, Урсуланинг даҳшатли оғоҳларини ёдидан чиқаришган, бунинг устига доя хотин уларга, бу думни боланинг сут тишлари тушганда кесиб ташласа ҳам бўлар, дея тасалли берди. Кейин эса бу ҳақда ўйлашларига вақтлари қолмади, чунки Амаранта Урсуланинг ичидан қон кета бошлади. Қонни тўхтатишнинг ҳеч бир иложи бўлмади. Ўргимчак уяси ва кул босишлар ҳам худди фавворани кўл билан ёпиб бўлмаганидек бефойда эди.

Амаранта Урсула дастлаб ўзини дадил тутишга уринди. Аурелианонинг кўлидан тутганича, ундан асло кўркмасликни илтижо қилар, ахир менга ўхшаганлар ўз ихтиёрисиз улиш учун туғилмайди, деб айтар, доя аёлнинг саросимасини кўриб, қотиб-қотиб куларди. Аурелианонинг умиди пучга чиққан сари, Амаранта Урсула тобора қорайиб борар, гўёки уни ички нур тарк этарди. Ниҳоят, у оғир уйқуга чўмди.

Душанба куни сахармардонда уйга Амаранта Урсуланинг тушаги ёнида дуо ўқиш учун аллақандай аёлни бошлаб келишди. Аёлнинг дуолари қон оқишини шу заҳотиёқ тўхтатарди. Лекин Амаранта Урсуланинг қайноқ қони муҳаббатдан ўзга афсунга бефарқ эди. Кечқурун, роса йигирма тўрт соатлик азоблардан кейин, Амаранта Урсуланинг ўлиб ётганини кўришди; аёлнинг ёноклари бўртиб чиққан, азоб асорати юзидаги оқиш ёғдудан йўқолиб кетган, лабида яна табассум пайдо бўлган эди.

Аурелиано шундагина дўстларини қанчалар қаттиқ севишини, уларнинг ёрдамига қанчалар муҳтож эканини сезди. У чақалокни марҳума тайёрлаб кўйган саватга жойлади, мурданинг устига аёл ёнди ва ўтмишга элтувчи сўқмоқ топиш ниятида, ҳувиллаб қолган шаҳар бўйлаб тентирай бошлади. Ўзи кўпдан бери қадам босмаган дорихона эшигини қокди, лекин у ерда дурадгорлик устахонаси борлигини кўрди. Қўлида чироқ тутган нотаниш кампир унга, бу ерда ҳеч қачон дорихона бўлмаган, бу ерда хушқад, кўзлари ғамгин, Мерседес исмли аёлни умрим бино бўлиб кўрганим йўқ, деб жавоб қайтарди.

Аурелиано пешонасини католониялик олимнинг собиқ китоб дўқони эшигига урганча йиғларкан, сеvgи сеҳрига путур етказмасликни ўйлаб ўз вақтида аза очмаган ўша ўлимга мана энди, анча кечикиб бўлса-да, мотам тутаётганини сезди. Кўлбуқалар изғиб ҳовлида айшират сураётган пайтлари нарвозини доимо болаларча қизиққонлик билан кузатган осмонда ўша кизғиш халқалар учиб юришига ҳам эътибор бермасдан, «Олтин бола» деб аталмиш исловатхона деворларини муштлаганча, Пилар Тернерани чорлади. Фоҳишалар кўчасининг омон қолган энг сўнгги салоида аккордеончилар ансамбли епископнинг жияни ва Франсиско Одам сирларининг вориси бўлмиш Рафаэль Эскалона кўшиқларини ижро этарди. Ўз онасини ургани учун қўли қуриб қолган салон хўжайини Аурелианога озгина ичишни таклиф

қилди. Шишани бўшатгач, Аурелиано ҳам бир шиша ичимлик кўйди. Салон хўжайини унга, онамни урган кўлим қуриб қолди, деб ҳикоя қилди. Аурелиано бўлса, ўз опамни яхши кўрганим боис, юрагим куйиб кул бўлди, деб сўзлади. Икковининг ҳам кўзлари ёшга тўлди. Аурелиано азобли оғрик бир лаҳзага дилини тарк этганини пайкади. Аммо Макондо тарихидаги энг сўнгги тонг шафағи остида ёлғиз қолгач, шаҳар майдонинидаги ўртасига чиқиб, кўлларини ёзди-да, худди бутун дунёни уйғотиб юборишга шайланаётгандай, юрак-юрагидан чиқариб қичқирди:


— Дўстлар дўст эмас, қанжиқнинг тукқанларидир!

Жодугар уни кўз ёнию сафро кўлмагидан тортиб чиқарди. Хонасига бошлаб келди, кийим-бошини тозаллади-да, бир коса бульон ичирди. Унга таскин бериш учун Аурелианонинг деворга ёзилган қарзларини кўмир билан ўчирди ва у ёлғизликдан йиғламаслик учун атай ўзининг энг қайғули кунларини хотирлашга тушди. Эрталаб, қиска ва оғир уйқудан кейин Аурелиано ўзига келди. У дастлаб боши қаттиқ оғриётганини сизди, сўнг кўзини очдию боласини эслади.

Чақалоқ саватда кўринмасди. Бирдан Аурелианонинг юрагини қувонч қоплади — Амаранта Урсула ўғлига қараш учун тирилган бўлса-я, деб ўйлади. Аммо у адёл остида тошдек қотиб ётарди. Аурелиано уйга кириб келган маҳали ётоқхона эшиги очик турганини эслади. Гулларнинг тонгги нафасига тўла галереядан ўтиб ҳанузгача туғруқ аломатлари турган ошхонага кирди: у ерда катта қозон, қонга беланган чойшаб, сўхта солинган сопол идишлар, қайчи ва чақалоқнинг буралиб қолган киндиги ётарди. Доя хотин кечаси келиб болани олиб кетгандир, деб ўйлади. Айни ўй андак таскин берди. Амаранта Урсула чақалоғи учун кийим-бош тикиб ўтирадиган тебранма курсига чўкди, қалбини босиб келаётган улкан ўтнинг оғирлигига бардош беролмаслигини англаб етди. Ўзи ва ўзгалар мусибатнинг заҳарли найзаси яралаган Аурелиано ўлик атиргулларни ўраб олган ўргимчак инларига, ҳар ёндан ўжарлик билан униб чиқаётган бегона ўтларга, февраль ойининг соф ва осуда тонгига ҳайратланиб боқди. Ва у дафъатан чақалоқни кўриб қолди. Қуриб-қақшаб қолган вужудни гўёки бутун дунёдан тўпланган чумолилар парча-парча қилиб, боғнинг тош тўшалган йўлкасидан ўз инларига судраб борарди. Аурелиано қотиб қолди. Таажжуб ёки қўрқувдан эмас, балки айни шу лаҳзада Мелькиадес қўлёмалари сирига калит топганидан қотиб қолди. Қўлёмалар эпиграфи яққол кўз олдига келди: «Авлоднинг биринчи вакилини дарахтга боғлаб қўйишади, авлоднинг сўнггисини чумолиллар еб битиради».

Аурелиано ҳаётида ҳеч қачон айни дақиқадаги каби оқилона ҳаракат қилмаган эди. У ўлиқлар ва азани эсдан чиқарди, дунё ташвишлари ҳалақит бермаслиги учун, барча эшигу деразаларни миҳлаб чиқди. Энди у Мелькиадеснинг қўлёмаларида ўз тақдири ҳам ёзилганини биларди. Нодир қадимий ўсимликлар, қўлмақлар ҳовури ва хонадаги одамзот изларини йўқотган қандайдир нурли ҳашаротлар қуршовидаги ётган қўлёмалар бус-бутун эди. Аурелиано бетоқат бўлиб, қўлёмаларни ёруққа ҳам олиб чиқмай, шу ернинг ўзиде, тик турганча, овозини чиқариб ўқий бошлади. Аурелиано, гўёки қоғозлар испан









тилида ёзилгандек, ҳеч бир қийналмай ўқирди. Бу — Буэндиалар оиласининг Мелькиадес томонидан битилган тарихи бўлиб, бугунги кун роса юз йил олдин башорат қилинган эди. Лўли уларни ўз она тили санскритда ёзган бўлиб, ундаги жуфт шеърлар император Августнинг, тоқлари эса лакедемонияликларнинг ҳарбий шифрлари билан тилсимланган эди. Ўзининг Амаранта Урсулага бўлган муҳаббатини ўқиб уялиб кетган маҳали Аурелианонинг Мелькиадеснинг сўнгги огоҳлантириш сирини оча бошлаганининг сабаби шунда эдики, чол воқеаларни одатдагидек вақт-бевақт қилиб эмас, балки барча кундалик лавҳаларни бир асрга шу тарзда жамлагандики, гўё уларнинг ҳаммаси бир лаҳзада содир бўлгандек туюларди. Ўз ихтиросига маҳлиё бўлган Аурелиано Мелькиадес қачонлардир Аркадиога ўқиб беришга уринган «музикага солинган энциклика»ларни овоз чиқариб ўқий бошлади. Аслида бу Аркадионинг отилиши ҳақидаги башорат эди; сўнгра Аурелиано осмони фалакка парвоз этадиган дунёдаги энг гўзал аёл ҳақида, оталари ўлимдан сўнг эгизак болалар туғилиши ва эгизаклар лаёқатсизлик ёки дангасалик сабабли эмас, балки бемаврид тугилганлари учун ҳам қўлёмаларни ўқий олмасликлари ҳақида билиб олди. Аурелиано шу ерга етганида, ўзининг қисматини тезроқ билишни истаб, бир неча варақни қолдириб кетди. Шу лаҳзада шамол эса бошлади. Ўтмишга мансуб товушлар — кекса теракларнинг ғижирлаши ва умидсизлик ноласи билан йўғрилган бу шамол ҳали анча суст эди. Аурелиано уни деярли сезмади, чунки ўша дақиқаларда ўзига бахт беролмайдиган гўзал аёлни қидириш мақсадида сароб саҳросида тентираган шахватпараст бобосини учратиб қолган эди. Аурелиано уни таниди. У шажаранинг сирли сўкмоқлари бўйлаб юраркан, ўзи бунёд бўлган жойга дуч келди: чаёнлар ва капалаклар тўлиб-тошган нимқоронғи мўрчада қандайдир бир ишчи чиройли аёл билан яқинлик қилган эди. Аурелиано ўқишга шунчалар берилиб кетдики, бўроннинг иккинчи ҳамласини ҳам пайқамади. Қоплондек шиддатли бўрон деразаю ўшиқларни ошиқ-мошиқларидан кўчирди, галереянинг шарк томонидаги тошни учириб, пойдеворни бузиб ташлади. Бу вақтда Аурелиано Амаранта Урсула ўзига опа эмас, балки хола эканини, чўчка думли махлук туғадиган кишиларнинг бегона қонлари ичра бир-бирини қидириб топиши учун Риоачани Фрэнсис Дрейк ишғол этганини билди. Аурелиано ўзига маълум бўлган воқеаларга вақт сарфлаб ўтирмасдан, яна ўн бир варақни ташлаб, бугунги кунлар битилган байтларнинг тилсимини оча бошлади. Унинг тақдири шу қадар ойдин башорат этилган эдики, Аурелиано гўёки гапирувчи кўзгу олдида тургандай эди. Макондо қиёмат янглиғ даҳшатли бўрон гирдобига тушиб қолди. У қазо муҳлати ва сабабини билиш ниятида яна бир неча варақни ташлаб ўтди. Аммо ҳали сўнгги шеърга етмасдан, ўзига шу хонадан чиқиш насиб этмаслигини тушунди. Қўлёмалар башорат қилардики, Аурелиано Бабилонья уларни ўқиб чиққан захотиёк, бўрон бу ғариб шаҳарни ер юзидан супуриб ташлайди, унинг номини одамлар хотирасидан батамом ўчиради, баён этилмиш воқеалар эса бошқа такрорланмайди, чунки ёлғизликнинг юз йилига маҳкум этилган одамлар авлоди ер юзида қайта пайдо бўлмайди.

## ОШКОРА ҚОТИЛЛИК ҚИССАСИ

...Кўп йиллар мобайнида биз фақат ўша воқеа хусусида гапириб юрдик. Ўша машъум кунгача ҳарбиримиз ўзимизча яшаб, пешонамиздагини кўриб келаётгандик, ҳамманинг кўнглига ғулғула солган у ҳодиса эса фикру зикримизни ўз комига тортди, гўё ҳар ёқда сочилиб оқаётган умримиз ирмоқчалари кутилмаганда ўша воқеа гирдобига қуйилди... Омманинг оғзида шу гап, аммо бирор инсон зотининг дилида сирни очиб, қурбонни суиқасддан огоҳлантириш истаги йўқ эди, инчунун, ҳеч бир киши фалокат рўй бергач, унга нечоғли алоқадор бўлмоғи ва кейин тақдири қандай кечажаги бобида бирор аниқ фикрга эга эмасди.



Такабурлик билан ҳам меҳр-муҳаббат  
қозониш мумкин.

*Жил Висенти*<sup>1</sup>

Ўша қотиллик юз берган куни Сантьяго Насар, тонгги кемада келаётган епископ ҳазратга пешвоз чиқиш ниятида, эрталабки соат беш яримда уйғонди. Уйғонишидан аввал туш кўрди: анжирзордан ўтиб бораётганмиш, севалаб оҳиста ёмғир ёғаётганмиш, мана шундай хушсаодат рўё муддатида у бирмунча ўзини бахтиёр ҳис қилди, аммо кўзини очиб, бошига беҳосдан куш ахлати сочилгандай, таъби тиррик бўлди. Орадан йигирма етти йил ўтгач, унинг онаси Пласида Линеро ўша машъум ва мусибатли душанбани батафсил хотирларкан: «У тушида кўпинча дарахтларни кўрарди», деди менга. «Ўлимидан бир ҳафта олдин ҳам туш кўрганми, айтишича, якка ўзи кўрғошин қоғоздан ясалган самолётда учганмиш, учоқ бодомзорлар аро парвоз қилармишу қанотлари бирортаям дарахтга урилмасмиш», қўшиб қўйди у яна. Пласида Линеро ўзгалар тушига дарров таъбир айтгувчи, муаббирликда устаси фаранг аёл эди, лекин у ўз ўғлининг қандайдир дарахтларга боғлиқ тушларида ҳам, ўлдирилган куни ва ундан бир ҳафта аввал кўрган тушида ҳам ҳеч бир ёмон аломатни сезмаганди.

Сантьяго Насарнинг ўзиям фалокат белгисини туймаганди. У асли камуйку, кийимларини ечмай ётар эди, ёмон ухларди; эрталаб боши оғриб турарди, ичида ит ўлгандай оғзидан бирам қўланса ҳид келар эдики, кўнгли айниб, тўйда ярим кечагача ичишнинг жазоси шу-да, дея ўзини койиб кўярди. Унинг эрталаб олтидан беш дақиқа ўтганда уйдан чиққанини ва роса бир соат кейин чўчкадай чавақлаб ташлагунигача кўрган барча кишиларнинг эслашича, у ўшанда, юз-кўзидан ҳали уйқуси ўчмаган эса-да, вақти чоғ одимлаб бораркан, дуч келганларга бугунги кун очик бўлади, дея таъкидлайверган. Бироқ шоҳидларнинг бирортаси ҳам бу гапнинг об-ҳавога нечоғли алоқадорлигини аниқ, беиштибоҳ айтиб беролмади. Уларнинг баъзиси, қуёшли кун эди, денгиз тарафдаги бананзорлардан энгил шабада эсаётганди, дейишса, баъзилари аксинча осмон тунд, паст, қоронғи, расво кун эди, ҳаводан ачиган сув ҳиди анқирди, бахтсизлик рўй берган маҳалда эса, аини Сантьяго Насар тушида кўрган ёмғирга ўхшаб майдалаб ёмғир ёғарди, деб тасдиқлашди.

Мен ҳам ўша куни тўйда тонготар маишатбозлик қилиб, масту мустағрик бўлиб, ишқу ишрат илоҳаси Мария Алехандрина Сервантес хонадонида кўзим илинган экан, басма-басига чалинган жом садо-

<sup>1</sup> Жил Висенти — тахминан 1470—1536 йилларда яшаган португалиялик атоқли драманавис ва ҳажвчи шоир.

ларидан уйғонарканман, бу маҳобатли садолар епископ ҳазрат шарафига янграяпти, дея ўйладим.

Сантьяго Насар ўша куни саҳарда оқ сурпдан тикилган байрамлик шимини кийди, кўйлагини эгнига илди, бу либослар ҳам кеча тўйга кийган уст-боши каби оҳорланмаган эди. Илло, епископ ҳазратнинг ташрифни бўлмаганда, у одатдагидай ҳақи гули рангидаги кўйлак-шимини, суворий этигини киярди. У ҳар душанбада, шундай киёфада Дивано Ростро — Тангри талъат маконидаги отамерос кўрғонига жўнарди. Кўрғонда отасидан қолган молхона бор эди, бу мулкдан айтарли фойда кўрмаса-да, Сантьяго Насар мол-ҳолига яхши қарарди. Тоғдаги яйловга борса, «магнум — 357» тўппончасини белига қис-тириб оларди, ўзининг айтишича, агар тўппончанинг оғир пўлат ўки отга тегса, миясининг қатиғини чиқариб юборарди. Каклик ови мавсумида у лочинотар милтиғини ҳам олиб юарди. Бундан ташқари, жавонида «малинхер-шёнәуэр — 30.06», «холланд-магнум-300», «хорнет — 22» каби нишондори кўшдурбинли бешотарлари, кўпўкли «винчестер»и сақланарди. У, отасига ўхшаб, ёстиғи остига тўппончасини кўйиб ухларди; ўша куни, уйдан чиқишдан аввал, тўппончадан ўқларни суғуриб олиб, қуролни каравоти ёнидаги жавончага ташлаб кўйган. Онаси менга: «У қуролини ҳеч маҳал ўқланганча қолдирмасди», деди. Мен буни билардим. Шу билан бирга унинг тўппончани алоҳида бир жойида, ўқларни бошқа ерда асраши, бирор фалокат босмасин, дея шундай қилиши ҳам менга аён эди. Бу оқилона тадбир ҳам унга отамерос эди: бир куни хизматкор хотини ўринни йиғаётиб, ёстикни кўтарганда, тўппонча пастга тушиб, ерга тегиши биланок варанглаб отилиб кетган, ўқ хонадаги кийим-кечак жавонини торс ёриб, деворни тешиб ўтган-да, чийиллаганича қўшинининг ошхонаси оша бориб черков майдонидаги сармехробда турган одам бўйи келадиган авлиёнинг бўрдан ясалган ҳайкалига теккан ва чангини чиқариб юборган. Сантьяго Насар ҳали у замонлар ёш бола эди, аммо мана шу воқеа унга катта сабоқ бўлган.

Онасининг эслашича, ўғли ўша куни унинг ётоғидан шюшиб ваннахонага ўтган ва ана шу ҳолат волида ёдида сўнгги хотира каби муҳрланиб қолган. У ваннахонадаги дориқутичадан бошоғриқ дори қидириб пайпасланаркан, шарпадан онаси уйғониб кетган. У чирокни ёқаркан, бир қўлида сувли стакан тутиб, дори ичмоққа тараддуланиб, эшик ёнида турган ўғлини кўрган — бу ҳолатни онаизор бир умр сўзлаб-бўзлаб юрди. Худди ана ўшанда Сантьяго Насар унга кўрган тушини айтган, бироқ онаси дарахтлар хусусидаги иборага эътибор бермаган.

— Тушда қушларни кўрсанг, бу фақат яхшилик аломатидир, — дея таъкидлади у менга ҳам.

Мен Сантьяго Насар фожеаси ва унга боғлиқ синиқ хотиротнинг чил-чил парчаларини топиб, қайтадан бутлаш-нятида яна ўша матлуб ва унут гўшага келганимда, Пласида Линеро анча қариб, умр шами пирпираб қолган, жигарбандини сўнг бор кўрган турбеланчакда оҳиста тебраниб ётар эди. У куппа-кундузи ҳам одамзот киёфасини элас-элас илғарди; энсасига доривор гиёҳ барглари хўллаб ёпиштирилганди — ўғлини охирги бор кўрганига оид мусибатли хотира боши-



ни муттасил огрийдиган қилиб қўйганди. Аёл тўрбеланчак бошидаги аркон туткични ушлаганича ёнбошлаб ётарди, шарпамни сезган заҳоти ўрнидан қимирлаб, турмоққа уринди; нимқоронғи хонадан чақалоқ чўқинтириладиган жомда қолган оқава сув ҳиди анқирди, бу бадбўй ўша қотиллик рўй берган куни тонгда ҳам менга қаттиқ таъсир қилганди.

Мени остонада кўргани ҳамон аёл Саньягони ёдга олди. «Болагинам худди шу жойда, шундай ҳолатда турганди ўшанда,— деди.— Эгнига ювилган, аммо оҳорланмаган оқ сурп костюм кийганди, териси нозик эди, оҳорланган либосни хуш кўрмасди». Аёл занжабил дорисини шимиганча, хаёлхонасига кириб келган ўғлининг кетиб қолишини истамагандай, тўрбеланчакда узок муддат ўй суриб ўтирди. Кейин дилтанг хўрсиниб: «У ҳаётимнинг ёлғиз шамчироғи, бирдан-бир таянчим эди», деди.

Сантьяго Насар онасининг ёдида азобу бахтсизлик суврати каби сақланиб қолганини тасаввур этдим. Январнинг охириги ҳафтасида йигирма бирга тўлган бу хушқад, бир оз рангпар, қош-қовоғию жингалак сочлари айни арабий йигит қўйиб қўйгандай отасига ўхшар эди. Ёлғиз ўғил Сантьяго Насарнинг ота-онаси молиявий ҳисоб-китоб ришталарини мустаҳкамлаш ниятида турмуш қуришган, бу ёруғ дунёда бадбахтлик ва қорибад соясидан бошлари чиқмаган кимсалар эди; бироқ бошида отаси борлигидан ғурурланар, ўзини хушбахт санарди. Отаси уч йил аввал тўсатдан қазо қилган ва онаси билан сўппайиб қолгач ҳам машъум рўзи душанбада ўлдирилгунга қадар ҳам у саодат нашидасини суриб юрган эди. Онасининг нозикфаҳмлиги унга ҳам юққанди; отаси эса, унга болалигиданоқ милтиқ отишни, чавандозликни, шикор қушлари билан ов қилишни, энг муҳими, мардлик ва жасурликни ўргатганди. Ота-бола ўзларича араб тилида сўзлашишар, Пласида Линеро ёнларида турганда суҳбатдан у ҳам бебаҳра қолмасин дея испанчада гаплашар эдилар. Бу атрофда уларнинг қурол кўтариб юрганини фақат бир гал лочин билан овланган қушларни оломонга қўз-қўзлаш учун хайрия бозорига олиб келишганини айтмаса бирон жонзот кўрмаган. Отасининг ўлими Сантьяго Насарнинг ўрта мактабни тугатиб, ўқишни давом эттиришига йўл қўймади ва қўрғондаги мол-ҳолга қарашга мажбур бўлди. У табиатан кўнгли очик, қувнок, хушфезъл йигит эди.

Ўша машъум кун онаси ўғлининг бошдан-оёқ оппоқ кийинганини кўриб, бугун душанбамас-ку, болагинам кунни адаштирибди-да, деб ўйлаган. «Бугун душанба эмас, деб эслатдим ҳам», деди менга. Шунда у байрамлик либосларини епископ ташрифи муносабати билан кийганини, худо хоҳласа, ҳазратга юқуниб, узугини ўпишга муяссар бўлиш эҳтимоли борлигини айтган. Бу гап онасининг ғашига тегиб: — У кемадан пастга тушмайди, овора бўлма,— деган она ўғлига,— ҳамишагидай, кема саҳнида турган кўйи сомеларни дуо қилади-да, яна келган жойига жўнаб кетади. У зот шаҳримизни ёмон кўради.

Сантьяго Насар онасининг гапи тўғрилигини биларди, аммо черковнинг тантанали маросими, оломоннинг шов-шувли тараддуди ақлу ҳушини ўғирлаб қўйганди. «Худди кинодагига ўхшайди», деган эди

у менга ўшанда. Епископнинг ташрифи ҳам, халойиқнинг оммавий ибодати ҳам онани қизиқтирмас, фақат ўғлининг эрталаб юпун кийиниб кўчага чиққанию шамоллаб қолишидан чўчирди: ўғли кечаси ухлаб ётганда акса ургандай туюлганди унга. Болам, соябонингни ол, деганда ҳам бепарво қўл силтаб, хонадан чиқиб кетаверганди. Ўғлини ўшанда сўнги бор кўриб туриши эди.

Ошпаз хотин Виктория Гусманнинг тасдиқлашича, ўша куниям, бутун февраль ойидаям ёмғир ёғмаган. «Аксинча бўлганди,— деди у бир гал, ўлиמידан сал аввал йўқлаб борганимда,— эрта тонгдаюқ куёш қиздирар, кунлар худди августдагидай иссиқ эди». Сантьяго Насар ошхонага кирганда, у тушликка пиширгани учта куённинг гўшгини нимталар, атрофида очофат итлар сўлагини оқизганча айланшар эди. «Эрталаблари унинг афти тунда кўз юммаган кишининг юзидай хоргин бўларди», эслади Виктория Гусман йигитга ҳамон нафрати борлигини яширмасдан. Унинг кизи Дивина Флор — Жаннат Гули, энди-энди очила бошлаган гулгунчадай қиз — шакарсиз қаҳвага ром кўшиб, банддор пиёлада Сантьяго Насарга узатди. Одатда у ҳар душанбада бу ишни такрорлар, ромли қаҳва йигитнинг кечаги ичкиликвозликдан бўшашиб, кучсизланган жисму жонига мадор бағишлар эди. Ошхонадаги катта ўчоқда аланга чирсиллаб-шивирлар, баланд кўноқда товуқлар ҳамон мудрашар, қисқаси, одатий сирли ҳаёт давом этарди. Сантьяго Насар яна бир дона бошоғриқ дорини ютиб, қаҳвани майдалаб ичаркан, ўй сурган кўйи, тоштахтада куённинг ичакчавагини тозалаётган иккита жопондан кўз узмай ўтирарди. Виктория Гусман, ёши ўтинқираган бўлса-да, ҳамон дилбар эди. Қиз бир мунча гўр ва ўжар кўринар, ёшлик эҳтироси ва жунуни кўпириб турган қони томирларига сигмай жўшиб, рангига уриб, нафасини сиқиб қўяётгандай туюларди. Қаҳвадан бўшаган идишни олгани келганда, Сантьяго Насар унинг қайноқ билагидан маҳкам тутиб:

— Сени айни жиловлаб, минадиган пайт келди-да! — деди қизга зинокор нигоҳини тикиб.

Виктория Гусман унга қон юқи пичоқни ўқталиб:

— Кўйвор уни, ярамас ўлтур! — деди хўмрайиб.— Кўзим очик экан, бу булоққа тумшуғингни теккизолмайсан!

Иброҳим Насар, Сантьягонинг отаси, Виктория Гусманни қизлик маҳалида авраб, бузиб қўйганди. Қўрғондаги отхонада у билан бир печа йил яширинча учрашиб, айшини суриб юрди ва ишқи сусайиб, ҳовридан тушгач, уйига хизматкорликка олди. Дивина Флор Викториянинг сўнги жазманларидан орттирган танҳо зурёди эди. Қиз ҳам Сантьяго Насар уни бир кунмас-бир кун бағрига босишини, исмати қон йиғлайдиган кўрпа айнан шу гўшада тўшалажагини олдиндан сезиб юрар, кўнгида ўшандай сирли кечани истовчи майл уйғонган эди. Кейинроқ уни кўрганимда, ўйнашларидан орттирган болалари ўртасида семизликдан пишиллаб, ғамгин ўтирарди, у менга: «Водариғ, энди ундай йигитни бу дунё қайта кўрмайди!» деди. Онаси Виктория Гусман эса гапини бўлиб: «Яшшамагур отасининг қуйиб қўйгандай ўзи эди, расвои раддибало эди!» деди. У, куённинг ҳовури кўтарилиб турган ичак-чавагини шартта суғуриб олиб, итга ташлаганида, Сантьяго Насарнинг қаттиқ қўрққанини эсларкан, овози титраб кетди.



— Кўпам ваҳший бўлма, — деганди у жувонга. — Танангга бир ўйлаб кўр: шу қуёнмас одам бўлса, нима қилардинг?!

Ҳимоятсиз даррандаю паррандаларни овлаб, ўлдириб юрган йигитнинг ноҳос ҳаяжонга тушганини англагунча Виктория Гусманнинг умридан йигирма йил ўтди. «Ё раб! — деди ўшанда ваҳимадан титраб. — Наҳотки у аломати гайб, ажал элчисининг дараги бўлган эди!» Инчунун, қотиллик рўй берган ўша тонгда, ошшаз хотин азбаройи ғазабланганидан Сантьяго Насарнинг нонуштасини заҳарга айлантриши учун қуёнларнинг қонли ичак-чавагини юлиб-юлқиб, итларга басма-бас отаверган. Алалхусус, епископ тушган кеманинг бандаргоҳ томондан қулоқни қоматга келтириб овози эшитилгач, бутун шаҳар уйғонгунча аҳвол шундай эди.

Насарларнинг уйи аввал икки қаватли омборхона бўлиб, девори рандаланмаган тахталардан тикланган, томи икки тарафи нишоб, руҳланмаган ту누ка билан ёпилган, том тепасидаги каптархонада худонинг яратган куни ўлимтиххўр кузғунлар ғужғон ўйнаб, бандаргоҳда йиғналган ахлатнинг тўқилишини кутиб ётишар эди. Иморат анча эски замонларда, дарёда кемалар бемалол сузадиган, денгиз қайиқлари ҳам ботқоқ ўзани бехавотир айланиб ўтиб, шаҳарчага кира оладиган пайтларда тикланган эди. Навбатдаги ички урушлардан бири тугаганда, арабларнинг сўнгги бир гуруҳи сафида бу маконга Иброҳим Насар ҳам боши оқиб келиб қолган, дарё ўзанини ўзгартириб, кемалар денгиздан бандаргоҳга йўналмай қўйганидан омборхоналар кераксиз маконга айланган эди. Иброҳим Насар иморатни сув текинга харид қилди, асли бу ерда хорижий моллар сотиладиган дўкон очмоқни ўйлаганди, афсуски, нияти амалга ошмади. Уйланиш тараддудига тушгач, уёқ-буёғини тузатиб-безатиб, омборхонани уй қилиб олди. Пастки қават меҳмонхона бўлди, уй орқасига эса, тўртта отга мўлжалланган отхона ва хизматкорлар яшайдиган кулба, шунингдек, деразаси доимо қўлмак сув ҳиди келиб турадиган бандаргоҳ тарафга қаратиб ошхона қурилди. Қайсидир бир ҳалокатга учраган кемадан ёдгор қолган айланма зинагина таъмир этилмади, иморатнинг бошқа ҳамма жойига Иброҳим Насар қўл уриб чиқди. Аввал божхона маҳкамаси бўлган иккинчи қаватни иккита ётоқхонага, туғилажак бир гала болаларига мўлжалланган бешта кичик-кичик хоналарга айлантирди. Бундан ташқари, пастда — майдонда ўсган бодом дарахтларнинг нақ устида қад керган ёғоч пешайвонни ҳам ўзи тиклади; эридан ажралиб ёлғиз қолган Пласида Линеро март оқшомларида, жудолик аламини энгиллатиш дардида, худди шу пешайвонга чиқиб ўтирарди. Иброҳим Насар бинонинг кунгай томонидаги кўча эшикни тузатиб, иккита ойна солинадиган кўз ясаттирди ва гирдини ўймагул солдириб безатди. У иморат ортидаги йўлакни ҳам аввалги ҳолича қолдирган, фақат эшик пешбурунини сал юқори кўтариб, отлик одам ўта олишига мослаган, ҳатто эски лангаргоҳдан ҳам фойдаланиш йўлини топиб қўйган эди. Хулласи калом, асосан орқа эшикдан юриларди: у орқали ошхонагаям, молхонагаям чиқилар, энг муҳими, майдонни кесиб ўтилмасе-да, янги бандаргоҳга чиқиш мумкин эди. Кўча эшик байрам кунларигина очиларди, бошқа пайтда мудом тамбаланган бўларди. Шунга қарамай, Сантьяго Насарни ўлдирмоққа чоғланган қотиллар серкатнов орқа

эшик ёнида эмас, айнан шу кўча эшик рўппарасида уни пойлашган, ажал етаклаганми, билмадим, у ҳам йўл айланмалигини била туриб, худди шу кўча эшикдан епископни кутишга ошикқан. Шундайин машъум, айқаш-уйқаш воқеалар рўй берганки, эшитган ҳар қанақа одамнинг ақли шошиб қолади. Риоачидан етиб келган терговчи, афтидан бирор нарсани сезган шекилли, ўша фалокатли ва уйқаш ҳодисаларга расман эътибор қилмагандай туюлса-да, уларни ўзича шарҳлашга, тафсир этишга урингани терговномадаги баъзи саҳифалардан очик-ойдин кўриниб турарди. Гувоҳлар майдон ёққа очиладиган кўча эшикни эслаган маҳалда терговчи бу тафсилотга алоҳида урғу бериб, худди олди-қочди асарлардаги каби «машъум эшик» деган иборани ёзиб кўйган. Аслида эса, бу ажиб тафсилотга оид бирдан-бир тўғри ва диққатга молик гапни терговчининг саволларига жавоб бераётиб, Пласида Линеро айтган: «Менинг ўғлим байрамлик кийимини кийганда, ҳеч қачон кўчага орқа эшикдан чиқмаган», деган у чин оналик шаҳодати билан. Бу далолат шу қадар содда ва жўн эдики, терговчи уни ҳошияга ёзиб кўя қолган, суд иши ҳужжатларига киритмаган.

Виктория Гусман сўроқда: ўламан саттор, ҳеч нарсани билмайман, мен ҳам, қизим ҳам Сантьяго Насарни ўлдириш ниятида кимлардир пойлаётганидан муғлақо беҳабар эдик, дея саркашлик қилди. Бирок у, йиллар ўтгач, йигит ошхонага қаҳва ичгани киришидан аввалроқ унинг жонига қасд этилганидан ўзи ҳам, қизи ҳам хабардор бўлганини тан олиб гапирди. Эрталаб соат бешларда сут сўраб кирган бир хотин уларга бор гапни, суиқасд сабабини ва саллоҳлар уни қаерда кутиб туришганини айтган. Виктория Гусман менга: «Бу шовшув маст-аластларнинг алжирашидир-да, дея ўйлаб, унга айтиб ўтирмаганим», деди. Дивина Флор эса, уни онаси ўлганидан кейин йўқлаб борганимда, тонг қоларли ҳақиқатни айтди: «Онам кўнглида Сантьяго Насарнинг ўлимини тилаганим учун ҳам суиқасдчилар пойлаётганихусусида менга ониз очмаган». Ушанда Дивина Флор ҳарқалай ёш, дийдаси қотмаган бир қиз эди, бунинг устига, азбаройи кўрқиб кетганидан ўзича бирор тадбир кўришга ақли етмаган; йигит қўлидан ушлаганда эса, баттар ваҳимага тушган ва тасавурида унинг қўллари мурданикидай совук, тошдай қаттиқ туюлган.

Тонг гира-ширасида, епископ келаётган кема гуриллаб овоз бераётган чоқда, Сантьяго Насар катта-катта одимлаб уйдан чиққан. Дивина Флор эшикни очиб ниятида олдинга чопган; уни ёнлаб ўтаман деб, ошхонадаги куш қафасларига урила-сурила, четандан тўқилган жиҳозлар ва қиркқулоқ буталари оралаб кўча эшик томон ошикқан, аммо лўкидонни тушириши биланок Сантьяго Насар қизнинг ёнига етиб келган ва у қирғий панжасида қолган. «Баданимни хамирдай эзгилаб ташлади,— деди менга Дивина Флор.— Кўпинча у мени хилватда ёлғиз тутиб, бағрига босиб, эзгилагани-эзгилаган эди; лекин ўша кун и аввалгидай ҳадиксирамасдим, безилламасдим, балки даҳшат ваҳмидан бўзлагим келарди». Қиз унинг бағридан бўшалиб, нари сурилиб, очик эшикдан уни ўтказиб юборди ва ташқарида, майдонда қордай оппок гуллаган, саҳар ёғдулари аро шаффоф порлаб турган бодом дарахтларига кўзи тушди, камоли ҳаяжонланганидан бошқа ёққа назар



солишга мадори етмади. «Ўшанда кеманинг товуши тиниб, хўрозлар кичкира бошлаганди,— давом этди Дивина Флор.— Хўрозлар овози шундай кучли, қулоқни қар қилгудек шовқинли эдики, шаҳримизда парранда шунчалик кўплигини аклимга сифдиrolмай, бу хўрозлар епископ билан кемада олиб келингандир, деб ўйладим.» Гувох Пласида Линеронинг ёзғиришича, оқсоч қиз ўзига ҳеч қачон насиб этмайдиган бу йигитга қилиши лозим бўлган бирдан-бир яхшилик — лўкидонни солмай, эшикни очик қолдириш эди; шунда у, асқотган тақдирда, дарров уйга кириб, хавфдан кутулар эди. Номаълум кимса — унинг шахсини аниқлай олишмаган — остонага хат ташлаб кетган, унда Сантьяго Насарни суикасддан бохабар этилиб, уни кимлар, қачон ва қаерда ўлдирмоқчилиги батафсил кўрсатилган. Сантьяго уйдан чиқаётганда ҳам мактуб ерда ётган, аммо йигит пайкамаган; унга Дивина Флорнинг ҳам кўзи тушмаган, умуман, хатга ҳеч зот эътибор бермаган, одамқушлик амалга оширилгач, анчадан кейингина уни кўришган.

Соат олти, кўчаларда чироқлар ҳамон ёник. Бодом шоҳларида, баъзи уйлар пешайвонида тўй муносабати билан осилган, рангин қоғозлардан ясалган гулчамбарлар солланади, дабдурустдан кўрган киши гулчамбарларни епископ шарафига осилибди, деб ўйлаши мумкин. Ибодатхона айвонига туташ, тўртбурчак тош ётқизилган майдон саҳнида машшоқларга мўлжаллаб тахтасупа ясалганди, супа кечаги оломон сайлдан кейин бўш шишалару турли нишхўрд — чиқиндига тўла ахлатхонага айланганди. Сантьяго Насар кўчага чиққанда, кема овозини эшитиб, бир неча киши бандаргоҳ томон чошиб кетаётганди.

Майдондаги барча маҳкамалару уйларнинг эшиги берк, фақат черков яқинидаги сут дўқонигина очик, Сантьяго Насарни сўйишга қасд этган қосидлар уни худди ўша ерда пойлашаётган эди. Уни дастлаб сут сотувчи хотин Клотильде Армента кўрган, тонгги тиниқ шуъаларда йигитнинг оппоқ кийими унга алюминдан тикилгандай туюлган. «У кўзимга оқ-ялтироқ либос кийган арвоҳдай кўринди», деди у менга. Қосидлар рўзномага ўроғлик пичоқларини маҳкам кучоқлаганча пештахта тагида ухлаб ётишарди. Клотильде Армента уларни уй-готиб юборишдан чўчиб, нафасини ютиб, дамани чикармай лол турарди.

Қосидлар — эгизак Педро ва Пабло Викарио — йигирма тўртга кирган, бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаш йигитлар эди. Терговчининг ҳисоботида: «Кўриниши хунук бўлса ҳам, феъли, муомаласи яхши экан», деб ёзилган. Мен ҳам, икковини мактабда ўқиб юрган пайтларидан биладиган одам сифатида, худди шу гапни айтган бўлардим. Улар кеча тўйда кийишган, бизнинг Кариб денгизи қирғоқларидаги мазгилларда одамни бирмунча олифта ва бақалок кўрсатадиган қора жун костюмларини ечиб улгуришмаганди; ўйин-кулги, зиёфату ичкиликдан ҳориган юзлари эзгин бўлса-да, соқоллари одатдагидай қиртишлаб олинган эди. Тўй арафасидаги базмдаёқ маст бўлиб олган эгизаклар уч кеча-кундуздирки бетиним ичавериб, ақлу ҳушдан айрилиб, икковиям бамисоли тункезар-ойпарастга айланган эди. Улар қурбонни Клотильде Арментанинг сут дўқони пештахтаси остида уч соат мудраб кутгач, илк тонг нурлари осмонни ёритганда, ниҳоят,

жумадан бери биринчи марта кўзлари илинди. Кема дастлаб овоз бергандаёқ сачраб уйғонишди. Сантьяго Насар уйдан чиққанда эса, уни кўриб, тамоман ҳушёр тортишди. Иккови ҳам дарҳол қўлларидagi уроглик пичокни маҳкам қисишиб, тараддуланишди, Педро Викарио ҳамто ўрнидан тура бошлади.

— Тангрига шак келтирманглар,— дея бидирлаб-шивирлади Клотильде Арменга.— Худо хайрларингни берсин, ҳеч курса, епископ ҳазрат кетгунича шу ишни қилмай туринглар...

«Бу гапни олло кўнглимга солганини қаранг-а», дея у кейин ҳам неча бор такрорлаб, гурурланиб юрди. Дарҳақиқат, бу фикр унинг калласига беҳосдан келиб қолган, у беихтиёр айтиб юборган эса-да, ҳарқалай эгизаклар Клотильде Арментанинг сўзидан кейин шаштларидан тушдилар, Педро эса яна қайтиб ўрнига ўтирди. Икковлон майдондан ўтаётган Сантьяго Насарни киприк қокмай кузатишди. «Улар унга ачиниб қарашди», дея изоҳ берди Клотильде Арменга. Шу аснода майдонни черков мактабининг бир гуруҳ талаба қизлари бетартиб равишда кесиб ўтишган.

Пласида Линеро билиб айтган экан: епископ кемадан пастга тушмади. Бандаргоҳда шаҳар маъмурлари ва ўқувчи болалардан ташқари сон-саноксиз оломон тўпланганди; ҳар жой-ҳар жойда савату кажавалардан ҳазратга аталган хўрозлар бошини чиқариб, мўлтираб турарди: хўроз тожининг қайнатмаси епископнинг хуш кўрадиган таоми эди. Ҳадяю тортиқлар шунчалик кўп йиғилдики, уларни лангаргоҳдан кемага юкланса, роса икки соат вақт кетарди. Аммо кема тўхтамади. У дарёнинг қайрилишидан тимсоҳдай ўкириб, сузиб чиқиши биланок машшоқлар епископга багишланган тантанали қасида куйни жаранглатиб чалиб юбордилар ва шу заҳоти хўрозлар ҳам томоқларини йириб-йиртиб қичқирдилар, уларга шаҳарда қолганлари ҳам жўр бўлишди.

Бу пайтга келиб гилдиракли, ўтин ёқиладиган афсонавий кемалар кўринмай қолганди, баъзи бир сузиб юрганларида эса пианола ҳам, асал ойини айшу ишрат билан ўтказиладиган хосхоналари ҳам йўқ эди; аслида, бундай алмисоқдан қолган кемачаларнинг оқимга қарши сузиши ниҳоятда оғир. Епископ ҳазратнинг кемаси яп-янги эди, бир эмас, иккита темир мўриси чўққайиб турарди, уларга билакузук шаклида байроқ тасвири туширилган, остидаги чархи ва парраги тезюрар денгиз кемалариники каби маҳобатли эди. Кеманинг юқори саҳнида, шундоққина капитан хужраси ёнида, испан мулозимлари даврасида оппоқ кийинган епископ сиймоси кўзга ташланади. «Об-ҳаво худди рождество ҳайитидагидай эди», деди синглим Маргот. Унинг айтишича, кема лангаргоҳ ёнидан ўтиб бораркан, улкан маҳлуқдай чўзиб бўкирган, кейин қирғоқда, биринчи каторда турганларга иссиқ ҳовур аралаш сув сачратиб, уст-бошини шалаббо қилган. Одамлар епископни худди тушда кўргандай бўлишган: кема оломон қаршисидан ўтиб бораркан, ҳазрат ҳавога қўлини бигиз қилганча чўқиниш русумини бажо этиб, беихтиёр, безътимод, меровларча чўқина-чўқина кема узоқлашгани баробарида кўздан йўқолган, бандаргоҳ чўчиган хўрозларнинг қақақлашию пала-партиш қичқириғига тўлиб кетган.

Сантьяго Насарга алдангани алам қилди: руҳоний Кармен Амадор-



нинг оммавий ташвикига учиб, уям бир неча кучок ўтин, епископ ёқтирадиган тождор хўрознинг бир нечасини ҳазратга атаган эди, аммо у бепарво ўтиб кетди. Лекин йигитнинг алами узоққа чўзилмади. Бандаргоҳда ёнма-ён турган синглим Маргот унинг қўл силтаб қўйганини, бошоғриқ дори қор қилмаганини, қарахтлиги тарқамаганини сезган ва кўзларининг бирдан мамнун чақнаганидан майхўрликни яна давом эттиражагини англаган. «У ҳечам шамоллаганга ўхшамасди, фақат кечаги дангиллама тўй қанчага тушганини ўйларди», деди менга синглим. Шунда Кристо Бедойя дарҳол сарфу харажатларни ҳисоблаб, шундай рақамларни айтдики, оғзимиз очилиб қолди. Сантьяго Насар, Кристо Бедойя ва мен учаламиз соат саҳарги тўртгача айланиб юрдик, кейин ухлагани уйига бормасдан, бувасиникига кириб кетди. У буваси ва бувиси билан лақиллашиб ўтириб, тўй хусусидаги маълумотини янада тўлдириб олди. Кейин Кристо Бедойя тўйда меҳмонларга атаб қирқта курка хўроз, ўн битта ахта тўнғиз ва яна тўртта ғунажин сўйилганини бизга ҳисоблаб берди — куёв уларнинг ҳаммасини шундоққина майдонда қовуртириб, халойиқни сийлаган. Кристо Бедойя тагин икки юз бешта яшикдаги хорижон хуфя равишда келтирилган май, икки минг шиша ром оломон ичида юриб тарқатилганини ҳам айтди. Хуллас, тўй эмас, байрам бўлиб кетган, авваллари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу тўкин-сочин базмда шаҳарчадаги одам зоти борки, бари роса еб-ичган. Сантьяго Насар тўлкинланиб, ҳавасини яширолмади:

— Менам худди шунақа тўй қиламан,— деди у.— Одамлар ўлгунча бир-бирларига гапириб юришсин.

Шунда синглим Марготнинг ичидан қиринди ўтиб кетди: у шундогам бахту омади бошидан ошиб-тошиб ётган Флора Мигелнинг саодат юдузи янада порлашини, рожество ҳайитида Сантьяго Насар унга насиб этишини ўйлаб, ҳасаддан юраги ёрилаёзди. «Ақлим ўлгур бир ишлаб қолди,— деди у менга.— Бу ўзи эрмисан эр бўладиган йигит: чиройли, эсли-хушли, йигирма бир ёшда-ю, ўз мол-мулки бор». Маргот уни тез-тез меҳмонга чақириб турар, айникса, онам гўштли, кўкатли қозонсомса қилганда, жон-жон деб бизникига келар ва бирга овқатланар эдик. Ўша куни ҳам онам нонуштага сомса ёпганди. Сантьяго Насар бизникига киришини айтди.

— Мен уйдан кийимимни алмаштириб чиқай, сизларга етиб оламан,— деди, сўнг бирдан соати жавончада қолганини эслаб: — Соат неча бўлди? — дея сўради.

Олтидан йигирма беш дақиқа ўтганди. Сантьяго Насар Кристо Бедойянинг тирсагидан тутиб, майдонга юрди.

— Ўн беш дақиқадан кейин сизларникига бораман,— деди у синглимга.

Синглим нонушта тайёрлигини айтиб, ҳаммамизни биргаликда уйга киришимизни талаб қилиб туриб олди. «Унинг юзида қандайдир бир қатъият ифодаси бор эди,— деди менга кейинчалик Кристо Бедойя.— Баъзан-баъзан ўзимча, Маргот унинг ўлдирилишидан дарак топгандирки, йигитнинг сизларникига таклиф этиб, жонини асрамоқчи бўлгандир, дея ўйлайман.» Илло Сантьяго Насар синглимни кутиб турмай уйга жўнайверишга кўндирди, унгача ўзи кийимини алмашти-

риб, отини миниб чижажагини, тезрок кўрғонга етиб бориши кераклигини, новвосларни бичмоқчи эканини айтди-да, Маргот билан хайр-хўшлашиб, Кристо Бедойяни қўлтиклаганча майдон томонга юрди. Синглим уни сўнгги дафъа кўриб турарди.

Бандаргоҳга чиққанларнинг жуда кўпчилиги биродар Викариолар Сантьяго Насарни ўлдирмоқчи эканидан вокиф эди. Истеъфодаги полковник, олий ҳарбий дорулилмни тугатган, ун бир йилдан бери шаҳар ҳокими вазифасини бажараётган дон Ласаро Апонте ҳам унинг бошида ажал шамшири яланғочланганини била туриб, ҳарбий-часига қўлини сиқиб, индамасдан сўрашиб қўя қолган. «Мен хавф-хатар ўтиб кетди, энди ҳеч нарса бўлмас, деб ўйлабман», деди у менга. Қавмнинг отаси падар Кармен Амадор ҳам пинагини бузмаган: «Уни соғ-саломат кўриб, эшитганларим шунчаки миш-миш экан-да, деган хаёлга бордим», деди у ўзининг лоқайдлигини оқлаб. Энг ёмони, Сантьяго Насар суикасддан огоҳ этилганми-йўқми — бу ҳақда бирор инсон зоти бош қотирмаган, йигитнинг ҳеч нарсани билмаслигига, гафлат босганига эса ҳеч ким ишонмаган. Дарҳақиқат, баъзи кишилар, жумладан менинг синглим Маргот ҳам эгизак қассоблар унга қасд қилганини эшитмаган. У терговчига шундай изоҳ берган: «Агар номига сезиб қолганимдаям, уни бўйнига аркон солиб бўлса-да уйимизга судраб олиб кирардим». Бўлажак хунрезона жиноятдан синглимнинг беҳабарлиги менга жуда ғалати туюлди; бир неча йилдан бери ҳатто черковга қатнамай қўйган, ҳамиша уйда ўтирадиган ва миш-мишу дув-дув гапларни элдан бурун эшитадиган онамнинг қулогига бутун халойикка маълум шумхабарнинг етиб келмагани эса мени баттар ҳайратга солди. Чунки онамнинг хуввайи ҳофизаси ва кўнгил кўзи жудаям тиниклигини, кўп ҳодисаларни олдиндан сеза олишини болалигимдан яхши билардим. Ўша пайтларда мактабга вақтида етиб бориш учун тонг қоронғисида уйғонибоқ онамнинг рангив, сирли-сукутли юзига кўзим тушарди; у сахарги гира-ширликда уйни супуриб сидириб, кейин қаҳва қайнатаркан, ёруғ дунёда нималар рўй бераётганидан гапирар, биз унинг пурмаъно ва турли-туман маълумотга бой сўзларини иссиққина кўрпада эшитиб ётардик. Назаримда, онам билан шаҳримиз кишиларини, айниқса, унинг қуролдошларини кўринмас, сирли, даракчи ришталар боғлаб турарди; гоҳида у худди фолбин хотинлардай юз беражак ҳодисани олдиндан айтардики, воқеа рўй бергач, оғзимиз очилиб қоларди. Аммо онам ўша кунни соат учда пайдо бўлиб, кўчама-кўча кезиб юрган фалокат шарпасининг тобора яқинлашаётганини сезмаган. Епископни кутишга чиқиб кетаётган синглим Маргот — унинг ҳовли саҳнини супуриб-сидириб, сомсага қийма чопаетганини кўрган. Онам ўша кунни эслаб: «Хўрозлар роса томоқ йиртиб қичқиринганда-да», деди. Онам бандаргоҳдан эшитилаётган овозлар епископнинг ташрифи билан богликлигини тушунмаган, балки ўйдагиларнинг охириги бақирик-чақириқлари, деб ўйлаган.

Уйимиз катта майдондан анча нарида, дарё кирғоғида, хушбўй анбаҳзорлар орасида жойлашган эди. Синглим Маргот бандаргоҳгача соҳил бўйлаб пиёда борган, айтишича, фикри-зикри ҳазратнинг ташрифи ила банд бўлган халойиқ майда-чуйда миш-мишларга эътибор бермаган. Қайсики хонадонда касаллар бўлса, ҳаммаси эшиклар олди-



га олиб чиқилганди, улар, ҳазратнинг пойқадами билан зора-мора фалак дардимизга дармон юборар, деган умидда остоналари ёнида чўзилиб ётишар, чўчка етаклаган, курка қўлтиқлаган ёки алламбало егуликларни, назру ниёзларни бўхчаларга тугиб олган хотинлар ҳовлиларидан ҳовлиқиб чиқиб, бандаргоҳга ошиқар, дарёнинг у ёғида эса, гулчамбарлар билан безатилган эшакли қайиқлар — каноэлар оҳиста сузиб борар эди. Қирғоққа оёғининг гарди ҳам тегмаган епископнинг қораси ўчгач, яна бир янги хабар тарқалдики, оломон орасида тағин шовқин-сурон, шов-шув гаплар авжига минди. Синглим ана шунда бор гапни бирданига эшитган ва жанжалнинг тагига етган: кечаги шоҳона тўйдан сўнг келинпошша Анхела Викариони онасининг уйига қайтариб келтириб қўйишибди, инчунун, куёвнинг шаҳодатича, у жувон чиқибди. «Худди жоним халқумимга келиб қолгандай беҳол бўлдим,— деди синглим Маргот.— Одамлар қанчалик оғиз тўлдириб ғийбат қилишмасин, ҳеч бир кимса бечора Сантьяго Насарнинг бу ишларга қандай аралашиб қолганини изоҳлаб беролмасди». Бинобарин, Анхела Викарионинг акалари уни ўлдирмоққа қасдлангани ҳаммага маълум эди.

Синглим йиглаб юбормаслик учун лабларини тишлаганича уйга дилтанг кириб келди. Онам ошхонада куймаланар, мабодо епископ сиймосини кўриш насиб этса, доғда қолмай дея бозор куни киядиган кўк гулли кўйлагини устига илиб олган эди; у ўзича ишқу жазманлик хусусидаги португал халқ кўшиғини хиргойи қиларди. Синглим дастурхонга бир кишилик ортиқча насиба қўйилганини айтганди, онам:

— Бу Сантьяго Насарники,— дедим.— Қизим, ахир уни ўзинг нонуштага таклиф этгансан-ку.

— Олиб қўйинг,— деди Маргот қатъий.

У онамга кўчада эшитганларини бир-бир айтиб берди. «Онам ҳамма гапни билади, деб ўйлагандим,— деди синглим менга.— Чунки унга бир нарсани айта бошласанг, ярмига бормай туриб, охири нима билан тугагини фаҳмлаб оларди». Аммо бу машъум хабар онамга ҳам бирмунча чигал туюлиб, ҳаттоки у ҳам ночор аҳволда қолди. Насарнинг авлодига тугилганида онамнинг исми билан Сантьяго деб аташганди, чунки онам уни чўқинтирган волида эди. Шармандаи шармисор келиннинг онаси Пура Викариога ҳам онамнинг қариндошчилиги бор эди. Онам синглимнинг бидирлашини охиригача эшитмай, азаларга киядиган қора ридосини, пошнадор пойафзалини кийди. Отам ҳали ўрнидан турмаганди, орадаги гап-сўзни эшитиб, қутилмаганда, тунги халатида у ҳам ошхонага кириб келди ва ҳавотирланиб, онамдан қаёққа отланганини сўради.

— Бояқиш жигарим Пласидадан хабар олай,— деди у.— Барча халойиққа эгизак қассоблар унинг ўғлини ўлдирмоқчи экани аёну у бечоранинг уйи куйиб, ҳеч нарсадан бехабар ўтирибдимиш. Ҳе, дунёнинг ташвишиям қуриб кетсин-а!

— Нарсалар ҳам, Викариолар ҳам биз учун қора кўздай яқин ва азиз, ўйлаб иш тутгин, онаси,— деди отам.

— Ҳар доим бошига фалокат тушганларга қайишган яхшидир,— деди онам.

Нариги хонадан укаларим чиқиб келишди. Кичкиналари ёмон бир иш бўлганини сезиб, йиглаб юборишди. Онам, умрида биринчи марта бўлса керак, на ҳикиллаётган дилбандларига, на отамга эътибор қилди. Отам унинг ниҳоятда қайғураётганини англаб:

— Тўхтаб тур, менам кийиниб олай,— деди.

Онам бу пайтда кўчага қайиб улгурганди. Укам Хайме ҳам кийиниб, мактабга жўнашга тараддулларди. Отам унга:

— Онанг билан бирга бор,— деб букюрди.

Нима гаплигидан, қаёққа боришаётганидан беҳабар, Хайме онамнинг изидан чопа кетди ва унга етиб, қулидан маҳкам ушлаб олди. «У ўз-ўзи билан сўзлашиб борарди,— деди менга Хайме.— Онам, бу саллоҳ ўлгурлар ҳайвонданам баттар, турган-битгани фалокат,— деди паст овозда». У укамни етаклаб бораётганини ҳам сезмаган. «Одамлар аҳволимни кўриб, бу хотин ақлидан озибди, дейишгандир,— дея зорланди онам менга кейин.— Олисдаги шовқин-суронни эшитганим эсимда, назаримда тўй қайтадан бошлангану оломон яна майдон тарафга чопиб бораётгандай туюлди». У ўзида йўқ шошиб бораркан, бутун олағовурнинг боиси қил устида турган инсон ҳаёти эканлигини фаҳмлаб, жон-жаҳди билан майдонга талпинган, бироқ йўлда ўтиб кетаётган аллаким унга, азбаройи раҳми келганидан:

— Луиса Сантьяго, шошмай кўя қолинг! — дея кичкирган.— Уни ўлдириб бўлишди.

Байярдо Сан Роман, қиз чиқмаган хотинини онасиникига элтиб ташлаган куёв, бу маконда ўтган йилнинг августида, тўйдан роса олти ой олдин пайдо бўлган эди. У шаҳарчамиздаги бандаргоҳда ҳафтасига бир марта тўхтаб ўтадиган кемада келганди: ўшанда унинг ошланган теридан тикилган иккита кумушбандли тўрвасию кумуш тўқали тасмаси, этиги ва куп-қурук буйи бор эди, холос. Афтидан ёши ўттизларда эди, аммо тореродай алп қоматлиги уни навқирон қилиб кўрсатарди, кўзлари тилладай тиник, чакноқ, ранг-руйи ҳам оловда тоблангандай тоза, ёқимли эди. Эгнидаги ихчам костюми, торгина шими асл новвос терисидан, эчки терисидан тикилган қўлқоплари эса костюмига ҳамранг эди. Кемада бирга келган Магдалена Оливер бутун йўл давомида ундан кўз узолмаган. «Қиз боладай йигит экан,— деди у менга.— Эсиз-эсиз! Шунақаям ёқимлики, бир пиёла сувга қўшиб ютиб юборсам, дейсан одам!» Аввалига шўрлик Магдалена ҳам, купчилик калтабин кимсалар ҳам Байярдо Сан Романнинг унчамунча хотин зотининг тиши ўтмайдиган тошёнгоқ эканини фаҳмлашмаган.

Онам менга, мактабимга августнинг охирларида юборган хатида: «Бу ерга ажойиб бир йигит келди», дея шунчаки эслаб ўтганди. Кейинги мактубида эса: «Унинг исми Байярдо Сан Роман экан, айтишларича, кўп жозибали йигит эмиш, бироқ мен ҳали ўзини кўрмадим», деб ёзди. Унинг нима сабабдан бизнинг жойларга қадам ранжиди килганини ҳеч ким билмаган. Тўй арафасида кимдир, уни синаш учунми, шу хусусда сўраганида, у: «Мен кимга уйланай экан, деб шаҳарма-шаҳар кезиб юргандим, чамамда, тақдир насибамни шу ерга қўшган экан»,



деб қўя қолган. Бу гап рост бўлишиям мумкин, аммо у ичидагини сиртига чиқармаслик учун ҳар қанақа ёлғонниям ямламай ютиб, мардумни ишонтириб, лақиллатиб кетаверадиган йигитлар хилидан эди.

У биринчи кунийёк, кечаси кино кўриб ўтиришганда, одамларга бу ерда тезда темир йўл қуриш кераклигини, ана ўшанда бутун шаҳар аҳли дарёнинг қош-қовоғига қараб ўтирмасдан, истаган пайтда хоҳлаган томонига кетавериши мумкинлигини айтиб, ўзининг темир йўл қурилиши бўйича муҳандис эканлигини писанда қилган. Эртасига телеграмма юбормоқ ниятида телеграфхонага кирган, ускунани ўз қўли билан ишлатиб, керакли гапларни ўзи хабар қилган, кейин телеграфчи кизга кучсизланган батареяларни қандай қувватлантириш лозимлигини тушунтирган. Қўшинга аскар тўплаш мақсадида бизнинг шаҳарчага келган ҳарбий врач билан эса, чегара депарасида учраб турадиган турли хасталикларни қандай даволаш ҳақида дадил суҳбатлашган. Унга тонготаргача чўзиладиган шавкли-шовкинли базмлар ёқаркан, ўзи ҳам майхўрликни кийиб қўяркан, жанжаллашиб қолганларни устамонларча яраштирар, киморда фирромлик қилгувчилар билан чиқшолмас экан. Бир кунни, якшанбалик ибодатдан сўнг, сузонгич йигитлардан иккитасини чақиртирган-да, сузонгичлар бизнинг жойларда кўп бўлади, дарёнинг у ёғидан-бу ёғига ким ўзарга юзишган ва ҳарифларидан зўрини йигирма саржин орқада қолдириб, ғолиб чиққан. Онам менга бир номасида шу хусусда ёзаркан, ўз одатича ховлиқиб: «У олтин утилалар ичида ҳам шундай сузса керак», дея маҳобат қилганди. Инчунун, у одамлар орасидаги шов-шувга — Байярдо Сан Роман беҳад молиявий имкониятларга эга, бели бақувват, қўли узун, истаган ишини қила олади, деган гапларга ҳам ишонган.

Онам менга октябрда ёзган хатида уни роса мактаган ва: «Одамлар уни жудаям яхши кўришади, чунки ҳалол, кўнгли тоза йигит; ўтган якшанбадаги ибодатда у чўк тушиб олиб муножот қилди, лотинча ҳамд ўқишдаям ўзини кўрсатди, барака топгур», деган эди. Ўша пайтлари черков ишлари лотин тилида юритиларди, обидаларнинг тик туриб ибодат қилиши таъқиқлангани ҳаммага беш қўлдай аён эди, бироқ агар бир нарсанинг тагига етмоқни истаса ё бирор нарса ёкиб қолса, онамнинг ана шундай кераксиз тафсилотларга урғу берадиган одати бор эди. Бу йигит беҳад улуғланган ана шу хатдан кейин онам менга яна иккита мактуб йўллади, бироқ уларда, гарчанд бу даврга келиб Байярдо Сан Романнинг Анхела Викариога уйланаётганини бутун элу юрт эшитган бўлса-да, бу ҳақда бирор оғиз сўз демаган эди. Машъум тўйдан кейин, анча вақт ўтгач, ўша кунлари Байярдо билан яқиндан танишганини, таассуфки, у аксинча таассурот қолдирганини ва ўша — октябрда ёзган хатида хато қилганига, мулоқот асносида йигитнинг олтинга ўхшаш сариқ, йилтироқ кўзларини кўриб, қўрқувдан титраб кетганига иқроп бўлди.

— Кўзимга ажинага ўхшаб кўринди, ўлсин, — деди онам менга. — Ахир ўзинг айтгандинг-ку, бундай нарсаларни оқ қоғозга ёзиб ўтирманг, деб, шунинг учун индамай қўя қолгандим.

Мен Байярдо Сан Роман билан онамдан сал кейинроқ, рождество ҳайити муносабати билан таътилга келган кунларимда танишгандим,

у менга ваҳима қилганларидай ғалати, фавкулудда инсон каби туюлмаганиди. Чинданам ёқимтой, хушрафтор эди, аммо Магдалена Оливер оғиз кўпиртирганидай валию валломат эмасди. Фикри ожизимча, майда-чуйда қилиқларидан катъи назар, жиддий шахс эди, хуш хандон пайтларида ҳам ичидаги бир дард зарби чехрасида акс этиб турарди. Менинг назаримда, маҳзуну дардкаш бир инсон эди. Ҳанда у Анхела Викарио билан унаштирилганиди.

Уларнинг қандай, қачон танишиб-топишганлари хусусида ҳеч ким менга бирор аниқ маълумот беролмади. Байярдо Сан Роман яшаган бўйдоқлар истиқоматгоҳи соҳибасининг айтишича, у айна қиём пайтида, оромхонадаги халинчакда тебраниб, мудраб ўтирганида, сентябрь ойининг охирлари экан, қоғоз гуллар солинган саватни кўтариб Анхела Викарио ва унинг онаси майдонни кесиб ўтишган. Байярдо Сан Роман кўзларини ярим очиб, бошдан-оёқ қора кийинган икки мотамзадани кўрган, куёш нурлари живирлаб, саробий тўлқинлар жилваланаётган майдондан ўтаётган ана шу икки қора шарпа йигитнинг назарида муҳитдаги бирдан-бир тирик жонзотдай туюлган. У мусофирхона соҳибасидан қизнинг кимлигини сўраганида, хотин унинг Анхела Викариолиги, ёнидаги онаси, у кенжа қиз эканини айтган. Байярдо Сан Роман иккала ўткинчини майдон ҳадига етгунича кузатиб турган. Сўнгра:

— Исми жисмига монанд экан<sup>1</sup>,— деган у.

Кейин, бошини халинчак суйанчиғига тираб, яна кўзларини юмганда:

— Уйғонганимда,— деган у,— эсимга соласиз: мен унга уйланишим керак.

Анхела Викарионинг менга айтишича, бўйдоқлар истироҳат уйи соҳибаси бу гап хусусида кейинроқ, Байярдо Сан Роман қизга чинданам ошиғу шайдо бўлиб юрган кезларида оғиз очган. «Бу гапни эшитиб, юрагим ёрилаёзди», деди менга Анхела Викарио. Ҳа гапнинг устида бўлганларнинг учтаси йигитнинг сўзларини рост, дея тасдиқлашди, аммо шоҳидларнинг тўрттаси шубҳа билдиришиб, инкор этишди. Шунга қарамасдан, барча тахминларга кўра, Анхела Викарио билан Байярдо Сан Роман илк бора октябрда, миллат байрами кунинда, хайрия бозоридаги лоторея ўйналаётган жойда танишишган. Қизга лоторея тарқатиш топширилган экан. Байрамга чиққан Байярдо Сан Роман лоторея қутиси олдида турган рангпар, қоп-қора кийинган қизни кўргану тўппа-тўғри ёнига келган ва бутун бозор аҳлини ўзига қаратган садафланган граммофоннинг қанча туришини сўраган. Қиз унга бу буюм сотилмаслигини, балки лотореяга ўйналишини айтган.

— Қайтага яхши,— деган йигит,— арзонгина ва осонгина қўлга кираркан.

Анхела Викарионинг иқрор бўлишича, у айтганига эришган, аммо қизнинг кўнглида меҳру муҳаббатдан йироқ, совуқ бир таассурот қолдирган. «Такаббур эркакларни жиним суймайди ўзи,— деди у менга

<sup>1</sup> Сўз уйини: испанча, ангел — фаришта, лотинчада, викариус — ёрдамчи, уринбосар дегани (*тарж.*).



ўша кунни эсларкан,— бундай мактанчоғини-ку, умримда кўрмаган-дим, хуллас, мен уни кип-кизил лах бўлса керак, деб ўйладим». Граммофон ютуги бор лотореянинг рақамини бақириб эълон қилиш-ганда ва ютук чиндан ҳам Байярдо Сан Романга чиққанини билгач эса, кизнинг у мутакаббирга ғарази янада ортган. Қиз бояқишни лол қолдириш ниятида унинг ҳамма лотореяни сотиб олганини ким ҳам хаёлига келтирибди дейсиз.

Анхела Викарио ўша кечаси уйига қайтгач, хонасида турган совғалар ўраладиган нафис қоғоз ва гулқоғозли боғлоғич билан бежаб чирмалган граммофонга кўзи тушган. Ўша айём туғилган куним эканини қаёқданам била қолдйкин, ҳамон ақлим етмайди», деди менга Анхела Викарио. Байярдо Сан Романнинг унга бундай дабдабали тухфа юборишига арзигулик орада ҳеч гап-сўз бўлмаганига ота-онасини ишонтираман дея кизнинг эси кетди. Унинг акалари — Пабло билан Педро оҳанжамали совғани эгасига қайтариб бериш учун дарҳол бўйдоқларнинг истироҳат уйига етиб боришди ва у ерда шундай шовкин-сурон кўтаришдики, оқибатда бу ўйинчоқни Анхела Викариога жўнатилаётганида кўрмаганлар ҳам унинг қай тарзда эгасига қайтарилаётганидан вокиф бўлишди. Бирок далли-ғулли биродарлар Байярдо Сан Романнинг елимлиги ва тап тортмаслигидан беҳабар эди. Эгизаклар эртасига тонг отганида, ичкиликбозликдан эс-хушларини йўқотиб, гандирақлаб, ўша граммофони қўлтиқлаганча довдирашиб, уйларига кириб келишди, бу ҳам етмагандай, икковининг ёнида ул-фатчиликни шу ҳовлида давом эттиришни кўзлаган Байярдо Сан Роман ҳам бор эди.

Анхела Викарио қўл учида кун кўрадиган оиладаги кенжа киз эди. Отаси, Понсио Викарио, кашшок заргарлардан бири, рўзгорни тебратиш илинжида тинимсиз ишлай-ишлай, ажабтовур такинчоқлар ясай-ясай пировардида кўзи хира тортган бир ғариб эди. Онаси, Пурисима дель Кармен эса, кизлигида мактабда мураббиялик қилган, турмуш кургандан кейин бекачликдан ўзга касб-кор орттирмаган эди. У мулозим, касалвандрок кўринса-да, пишик-пухта аёллиги шундоғам сезилиб турарди. Мерседес уни эслаб: «Роҳибалардан бир туқиям кам эмасди», деди менга. Пурисима дель Кармен эри ва болаларининг парваришу тарбияси деб ўзини ўтдан-чўкка урар, атрофидагилар эса унинг ҳам бир тирик жон эканини унутиб қўйишарди. Унинг иккита катта қизи жуда кеч турмуш курганди. Эгизаклар ва Анхеладан ташқари яна бир ўртанча қизи ҳам бор эди, афсуски, уни безгак қиёфасида келган ажал олиб кетди, мана, икки йилдирки, оиладагилар мотам тутишарди, уйда сал мундоқрок юришса ҳам, кўчага чиқиш-ганда мотамзадалиқ русумини жуда жойига қўйишарди. Эр-хотин ака-укаларни мард, меҳнаткаш қилиб тарбиялашди. Қизларни эса, турмушга бериш ниятида қоғозга ўралган қандай авайлаб, парвариш этишди. Заифалар кераги билан кашта тикиб, гул солишни, чок машинада ажойиб кийимлар тикишу тўр туқишни, кир ювишу дазмол босишни, қоғозгуллар ясашни, шиннию мураббололар тайёрлашни, ҳаттоки никоҳ тўйига таклифнома ёзишни ҳам билишарди. Эски урф-одатларга, айниқса, ўлиму дафнга боғлиқ расм-русумга енгилтакларча қарайдиган баъзи дугоналаридан фарқли ўларок, Викарионинг кизлари ўсалларга

караш, жаноза ўқиш, азадорларга таъзия билдириш каби азалий удумларга қаттиқ риоя қилишар эди. Менинг онамга уларнинг ўринга ётишдан олдин соч тараш одатларигина маъқул эмасди. Онам уларни: «Кечаси соч тараманглар, жон қизларим, денгизчи йигитлар қарамай кетиб қолишади», деб койир эди. Шунга қарамай, онам уларга қаттиқ меҳр қўйган, дунёда буларданам яхшироқ киз йўқ, дер эди. «Бирам эсли, мўмин-қобилки бу курмагурлар, — дерди онам, — қайси эркакнинг қўлига тушмасин, уни бахтга ботириб юборади: ахир булар жаҳонда хотинлик дардини тортишга, меҳнатга яратилган-да». Бироқ ўша тўрт киздан иккитаси тушган эркаклардан бирортасиям, онам айтгандай, иқболга оёғидан ботиб қолмади, балки уларнинг бошига бандаликнинг балолари ёғилди: хотинчалари уларнинг этагидан маҳкам тутиб, қаерга бўлмасин эргашиб боришар, ўзларича аёллар базми уюштиришар, унда дугоналари рақс тушишар, ўзлари эса, эрларининг кўнглидан кечгувчи зинога оид ҳар қанақа пинҳоний фикрни англаб олиш мақсадида ҳушёр кузатиб ўтиришар эди.

Анхела Викарио тўрт опа-сингил ичида энг гўзали эди. Онамининг айтишича, у ҳам, номи барча тарихларда дoston этилган маликалар мисол онасининг қорнидан бахтли бўлиб туғилган эмиш. Аммо у зоҳиран беорому бесаранжом, ботинан ғарибаю ҳақирдай кўринар, зотан, келажакда ҳаётининг ўзгариб, яхшиланиб кетишига асосли бир умид ҳам йўқ эди. Мен ҳар йили рожество ҳайитига уйга келганимда уни бир хил ҳолатда учратардим: ҳар гал дарича ёнида турли қуроқ қоғозлардан гул ясаётган ёки қўшнилари билан қариқизлар айтадиган қадимий қўшиқларни хиргойи қилаётган бўларди ва бу ҳол уни кўзимга янада қоқсуяк, нотавон қилиб кўрсатарди. «Анави суяклари шақиллаб, қўриқчига айланиб қолган нозанин уруғинг бир тирговичга жудаям зор-да», деган эди бир куни менга Сантьяго Насар. Бир сафар, опасининг қазосидан сал аввалроқ, мен уни кўчада илк бор одмигина кўйлак кийган, сочлари ўрилган аҳволда учратгандим ва бу ўша нотавонми, дея кўзларимга инонмаган эдим. Дарҳақиқат, бу киз фавқулодда бир очилиб кўчага чиққанди, чунончи, ёши улғайган сайин унинг одамовилиги ва тортинчоклиги ортган эди. Шунинг учунми, Байярдо Сан Романнинг унга уйланмоқчилигини эшитиб, кўплар ажабланди, бу ёт одам бир балони бошламоқчи-ёв, деган ғаразли фикрни билдиришди.

Анхеланинг уйидагилар уни Байярдо Сан Романга беришга жон-жон деб рози бўлишди, фақат Пура Викарио ишни бузиб, йигит аввал ўзининг кимлигини, насл-насабини билдирсин, кейин унашамиз, дея иккала оёғини бир этикка тираб олди. Ҳақиқатан ҳам, шу маҳалгача унинг кимлигидан, шажарасидан ҳамма беҳабар эди. Яллагичдай кийиниб кемадан тушган ўша оқшомдан кейинги туриш-турмуши ҳалойиққа маълум, лекин унғача қандай яшаган, ким бўлган — бу барчага қоронғи эди, ўзим ўтмишини яширарди, шу боисданми, бу хусусдаги ҳар қанақа узунқулоқ гап ҳақиқатга айланиб кетиши ҳеч гап эмасди. Эл ичида оғзи билан юрадиганларнинг айтишича, гўё у собиқ зобит эмиш, бутун-бутун кишлоқларни яксон этишда, Касанаредаги қирғинда қўли бор эмиш; яна у гўё Кайенадан, сургундан жуфтакни ростлаган қочқин эмиш; баъзилар эса унинг Пернамбукода бир жуфт айиқни



ўйнатиб юрганини кўришган экан; кимларнингдир таъкидлашича, у — Шамоллар каналидан испанларнинг қачондир денгизга чўккан, олтинлар юкланган кемасини тортиб олган омадли қароқчилардан бири эмиш. Байярдо Сан Роман ёлғон-яшиқ гапларга бирваракайига барҳам берди: шаҳарчага оиласидагиларни бошлаб келди.

Улар тўрт киши: Байярдонинг отаси, онаси, иккита офатижон синглиси «форд-Т» машинасида антика библиовчи сигналинни чалдириб, эрталаб соат II ларда шаҳарга кириб келишганида, кўчаларни қийчув босиб кетди. Онаси — асли курасаолик тўлагина мулат хотин, Альберта Симондс ёшлигида Антиль оролларидаги икки юз гўзалдан бири ҳисобланган, айни чоқда у испанчани «папиамьенто»<sup>1</sup> часига шева билан қалаштириб гапирар эди. Қизлар айни етилган ёшда, худди минилмаган биядай дилтортар ва ёқимли эди. Улар орасида энг шарафли зот Байярдонинг отаси — генерал Петронио Сан Роман эди. У ўтган асрдаги гражданлар урушининг қахрамони, консерваторлар ҳокимияти даврида донг таратган, мавке қозонган ҳарбийлардан бўлиб, Тукуринко ёнидаги жангда полковник Аурелиано Буэндиани ер билан яксон қилган ҳам худди мана шу одам эди. Эл уни фахру гурур билан қаршилади, фақат менинг онамгина унинг кимлигини аниқ билгач, сўрашишга бормади. «Унашишгани яхши бўпти, — деди у менга совуққина қилиб. — Тўй ўз йўлига. Аммо Херинельдо Маркесни отишга буйруқ берган зобитни кўргани кўзим йўқ». Чол автомобиль ойнасида бошини чиқариб, шляпасини силкитаркан, неча йиллардан бери портретини кўравериб кўзи кўниккан оломон дархол генерални таниб, гуриллаб олқишлади. Петронио эгнига бугдойранг сурп костюм, оёғига эчки терисидан тикилган, иплари чаппарастасига боғланган туфли кийган, қаншарига занжири камзулига қадалган олтин пенсне қўндириб олган эди. Костюми ёқасида жасурлиги учун берилган нишон яраклар, олма шохидан ясалган, туткичига миллий туғро нақшланган ҳассани қўлида тутган эди. У машинадан биринчи бўлиб тушди: у бошдан-оёқ шаҳримиздаги расвойи жаҳон йўлларнинг чангу ғуборига қопланган эди. Халойиқ генералнинг савлатини кўрган заҳоти Байярдо Сан Роман кимни хоҳласа ўшанга уйлана олишига шубҳаланмай қўйди.

Бироқ Анхела Викарио унга турмушга чиққани унамади. «Мен чумолидай нозик, у эса ҳирсдай бир йигит эди, қанақасига рози бўлай», деди менга Анхела. Бундан ташқари, Байярдо Сан Роман кейинчалик қизнинг кўнглини овлашга заррачаям уринмади, бу унинг нафсониятига теғди, албатта; бинобарин, йигит Викариоларнинг барини ўзига оғдириб, қўйнига кириб олганига ишонган бўлса, ажабмас. Анхела Викарио ота-онаси, опалари ва поччалари меҳмонхонага йиғилишиб, ҳали тузукрок кўриб-билишга улгурмагани бир эркакка теғасан, дея зўрлашган ўша изтиробли оқшомни ҳеч унутолмасди. Эгизак акалари бу даврада йўқ эди. «Бу хотинларнинг иши, биз бунақа ишларга аралашмаймиз», деди менга Пабло Викарио. Қизнинг ота-онаси ўзларининг камбағаллигию қуда бўлгувчиларнинг бадавлатлик-

<sup>1</sup> Курасао оролида яшовчи аҳоли сўзлашадиган, португал, испан, голланд тилларининг қоришмасидан иборат шева.

ларини рӯкач килиб, тақдирнинг бундай эҳсонидан юз буриш ярашмайди, дея танбеҳ беришди. Анхела Викарио турмуш қуриш йўлида ўтиб бўлмас ғов турганлигини, яъни ўртада меҳр-муҳаббат йўқлигини айтиб, тисарилмоққа уринганида, онаси шартга сўзини бўлиб:

— Эринг бўлгач, севишнниям ўргатиб қўяди-да:— деди.

Бу куда-андачилик ўша пайтда бир мунча оғир кечадиган, бўлғувси келин-куёв ниҳоятда ғаразу сергаклик билан кузатиладиган унашувлардан фарқли ўлароқ, Байярдо Сан Романнинг қистову ҳаракати туфайлими, атиги тўрт ойга чўзилди. Пура Викарио, оиламизда мотамзадалик муддати тугамагунча тўй қилмаймиз, дегани билан фурсатни янада қискартиришнинг чораси топилмади. Аммо вақт ҳашпаш дегунча ўтиб кетди, ҳеч ким ортиқча азият ҳам чекмади — ҳамма ишларни Байярдо Сан Романнинг ўзи оппа-осонгина бажарди. «Бир окшом у мендан шахримиздаги қайси уй менга кўпроқ ёқишини сўради, — деди менга Анхела Викарио. — Гап нимадалигини англамай, энг яхши уй — ҳеч кими йўқ Ксиусники, деб жавоб бердим.» Агар у мендан сўраганида, мен ҳам худди шундай деган бўлардим. Ксиуснинг хонадони тепаликнинг қир учида, энг баҳаво жойда ўрнашган, пешайвони деразаларидан воҳадаги бинафшалар қийғос гуллаган ҳудудсиз ўтлоғу чаманзорлар кўзга яққол ташланиб турарди; ҳаво очик келган ёз кунларида эса, уфққа туташ Кариб денгизи соҳилларини, сайёҳларни ташийдиган, Картаген де лас Индиас<sup>1</sup>дан йўлга чиққан баҳри муҳит кемаларини кўриш мумкин эди. Ўша окшом Байярдо Сан Роман Киборлар клубига бориб, томдан тараша тушгандай, тўппа-тўғри бева Ксиуснинг рўпарасига ўтирди-да, у билан домино ўйнай бошлади.

— Эшитишимча, ҳеч киминг йўқ экан, оксоқол, — деди у. — Мен уйингни сотиб олмоқчиман.

— Уй сотилмайди, — жавоб берди Ксиус.

— Бор ашқол-дашқолларингниям қўшиб сотиб оламан, — деди йигит такаббуруна.

Бечора Ксиус дунё кўрган эскиларга хос назокату одоб билан уйдаги ҳамма нарсани раҳматли хотини иккови узоқ йиллар давомида яшаб-йиғиб юришганини, бу ашёлар ҳам, уй ҳам бир ёдгорликдай ўзига кадрдон эканини тушунтирди. «У худди дилини кафтига қўйгандай ичидагини очик-ойдин айтди, — дея эслади ўша куни улар билан бирга домино ўйнаган доктор Дионисо Игуаран. — Менимча, уйни сотиб, ўттиз йиллик умрини роҳат-фароғатда кечирган азиз макондан айрилишдан кўра, Ксиус ўлимни авло биларди». Байярдо Сан Роман беванинг аҳволини тушунди чоғи:

— Яхши, — деди. — У ҳолда қуруқ уйнинг ўзини сотасан:

Йигит Ксиусни ўйин тугагунча уйни сотишга қистади, бева кўнмади. Уч кундан сўнг кечқурун Байярдо Сан Роман унинг рўпарасида яна пайдо бўлди, бу сафар ўз ниятини амалга оширишга қатъий бел боғлагани шундоқ қиёфасидан сезилиб турарди. Улар домино ўйнай бошлашди.

<sup>1</sup> Колумбия шимолидаги улкан бандаг'оҳ, Боливар департаментидаги шаҳар.



— Ксиус, ўзинг ёлғиз яшайсан ахир,— дея мақсадга кўчди у,— шундай хонадоннинг сенга нима кераги бор? Бас, нархини айт.

— Уйнинг баҳоси йўқ.

— Оғзингга сиққанини сўра.

— Афсус, афсус,— деди Ксиус.— Байярдо, сиз ёшлар кўнгили ишларини унчалик тушунавермайсизлар-да.

Байярдо чолнинг гапига эътибор бермади, уйламай-нетмай:

— Хўп, майли, беш минг песо бераман, етадимми?— деди.

— Инсофингни ютма, йигит,— деди унинг исрофгарчилик қилаётганидан хафа бўлган Ксиус.— Уй бунча пулга арзимамайди.

— Ўн минг берай, хўп де,— хитоб қилди Байярдо Сан Роман.— Ҳозирнинг ўзидаёқ кўртдай санаб оласан, мана, банкнотим ёнимда.

Бева унга кўзларидан ёш тошиб қаради. «У ғазабдан, аламдан йиғларди,— деди менга доктор Дионисио Игуаран. У нафақат доктор, балки ёзучи ҳам эди.— Ахир, ўзинг уйлаб кўр, қаршингда, кўлингнинг гапига кириб, керак эмас, дейиш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди». Ксиуснинг дами ичига тушиб кетди, сўнг аламу изтироб ичра бошини сараклатиб, бўлмади, деди.

— Шундайми? Ҳа, майли,— деди Байярдо Сан Роман.— Энди мендан охириги мурувватингни аямай, беш дақиқа шу ерда кутиб ўтир.

Чиндан ҳам беш дақиқа ўтар-ўтмас, у кумуш уқали чарм халтасини кўтариб, киборлар мажлисгоҳига қайтиб келди, халтадан ўн боғлам пул олди-да, столга қўйди: ҳар бир боғлами минг песодан бўлган пулларга Давлат банкининг муҳри босилган, қоғози шилдирок бел-боғчалар билан ўралган эди. Ана шу воқеадан сўнг икки ой ўтиб, бечора Ксиус казо қилди. «Уйи унинг бошини еди,— деди менга доктор Дионисио Игуаран.— Ксиус орамиздаги энг соғлом одам эди, аммо мен унинг кўксига қулоқ тутиб, юрагида кўзёшлар қулқуллаётганини, паймонаси аламу изтироб йиғисига тўлганини сездим». Ксиус ўтган-кетганни одамлар эсга солмасин деб, уйини бор буди билан сотди, пулларни асраш учун бирорта сандиқча ҳам олиб қолмади. Байярдо Сан Романдан пулларни аста-секин тўлаб боришни ўтинди, холос.

Анхела Викарионинг қиз эмаслигини бирорта инсон гапириш тугул хаёлигаям келтирмаганди. Унинг бирор йигитни сайлаб, пинҳони сўзлашиб юрганини ҳам ҳеч кимса кўрмаган, зотан, у онасининг чизган чизиғидан чиқмай ўсган — буни ҳамма биларди. Тўйдан икки ой олдин, келин-куёв бўлажак истиқоматгоҳларини кўришга кетаётганларида, Пура Викарио қизини Байярдо Сан Романга қўшиб ёлғиз юборишдан кўрқиб, тўғрироғи, Анхеланинг исматини сақлаш ниятида, кўр эри билан уларни кузатиб борган эди. «Мен тангрига ё жонимни ол, ё ўзимни ўлдирмоққа етадиган ирода ато эт, деб роса ёлвордим,— деди менга Анхела Викарио.— Аммо у сўзимга қулоқ солмади». Анхела ростданам роса қийналган, ич-этини еяётган дардни онасига очиб, нопоклик изтиробидан қутулмоқни истаган, бироқ бу хусусда анави — дарича ёнида қоғозгул ясаб ўтирадиган сирдош дугоналарига айтганда, ўша шайтоннинг урғочилари бечора ситамкаш-

ни тўғри йўлдан қайтаришган. «Мен уларнинг раъйига қарши боролмадим, — деди Анхела Викарио менга. — Икковиям бидирлаб-бидирлаб эс-хушимни олди, бундай ҳолда эркак зотини алдаб-ишонтириш усулларини ўз тажрибаларидан гапириб, ахири сўзларига киритдилар». Улар Анхелани авраб, кизларнинг барчаси болалигидаёқ, тасодифан, ўзиям сезмаган ҳолда исматидан айрилиб қолади, дея ишонтиришди. Яна: ҳар қанақа ўжар эркак ҳам, агар келиннинг жувон чикқанини бошқа бирор кимса билмаса, ночорликдан муросага келади, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверади, дейишди. Ниҳоят, кўпчилик йигитлар биринчи кеча ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўяди ва келин билан қўшилгач, нима иш қилиб қўйганини билмайди, окибатни идрок этадиган ахволда ҳам бўлмайди, деб содда Анхеланинг ақлини ўғирлашди. «Чойшабда доғ борми, бас, уларга шунинг ўзи кифоя», дея миясига қуйишди. Хуллас, икки иблишева дугонаси дунёдаги маълум барча макру ғараздан Анхелани воқиф этишди, охир-окибат келин илк кечани рисоладагидай ўтказадиган, жимо фурсатида ўзини қиздай тутадиган, наҳорда туриб, бокиралик рамзи-доғли чойшабни офтобга ёядиган бўлди.

Ана шундай умиду ғаразли хаёл билан у турмушга чиқди. Байярдо Сан Роман эса, бахтимни топдим, мен уни ўз бойлигим ва мавкеим таъсирида қўлга киритдим; бир данғиллама тўй қилайки, бутун эл огзини ланг очиб қолсин, дея ўйлар, миясида тўйни дабдабаю асъаса билан ўтказиш хусусидаги тентакона хаёллар гўжғон ўйнар эди. Епископ келадиган кунни эшитгач, тўйни ўша улуг айёмга қолдириб, ҳазратнинг ўзига никоҳ ўқиттирмоқчи бўлди, лекин Анхела Викарио бунга кўнмади. Анхела Викарио бунинг асл сабабини менга аён этиб: «Ростини айтганда, фақат ҳўрознинг тожидан шўрва қайнатиб ичадиган, сўнгра парранданинг қолган қисмини бутунича кирўрага ташлаб юборадиган кимсанинг фатвосини олишдан ирим қилдим,» деди. Епископнинг оқ фотиҳасисиз ҳам тўй жўнашиб, бирам шохона тус олиб кетдики, охир-окибат базму тантана тўс-тўполонга айланди, Байярдо Сан Роман ҳам бош-учини йўқотиб қўйди, хуллас, бутун шаҳар аҳли оёққа турган киёмат бир айём бўлди.

Бу сафар генерал Петронио Сан Роман уй ичи билан бирга Миллий мажлис вакилларига қарашли байрам кемасида келди; тўй тугагунча кемани лангаргоҳга занжирлаб қўйишди. Генерални кузатиб аллақанча маъмуру мансабдорлар ҳам ташриф буюришган эди, улар азбаройи кўплигидан, оломон орасига қўшилиб, билинмай кетди. Тўёналар ҳам беҳад-беҳисоб эди, шаҳардаги ташландиқ электростанция биносини супуриб-сидириб, совға-саломларнинг энг қўримлиларини ўша жойга қўйишди, қолганларини Ксиуснинг собиқ гўшасига жўнатишди, у ерда келин-куёвни кутиб олиш учун тараддуд авжида эди. Куёвга тепаси очиладиган автомобиль тўёна қилишди, машинанинг биқинига бўртма ҳарфлар билан Байярдо Сан Роман номи ёзилган эди. Келинга меҳмондорчиликда йигирма тўрт кишига етадиган олтин қошиғу санчки совға этилди. Базмга бир гуруҳ раққослар ва икки гуруҳ машшоқлар қақирилганди, машшоқлар маҳаллий ҳаваскорлар билан соз чалиб, талашиб-тортишиб, рақс тушишиб роса базмни қиздиришди, бу орада олийшон тўйнинг даранг-дурунгини



олисан эшитган дайди гармончию ноғорачилар ҳам етиб келишиб, шовқин-суронни яна бир парда кўтаришди.

Викариолар уйи беҳашам, оддийгина эди: девори гиштдан урилган, томи хурмо шохлари билан ёпилган, томида иккита туйнук бўлиб, январда учиб келган қалдирғочлар ин соларди. Ойнаванд айвондаги гултувакларга қўйилган гуллар тўрт фасл мобайнида барқ уриб, яшнаб турар, нарироқда — чокқина ичкари ҳовлидаги мевали дарахтлар тагида эса товуқлар қақақлаб, насибасини териб юрар эди. Ташқари ҳовлига ака-ука эгизаклар чўчкаҳона қурган, унинг ёнида чўчка бўғизланадиган «муқаддас тош», гўшт чопиладиган кундалар кўзга ташланади — Понсио Викарионинг кўзи ожизланиб, дунё меҳнатидан қутулгач, қора қозонни қайнатадиган, оилага даромад берадиган асосий манба шу ер бўлиб қолган. Бутун ишни Педро Викарио ўз қўлига олганди, у ҳарбий хизматга кетгач, саллоҳлик ва қас-соблик анжомлари Паблога қолди.

Уйлар тангу тор, ётиб-туришгагина ярарди, келиннинг опалари тўйнинг бунчалик катталашиб кетганидан ўзларини йўқотиб, қўшниларнинг уйини сўрамоқчи ҳам бўлишди. «Опаларимнинг фаросатсизлигини кара-я,— деди менга Анхела Викарио уларни ёзгириб,— лаънати Пласидо Линеронинг уйини сўраймиз деб туришганди, отам бу гапдан хабар топиб, қизларимнинг тўйи мана шу каталакда ўтади, хоҳлашмаса, катта кўча, менга деса бир умр эрсиз ўтиришсин, деб сўкиб берибди». Уй эгаси бўёғи устидан яна сарикқа бўялган, деворидаги ёриқлар суваб-текисланган, хоналарнинг поли тузатилиб, янгитдан бўялган, хуллас, хонадон дабдабали тўй-томошага мос бир ҳолатга келтирилган эди. Эгизаклар ташқари ҳовлидан ҳайвонларни бошқа жойга кўчиришди, чўчкаҳонани оҳаклаб, супуриб-сидиришди, шунда ҳам бари бир жой тор эди. Охири Байярдо Сан Романнынг маслаҳатига амал қилишиб, атрофдаги тахта деворларни ўрнидан кўчириб, ҳовли сахнини кенгайтиришди; қўшнилар билан ҳам келишилди: уйин уларнинг ташқи ҳовлисида ўтадиган бўлди, доимо ям-яшил очилиб турадиган тамархиндий дарахтлари остига узун йиғма хонтахталар ва курсилар ўрнатилди.

Тўйдан олдин куёв кичкинагина бир томоша кўрсатди — тўй куни эрталиб келишилган вақтдан роса икки соат кеч келди, шунда Анхела Викарио никоҳ либосларини киймайман, деб роса хархаша қилди. Кўнгилларни ҳаяжон ва ҳадик булути қоплади. «Келмаса келмай ўлсин, очик мазорга борсин эди! — деди менга Анхела Викарио ўша кунни эслаб.— Кўзимга мутлақо кўринмай, изи қирилиб кетсаям хурсанд бўлардим, аммо келинлик рўмоли бошимда, куёвсиз ёлғиз ўтиришга чидаёлмасдим, алам ўтганди». Унинг ранжу хавотири ўринли эди; ахир аёл зоти учун келинлик кийимига етишган куни куёви ташлаб кетиб, икки кўлини бурнига тикиб, чапагини чалиб қолаверидан бешбаттар шармандалик йўқ-да. Ўшанда Анхела Викарионинг ифбатсизлиги, тақдир қаҳридан қўрқмай бошига гулчамбар кийиб, оқ рўмол ўраганидан, одамлар ғазабланишди, бу қизлик шаънини, покликни оёқости қилишдир, дейишди. Фақат менинг онамгина Анхела Викарионинг ўз ниятини амалга оширишда қатъий, собит турганини тўғри изоҳлаб: «Ўша пайтда унинг шундай йўл тутиши худогаям

хуш келган», деди. Бирок Байярдо Сан Романнинг асл мақсади ҳам, қисмати ҳам ҳеч кимга маълум эмасди. У фрак ва цилиндр кийиб тўйда пайдо бўлган ондан бошлаб, базму уйиннинг охиригача омага саодатманд куёв киёфасида кўриниб, ўйнаб-кулиб юрган.

Сантьяго Насарнинг ҳаётига буларнинг нечоғли алоқадорлигию унинг умр шони бу машъум тўй окшоми билан нақадар боғлиқлиги ҳам барчага қоронғи эди. Мен, Сантьяго Насар, Кристо Бедойя ва укам Луис Эрнике тўртовлон черковда, тўю томошада бирга бўлардик, ўша куниям ажралмагандик, аммо, вожаб, Сантьяго Насарнинг юз-кўзида бирор ўзгариш ё ҳадик аломатини сезмадик. Болаликдан бирга ўсдик, мактабда ўқидик, таътиллерни ҳам тўртовлон бирга ўтказганимиз туфайли орамиздан қил ўтмас эди, аммо йигитчиликда бўладиган ишлар: ким-ким билан қандай алоқа ўрнатганию ишрат қилганини билганимиз ҳолда Сантьяго Насарнинг ана шу сиридан беҳабарлигимиз барчани бирдай таажжубга соларди. Шу ҳақда, мендан сўраганларга ўзимча жавоб ҳам бердим.

Сантьяго Насар байрамни, тўй-томошани жонидан ортиқ кўрарди, ўша куниям тўйга кетган сарфу харажатни ҳисобларкан, ўлими олдидан бемисл бир лаззатни туйган эди. Унинг ҳисобига кўра, черковни безатиш учун сотиб олинган гулларнинг пулига ўн тўртта дафн маросимини олий даражада ўтказса бўларкан. Унинг бу гапини узок йиллар ёдимдан чиқармадим. Сантьяго Насар, хонадаги гул иси менга ўлимни эслатади, деб кўп марта таъкидлаганди, бу гал ҳам, черковга кираверишда, айна шу совуқ сўзни тилга олди. «Мен ўлсам, тобутимга гул қўйманглар», деганди сўнгра; албатта, ўшанда эртасига унинг бу васиятини бажариш учун нечоғли елиб-югуришим лозимлигини ўйлаб ҳам кўрмаган. Черковдан Викариолар уйига қайтишда у кўчаларни ясатишга кетган гулчамбару қоғозгуллар нархини, машшоклару раққосларга, петарда-метардага ўхшаш портлагичу мушакларга, ҳаттоки кўча-кўйда тўйга келганлар бошидан сиқимлаб сочилган гуручга сарф этилган пулни ҳам тийинма-тийин ҳисоблаб, жамлаб борди. Чошгоҳда, ҳаво айна дим бўлган бир паллада, русумга кўра, келин-куёв етаклашиб ҳовлини айланиб чиқишди, у-будан тотинишди. Байярдо Сан Роман аллақачон бизга элакишиб кетган, курдошларим тили билан айтганда, ҳамшишамизга айланган, айна чоқда ёнимизга келиб ўтириб, ўзини жуда хушқайф, хушсўхбат тутар эди. Анхела Викарио гулчамбари билан оқ рўмолини ечиб қўйган, терлаганидан атлас қўйлаги баданига ёпишиб турар, ўзи ҳам бирдан жувон киёфасига кириб қолгандай кўринарди. Сантьяго Насар ҳамон ҳисобкитоб билан машғул бўлганидан Байярдо Сан Романга қараб, ҳозиргача тўйга тўққиз минг песога яқин пул сарфланганини билдирди. Анхела Викариога бу бетамизлик бўлиб туюлди. «Онам менга, бегоналар олдида пул ва сарфу харажат хусусида гапириш айбдир, деб тарбия берган», деди у кейинчалик менга ўша ҳолатни изоҳларкан. Алалҳол Байярдо Сан Роман Сантьяго Насарнинг бу гапини эшитиб, маъқуллади ва ҳатто бундан мағрурланди.

— Энди тўққиз минг кетибдимми?— деди у парвосизгина.— Тўй энди бошланяпти. Базм ўтгач бу ҳисоб икки баравар ортади.

Шунда Сантьяго Насар, сарфни тўй охиригача, энг сўнги сента-



восигача ҳисоблайман, кейин текшириб кўринглар, деди ва бевафо умрининг сўнги муддатидаги вафоси боис бу ваъдасини бажарди. Эртасига, фалокатдан роса қирқ беш дақиқа аввал, биз яна бандаргоҳда учрашганимизда, Кристо Бедойя унга ҳисоб-китобда етмай турган сўнги рақамларни айтганда, у Байярдо Сан Романнинг таҳмини тўғри эканига амин бўлди.

Бу тўй тўғрисида илгарилари элас-элас эслардим, кейинчалик, одамлар хотирасидаги шу тарихга оид асл тафсилотларни синган кўзгу парчаларидек бир-бир териб, йиғиб, тасаввуримда тиклагач, кўп нарсалар равшанлашди. Отамнинг ана шу тўйда ёнжак чалганини, роҳиба синглимнинг зоҳидлар кийимида меренге<sup>1</sup>га ракс тушганини, онамнинг ўғай акаси, доктор Дионисо Игуараннинг епископни ёқтирмаслиги боис ўша куни пошшолик кемасида сафарга жўнаб кетганини — барчасини бизнинг уйдагилар узоқ йиллар мобайнида хотирлаб-гапириб юришди. Мен бу асарни ёзишдан олдин ўша воқеанинг шохидларини топиб, сураб-суриштириб, суиқасд ва қотилликка расман оиду нооид жуда кўп тафсилларни тўпладим; масалан, Байярдо Сан Романнинг офатижон сингиллари барчанинг ёдида қолган экан: ўшанда барқут қўйлаklarининг ёқасига тилла капалак шаклидаги тўғноғични қанотидан қадаб олган икковини кўрган бани одам ақлидан айрилиб термиларди, бинобарин, генералнинг бошидаги қўш қарқараси ва кўксидagi ялтилаган нишонларидан кўра ҳамма унинг малоҳатли қизларига кўпроқ қарарди. Тўй, ўйин-кулги роса авжига минганда, ўйлаб-нетиб ўтирмай, эндигина бошланғич мактабни тугатган Мерседесга, менга теккин, дегандим — шуниям одамлар эсимга солишди; ўн тўрт йил ўтгач, унга уйланганимда, айна шу сўзларни Мерседеснинг ўзиям бир неча бор гапирган. Ўша машъуму балокаш якшанба айёмида, ҳовлининг ўртасида, курсида ўтирган бечора чол Понсио Викарионинг кийёфаси бир умр ёдимдан чикмас. Афтидан, шу ер энг обрўли жой, деб ўйлаб, яқинлари уни ҳовлининг ўртасига ўтирғизиб қўйишганди, аммо ўтган-кетган меҳмонлар унга урилиб, қоқилишар, танимаганлар қандайдир кимсасиз, бадбахт кўр, деб ўйлашар, қариндош-уруғлари эса, чол одамларга халақит бермаяптимики, дея хавотирланишар эди. Мўйсафид оппоқ сочли бошини саломлашгандай сараклатиб қўяр, яқиндагина кўзи ожиз тортган бечора сўкин банданинг юзида бесаранжомлик, ҳаяжон қотиб қолган эди; у гоҳо саволларга жавоб қайтарса, гоҳо бировларга берилган саломга алик олар, бундан ўзида йўқ хурсанд эди; унинг оҳорланган қўйлаги қалин қоғоздан тикилгандай дўппайиб турар, қўлида тўёна қилинган, гуайякан оғочидан ясалган ҳассани ўйнатиб турар эди.

Кечки соат олтида олийнасаб, фахрли меҳмонлар хайр-хўшлашиб жўнашди, тўйнинг тантанали қисми шу билан поёнига етди. Кема кўзғолиб, анвойи ранг шуълалар таратиб бандаргоҳдан узоқлашаркан, пианолада чалинган мусиқа садолари ҳам гўё унинг ортидан сузиб борди; биз худди жар ёқасида осилиб қолгандай ҳушимиздан айрилиб, бир фурсат қотиб қолдик-да, сўнг бир-биримизга қараб,

<sup>1</sup> Меренге — колумбияликларнинг халқ ракси.

Ўзимизга келиб, яна ўйин-кулги, базму маишат гирдобига шўнғидик. Бир оз фурсатдан кейин оломон ўртасидан аранг йўл топиб, усти очик автомобилда келин-куёв кириб келишди. Байярдо Сан Роман портлагич мушакларни отди, кимлардир шакарқамиш майидан узатган эди, у майни шиша-пишаси билан кўтариб, оғзига куйиб, култиля-тиб ичди-да, сўнг Анхела Викариони култиклаб машинадан тушди ва кумбия<sup>1</sup>га ракс тушаётганлар даврасига қўшилиб, то ҳолдан той-гунча ўйнади. Охири у одамларга: пули туланган, машшоклар ҳеч ёққа жилмайди, йиқилиб қолгунча ўйнаб-кулинглар, деб буюрди-да, ўлардай кўркиб, жони халқумига келган хотинини етаклаб, қачонлардир бева Ксиус бахту осудалик нашидасини сурган, кейинчалик маҳбубасига матлуб бўлган уйга кириб кетди.

Ярим кечада оломон тарқалди, майдонда яна Клотильде Арментанинг сут дўконигина сўппайиб қолди. Сантьяго Насар, мен, укам Луис Энрике ва Кристо Бедойя биргалашиб Мария Алехандрина Сервантес хонимнинг лаззатижон уйига жўнадик. У ерда ўтирганлар ичида эгизак Викариолар ҳам бор эди, улар бизга қўшилишиб май ичишди, Сантьяго Насар билан — уни ўлдиришларидан беш соат аввал — роса кўшиқ айтишди. Тўйдан қайтаётган кишиларнинг маст-аластларча бакирик-чакириклари, сўкинишлари қаёқлардандир, ҳамон эшитилиб турарди, уларнинг товуши қандайдир маҳзун, аламли туюларди; ниҳоят, епископ тушган кема келмасидан сал бурун, бу овозлар тинди.

Пура Викарионинг онамга айтишича, у кечки соат ўн бирларда, тўйнинг тўс-тўполони тинчигач, қизлари билан уйни сал-пал тартибга келтириб, ухлагани ётган. Ундан олдинроқ, соат ўнларда, катта айвонда ҳамон бир гуруҳ майпарастлар айш суриб ўтиришганда, Анхела Викарио ётоғида турган, айрим нарсалари солинган саквояжига киши йўллаган: онаси унга баъзи кийимлари, чойшаблар тахланган жомадонни ҳам бериб юбормоқчи бўлгану, бироқ киши азбаройи ошиқаётганидан жомадонни олмаган.

Эшик тақиллаганда, Пура Викарио донг қотиб ухлаб ётганди. «Эшик секин-секин уч марта тақиллади, — деган у онамга. — Эшитдим у кўнглим бир фалокат юз берганини сезди». У чирокни ёқмасдан ва ҳеч кимни уйғотмасдан, оҳиста эшикни очган, кўчадаги чирок ёруғида Байярдо Сан Романни кўрган: унинг тугмалари қадалмаган ок кўйлаги устидан рангин шимига елкалари оша тақилган шимтасмаси осилиб турарди. Пура Викарио онамга: «У бамисоли алақчалак тушда кўринадиган ажинадай ям-яшил эди», деган. Анхела Викарио қоронғида беркиниб турган, сўнг Байярдо Сан Роман унинг кўлидан тутиб ёруққа судраб чиққан. Баданининг у ер-бу еридан атлас кўйлагининг йиртиқ-сиртиқларигина осилиб қолган Анхела думбасига сочик ўраб олган эди. Пура Викарионинг кўзига улар, гўё жарга автомобилдан учиб тушиб ўлганлару айна аснода руҳлари бу ерга келгандай туюлди.

— Воҳайрато, эй қодир эгам! — дея хитоб қилган у кўрқувдан

<sup>1</sup> К у м б и я — колумбияликларнинг халқ ўйини.



даг-даг титраб.— Агар тирик бўлсаларинг, жавоб беринглар: нима гап ўзи?

Байярдо Сан Роман остонани ҳатламаган, бир сўзам демасдан бир кечалик хотинини оҳиста итариб эшикдан ичкари киритган. Сўнгра Пура Викарионинг юзидан ўпиб, чуқур алам ва киборларча назокат билан:

— Онажон, раҳмат сизга. Сиз жудаям олийжаноб аёлсиз,— деган.

Кейинги ўтган икки соат мобайнида неки рўй берган — бари фақат Пура Викариогагина аён эди, афсуски, у билганларини ўзи билан бирга гўрига олиб кетди. «Биргина нарса эсимда қолган,— дея иқрор бўлди менга Анхела Викарио,— онам бир қўли билан сочимдан ураб-ушлаб олиб, бир қўли билан жазаваси тутганича шундай саваладики, бу уришида ўлдириб қўяди, деб роса кўрқдим». Амма волидаи нотавон шарманда қизини шунчалар эҳтиёткорона калтаклаганки, нариги хонада ухлаётган эри ва катта қизлари бирор товушу шарпани сезишмаган, қон тўкилиб, фалокат қўпгунича кўз очишмаган.

Ака-ука қассоблар тунги учларда уйга қайтишган — шу заҳоти икковини онаси чакирган. Улар Анхела Викариони ошхонадаги диванда юзтубан ётган, бети кўкариб, қонталашган, йиғидан тийилган бир аҳволда кўришган. «Харқалай ўшанда кўрқувни унутиб, ўзимни тутиб олгандим,— деди менга Анхела Викарио.— Аллапайтлардан бери юрагимни туздай ачиштираётган васвасадан, талвасали тушдан фориғ бўлиб, дилим таскин топганди, энди фақат бир нарсани — гапсўз тугашини, тинчгина ўринга чўзилиб ухлашни истардим». Педро Викарио сал жангарироқ эди, у Анхеланинг белидан даст кўтариб, стол устига ўтказиб қўйди-да:

— Қани, ичингдагини яширмай айт,— деди газабдан титраб-қакшаб.— Ким бузган сени?

У бир исмни айтиш учун қанча фурсат зарур бўлса, шунча вақт индамай, тили калимага келмай турди. У қоронғиликка тикилганича гўё ўша номни ахтарарди, ниҳоят ҳар икки дунёга мансуб инсонлар исми орасидан излаганини топди ва худди беғуноҳ капалакни тутиб олиб, қанотидан деворга нечоғли ваҳшият-ла михлаб қўйилса, шундайин шафқатсизлик билан:

— Сантьяго Насар!— дедими, шу аснода азалдан маълум ҳукм ўқилди ва ажал элчилари йўлга тушди.

Оқловчи, қотиллик инсон шаънини ҳимоя қилиш зарурияти туфайли рўй берган, буни суд ҳайъати инобатга олади, деди; жавобгар ака-укалар сўнги сўзларида агарда номуслари топталиб, яна минг бор шундай вазият туғилса, яна минг бор шу ишларини такрор-лаяжакларини айтишди. Улар жиноят қилиб қўйгач, бир неча муддат саросималаниб туришган-да, кейин черковга бориб, қўлимизни қонга ботирдик, дея тан олишган — худди ана шу пайтда, биз уни номусимизни булғагани учун ўлдирдик, деб ўзларини оқлашлари мумкинлигини ўйлашган ва шу баҳонага маҳкам ёпишиб олишган. Ўшанда Сантьяго Насарнинг сўйилганини эшитган араблар ҳам консирашиб, дарҳол саллоҳлар изидан тушишган, ака-укалар таъқибдан қочиб ҳал-

лослаганларича тўппа-тўғри дорилқавмга киришган ва падар Амадорнинг олдига қони артилган пичокларини қўйишган. Энг оғир меҳнатлардан бири — ўлдириш меҳнатида икковининг ҳам силласи қуриб, адоий тамом бўлган кийимлари, қўллари тер ҳамда ҳали қотиб улгурмаган инсон қони билан қопланган эди. Кашиш қотилларнинг ўз оёқлари билан дорилқавмга кириб келганларини маъқуллаб, имонлари саломат эканидан миннатдорлигини билдирди.

— Биз уни қасддан ўлдирдик, — деди Педро Викарио, — бироқ айбимиз йўқ.

— Валлоҳи алам, балки тангри олдида бегуноҳдирсиз, бўталарим, — деди падар Амадор.

— Худониям, бандиям олдида бегуноҳмиз, — қатъий деди Пабло Викарио. — Номусимиз пок бўлсин деб шу ҳалол ишни қилдик.

Ака-укалар кейинроқ, жиноятни аниқлаш асносида бунданам беш-баттарроқ безбетлик қилишди, заррача айбимиз йўқ, оппоқмиз, деб туриб олишди, натижада Пласида Линеронинг кўча эшиги пошшолик ҳисобига тузатиб берилди — саллоҳлар Сантьягони ўлдиришдан сал аввал эшикка пичок ура-ура пайрахасини чиқариб, бузиб ташлашган эди. Улар Риоачидаги турмада уч йиллик муваққат камоқ муддатини ўташди, пуллари йўқлигидан озодликда юриш учун зарур тўловни тўлай олишмади; ҳибсдагилар ҳам иккала биродарни очиқлиги ва самимийлиги боис ёқтириб қолишди, бироқ ҳеч ким уларнинг пушаймон чеккани ё тавба қилганини сезмади. Дарҳақиқат, дастлаб уларнинг кўнглида Сантьяго Насарни дарҳол, исини чиқармай ўлдириш нияти бўлмаган, аксинча, кимнингдир халақит беришини исташган, бунинг учун қўлларидан келган барча ҳаракатни қилишган, аммо бахтга қарши бирор кимса лом-мим демагач, ноилож, беихтиёр одам-кушликка қўл уришган — бу фикрни кўпчилик тўғри деб тасдиқлади.

Орадан йиллар ўтгандан кейин менга одамларнинг айтишича, ака-укалар уни излаб аввало Мария Алехандрина Сервантеснигина боришган, чулки икки соат бурун шу ерда у билан бироқ май ичишганди. Бу далил бошқа далолатлар каби суднинг сўроқ жавоб ҳужжатларига киритилмаган. Викариоларнинг таъкидлашича, улар Сантьяго Насарни майхонадан топишолмаган, ростдан ҳам биз у пайтда айшхонадан чиқиб, кўчада кўшиқ айтиб юргандик, лекин саллоҳларнинг чинданам уни қидириб майхонага боришгани даргумон. «Агар улар менга йўлиққанларидамиди, бу ердан чиқариб бўлман эди», деди менга Мария Алехандрина Сервантес. Хотин тўғри гапни айтди, зотан иккала йигит унинг лаззатхонасига кадам қўйгач, ҳирсларига кул бўлиб, у ердан оёқ узиб кетолмай қолишарди. Ажабланарлиси шундаки, Викариолар Сантьяго Насарнинг ўлсаям у жойга келмаслигини била туриб Клотильде Арментанинг сут дўконига боришган. «Бирдан-бир очиқ дўкон шу эди-да», деган улар терговчига. Менга эса, турмадан чиқишгач: «Эртами-кечми бари бир шу ердан ўтарди», дейишди. Пласида Линеронинг кўча эшиги доимо, ҳаттоки кундузиям ичкаридан берк бўлишини, Сантьяго Насар чўнтагига орқа эшик қалитини солиб юришини ҳамма биларди. Агарда у ўшанда уйига қайтганидаям, шубҳасиз, орқа эшикдан кирарди — қосидлар уни бутунлай тесқари томонда бир соатча кутишган, у епископга пеш-



воз чиқиш мақсадида майдон тарафга тўппа-тўғри кўча эшик орқали ўтган, нима учун бундай қилганига терговчининг ҳам ақли етмади.

Бутун халойиққа олдиндан маълум этилиб, сўнгра амалга оширилган бундай ин ошқора қотилликни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган. Сингиллари зинокорнинг отини айтгач, биродарлар чўчка бўғизланадиган бостирма сари йўналишган, қассоблик асбоблари ичидан энг яхши иккита пичоқни танлашган. Бирининг узунлиги ўн, эни икки ярим пультада<sup>1</sup> бўлиб, унда, гўшт нимталашарди, иккинчисининг узунлиги еттию эни бир ярим пультада эди — у билан ҳайвон териси шилинарди. Пичоқларни латтага ўраб, чархлатгани бозорга, қассоблар растасига етиб боришганда, дўконлар эндигина очила бошланган экан. Тонг саҳарлаб, ҳаққанинг тумшуғи куруклигида бозорга келганлар унчалик кўп эмасди, аммо йигирма икки киши Викариоларнинг нима дейишганини эшитган, йигирма иккита инсоннинг шаҳодат беришича, саллоҳлар ёвуз ниятларини атайлаб ошқора айтаверишган. Қассоб Фаустино Сантос, Викариоларнинг оғайниси, эндигина ичак-чавақ солинган қутини дўконга қўйиб турганида улар кириб келишган, шунда соат учдан йигирма дақиқа ўтганди; қассоб иккала саллоҳнинг нега бунчалик бемаҳалда, яна душанбада, тўйда кийиб юрган қора мовут костюмларини ҳам ечмай йўқлаб келишганига ҳайрон бўлган. Фаустино оғайнилари одатда ҳар жумада, бу пайдан сал кечроқ, чўчка бўғизлаганда тутиладиган тери пешбанд таққан ҳолатда кўришга ўрганиб қолганди. «Роса ичишибди-да, деб ўйладим, — деди менга Фаустино Сантос, — шунинг учун ҳам соат тугул куннинг ҳисобиниям йўқотиб қўйишган-да». Қассоб уларга бугун душанба эканлигини айтган.

— Оббо тентагей, ким сенга душанба эмас деяпти, — деган Пабло Викарио. — Биз пичоқни ўткирлатгани келдик.

Чархни айлантириб, пичоқларни ўткирлай бошлашган, одатдагидай Педро пичоқ тигини чархтошга галма-гал тутиб турган, Пабло дастакни айлантирган. Иш давомида қассобларга тўйнинг нечоғли данғиллама бўлганини оғиз кўпиртириб мақташган, баъзи қассоблар эса, уларнинг ҳамқасби бўлатуриб, тўй тортидан ўзларига тегмаганини айтиб гина қилишган, биродарлар юпатишиб, сизларга аталгани ҳам бор, дейишган. Ниҳоят, чархлана-чархлана пичоқ сайраб юборгач, Пабло тиғи ялтилласин деб уни чироққа тутган. Сўнг:

— Ҳозир мана шу пичоқ билан Сантьяго Насарни сўйгани бо-рамиз, — деган.

Одамлар икковиниям батартиб, мўмин-қобил йигитлар эканини яхши билишарди, шунинг учун бу гапга ҳеч ким эътибор бермаган. «Ҳамма уларнинг бу гапига маст одамнинг алжираши-да, деб қараганди», дейишди менга баъзи қассоблар; Виктория Гусман ҳам, ака-укаларни кейинчалик кўрган кишилар ҳам асосан шундай фикрда эди. Бир сафар мен қассобларга, шу қасб-қордаги одамлар қониди туғма қаттоллик майли бўлса керак, дегандим, бошим балога қолди. Улар бу мулоҳазамни рад этиб: «Ҳайвонни сўяётганда, кўзига қарай олмайсан киши», дейишди. Улардан бири эса, ўзим сўйган бирорта

<sup>1</sup> Пультада — қадимий испан ўлчов бирлиги, 23 мм. га тенг.

жонлик гўштини ейолмайман, деди. Бошка биттаси аввал бир бор кўрган ёки, айниқса, сутини ичган сигирни сўёлмаслигини айтди. Шунда мен ака-ука Викариоларнинг ўзлари боққан, ўрганиб қолган, ҳаттоки эркалаб ном қўйиб юрганлари неча-неча чўчкани киприк қокмай бўғизлашларини қассобларга айтгандим: «Бу гапингиз тўгри,— деди бири.— Аммо сиз улар чўчкаларига одамлар отини эмас, гулларнинг номини қўйишганини унутманг-да». Пабло Викарионинг дағдағаси ёлғондакам эмаслигини англаган ёлғиз одам Фаустино Сантос унга ҳазиллашиб: атрофда калласини шартта узиб ташлаш шарт бўлган қанча бой-бадавлат кишилар юрибди-ю, сенлар нега энди айнан Сантьяго Насарни ўлдирмоқчисизлар, деб сўраган.

— Бунинг сабабини Сантьяго Насарнинг ўзи яхши билади,— деб жавоб қайтарган Педро Викарио.

Фаустино Сантос ўзини қўярга жой тополмай қолган, кейинчалик менга айтганидек, бир оз ўтгач, шаҳар ҳокимининг нонуштасига печенье олгани миршаб келган, унга бу гапни тушунтирган. Суд хужжатларида қайд этилишича, миршаб Леандро Порной отли кимса экан, у тўйдан бир йил кейин, салтанат байрами кунда, бука сузиб, бўйнидаги шох томири ёрилиб ўлган. Шу боис у билан гаплашолмадим, инчунун, Клотильде Арментанинг тасдиқлашича, унинг сут дўкони ёнида Викариолар Сантьяго Насарни ўлдирамиз деб ўтиришганида, икковини даставвал ана шу миршаб кўрган.

Клотильде Армента эндигина эрини уйига жўнатиб, пештахтани арта бошлаганида ўшанда: эр-хотин дўконни бирга очишар, эрталаб сут, кун бўйи турли озик-овқатлар сотилар, кечкурун соат олтидан кейин бу каталак майхонага айланарди. Хотин дўконни тонги соат 3-у 30 да очган. Унинг эри, яхшиларнинг яхшиси дон Рохелио де ла Флор, майхонани ҳар галгидай соат бирда ёпмоқчи бўлган, тўйдан чиқиб, атрофда тентираб юрган майпарастрларнинг бирчаси шу ердан қўним топиб, гап таъсир қилмайдиган даражага етгач, у соат учдан кейин дўконни беркитмасдан уйига ухлагани жўнаворган, Клотильде Армента эса, епископ келгунича сутни сотиб улгурай, деб барвақт турган эди.

Викариолар дўконга соат 4-у 10 да киришган. Одатда бу маҳалда фақат егуликлар сотиларди, аммо Клотильде Армента уларни бир шиша шакарқамиш майи билан сийлаган, бу унинг қассобларга эҳтиромидан эмасди, албатта. Ака-укалар унга тўй тортидан жуда катта бўлагини юбортиришган, аёл шундан хурсанд эди. Улар бир кўтаришда шишани бўшатишди-да, ҳеч нарса бўлмагандай ўтираверишди. «Икковиям музлаб-тўнғиб қолганга ўхшарди,— деди менга Клотильде Армента,— агарда ўша пайтда устларидан ермойи сепиб ёкиб юборилсаям, билишмасди». Сўнгра улар мовут костюмларини ечиб, айрича бир эҳтиёткорлик билан стул суянчиғига илишган-да, яна бир шиша май сўрашган. Кўп терлашганидан қўйлаклари анчагина кирланган, ўзлариям соқоллари олинмаганидан қандайдир ваҳшиёна тусга киришган эди. Биродарлар шишадаги майни энди бамайлихотир ўтириб, шошилмасдан, Пласида Линеронинг рўпарадаги уйидан кўз узмай, майдалаб ичишган; уй деразалари коронги, чироғи ўчик экан. Қосидлар назарини тиккан пешайвон тарафдаги энг катта дераза Сантьяго



Насар ётогиники эди. Педро Викарио Клотильде Арментадан, анави деразанинг чироги ёнмадими, деб сўраган, аёл йўқ деб жавоб берган, йигитнинг бу саволи унга ғалати туюлган.

— Бирор нарса бўлди унга? — қизиқиб сўраган аёл.

— Йўғ-э, тинчлик, — деган Педро Викарио. — Ҳозир у бизга жуда керак бўлиб қолди, ўлдирмоқчимиз.

Аёл бу қутилмаган гапга аввалига ишонмаган, аммо саллоҳлар қўлидаги сочиққа ўралган пичоқларга кўзи тушгач, ҳайронлиги янада ортган.

— Нега ўлдирмоқчисизлар-а, тагин шунчалик тонг-сахарлабда-я, сабабини билсак бўладими? — дея сўраган.

— Негалигини унинг ўзи билади, сенга қизиғи йўқ, — деган Педро Викарио.

Клотильде Армента икковиниям синчиклаб кўздан кечирган. У ака-укаларни жуда яхши биларди, айниқса, Педро Викарио ҳарбийдан қайтгач, ўзича эгизакларни бир-биридан фарқлай бошлаган эди. «Икковиям ёғур, кип-қизил бола эди-да, ахир», деди менга дўкончи хотин. Худди мана шу фикри қўрқитиб юборган, зотан, фақат болаларгина ҳар ишга қодир, дея ҳисобларди. У сут шишаларини ташиётган жойида ишини ташлаб, эрини дўкондаги аҳволдан хабардор қилгани уйига чопган. Дон Рохелио де ла Флор заифасининг сўзларини мудраб ётиб эшитган.

— Кўпам жинни бўлаверма, — деган у хотинига. — Икковиям одам ўлдирадиган, хусусан, бой одамга пичоқ кўтарадиган болалардан эмас.

Клотильде Армента орқасига қайтганида, саллоҳлар шаҳар ҳокимига сут олгани дўконга кирган миршаб билан суҳбатлашиб ўтиришганди. У эркакларнинг гапини унчалик англамаган, бироқ миршаб чиқиб кетаётиб уларнинг пичоғига кўз ташлаганида, демак, биродарлар унга ўз аҳдларини очик билдиришибди-да, деб ўйлаган.

Тўртдан сал аввал уйғонган шаҳар ҳокими полковник Ласаро Апонте миршаб Леандро Порной Викариоларнинг ёвузона қарори хусусидаги хабарни айтгани кирганида соқолини олиб бўлганди. Ўтган кеча полковник жанжалчи улфатлар ўртасидаги бир неча можарони тинчитиб чарчаган, сахарлаб яна бир фалокат ҳақида мулоҳаза ўйлашга шошилмас, зеро, бунга ҳуши ҳам йўқ эди. У бамайлихотир қийнган, капалакнусха бўйинбоғини кўнглидагидай чиққунча қайта-қайта боғлаган, кейин епископнинг кўзи тушар деган илинжда бўйнига Биби Марьям қавмларига мансуб туморни таккан эди. Пиёз қўшиб димланган жигарни еб ўтирганида хотини Байярдо Сан Роман Анхела Викариони онасиникига элтиб ташлабди, деган ҳовлиқиб, полковник эса унинг сўзига зиғирча эътибор бермаган ва:

— Э, тавбангдан кетай, худо-ей: — деган ҳазиллашиб. — Епископ энди нима деркин-а?

Бироқ шу заҳотиёқ полковник миршабдан эшитган гаплари билан хотини айтган сўзларни бир-бирига қиёсларкан, уларнинг чамбарчас боғлиқлигини англаган. У ўрнидан шитоб туриб, епископга илҳақ одамлар билан жонланган кўча бўйлаб, янги бандаргоҳ томондан майдон сари йўл олган. «Эсимда, шаҳар соат бешлар эди, ёмғир

томчилаб турарди», деди менга полковник Ласаро Апонте. Кўчада уни уч кимса тўхтатиб, эгизак Викариолар Сантьяго Насарни ўлдирмоқчи эканини хуфиёна хабар қилишган, улардан фақат биттасигина саллоҳлар қурбонни қайси жойда кутиб ётишганини аниқ айтган.

Полковник биродарларни Клотильде Армента дўкони ёнида учратган. «Уларни кўриб, болалар шунчаки удағайлашипти-да, деб ўйладим,— дея у менга кўнглидагини очик айтди.— Мен икковини ўлгудай маст, деб беҳуда хавотирланган эканман». Полковник улардан мақсадлари нима эканини сўраб ўтирмаган, пичоқларини тортиб олгану ухлагани уйга жўнайверган. У хотинининг ваҳимали сўзларига эътибор бермаганидек саллоҳларнинг бундай ўтиришларига ҳам лоқайд қараган.

— Ахир, мундоқ бир танангизга ўйлаб кўринг, епископ сизларни шу аҳволда кўрса, нима деб ўйлайди?— деган у Викариоларга.

Ака-укалар жўнаб кетишган. Клотильде Армента шаҳар ҳокимидан уларни камоққа олмагани учун хафа бўлган: жилакурса, ҳамма гап бирёқли қилинганча полковник икковини ҳибс этиши лозим эди. Полковник аёлнинг даъвосини эшитгач, қўлидаги пичоқларни далил сифатида кўрсатган ва:

— Энди нимаси билан сўяди, ваҳимачи?— деган.

— Наҳотки улар ёмонлигини қўяди, деб ўйлайсиз?— деган аёл унга.— Ахир, уларнинг зиммасида оила шаъни, бировни ўлдиришдек оғир мажбурият турибди, бечораларни ана шу юкдан қутқариш керак-ку!

Викариолар ёвуз ниятини амалга оширишда қанчалик қатъий бўлмасин, бирор сулҳпарвар келиб, икковини бу бадниятдан қайтишга ундашини, қаттоллик балосидан халос этишини сидқидилдан исташаётганини Клотильде Арментанинг кўнгли сезган. Полковник Апонте-нинг гофил дили бундан беҳабар эди, албатта.

— Шубҳага бориб бировни камаш мумкин эмас,— деган у.— Ҳозир энг муҳими, Сантьяго Насарни суиқасддан вокиф қилинса, бас, шунинг ўзи етарли, у ёғи — олам гулистон!

Клотильде Арментага полковникнинг хулқи ёқмасди, шунинг учун у ҳар доим, бу пакана, хўппасемизнинг енгилтаклиги бошига кўп маломатлар солади, деб ёзғириб юрарди, аммо, менимча, Ласаро Апонте, гарчанд бир оз алжиб қолган, баъзи бемаза ақидапарастлар почтада юборадиган қўлланмаларни ўқийвериб, мияси чалғиб, танҳоликда арвоҳлар билан сўзлашадиган қилиғи бўлсаям, ўзи асли бахтиёр инсонлардан эди. Бироқ ўша душанбадаги хатти-ҳаракатлари унинг шилдир кимсалигини ошқор этди. Гап шундаки, полковник Сантьяго Насарни бандаргоҳда кўриб қолмагунича уни эсига келтирмаган, кўзи тушган заҳоти суиқасд хусусида ўйлаб, индамаган, ҳеч нарса бўлмайди, деб ҳисоблаган ва подадан олдин чанг чиқармаганидан қувониб қўйган.

Викариолар шум ниятларини сут дўконига қирган ўн икки кишига айтишган, ана шу кишилар соат олтигача бу шумхабарни бутун шаҳарга ёйишган. Рўпарадаги уйда туриб Насарларнинг бу қасддан беҳабарлигини Клотильде Армента калласига сиздиролмасди. Унингча, Сантьяго Насар уйда эмас, зотан, ётоғининг чироғи ҳам ўчик эди;



аёл кимни кўrsa, Сантьяго Насарни учратсанг, шу гаплардан огоҳ эт, дерди; у ҳатто сутга келган роҳиба хизматчи орқали падар Амадорга ҳам хабар етказган. Соат тўртда у Пласида Линеронинг ошхонасида чироқ ёнганини кўрган ва дарҳол ҳар куни эрталаб бир ҳўплам сут тиланиб келадиган гадой хотинни, бор гапни айтгин, деб оксоч Виктория Гусман олдига юборган. Епископ тушган кема бўкириб овоз берган пайтда деярли барча одам уйғониб бўлган, бутун шаҳар аҳли унга пешвоз чиқишга ошиқмоқда эди; бизлар — умуман, эгизак Викариолар Сантьяго Насарни ўлдирмоқ ниятида пойлашаётганидан беҳабарлар бармоқ билан санарли эдик; бу пайтда суикасд ва унинг сабаби ҳақидаги шов-шув шаҳарни тумандай қоплаганди.

Ака-укалар қўлларида рўзномага ўроғлиқ пичоқларни тутганча яна дўкон ёнига қайтишганида Клотильде Армента ҳали сутни сотиб улгурмаганди. Битта пичоқнинг узунлиги ўн иккию эни уч пультада, тиғи қалин, занглаган эди, уни эски темир аррапичоқдан Педро Викарионинг ўзи, урушдан сўнг немис пичоқлари савдога кирмасидан сал аввал ясаганди. Иккинчи пичоқ калтароқ, лекин наригисидан энлироқ, ўроқдай эгри эди. Терговчи суд ҳужжатида пичоқни сўз билан ифодалай олмагани боисидан расмини чизиб қўяқолган, суврат остига ёзган хатида унинг кичкинагина туркий ятағанга ўхшашлигини таъкидлаган. Худди мана шу қўпол, ҳайвон сўядиган пичоқлар билан қосидлар Сантьяго Насарни қийнаб ўлдиришган.

Фаустино Сантос оғайниларининг хатти-ҳаракатини идрок этолмай қолган. «Улар яна пичоқ чархлагани қайтиб келишди, — деди у менга. — Кела солиб, Сантьяго Насарнинг ичак-чавағини ағдариб ташлаймиз, дея, атайлаб ҳамма эшитиши учун бақириб-чақира бошлашди. Мен бу оғзиполвонлар шунчаки валдирашяпти-да, дея кўнглимдан кечириб пичоқларига ҳам назар солмадим, олдингиси деб ўйлагандим-да». Саллоҳлар тағин дўкон рўпарасида кўринишлари биланок, Клотильде Армента уларнинг аввалги вазоҳатлари йўқлигини туйган.

Ҳақиқатан ҳам, иккови ўртасида ихтилоф туғилганди. Гап шундаки, зоҳиран улар бири-бирига нақадар ўхшамасин, ботинан айрича эди, оғир, мушкул фурсатда ана шу руҳий, хулқий тафовут ўзини ошқор этарди. Пабло Викарио укасидан олти дақиқалик катта эди, ўсмирлигидаёқ таҳайюлининг кучлилиги ва дадиллиги билан ундан ажралиб турарди, Педро Викарио эса, билишимча, болалигидан таъсирчан, фармонбардорликни хуш кўрадиган бола эди. Ёшлари 20 га етгач, икковиям ҳарбийга қақирилди, бироқ Пабло Викариога озодлик тегиб, оилага бош бўлиб қолди. Педро Викарио жамоат тартибини сақловчилар сафида ўн бир ой хизмат килди. Муттасил ўлим даҳшати билан тобланган ҳарбият руҳи унинг қалбидаги амр-фармолик майлини янада мустаҳкамлади, акасига боғлиқ баъзи ишларниям ўзи ҳал этишга ўрганди. У уйига «юқумли сержантлик рутбаси» — бавосил касалини орттириб қайтди, ҳарбийдалик чоғида доктор Дионисио Игуаран тавсиясига кўра қилинадиган маргимушли уқолларгаям, инглиз тузи қориштириб тайёрланадиган хўқнагаям, хуллаз, кўшинда расм бўлган даволашнинг барча усулларига тош бардош ила қарши турди. Бавосилини турмага тушгандагина даволаш-

ди. Биз, Паблонинг оғайнилари, укаси ҳарбий хизмат нонини еб, анчагина буйрукчи бўлиб қайтгач, кутилмаганда унинг феъл-атвори ўзгарганини, укаси чизган чизикдан чикмайдиган дардисарга айланиб, айниганини сезгандик, бу ҳам етмагандай, Педро Викарионинг яна бир қилиғи ортиқча бўлди: у ким кўринганга кўйлагини кўтариб, чап биқинидаги пулемёт ўқидан қолган чандикни намойиш этарди. Педро ўз бавосилини ҳарбий нишондай эъзозлаб рўкач қилиши етмаганидай, пандавоки Пабло ҳам уни муътабар инсоннинг улуғлик белгиси деб билар ва бу борада сўз кетса, албатта ҳаяжонланар эди.

Педро Викарионинг айтишича, Сантьяго Насарни ўлдиришга дастлаб у аҳд қилган, акаси унга эргашган, холос. Полковник пичокларни тортиб олгач, Педро бурчимни бажардим деб ҳисоблаган, ана шунда Пабло Викарио ташаббусни ўз қўлига олиб, йўқ, бу билан иш тугамайди, уни ўлдирамиз, деб оёқ тираб тураверган. Биродарлар терговчига алоҳида-алоҳида ёзиб берган тилхатларида бу хусусда оғиз очишмаган. Аммо менга Пабло Викарио бир неча дафъа таъкидлаганидек, укасини ишни охирига етказишга кўндиргунича эси кетган. Эҳтимол, ўшанда укаси бир муддат бўшанглик қилгандир, ким билади дейсиз; Пабло Викарио якка ўзи бостирмадан бошқа пичокларни олгани кетганида, укаси бовл этмоқ ниятида тamarхиндий дарахтлари панасида ивирсиб юрарди. Мен Педро Викарио билан бир марта суҳбатлашдим холос, ана ўшанда у: «Акамнинг бошида бу савдо йўқ, билмайди. Ёзилиш — мен учун шиша синигини пешоб қилишдан ҳам баттар азоб», деди. Пабло Викарио пичокни топиб қайтганида, укаси ҳамон дарахтга тирмашганича кучаниб ўтирарди. «Бечора оғрикдан совуқ терга ботиб кетганди, — деди менга Пабло Викарио. — У инқиллай-инқиллай ҳозир бировни ўлдирадиган чоғи йўқлигини, бир ўзим бораверишим кераклигини айтди». Сўнг Педро Викарио тўй дастурхонига тайёрлангану ҳануз йиғилмаган хонтахталардан бирига чўккан, шимини тиззасига туширган. «Ярим соатча матоҳини дока билан ўради», деди менга Пабло Викарио. Аслида эса, укаси уни ўн дақиқача куттирган, холос, бироқ бу фурсат мобайнида нечоғли изтироб чеккани ёлғиз Педро Викариогагина аён. Пабло Викарио унга қараб туриб, тонг отгунча вақтни чўзмоқчи, бу бавосил, деб ўйлаб, ранжиган. У укасининг қўлига зўрлаб пичок тутказган-да, уни синглисининг топталган номуси тикланадиган интиком йўлига судраган.

— Бошқа йўл йўқ, — деган у. — Биз уни сўйиб, саранжомлаб бўлдик, деб ўйлайвер энди.

Итлар тинимсиз хураётган бир пайтда икковлон пичокларини ҳеч нарасага ўрамасдан, чўчкахонадан ташқарига чиқишган. Тонг ёриша бошлаган. Пабло Викарио менга: «Ёмғир ёгмаётганди», деди. Педро эса: «Аксинча, ҳаво тунд эди, денгиздан шамол эсар, юлдузларни бармоқ билан санаса бўларди», деди. Бу пайтда шов-шув бутун шаҳарга тарқалганди, Ортенсиа Бауте кўча эшигини очаётганда саллоҳлар айни унинг уйи ёнидан ўтишаётган экан, уларни кўриб, хотиннинг капалаги учиб кетган ва Сантьяго Насарнинг арвоҳини хотирлаб, биринчи бўлиб дуо ўқиган. «Мен уни ўлдиришибди, деб ўй-



лагандим, — деди у менга. — Шунинг учун ҳам кўчадаги чирок шуъла-сида қўлларидаги пичокдан ялтиллаб қон томаётгандай кўринди кўзимга». Бу ташландиқ маҳалладаги яккам-дуккам уйлардан бири Пабло Викарионинг қаллиғи Пруденсия Котес хонадони эди. Биродарлар ҳар сафар шу ердан, айниқса, жума кунлари бозорга кетишаётганда, бир пиёла қаҳва ичиш баҳонасида йўқлаб туришарди. Эшикни итаришганди, итлар безовталаниб ириллади, сўнг, тонг қоронғисида уларни таниб, уларини ўчиришди; икковлон ошхонага кириб, Пруденсия Котеснинг онаси билан саломлашдилар. Қаҳва ҳали қайнамаганди.

— Қаҳвани кейинроқ ичармиз, — деди Пабло Викарио, — биз жуда шошиб турибмиз.

— Нимаям қилардиларинг, болаларим, — деди кампиршо бамайлихотир, — ор-номус деб одамзот ҳар йўлга киради.

Улар бу гўшада анчагина ўралашиб қолишган, бу сафар энди Педро Викарио, акам атайлаб вақтни чўзаяпти, деб ўйлаган. Икковлон қаҳва ичишаётганда ошхонага Пруденсия Котес — диркиллаган, айна етилган қиз — ўчоққа ўт қўйиш учун тутантириққа бир даста эски рўзнома олиб кирган. «Мен уларнинг мақсадини сезгандим, — деди менга Пруденсия. — Ичимда бу ишни маъқулладим, агар Пабло шунақа пайтда мардоналик қилмаса, ҳечам унга тегмасдим». Ошхонадан чиқиб кетишдан аввал Пабло иккита рўзноmani олган-да, бирини укасига берган, сўнг икковлон пичокларини ўраб олишган. Пруденсия Котес ошхонада қолган, биродарлар ҳовлидан ўтгунларича кузатиб, қараб турган; у Пабло Викарио қамокдан чиққунича яна уч йил йўлга кўз тиккан ва ниҳоят, улар бир умрга қовушишган.

— Эҳтиёт бўлинглар, — деган қиз деразадан уларга қарата.

Клотильде Арментанинг улар тағин дўконга қайтишганда аввалги важоҳатлари йўқлигини сезгани бир ҳисобда айна муддао бўлган, уларга ўзларига келишар, деган умидда бир шиша айиққулоқ қайнатмасидан солинган мусаллас берган, ичинглар, деган. У менга: «Ё рабим, биз хотинлар бу дунёда нақадар ёлғизу нотавон яшаб, ўтиб кетарканмиз-а, бунга ўша кун иқлим етди», деди. Педро Викарио ундан эрининг соқол оладиган ускунасини сўраган, Клотильде Арментта саллоҳга совун, чўтка, тоза олмос солинган устара, илгичли ойна опчиққан, аммо йигит ўзининг дудама пичоғи билан соқолини кирган. Клотильде Арментта буни чин эркакнинг иши деб баҳолаган ва Педрога беш кетган. «У кинодаги қотилларга ўхшарди», деди менга аёл. Кейинчалик Педро Викарио шу ҳолатни изоҳлаб, менга: «Турмада пичокда соқол олавериб ўрганиб кетганман, бошқа нарсада қирсам, эгим жунжикади», деди. Акаси эса, одамга ўхшаб дон Рохелио де ла Флорнинг устарасида соқолини олган. Хуллас, икковлон тункезарларга хос меровона қиёфада рўпарадаги қоронғи деразага тикилишганча индамай, шошилмай мусалласни ичиб тугатишган, бу орада хангаматалаб мижозлар ясама бепарволик билан, гўё сут харид қилмоқчидай дўконга пайдар-пай кириб-чиқиб, жўрттага савдода йўқ молларни сўраб-суриштиришган, ягона ниятлари — Викариолар Сантьяго Насарни ўлдирмоққа шайланиб ростдан шу ерда ўтирибдими — худди шуни ўз кузлари билан кўриб, ишонч ҳосил этмоқ бўлган.

Саллоҳлар ҳақ деб қараб ўтирган хонада шу тун чирок ёнмаган.

Сантьяго Насар уйига тонгги соат 4-у 20 да қайтган, зинапоя чироғи бутун кеча ёник турганидан ўз хонасига ёруғда бемалол ўтиб, чирогини ҳам ёкмай, кийиминиям ечмасдан каравотга ўзини ташлагану донг қотган. Бир соат ухлагач, епископни кутишга чиқади, кечикмасин, деб Виктория Гусман уни вақтлироқ уйғотган. Биз Сантьяго Насар билан бирга саҳарги соат учгача Мария Алехандрина Сервантеснинг исловатхонасида айш қилгандик: худди ўша пайтда Мария биби машшоқларнинг жавобини бериб, рақсхона чироқларини ўчириб, бу висол уйининг гулларига — занжи жононаларгаям бир ўзлари, жазманларсиз сал ухлаб, ҳордик чиқаришин, деб рухсат берган эди. Уч кундирки, занжи дилбарлар тиним билмай хизмат қилишди: аввал олийнасаб меҳмонларнинг кўнглини овлашди, улар жўнаб кетгач, бизга ўхшаб тўйдан кейин ўзига ҳамсухбат тополмай юрганларга эшикларини ланг очиб қўйшди. Мария Алехандрина Сервантес — тенгқурларим уни, ўлсагина кўзи юмиладиган хотин, ухламайди-ям-ухлатмайди-ям, дейишарди — умримда учратганим аёлларнинг энг дилбари ва хушкаломи бўлиб, кўрпада ҳам одамзотнинг жонини киргизарди, аммо анчагина ўзига қаттиқ жувон эди. У шу ерда туғилиб-ўсган, бутун умри ана шу дорулшаҳватда кечган; бу хонадон эшикларини дунёдаги борики икки оёқли эркак зоти учун кенг очиб қўйган эди, бир неча хонани соатбай ижарага бериб, кўп фойда кўрган; каттагина ташқи ҳовли саҳнидаги рақс майдончаси чироқлари устига Парамарибо<sup>1</sup> даги чин бозоридан сотиб олинган ошқовоқларнинг ичини ўйиб, қуришиб, қалпоқча тарзида ўрнатишганди. Тенгдошларимни — бутун бир авлоднинг йигитлигини илк бор барбод этиб, жуда эрта кўзини очган ҳам шу жувон эди. У бизга керагидан салгина ортиқча нарсаларга ўргатган бўлса-да, бироқ, энг муҳими, жаҳонда кўрпада ёлғиз ётишдан кам бемаза томоша йўқлиги хусусидаги оддий ҳақиқатни англаганидан миннатдормиз. Сантьяго Насар уни биринчи кўрганидаёқ ақлидан озаёзганди. Ўшанда мен уни, ҳой бола, ўзингни тий, нафсим менинг балодир, бошга минг дард солодир, деб огоҳлантирган эдим. Лекин гапимга кулоқ осмаган, Мария Алехандрина Сервантеснинг нағмалари бечорани қип-қизил жинни қилиб қўйган эди. Иброҳим Насар уни 15 ёшида ўша фитнапарвар дилбарнинг тўшагидан тортиб олиб, «Тангритальат» кўрғонига бир йилча камаб қўйгунича кўнглининг кундузиям, кечасиям, кулгисиям, йиғисиям ўша эди. Ўша замонлардан бери икковининг ўртасида ишқий навоғолардан холи чуқур эҳтиром бор эди, жувон Сантьяго Насарнинг иззат-ҳурматини жойига қўярди: агар у яқин-орада юрган бўлса, бошқа биров билан ётмас эди. Ўша кунни у бизни кутилмаганда кўчагача кузатиб чиқди, чарчадим, деди, таътил кунларим тугаб қолганди, шуни назарда тутдими, менга мурувват нигоҳини тикиб ишора қилди, яна яширинча қайтиб киришим учун эшикни тамбаламай, йўлак чирогини ўчиришни жўрттага унутиб, орқасига қайрилди.

Сантьяго Насар кийим ўзгартириш бобида устаси фаранг эди, занжи дилбарларни ечинтириб-кийинтириш — унинг энг сеvimли иши эди, бу машғулотсиз туролмасди, гоҳида қорахонларни шундай ли-

<sup>1</sup> Суринам жумҳуриятининг пойтахти, катта бандаргоҳи ҳам бор.



босларга буркаб ташлардики, улар ҳатто ўзларини ўзлари таниёлмай колишарди. Йигит фоҳишаларнинг кийимларини ўзгартираман деб либос танлаб жавонларнинг тит-питини чиқариб юборар, буларнинг барчасини — шу бадбахтлар бошқача кийиниб, ўзларини унутиши, таскин топиши учунгина қиларди. Бир гал битта занжинисо дугонасининг либосида ўзини у деб ўйлаб, ҳайратдан роса йиғлаган. У мена: «Ўшанда ўзимга ўзим худди кўзгунинг ичидан чиқиб келгандай туюлдим», деди. Ўша окшом Мария Алехандрина Сервантес Сантьяго Насарнинг охирги марта севимли машғулотини такрорлаб, мазза қилишига йўл бермаганди, шу ишларинг мега сираям ёқмайди, умримни захарлаган нарсаларни эсимга солади, дея сасиганди. Шундан кейин биз машшоқлариниям эргаштириб, кўчама-кўча санғиб қўшиқ айтдик, бу пайтда ака-ука Викариолар Сантьяго Насарни ўлдириш қасдида пойлашаётган эди. Сантьяго Насарнинг калласига қайси гурдан ҳам соат тўртда Ксиуснинг уйи жойлашган тепаликка чиқиб, янги келин-куёвга қўшиқ айтиб бериш фикри туғилибди — начора, кўндик.

Биз уларнинг деразаси тагида қўшиқ айтиш билан кифояланмай, богчага қарата портлагич бақамушаклар ҳам отдик, бироқ теварак жимжит, ҳаёт асорати сезилмас эди. Уйда ҳеч ким йўқдир, деган ўй бирортамизнинг хаёлимизга келмапти. Дарвоза олдида атлас боглогичлар, шаъмгуллар билан безатилган тепаси очик автомобиль турарди. Укам Луис Энрике, у ўшандаям моҳир машшоқлардай гитара чаларди, келин-куёв шарафига ўзи тўкиган, кирдикорлару фитна-фасодлар хусусидаги никоҳга алоқадор қўшиғини айтарди. Бу дам ёмғир ёғмаётганди, аксинча, осмон ойли, ҳавои жаҳон очик, мусаффо эди, жарлик тубидаги қабристонда асрий сўнгалар аралашган турли чириндилар ёниб, товланар эди. Бир тарафда ойнинг оппоқ ёғдулари ичра чўмилиб, жилваланаётган ям-яшил бананзор, тунд ботқоқликлар, ундан-да нарида Кариб денгизининг уфқ сарҳадларига туташ нурафшон соҳиллари кўзга чалинар эди. Сантьяго Насар уммон юзасидаги югурик оловни бизга кўрсатиб, у — Сенегалдан сафарга чиқиб, Картаген де лас Индиас бандаргоҳига кираверишда ичидаги бор юки, банди қўллари билан сувга гарқ бўлган қулфурушлар кемасидаги бир муғаррикнинг руҳи ғариби, деди.

У Анхела Викарионинг бир лаҳзалик эр-хотинлик турмуши бундан икки соат аввал завол топганини билмасди, албатта, шунинг учун ҳам йигитнинг кўнгли шундан алағда бўляпти, деб ўйлаш нотўғри эди. Байярдо Сан Роман, агар машинани юритсам, моторнинг товуши бадбахтликни олдинроқ одамларга овоза қилиб қўймасин деб, бечора зонияни онасининг уйига атайлаб пиёда олиб бориб ташлаб келган; сўнгра Ксиуснинг хайрли, улкан, кимсасиз хонадониди чироклариниям ёқмай, узок вақт несту мустар бўлиб ўтирган.

Тепаликдан қайтиб тушганимизда, укам, бозордан қовурилган балиқ олиб, нонушта қилайлик, деди, аммо Сантьяго Насар, бирор соат ухлаб, ўзимни ўнглаб олай, епископни кутишга чиқаман, деб кўнмади. У Кристо Бедойя билан бирга унда-бунда чироклари ёна бошлаган эски бандаргоҳ йўлидаги кўчадан ўтиб, денгиз киргоғи бўйлаб уйига жўнади: муюлишдан қайриларкан, бизга қарата қўл силкиди — шу уни охирги кўришимиз эди.

Кристо Бедоя иккови кейинрок бандаргоҳда учрашмоққа келишиб, ҳавлининг орқа эшиги ёнида хайрлашишган. Итлар унинг келганини сезиб, одатдагидай ириллашган, Сантьяго Насар калитларини шиқирлатиб, махлуқларни тинчитган. Йигит ичкарига кириб кетаётганда Виктория Гусман қаҳва қайнатаётган эди.

— Ҳой, араб,— деган у ҳужайинига,— қаҳванг қайнаб қолди, совимасдан ич.

Сантьяго Насар қаҳвани кейинрок ичаман, беш яримда Дивина Флор мени уйғотсин, худди эгнимдагидай тоза кийимини тайёрлаб қўйсин, деган. У ётоғига чиқиб кетганча, бир дақиқа ўтар-ўтмас гадой хотин кириб келган-да, Клотильде Арментанинг сут дўконида эшитган гапини оқизмай-томизмай Виктория Гусманга етказган. Соат 5-у 30 да Виктория Гусман,— у қизи Дивина Флорни ҳужайиндан доимо эҳтиётлар, ётоғига ёлғиз йўлатмас эди,— ҳужасининг буйруғини адо этиб, каноп сурпдан тикилган костюмини олиб кирган.

Мария Алхандрина Сервантес эшик йлғанин солмай очик қолдирган экан. Мен укам билан хайрлашгач, йўлакка бурилдим, у ердаги яшанг лолалар ўсган гулхонада занжи дилбарларнинг эрмаги, эркатойи мушуклар мудраб ётганди, махлуқларга сездирмасдан ётоқхонага қадам қўйдим. Чирок ўчик эди, остона ҳатлашим биланоқ димоғимга хотин кишининг хуш бўйи урилди, қоронгида «ёввойи мушук» нинг эҳтирос оташи-ла порлаётган кўзларини кўрдим, сўнгра, черков жоми чалинмагунича бу оламда нелар рўй берган — бундан хабарим йўқ.

Уйга кетаётиб, укам тамаки сотиб олиш ниятида Клотильде Арментанинг дўконига кирган. Базмда у роса тўйиб ичган эмасми, дўконда бўлиб ўтган гапларни элас-элас эслади, аммо Педро Викарио унга тутган бир култум арақ бамисоли ажалнинг ўқи экан, ўша ёдида қолибди. «Худди алангани ичимга ютиб юборгандай бўлдим», деди укам менга. Мудраб ўтирган Пабло Викарио укамнинг шарпасини сезиб, шартта ўрнидан турган-да, пичоғини кўрсатиб:

— Ҳозир биз Сантьяго Насарни сўйгани борамиз,— деган.

Укам унинг бу гапини эслай олмади. «Агарда шундай деганини эшитганимдаям, бари бир ишонмасдим,— деди укам менга бу ҳақда бир неча бор.— Эгизакларнинг бирор кимсани ўлдирмоқчилиги, айниқса тўнғиз бўғизлайдиган саллоҳпичоқ билан сўйишга аҳд қилгани ўшанда авлиёнинг ҳам калласига келмасди». Сўнгра Викариолар ундан Сантьяго Насарнинг қаердалигини суриштиришган, аввал бирга эдинглар, айт, дейишган, афсуски, укам уларга не деб жавоб берганини хотирлай олмади. Клотильде Армента ва биродар Викариоларнинг терговчига иқрор бўлишича, укамнинг гапидан улар ёқа ушлаб қолишган. Укам:«Сантьяго Насар ўлди», деган. Кейин у учковиниям епископчасига чўқинтириб дуо этган-да, мункиб, эшикка қоқилиб, тебранганича ташқарига йўналган. Майдон ўртасига етганида падар Амадорни учратган. У ҳайитлик ридосига бурканиб, бандаргоҳ томонга шошиларди, ортидан бир неча роҳиб-хизматчи эргашиб борарди, бу тўда орқасидаги шотирлар эса епископнинг кемадан тушибок ибодат ўтказиши учун кўчма меҳробни кўтариб олишганди. Бу ша-рафли махлуқларни кўрган Викариолар шошиб чўқинишган.



Клотильде Арментанинг менга айтишича, кашиш унинг уйи ёнидан рохиблар гуруҳини эргаштирганча индамай ўтиб кетгач, кўнглидаги сўнги ишонч риштаси ҳам узилган. «Падаримиз мен ёзиб юборган хатни олмаптилар-да, деган хаёлга бордим», деди аёл менга. Бироқ орадан қанча йиллар кечиб, падар Амадор у дунёнинг оғир хаёлидан кутулиб, бу дунёнинг ногируну нотавонлари тўла Калафелла «Шифо уйи»да даволаниб ётганида менга икрор бўлганидек, унга Клотильде Арментанинг хатини етказишган, бандаргоҳга жўнашидан олдинроқ эса ундан-да бешбаттар шумхабарларни эшитган. «Бўтам, очигини айтсам, ўшанда не йўл тутмоққа иштибоҳланиб, ҳайрон бўлиб қолдим, — деди чол.— Даставвал фикри ожизимдан, бу менинг эмас, фуқаро-парвар маҳаллий ҳокимиятнинг иши, деган ўй кечди, бадаз йўл-йўлаккай Пласида Линерога бир-икки оғиз сўз айтмоқ даркор, деган қарорга келдим». Минг афсуски, кашиш майдонни айланиб ўтаётганда ўз аҳдини унутган. «Маълумингизким, ўшал рўзи машъумда, баайни епископ ҳазратлари ташриф этгувчи кунда эсим жойида эмасди», дея кейин у ўзини оқлади. Қосидлар шум ниятига етгани хусусидаги гапни эшитгач, падар Амадор шунчалар ранжу надомат чекканки, нима қиларини билмай, охири, худди бутун шаҳарга ўт кетгандай, бирваракайига барча жомларни чала бошлаган.

Укам Луиз Энрике ошхона эшиги орқали уйга кирган: биз кечроқ қайтганимизда отамни уйготиб юбормаслигимиз учун онам у эшикни бекитмас эди. Укам уринга ётишдан олдин ҳожатхонага чиққан ва ўша ерда, хала чаноғида ўтирганича ухлаб қолган; кейинчалик кичик укам Хайме мактабга жўнаш олдидан унинг тоштахтага юзтубан тушганча сўлагини оқизиб, хуррак отиб ётганига кўзи тушгач, уйдагиларга айтган. Роҳиба синглим эса, епископни кутгани ҳам чиқмай, ўтган кеча тўйда кўпроқ ичиб қўйганидан ҳамон боши оғриб турган экан, буни эшитиб, судралиб ҳожатхонага чиққан. Луисни уйғотаман деб роса уринган, аммо чоғи келмаган. Синглим: «Мен халахонага кирганимда соат бешга занг урганди», деди. Маргот синглим бандаргоҳга боришдан олдин бир покланиб олай деб ғулхонага ўтаётганида, Луис Энрикени ҳалигидақа аҳволда кўрган ва амал-тақал қилиб, итнинг ўлигидай чўзилтириб ётоқхонага судраган. Укам қарахт ҳолда уйку аралаш епископ кемасининг чўзиқ-чўзиқ овозини эшитган, сўнг кўзини йириб-йиртиб сал очгану кипригини кўтаришгаям мадори етмай, яна кўзи юмилган. Шу ухлаганича тош қотган, роҳиба синглим устидан кўрпани важоҳат ила тортиб-юлқиганда:

— Сантьяго Насарни ўлдиришди!— дея айюҳаннос солгану уйқуси ўчиб, ўрнидан турган.

Сантьягонинг ваҳшиёна пичоқлангани бир бўлдию доктор Дионисо Игуаран йўқлиги боис падар Кармен Амадорнинг уни шафқатсизларча ёргани бир бўлди. «У бечора жон узиб кутулмаган экан, биз уни яна бир бор чавақлаб ёриб, ўлдирдик, ўзинг гуноҳимдан ўт, э парвардигор, — дея пушаймон чекди падар Амадор Калафелледаги хастахонада.— Биз ҳам ночор эдик, шаҳар ҳокими ёрасан деб буюргандида, ўзингиз биласиз-ку, у одамёввойининг амри қанчалик аҳмоқона

бўлмасин, бажаришдан бўйин товлай олмасдик.» Аммо мўйсафиднинг айтганлари унчалик ҳам тўғри эмасди. Полковник Апонте ўша талатуп душанбада вилоят ҳоқимига сим қоқиб, уни аҳволдан хабардор этган, у жаноб эса, терговчи етиб боргунича қўлингиздан келадиган чорани кўраверинг, дея фармон берган. Шаҳар ҳоқими бу рутбага эришгунгача кўнишда зобит сифатида хизмат қилган бўлса-да, адлия соҳасидан мутлақо беҳабар, бу ҳам етмагандай ўлғудай такаббур эди, шу боис мазкур ҳолатда ишни нимадан бошлаш лозимлигини бировдан сўрашга ор этарди. Шунинг учун у, жасад ёрилиши керак, деб қўяқолди. Кристо Бедойя тиббиёт билан шуғулланарди, Сантьяго Насарнинг яқин дўсти эди, у шаҳар ҳоқимини бу ишни қилмасликка кўндирди. Сўнг полковник доктор Дионисио Игуаран келгунича мурдани музхонада сақланглар, дея амр этди, лекин одам жасади сирадиган бундай музхонали холодильник топилмади, бозордаги бирдан бир катта музлатгич ҳам бузук экан. Расмана тобут ясаттириб келтиргунча майитни катта хонанинг ўртасига, темир каравотга ётқизишди, ҳамқавмлари у билан шу ерда видолашишди. Ётоқхонадан ҳамда қўшни хонадонлардан бир неча вентилятор опчиқилди, аммо марҳумни кўргани келганлар шу қадар кўпайиб кетдики, оқибатда жавонлар холироқ жойга сурилди, қафасдаги қушлар, катта-катта гултуваклар четроққа олинди, бироқ шундан кейин ҳам дим бўлаверди, хонада туриб бўлмай қолди. Итлар ўликнинг исини олиб, безовталаниб, саросималаниб ғингший бошлади. Мен кирганимда тубан махлуқлар тинмай увлашар, айни аснода ошхона томонда жон узаётган Сантьяго Насар талвасали инграниб ётар, Дивина Флор бўзлай-бўзлай эшик тамбаси билан итларни уриб, хайҳайлаб ҳайдар эди.

— Кел, манави очофатларни ҳайдашиб юбор!— деди у мени кўриб.— Ичагини ейман дейди-я, ажал келгурлар!

Биз итларни оғилга қамадик. Бир оздан кейин Пласида Линеро, дафн ўтгунча итларнинг қорасини ўчириб туриглар, деди. Аммо чошгоҳда, нима бўлганини ҳеч ким билмай қолди, махлуқлар оғилдан қочиб чиқишиб, қутургандай уйга ёпирилишди. Пласида Линеро ана шунда ўзини йўқотиб қўйди.

— Лаънати ҳайвонлар!— кичқирди у.— Отиб ташланглар!

Онанинг амри дарҳол бажо этилди, хонадон сув куйгандай жимжит бўлиб қолди. Хайриятки, жасад ортиқча ҳавотир туғдирмас, айниқса, юзига ҳеч нарса қилмагани — Сантьяго Насар кўшиқ айтаётгандаги ифода чехрасида ҳамон қотиб турарди; Кристо Бедойя унинг осилиб, қорнидан чиқиб кетган ичак-чавағини жой-жойига қўйиб, устидан мовут боғлами билан ўраб-чирмаб ташлади. Бироқ кунботарга етмай яралардан сариқ хилту фасод сизиб чиқиб, атрофни пашша босди, оғзининг теварагини бинафшаранг доғ қоплади, сўнгра у сувдаги булут кўланкасидай силжий-силжий сочининг илдизларигача қамраб олди. Марҳумнинг юзидаги ҳамшиаги ёқимли, самимий ифода ўрнини хунук, ғайри бир аломат эгалладики, онаси унинг бетига рўмолча ёпиб қўйди. Шунда полковник Апонте ортиқча кутиш ўринсизлигини англади ва падар Амадорга, ўликни ёринг, деб буюрди. «Бир ҳафтадан кейин гўридан кавлаб олиб, яна ичини ёрилса, бундан бешбаттар бўлади», деди у. Падар бир пайтлари Саламанкада



тибдан, хусусан, жарроҳлик илмидан таълим кўрганди, ammo шаходатнома олмасдан диний мактабга ўтиб кетганди; албатта, кашишнинг ўлик ёриши конундан ташқари иш эканига ҳатто шахар ҳокимининг ҳам ақли етарди. Шунга қарамай, буйруғи ижро этилишини талаб қилди.

Жасадни шу яқин-ўртадаги мактаб биносига ёришди, бу ҳам бир хунрезлик бўлди; падар Амадорга эндигина тиб илмидан сабоқ олаётган, айна кунларда таътилга келган талаба йигит, не қилганларини дафтарга ёзиб борган дорихоначи кўмаклашди, учовлон биргалашиб, ўликни қассобдай яна сўйишди. Уларнинг қўлида бир-иккита майда-чуйда жарроҳлик асбоблари бор эди, холос, заруриятдан рўзғорда ишлатиладиган оддий пичоқдан ҳам фойдаланишди. Мархумнинг аъзойи бадани чапарастасига чавақлаб ташланганини назардан соқит этсак, падар Амадор ёзган ҳисобот рисолагагидай эди, шу боисданми, терговчи уни асқотиб қолар деган ниятда суд хужжатларига тиркаб қўйган.

Саллоҳлар Сантьяго Насарнинг танасига пичоқ санчавериб ғалвир қилиб юборишганди, зарбалардан еттитаси унинг айна жон жойига текканди. Жигар икки еридан деярли бўлиб ташланган. Ошқозоннинг тўрт жойига жуда қаттиқ тиг урилган, улардан бири ҳатто ошқозон безини ажратиб юборганди; йўғон ичак олти еридан оғир яраланганди, тиг ингичка ичакка довури етиб борганди. Орқадан урилган ягона зарб пастдан учинчи қовурға орасидан ўтиб, тиг ўнгдаги буйракка санчилган эди. Қоринда анча-мунча шилта хилтлар тўпланганди; ўша чиқитлар ичидан Сантьяго Насар тўрт яшарлигида ютиб юборган тилла медальонни топиб олишди. Кўкрак қафасининг икки нуқтаси жароҳатланган: бири — ўнг ёнбошда, иккинчиси қовурға остида эди, айна шу зарб ўпкага тегиб ўтганди; иккинчиси чап қўлтиқда эди. Қўл панжалари ва билакларининг олти жойи тилинган эди. Вужуднинг икки узвиги — ўнг сонга ва қорин тўқимасига энлатиб урилган пичоқ ҳам анча чуқур ботган экан. Ўнг қўлнинг қафти бамисли чопилгандай эди, суд ҳисоботида бу ҳақда: «Чормихга тортилган Исо Алойҳиссаломнинг вужудидаги тамғага ўхшайди», деб ёзилган. Миясининг вазни оддий инглизнинг миясидан 138 миққол оғир эди, шунга суянган ҳолда падар Амадор судга берган ҳисоботида Сантьяго Насар — мияси бутун йигит экан, у келажакда донишмандлардан бири бўларди, деган мулоҳазани билдирган. Ҳисоботи сўнггида у жигарнинг чўзилиб кетганини, бу мархумнинг жигари шамоллаганида расо даволанмагани оқибати эканини таъкидлаган. Сухбатларимиздан бирида кашиш менга: «Бари бир умри тугаб, жигари илқиллаб, ҳаққа етишиб қолган экан», деди. Доктор Дионисио Игуаран ҳақиқатан ҳам бир вақтлар, Сантьяго Насар сариқ бўлганида, уни муолижа этганди, жасадни ёриш устида гап айланганда, у одамларнинг омилигидан ори келиб, ниҳоятда ғазабланди. «Бу падар шу қадар нодонки, тўғрисини айтсам, кашишликдан бўлак ишга ярамайди,— деди доктор менга.— Одатда иссиқ минтақадаги ўлкаларда туғилган инсонлар жигари испанларникидан каттароқ бўлади, шу ҳақиқатни унга англатишдан кўра ўлиш осондир». Падар Амадорнинг ҳисоботида таъкидланишича, еттита яранинг ҳар бири

биттадан ажални чақирган, қисқаси, у кўп қон кетиши оқибатида ўлган.

Азаматлар ўшанда бизга бутунлай бир бошқа жасадни қайтариб беришди. Суяк кесишаётганда бош чаноғининг ярмини кўчириб юборишди, марҳумнинг мамот соя сололмаган мардона чехраси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди. Бундан ташқари, кашиси қоринни ёриб, бир кўтаришда унинг ичини қўпорворган экан, кейин ичак-чавақни жойлаштиришга ожизлик қилиб, жаҳолатдан хуноби ошиб, ахири дуои фотиҳа билан уларни ювиндичелакка ташлади. Мактаб деразасига ёпишиб олиб, ойна кўзларига бурнини тираб жарроҳия жараёнини кузатаётган сўнги томошатаалабларнинг ҳам дармони қуриганди, падарнинг ёрдамчиси — толиби тиб ҳам ҳушини йўқотиб, ағдарилиб тушганди; ўз вақтида кўп ўлиқларни кўрган, қон тўкиб-қон кечган полковник Апонте ҳам бундайин жасад ёришдан қўнгли озиб, арвоқ-парастлиги етмагандай, гўшт деган нарсени кўрса ё эшитса, сесканадиган, ҳазар қиладиган бўлиб қолди. Ичи бўшаган жасадга латта-путтани сўнмаган оҳакка булаб-булаб тикиб, устидан жуводиз билан чалакам-чаттисига шунчаки чатиб қўйилган эди, биз уни шоҳи ёпинчикли янги тобутга солаётганимизда тикилган жойлари сўкилиб, ичидан ғайри нарсалар тўкилиб кетди. «Ўша ҳолатда мурда узок сақланади деб ўйлагандим», деди менга падар Амадор. Бироқ иш бошқача тус олди: майит айниб, сасиб, ҳаммани шунақаям беҳузур қилдики, ночорликдан уни тонгдаёқ кўмиб юбордик.

Ўша сешанба тонги тунд, тийра эди. Ўтган кундузу кечада бир олам ғавғою савдони кўрганим боис бир ўзим ухлай олмасимни сезганимданми, оёғим Мария Алехандрина Сервантесникига тортаверди, борсам, бахтим чопганини қарангки, эшик тамбаланмаган экан. Дарахтларга осиглик қовоқ қалпоқли чироқлар ёник, ракс майдонида гулхан гурилларди, катта-катта сатилларга сув тўлдириб, ўтга қўйишганди — занжи дилбарлар аза чекишиб, байрамлик кийимларини қорага бўяшаётган экан. Мария Алехандрина Сервантес одатдагидай — худди тўйиб ухлаб тургандай хушқайф ва шир-яланғоч эди; у бегоналар бўлмаса, хосхонасида онадан туғилгандай киёфада юраверарди. У ўзининг шоҳона каравотида турк жононларидай чордона қурган, рўпарасидаги патнисда турли ноз-неъматлар Бобил минорасидай баланд бўлиб уюлиб турар эди: бузоқ гўшти дўлмаси, димланган товук, чўчка гўшти, банану сабзавот — деярли беш кишилик овқат унга мунтазир эди. Унинг гусса чекканда тинмай овқат ейдиган одати бор эди, назаримда, мен уни бундай кайғули дамларда бирор марта ҳам ғамгин кўрмаганман. Кийимларимни ечмасдан оҳиста унинг ёнига чўзилдим, бир оғиз ҳам гапиришмадик, мен ўзимча аза тутиб йиғладим. Йигирма ёшида Сантьяго Насарнинг йигит умрини хазон қилган ғаддор фалак дастидан фарёд чекдим, айникса, унинг тўрт пора қилиб — қадимий усулда боши, қўл-оёғининг кесиб ўлдирилиши аламимни хаддан зиёд этди. Тушимда бир аёл хонага киргандай бўлди, қўлидаги гўдаги ҳадеб чапиллатганича маккажўхори сўтасини ғажирди, ярим чайналган донлар унинг қўйлагига тўкиларди. Хотин менга: «Ғажигани ғажиган, ҳеч тўяй демайди», деди. Бирданига қўйлагим тугмаларини кимдир шошилиб ечаётганини сездим, шундоққина тепамда хансираёт-



ган айшу шаҳват бандасининг ваҳшиёна нафасини ҳис қилдим, ишваси ҳушимни олди, беихтиёр ишрат комига чўка бошладим. Бироқ у ногоҳонда жимиб қолди, оҳиста йўталди — гўё овози олис-олислардан эшитилгандай бўлди.

— Ётолмайман, — деди у. — Сенданам ўлик ҳиди келяпти.

Фақат мендангина эмас, балки бутун теварак-атрофдан Сантьяго Насарнинг иси келарди. Ака-ука Викариолар икковиниям шаҳар ҳокими вақтинча ҳибс этганди, турмада ётган ерларида шу ҳидни туйиб, роса қийналишган. «Совун-сочик билан ҳарчанд ишқаламай, бари бир ҳидини кетказолмадим», деди менга Педро Викарио. Эгизаклар уч кун ухлашолмади, кўзлари юмилган заҳоти алоқ-чалок туш кўраве-ришди, тушларида жиноятлари такрор бўлаверди. Ўша интиҳосиз кундаги ҳолатини эслаб, анча кексайиб қолган Педро Викарио менга: «Бари бир кўзим очилиб кетаверди», деди. Унинг мана шу биргина иборасидан улар турмада уйқусизлик туфайли дўзах азобини чекишганини англадим.

Ҳибсхона узунасига уч кадам, туйнуги панжараланганди, ахлат-тувак, ювиниш учун бир кўза сув, тоғора, иккита бўйра тўшалган тоштахта ҳам бор эди. Бу хона шахсан полковник Апотенинг амрига биноан жиҳозланганди, унинг оғиз кўпиртиришича, дунёда бундан ҳам яхшироқ, инсонпарварроқ қамоқхонани топиб бўлмас экан. Укам Луис Энрике шаҳар ҳокимининг бу гапларини жуда тўғри деб, маъқуладди, чунки у бир гал машшоқлар билан жанжаллашиб қолиб шу ерга қамалганида, полковник Апонте азбаройи одампарварлигидан укамнинг ҳибсхонага бир занжи фоҳишани олиб кириб ётишига рухсат берган. Соат эрталабки саккизда, маҳаллий араблар таҳдидидан энди қутулганликларини фаҳмлашган саллоҳлар худди шуни эслаб бир оз таскин топишган. Икковлон ҳам зиммаларидаги оғир вазифани бажарганликларидан анча енгил тортиб, мамнун бўлишган, энди кўнгилларини биргина нарса — ўша бадбўй ўлик ҳиди безовта қилмоқда эди, холос. Маҳбуслар совун, сочик, ишқалагич, кўпроқ сув беришларини сўрашган, юз-қўлларидаги қон юқини обдан тозалашган Педро Викарионинг истагига кўра унга хабдори, ичини юмшатадиган дори, бавосилига қўйгани тоза дока берилган, у ҳатто эрталабгача икки марта ёзилиб қайтган. Бироқ кун ёйилиши биланоқ унинг азоби ортгандан ортиб, ўлик ҳидиниям эсидан чиқарган. Соат иккиларда, айни қиёмда, Педро Викарионинг силласи куриб, бўйрага чўзилишгаям мадори етмаган, аммо оёқда тик туришга ҳам ҳоли қолмаганди — чарчок ва оғриқ уни турган жойида қулатган. Чотидаги оғриқ бўйнигача чиққан, пешоби такка тўхтаган, бундан ваҳимаси ортиб, ё раббим, бир умр ухлай олмайдиган касалга чалиндимми, дея ўйлаган. У менга ўша кунларни хотирлаб: «Ўн бир ой кўз юммадим», деди, аввалдан феъл-атворини билганим учун сўзига ишондим. Ўшанда бояқишнинг томоғидан овқат ўтмай қолганди. Пабло Викарио ҳарқалай бериладиган емаклардан оз-оз ютишга қодир эди, лекин чорак соатдан кейин қорни бураб оғриб, ҳожатхонага чопарди. Соат олтида, Сантьяго Насарнинг жасади ёриб-кўриб бўлингач, жавобгарлар шаҳар ҳокимини чақиртиришди. Пабло Викарио укасини заҳарлашганига амин эди. «Сув бўлиб кетавердим, — деди менга Пабло Викарио. — Бу анави

турклар<sup>1</sup>нинг иши, деган ўй хаёлимда чарх ураверди». Бу муддат мобайнида ахлатчелак икки марта тўкиб келинган, бундан ташқари, соқчи Пабло Викариони олти марта доруна ҳожатхонасига олиб борган. Полковник Апонте уни айнан халажойда инқиллаб ўтирган ал-позда учратган, тепасида соқчи милтиқ ушлаб турарди; жавобгарнинг ичи шариллаб кетаётганини кўриб, маҳбусларнинг захарланиш борасидаги даволарида жон бор экан, деб ўйлаган у. Бирок саллоҳнинг фақат сув ичиб уйдан онаси Пура Викарио жўнатган нимаики бор, ҳаммасини аралаштириб еяверганини эшитгач, бу фикридан қайтган. Бандининг нафси бузуклигидан гаши келган полковник Апонте уларни махсус соқчилар Риоачидаги гаройиб турмага олиб кетмагунича ўз уйида, каттиқ назорат остида сақлашни буюрган.

Ака-ука Викариолар дилидаги кўркув кўчадагилар ваҳимаси билан бир хил эди. Араблар ўч олишмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмасди, лекин икков суикасдчидан бошқа бирор инсон захар ҳақида гапирган ҳам, ўйлаган ҳам эмасди. Халойиқ фикрича, араблар шом тушган заҳоти туйнукдан керосин шиша отиб, қамокдаги эгизакларни турма-пурмаси билан ёндириб юбориши лозим эди. Бирок бу шунчаки маҳобат эди, холос.

Араблар жамоасининг барчаси тинчликпарвар бўлиб, улар аср аввалида Қариб дегизи соҳилларидаги узоқ-яқин шаҳру кишлокларга кўчиб келиб, жойлашиб қолишган ва асосан бозорларда рангбаранг матолар, майда-чуйда атторлик буюмларини сотиб кун кечирарди. Бари аҳил, меҳнатқаш эди, католиклар мазхабига эътиқод этишарди. Араб жамоасидагилар фақат ўз ҳамқавмларига қиз бериб-қиз олишар, етиштирган донларини ўзлари сотишар, ҳовлиларида кўй боқишар, боғчаларида хушбўй тоғрайҳону баклажонлар ўстиришар эди, уларнинг бирдан-бир қусури — картавозликка ружу қўйишгани эди, холос. Ота-боболар она юртларида ўрганишгани — араб тили шевасида сўзлашишар, уни иккинчи авлод ҳам бузмай сақлаган, аммо учинчи авлод — набиралар, бундан Сантьяго Насар мустасно, ота-боболарининг арабча каломини эшитиб, уларга испанча жавоб қайтаришга одатланишган эди. Ана шу ювош арабларнинг бирдан жунбушга келишига ва саллоҳларнинг жинойти важидан биздан ўч олишига ақл бовар қилмасди. Шунингдек, вақтида обрўли, жангари одамлар етишиб чиққан ва уларнинг бир нечтаси қотилликда, майхонаю қовоқхоналарда муштумзўрликда ном қозонган, эндиликда анча попуги пасайиб қолган Пласида Линеро уруғларининг қасос исташи ҳам имкондан ҳориждаги бир ҳол бўлиб, бу хусусдаям ҳеч ким хавотир олмасди.

Узункулоқ гаплардан кўнгли ғашланган полковник Апонте атрофдаги ҳар бир араб хонадонига кириб, улар билан сўзлашиб, бу гал энди тўғри хулоса чиқарди. У ҳар бир аҳли арабнинг руҳи чўкканини ва бағоят ғам чекаётганини, меҳробларида аза нишони борлигини, кўпларининг ерга ўтириб олиб, кўз ёши тўка-тўка марҳумнинг арвоҳини ёдлаб қайғураётганини кўрди, илло, бирор кимсанинг хун олиш ниятида эканини пайқамасди. Суикасд хусусидаги эрталабки шов-

<sup>1</sup> Колумбияда барча араб қавмларини турклар деб аташади.



шуву даҳшатли гап-сўзлар алангаси анча пасайган, ҳатто қотиллар ҳам, буёғига жанжал кўтарилсаям муштлашувдан нарига ўтмайди, деб ўйлашарди. Бундан ташқари, юз ёшлик кампиршо Сусеме Абдул қизи эгизакларга аччиқ эрмон ва ёки сачратки барги қайнатмасини ичириш — кераклигини айтибди, бу дориларни ичгач, Пабло Викарионинг ичкетири таққа тўхтади ва аксинча, бу Педро Викарионинг бўшалишига ёрдам берди. Сўнгра Педро Викариони мудрок босди, юракбуруғидан қутулган Пабло Викарио эса, жони орому осудалик топиб, уч кундан сўнг илк бор кўзи илинди. Шаҳар ҳокими Пурисима Викариони фарзандлари билан хайрлашмоққа эрталабки соат учда хибсхонага олиб кирганида, она ўғилларини ана шу аҳволда кўрди.

Полковник Апонтенинг таклифига кўра, Викариолар оиласи — ҳатто катта қизлари ва икковининг эри ҳам шаҳарни тарк этишди, ҳеч кимга билдирмай жўнаб қолишди; биз эса, ўша куни ўлардай чарчаган, Сантьяго Насарни дафн этган, мутлақо кўз юммаган эдик. Шаҳар ҳокимининг айтишича, Викариолар бу ердаги ғалвалар тиниб, аламзадалар ҳовуридан тушмагунича қайтмаслиги лозим эди. Пура Викарио шармандаи шармисор қизининг бетидаги кўкарган доғ-дуғлар кўринмасин деб унга рўмол ўратиб қўйди, сўнгра, сўйилган хушторига аза тутяпти деб ўйлашмасин, дея хавотирланиб, қизининг вужудини қизил, ялтироқ кийимларга буркаб ташлади. Пура Викарио жўнаб кетишдан аввал падар Амадорни йўқлаб, ундан ўғилларини турмага бориб кўришини, тавба қилдиришини ўтинган, аммо Педро Викарио бунга кўнмаган, тавба қиладиган гуноҳлари йўқлигига биродарини ҳам инонтирган. Махбуслар ёлғиз қолишган; Риоачидаги қамокда олиб кетиладиган куни саллоҳлар анча ўзларини тутиб, хушёр тортишгач, хотиржамлик билан ҳақ эканликларини таъкидлашар, уруғларимиз таъқибдан кўрқиб кечаси жўнашган, биз бундай шармисорликдан ор қиламиз, бизни кундузи, очиқ-ойдин олиб кетишсин, дея талаб этишар эди. Уларнинг отаси шу кунларда қазо қилди. «Отагинам ғам-ғуссадан куйиб ўлди», деди менга Анхела Викарио. Биродарлар турмадан озод бўлишгач, Риоачида муқим яшаб қолишди, оила эъзолари кун кечираётган Манаурадан бу ер бир кунлик йўл эди. Пабло Викарио отасининг дўконида заргарлик хунарини эгаллаганди, Риоачида шу ишнинг бошини тутиб, анчагина оёққа туриб олди, Пруденсия Котес унга тегиш мақсадида шу ёққа келди. Педро Викарионинг муҳаббатда ҳам, касбу корда ҳам омади юришмади, ўша воқеалардан уч йил ўтгач, у яна ҳарбий хизматга борди, катта сержантлик унвонига ҳам етишди; кунларнинг бирида унинг соқчилар бўлинмаси бузуқ хотинлар ҳақидаги қўшиқни айтганича партизанлар эгаллаган ўрмон ичкарасига кириб кетиб қолиб, бирортасиям қайтиб чиқмади.

Халойиқнинг гап-сўзига қараганда, ўша машъум ҳодисанинг биринчи ва ягона қурбони Байярдо Сан Роман эди. Айтишларича, бу фожианинг бошқа иштирокчилари чекларига не тушган — ўшанга чидаб беришди, қисматлари неники тақозо этса, шуни амалга оширишди. Сантьяго Насар шармандалиқнинг асл сифатида хун тўлади, жонидан айрилди, ака-ука Викариолар чин йигит эканликларини

исботлашди ва сингиллари шаънидаги доғни ювиб ташлашди. Борбудидан мосуво бўлган одам биргина Байярдо Сан Роман эди. Одамлар, «бечора Байярдо», дея кўп йиллар унга ачиниб юришди. Ўша қонли айёмдан сўнг, ой тутилган шанба окшомига қадар, у бироринсон зотининг эсига келмаган, Ксиус шаҳар ҳокимига тушида сотиб юборган уйининг тепасида бир ёнарқуш учиб юрганини, ўша қушни хотинининг ҳиссаталаб арвоҳи бўлса керак, деб ўйлаганини айтганида, полковник Апонте пешонасига шапатиланган ва бирдан анави шўрликни хотирлаган:

— Э, хомқалла! — дея хитоб қилган у. — Бечорани мутлако унутиб қўйипман-а, қаранг-а!

У соқчи миршаб билан биргаликда баландликдаги уйга етиб боргач, уй олдида тепаси очик турган автомобилни кўрган, фақат хобхонанинг чироғи ёник бўлган, аммо полковникнинг чорловига ҳеч ким жавоб бермаган. Ахири, икковлон эшикни бузиб ичкарига киришган, ой ёруғида барча хонани бирма-бир айланиб чиқишган. Кейинчалик шаҳар ҳокими менга: «Ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит, бино худди сув остига чўккандай эди», деди. Пура Викарио сешанба тонготарида уни қай аҳволда кўрган бўлса, у айнан ўша алпозда — эғнида рангиншим, шоҳи қўйлак, каравотда беҳуш ётар эди, фақат пойафзалигина кўринмасди. Ерда бир неча бўшатирилган май шишаси, сал нарида, кўрпа устида яна аллақанча очилмагани кўзга ташланар эди, лекин озиқовқат асари, бирор нон ҳам йўқ эди. Уни ўша ҳолатида текшириб кўрган доктор Дионисио Игуаран кейинчалик менга: «Унинг ичкиликдан заҳарланиб ўлишига бир баҳя қолганди», деди. Бирок бир неча соатдан сўнг Байярдо Сан Роман хушига қайтиб, ҳаммани оғзига келган сўз билан сўкиб, ҳайдаб солган. «Мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмасин, бирорта ит остонамниям ҳатлаб ўтмасин! Отам, ўша сасиган чол ҳам келмасин!» деган у.

Шаҳар ҳокими дарҳол генерал Петронио Сан Романга телеграмма бериб, уни аҳволдан бохабар этган, ўғлининг охирги сўзини ҳам айнан ёзиб юборган. Афтидан, генерал Петронио Сан Роман ўғлининг жаҳл устидан айтган гапларини тўппа-тўғри тушунган ва шу сабабдан, аразлаганми, ўзи йўқлаб келмай, хотинини, икки қизини ва иккита олмақоқи сингилларини жўнатган. Заифалар шаҳарчага юкчи кемада етиб келишди, улар Байярдо Сан Роман бошига тушган фалокат ва бахтсизлик боис мотам тутиб, сочларини ёйиб қулоқларига аза кийлимига ўраниб олишганди. Қирғоққа оёқ қўйишдан аввал пойафзалларини ечиб, яланг оёқ бўлишди, то баландликдаги уйгача жазирамада чўғдай қизиган қумни босиб, товонлари қуйиб, сочларини тўзғитиб, овозларининг борича бўзлаб боришди, шунақаям қий-чув солишдики, овозлари худди шодликдан бакириб-чақираётган одамнинг товушига ўхшаб кетди. Эсимда, ўшанда Магдалена Оливернинг уйидаги пешайвондан уларни кузатиб турарканман, бундайин ёлғондакам қайғукашлик, шармандалик устига шармандалик экани хусусида ўйлагандим.

Полковник Ласаро Апонте уларни тепагача кузатиб борди; кейин дарҳол келсин, деб чақирилгани учун доктор Дионисио Игуаран ҳам хачирни қичаб, уларнинг ортидан баландликка йўналди. Кун қайтиб,



сал салкин тушгач, маҳаллий ҳокимиятнинг икки хизматчиси бир жуфт таёкка тўрбеланчакни боғлаб, унда Байярдо Сан Романни осилтириб олиб ўтишди; у бошигача жун намат билан ўраб қўйилган, орқасида бир неча заифа ув-ув йиғлаб келарди. Магдалена Оливер уни, ўлипти, деб ўйлади.

— Эй фалак!— дея у қўлларини осмонга силкитиб чинқирди.— Бу яна қандай фалокат, бу жабринг ҳам бормиди?!

Байярдо Сан Роман эса кип-қизил маст эди, у ўликдай қимирламай ётар, кўрган мардум уни жонсиз деб ўйлар эди: ун қўли осилиб тушиб, ер чизиб борарди. Онаси унинг қўлини кўтариб, жун намат остига тикиб қўйганди, тагин осилиб тушди, шу алпозда жарлик ёнидан лангаргоҳгача бўлган йўлда ер чизиб борди. Ана шу чизиклар уни кўрганларнинг ёдида сўнгги хотира каби сақланиб қолди.

Йигитнинг уруғлари уйга тегишмади, ҳеч нарса олишмади. Баъзан, дам олиш кунларида, ўйин-кулги қилишиб, баландликдаги ўша уйга йўлимиз тушарди, ҳар сафар хонадондаги ташлаб кетилган қимматбаҳо нарсаларнинг, жиҳозларнинг камайиб бораётганини сезардик. Бир гал биз Анхела Викарио никоҳнинг биринчи кечаси онасидан сўраттириб юборган ўша жомадончага кўзимиз тушди, аммо эътиборга лойиқ бирор нарса топмадик. Унда аёлларнинг пардоз-андозига асқотадиган оддий матоҳлардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди, бироқ бир неча йил ўтгач, Анхела Викарио менга жомадончадаги нарсаларнинг асл моҳиятини — эрини алдаб, ўзини қиз кўрсатишга керакли воситалар эканини айтгандагина билдим. Жомадон — унинг беш соатлик уйи бўлмиш хонадондан қолган яккаю ягона ёдгор эди.

Кўп йиллар ўтиб, мазкур ҳодисага оид бир юзаки тафсилотни аниқлаш мақсадида бу ерга келганимда кўрдимки, бир маҳаллар Йўланда де Ксиуснинг бахтхонаси бўлмиш ўша уй қуп-қурук, хувиллаган мотамхонага айланган эди. Полковник Ласаро Апонте ҳар қанча зўр бериб уринмасин, у ердаги бор нарсалар бирин-кетин йўқолаверган; ҳатто бир пайтлар эшикка сигмаганидан уйга олиб-кирилиб, Момпос усталари томонидан йиғиб ўрнатилган олти кўзгули жавонни ҳам азаматлар уриб кетишибди. Бошида бева Ксиус бу ишлардан мамнун бўлиб юрди, нарсаларни хотинимнинг арвоҳи ташиб кетяпти, дея таскин топди. Полковник унинг соддалигидан қулиб, роса мазах қилди. Аммо бир гал кечаси унинг калласига Йўланда де Ксиуснинг арвоҳи билан гаплашиб, ҳақиқатни билиб қўя қолай, деган фикр келди, полковникнинг сўзига қараганда, нарсаларни айнан ўша хотиннинг арвоҳи гўрига ташиб кетаётган экан. Уй нураб, йиқила бошлади. Тўйдаги автомобиль дераза ёнида тўкилиб-сочилиб, чириб ётарди, охири унинг занглаган томию таглиги қолди, холос. Машина эгасидан узоқ йиллар давомида дарак бўлмади. Суд ҳужжатлари ичида унинг аризаси бор экан, лекин аризада шу қадар пойма-пой, узук-юлуқ сўзлар ёзилганки, унга қараб туриб, шунчаки расмият учун бировнинг қўли билан ёздирилибди-да, дея ўйладим. Роса 23 йил ўтгач, мен бир мартагина Байярдо Сан Романни учратиб, суҳбатлашмоққа уриндим, аммо у мени тажовузкорона қаршилаб, ўша кунлар хусусида, ўзининг у машъум хунрезликка алоқаси борасида

бирор оғиз гап айтишни истамаслигини билдирди. Унинг ота-онасидан ҳам бу борада бирор маъноли сўз эшитмадим, чунончи ўғиллари не балолар ёндошибки, ўша гадойтопмас шаҳарчага бориб қолганию қай жафокор дамларда иблис йўлига кириб, ўша хотинга уйланиш фикрига тушганига ҳамон ақллари бовар этмас эди.

Хайриятки, яхши кишилар менга Анхела Викарио ҳақида гоҳ-гоҳ хабар етказиб туришди, бу каминани ажаб бир заифа сиймосини яратишга илҳомлантирди. Роҳиба синглим Гуахиранинг шимолидаги бутпарастларни насронийлик мазҳабига киришга ташвиқ қилиб ўша ерларда бир мунча муддат кезиб юрди, у жойдаги бир қишлоқда Анхела Викариони учратибди, бир неча бор у билан суҳбатлашибди, унинг айтишича, ўша макон Кариб денгизи қирғоғида экан, онаси Анхелани денгизга тириклайн чўктириб юбормоқчи ҳам бўлганмиш. У ҳар гал мурид овлашдан қайтганида, менга: «Тутинган синглинг салом деди», дерди. Синглим Маргот ҳам биринчи йиллари Анхела Викариони йўқлаб турди, унинг сўзига қараганда, улар ҳайҳотдай ҳовлиси бор бир уй сотволишибди, тўрт тарафидан шабада эсиб турармиш, сув тошқинию ҳожатхонадан шамол суриб келадиган бадбўйни ҳисобга олмаса, уларнинг тўлқин ҳовлига ва ётоқхонага улоқтирган балиқларни теришдан бошқа ташвиши йўқ эмиш. Ўша вақтда Анхела Викариони кўрганларнинг айтишича, у жудаям чевар бўлиб кетибди, молу обрў топиб, шунга овуниб, роҳат-фароғатга етишибди.

Ўшандан бир неча йил сўнг, у фалокат ҳақидаги тасавурум тиникмай, бир тўхтамга келолмай, аммо бу бахтсизликларнинг сабабу оқибатларини англашга уриниб, Гуахира қишлоқларида қомуслар, тибга оид китоблар сотиб юрган кезларим, иттифоқо ҳиндулар яшайдиган бир масканга йўлим тушди. Сингилларим тавсифлашган худди ўша денгиз бўйидаги уйни кўрдим: жазирама пайти эди, чокмашинада ненидир тикиб ўтирарди — унинг азадорлик либоси, юзидаги темир бандли кўзойнаги, сочларини қоплаган оқ, сарғиш толалар, бош устидаги осиглик қафасда тинимсиз сайраётган сарик саъва — барчаси кўз олдимда уни бошқача бир сиймо тарзида гавдалантирди. Унинг дераза кўзлари ортида шу алпозда ўтирганани кўриб, наҳотки шу ўша Анхела Викарио, дея ҳайрон бўлдим, у тасавурумда мутлақо ўзгача эди, бечорани шу қадар нотавону абгор ҳолатда учратиб, кўнглим бузилди, чархи ўйинкор бир инсон умрини шунчалик бемаъни афсонага айлантириб, охири хору ҳақир этганидан ич-ичимдан эзилиб кетдим. Ҳа, бу хотин худди ўша Анхела Викарио эди. орадан 23 йил ўтганди.

У мени одатдагидай узоқ қариндошидай кутиб олди, саволларимга ўйлаб, жиддий жавоб берди. У кечган йиллар мобайнида салобат ва ақлу идрок касб этганди, қараб туриб, ўша Анхела Викарио шуми, дея тағин ҳайратландим. Ўз ҳаёти хусусида бирам оқилона хулосалар чиқарибдики, буни эшитиб, унга қойил қолдим. Бир оз вақт ўтгач, у менга аввалгидай қаримсиқ эмас, балки аксинча, худди хотиротим кўзгусидаги каби ёш, жозибадор бир жувон сингари кўрина бошлади; йигирма ёшидаги — муҳаббатсиз турмуш курсанг, ўлмайсан, дея зўрлаб эрга берилган давридаги маҳзун ҳолатларидан асар ҳам қолмаган эди. Унинг онаси, бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда



бўлган бир кампир мени нариги дунёдан келган арвоҳдай кутиб олди, ўтмишни эслашни истамади, бу асарни ёзишда мен унинг онам билан сузлашгандаги баъзи узук-юлуқ гапларига, асосан ёдимда қолган эсдаликларга таяндим. Кампир кўзи тириклигидаёқ шумоёқ қизининг ўлимини оллодан ёлвориб тилаган, аммо муножотини фалакнинг қар қулоғи ҳеч тингламаган, қизи эса, ўша манфур воқеаларни эшитган қулоққа уялмасдан, оқизмай-томизмай айтиб, бемалол яшаб юраверган. Бироқ энг муҳим сир сирлигича қолган — у фожианинг асл сабабчиси ким, яъни, уни ким, қачон, қаерда йўлдан ургани хусусида лом-мим демаган. Сантьяго Насарнинг ўша зоний эканига эса ҳеч ким ишонмасди.

Зотан, Сантьяго Насар билан Анхела Викарио икки олам эди. Икковининг бирга юргани ёки хилватда бирга турганини ҳеч зот кўрмаган. Сантьяго Насар жуда назари баланд йигитлардан эди, табиийки, унга киё ҳам боқмаган. Бир гал шу қиз ҳақида гап кетганда, аниқ эсимда, у: «Сенинг анави қариндошинг кип-қизил тентак», деган эди. Сантьяго Насар қизлар борасида дови юришган йигит саналарди, қурдошлари уни макиёнларни қийратадиган қирғий дейишарди. Отасига ўхшаб у ҳам тоғма-тоғ ёлғиз кезиб юрар, бирор дарахт шохида осилиб, пишиб турган мевани — шу депарада бирор кўзга илинарли қизни кўрди дегунча ўйлаб-нетиб ўтирмай, ҳеч кимга билинтирмай шартта узарди-кетарди; аммо шахарликларга унинг атиги иккита жазмани борлиги аён эди, холос: Флора Мигель билан дон олишиб юриши эски гап эди; ўн тўрт ойдирки, Мария Александрина Сервантеснинг домига тушиб, яна ишқу жунун кўчасига кирганиям халойиққа маълум эди. Кўпчиликнинг ўйлашича, аслида Анхела Викарио бошқа бировни севган ва ўша номаълум билан айшини суриб юрган, нозик пайт келиб қолганда эса, дабдурустдан Сантьяго Насарнинг исмини тилга олган, акаларим унга қўл кўтаролмайди, дея хаёлидан кечирган ва сувдан қуруқ чикмоқчи бўлган. Иккинчи дафъа уни йўқлаб борганимда, мен ҳам худди шу фикрни таъкидлаб, далилу асосларни тахлаб ташладим, хотиннинг ўз тилидан ҳақиқатни эшитмоқни истадим, бироқ у бир зумга нигоҳини чокдан кўтариб, менга тикиди-да:

— Кўпам кавлаштираверма, қариндош,— деди.— Ўша эди.

Сўнг у менга қолган ҳамма гапни, жумладан, никоҳнинг илк кечасида нималар бўлганигача айтиб берди. Шум дугоналарининг унга: эрингни роса ичириб гишт қилиб қўйгин ёки ўзингни уятчанликка солиб чирокни ўчиришга мажбур этгин, энг муҳими, баданингни аччиқтош билан юв, эртасига эраталаб чойшабингни ҳовлига опчиқиб ёйишганда, кип-қизил бўлиб кўринади, қизлигингни ана шу белгилайди, дея ўргатишганигача яширмай айтди. Аммо Анхеланинг маслаҳатгўйлари икки нарсани ҳисобга олишмаганди: Байярдо Сан Роман ичкилик бобида пишиб кетганди, унча-мунча майни кўрдим демасди; зоҳиран соддаю гул кўринса-да, хурофот таъсириданми ботинан тоза, бегуноҳ, ёш боладай покруҳ эди. «Дугоналарим ўргатган нарсаларнинг бирортасиниям қилмадим,— деди менга Анхела Викарио.— Бу ҳақда ўйлаганим сари бунчалик тубанликка бормаслик лозимлигини, бу иш ғирт чўчкалик эканлигини англадим, ахир у

Ўшандан ўн йил кейин — фожеалар унутилиб, ҳамма гаплар эсдан чиқаёзганда — нохуш бир тонгда Анхела Викарио сесканиб уйғониб кетди: Байярдо Сан Роман кип-яланғоч тўшақда, унинг ёнида ётгандай туюлиб, нафаси тикилди. Шу куни унинг дарди-дунёси остинустун бўлиб, талвасага тушганича йигирма варақли хат ёзиб, унда ўша машъум кечадан бери ўтган давр мобайнида кўнглида тўпланган бор ҳасратини тўкиб солди, моғор босиб ётган ҳақиқатларни уяту андишани йиғиштириб қўйиб, бир-бир баён этди. Бағрини у бир умрга поралаб кетганини, жисму жонидаги яралар абадий бемалҳам қолажани, унинг тили заҳарлигию қадди коматида эҳтирослар қуёши мужассамланганини очик ёзди. Жувоннинг ҳар жумада келадиган чевар дугонаси бор эди. Хатни ўшандан бериб юборди; Анхела Викарио, бу мактуб телба руҳидаги сўнги чайқалиш бўлса керак, деб ўйлаганди, бироқ у шундан кейин ҳам не ҳақда ва кимга ёзаётганини англамаган ҳолда тагин ўн етти йил давомида муттасил нома битди.

Августнинг чароғон кунларидан бирида, чошгоҳда, Анхела Викарио дугоналари даврасида чок тикиб ўтираркан, эшик ёнига кимнингдир келганини пайқади. У қайрилиб қарамаса ҳам, ким келганини — бу ўша эканини сезганди. «У семирибди, сочи тўкила бошлабди, кўзи хиралашиб, кўзойнак тақибди,— деди жувон менга.— Аммо бу айни ўша эди, қурибгина кетсин! Ўша!» Анхела Викарио ўзиям унга ўхшаб қариб қолганини, шубҳасиз, уям кўради, дея ўйлаб, бирдан кўнглини ҳадик қоплаган, уни севганимчалик мени севолмайди, деган иштибоҳга бориб, яна бағри-дили ўртанган. Эгнидаги қўйлаги тердан ҳўл бўлганди — уни бозорда биринчи марта шундай ҳолатда кўрганди — белидаги қайиши ҳам қўлидаги кумуш безакли чармхалтаси ҳам ўша илк учрашувдагидай эди, фақат чармхалта анчагина унникқан эди. Байярдо Сан Роман чеварларнинг ҳайратдан оғизлари ланг очилиб, ханг-манг бўлиб қолганларига эътибор бермай, шитоб юриб келиб, халтасини чокмашина устига қўйган.

— Ҳа, дуруст, дуруст,— деган у,— мана, мен келдим.

Унинг иккита жомадони бўлиб, бирига кийим-кечак солинган, бошқасига Анхела Викарионинг икки мингга яқин хати тахланган экан. Мактублар санама-сана, батартиб дасталанган, шоҳи боғичлар билан боғланган, бирортасиям очилмаган экан.

Кўп йиллар мобайнида биз фақат ўша воқеа хусусида гапириб юрдик. Ўша машъум кунгача ҳар биримиз ўзимизча яшаб, пешонамиздагини кўриб келаётгандик, ҳамманинг кўнглига гулгула солган у ҳодиса эса фикру зикримизни ўз қомига тортди, гўё ҳар ёқда сочилиб оқаётган умримиз ирмоқчалари кутилмаганда ўша воқеа гирдобига қуйилди. Хўрозлар қичқирган заҳоти, сахармардонлаб барча бараварига уйқудан уйғонган, хаёлида тасодифнинг бир зарби туфайли очилажак фожеа эшигини ва унинг ортидаги қатор бадбахтликларни тасаввур этарди; омманинг оғзида шу гап эди, аммо бирор инсон зотининг дилида сирни очиб, қурбонни суиқасддан огоҳлантириш истаги йўқ эди, инчунун, ҳеч бир киши фалокат рўй берган, унга нечоғли алоқадор бўлмоғи ва кейин тақдири қандай кечажаги бобида бирор аниқ фикрга эга эмасди.



Бу ҳолнинг туб сабабиятини кўпчилик англай олмасди, албатта. Кейинчалик жарроҳ сифатида ном қозонган Кристо Бедойя ҳам ўшанда нечун дастлабки фикридан қайтганию нечун ўз уйига бориб ётиш ва ота-онасини суиқасддан хабардор қилиш ўрнига бувасиникига кириб, икки соатча қариялар билан валақлашиб, епископнинг келишини кутиб ўтирганига — бу ҳолнинг асл боисига ҳамон тушунолмайти. Бироқ суиқасддан вокифлар ҳам қосидларга халақит бериб, ниятини чиппака чиқариши мумкин бир пайтда ҳеч бир иш қилмаган, бу — иффату номус масаласи, унга алоқасизларнинг аралашуви ножоиздир, деган ақидага бориб, шу билан ўзларини алдаб-овутиб кўя қолишган. «Номус — муҳаббат демак», деганди ўшанда онам менга. Ортесия Бауте саллоҳларнинг икки хунрез пичоғини қонга ботмасдан аввал кўрганди — шу бошига битган бало бўлди, у ўнгидаям, тушидаям қонли пичоқларни кўравериб, азобу ўкинчдан савдойига айланди, бир куни шир-яланғоч ҳолида ўзини тош ётқизилган кўчага отиб, ер юзи билан хайрлашди. Сантьяго Насарнинг қайлиғи Флора Мигель ғаддор фалакнинг бу кўргиликларига аччиқма-аччик битта чегарачи ҳарбий йигит билан қочиб кетди, даюс эри уни охир-оқибатда ғарга айлантириб, Вичададаги каучук ўрадинг барзангиларга сотиб юриб, расвойи жаҳон қилди. Насарларнинг уч авлодига энгалик қилган доя Аура Вильерос эса, Сантьяго Насарнинг сўйилганини эшитган ҳамони ваҳимадан қовуғи тортишиб қолди ва ўла-ўлгунча баданига сукилган резина ичакдан пешоб қилиб ўтди. Клотильде Арментанинг олийжаноб эри умрининг вафоси боис 86 га кирган дон Рохелио де ла Флор уйда, эшиги ёпиқ нариги хонада Сантьяго Насарни тўрт пора этилаётганини кўраман дея ўрнидан сўнги марта кўзғолдию дўзахий манзарадан қайта ўзига келолмай, оламдан ўтди. Ўғли кирадиган эшикни беркитиб қўйган Пласида Линеро вақт ўтган сайин гуноҳини унутиб юборди. Менга у ўзини оқлаб: «Дивина Флор, ўғлинг уйга кириб кетди, дегани учун эшикни занжирлаб қўйгандим. Аммо у ёлғон айтган экан». Бироқ Пласида Линеро тушга киргувчи даракнинг хайрли экани билан кушларнинг ёмонлик даракчиси эканини алмаштириб юборгани учун бир умр ўзини кечиролмади, шуни ўйлай-вериб, замонасининг гўр йўлига етакловчи дориси — занжабил донасини чайнашга дучор бўлди.

Терговчи фалокатдан ўн икки кун кейин келди, шаҳар аҳлининг ёппасига талвасага тушганини, тартибсизлик кўпганини кўриб, боши қотди. У шаҳарнинг ёғочдан қурилган бош маҳкамасидаги ислиқи хонада сатилда қайнатилган қаҳвага шакарқамиш шаробидан кўшиб ичиб ўтираркан, тўс-тўполон ва жазирама кун туфайли кўз олдидан кетмаётган саробий манзарани унутишни, ором олишни истар эди. Маҳкама ёнида оломон пашшадай гужғон ўйнар, ўзининг бу фалокатга нечоғли дахлдорлигини, нималарни билишини айтмоқни истаган иззатпараст довдир одамлар шу қадар кўп эдики, улар сўрамасдан ҳам эшикдан ёпирилиб киришга тиришар, шовкин солишар эди; терговчи бебош халойиқдан муҳофаза этсин учун мададкор аскарларни чақиртирди. У яқиндагина ҳуқуқшунослик бўлимини тугатган, энгидаги ҳуқуқшунос толибларнинг қора мовуғ костюми, энгида битирувчиларнинг ҳалқасимон белгиси ҳам бор эди; унинг юриш-туришидан эн-

ди йўлга кирган адлия ходимининг фахру шиддати, ғуруру виқори ёгилиб турарди. Аммо у ҳеч бир эътиборга лойиқ иш кўрсатмади, ному насаби номаълумлигича қолди. Унинг қандай одамлиги хусусидаги биз билган гаплар у ёзган, Риоачидаги Адолат саройида сақланаётган, мен йигирма йил сўнг ўқиб-ўрганганим суд ҳужжатлари асосида туғилган мулоҳазалардир. Асралаётган ҳужжатлар жудаям бетартиб аҳволди эди, ўзимга керакли манбаларни аллақанча кишининг кўмаги билан аранг-аранг топдим; мустамлака замонидан мерос бу бинода қачондир икки кечаю кундуз Френсис Дрейк<sup>1</sup>нинг қароргоҳи бўлган, эндиликда бу ердаги хоналарда тоғ-тоғ қоғоз уюлиб ётарди. Денгиз тўлкинлари пастки қаватларни босган, даста-даста ҳужжатлар кимсасиз бўлмалар бўйлаб сузар эди. Ана шу воқеаномалар қонига айланган қўлда ўзим ҳам тўпифимгача сувга ботиб, жуда кўп азоб чекдим, беш йиллик ахтаришларим натижасида, ниҳоят, ўша терговчи ёзган 500 саҳифали суд ҳужжатиининг денгиз сувида шўрлаган 322 варағини топдим.

Терговчининг исмини бирор жойда учратмадим, ёзувидан ўқиб англашимча, у ашаддий адабиёт жинниси экан. Шубҳасиз, у испанларнинг, лотинларнинг қатор салаф адиблари ижодини, айниқса ўша даврда ўқиш расм бўлган Ницше асарларини яхшигина ўрганган экан. Саҳифалар ҳошиясидаги белгилар, изоҳлар — сиёҳнинг рангидан қатъи назар — худди қон билан битилганга ўхшарди. Терговчи зиммасига юкланган ишдан шу қадар довдираб қолганки, воқеа, ҳолатлар шарҳида қасб-қорига мутлақо зид равишда тез-тез лирик чекинишларга — кўнглидан кечган мулоҳазаларга — йўл қўйган. Айниқса, тақдир тақозоси юзасидан рўй берган тасодифлар шунчалик кўп ва чалқаш эдики, ҳатто адабиётда ҳам ифодалаш амримаҳол бўлган бундай қотилликнинг амалга ошганига — суиқасддан шунча оломон хабардорлигига қарамай бир одам ўлиб кетаверганига ҳечам ақли бовар этмас эди. Бирок у кўп сермашаққат изланишлар оқибатида, майда-чўйда тафсилотларгача аниқлаб, Сантьяго Насар — фожианинг бош сабабчиси, деган хулосага келгандики, бу фикри унга ҳеч тинчлик бермай қўйганди. Анхела Викарионинг дугоналари — ўша алдоқ иштирокчилари ҳам неча йиллар давомида у тўйдан олдин уларга ўз сирини очганини, аммо зинокорнинг номини бекитганини айтиб юришди. Терговчига берган жавобларида эса бари бир сўзни такрорлашган: «У бизни мўъжизадан воқиф этди, лекин мўъжизакорини сир тутди». Анхела Викарио ҳам дугоналарига ўхшаб бир гапни чайнашдан нарига ўтмаган. Терговчи ўзига хос қувлик билан марҳум Сантьяго Насарнинг кимлигини сўраганида, у киприк қокмасдан:

— У менинг кўз очиб кўрганим эди, — деган.

Бу ибора шундайлигича — йигит унинг кўзини қачон, қаерда, қай ҳолатда очганини тафсилу исботлар билан кўрсатилмай ёзиб қўйилган, холос. Бор-йўғи уч кунга чўзилган суд жараёнида оқловчилар маҳкамаси раиси бу айбнинг асосиз эканини, исботланмаганини кўп

<sup>1</sup> Френсис Дрейк (тахм. 1545—1595 й.) — инглиз денгизчиси, қароқчи. Бир неча бор ҳозирги Лотин Америкаси қирғоқларига сузиб ўтган, испанларнинг кемаларини ва мулкларини талаган, қултурушлик қилган.



бор таъкидлаган. Терговчи Сантьяго Насарнинг гуноҳини далилловчи жиноят белгилари ниҳоятда камлигидан шунчалик ўзини йўқотиб, умидсизликка тушганки, алоҳа бутун қилган иши пучдай туюлган. Шунинг таъсиридами, у 416-саҳифа ҳошиясига қизил сиёҳда шуларни ёзган: «Мени ишонтиринг — ақидапараст этинг, дунёни ўзгартириб юбораман». Бу ташбехли, пурмано ибора остига у умидсизлиги ва ночорлиги ифодаси ўларок, ўша қонранг сиёҳда юракка санчилган камон ўқини тасвирлаган. Сантьяго Насарнинг барча дўстлари каби у ҳам қурбоннинг ўлими олдидаги ҳолатлари бегуноҳлигининг бирдан-бир ишончли асоси, дея ҳисоблаган.

Дарҳақиқат, Сантьяго Насар умрининг ўша қазо тонгида, гарчанд унга ёпиштирилаётган айб энгил эмаслигини, бир кориҳол юз беришини англаса ҳам, айна бирор хавфни сезмаган. У, ўзи яшаётган муҳитнинг нақадар риёкорлигию замондошларининг нечоғли иккиюзламачилигини яхши тушунган одам, соддадил саллоҳлар ўз оила-си бошига тушган бу мусибат, бу доғ туфайли ҳар қанақа бемаъниликка беихтиёр қўл ура олишига ақли етиши лозим эди. Байярдо Сан Романнинг қандай йигитлигини ҳеч ким билмасди, лекин унинг ҳам барча оқсуяклар каби киборона хатти-ҳаракати, феъл-атвори заминдаги пойдевор — хурофий ақидалардан иборат эканини Сантьяго Насар билган, албатта. Шундай қилиб, унинг онгли лоқайдлиги ўз жонига зомин бўлган. Бундан ташқари, энг сўнгги дақиқаларда, ака-ука Викариолар уни ўлдирамиз деб кутиб туришганини айтишганида, кўпчилик таъкидлаганидай, ўзини йўқотиб қўймаган, балки бегуноҳ одам бундай дамда нечоғли довдираб қолса, ўшандай бир саросимага тушган, холос.

Менимча, Сантьяго Насар ўзининг нега ўлаётганини англамаган ҳолда жон узган. У синглим Марготга бизникига нонушта қилгани киражагини айтган, сўнгра Кристо Бедойя билан қўлтиқлашганича кир-ғоқ бўйлаб юриб кетишган, икковлон шу қадар хотиржам, бепарво кўринишганки, атрофдагилар ваҳимали шов-шувни унутиб, ҳаммаси бекор гап экан-да, деган хаёлга боришган. «Уларни мамнун, беғам киёфада кўриб, тангрига шукрона айтдим ва хайрият-э, фалокатлари арипти, дея кўнглимдан кечирдим», деди менга Меме Лоаиса. Табиийки, Сантьяго Насарни ҳаммаям бирдай яхши кўравермас эди. Электростанция хўжайини Поло Кардильоннинг айтишича, Сантьяго Насарнинг бепарволиги унинг бегуноҳлигидан эмас, балки сурбетлигидан далолат берармиш. У мен билан суҳбатлашганида эса: «Йигитни пул қутиртирворганди, пул билан ажални сотиб оламан, деб ўйларди», деди ёзгириб. Унинг хотини Фауста Лопес: «Ўзи ҳамма турклар ҳам шунақа», дея эрининг сўзини маъқуллади. Индалесио Пардо Клотильде Арментанинг дўконига кирганда, саллоҳлар унга, епископ ҳазрат жўнаб кетган заҳоти Сантьяго Насарниям нариги дунёга жўнатамиз, дейишган. У ҳам бошқа одамлардай биродарларнинг сўзига эътибор бермаган, уйқудан қолган йигитчалар алжирашяпти-да, деб ўйлаган, аммо Клотильде Армента уларнинг гапи рост эканлигини таъкидлаб, ундан Сантьяго Насарни огоҳлантиришини ўтинган.

— Бекорга оғзингни чарчатма, — деган шунда Педро Викарио, — бари бир уни сўямиз, ўлганлар каторига қўшиб қўявер.

Бу очикдан-очик, сурбетларча дағдаға эди. Биродарлар Индалесио Пардонинг Сантьяго Насарга дўстлигини, бу сўзлар шак-шубҳасиз унинг жигига тегишини билишарди, афтидан, ана энди у бор гапни дўстига бориб айтади, кейин бизни яраштиради, шармандаликдан ҳам кутуламиз, қўлимизни ҳам қонга бўямаймиз, деб ўйлашган. Индалесио Пардо олдиниға Сантьяго Насарни суиқасддан бохабар этмоқчи бўлган, бироқ унинг Кристо Бедойя билан қўлтиклашганча бандаргохдан келаётган халойиқ ичида бепарво бораётганини кўриб, фикридан қайтган. «Ўшанда негадир ҳовримдан тушиб, бари ўтрик гап экан-ку, деб ўйлаб, индамадим», деди у менга. У иккала ўртоқнинг елкасига қоқиб, мамнунона жилмайиб қўйган. Улар эса, азбаройи тўйнинг сарфу харажатларини ҳисоблаш билан банд бўлганларидан унга эътибор ҳам бермай, йўлда давом этишган.

Оломон сафида икковлон ҳам майдон томон йўл олишган. Одамлар тўдаси жуда зич бўлган, лекин Эсколастика Сиснеросга иккала дўст бемалол, ҳеч қийналмасдан одим ташлаётгандай — ҳамма Сантьяго Насарнинг ўлимга кетаётганини билганидан унга тегинмасдан, улар атрофида бўшлиқ пайдо этаётгандай туюлган. Кристо Бедойя ҳам ўша сонияларни хотирларкан, халойиқ икковлонга галати назар билан қараганини эслади. «Худди фалокат пешонамизга ёзиб қўйилгандай роса бақрайишганди», деди у менга. Ўшанда Сора Нориега пойабзал дўконини очаётган экан, Сантьяго Насарнинг бўздай оқариб кетганини кўриб, хавотирга тушган ва бунинг сабабини сўраган.

— Э, Сорагинам, кўп нарсага ақлинг етавермайди-да, — деган унга Сантьяго Насар йўлда тўхтамасдан. — Шунча ичкиликдан кейин нафақат одам, ҳатто тош ҳам оқариб кетади!

Селесте Дангонд кўча эшиги оғзида уйда киядиган халатига бурканиб, епископни кутгани чиққан нодонларни мазах қилиб кузатиб ўтираркан, Сантьяго Насарга кўзи тушиб, кел, мен билан қаҳва ич, дея таклиф этган. «Мен атайин вақт ўтсин, фалокат рўй бермасидан аввал бирор фикрга келайлик, деган ниятида уни тўхтатмоқчи эдим», деди у менга. Сантьяго Насар уйига шошаётганини, кийимини алмаштириши лозимлигини, синглим Маргот уни бизникига нонуштага қақирганини айтган. «У шунчалик хотиржам, қилмоқчи бўлган ишлари шунчалик тайин эдики, мен саросимада қолдим, — дея изоҳ берди яна Селесте Дангонд. Назаримда, саллоҳлар уни ўлдиролмайдигандай туюлди». Ана шу олатасиру шовқин-суронлар ичра иккиланмай, кўнглида неки туғилган бўлса, ҳеч шубҳаланмай амалга оширган инсон Жамил Шайум эди. Узунқулоқ гаплар дарагини эшитган заҳоти у ўзининг газмол дўкони эшигига чиқиб, суиқасддан огоҳлантириш мақсадида Сантьяго Насарни кута бошлаган. У бу маконга Иброҳим Насар билан бирга келган ва эндиликда уч-тўрттагина қолган араблардан бири эди; у Иброҳим Насарнинг кимордаги доимий шериги, у ўлгач, етимчаларининг мададқори, маслаҳатгўйи бўлиб қолган эди. Сантьяго Насар бағоят иззат қиладиган ва насиҳатига қулоқ тутадиган ҳурматли одам ҳам шу Жамил Шайум эди. Бироқ шу инсон ҳам айни керакли пайда тараддудланиб, мабодо эшитганларим ёлғон чикса, Сантьяго Насарни беҳудага ташвишга қўяман, яхшиси, Кристо Бедойядан сўрайин, балки у аниғини билар, деган андишага борган. Икковлон ўтиб



кейтишаётганда, у Кристо Бедойяни ёнига чорлаган. У Сантьяго Насарнинг елкасига дўстона қоқиб — бу пайтда улар бурчакка етиб боришганди — кейин Жамил Шаййум томонга йўналган.

— Шанбада кўришармиз,— дея у хайрлашган.

Сантьяго Насар унга жавоб бермаган, Жамил Шаййумга қарата арабчалаб нимадир деган, газмолфуруш кулгидан ичаги узилиб, унга ҳам арабчалаб бир нималар деб кичқирган. Жамил Шаййум буни изохлаб: «Икковимизнинг ўртамизда шунақа пайров бўлиб турарди, бир қизиқ гап бор эди — фақат икковимиз тушунардик», деди менга. Сантьяго Насар уларга хайрлашгандай қўл силкиган-да, майдон муюлишидан бурилиб, кўздан гойиб бўлган. Иккови уни охирги марта ана шу ҳолатда кўришган.

Кристо Бедойя Жамил Шаййумнинг сўзларини эшитиб, Сантьяго Насарни қувиб етиш ниятида пештахтадан сакраб, эшикка отилган. У дўстининг муюлишдан шундоққина бурилаётганини кўрганди, аммо майдонга ёйилиб бораётган кишилар ичидан уни тополмаган. Бир неча одамдан Сантьяго Насарни сўраганда, улар:

— Ҳозиргина сен билан бирга кўргандик,— дея бир хил жавоб қайтаришган.

Кристо Бедойяга бу қиска муддатда Сантьяго Насар уйига етиб келиши номумкиндай туюлди, бироқ, шунга қарамай, у уйга кириб, уни суриштирмакка қарор қилди; кўча эшик у ўйлагандай кулфлоглик эмас, балки қия очилиб турар эди. Тонг қоронғисида у остонада ётган хатни илгамида, бемаҳаллиги учун оёқ учида юриб меҳмонхонадан ўтди; уй ичкарасидан итларнинг безовталаниб гингшигани эшитилди, сўнг махлуқлар унга сари чопиб келишди. У худди уй эгасидай калитларни шикирлатди-да, итларни тинчитди, кейин галани эргаштириб ошхонага йўналди. Йўлақда меҳмонхона полини югани пакир, латта кўтариб келаётган Дивина Флорга урилиб кетаёзди. У Саньяго Насар қайтмаганини айтди. Кристо Бедойя ошхонага кирганида Виктория Гусман қуён гуштини қозонга солиб, тагига ўт ёққан эди. У йигитнинг кўзларидан аҳвол ниҳоятда қалтислигини англаган. «Юраги ҳаприқиб, оғзига келиб қолаётганди», деди у менга. Кристо Бедойя ундан, Сантьяго Насар уйдами, деб сўраганида, ёлғондакам такалуф билан, у ҳали ухлагани қайтмади, дея жавоб берган.

— Ҳазилнинг вақти эмас,— деган унга Кристо Бедойя.— Уни ўлдирармиз деб қидириб юришибди.

— У бадбахт болалар ҳеч кимни ўлдиролмайди,— деган у.

— Ахир, шанбадан бери учиб, тишларини қайраб, пайт пойлаб ётишибди-ку,— деган дарғазаб бўлган Кристо Бедойя.

— Бари бир бунга қўли бормайди,— деган у,— уларнинг ҳуши жойида, ҳанузгача бирорта мастининг ўз нажасини ўзи еганини эшитмаганман.

Кристо Бедойя меҳмонхонага ўтганида Дивина Флор эндигина деразаларни очиб, уйни шамоллатаётган эди. «Ўша куни ёмғир ёғмаганди,— деди менга Кристо Бедойя,— аниқ эсимда. Вақт еттига яқинлашиб қолган, дераза кўзида қуёш нурлари жилваланарди». У Дивина Флордан, Сантьяго Насарнинг меҳмонхонадан ётоқхонасига ўтиб кетмаганига имонинг комилми, деб яна сўраган. Бу гал қиз тайинли

бир гап айтолмай, довдираб қолган. Сўнг йигит ундан Пласида Линерони сўраган, қиз бир дақиқа аввал унинг хонасига қаҳва олиб кирганини, аммо уни уйғотгани ботинолмаганини айтган. Одатда Пласида Линеро роса еттида ўрнидан турар, хонасида қаҳва ичгач, пастга тушиб, тушликка қандай овқат пишириш лозимлиги хусусида буйруқ берар эди. Кристо Бедойя соатига қараса, 6-ю 56 экан. Шунда у Сантьяго Насарнинг уйга қайтмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқ ниятида иккинчи қаватга кўтарилган.

Ётоқхона эшиги ичидан берк эди, чунки Сантьяго Насар ташқари-га онасининг хобхонаси орқали ўтиб кетганди. Кристо Бедойя бу хонадоннинг энг яқин кишиларидан бўлиб, уни ўз уйидай яхши биларди. У дўстининг хонасига Пласида Линеронинг ётоғи орқали ўтмоқ ниятида эшикни оҳиста итарди. Деразанинг тепа кўзидан тонготар офтобининг ўткир, кийрихон ёғдулари хонага бир зайлда ёғилар, түрбелан-чакда худди келинчакдай юзини ёстик қилинган қўлларига босганча бир аёл ширингина ухлаб ётар эди — бу манзара йигитга рўёдек туюлди. Ўша ҳолатни эсларкан, Кристо Бедойя менга: «Туш-дагидай эди», деди. У бир дақиқача аёлга маҳлиё термилиб қолган, сўнг секингина юриб хонадан чиққан, ғулхонадан ўтиб, Сантьяго Насарнинг ётоғига кирган. Каравотдаги ўринга ҳеч ким тегинмаганди, оромкурси суянчигига дазмолланган суворий қора костюм осиглик эди, тепароқда суворий қалпоқ илинганди, ерда бир жуфт узун этик, ёнида отнинг узангиси турарди. Сантьяго Насарнинг жавондаги соати 6-ю 56 рақамини кўрсатарди. «Мен бирдан, у уйга келиб, қуролни олиб чиқиб кетса, яхши бўларди, дея уйладим», деди менга Кристо Бедойя. Жавоннинг тортмасини очиб, у «магнум» тўппончасини кўрган. «Ҳеч қачон тўппонча отмагандим,— деди менга Кристо Бедойя.— Сантьяго Насарга элиб бераман, деган фикрда қуролни олдим». У тўппончани кўйлаги остидан белига кистириб кўйган, шу бўйича тегмаган, жиноят содир этилгач, бирдан тўппончани эслаган, уни қўлига олиб, ўқланмаганини билиб қолган. Ўшанда жавон тортмасини ёпаётганда, эшикдан қўлида қаҳва тутган Пласида Линеро кириб келган.

— Вой тавба! — дея у хитоб этган.— Сенмидинг, ўтакамни ёриб юбординг-а!

Кристо Бедойя ҳам чўчиб тушган. У қаршисида сочлари ёйик, түрғайгулли зарҳалат кийган аёлни кўриб, ёрқин тонг ёгдусидан кўзлари қамашиб, ҳафлаласи пир бўлган. Йигит саросималаниб, бу ерга Сантьяго Насарни излаб кирганини айтган.

— У епископни кутгани кетганди,— деган Пласида Линеро.

— Епископ бизнинг бандаргоҳда тўхтамади,— деган йигит.

— Шундай бўлишини билардим,— деган у.— Отасининг тайини йўқ одамда субут нима қилсин!

Аёл бирдан сўзини тўхтатиб, Кристо Бедойянинг ўзини кўярга жой тополмай, аланг-жалаң бўлаётганини сезиб қолган. «Ишқилиб ўзи кечирсин мени,— деди аёл менга,— бола бечора шундай довдирардики, ўшанда миямдан, бу ўғриликка кирибди-ёв, деган фикр ўтганди». У Кристо Бедойядан, ҳа, тинчликми, дея сўраган. Йигит ўзининг қай



аҳволда эканини англагану, аммо гап нимадалигини очиқ айтишга журъат этмаган.

— Бир дақиқаям кўз юммадим, уйқусизлик-да, гарангсиб копман,— деган у.

Кристо Бедойя бошқа ҳеч нарса демай чиқиб кетган. «Бу хотиннинг назарида ҳар доим ўрилар унинг уйини тунашаётгандай туюлаверарди», деди менга Кристо Бедойя. Йигит майдонда епископсиз ибодат ўтказолмасдан роҳибларни эргаштириб қайтаётган падар Амадорни учратган, унга бир нима демоққа тараддудлангану аммо индамаган: хашишнинг кўлидан дуо қилишдан ўзга иш келмайди, деб ўйлаган. У яна бандаргоҳ сари ошиққан ва бирдан орқадан, Клотильде Арментанинг дўконидан ўзини чақиришаётганини эшитган. Девор ёнида юзлари оқарган, ёқавайрон енглари шимарилган қўлларида дастаррадан ясалган қўпол дудама пичоқ тутган Педро Викарио турарди. У ўзича қаттиқ хезланиб, ниятини ошкор этишга, хунрезликка тайёрланаётганини ҳаммага билдиришга интиларди; албатта, буну у атайин қилар, бирор инсоф эгаси келиб, уни ёмон йўлдан қайтаришига умид боғлар эди.

— Кристобаль! — дея қичқирган ялтоқи овозда Педро Викарио.— Сантьяго Насарга айтиб қўй, биз уни ўлдириш учун пойлаб турибмиз.

Кристо Бедойя уларга йўлига бўлсаям халақит берганидами, икковлон унинг бу яхшилигини бир умр эслаб юришарди. «Тўппончани отишни билганимдайди, Сантьяго Насар ҳам беҳудага ўлиб кетмасди», дея ўқинди у менга. У тўппонча ўқининг афсонавий қудрати хусусидаги гапларни эшитгандаёқ баданида титроқ турган.

— Билиб қўй, унинг «магнум»и бор, ўқи автомобилниям илматешик қилиб юборади,— дея қичқирган Педро Викариога қараб.

Педро Викарио унинг алдаётганини сезган. «Агарда у от миниб чиқмаса, қуролини олиб юрмасди», деди менга Педро Викарио. Шунга қарамай, сингисининг шаънини оқламоққа ва қон тўқмоққа катъий аҳд этгач, у мабодо Сантьяго Насарнинг кўлида қурол бўлса не чора кўрмоқни ҳам олдиндан ўйлаб қўйган.

— Жонсиз жасад тўппонча отолмайди,— дея жавобан бақирди у.

Шу пайт эшик ёнида Пабло Викарио кўринган. У ҳам укасига ўхшаб ранг-қути ўчган, эгнида тўйда кийган қора мовут костюми, кўлида рўзномага ўроғлиқ пичоқ бор эди. «Агарда шу воқеанинг шоҳиди бўлмаганимда, ўлсамам уларнинг қай бири кимлигини ажратолмай, дунёдан ўтиб кетарди»,— деди менга Кристо Бедойя. Пабло Викарионинг орқасидан Клотильда Армена чиқиб келган ва Кристо Бедойяга, тезроқ бориб дўстингни фалокатдан қутқар, хотинчалишларга тўла бу шаҳар ўлгурда фожианинг олдини олишга қодир бирдан-бир эркак киши ўзингсан, дея чинқирган.

Кейин нимаики рўй берган бўлса, ҳаммасини шаҳар аҳли ўз кўзи билан кўриб турган. Бандаргоҳдан қайтаётган одамлар бир-бирига бақириб-чақиришиб, бўлажак томошани — хунрезликни кўриш учун майдондан жой танлаб, ўрнашиб олиш тараддудига тушган. Кристо Бедойя қайсики таниши учрамасин, ундан Сантьяго Насарни сўраган, барча бирдай, кўрмадик, деган. У Киборлар уйи эшиги олдида пол-

ковник Ласаро Апантега дуч келган, унга Клотильде Арментанинг дўкони рўпарасида бўлиб ўтган гап-сўзларни айтган.

— Бехудага ваҳима қилма,— деган унга полковник Апонте,— ҳозиргина икковиниям, жуна энди, уйингга бориб ухлагин, деб ҳай-даворгандим-ку!

— Йўқ, улар кетишмапти, қўллариди чўчка бўғизлайдиган пичоклариям бор,— дея эътироз билдирган унга Кристо Бедойя.

— Довдираб қолипсан-ку, а, бола, ахир мен уларнинг пичоғини уйига кетишидан аввал олиб қўйгандим,— дея шаҳар ҳокими сўзида қатъий турган.— Балки икковини сен мендан олдин кўргандирсан?

— Уларни бундан роса икки дақиқа бурун учратдим, ҳар бирида биттадан пичок бор эди,— жавоб берган Кристо Бедойя.

— Оббо, наҳс босганлар-эй! — хитоб этган полковник.— Демак, у баччағарлар бошқатдан пичок опкелишибди-да!

У бу иш билан дарҳол шуғулланажagini таъкидлаб, кечкурун домино ўйнамоқчилигини айтиб қўйгани Киборлар уйига кириб кетган, қайтиб чиққанида эса, хунрезлар йигитни сўйиб бўлишган эди. Кристо Бедойя биргина, аммо жуда катта хатога йўл қўйганди: у ўша сўнгги дақиқаларда Сантьяго Насар кийимни алмаштириб, бизникига нонуштага кириб кетган, деб ўйлаган. У дарё четидаги йўлдан шитоб одимлаб бораркан, ҳар бир йўлиққан кимсадан, Сантьяго Насарни кўрмадингми, дея сўроқлаган, бироқ ўткинчилардан бирорта маънили жавоб эшитмаган. Бари бир у бундан унчалик ҳадиксирамаган, бинобарин, бизникига бориладиган бир неча йўл бор эди. Худди шу пайт унга Просперо Аранго деган гадой дуч келиб, епископнинг оний дуоларига қарамасдан, отасининг тобора ўлим чангалига тушиб бораётганини айтиб, мадад истаб ёлворган. «Ўша ердан ўтаётиб чолни кўрувдим, деди менга синглим Маргот,— юзида жон асорати йўқ эди». Кристо Бедойя Просперо Аранго билан чолни каравотга олиб бориб ётқизгунча тўрт дақиқа ўтиб кетган. У кўчага чиқиб, узоқдан одамларнинг шовқинини эшитган, назарида майдон тарафда мушаклар отилгандай туюлган. У югурмоқчи бўлган, аммо белига нотавонларча қистирилган тўппонча ботиб, чопишга ҳалақит берган. Муюлишдан бурилгач, кичик укамни қўлидан ушлаб, диконглатиб шошиб бораётган онамга орқадан кўзи тушган.

— Луиса Сантьяго! — дея кичкирган у онамга.— Қариндошингни кўрмадингми?

Онам тўхтаб, кўзёш ювган юзини унга ўгириб:

— Вой, болам! — деган.— Уни ўлдиришганмиш.

Дарҳақиқат шундай эди. Кристо Бедойя уни ахтариб юрганда, Сантьяго Насар қайлиғи Флора Мигелнинг муюлишдаги уйига кириб кетганди, ётганида охириги марта кўрганди. «Ўша ердалиги хаёлимгаям келмаганди,— деди менга Кристо Бедойя.— Ахир, у уйдигилар чошгоҳгача кўпиб ухлаб ётишади-да». Шаҳардагиларнинг айтишича, араблар жамосининг фозили Ноир Мигелнинг буйруғига биноан, бу оиланинг барча аъзолари ҳам кундузи соат ўн иккигача ухлашарди. «Ана шунинг учун Флора Мигель гулдай яшнаб, семириб, ялтиллаб кетганди», деди менга Мерседес. Аслида эса, аксинча эди. Бу гўшадагилар ҳам барча араб қавмига мансуб кишилар каби жуда



эрта турар, поктаъб, меҳнаткаш инсонлар эди, фақат чошгоҳгача эшикларини очишмасди. Флора Мигель билан Сантьяго Насарнинг оталари уларнинг ёшлигидаёқ куда бўлишга аҳд боғлашганди. Сантьяго Насар бу аҳд хусусида ўсмирлигидаёқ эшитганди, катталар неники лозим кўрса, барчасини сидкидилдан бажарарди, зотан, оила ва никоҳ борасида отаси манфаат нуктаи назаридан фикр юритганидек, ўглининг ақидаси ҳам айнан шундай эди. Флора Мигель дўмбиллаган жонона бўлса-да, фаҳму фаросатдан, назокату латофатдан бебахра эди, шунинг учунми, ўз тенгдошларининг орасида, тўйларда, кизларнинг онаси бўлиб ўтирарди, шу жиҳатдан олиб қараганда, унинг Сантьяго Насарга унашилгани осмондан ёккан эҳсондай бир гап эди. Бўлажак келин-куёвлар расмий борди-келдиларсиз, хилватда учрашишларнинг ташвишу озорисиз ўзларича фароғатда умр кечиришарди; тўй оқшоми бир неча бор тайин этилиб, бузилиб, ниҳоят, келаётган рождество ҳайитида ўтказишга келишилган эди.

Ўша душанбада Флора Мигель епископ тушган кема илк бор овоз бергандаёқ ўрнидан турганди, бир неча фурсат ўтиб, ака-ука Викариолар Сантьяго Насарни ўлдириш қасдида уни пойлашаётганини эшитган эди. Фалокат рўй бергач, у билан фақат менинг роҳиба синглим сўзлашган, Флора Мигель унга шумхабарни айнан кимнинг оғзидан эшитганини эслай олмаётганини айтган. «Эрталабки соат олтигача бу гапдан ҳамма хабардор бўлганди, мана шуниси ёдимда қолган, холос», деган у роҳиба синглимга. Сантьяго Насарни ўлдиришларини бечора киз ҳечам тасаввурига сифдирилмаган, устига устак, энди улар оила шаънига тушган доғдан фориф бўлиш учун йигитни мажбуран Анхела Викариога уйлантиришади, деган ваҳмакор фикрдан мияси ғовлаб кетган. Хўрлиги келиб, эзилиб, ўзини йўқотиб қўйган. Ётоқхонага кирволиб, нима қиларини билмасдан, Сантьяго Насар мактабда ўқиб юрган чоғларида унга ёзган хатларини олиб, бошқатдан тахлаётганида, шаҳарликларнинг деярли ярмиси епископга пешвоз чиқиб, бандаргоҳга тўпланган эди.

Сантьяго Насар Флора Мигелнинг эшиги ёнидан ўтаркан, ҳар доим, ҳатто ҳеч ким бўлмасаям, деразанинг тунука раҳига калит билан уриб-уриб тикиллатар эди. Дўндикча худди ўша куниям мактубли қутичани тиззасига қўйиб, қайлиғини интизор кутиб ўтирган эди. Сантьяго Насар кўча тарафдан уни кўролмасди, аммо Флора Мигелнинг уйлари томонга келаётганини сим тўр орқали кўрган, деразанинг тунука раҳига калити билан уриб овоз қилганини ҳам эшитган.

— Киравер,— деган киз унга.

Эрталабки соат 6-ю 45 да бу уйга ҳеч ким, ҳатто даволовчи ҳаким ҳам қадам босмаган эди. Сантьяго Насар Жамил Шаййумнинг дўкони рўпарасида Кристо Бедойя билан хайрлашгач, майдон тўла оломон кутиб-кузатиб турган бир пайтда, йигитнинг қайлиғи уйига кириб кетганини ҳеч кимнинг кўрмай қолиши жуда ғалати, ақл бовар этмас бир ҳол эди. Терговчи уни ўша ҳовлига кираётганини кўрган шохидни ўлиб-тирилиб излаган, суриштирган, бироқ тополмаган, нечоғли уринмайин, менга ҳам ўшандай одам билан суҳбатлашиш насиб қилмади. Тергов ҳужжатларининг 382-варағи ҳошиясига у қизил рангли сиёҳда яна бир фозилона фикрни ёзиб қолдирибди: «Тақдир бизни кўзга

кўринмас қилиб қўя олади». Ахир, Сантьяго Насар ҳамманинг кўз олдида эшикдан ўша уйга кирган ва ўзини билинтирмаслик учун ҳеч бир ҳаракат қилмаган бўлсаю унга бирор кишининг назари тушмаганини, умумнинг гафлатда қолганини не сўз билан тасвиру не ақл билан тасаввур этасиз?! Флора Мигель тантанали айёмларда киядиган гулдор кўйлагини эгнига илиб, аламу фисқдан кўкариб, пишиллаб, уни кутиб меҳмонхонада ўтирган эди, у кирган заҳоти зардаси қайнаб, қутичани йигитга тутказган-да:

— Ол, матоҳингни! — деган. — Энди сени ўлдирсалар ҳам парвойимга келмайди!

Сантьяго Насар доводи раб қолган, азбаройи гарангсиганидан қўлидаги қутичани ҳам тушириб юборган, муҳаббату меҳру эътибордан холи хатлар ерга сочилган. Флора Мигель ётоғига дарғазаб ҳолда йўналган, йигит ҳай-ҳайлаб унинг орқасидан чопган, лекин пандавоқи киз эшикни қарсиллатиб ёпиб, илгагини солиб, беркитиб олган. У бир неча марта эшикни тақиллатган, кейин қаттиқ овозда қайта-қайта чақирган, шунда, қизимизни бемаҳалда ким йўқлапти, дея безовталаниб, уйдагиларнинг ҳаммаси бараварига югуриб чиқишган. Бу уйда турадиган ёшу қари, қариндошу жигаргўшаларнинг барчаси ўн тўрт киши эди. Охири қизнинг отаси Ноир Мигель чиққан, унинг соқоли саргиш, бўялган эди; Эгнига одатда доим уйда киядиган, олис юртидан олиб келган табаррук ғалабийси уни ниҳоятда басавлат кўрсатар, ўзиям улугсифат мўйсафид эди. Уни ҳар кўрганымда, салобати босиб, ўзимни йўқотиб қўярдим.

— Флора! — деган у ўз она тилида. — Оч эшикни!

Чол қизининг ёнига кириб кетгач, қолганларнинг ҳаммаси Сантьяго Насарга бақрайишганича, энди нима бўларкин, дея ташқарида кутиб туришган. Йигит ерга тиззалаганча шошиб-пишиб хатларни терган, қутига солган. Ушанда уни кўрган кишилар: «Тавбасига таянгандай бўлиб кўринди бизга», дейишди менга. Бир оздан кейин Ноир Мигель қизининг ёнидан қайтиб чиққан ва авлодларига, бизни холи қўйинг, дегандай ишора қилган, ҳамма нари кетган.

Сўнгра у Сантьяго Насарга арабчалаб нималардир деган. «Аввало у менинг айни пайтда нима деётганимни мутлақо фаҳмламаётганини англадим», деди Ноир Мигель. У йигитдан, биродар Викариолар сени ўлдирамиз деб пойлаб ётишганмиш, шундан хабаринг борми, деб сўраган. «У бирдан оқариб кетди, шунчалик саросималандики, рангирўйи ва туришига қараб, ўзини гўлликка соляпти-ёв, деб ўйлаш мумкин эди», деди менга яна Ноир Мигель. Мўйсафиднинг фикрича ҳам, Сантьяго Насарнинг ҳолатида кўркувдан кўра саросима устун бўлган.

— Қассоблар ҳақми-ноҳақми, буни ўзинг ҳаммадан кўра яхши биласан, — деган чол йититга. — Энди сенинг олдинда икки йил қолди холос, ўғлим; мана шу хонадон сенинг ҳам уйинг, ё шу ерга яширин, ё милтигимни олиб, кейин кўчага чик.

— Э, ҳеч нарсага тушунмай қолдим ўзи, — дея ғудранган Сантьяго Насар.

Тили фақат шу гапгагина келган, буниям испанчалаб айтган Ноир Мигель менга: «У бояқиш сувга тушган жўжадай ночор эди»,



деди. Сантьяго Насар қўлидаги қутичани қаерга қўйишини билмай ҳайрон турганда, чол қутини олган, у эса эшикни очган.

— Битта ўзига икки киши-я, номардлар! — деган Ноир Мигель.

Сантьяго Насар ташқарига чиққан. Халойик худди намойишга келгандай майдонни саф-саф бўлиб эгаллаган эди. Сантьяго Насарнинг чиққанини ҳамма кўрган, ўзини икки саллоҳ чавақлаймиз деб пойлаётганидан хабардорлигини ва шунинг учун рангида ранг қолмай, ўз уйига ям йўл тополмаётганини ҳам халойик тушунган. Айтишлари-ча, кимдир пешайвондан туриб: «Ҳей турк, уёққа борма, эски бандар томондан юр!» деб кичқирган. У овоз эгасини ахтариб аланглаган. Жамил Шаййум эса унга, дўконимга беркиниб тур, дегану ўзи ов милтигини олиб келгани жўнаган, аммо ўқни қаерга яширганини эслай олмай, роса қидирган, орада вақт ўтиб кетган. Оломон чор тарафдан унга қарата кичқираверган, йигит, уларнинг бақиригидан қулоғи битиб, гоҳ ўннга, гоҳ чапга юрган. Ниҳоят, ўз уйи томонга йўналган, ошхона эшиги орқали кирарман, деб ўйлаб бораётиб бирдан кўча эшикнинг очик турганига кўзи тушган.

— Ана, у келяпти,— деган Педро Викарио.

Икковлон Сантьяго Насарни бараварига кўришган. Пабло Викарио камзулини ечиб, курсига ташлаган-да, ятағансифат пичогини қўлига олган. Биродарлар дўкондан чиқишдан аввал индамасдан чўкиниб олишган. Шунда Клотильде Армента Педро Викарионинг ёқасидан бўғиб ушлаган-да, Сантьяго Насарга қарата, тезроқ қочиб қол, бўлма-са сени ўлдиришади манавилар, дея кичқирган. Унинг чинқириги шунчалик пуртаҳлика эдики, оломон бирдан жимиб, атрофга бир лаҳзагина сукунат чўккан. «У аввалига қўрқиб кетди,— деди менга Клотильде Армента.— Чунки ким, қайси жойдан кичқираётганини билмаган эди». Сантьяго Насар бир вақтнинг ўзида аёлни ҳам, уни бир туртиб нарига улоқтирган Педро Викариони ҳам, унинг акасини ҳам кўрган. Йигит уйдан эллик қадам чамаси берида турарди. У шошиб кўча эшик томон чопган.

Шундан беш дақиқа аввал Викториа Гусман ошхонага кирган Пласида Линерога ҳаммага маълум шумхабарни етказган. Пласида Линеро босиқ, фаросатли хотин эди, кўнглидаги ғулувни сездирмаган. У Викториа Гусмандан бу гапни ўғлига айтган-айтмаганини сўраган, оқсоч эса, ўғлинг қаҳва ичгани кирганида бундан беҳабар эдим, дея онани алдаган. Меҳмонхонани супуриб-сидираётган Дивина Флор Сантьяго Насарнинг майдон тарафдан қайтиб келганини, айланма зинадан юриб, ётоғига чиқиб кетганини айтган. «Тушдагидай кўз олдимдан бир лаҳзада ўтдию кетди,— деди менга Дивина Флор.— У оппоқ кийимда эди, қўлида бир нарса бор эди, нималигини кўролмагандим, менимча, бир даста атиргул эди». Шу боисданми, билмадим, Пласида Линеро Дивина Флордан ўғлини сўраганида, қиз уни тинчлантирган:

— Бир дақиқа олдин ётоғига чиқиб кетганди,— деган у.

Худди шу аснода Пласида Линеро ерда ётган хатни кўрган, лекин уни қўлига олиб ўқимаган, фақат кейинроқ, умумий олағовурда кимдир унга қоғозни очиб кўрсатганида, унда нималар ёзилганидан хабар топган. У очик эшикдан ташқарига боқиб, ўз ҳовлиси томон пичокларини ялтиллайтиб чоғиб келаётган ака-ука Викариоларга кўзи туш-

ган. У турган жойдан факат қосидлар кўринган холос, муштипар она майдоннинг нариги ёғидан очик эшик сари жон ҳалпида инти-лаётган ўғлини кўролмаган. «Мен бу расволар уйимизга бостириб ки-риб, уни шу ерда ўлдиришмоқчи, деб ўйлапман», деди у менга. Шун-дан сўнг Пласида Линеро чошиб эшик ёнига борган-да, бир зарб билан уни қарсиллатиб ёпган. Тамбани кўяркан, аввало Сантьяго Насарнинг фарёдли овозини, кейин эшикни кимдир жон талвасасида кетма-кет коққанини эшитган, бироқ у ўғлининг тепада — ётоғида эканига, унинг ўша жойдан туриб саллоҳларни сўкаётганига ишонган. Ўзиям қассобларнинг адабини бермоқ ниятида ўғлининг ётоғига йўналган.

Уйига қочиб кириб, казодан қутулмоқ учун Сантьяго Насарга ати-ги икки сониягина керак эди, худди шу фурсатда эшик ёпиб қўйилган-ди. У бир неча бор эшикни муштлаб, итариб кўрди, нажот йўқлигини англаб, душманларни юзма-юз қаршилаш мақсадида дарҳол орқаси-га ўгирилди. «Унинг рўпарамда турганига кўзим тушган заҳоти кўр-қиб кетдим, — деди менга Пабло Викарио. — У назаримда аслига нис-батан икки баравар каттариб кетгандай туюлди». Педро Викарио би-ринчи бўлиб унинг ўнг тарафидан тиккасига пичоқ солган, у зарбани қай тармоққа тарадудланиб, кўли билан химояланмоққа интилган.

— Қанжиклар! — дея кичкирган сўнг Сантьяго Насар.

Пичоқ ўнг қўлининг кафтини тилиб, биқинига бор буйи санчилган. Ҳамма унинг:

— Во-ой, онажо-о-о-он! — деган фарёдини эшитган.

Педро Викарио, бераҳм саллоҳ, пичоғини суғуриб олиб, яна ўша жойга қайтадан тикқан. «Иккинчи бор тиг ургач ҳам пичоқнинг топ-тозалигича қайтиб чиққанини кўриб, ҳайрон қолдим, — деган тергов-чига. — Мен унга яна уч марта тиг урдим, пичоққа бир томчиём қон юкмади». Иккинчи зарбадан сўнг Сантьяго Насар қорнини ушлаб, ярадор бузоқдай бўкириб, инграниб эгилган-да, саллоҳларга орқасини ўгириб, ўзини олиб қочмоқчи бўлган. Ятаган пичоқ тутган Павло Ви-карио унинг чап ёнида турганди, шу дамда у йигитнинг қоқ белига пи-чоқ санчди, унинг баданидан отилиб, тошиб оққан қон оппоқ қўйла-гини қизилга бўяди. «Қўйлагидан ҳам, қонидан унинг ҳиди келарди», деди менга Пабло Викарио. Уч бор қаттиқ тиг еб, фано остонасига бориб қолган Сантьяго Насар тагин хунрезлар сари юз бурди-да, она-жониси билмасдан беихтиёр ёпиб қўйган эшикка тисланиб бориб, гўё қассоблар уни сўйиб-сўйиб, осонликча жонини олиб қўя қолишлари-ни истагандай мажолсиз туриб қолди. «Сўнг у ортиқча ўқирмай қўй-ди, — деган Педро Викарио терговчига. — Аксинча, наздимда у энди кулаётганга ўхшарди». Одамқушлар Сантьяго Насарни эшикка қониди олиб, икки томонидан басма-басига пичоқ ураверишган, даҳшату ваҳ-шийат ичра нестланиб, не қилаётганларини-да унутишган, бу қаттол-ликдан қаттиқ таъсирланган оломоннинг ваҳимали нидосини ҳам эшитишмаган. Мен ўшанда ўзимни худди отда учиб бораётгандай ҳис этдим», деди Пабло Викарио. Ниҳоят улар толикишиб, бирдан хушёр тортишган, икковигаям Сантьяго Насар ҳеч қачон ўлмайдигандай, йикилмасдан шундай тураверадигандай туюлган. «Э, ҳар кимниям шунақа расво ишдан асрасин, оғайни, — деди менга Пабло Викарио. — Одам ўлдириш — энг оғир иш эканини тасаввур қилолсайдинг?!»



Охири Педро Викарио Сантьяго Насарнинг юрагига пичоқ уриб йикитиб, қутулиб қўя қолай, деган ўйда, чўчка сўяётганида хайвоннинг қўлтиги остидаги юрагига тиг санчиб ўрганганиданми, йигитнинг қўлтигига пичоқ солган. Биродарлар бири қўйиб, бири уриб эшикка суяб туришгани учун Сантьяго Насар йикилмаган. Токати ток бўлган Пабло Викарио бояжшнинг қорнига пичоғини сукиб, бураб-бураб юборган, шунда унинг юрилган қорнидан ичак-чаваги ташқарига отилиб чиққан. Педро Викарио ҳам акасига таклид қилиб қурбоннинг қорнини мўлжаллаб зарб берган, аммо қўллари қўркувдан титраб, ўзига бўйсунмай қўйгани учунми, пичоқ йигитнинг сонини тилиб ўтган. Сантьяго Насар яна бир муддат эшикка осилганича тек турган, сўнгра, қуёш шуълалари тушаётган, ёрилган қорнидан ажралиб чиққан кўкимтир, топ-тоза ичак-чавағини кўриб, иззалаб йикилган.

Пласида Линеро жигаргўшасини чақирганича ётоқда айланиб юриб, кимнингдир — ўғлининг эмас — кичкирганини эшитгану деразадан майдонга қараган: черков томонга қочиб кетаётган ака-ука Викариоларни, уларни қувиб бораётган милтикли Жамил Шаййум ҳамда бир гуруҳ қуролсиз арабларга кўзи тушган. У хавф-хатардан қутулибмиз, дея ўйлаган, кейин ётоқхонанинг пешайвониغا ўтгану уйга кираверишда юзтубан ётган ўғлини кўрган. Сантьяго Насар чаңг-тўзонга, қора қонига беланган юзини ердан узиб, зўррият-ла ўрнидан турмоққа уринар эди. Ниҳоят у ўрнидан туриб, қаддини ростлаб, осилинқираган ичак-чавағини ҳовучлаганича юра бошлаган. Ҳовлини айланиб ўтиб, ошхона эшигидан уйга кириш учун роса юз қадамча йўл босган. Ўша ҳолатдаям фикри равшан бўлган, кўчадаги йўл узоклигига, қўшниникидан айланиб ўтиш қулайроқ эканига ақли етган. Уларинг ҳамсояси Пончо Ланао, хотини, беш бемаси уйларида йигирма одим нарида бўлаётган ишларни билишмаган. «Биз ғала-ғовурни эшитдик, — деди хотин менга, — аммо одамлар епископни кутиб олишяпти шекилли, деб ўйладик». Қонқушига бўялган Сантьяго Насар уларни кига кириб борганида эндигина нонуштага ўтиришган экан. «Мен ўшанда димоғимга урилган бадбўйни ҳечам унутолмайман», деди менга Пончо Ланао. Унинг тўнғич қизи Архенида Ланаонинг таъкидлашича, Сантьяго Насар одатдагидай текис, залворли одим ташлаб кириб борган, унинг қадимий саратсин қавмига хос юзи, жингалак сочлари бағоят хуш, гузал бўлган. Йигит улар ўтиришган стол ёнидан ўтаётиб жилмайиб қўйган, сўнгра орка эшикдан чиқиб кетган. «Кўрққанзимиздан тошдай қотиб қолдик», деди менга Архенида Ланао. Холам Венефрида Маркес ўшанда ўзининг дарё бўйидаги ҳовлисининг ялангида балиқ тозалаётган экан. У Сантьяго Насарнинг лангаргоҳдаги зиналардан пастга тушаётганини, уйи томонга йўл олганини кўрган.

— Сантьяго, болажоним! — дея кичирган у. — Сенга нима қилди-а? Сантьяго Насар уни таниган.

— Мени сўйишди, ўлдиришди, Вене хола, — дея жавоб берган у.

У энг сўнги зинага қоқилиб кетган, бироқ дарҳол ўзини ўнглаб олган. «Ҳатто ичагига ёпишган тупроқни эринмай артиб ташлади», деди менга Вене хола. Кейин у эрталабки соат олтидан бери очик турган орка эшикдан уйига остона ҳатлаб ўтгану жонсиз ҳолда юзтубан йикилган.

## МАРКЕС БИЛАН УЧРАШУВ

Шимолий кенгликнинг ўттиз иккинчи, жанубий кенгликнинг элик олтинчи градуслари оралиғидаги саккизта жуғрофий минтақада ястаниб ётган ва ўттиздан зиёд каттаю кичик мамлакатдан иборат Лотин Америкасида олтмиш йил муқаддам Габо таваллуд топди, колумбиялик ана шу бола пайти келиб Габриэль Гарсиа Маркесга айланди.

Дунёи қўтирининг борки аччик-чучугини татиган бу зотнинг юраги баҳри мавжвар тўлқинлари каби қирғоқларини беаёв савалагани савалаган. Йўқса, Нобель мукофоти топширилиш тантанасида сўзлаган нутқида адабий қарашлари ва ижод сирлари ҳақида гапириш ўрнига ақобуру аёнлар қиёфасини шу қадар алайно ошқор фoš қилардими у?

Мана, ўша олти йил аввал сўзланган нутқнинг давоми: «Лотин америкалик йигирма миллион бола икки ёшга тўлмасдан ўлиб кетишди. Репрессия туфайли бадар кетганларнинг сони бир юзу йигирма мингдан ошди. Бир миллион чилилик ёки аҳолининг ўн фоизи мамлакатини ташлаб кетишга мажбур бўлишди. Жами икки ярим миллион аҳолига эга мўъжазгина Уругвайнинг ҳар бешинчи нафар кишиси қувғинда яшайди. Лотин Америкасидан кетиб қолган қочоғу муҳожирларни агар бир жойга тўплаб, давлат тузишса борми, аҳолиси миқдори Норвегияникидан анча кўп бўлар эди.

...Европалик тараккийпарварлар мамлакатларида ўрнатишмоқчи бўлган социал адолат нега энди Лотин Америкасига тўғри келмас экан?

...Йўқ, Лотин Америкаси беирода шахмат пиёдаси бўлишни асло истамайди ва бундай бўлмайди ҳам».

Эзгулик, дарддошлик, мардонаворлик. Маркес сарбаландлигининг, муқтадирлигининг ибтидоси ана шулардир. Унинг жисми-жонини булар қанчалик чуқур банд этганлигини англаш учун ҳеч бўлмаса «Мустабиднинг паймонаси», «Полковникка ҳеч ким хат ёзмайди», ёинки «Ёлғизликнинг юз йили»ни ўқиб чиқиш кифоядир.

Маркес ижоди билан танишганимдан ва айниқса, «Ёлғизликнинг юз йили» романини Нурали Қобул билан бирга ўзбекчага ўгирганимдан сўнг бу улкан сўз санъаткорига, адабиётшунослар таъбири билан айтганда, замонамиз адабиёти маршали бўлмиш аллома адибга нисбатан юрагимда чексиз эҳтиром туғилди. Адибнинг янги асарларию ижоди тадқиқ этилган рисолалар ундаги янги-янги хислатларни намоён этгани сари бу туйғу тагин зўрайди. Ахийри, у билан учрашиш, суҳбатлашиш орзуси кўнглимни банд этди.



Орадан кўп вақт ўтмай, унинг Москва кинофестивалига ташриф буюриши ҳақидаги хабар кулоғимга чалинди. Зудлик билан пойтахтга учиб аҳд қилдим.

«Домодедово» аэропортидан тўғри «Москва» меҳмонхонасига йўл олдим, жойлашгач, фестиваль штаби — «Россия» меҳмонхонасига кирдим, оралик масофа яқин — кўчанинг нариги юзидан Қизил майдон бўйлаб Василий Блаженный соборининг шундоқ чап томонига утилса, бас.

Матбуот марказидагилар рўйхатга олишди, аккредитация карточкасини беришди.

«Ха, Маркес келган, — дейишди улар, — лекин қайси меҳмонхонадалигини аниқ айтолмаймиз. Фестивалнинг бошқа хизмат гуруҳларидагилар, балки ёрдам беришар сизга». Бу беҳисоб гуруҳлар улкан меҳмонхонанинг талай хоналарини банд этган эди. Ўша куни кирмаган хонам қолмади, Хунобим ошиб кечаси ухлолмай чиқдим. Эрталаб яна штабга кирдим, ярим куним Маркеснинг шу ердами ёки йўқлигини аниқлашга кетди. Уринишларим натижа бермади. Аммо куннинг иккинчи ярмида омад кулиб боқди.

...Маркесларнинг каватига етиб келганимиздан сўнг, у тўрдаги ойнаванд холлга бошлади ва «Бу гал сизларни узоқ куттирмаймиз», деб таржимон Марина Сергеевна билан номерга кирди.

— Нима деб ўйлайсан, интервью берадимикан? — деб сўрайман суратчидан.

— Албатта-да, — дейди у ишонч билан, — йўқса, «мени кечиринглар, вақтим зик», деб қайтариб юборарди...

Мен ичимда саволларни такрорлаганча хонанинг у бурчагидан бу бурчагига бориб-келамам. Суратчи эса аппаратини текширишга тушади.

Чиндан ҳам бу гал бизни кўп куттиришмади.

— Мен энди сизнинг ихтиёрингизданман, — дейди Маркес.

— Суҳбатдан илгари, ижозат берсангиз, сизнинг таъбингиз билан айтганда, юкимни енгиллаштириб олсам.

Сумкадан беқасам тўн, дўппи, қийиқ оламан. Чопонни Маркеснинг эгнига ташлайман, белига белбоғ боғлаб, бошига дўппи кийдираман.

— Менга ўлчагандай тикилган экан-а, раҳмат, — дейди у ва мени кучиб олади.

Шу пайт аллақадан пайдо бўлган Мерседес «ўзбекка айланиб қолган» эрини кўриб, хандон отиб кулади, ҳеч ўзини босолмайди.

Маркес унга мени таништиради.

— Мерседес, — табассум билан қўлини узатади хоним.

— Бу сизга, сеньор Маркесга бизнинг миллий овқатлардан ҳам тайёрлаб беришингиз учун!

— Эҳ-хе, зўр-ку! — қизиқиб қолади Маркес ҳам ва улар мен Мерседесга ҳадя қилган «Ўзбек таомлари» китобини (унинг тексти ўзбек, рус, инглиз тилларида эди) бир-бир варақлаб, рангли суратларни кўздан кечиришади.

Маркес билан Мерседеснинг иноқлиги, улар орасидаги ўта са-

мимий дўстона муносабат ҳақида кўп эшитган эдим. Мана, бунга ўзим ҳам гувоҳ бўлиб турибман.

Маркесга суксурдек икки ўғил ҳадя этган бу аёл ҳаётнинг барча ғаму аламини, шодлигу қувончини эри билан тенгма-тенг баҳам кўриб келаётир. Адиб асарларининг дунёга келишида унинг ўзига яраша ҳиссаси бор. Маркес «Ёлғизликнинг юз йили» романини ёзишга ўтиришдан аввал, бор бисоти — машинасини сотиб, пулни хотинига беради-да: «Олти ойда романини ёзиб тугатаман. Унга шу пул етар», дейди. Асарнинг ёзилиши бир ярим йилга чўзилади. Пул тугаб, йўқчилик зиклантириб турса-да, Мерседес оғирликни зиммасига олиб, романи битгунча эрини безовта қилмайди...

— Очигини айтсам, — дейди Маркес, — ёзувчига хотин бўлиш ҳамма аёлнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мерседеснинг мен туфайли кўрмаган азоби қолмади. Энди бу ёғи роҳат-фароғат дейсизми? Қаёқда!..

Аслида менинг энг яхши асарларим китобларим эмас, ўгилларимдир. Баъзан шундай пайтлар бўладики, уйга таъбинг тиррик ҳолда қайтасан. Лекин мен буни на рафиқамга, на болаларимга билдираман.

Менинг бош вазифам — оталик.

...Бизникида ёзилмаган бир ақида мавжуд: оиламиз аъзолари олдидаги ҳар бир муаммони, албатта, тўртталамиз биргалашиб ҳал қиламиз.

Маркес гапира туриб суҳбатдошига тик боқади. Унинг тийрак, каттакон кўзларида гоҳо қалбни сиқиб юборадиган айёрлик аломати, гоҳо меҳр учкунлари жилва қилади.

«Испан истилочилари барча бойликларимизни талаб кетишди, аммо улар бизга — ўзлари сезмаган ҳолда — энг катта хазина — испан тилини колдиришди», деб ёзган эди Пабло Неруда.

Айтишларича, қадимий испан тили Испанияда эмас, хануз Лотин Америкасида сақланиб қолган. Испан тили ўта мусиқавий. Бу тилнинг ҳақиқий жозибасини ҳис этиш, камалакдек жилва қилишини туюш учун лоақал бир маротаба Маркеснинг суҳбатида бўлиш кифоя. Унинг овози ўта майин, хушоҳанг.

— Илк ҳикояларингизни қачон ёза бошлагансиз?

— Ўқишу ёзишни билмаслигимдан анча илгари. Мен ёзишу ўқишни билмасимдан аввал расм чизишни ўрганиб олувдим, дастлабки ҳикояларни расмлар ёрдамида «ёзганман».

— Ёзувчиларни асосан истеъдодлар ва истеъдодсизлар тоифасига ажратиш мумкин. Аммо Сиз уларни қандайдир бошқа тоифаларга ажратар экансиз?

— Тўғри, ёзмайдиганлар ва ёзадиганлар тоифасига ҳам бўлинамиз. Ажабланирлиси шундаки, давраларнинг тўри ёзмайдиган ёзувчиларники бўлади, ҳамиша. Ҳозир аксар жойларда бу русумга қир-япти... Бирор кишининг ёзувчи деган номи бўлса — бас, қандай ижодкорлигидан, ҳатто анчадан буён қўлига қалам олмай қўйганидан қатъи назар, сажда қилгудек бўлишади.

Ёзадиган ва ёзгандайм зўр ёзадиган ёзувчи эса элга кам кўринади. Чунки у мудом ижод билан машғул бўлади-да.



— Ёзувчилар борки, бир бет нарса ёзиш учун жуда кўп қоғоз сарфлашади. Биз — ўзбекларнинг Абдулла Қаҳҳор деган талантли адибимиз ана шундай ижодкорлардан эди...

— Биласизми, бир марта ўн икки бет ҳикояни ёзиш учун ярим мингта қоғоз сарфлаган эдим... Одатда, электромашинкада ёзаман. Иш жараёнида жумла кўнгилгидек чиқмаса ёки бирор сўз ўрнига тушмаса, устидан ўчирмайман, тоза қоғоз олиб, бир бошидан бошлайман.

— Агар мумкин бўлса, ижодий жараёнингиз билан таништирсангиз.

— Ёшим ўтган сари ёзиш тобора оғирлашаётганлигини сезяман. Ёшлигимда, газетада ишлаб юрганымда, ишдан кейин қолиб, ярим кечагача ижод қилар эдим. Ҳатто бир ўтиришда ҳикоя ёзиб ташлаган пайтларим бўлган. Энди эса... агар куни билан ярим бет, нари борса бир бет ёзсам (эртасига қайта ишланмайдиган пишиқ-пухта қилиб, албатта), қувониб кетаман.

Мен эрталаб соат олтида ўриндан тураман. Икки соат мутолаа қиламан. Соат тўққизларда машинкага ўтириб, то иккигача ишлайман. Дам олиш куни мутлақо йўқ менда.

Ишга киришишдан олдин соқол оламан, ўзимни тартибга келтираман. Одатим шунақа. Бунга сабаб, мен ўқиган коллежда тартиб қаттиқ эди: эрталаб бешда турардик-да, ҳовлига чиқиб, муздай сувга ювинардик. Дарсга эса пиджак кийиб, галстук тақиб борардик.

— Ҳар бир асарингизни қиёмига етказиш учун қанча вақт сарфлайсиз?

— Ёзувчининг бирор асарини ёзиш учун қатъий бир муддат белгилаши кулгили, албатта. Асарнинг мукаммалашуви осон кечмайди, шунга яраша вақт кетади. Масалан, «Мустабиднинг паймонаси»ни етти йилда ёздим. Унинг икки вариантдан воз кечишга тўғри келган.

— Маълумки, Лотин Америкасида романчилик анчадан буён таракқий этиб келаётган бўлса-да, кўнчилиكنинг қизиқиши суст эди. Сўнги йилларда унга эътибор шунчалик ошдики, ҳозир на Сизнинг, на бошқа ҳамюртларингизнинг китобларини дўкондан топиб бўлади...

Лотин Америкаси насри, хусусан, романларининг оламшумул довриги Сизнинг назарингизда, нима билан изоҳланади?

— Ҳақиқатда ҳам романчилигимиз катта тарихга эга. Олтмишинчи йилларда Лотин Америкаси адабиётида кучли портлаш юз берди (унинг туб моҳиятини танқидчилар ҳозиргача билишолмай гаранг). Бу портлашнинг акс-садоси дунёдаги барча адабиётларда ўз аксини топди ва топмоқда. Гарчанд нокамтарлик бўлса-да, шуни таъкидламоқчиманки, ушбу портлаш «Ёлғизликнинг юз йили» романидан кейин бошланди.

Бунгача Рульфони, Алехо Корпентьернинг кўплаб романлари бошиб чиққан, ўзим ҳам бирмунча асарлар ёзган эдим. Лекин... «Ёлғизликнинг юз йили» эълон қилингангина одамларнинг диққати бирдан бизга жалб бўлди, улар Лотин Америкаси романининг мо-

ҳиятини илғай бошлашди. Бошқача қилиб айтганда, биз керакли нишонга уриб, ўқувчиларни ўзимиз томонга оғдириб олдик. Илгарилари асарларимиз кам таржима қилинса, энди таржимонлар бизни тинч қўйишмас эди...

Ҳа, Маркес «Ёлғизликнинг юз йили» романини 1967 йилда ёзиб битиради. Оилалари қарзга ботган, ҳамма умид ана шу асардан келадиган маблагда эди. Аммо нималар кутяпти уни олдинда? Мерседес романнинг қўлёзмасини почта орқали «Сур американа» нашриётига жўнатар экан, асосан шу ҳақда ўйларди. Нашриёт мутасаддиларининг наздида, бу китобга шу тираж ҳам кўпдек туюлган, сотилмай қолиб кетишидан чўчишган. Роман бир ҳафтадаёқ тарқалиб кетди! Шоша-пиша иккинчи тираж чиқарилди. Бу ҳам яшин тезлигида тарқалди. Энди романнинг дунё бўйлаб салб юриши бошланди. Хорижий мамлакатларда унга бағишлаб монографиялар, маколалар эълон қилинди.

— Сиз президенти бўлган Лотин Америкаси кинеси фонди бугунги ишлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Ҳозир Лотин Америкаси кинеси танг бир аҳволни бошидан кечиряпти. Миллий киномиз мавқеини тиклаш пайти аллақачоноқ келган. Биз шу режани амалга ошириш мақсадида бундан бир йил бурун Лотин Америкаси кинематографчилари комитетини ташкил этдик. Комитет эса, ўз навбатида, янги Лотин Америкаси Фондини тузди. Унинг штаб-квартираси Гаванада жойлашган. Регионимизнинг ўн тўртта шаҳрида Фонднинг филиаллари мавжуд.

Биз йилига ўнтача картинани суратга оламиз. Аммо мени бир нарса — фильмларимизнинг тақдири ташвишга солади. Бизда фильмофонд, яъни картиналар архиви йўқлиги учун ҳам уларни узоғи билан, айтайлик, 15—20 йил сақлаш мумкин, холос. Кейин эса... Ҳар бир фильм катта маблағ, оғир меҳнат эвазига вужудга келади-ку, ахир. Бундан ташқари, у хотира, этнографик хотира ҳамдир. Фильмлар изсиз йўқолиб кетаверса, унда нима кераги бор уларни яратишнинг, унда нима зарурати бор турли-туман фестиваллар ўтказишнинг? Шунинг учун ҳам фильмофонд бизга сув билан ҳаводек зарур.

— Сизлар қандайдир мактаб ҳам очибсизлар?

— Қандайдир эмас, Лотин Америкаси кино ва телевидение мактаби. Шундай мактабни ташкил этиш менинг азалий орзуйим эди. Бу орзунинг амалга ошиши учун кўп жойларга югурдим, кўпгина идораларнинг эшигини қокдим (буш вақтларимда эса романлар ёзиш билан шуғулландим). Охири, Куба раҳбарлари қўллаб-қувватлаб, маблағ ажратишгач, ишимиз юришиб кетди.

Мактабимизда асосан режиссёру сценарийнавислар тайёрланади. Мен мактабда «Ҳикоя қандай қурилади?» мавзуида семинар олиб бораман. Эндиги йил январдан бошлаб семинаримга энг чекка қишлоқлардан, умрида на телевизор, на кино кўришган тўққиз ёшли ўн нафар болани қабул қиламан. Табиийки, олдин уларнинг лаёқатини синаб кўрамиз. Бундай тингловчиларнинг қандай шаклланиши эса фақат бизга боғлиқ.



— Кинематограф билан адабиётнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида фикрингиз қандай?

— Ҳозир кино қай бир даражада адабиётга тобе. Чунки режиссёрлар доимо пишиқ-пухта сценарийга, демакки, ёзувчининг кўмагига муҳтож. Аслида эса кино тамомила мустақил бўлмоғи, яъни режиссёр, ўзгалар тўқиган воқеаларга ҳадеб мурожаат қилавермаслиги, балки юрагидаги дардни ифода қилиши керак.

— Кинематограф билан ҳамкорликни давом эттирасизми?

— Ҳамкорлигимиз кучаяди ҳали. Энди атай кино учун асарлар ёзиш ниятим бор.

— Сеньор Маркес, Тошкентда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари кинофестивали ўтиб туришидан хабарингиз бўлса керак?

— Ҳа, биламан. Тошкентда ўтаётган ҳар бир фестиваль таракқийпарвар мамлакатлар кинематографияси ривожига муносиб ҳисса қўшаётир.

— Еттинчи Тошкент киноанжуманида Сизнинг «Тул Монтъель» ҳикоянги асосида тайёрланган фильм намойиш этилди. Чилилик кинорежиссёр Мигель Литтен суратга олган бу картина — ҳали-ҳали эсимда, томошабинларда катта қизиқиш уйғотганди. Келаси йил баҳорда галдаги фестиваль бўлади. Тошкент фестивалига ташриф буюрмайсизми? Шу баҳонада, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаям меҳмон бўлардингиз.

— Тошкентда бир марта бўлгандим, шаҳарингизга яна ташриф буюриш ниятим йўқ эмас. Чунки ўшанда уни тўйиб томоша қилмаганман.

— Қачон бўлувдингиз?

— Бундан анча илгари. Дўстим Фидель Кастро билан бирга бир ёққа боратуриб Тошкентда тўхтаб ўтганмиз. Туғилганимдан буён қадамим етган энг олис нуқта — сизнинг юртингиз бўлади. Тошкент менга сирли ва жозиб туюлган. У ҳозиргина қурилган, айни пайтда ўта қадимий шаҳарга ўхшаб кетади. Қани, яна қандай саволингиз бор?

— Агар, совет ёзувчилари ва шоирларидан кимларгадир Нобель мукофоти бериш масаласини ҳал қилиш бевосита Сизга топширилса, кимларга раво кўрадингиз уни?

— Шу саволингизни бежавоб қолдирсам. Совет Иттифоқидаги ёзувчию шоирлар ичида дўстларим кўп. Агар бирини айтмай, иккинчисини айтсам, мендан хафа бўлишлари мумкин.

— Боя Сизнинг олдингизга келаётиб эшитиб қолдим, бугун, яъни ўн биринчи июль куни ер юзида беш миллиардинчи одам туғилар экан. Унга нима истаклар билдирасиз?

— Ҳа, хабарим бор. «Беш миллиардинчи одам» номини олади-ган чақалоқ қайси мамлакатда туғилмасин (балки туғилгандир ҳам), соғ-омон ўссин, бахтли бўлсин ва йигирма иккинчи асргача умр кечирсин!

— Мана, суҳбатимиз ҳам ниҳоясига етди.

— Энди бизнинг номерга бир кириб ўтсаларинг, — таклиф қилди Маркес.

Каттакон стол атрофида Мерседес бизни табассум билан кутиб олади.

Бу ердаги суҳбат бояги суҳбатга уланиб кетади. Аммо энди эру хотин кўпроқ мени саволга тутишади. Саволлар эса, асосан, Ўзбекистон хусусида. Улар бизнинг маданиятимиз ва санъатимиз, урф-одатларимиз билан қизиқишади. Гап тағин халқаро Тошкент кинофестивали устида борганида, уларни яна бир бор шаҳримизга таклиф қиламан. «Москвдан Тошкентгача неча соат училади?»— сўрашади улар. «Уч ярим, тўрт соатлар». «Бизлар эса Колумбиядан келгунча роса ўн соат учдик... Май ойида совуқ бўлмайди-ми, ишқилиб? Совуқдан сал кўрқамиз-да», дейди Мерседес. «Совуқ бўлмайди. Баҳор айна кулф урадиган палла бу, Тошкентимиз шу қадар гўзаллашадики! Турфа гуллар, чечаклар! Буни ўз кўзларингиз билан кўришга нима етсин!» «Насиб қилса, Ўзбекистонда бўламиз», дейди Мерседес. «Кутамиз сизларни!...» дейман хайрлашатуриб.

Уларнинг номеридан қушдай енгил тортиб чиқаман.

*Анвар ЖҰРАБОЕВ*  
1987 йил.



## МУҲАРРИРДАН

Азиз китобхон! Мана, сиз машҳур колумбиялик ёзувчи, Нобель мукофоти соҳиби Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» романи ва «Ошқора қотиллик қиссаси» билан танишдингиз. Бу икки бадиий ганжина бугунги адабий дунё ҳамда ўзбек адабиёти миқёсини, унинг келгуси имкониятларини кўрсатиб бера олади.

Колумбиялик ёзувчини бутун дунёга танитган «Ёлғизликнинг юз йили» (1968) романи XX асргача бўлган адабий мероснинг аксар усулларини, анъаналарини, Гарбу Шарк тенденцияларини (мутолаа жараёнида бунга ишонч ҳосил қилдингиз) ўзида мужассам этган. Роман ёлғизликка — заволга юз тутган бир оиланинг фожиали тақдири орқали инсоният тарихининг сўнгги юз йиллигига доир манзараларни акс эттиради. Ёлғизлик — маънан қашшоқ цивилизация одамининг атроф оламдан узилиб қолишигина эмас, одамнинг ўзига-ўзи беғоналашуви ҳамдир; азалий анъаналарнинг, ота-болалик, қариндошлик, оға-инилик муносабатларининг ҳамда насроний ақидаларнинг емирилиши оқибатида пайдо бўлган оммавий ёлғизлик, оммавий лоқайдликдир...

«Ошқора қотиллик қиссаси»да бугунги ҳаётга нисбатан аччиқ истехзо уфуриб туради. Негаки қотиллик юз беришини ҳамма билади, ҳамма бу кўргиликнинг олдини олмоқчи, бироқ охир-оқибатда ҳамма қотилликнинг бевосита иштирокчисига айланиб қолади. Қотилдан кўра, уни томоша қилиб турганлар бешбаттар қотил, бу — XX асрнинг ўзига хос фожеаларидан биридир. Буюк ёзувчининг ана шу ҳукми сизни теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга фаол аралашингга, она юрт келажаги учун доимо қайғуришга, томошабин ва лоқайд бўлиб қолмасликка ундайди.

Асар қаҳрамонларининг бир-бирига муносабати, мураккаб ички олами сизни чуқур ўйга толдиради, руҳий дунёнгизда пўртаналар кўзгаётиди. Энди сиз бу «дард»лардан фориғ бўлиш чорасини излай бошлайсиз. Ахир, бадиий асарнинг қиммати, таъсир кучи айни шунда эмасми?!

«Ёлғизликнинг юз йили» ва «Ошқора қотиллик қиссаси» асарларини ўқимаган халқ ёки улар таржима қилинмаган тил деярли қолмаган. Ниҳоят, бу асарлар ўзбек тилига ўгирилиб («Ёшлик» ва «Шарк юлдузи» журналларида ўқигансиз), эндиликда нашрга тайёрланди. Таржима Маркеснинг бэй бадиий оламига илк саёҳат бўлгани туфайли айрим қусурлардан ҳоли эмас.

Қўлингиздаги китоб сизнинг кўнгил мулкингиздан муносиб ўрин олиши шубҳасиз. Уйлаймизки, ажойиб сўз санъаткори Габриэль Гарсиа Маркес асарлари билан танишув ҳали давом этади.

ола,  
хоти  
беки  
одаг  
ноф  
лиф  
сўра  
дан  
ми,  
«Соғ  
кент  
ўз к  
кист  
хайр

Улағ

## МУНДАРИЖА

Ёлғизликнинг юз йили. Роман. Русчадан <i>Нурали Қобул ва Анвар Жўрабоев таржи- маси</i> .....	5
Ошқора қотиллик қиссаси. Русчадан <i>Тоҳир Қаҳҳор</i> таржимаси .....	280
Маркес билан учрашув .....	344
Мухаррирдан .....	351

Литературно-художественное издание

Габриэль Гарсиа Маркес

СТО ЛЕТ ОДИНОЧЕСТВА  
ХРОНИКА ОБЪЯВЛЕННОЙ СМЕРТИ

Роман и повесть

Ташкент, издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадий нашр

Габриэль Гарсиа Маркес  
ЁЛВИЗЛИКНИНГ ЮЗ ЙИЛИ  
ОШҚОРА ҚОТИЛЛИК ҚИССАСИ

Роман ва қисса

Такризчилар: *М. Солиев, Назар Эшонқулов*

Мухаррир *Бахтиёр Омонов*

Расмлар муҳаррири *А. Бобров*

Техн. муҳаррир *Т. Смирнова*

Мусаххилар Ш. Собирова, Д. Абдуллаева

ИБ №3929

Босмаҳонага берилди 03.05.89. Босишга руҳсат этилди 05.03.90. Формати 60×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози.  
Тип. Тайме гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма л. 22,0. Шартли кр.-оттиск 31,0. Нашр. л. 26,0.  
Тиражи 60000. Заказ № 1241. Баҳоси 3 с. Супер обложкада баҳоси 3 с. 70 т. Шартнома № 28—89.  
Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Матбаа Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг  
Бош қорхонаси. Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.